



«ЖАҲОН АДАБИЯТИ» КУТУБХОНАСИ

Жеймс Хедли

# ЧЕМЗ



КУЗРУН

АБРЛИ

КУШ

821.111-31 2016/83

4-34 ~~3207~~

Алеф М. П.

Сызырым-садрин

8700

8700с.

18 09 18

2016/83  
3207









Жеймс Хедли

ЧЕЙЗ

КУЗҒУН-  
САБРИ ҚУШ

*Роман*

ДОНҚОНДАН  
ҚЕЛГАН  
ҚУШ

*Роман*

УДК: 821.512.133-3  
ББК: 84(4 Вел)  
Ч-34

821.512-3.1 Чиниз  
Ч-34 араб.

**Рус тилидан  
Тўлқин Алимов  
таржимаси**

**Чейз, Жеймс Хедли**

Ч-34 Кузғун — сабрли куш / Жеймс Хедли; рус тилидан Т. Алимов тарж. — Т.: «O'zbekiston», 2012. 328 б.

Машҳур инглиз ёзувчиси Жеймс Хедли Чейз асарларини жаҳон халқлари соғиниб, севиб ўқийдиган ёзувчилар қаторида туради. Унинг асарларида адолат ёвузлик устидан, садоқат ва мухаббат қабоҳат, макр устидан тантана қилади.

Ёзувчининг ҳукмингизга ҳавола қилинаётган “Кузғун — сабрли куш”, “Гонконгдан келган тобут” романларида бойликка ҳирс қўйиш, пулга сиғиниб яшаш, ҳар қандай инсоний бурчни топташнинг аянчли якун топиши қизикарли воқеалар асосида тасвирлаб берилади.

УДК: 821.512.133-3  
ББК 84(4 Вел)

ISBN 978-9943-01-797-9

**Alisher Navoiy**

nomidagi

O'zbekiston MK

© «O'ZBEKISTON» НМИУ, 2012

2016/83

3204

Тодфеиш

# КУЗФУН- САБРЛИ КУШ



## БИРИНЧИ БОБ

**Ф**еннел бошида қора булутлар айланган пайтлари нуқул қандайдир хавотирли ва кўрқинчли туйғулар гирдобида уйғонарди. У ёстикдан бошини кўтариб, қулоқ солди. Сукунатни қирғоқда турган баржага сувнинг шалоплаб урилиши-ю, ёнида маза қилиб ухлаб ётган Мимининг аста эшитилаётган нафасигина бузиб турарди. Юқори палубани ёмғир томчилари тиқирлатарди. Бу товушлар унинг кўнглини хотиржам қилди.

Унда нега уйғонди?

Мана, бир ойдирки, Феннелни ўлим хавфи изма-из қувиб юрибди, бундан асаблари таранглашган, жинни бўлар даражага келиб қолган. Ҳа, хатар у билан ёнма-ён юрибди, буни у яхши билади. Назарида, унинг шарпасини сезиб, ҳатто кўриб тургандек.

Кўлини чўзиб каравотнинг остини ахтарди. У ерда учига занжир маҳкамланган залворли полиция таёкчаси бор эди. Ёнида маст уйқуда ётган аёлнинг уйқусини бузгиси келмай, эҳтиётлик билан чойшабни кўтарди-да, каравотдан сирганиб тушди.

Феннел хар доим кийимларини ечиб, ёнига тахлаб қўярди. Буни эҳтиёткорлик юзасидан қиларди. Ахир, ажал бўйнига сиртмоқ солай деб турган одам кийимларини тезда кийиб олиши учун уларни қулай жойга қўйиши керак-да.

У бир зумда шимини кийиб, каучук тагчармли ботинкасини оёғига илди. Аёл уйқусираганча қимирлаб пичирлаб қўйди. Феннел таёқни қўлига ушлаган ҳолда, эшикка бориб, тамбани олиб қўйди, аста тутқичдан тортиб эшикни қия очди. Кейин уни бир қаричча очиб, диққат қилиб қоронғиликка қулоқ тутди. Ҳаммаёқда сокинлик ҳукмрон. Лекин Феннел, юрагига тушган гулгула, бесаранжом туйғулар уни алдамаслигини яхши биларди. У пристандан тушиб турган шуъланинг хира ёруғи-да палубани яхшилаб кўриб олиш учун эшикни каттароқ очди.

Чап томондан, Вест-Энд тарафдан тушиб турган қизғиш шуъла ажралиб турарди. Феннел бутун вужудини кулоқ қилиб атрофга тикилди, лекин шубҳали бир нимани илғай олмади. У чўккалаб ўтирди, кейин қорни билан узала тушиб ётганча, ҳўл палубадан олдинга сирғанди. Бу ҳаракатни жуда секин ва эҳтиёткорликни унутмай амалга оширди.

Тўсатдан баржадан эллик ярдлар чамаси наридаги қайикни кўриб қолди. Қайиқ аста-секин ўзи томон келар, унинг ичида эса, бақувват тўртта одамнинг қораси кўзга чалинарди, улардан биттаси қайикни эшиб, баржа томон келмоқда эди.

Феннел палуба бўйлаб сирганиб яна нари кетди. Унинг бармоқлари таёкни маҳкам қисиб ушлади. Энди у кута бошлади, сиртлонни ҳеч нарсадан кўркмай ўлжасига ташлана оладиган ваҳший ҳайвонлар қаторига қўшиб бўлмаганидай, Феннелни ҳам жасоратли, кўркмас одамлар сирасига қўшиб бўлмасди. Сиртлон ҳаёти хавф остида қолганда қочиш имконияти бўлса, қочиб қолади. Лекин бундай имконият бўлмаган ҳолатда у чангалзордаги энг хавфли ваҳший ҳайвонлардан бирига айланади.

Феннел эртами-кечми яшириниб ётган жойини сезиб қолишларини яхши биларди. Мана, энди ўша вақт етиб келибди. Энди унинг вужуди ягона — у ҳам бўлса, ўз ҳаётини қандай бўлмасин сақлаб қолиш иштиёқи билан ёнарди. Марони уни ўлимга ҳукм қилган ондаёқ кўркув вужудини тарк этганди.

У яқинлашиб келаётган қайикни диққат билан кузатишда давом этди. Қотиллар унинг хавфли душман эканлигини жуда яхши билишади. Шунинг учун ниҳоятда эҳтиёткорлик билан ҳаракат қилишарди. Уларнинг режалари жуда оддий: бортга чиқиш-у, каютага кириб, пичоқми ё бирон темир тўқмоқ биланми уриб саранжомлаш.

Яланғоч баданини қамчилаб ётган ёмғирдан қалтираган Феннел душманларининг яқинроқ келишини кутиб турди. Қайиқ баржага яқин келганидан кейин билдики, жуда қулай жойни танлаган экан. Улар баржага Феннел нафас чиқармай пойлаб ётган ердан беш ярдлар чамаси наридан чиқишади.

Эшкакчи эшкакни сўнгги бор эшиди-да, кейин уни эҳтиётлик билан аста қайикнинг ичига қўйди. Энди қайиқ ўз эпкини билан баржанинг ўзига келиб тақалиши керак эди. Биринчи қаторда ўтирган одам ўрнидан туриб, олдинга энгаш-

ди. Қайиқни тўхтатиб, аста палубага кўтарила бошлади. Феннел бундан фойдаланиб қолди. У қоронғилик қаъридан отилиб чиқиб, уни таёқ билан туширди. Таёқнинг учидаги занжир унинг башарасига зарб билан урилди. Қотил ваҳшиёна кичқириб, сувга қулади. Иккинчи одам палубага чиқиб олган эди. У қўлида пичоқ билан ташланмоқчи бўлганди, лекин Феннел улоқтирган занжир унинг бўйинини ўраб олди. У гандираклар мувозанатни йўқотди-ю, дарёга юзгубан қулади.

Феннел ўзини баржанинг қуйруқ томонига олди-да, истеҳзо билан кулиб қўйди. Қайиқда қолганлар бўлган воқеани кўриша олмаслигини яхши биларди. Чунки улар баржага орқасини ўгириб ўтиришар, бунинг устига қотилларнинг юзига чироқ тушиб турарди, Феннел бўлса уларга тескари — қоронғи тарафда эди.

Сал фурсат ўтгач, хужум қилаётганлар бўлган воқеадан хабар топишди ва эсанкираб қолишди. Кейин эшкакчи қайиқни бортдан итариб узоклаштирди. Бошқаси шерикларини сув юзасидан ушлаб қайиққа тортиб ола бошлади. Феннел ерга ётиб олганча уларнинг ҳаракатларини кузатди. Унинг юраги қинидан чиқиб кетар даражада гурсиллаб урарди. Сувга қулаганларни қайиққа тортиб олишгандан кейин эшкакчи иккинчи эшкакни ҳам қўлига олиб, бу ердан тезроқ жуфтакни ростлаш учун қайиқни эшиб, баржадан узоклашиб кетди. Агар улар Феннелнинг қаердалигини билишганда-ку, бир дақиқаям ўйлаб ўтирмай, уни отиб ташлаган бўлишарди. Феннел совуқдан қалтираб, душманлари қоронғилик қаърида кўздан йўқолгунча жойида кутиб ётди. Кейин ўрнидан турди, занжирнинг қон юққан жойларини сувда ювди-да, “мени сезиб қолишди, энди қайтадан хужум қилишлари аниқ, бу сафар-ку омадим келди, бошқа сафар омад мендан юз ўгириши мумкин”, деган фикрга келди. Маронининг йигитлари қайсар, уларни алдаб кетиш жуда қийин. У бошини силкиб юзларидаги сувни қоқди. Ювиниб олиш, ювинганда ҳам тезроқ ювиниб олиши керак. Палубага тушиб, чироқни ёқди. Аёл ўрнидан туриб, каравотга ўтирди.

— Лео, бирон нарса бўлдимми?

Феннел жавоб беришни лозим топмади. Совуқдан шу қадар қалтирардики, тишлари тишларига тегмай такилларди. У хўл бўлиб кетган шимини ечиб, ваннахонага йўл олди. Кранни бир оз очиб турди-да, иссиқ сувда ювина бошлади. Мими кириб келди. Унинг кўзлари ҳали уйқуда, узун сочлари патила бўлиб кетган, бўлиқ сийналари хамирдай қўпчиб, тунги қўйлагидан ташқарида осилиб турарди.

— Нима бўлди? — қайта сўради аёл.

Феннел яна жавоб бермади. Чорпахилдан келган мушакдор йигит шариллаб тушаётган иссиқ сув остида баданини иситарди.

— Лео!

Лео аёлга имо билан чиқиб кет, дегандай ишора қилди-да, чойшабни қўлига олди.

Лекин аёл кетмади. У эшик ёнида қаққайиб туриб қолди, феруза кўзларида эса қўрқув аломати зоҳир эди.

Феннел унга чойшабни отиб юборди.

— Нимага қаққайиб турибсан? Кўйлагимни узатвор.

— Нима гап ўзи, Лео, айтсанг-чи? Буни билгим келяпти, эшитяпсанми?

Феннел уни итариб юборди-да, ваннахонадан чиқиб, хонага ўтди, шахт билан жавонни очиб кийина бошлади. Унинг ҳаракатлари қатъий эди. Мими остонада туриб уни кузата бошлади.

— Нега жавоб бермайсан? — дея бор овози билан бақириб юборди аёл. — Нима бўлди ўзи, айтсанг-чи?

Феннел унга тикилди. “Ҳа, — деб кўнглидан ўтказди у. — У кўп марта жонимга оро кирган. Уни унчалик гўзал деб ҳам бўлмайти... Лекин сўнгги тўрт ҳафта мобайнида менга бошпана берди. Ҳозир бўлса, пардоз-андозсиз жуда бадбашара бўлиб кўриняпти. Қўрқув унинг ёшини янада улуғ қилиб кўрсатмоқда. Ўзи нечада? Қирқдами? Ҳа, у менга катта яхшилик қилди, ҳатто Марони ҳам мени бу ерлардан тўрт ҳафта излаб тополмади. Энди жуфтакни ростлаш вақти келди. Уч соатдан кейин Мими менга ўтмиш бўлиб қолади...”

— Озгина кўнгилсизлик бўлиб ўтди, — деди у ниҳоят. — Лекин сен қўрқма. Яна ўринга кириб ётишимиз мумкин.

Мими каютани айланиб чиқди. Баржа сув тўлкинида тебранарди.

— Нега кийиниб олдинг? Нима бўлди ўзи?

— Мен чиққанимдан кейин эшикни ёпа оласанми? Мен кетаман...

— Кетасан? Нима учун? Қаёққа кетасан?

Феннел стол устида ётган қутидан сигарет олди. Душга тушгандан кейин ўзини бардам сеза бошлади. Мими осонгина ўзидан ажралиб қолмаслигини яхши биларди. Ахир, у мол-параст, бунинг устига унинг қўпол эркалашларини хуш кўрарди... Шунинг учун ҳам бу ердан бошпана берганди. Шундай экан, энди ундан қутулиш осон кечмайди.

— Ётиб ухла, бўлмаса шамоллаб қоласан... — Шундай деб “баттар бўлмайдами, менга деса”, деб қўйди ичида. Мен қўнғироқ қилишим керак, деди.

У ёлғонни ўрнига қўёлмади, шунинг учун Мими унинг алдаётганини дарров сезди.

— Сен мени осонгина ташлаб кетолмайсан! — Аёл шундай деб унинг қўлидан маҳкам ушлаб олди. — Мен сенга жуда кўп яхшиликлар қилдим. Мени ташлаб кетолмайсан!

— Худо ҳаққи, нари тур! — қичқириб юборди у аёлни четга суриб. Кейин телефон ёнига борди. Рақам тераётиб соатига қаради. Ўнта кам тўрт. Феннел гўшакдан келадиган товушни сабр билан узоқ кутди.

— Нима гап? — деб сўради товуш эгаси уйку аралаш.

— Жессимисан? Бу Лео...

— Эсинг жойидами ўзи? Бундай вақтда ақлли одамларнинг ҳаммаси маст уйқуда ётибди, ахир!..

— Агар йигирма фунт ишлаб олишга хоҳишинг бўлса, — деди унинг мағрур оҳангда айтилган гапини шартта бўлиб. — Бундоқ қил: машина олиб йигирма дақиқадан кейин Кингс-Роуддаги “Тож” қаҳвахонаси олдига кел. Тушундингми? Демак, йигирма дақиқадан кейин кўришамиз...

— Менга қара, бунақаси кетмайди. Соат нечалигини бил-япсанми ўзи? Кўчага чиқишни хаёлимгаям келтирмайман. Шаррос ёмғир куйяпти...

— Йигирма дақиқада йигирма фунт ишлаб оласан, — хотиржамлик билан қайтарди Феннел.

Орага узоқ жимлик тушди. Феннел Жессининг пишиллаб нафас олаётганини эшитиб тураркан, унинг гавдасини кўз олдига келтирди.

— “Тож”нинг олдидами?

— Ҳа.

— Кейин нима бўлади? Хўп, яхши... Розиман.

Феннел гўшакни осди.

— Йўқ, кетмайсан! — Мимининг юзлари қизариб кетди. — Сени қўйвормайман!

Феннел унинг гапларига эътибор қилмай, пардоз-андоз столига борди. У ердан ўзига дастлаб керак бўладиган устара, юзга сурадиган крем, тиш чўтка, тароқ каби ашёларни олиб, костюмининг чўнтагига солди.

Аёл яна унинг қўлларига осилди.

— Мен сенга шунча яхшилиқ қилдим, — деб ёлворди у. — Худодан қўрк! Мен бўлмаганимда очдан ўлган бўлардинг!



Феннел уни яна четга итариб юборди-да, каминнинг олди-да борди, у ердан каттакон хитой чинни чойнагини олди. Мими чойшагини тортиб олмоқчи бўлиб унга ташланди. Унинг ёнаётган кўзлари, патила сочлари аёлни алвастига ўхшатиб юборди.

— Чойнакка тегма, — деб чийиллади у.

Феннелнинг кўм-кўк кўзларида ўт чақнади. Бу аёлни ҳушёр торттириши керак эди. Лекин у ўзини қўлга ололмади. Ахир чойнак унинг энг яхши кўрган мулки, бегона эркак унинг мулкига чанг солса, қандай қараб тура олади.

— Ўзингни бос, Мими, — уни шаштидан қайтармоқчи бўлди Феннел. — Менга пул керак. Уни сенга қайтариб олиб келишга ваъда бераман.

— Йўқ! — у бир қўли билан Феннелнинг сочига чангал солди, иккинчи қўли билан чойнакни тортиб олмоқчи бўлди. Феннел ўзини орқага олиб, чойнакни қўйворди ва Мимининг энгагига зарб билан мушт туширди. Аёл ерга кулаб тушди-ю, қўлидаги чойнак чил-чил синди. Унинг ичидаги пул ён-атрофга сочилди. Феннел энгашиб ердан ўн фунтлик дастани қўлига олди-да, костюмининг чўнтагига тикди. Кейин ерда ҳушсиз чўзилиб ётган Мимига қиё боқмай, таёғини олиб палубага чиқди. Энди Мими билан ўтказган ўттиз кун назарида кўзига энг азобли ва оғриқли кунлардай кўриниб кетди.

Ёмғир тинимсиз қуярди, устига-устак қарши тарафдан турган қаттиқ шамол ва ёмғир шатирлаб юзига ура бошлади. Феннел қоронғиликка кўзини ўргатгунга қадар бирмунча вақт жойида туриб қолди. Шубҳали бирон нарсани сезмагандан кейин зинадан тез-тез юриб пристанга туша бошлади. У ерда яна бир оз туриб, атрофга қулоқ тутди. Йўқ, афтидан ҳаммаёқ тинчга ўхшади. Кейин таёқни маҳкам тутганча сохилга олиб тушадиган нарвон томон ошиқди.

“Агар Жесси кечикадиган бўлса, ўзига қийин бўлади, — деб ўйлади. — Тўғри, биринчи навбатда, улар жароҳатларини тузатиш билан шуғулланишади. Кейин ўзларининг омадсизликларидан Маронини огоҳ қилишади. Марони эса, шубҳасиз, ўзи ёрдам...”

Нима бўлмасин, ҳозир Феннел ўз ихтиёрида бўлган ярим соатга умид боғлаётган эди.

Лекин унинг бутун шубҳалари ўринсиз бўлиб чиқди. “Тож” қаҳвахонасига яқин бориб, унинг олдида Жессининг эски “Морис” машинаси турганига кўзи тушди. Феннел зумда кўчани кесиб ўтиб, машинага ўтирди.

— Жесси, тез ҳайда уйингга!

Дўстининг каламуш нусха башараси унга қадалди ва сўради:

— Бир дақиқа шошма... Аввал тушунтириб бер, нима гап ўзи? — Феннел Жессининг қоқ суяк билагини қисди.

— Уйингга ҳайда, — қайтарди у.

Жесси кўз қири билан Феннелнинг лаблари ёвуз ният билан тиржайганини кўрди. У бир нималар деб минғирлади-ю, газни босди.

Орадан ўн дақиқа ўтиб иккаласи Жессининг ярим хароба хонадонига кириб келишди. Шифтда қандил йўқ, оддий чироқ осилиб турарди.

Жесси жимгина столга бир шиша виски билан иккита стакан қўйди. У ҳар икки стаканни тўлдириб, бирини қўлига олди ва бир нима дейишини кутиб, Феннелга нигоҳини тикди.

Жесси ёмон одамларга хизмат қилар, қайтишда йўл-йўлаккай ҳар хил майда патак ўғриларга ҳам қарашиб, даромадини оширарди. У Феннелни чангали зўр қузғундай ваҳший эканлигини жуда яхши биларди. Улар турмада танишишган. Ҳар бири қилмишига яраша, яъни Феннел курол ишлатиб ўғирлик қилгани, Жесси эса, сохта пул ясашга урингани учун жазо муддатини ўташган. Қамоқдан кейин улар алоқани узишмади. Жесси Феннелга ўхшаган одам ҳамма вақт керак бўлиб қолиши мумкин, деган ўйда унга хушомад қила бошлади. Лекин ҳозир, қанийди, энди Феннел билан танишмаган бўлсам, деб афсусланарди. Жесси яқин дўстларидан: “Феннел баъзи гапларни оғзидан гуллаб қўйибди, шунинг оқибатида ўғрибоши Маронининг бешта шериги полиция қўйган тузоққа илинибди”, деган гапларни эшитган эди. Ундан ташқари, Маронининг: “Феннел қўлимга тушса, тириклайин терисини шилиб оламан”, деган гаплари ҳам қулоғига чалинган эди.

Феннел қўйнидан бир даста пул чиқарди-да, ундан иккита ўнталик фунтни ажратиб Жессининг олдига ташлади.

— Бу сенга, — деди у. — Бир неча кун уйингга тураман.

Жессининг кўзи кўрққанидан шокосасидан чиқиб кетай деди. У столда ётган пулга қўлини ҳам тегизмади.

— Сени бу ерда яшириб туролмайман... Бу жуда хавфли, — минғирлади у. — Улар сени яшириб, бу ерда олиб турганимни эшитишса, мени ўлдиришади.

— Сени мен ҳам ўлдиришим мумкин, — деди у аста. — Ундан ташқари, мен энди шу ерданам.

Жессининг чала қирилган энгаги титрарди. Кўзлари хонада олма-кесак тера бошлади. Вазият мутлақо иложсиз эди. “Марони ҳозирча уйқуда, яъни ҳеч нарсадан хабарсиз, Феннел бўлса, шу ерда, — фикр қилди у. Ахир Марони қандай хавфли бўлса, Феннел ҳам ундан қолишмайди...”

— Яхши, мен розиман, — деди у зўр-базўр. — Фақат икки кунгина, кўп эмас.

— Икки кундан кейин мамлакатдан чиқиб кетаман, — уни хотиржам қилди Феннел. — Иш топиб, балки бу ёқларга бошқа қайтиб келмасман.

Шундай деб у стаканда қолган вискини бир кўтаришда тугатди. Кейин қўшни хонага кириб, диванга солинган Жессининг тўшагига кирди.

— Жесси, сен ерда ётавер. Кейин манави лаънати чироқни ўчир.

— Нимаям дердим, ётиб ухла, — деди Жесси унинг амрига бўйсуниб, — ўз уйингдай хотиржам ётиб ухлайвер.

Бўлган воқеаларни қоғозга туширишдан бир ҳафта бурун Гарри Эдвардс деган бир одам “Дейли Телеграф” газетасидан куйидаги эълонни ўқиб қолди: “Махсус топшириқни бажариш учун ўн беш кун муддатга тажрибали учувчи керак. Самолётни бошқариш борасидаги тажрибалари ҳақида муфассал маълумотни олдиндан топшириш талаб этилади. П/Я — 1012”.

У эълонни яна бир марта кўздан кечириб чиқди. Чунки ўзиям мутахассислиги бўйича иш қидириб юрар, ундан ташқари, камхарж бўлиб қолганди. У Тонига ҳеч нима демай, кўрсатилган манзилга қачон ва нима иш қилгани ҳақида муфассал хат ёзиб жўнатди. Шу билан баъзи бир нарсаларни хатга киритмасликни ҳам унутгани йўқ. Хатга ўз расмини ҳам қўшиб юборди.

Орадан бир ҳафта ўтди ҳамки хатга жавоб бўлмади, кейин ундан умидини узди. Ўша совуқ ва рутубатли февраль кунларидан бирида у ўзининг кам жиҳозли торгина хонасида аччиқ қаҳва ичганча қўлида “Дейли Телеграф” газетасининг “Ишга таклиф” рубрикасида берилган саҳифани ўқиб ўтирарди.

Гарри — новча, қомати келишган, қора кўз, қўнғир сочли йигирма тўққиз ёшлардаги йигит. У оёғини чўзганча алми-соқдан қолган эски диванда ёнбошлаб ётибди. Соат миллари саккиздан қирқ дақиқа ўтганлигини кўрсатиб турибди.

У газетани ўқиб бўлгач, ерга ташлади-да, яна хаёлга чўмди. Зудлик билан нимадир қилиш керак. Чўнтагида бир юз ўттиздан сал кўпроқ фунт қолган. Бу ҳам тугагандан кейин Тонининг ҳисобига яшашга тўғри келади. Бундай яшашнинг сира кераги йўқ. Гарри Тони билан Каледан Дуврга кетаётган кемада танишиб қолди. Бахтини қарангки, у иккита полициячининг кузатувида бортга чиққанда қиз қаҳвахонада ўтирган эди. Полициячилар кема жўнагунча шу ерда турадиган бўлишди. Сўнгги дақиқаларда полиция югурдаклари қирғоққа тушишди, Гарри кайфи чоғ бўлганча хайрлашиш учун қўлини силкиди. Кема портни тарк этгач, у қаҳвахонага тушиб, уч йиллик танаффусдан кейин илк бор бир стакан қаҳва ичмоқчи бўлди.

Тонининг эғнида тор юбка. У устун олдидаги стулда муздек чинзано<sup>1</sup> ичиб ўтирарди. Гарри содали виски буюриб, қиз билан саломлашиб қўйди. Тонига ўхшаган қизлар билан кўнглини топса, танишиб олиш осон эди. Гарри бўлса, қизларнинг кўнглига йўл топишга жуда уста.

Тони — малла соч, йигирма икки ёшлардаги, киприклари узун-узун, шахло кўз, ниҳоятда гўзал қиз. У Гаррига қизиқиб қаради, у ҳам ҳали бунақанги жозибали йигитни учратмаган эди. Унинг вужудидан куч ёғилиб турибди. Қизнинг бадани жимирлашиб кетди. Эркак кишининг жозибаси уни бунчалик ўзига ром этмаган ва у бундай туйғуни умрида биринчи бор ҳис этиб турарди.

Тони ҳам Гаррига табассум ҳадя этди.

Гарри эса, қиздаги бундай ҳолатни тезда илғаб олиш қобилиятига эга. У қизни илинтириш осон эканлигини тушунди. Чўнтагини кавлаб қараса, икки юз тўқсон фунт қолибди. Француз полицияси уни ҳибсга олганда вертолётини сотган эди. Шунча пулдан атиги шугина қолибди-я.

У қаҳвани ичиб бўлгач, ўз навбатида, қизга кулиб қараб қўйди.

— Сиз билан танишиб олсам ўзимни ниҳоятда бахтли ҳис қилган бўлардим, — деди у. — Каютангизни ёллашимга изн беролмайсизми? Манзилга етиб боришимизга ҳали бир соат бор.

Таклиф Тонига хуш ёқди. Ўзи ҳам шуни хоҳлаб турганди аслида. Таклиф Гарридан чиққани кўнгилдагидай бўлди. У кулиб, “майли” дегандай бошини силкиди.

<sup>1</sup> Ичимлик.

Каютани ижарага олиш пардани тортиб, эшикни қулфлашдай жуда осон кечди. Ана шундан кейин: “Дуврга етиб келдингизлар, тезроқ чиқинглар, шошилмасангиз поезддан қолиб кетасизлар”, деб стюард бир неча марта эшикни қоқишига тўғри келди. Улар “Дувр — Лондон” поездининг биринчи синф вагонига ўтириб кетишаётганда Тони манекенчи бўлиб ишлашини, жуда кўп жойлардан иш таклиф қилишаётганини, Челсида икки хонали уйи борлигини, агар Гарри бошпанасиз бўлса, унинг уйида бемалол истиқомат қилишини — бари-барини гапириб берди.

Гарри ўзига муносиб иш топгунча Кромвель-роуддаги меҳмонхонадан арзонроқ хонани ижарага олиб туришни режалаштириб қўйган эди. Шундан сўнг Тонининг таклифига иккиланиб ўтирмади.

Мана, Тонининг уйида яшаётганига ҳам уч ҳафта бўлди. Пулини оз-оздан сарфласа ҳам унинг таги кўришиб қолди. Энди иш топишдан умиди узилиб, ташвишга тушиб қолди. Тони эса, аксинча, ўз уйида унинг узоқроқ туриб қолишидан хурсанд эди.

— Азизим, кўпам ташвишланаверма, — деди у бир куни Гаррининг тиззасига ўтириб, қулоқларини чимчиларкан, — менинг топган пулим иккаламизга бемалол етади. Шундай экан, ҳамма нарсага тупурайлик-да, кўнгили измига эрк бериб яшайверайлик.

Гарри қаҳвани ичиб бўлиб, пешонасини тириштирди-да, дераза ёнига борди. Кўчада одамлар камайиб қолган, эркаклар, аёллар қўлларида ёмғирпўш тутганча ишга ошиқардилар.

Кутилмаганда почта қутиси ёриғидан ичида хат борлигини сезиб қолди. Ҳали бунга суюнмаса ҳам бўлади. Тони ҳар куни ёшлардан, мухлисларидан хат олганда Гарри менгаям хат келмадимикан, деб умидвор бўларди. Бу сафар кўнгилидаги бўлди. У қалин конвертти шоша-пиша очиб ичидаги хатни чиқарди.

“Ройял-Трауэрс меҳмонхонаси.

Жаноби Гарри Эдвардс “Дейли Телеграф” газетасида берилган эълон муносабати билан қуйида кўрсатилган манзилга келиб, 11 февраль куни соат ўн бирдан ўттиз дақиқа ўтганда мистер Чаликка учраши керак. П/я-102”.

“Демак, — деб ўйлади Гарри. — Мистер Чалик билан учрашишимизга тўғри келаркан-да. Шундай баландпарвоз ном ва манзил замирида жудаям кўп пулнинг ҳиди келяпти”.

Гарри хатни олиб кичкина ётоқхонага кирди. Тони ҳалига довури қорнини ерга бериб ухлаб ётарди. У каравотнинг четига ўтириб, қизга разм солди. Дарҳақиқат, у ниҳоятда гўзал хилқат эди. Тонининг чап биқини остини чимчилаб қўйди. Тони чўчиб уйғонди-ю, оёғини йиғиб олди ва овозини қўтариб ноз-фироқ аралаш:

— Жуда уятсиз бўлиб кетибсан! Қалта иштоним қани? — деди.

Гарри уни каравотнинг дастасидан олиб узатди.

— Ҳозир уни кийиб олишим шартми?

— Шу топда бошқа иш чиқиб қолди, — табассум билан жавоб берди Гарри. — Менга хат келибди. Жиддий нарсалар ҳақида гап кетганда жўяли фикр юритиш қобилиятинг кучлими?

Тони савол назари билан унга қаради.

— Бу нима деганинг?

Гарри “Дейли Телеграф” газетасидаги эълон муносабати билан ёзган хатини гапириб бериб, жавобни унга узатди.

— “Ройял-Трауэрс”ми? У Лондондаги энг мухташам ва машҳур меҳмонхона. Исмининг чиройлилигини қара — Армо Чалик! Шу топда бурним қоп-қоп олтин у бриллиантларнинг исини туйди...

Тони хатни ташлаб юборди-ю, Гаррининг бўйнига осилди.

Соат ўн бирларга яқин Гарри унинг кучоғидан бўшалиб, душга тушди, кўк шимини ва ҳаворанг қўйлагини кийиб қўзғуга қаради.

— Кўзимнинг ости халта бўлиб қолибди, — деди у. — Бир соатлик кўнгил майлига асир бўлишнинг оқибати десам ажабланарли эмас... Умуман олганда кайфиятим яхши, кўринишим ҳам ёмон эмас. Тўғрими?

Тони қаҳва ҳўпларкан, юмшоқ курсида хатни яхшиликка йўйиб ўтирарди. У Гаррига диққат билан тикилиб:

— Кўринишинг жуда зўр, — деб қўйди.

Гарри уни юмшоқ курсидан қўтариб олиб, бир печа бор бўса олди, кейин яна жойига ўтқазиб қўйди.

У роппа-роса 11.30 да меҳмонхонага келиб, эшик оғасининг олдига борди ва Армо Чаликни қаердан топишини сўради. У Гаррига бир қур қараб қўйди-да, телефон гўшагини қўтарди. Рақам териб паст овозда нимадир деди. Кейин гўшакни жойига қўйди.

— Иккинчи қават, сер. 27-хона.

Гарри лифтда иккинчи қаватга кўтарилди. Лифтчи уни эшиккача кузатиб қўйди. Шундан сўнг у чақирилган меҳмоннинг ўзи эшикни тақиллатиши одобдан бўлмагани учун эшикни чертди-да, енгил таъзим қилиб орқасига қайтиб кетди.

Пулнинг хиди янаям аниқроқ сезила бошлади. Гарри мебеллар дид билан қўйилган мўъжазгина хонага кирди, у ерда столда ёшгина аёл ўтирарди. Столда учта телефон аппарати, ёзув машинкаси ва магнитофон турарди. Ёш аёл келишган қомати, ярашиб тушган қора кўйлаги ва чиройли соч турмагига қарамасдан, Гарридек одамни ўзига жалб қилолмади. Аёл унда қадимги дунё ҳайкалларига ўхшаш қандайдир таассурот қолдирди, холос. Рангпар, маъносиз чехраси, терилган қошлари унинг қиёфасини ўхшовсиз ҳолга келтириб қўйган эди.

— Мистер Эдвардсмисиз? — Ҳатто унинг овози ҳам қандайдир нотабий, худди магнит тасмасига сифатсиз ёзилиб, одамга кўнгилсиз эшитиладиган овозга ўхшарди.

— Ҳа, мси Гарри Эдвардсман...

Гарри табиатан аёл зоти унга буйруқ беришини жинидан ҳам ёмон кўрарди. У аёлга чиройли табассум қилиб қўйди. Бундан ҳеч қандай наф чиқмади. Аёл селектр тугмасини босди. Яшил чироқ ёнди. Афтидан, Чалик ортиқча гапириб вақтини кетказишни истамди, шекилли, тугмани босиб қўя қолди.

Аёл ўрнидан туриб чиройли юриш қилиб хонанинг ичкари томонига ўтди, унга маҳлиё бўлган Гарри яна мулойим табассум қилиб қўйди. Лекин аёл бунга заррача эътибор қилгани йўқ. Гарри унинг ёнидан ўтиб қуёш мўл нур сочиб турган, қадимги чиройли мебеллар билан безатилган, деворларига асл замонавий картиналар осилган каттакон хонага кирди.

Стол ортида паст бўйли, тўладан келган, оёқлари калта бир одам ўтирарди. Семизгина бармоқлари орасига сигара қистирилган. Юзи сарғиш, сочлари қоп-қора ва калта олдирилган. Қора кўзлари куйдирилган қаҳва донасига ўхшаб кетарди. Оғзи табассум учун эмас, фақатгина овқат чайнаш учун яратилгандай эди. У “ё арман, ё араб”, деб қўйди Гарри ичида.

Бақалоқнинг синовчан назар билан тикилиб қарани ҳукм-фармо одамларнинг ўткир нигоҳига ўхшарди. Гарри аста юриб столга яқин келар экан, “у мени худди ўзимдан ҳам яхшироқ биладиганга ўхшайди-я”, — деб ўйлади.

— Марҳамат ўтиринг, мистер Гарри, — деди у сезиларли талаффуз билан, семиз бармоқлари стулга ишора қилди.

Гарри кўрсатилган жойга ўтирди. Энди у кўнгил майлига берилиб бир соат Тони билан муҳаббат боғидан гул терганига афсусланди. У ўзини ҳорғин хис этар, Чалик “сенга ўхшаган одамча билан гаплашиб кетган вақтимга ҳайф” деб ишга қабул қилмаслигидан хавфсирарди. Бунинг устига, у юмшоқ курсида виқор билан бамайлихотир ўтирарди.

Чалик оғзидан бурқситиб тутун чиқараркан, сукутни чўзди. Кейин қўлига қандайдир бир коғозни олди. Гарри қараса, бу ўзининг ёзган хати. Бақалок бирмунча вақт хатни кўздан кечириб ўтирди-да, кейин парча-парча қилиб йиртиб ташлади.

— Касбингиз бўйича, мистер Эдвардс, учувчи экансиз, тўғрими? — Чалик қўлини яна сахтиёнга қўйди, кейин диққатини суҳбатдош эмас, бошқа нарса тортгандай кулдонга синчиклаб тикилди.

— Ҳа, мен учувчиман. Сиз берган эълонни ўқиб, ўйловдимки...

Семиз бармоқлар юқори кўтарилиб, уни гапдан тўхтатди.

— Хатда сиз кўрсатган нарсаларнинг ҳаммаси бемаъни. Унда айтилган гапларга қараб хулоса чиқарадиган бўлсак, сиз мулоҳаза юритиш, фикр қилишдан мутлақо узок одам қиёфасида тасаввур уйғотасиз.

Гарри ўтирган жойида қотиб қолди.

Чалик кулдондаги кулни столда турган идишга ағдарди.

— Нимани назарда тутяпсиз?

— Мен хатингизни ўқиб ундан жуда мароқли ёлғон гапларни кашф этдим, — деб жавоб берди у. — Гап шундаки, мен сизнинг бутун ҳаётингизни ўрганиб чиқишга топшириқ берган эдим. Сиз Гарри Эдвардс экансиз, ёшингиз йигирма тўққизда, АҚШнинг Огайо штатида туғилгансиз, отангизнинг ТХК (техник хизмат кўрсатиш) станцияси бор экан. Бу соҳа бўйича ўқув курсини тамомлаб, яхши мутахассис бўлган экансиз. Ўз отангиз билан муносабатларингиз келишмаган. Афтидан, бу борада иккингизни ҳам беайб деб бўлмайдди. Лекин буни бизнинг ишимизга ҳеч қандай аҳамияти йўқ... Кейин сизда учувчи бўлиш орзуси вужудингизни қамраб олган ва бу орзуингизга етишгансиз. Техника билан боғлиқ ишлар ҳаммавақт сизни ўзига жалб қилаверган. Кейин сиз қайсидир ажнабий контрабандист билан танишиб қолгансиз. У сизга мексикаликларни махфий равишда АҚШга ўтказиб қўйишни таклиф қилган. Албатта, яхшигина мўмай пул ҳисобига. Бу иш билан шахсан ўзингиз шуғуллангансиз. Кейин



Панжерга кетгансиз. У ерга бориб вертолёт сотиб олгансиз-да, Францияга учиб келгансиз. Бунда йўл-йўлакай контрабанда молларини ола кетишни ҳам унутмагансиз. Бирмунча вақт бошқа контрабандачилар каби ишлаб юргансиз. Кейин очкўзлик қила бошлагансиз, оқибатда, терговчилар ҳам баъзан хато қилганидек, сиз ҳам хатога йўл қўйгансиз. Сизни ҳибсга олишган. Сиз полиция билан муносабатларингизни ойдинлаштираётган бир пайтда шерингиз вертолётингизда қочиб кетган. У вертолётингизни сотган, пулни уч йиллик қамоқдан чиққанингиздан кейин оларсиз, деб банкда номингизга расмийлаштирган. Сизни Франциядан бадарға қилишган. Мана, шу кунга келиб Лондонда юрибсиз. — Чалик сигарани ўчириб Гаррига қаради. — Мабодо гапларимда бирон ёлғон жойи бўлса, бемалол эътироз билдиришингиз мумкин.

Гарри оғир юк босгандай кулиб қўйди.

— Йўк, нега эътироз билдирарканман, ҳаммаси тўғри, — деб ўрнидан турди. — Узр. Бошқа вақтингизни олмайман.

Чалик семиз қўлини кўтариб Гаррини жойига ўтиришини айтди.

— Ўтиринг, хулоса чиқаришга шошилманг. Гап шундаки, йўлаб кўрсам, менга асли керак одам экансиз. Сиз менга хужжатингизни кўрсатиб, вертолёт ҳайдаш қўлингиздан келишини исботлаб бера оласизми?

— Исботлаб бера олсам керак.

Гарри ёнидан конверт чиқариб столга қўйди.


Чалик унинг хужжатини узоқ текширди. Кейин конверт-ни қайтарди, бирмунча вақт Гаррига қараб туриб:

— Жуда зўр! — деб юборди. У ғаладондан яна сигара чиқариб, унга диққат билан тикилди. Сўнг унинг учини тилла пичоқча билан кесди. — Мистер Эдвардс, бизнинг ишимизда иштирок эта олишингизга ишонсам бўладими? Эҳтимол, ишимизда баъзан қонун доирасидан чиқиб кетиш ҳоллари ҳам бўлар. Лекин жуда баланд маош тўлаймиз.

Гарри кулиб қўйди.

— Шартингизни муфассал билгим келяпти. Масалан, “қонун доирасидан чиқиб кетиш” деганда нимани назарда тутяпсиз?

— Мен сизга уч ҳафталик иш учун тўққиз минг беришни таклиф қиламан. Иш шундайки, таваккал билан боғлиқ. Шунини ишнотириб айтиб қўйишим керак, *полиция бу ишга қизиқини билдирмайди.*



Гарри ўриндиққа ўрнашиб ўтириб олди: тўққиз минг доллар!

— Аниқроқ айтсангиз, нимани таваккал қилишим керак бўлади?

— Олдингизда тўсиқлар пайдо бўлади, — деб жавоб берди Чалик сигарасининг учига эътиборсиз тикилиб. — Умуман, бутун ҳаётимиз ўзи олдимиздаги қаршиликлар, тўсиқларни енгиб ўтишдан иборат, шундай эмасми?

— Бу қаршиликларни енгиб ўтишим учун мен нима қилишим керак?

— Буни сиз кечкурун билиб оласиз. Бунда бир ўзингиз бўлмайсиз. Таваккалчилик ва масъулликни сиз бошқалар билан ҳам келишиб оласиз. Мен эса, шуни билиб олишим керак. Уч ҳафтада тўққиз минг доллар ишлаб олишга розимисиз?

— Розиман, — деб юборди Гарри заррача иккиланиб ўтирмай.

— Жуда соз! Ундай бўлса кечкурун соат тўққизда сизни гуруҳ аъзолари билан ва амалга оширишимиз керак бўлган ишнинг моҳияти билан таништираман.

Чалик кескин ҳаракат билан суҳбат тугаганлигини маълум қилди. Гарри ўрнидан кўзгалди.

— Фақат сиздан бир илтимос, мистер Эдвардс, бўлажак ишларингиз ҳақида ҳеч кимга оғиз очманг. Буни сиз махфий топшириқ сифатида тушунишингиз лозим.

— Албатта, худди шундай тушунаман, — дея Гарри хонадан чиқди.

Котиба ўрнидан туриб эшикни очди. Бу сафар Гарри унга табассум қилиб қўйишни хаёлига ҳам келтирмади. Тўққиз минг доллар! Жа зўр бўлди-да.

Ёш аёл уни кўз қири билан кузатиб қолди-да, жойига қайтиб келди. У бирмунча вақт бир нимага қулоқ солгандай қимирламай турди, кейин Чаликнинг хонасидан шубҳали бирон овоз эшитмагач, столнинг ғаладонини овоз чиқармай очди-да, туташ хонадаги суҳбатни ёзиб олган магнитофонни ўчирди.

Роппа-роса соат тўққизда Чаликнинг хонасига Гаррини ўша таниш аёл яна кузатиб қўйди. Унинг исми Натали Норман экан. Гарри буни столда турган лавҳадан билиб олди. Гарри кирганда Чаликнинг хонасида иккита эркак ўтирарди. Улар Гаррига ярқ этиб қарашди, у эса, ўз навбатида, ўтириб олгач, уларга назар ташлади. Чап томондаги эркак паст бўйли,

миктидан келган. Гаррига қаери биландир киноактёр Роу Штейгарни эслатиб юборди. Майин, қисқа олдирилган сочи малла, шилпик босган кўнғир кўзлари ўйнаб турарди. Юпка лаби, тўртбурчак энгаги бу одамнинг бераҳм, қаттиққўл эканлигидан далолат бериб турарди.

Иккинчиси ундан ўн ёшлар, чамаси, кичик, Гаррининг ёшида. Соchlари деярли оқ бўлса-да, куёшда куйган, кизариб кетган териси қизил дарахтни эслатади. Мўйлови яккам-дуккам, чакка соқол кўйган. Аввалги одамга нисбатан чехраси иссиқ кўринади.

— Орадан бирмунча вақт ўтгач, хонанинг ичкарасидаги эшик очилиб, Чалик чиқиб келди.

— Мана, йиғилиб ҳам бўлдик, — деди у ёзув столи ёнига кела солиб. У ўтириб, шошилмай сигара чекди. Иштирокчиларга синовчан назар ташлаб, қаттиқ тикилди. — Сизларни бир-бирингиз билан таништиришга рухсат этинг. Мана бу йигит Гарри Эдвардс, — кўлидаги сигара унга тўғриланди. — Қасби бўйича учувчи, машина ҳайдашга ҳам устаси фаранг. Контрабанда билан шуғулланиб, уч йил ўтириб чиққан.

Иккала нотаниш эркак бараварига Гаррига тикилишди. Бундан Гарри ўзини йўқотиб кўймади. Кейин Чаликнинг сигараси бошқа одамга қаратилди.

— Бу киши мистер Кеннеди Жонс бўлади. Мана шу йиғинда қатнашиш учун самолётда Йоганнесбургдан учиб келган. Мистер Жонс Африка табиатини, умуман, Африка қитъасининг нозик жиҳатларини билиш бўйича тенги йўқ мутахассис.

Жонс бу вақтда шифтга қараб жим ўтирар, фақат лаблари бироз масхараомуз кулгига мойил эди.

— Ва ниҳоят, — деди Чалик, — пўлат сандиқларни очиш бўйича зўр мутахассис Лео Феннел. Назаримда, сизларни таништириб бўлдим чоғи. Полиция ва айрим манфаатдор давралар уни ўз ишининг пири деб ҳисоблашади. Уям қисқа вақт турмада ўтириб чиққан. — Чалик гапдан тўхтаб, уларнинг ҳар учаласига бир оз тикилиб турди. — Шундай қилиб, ҳар учалангизни бир-бирингизга боғлаб яқинлаштириб турадиган умумий нарсалар мавжуд.

Ҳеч ким индамади.

Чалик столи галадонини тортиб, ундан бир папка чиқарди.

— Сизларни таништириш маросими тугади. Келинг, энди асосий ишга ўтайлик.

У папкани очиб, ундан ялтироқ оқ қоғозга солинган суратни олди ва уни Феннелга узатди. Бу — бриллиантлар қадалган узук сурати эди. Феннел унга диққат билан тикилиб турди-турди-да, ҳеч нимани тушунамай елкасини қисиб Гаррига узатди. У ҳам, ўз навбатида, суратга синчиклаб қараб Жонсга берди.

— Кўриб турганингиз мана шу узук Цезарь Боржианинг буюртмаси билан ясалган, — тушунтирди Чалик. — Менимча, ҳаммангиз Цезарь Боржиа номини эшитган бўлсангиз керак.

— Бу — ўша одамларни заҳарлаган нусхами? — деди Феннел.

— Ҳа, маълум маънода бу гапда жон бор. У анча яхши ишлар ҳам қилган, шу билан бирга, кўп одамларни заҳарлаган ёки заҳарлашга буйруқ ҳам берган. Сиз суратда кўриб турган узук унинг буюртмаси билан 1501 йилда номаълум заргар томонидан ясалган. Қараб туриб, унинг одам ўлдирувчи қурол эканлигига ишонганингиз келмайди. Бу борада у жудаям қулай ва фойдали қурол. Гап шундаки, бриллиант қадалган жойнинг тагида жиндай очиқ чуқурча бор ва унга заҳар тўлдирилган. Бриллиантнинг ёнгинасига нозик ва ўткир игна ўрнатилган. Агар Боржиа бирон-бир ўзи ёқтирмайдиган одамдан қутулишни хоҳласа, бриллиантни озгина суриб қўяди. Кейин ўша одам билан кўринган пайтда заҳарли игна унинг қўлига сезилар-сезилмас даражада санчилади, шу билан унинг душмани бир неча соатдан кейин ўлади. Мана, тўрт юз йилдирки, ўша узук қаерда қолганлигини ҳеч ким билмайди. Кейин Флорентиядаги банк эгаси хотини ва қизи билан бундан икки йил муқаддам автомобиль ҳалокатига учраб ҳалок бўлади-ю, узук бошқа ҳар хил нарсалар қатори яна офизга тушиб қолади. Бир эксперт узукни билиб қолади-да, арзимаган баҳога сотиб олади. Кейин уни менга таклиф қилишди. — Чалик сигарасининг кулини тўқаман деб, бир муддат гапдан тўхтади. — Гап шундаки, мен бошқа нарсалар қатори санъат асарлари олди-сотдиси билан ҳам шуғулланаман. Ноёб ва қимматбаҳо нарсаларни йиғувчиларга уни тақдим қилмоқчиман. Боржианинг қимматбаҳо буюмлари билан қизиқиб юрган бир одамни биламан. У узукни мана шу одамга сотибди. Лекин орадан ярим йил ўтиб узук ўғирлаб кетилган. Узукни кимлар ўғирлаганлигини, қаердалигини аниқлаш учун кўп вақтим кетди. Кейин билсам, у бошқа миллионер-коллекционерга хизмат қиладиган одамлар томонидан ўғирланган экан.

Коллекционер ўз агентлари орқали коллекция тўплаб, афтидан, жаҳондаги энг ноёб коллекция эгаси деган номни олмакчи бўлса керак... Хуллас, вазифангиз ўша узукни олиб келиб менга беришдан иборат.

Орага сукунат тушиди. Биринчи бўлиб жимликни Феннел бузди:

— Сиз бизга узукни ўғирлаб олиб келинглар демоқчимисиз?

— Ҳа, худди шуни назарда тутяпман. Ўша коллекционер узукни менинг мижозимдан ўғирлаб олган, сиз эса, уни менга қайтариб олиб келишингиз керак бўлади.

Феннел сигаретнинг кулини чиройли гиламнинг устига қоқиб туширди.

— Ўша узук қанча туради?

— Бу ёғи билан ишингиз бўлмаслиги керак. У сўзсиз жудаям қимматбаҳо, эҳтимол, узук маълум бир келишувлар остида сотилган бўлиши ҳам мумкин... — Чалик бироз гандан тўхтаб, кейин давом этди. — Мен ҳозир узук қўлида бўлган одам ҳақида баъзи бир маълумотларни маълум қилишим мумкин... У ниҳоят даражада бой-бадавлат, қимматбаҳо санъат асарлари деганда ўзини томдан ташлайдиган жинни. Бунинг устига ўтакетган виждонсиз, унинг хизматида энг муттаҳам ва устаси фаранг ўғрилар шай туради. Бу одамлар ҳозиргача ер юзидаги кўпдан-кўп музейларни қақшатган, ҳаттоки Ватикандан ҳам энг ноёб санъат асарларини ўғирлаб кетишга улгуришган. Бунинг ҳаммасини у битта мақсад — ўз музейини жаҳонда энг яхши музей дейишлари учун қилади.

Гарри гапириш навбати ўзига келганлигини ҳис қилиб:

— Бу музей қаерда жойлашган? — деб сўради.

— Фатзуоланда, Наталь чегарасида. Аждартоғ яқинида. Кеннеди Жонс жонланиб қолди.

— Демак, гап Макс Каленберг ҳақида кетаётган экан-да?

Чалик дарров жавоб бера қолмади. У шошилмай сигара кулини қоқди, кейин:

— Сиз бу одам ҳақида эшитган экансиз-да? — деб сўради.

— Ҳа... Африкадаги ҳамма одамларга у отнинг қашқасидай маълум... Жанубий Африкадаги одамларни назарда тутяпман.

— Ундай бўлса, сиз жентльменларга, у одам ҳақида нима ни билишингизни айтиб берарсиз?

— Узук худди ўша Каленбергнинг қўлидами?

Чалик бош кимирлатиб қўйди.

Жонс чуқур хўрсинди, энгагини артиб олиб қовоғини уйди.

— Мен ҳамма одамлар билган нарсанигина биламан, — деди у ўйланқираб. — Каленберг донғи кетган машҳур одам. У ҳақда ҳар хил бўлган, бўлмаган миш-мишлар юради. Мен унинг отасини танирдим. Биринчи жаҳон урушида иштирок этган, кейин қочиб Жанубий Африкада яшириниб юрган. У қўним топган жой — Иоганнесбургда олтин кони бўларди. Қария Каленбергнинг ҳид билиш қобилияти ҳаддан зиёд, ўзига жуда пишиқ, ишнинг кўзини биладиган одам бўлган. Эл оғзида юрган гапларга ишонадиган бўлсак, у миллионер бўлган ва олтмиш ёшида уйланган. Бутун топган мол-давлатини ва ўз номини қолдириш учун ўғил фарзанд кўришни жуда-жуда хоҳлаган экан. Кейин Макс помли ўғил кўрган. Унинг туғилиши ҳам ҳар хил сир-сноатларга бой бўлган. Унинг ақли ноқис деган миш-мишлар юради. Айрим одамлар уни ақли заиф дейишади ҳам. Лекин нима бўлмасин болани ҳеч ким кўрмаган. Кўп ўтмай қария ов маросимида бахтсиз ҳодисага учраб ҳалок бўлган. Каленберг хопим ўз киндик қони тўкилган жойни тарк этиб, Аждартоғнинг қоқ ўртасидан ҳашаматли уй қуришга буйруқ беради. У одамларнинг назари тушишидан ўғлини олиб қочар, имкони борича уни бировга кўрсатмасликка ҳаракат қиларди.

Бундан йигирма йил муқаддам аёл вафот этган. Макс эса ёлғиз ўзи ҳаёт кечириб, ҳеч кимга қўшилмай юраверган. Уни одамлар отаси қандоқ бўлса, боласи ҳам худди шундай айёр ва доғули дейишади. У онаси қурган саройни қайта таъмирлаб кенгайтирди. Ҳозирда чор атрофдаги ерлар, ўрмонлар унинг мулки бўлиб қолган... Ундан ташқари, хизматида унинг мулкени томоша қилишни хоҳлаган саёҳатчиларни бу ерларга киришга йўл қўймайдиган кўп миқдорда зулуслар бор. — Жонс бир оз тин олиб, сўнг гапини тугатди: — Шундан маълумки, Каленбергнинг уйига кириш кудукқа тушган игнани топишдек гап. Бунинг устига, унга яқинлашишнинг ўзи жуда хавфли.

Орага яна узоқ жимлик тушди. Феннел сигарет қолдиғини кулдонга эзиб Чаликка ўгирилди. Чалик бу вақтда кўзини юмганча хаёл суриб ўтирарди.

— Бу одамнинг гаплари тўғрими?

Чалик узоқ сукутдан сўнг:

— Асосан тўғри. Мен сизларга топшириқ осон кечади деганим йўқ-ку. Лекин хизмат ҳақи ҳам баланд. Ҳа, Каленбергнинг уйига кириб бориш қийин, лекин бу имконсиз дегани эмас. Мен баъзи бир маълумотларни биламан, шубҳасиз, бу сизларга қўл келади.

— Буларнинг бари яхши, — ним табассум билан деди Феннел. — Дейлик, бордик ҳам. Унинг ичига қандай қилиб кирамиз?

— Жонс Каленбергнинг ҳаёти ҳақида жуда яхши маълумотларни келтирди. Лекин у битта арзимас нарсани унутиб қолдирди, балки, у буни билмас ҳам. Каленберг чиройли қизларга ниҳоятда ўч. — Чалик юмшоқ курсига бемалол суяниб олди. — Қаловини топса қор ёғади, деган гап бор, олиб бўлмас қалъани ҳам бўйсундириш мумкин, фақат бунинг йўлини топиш керак. Мен шундай аёлларни биламанки, улар сизга катта ёрдам бериши мумкин. Саройга кириб олиш учун шулар ҳам ёрдам беролмаса, унга умуман кириб бўлмайди.

Чалик тугмачани босди.

Орадан анча вақт ўтгандан кейин Чаликнинг орқасидаги эшик очилиб бир қиз кириб келди. Ниҳоятда офатижон. Эркакларнинг оғзи очилиб қолди. Эшик ёпилгач, аёл вазминлик билан Чаликнинг ёнига келди.

## ИККИНЧИ БОБ

Бундан ўн-ўн икки йиллар муқаддам қашшоқликда кун кечириш жонига теккан Армо Чалик Миср газеталаридан бирига эълон берди. Эълонда арзимаган пул ҳисобига ҳар қандай чигал ишлар ва муаммоларни ечиб бераман, деб ёзилган эди. У эълонига битта жавоб олди, лекин шунинг ўзиям унга етарли эди. Унинг мижози — араб шайхларидан бири бўлиб, қайсидир Америка компаниясининг савдо-сотик ишларини юритишдаги махфий сирларни билиб олиб, келажакда ўз ишларини юритмоқчи бўлган экан. У буни тезда уддалаб, керакли маълумотларни олиб беради. Бунда шайхнинг пулини сарфлаган, миясини ишлатган, шу билан ўн минг долларли бўлиб олган. У вақтлар ҳисоби билан бу жуда катта пул ҳисобланган. Лекин шайх бу билан ундан алоқани узмаган. Ўз мавқеидан фойдаланиб ўрни келганда худди шундай чигал муаммоларга дуч келган танишларини ҳам бировларга эмас, фақат Чаликка мурожаат қилинлар, деб огоҳлантираверган. Чалик бир йил мобайнида яхшигина бойликка эга

бўлиб, Лондонга кўчиб ўтади. Рўйхатида энг бой одамларни қолдириб, қолганларидан воз кечади. Унинг мижозлари асосан Техас нефть магнатлари, тўртта араб шаҳзодаси, иккитаси эса америкалик бой ўғрибошилар, грек миллионерлари ва бир нечта Англия, Франция, Германия саноатчилари бўлиб қолади.

“Дунёда киссангда пул бўлиб миянгни ишлатсанг, ҳеч қандай имконсиз нарсанинг ўзи йўқ, — дерди у мижозларининг кўзига тик қараб туриб. — Сиз пул ишланг, мен миямни ишлатай...”

Армо Чалик ҳар қандай ишнинг уддасидан чиқарди. Аввалига бир нечта одамни ёллаб, қўл остида ишлатишни ўйлаб кўрди. Кейин бундан фойда йўқ, деган қарорга келди. У пулни бекорга сарфлашни ёмон кўрарди. Қўл остингда одам ишлатгин-да, унга мунтазам маош тўлаб туриш... йўқ. Шунинг учун зарур ҳолатлардагина бирон ишни бажариб беришга одам ёллаш керак, деган хулосага келди. Кейин ҳар қандай ишни бажаришга ҳозир у нозир одамларни уларнинг ўтмиш ҳаётини батафсил баён қилган ҳолда тақдим этадиган детектив агентликни кидиришга тушди. Худди мана шу агентлик ёрдамида Лео Фенсел, Кеннеди Жонс ва Гарри Эдвардсларни ишга ёллади. Унинг идорасида иккита одам: котиба ва телефончи Натали Норман ва Жорж Шерборн, яъни котиба ва эшик оғаси мунтазам ишларди.

Тез орада Чалик фирмасини кенгайтириб кўпроқ фойда оладиган фирмага айлантирмаса бўлмаслигини тушунди. Бунинг учун доим унинг ихтиёрида бўладиган ёрдамчи аёл олиш керак эди. У аёл ҳамма вақт ёнида бўлиши ва фақат унга ишлаши, бунинг устига кучли иш қобилиятига эга ва ниҳоят даражада гўзал бўлиши керак эди. Бундай аёл баъзан ўнта эркакнинг ишини бир ўзи қилиши мумкин. Сўнги йилларда кўпдан-кўп аёлларни ишга жалб қилиб кўрди, лекин биронтасиям унинг талабларига дош бера олмади. Уларга ё ишда совуққонлик ва чидам етишмади, ё бирга ишлаётган эркакларни севиб қолиб, жиришни бузиб қўйди. У ўзи хоҳлагандай иш қобилиятига эга бўлган ва энг яқин ёрдамчиси бўла оладиган аёлни кидиришдан толмади.

Чалик кўп мамлакатларга саёҳат қилди. У мамлакатдан бу мамлакатга ўтар экан, кўнглидаги аёлни топиш учун анча-мунча номзодларни синаб кўрди. Бир қарашда муносибдай кўрингани салдан кейин ўзига ёкмай қолаверди. Кўнглидаги аёлни бир ярим йил кидириб тополмагандан кейин энди унақасини, афтидан, тополмасам керак, деб ўйлай бошлади.



Чалик бир куни Токиодаги агентидан хат олди. Хатда қоплон терисидан тикилган пальто, норкали енгсиз нимча ва қоракўл терисидан тикилган пўстин олиши таклиф қилинган эди. Чалик Копенгагендаги мўйна мутахассисига мурожаат қилди.

Натали Норман Фал Ларсенга кўнғироқ қилиб, Чаликнинг у ерга бориши, унга кўрсатилиши назарда тутилаётган мақсад ҳақида огоҳлантирди. Ларсен эртаси куни “Англетер” отелида мўйнадан тикилган янги модалар намойиши бўлиши ҳақида маълум қилди.

Чалик эртасигаёқ Копенгагенга учиб келиб, Ларсеннинг салонига ташриф буюрди. Нонушта пайтида бир нечта манекенчилар мўйнадан нафис қилиб тикилган кийимларни намойиш қилишди. Кейин эса қоплон терисидан фаройиб тикилган пальтони кийиб бир аёл чиқиб келди. Уни кўриб Чалик бу ерга нима мақсадда келганини ҳам унутиб қўйди. Ниҳоят, у шунча пайт қидириб юриб тополмаган кўнглидаги аёлни энди кўз ўнгида кўриб тургандай бўлди.

Бўйи баландроқ, сочлари малла, жингала-жингала бўлиб илондай тўлғаниб яланғоч елкасини қоплаб турибди. Ёши йигирма бешлар атрофида, гўзаллигига таъриф йўқ, бир қарашда ҳар қандай одамни ақлдан оздириши мумкин. Кўзлари оч-сарик, гунча лаб, оёқларининг зўрлигини айтмайсизми, қўллари ингичка ва нозик. Қисқа қилиб айтганда, Чалик излаб юрганининг нақ ўзи. Унинг иштаҳаси бўғилди. Аёлнинг зал бўйлаб ўзига хос юриш билан ичкарилаб кетишини кузатиб турди. У кўздан ғойиб бўлгандан кейин эса эси оғиб Копенгагенга нима мақсадда келганини ҳам унутиб қўйди.

У аёлнинг гўзаллигига тамоман маҳлиё бўлиб қолган эди.

Ларсен олдига келганда, Чалик шундай деди:

— Мен миссис Ван-Руанхоним учун қоплон терисидан тикилган пальтони оламан. — У шундай деб бирмунча вақт индамай турди. Кейин бошини кўтариб сўради: — Пальтони намойиш қилган қиз ким?

Ларсен кулиб қўйди.

— Қиз ҳам пальтога ўхшаган ниҳоятда ёқимли, шундай эмасми? Унинг исми — Гай Десмонд, америкалик манекенчи. Бу ерга вақти-вақти билан ташриф буюриб туради. Қизларимдан биронтасиям қоплон терисидан тикилган пальтони Гайчалик чиройли намойиш қилолмайди.

Чалик чўнтагидан ташриф қоғозини чиқарди.

— Биз у билан дўстлашиб олишимиз мумкин. Агар у бунни хоҳласа, албатта. Менинг кимлигимни унга маълум қилиб қўйсангиз. — Чалик шундай деб кўнчига тикилди. — Мистер Ларсен, ўзингиз яхши биласиз, мен ишбилармон одамман. Агар ташриф қоғозимни қизга берсангиз бу билан қизга ҳам, ўзингизга ҳам фойдали хизмат қилган бўласиз.

Ларсен Чаликнинг табиатини яхши биларди, шунинг учун ташриф қоғозини ҳеч иккиланмай қўлига олди.

Орадан бирмунча вақт ўтиб, Чаликнинг хонасида телефон жиринглаб қолди. У гўшакни кўтарди.

— Сиз билан Гай Десмонд гаплашяпти, — унинг овози майин эшитилди. — Менга ташриф қоғозингизни ташлаб кетган экансиз.

— Менга кўнғироқ қилиб, мисс Десмонд, жуда марҳаматли иш қилдингиз. Сиз билан учрашмоқчи эдим. Сизга менинг аниқ бир таклифим бор эди. Тиволидаги “Белл-террас”-да мен билан бирга тушлик қилишга изн беролмайсизми? Дейлик, кечқурун соат тўққизда.

Аёл, розиман, деди-ю, гўшакни осиб қўйди.

Гай Десмонд роппа-роса соат тўққизда етиб келди. Аёлнинг айтган вақтида етиб келиши ҳам унга маъқул бўлди. Улар айвондаги стол томон кетишди.

— Афсуски, мисс Десмонд, биз сиз билан аввалроқ, дейлик, Парижда учрашмаганмиз-да, — деди Чалик таомномани қўлига оларкан. — Бу ердаги таомлар унчалик сифатли эмас. Парижда сизнинг гўзаллигингизга мос таомларни таклиф қилган бўлардим.

Мисс Десмонднинг эгнида оддий қора кўйлак, елкасига норкадан ёпинчиқ ташлаб олган. Қулоқларида турфа рангда бриллиант сирға товланарди.

— Ҳозир қайси мамлакатда турган бўлсак, ўша мамлакатнинг таомлари билан кифояланишимиз керак, — деб жавоб берди у. — Копенгагенда овқатлана туриб, француз таомларининг исини туйишдан маъни йўқ.

Унинг бу танбеҳи Чаликка маъқул келиб, бошини силкиб қўйди.

— Хўш, нима буюраимиз?

Аёл иккиланиб ўтирмай таомномани қўлига олди, унинг бу ҳаракати ҳам Чаликка ёқиб тушди, чунки нозланиб ўтирадиган аёлларни ёқтирмасди.

Гай болтиқча криветка ва оқ вино билан ўрдак гўштини танлади. Чалик таомномани узоқ кўриб турди-да, кейин қиз-

лар яхши нарсаларни танлайди, деб Гай танлаган букюртмани маъкул топди.

— Мисс Десмонд, — деди у официант кетгандан кейин. — Ишда менга ёрдам берадиган аёлни қидириб юрибман. Мен ўзига хос одамман ва ниҳоятда бой, инжиқ ва обрўли ҳамда жиддий одамлар билан иш олиб бораман. Менинг фикрим шундайки, қўлида пули, калласида ақлу фаросати бор одамга бу дунёда у ечолмайдиган муаммо, у эгаллай олмайдиган чўкки йўқ, деб ўйлайман. — Жим қолиб, қизга қаради. — Шуниям яхши биламанки, сизга ўхшаган аёл ёнимда бўлса, анча юким енгиллашган бўларди. Огоҳлантириб қўйишим ҳам жоизки, жуда хавфли ҳолатлар ҳам бўлиб туради. Лекин қайси мамлакат ҳудудида иш олиб борсам, ишим ҳам ўша мамлакатнинг қонунлари доирасида бўлади...

Шу ўринда Чалик айрим ҳолатларни эслатмади: Лондонда иш олиб борган пайтда бу — полициянинг қулоғига етса, уни турмага тикиб қўйишган бўларди. Лекин Чаликнинг ўзи ишларини чин кўнгилдан қонундан ташқари эмас, деб ишонарди.

— Иш ҳақи ҳам шунга яраша бўлади. Сиз Лондондаги “Ройял-Трауэрс” меҳмонхонасида шахсий хонанинг эгаси бўлиб оласиз, ундан ташқари, ҳаётда энди дунёга келгандай яшайсиз. Шуниям айтиб қўйишим керакки, ҳар қандай муносабатларимиз фақат иш юзасидан бўлади.

Шу пайт официант мазали креветкани олиб келиб қолди-ю, суҳбат бўлинди.

— Нимага асосланиб мени сиз ўйлаган ишга мос келади, деб ўйлаяпсиз? — деб сўради Гай нонга ёғ сураркан.

Чалик бу вақтда креветкани тушираётган эди. У ун қўшилган таомларни кўп истеъмол қилишдан ўзини тортар, шундоқ ҳам вазни меъеридан ўн фунт ортиқ эди.

— Буни ҳозирча тахмин қиляпман. Лекин шунга ишончим комилки, мен қидириб юрган аёл худди сиз ўзингиз.

— Маош ҳақида гапиргандингиз чоғи... Қанча тўламоқчисиз?

Чалик жавоб беришдан илгари оғзидаги креветкани чайнаб ютиш билан овора бўлди.

— Агар сиз ўз ҳақингизда баъзи бир маълумотларни маълум қилсангиз, бу саволингизга жавоб беришим осонроқ бўларди.

Қиз Чаликка хумор кўзлари билан тикилди.

— Нимаям дердик... — шундай дея у кутилмаганда табассум қилиб қўйди. Унинг бу табассумидан юзи ёришиб, янада гўзаллашиб кетди. — Кўриб турганингиздек, мен гўзалман... Кейин шунга яраша ақлим ҳам бор. Бунга ҳали ўзингиз ишонч ҳосил қиласиз, нари-бери бўлса-да, француз, итальян ва испан тилларида гаплаша оламан. Дейиш мумкинки, мен отнинг устида туғилганман. Менинг отам Кентуккида пойгачи отлар зотини яратиш билан шуғулланган. Чанғида зўр учаман, елканли кемани бошқара оламан. Ҳатто моторлигиниям, зарурат туғилиб қолса, албатта. Машина ҳайдай оламан, техниканинг тилини яхши тушунаман. Эркак зотига роҳат бахш эта оламан. Янги кийим модаларини намоиш қилиб тирикчилигимни ўтказиб юришим мумкин. Лекин пулни яхши кўрганим учун кўпроқ пул ишлагим келади...

Чалик креветкани тугатиб, қўлини махсус сочиққа артди.

— Бори шуми?

Десмонд кулиб юборди.

— Бу ҳали камми?

— Етарли... Милтиқ отишни биласизми?

Қиз қошини чимирди.

— Бу зарурми?

— Шунча нарсаларни яхши биларкансиз, милтиқдан ўқ отиш, дзюдо усулларини билиб олсангиз зиён қилмайди. Лекин бу энди иккинчи даражали масала. Ҳар хил барзанги эркаклар билан ишлайдиган аёл ўзини ҳимоя қила олиш воситалари ва усулларини билиб олса, оқилона иш бўларди, деб ўйлайман.

Официант Чалик махсус буюртма берган шароб билан ўрдак гўштини олиб келиб берганда иккаласи ҳам жим бўлиб қолишди.

— Энди сизнинг навбатингиз, — деди мисс Десмонд. — У санчқини ўрдак гўштига санчиб оғзига солди-ю, юзи бужмайиб кетди. — Жуда каттиқ экан...

— Бундан ажабланмасангиз ҳам бўлади. Ахир биз Парижда эмас, Копенгагенда ўтирибмиз-ку. — Чалик қиз ёнида ёниб турган шам устидан қараб қўйди. — Энди сизнинг навбатингиз, дедингиз. Буни қандай тушунса бўлади?

— Энди гапириш навбати сизга. Менинг хизматларимни қанчага баҳоламоқчисиз?

Унинг дангал гапириши Чаликка ёқди.

— Агар сиз, мисс Десмонд, мен топширган ҳар қандай ишга розилик билдирсангиз, — деди Чалик олдидаги гўштни

бўлак-бўлак қилиб кесаркан. — Йилнинг ўн бир ойида сўзимдан чиқмасангиз, унда ўн иккинчи ой ўз ихтиёрингизда бўлади. Кейин ўзингизни ҳимоя қилиш усуллариини ўрганишга қаршилиқ қилмасангиз, унда йиллик маошингиз фойдадан бир фоиз устамаси билан ўн минг доллар бўлади. Ҳаммасини жамлаб ҳисоблаганда йигирма беш мингнинг нари-бериси.

Аёл шаробни лабига теккизиб қўйди.

— Шароб ростдан ҳам зўр экан, тўғрими?

— Нархига қараганда зўр бўлиши керак, — деди Чалик қовоғини солиб. У табиатан пулни бекорга исроф қилишни ёқтирмасди. — Хўш, менинг таклифимга нима дейсиз?

— Йўқ... Бунақа таклиф мени қониқтирмайди. Мен истасам бирон миллионер чолнинг маъшуқаси бўлиб олишим ва осонгина сиз таклиф қилаётган суммадан икки хисса ортик даромад қилишим ҳам мумкин. Ахир сиз менга ўн бир ой жория бўлиб хизмат қилишимни таклиф қиялмасиз-ку. Шахсий ҳаётимдан воз кечиб, сизнинг ҳар қандай амрингизни кулоқ қоқмай бажарармишман. Йўқ, мистер Чалик, — деди у табассум билан. — Сиз менга таклиф қилаётган баҳо жуда кулгили.

Чалик бунга ҳайрон бўлмади. Бундан бошқа гапни ундан кутмаганди ҳам.

— Бўпти. Унда, ўз баҳойингизни ўзингиз айта қолинг.

Бу гапга қиз ўйлаб ҳам ўтирмай жавоб берди. Унинг жавоби ҳам Чаликка ёқиб тушди.

— Йилига ўттиз беш минг, ундан ташқари, мен иштирок этган ишдан келган фойданинг беш фоизи.

— Ундай бўлса, мисс Десмонд, кечиринг, мен бошқа бирон кимсани қидиришимга тўғри келади.

Кўзлар тўкнашди. Аёл мафтункор жилмайиб қўйди, лекин Чалик унинг жилмайишида қандайдир масхараомуз бир ифодани туйди.

— Сиз ҳам мени кечиринг... Мен ҳам биронтасини топишимга тўғри келади.

Чалик ўзимга мос аёл худди мана шу, уни энди топдим, деб ўзини шунга ишонтиргани билан барибир нарх масаласига келганда савдолашишга тўғри келади. Суҳбатнинг бошидаёқ ҳожатимни худди мана шу аёл чиқаради, деган қарорга келган эди. У табиатан суҳбатда ўрни келиб ён беришни ёқтирмас, ўз билганидан қолмаслик, ўзини ҳимоя қила олиш унинг табиатидаги энг яхши сифатлардан бири эди. Лекин

ҳозир оз бўлса-да, ён бериб ишни битириб олганидан мамнун бўлди. Ниҳоят, орада шартнома тузилди. Мисс Десмонд йилига ўттиз минг доллар ва фойдадан тўрт фоиз оладиган бўлди. Чалик бу ўзига қанчага тушишини ҳисоб-китоб қилиб ҳам кўрмади. Лекин қиз ёрдамида жуда катта фойда кўришига ишончи комил эди.

Битим тузилгандан кейин мисс Десмонд Чалик шарт қилиб қўйган ўзини ҳимоя қилиш усулларини ўрганиб олиш учун Лондонга учиб кетди. Устозлари мана шундай фариштадай гўзал ва зийрак хилқатни шогирдликка олганларидан беҳад хурсанд бўлдилар.

Ўз кўнглидаги ниятига эришганидан хурсанд бўлиб кетган Чалик мисс Десмондни “Ройял-Трауэрс” меҳмонхонасининг ўзидан юқори қаватдаги энг чиройли хонасига жойлаштирди. Орадан икки ой ўтиб қиз пулни ҳалоллаб олаётганини исботлади. Унинг топшириқларини дўндириб бажарди. Шу қадар аъло даражада бажардики, унга ҳатто Чаликнинг ўзи ҳам қойил қолди. Биринчи топшириқ шундай бўлдики, Чалик ишлаётган фирмага кимё аралашган бир формулани олиб келиш зарур бўлиб қолган эди. Уни бошлаб ўринлатди. Иккинчи топшириқ биринчисига ўхшаган эди. Биринчисидаям, иккинчисидаям Гай топшириқ билан боғлиқ зарур маълумотни қўлга киритишда бир одам билан тўшакда ётишини тақозо қиларди. Чаликни бу ишларнинг тафсилоти қизиқтирмади. Топшириқ бажарилгандан кейин аввал келишилган пулни берганига хурсанд бўлиб юраверди.

Ўтган олти ойда Гай икки йил давомида ишлаши мумкин бўлган пулдан ҳам ортиқроқ даромад топди. Ўз муваффақиятидан терисига сиғмай юрган Чалик мисс Десмондни қишки спорт турлари билан шуғуллангин, деб таътилга чиқарди. Албатта, аёл қишки спорт турлари билан бир ўзи шуғуллангани йўқ. Лекин унинг шахсий ҳаёти Чаликни қизиқтирмади... Орадан бирмунча вақт ўтгандан кейин Гай Боржианинг узуги муносабати билан янги топшириққа жалб қилинди.

Чалик Гайга телеграмма жўнатиб, унга зудлик билан етиб кел, деди. Гай телеграммани олиши билан самолётга ўтириб қайтиб келди-ю, унинг хонасида ҳозир бўлди. Альп тоғларининг қуёши унинг юзларини қорайтирган, бундан у илгаригидан ҳам гўзал тортиб кетган эди. Чалик уни бўлажак топшириқ билан таништирди. Бу саргузашт Гайга маъқул келганини билиб жуда хурсанд бўлди.

— Наталь сизга ёқади, — деди у. — У ер жаннатмакон жой. Сиз билан учта эркак ишлайди. Улар билан ишлаш осон. Шуниям эслатиб қўйишим керакки, таваккал қиламан деб кўнглингиздагини сездириб қўйсангиз, Каленберг ниҳоятда хавфли одам.

Гай елкасини ёқимли қисиб қўйди ва ўзига ишонч билан кулди.

— Эркаклар тез-тез хавфли бўлиб туришади!

Гай Десмонд Чаликнинг столига келиши билан учала эркак ҳурмат юзасидан ўринларидан туришди. Чалик уларни бирма-бир таништирди ва қиз уларга синчиклаб қараб чиқди. Кеннеди Жонс истараси иссиқ кўринди, бу одам хавф туғдирмайди, у билан осонгина тил топишиб олиш мумкин, деган қарорга келди. Кейин унинг кўзи Феннелга қадалди. Бу сўзсиз жуда хавфли одам, ундан эҳтиёт бўлиш керак, деб қўйди. Эркак зотини жуда яхши билгани боис, у билан бир кун келиб кўнгилсизлик содир бўлиши мумкинлигини ҳис этди.

Кейин Гай Гарри Эдвардсга қаради, у кўзига улардан бошқача кўринди. Уч хил табиатга эга бўлган шахслар... Мана шу одамлар билан энди у машаққатли топшириқни бажариш учун йўлга тушиши керак бўлади.

— Танишинг, мисс Десмонд, — қизни уларга таништирди Чалик. — Бизнинг Троян отимиз.

— Жа ошириб юбордингиз, — кулиб қўйди Гай. — Лекин мен от эмас, гўзал Елена бўлиб қолишни маъқул кўрадим.

— Марҳамат, ўтиринглар, — деди Чалик қизга юмшоқ курсини суриб. — Иоганнесбургга қилинадиган сафарингизда мисс Десмонд ҳам иштирок этади. Сешанба куни учиб кетасизлар. “Интернационал” отелидан сизларга хона буюриб қўйдим. Жонсон экспедицияни ташкил қилгунча қанча вақт кетса, шунча турасизлар. У ерга мистер Эдвардс олиб боради. Вертолёт топиб, йўл тадоригини кўриб қўйганман. Каленбергнинг макони ҳақида баъзи бир маълумотларни қўлга киритдим. Лекин унинг мутлақо тўғрилигига унчалик ишончим комил эмас. Ишни бошлашингиздан илгари мисс Десмонд Каленбергнинг кўрғони ичига кириб олиши, менинг маълумотларим тўғрилигини тасдиқлаши, музей жойлашган ерни аниқлаши ва ниҳоят, хавфсизлик чораларини кўриб қўйган бўлиши лозим. Сиз, мисс Десмонд, ўзингизни табиатдаги ёввойи ҳайвонларни суратга олувчи сураткаш сифатида кўрсатасиз.

Қисқаси, энди сиз “Энимал Уорлд”нинг мухбирисиз. Бу мен бир вақтлар хизмат қилган кичкина Америка журнали. Каленберг жуда эҳтиёткор. Сиз ростдан ҳам ўша ерда ишлайсизми, йўқми деб текшириб қолиши ҳам мумкин. Буни эҳтиёткорлик юзасидан қилдим.

Мистер Эдвардс малакали учувчи вазифасини адо этади. Ахир, ҳаводан туриб суратга олишда вертолётнинг вазифасини ҳеч нарса босолмайди. Булар ҳаммасидан ташқари, Каленбергнинг саройи олдида самолёт қўнадиган майдонча бор, шундай экан, — Гай билан Гаррига ўтирилди, — вертолётни ўша майдончага қўндирасиз ва сарой сохибига юқоридан туриб уйни кўриб қолдим-у, уни суратга олмоқчи бўлдим, деб тушунтирасиз. Сизга суратга тушириш учун рухсат бермаслиги аниқ. Лекин шуни биламанки, Каленбергга мисс Десмонд ёқиб қолиши мумкин.

— Агар ёқиб қолмаса-чи?

— Бунга аниқ ишончим комил. Мен бекорга валдирамайман... Музейнинг ўзи қаерга жойлашганлиги борасида заррача тасаввурга эга эмасман. Лекин у катта ва жуда кенг хонанинг ичида бўлса керак.

Музейда сақланган нарсаларнинг кўпчилиги ўз вақтида ўғирлаб келинган. Шунга қараганда бино ниқобланган ва жуда қаттиқ қўриқланаётган бўлиши керак. Бундан саккиз йил муқаддам, менинг агентларимдан биттаси Дурбанда бўлган ва кемадан юк туширишда иштирок этган эди. Ўшанда туйқусдан пристандаги жуда кўп қутиларнинг сиртига Каленбергнинг номи ёзиб қўйилганлигини кўриб қолган. Менинг Каленберг билан қизиқиб юрганлигимни билган агентим у ҳақда баъзи бир маълумотларни тўплаб келган. Қутилар Швециядан келтирилган ва улар Балстремда тайёрланган экан. Бу маълумотлар ҳеч нимани англатмаслиги ҳам мумкин, лекин шуни маълум қилиб қўяйки, бу шаҳар хавфсиз ва ўтда куймас пўлат сандиқ ишлаб чиқариш бўйича дунёга донг таратган.

Чалик Феннелга ўтирилди.

— Мен айтаётган бу гаплар сизга янгилик эмас, албатта.

Қулфбузар кулиб қўйди.

— Балстремда нималар тайёрланиши менга беш қўлдек маълум. Унинг маҳсулотини кўзимни юмиб айтиб бера оламан. Ҳақиқатан ҳам жуда ажойиб нарсаларни яратишади...

— Мистер Феннел, худди шунинг учун ҳам сизни ёлладим. Чалик сигарасининг кулини яна қулдонга қоқиб қўйди. — Агент ишни жуда қойилмақом қилиб бажарди. Яхшигина пул тўла-



гандим, денгиз агентлиги билан гаплашиб, ҳужжатларнинг нухасини менга жўнатди. Ҳозир уни сизга кўрсатаман. Эҳтимол, бу Каленбергнинг хавфсизлик тизимини ечишингизга ёрдам берар. Айниқса, Балстремда ишлаб чиқилган нарсаларнинг хавфсизлик чораларини таъминлаш жиҳозлари сизга маълум бўлса керак. — Чалик Феннелга конверт узатди. У конверт ичидаги нарсага нари-бери кўз югуртириб чиқди-да, уни чўнтагига тикди. — Бу ҳақда бир фикрга келиб олишларингиз учун сешанбагача вақтингиз бор.

— Тушунарли, — деди Феннел оёғини чалиштириб оларкан. — Сешанба куни келиб, сизга ўз мулоҳазаларимни баён қиламан.

Чалик Гаррига ўгирилди.

— Мистер Эдвардс, Каленбергнинг маконини қўшиб ҳисоблаганда Аждартоғ атрофларининг юқоридан олинган харитаси бор. — У шундай деб столга яна битта конверт ташлади. — Менга жавоб беринг-чи, харитадаги Жонс белгилаган нуқтага вертолётни қўндира олиш-қўндира ололмаслигингизни айтинг. Сиз билан душанба куни гаплашамиз.

Гарри маъқул дегандек бошини қимирлатиб конвертни олди.

Чалик Жонсга мурожаат қилди:

— Сиз экспедициянинг ташкилий жиҳатига жавоб берасиз. Сиз мистер Феннел билан “жип”да музейгача кириб боришингизга тўғри келади. Мисс Десмонд хоним билан Эдвардс ҳавода саёҳат қилиб юришади. Каленбергнинг мулкига довур бўлган йўл дабдала, айниқса, ёмғир мавсумида умуман юриш қийин. Бу энди сизларнинг муаммоингиз. Ундан ташқари, зулуслар унинг мулкани қўриқлаб турган нуқталардан сездирмай ўтиб олишингиз керак. Сиз бунинг роса машқини олгансиз, сизнинг олдингизга тушадиган одам йўқ, мен сизга ўргатиб ўтирмайман...

— Буни менга қўйиб беринг, — ишонтирди Жонс.

— Яхши. Сиз билан ҳам топшириқнинг сўнгги нуқталаригача келишиб олиш учун душанба куни кўришамиз... Саволлар борми?

Феннел олдинга чиқди.

— Бор. Пул-чи, пул... Бу иш учун сиз ҳар биримизга тўққиз минг доллардан беришни ваъда қилгандингиз. Шундай экан, бир оздан бўнак берарсиз.

Чалик зўрма-зўраки кулиб қўйди.

— Шуни сўрашингизни кутиб тургандим. — У шундай деб стол ғаладонидан тўртта конверт чиқарди. — Олинглар, ҳар бир конвертда уч минг доллардан. Топшириқни тугатиб келганингиздан кейин қолганини оласизлар. — Кейин у “Омега” русумидаги тилла соатига қараб қўйди. — Душанба 9.30 да учрашамиз.

Гай Десмонд шу заҳоти чиқиб кетди. Унинг кетидан бошқалар ҳам қўзғалишди.

— Мистер Феннел!

Феннел ўтирилди.

— Бир дақиқа тўхтаб туринг. Баъзи бир нарсаларни сиз билан гаплашиб олмоқчиман. — Чалик Гарри билан Кеннедига қаради. — Жаноблар, сизлар бораверинглар. Сизларни бекорга ушлаб турмайман.

Феннел елкасини қисиб яна ўриндиққа чўкди.

Улар чиқиб кетишгандан кейин Чалик янги сигара олиб учини кесди-да, Феннелга совуқ назар ташлади.

— Мистер Феннел, мен сиз билан баъзи нарсаларни келишиб олишни зарур деб ҳисоблайман. Сизнинг иккала шеригингиз ҳам турмада ўтириб чиққан, лекин улар ашаддий жинойтчилар эмас. Сиз эса, ашаддий жинойтчисиз. Бунинг устига ўта хавфли жинойтчисиз. Бу ишда сизни танлаган эканман, бу сизни ёктирганим учун эмас, сиз бу ишнинг мутахассиси бўлганингиз учун. Ўтмишим сизга маълум эмас деб хомтама бўлманг, барчасини беш қўлдек биламан. Менга сизни яшириниб юрибди дейишди. Иложиши топиб, Англиядан қочиб кетмоқчи эканлигингизни маълум қилишди. Садоқатли шерикларингиздан бештасини сотибсиз. Марони деган кимса, ернинг тагидан бўлсаям сизни топиб, йўқотмоқчи бўлиб юрган экан. Кечаси ҳужум қилиб, ўлдирмоқчи ҳам бўлишибди... — Чалик гапдан тўхтаб ўриндиқда қоғиб қолган Феннелга бир зум қараб турди, — шу гаплардан кейин, — давом этди у. — Сиз билан ишлаган одамлар ҳақида қанчалик маълумотга эга эканлигимни билиб олдингиз. Ундан ташқари, яна бошқа маълумотларни ҳам қўлга киритдим. Гонконгда, Мисрда ва Истанбулда ўлдирилган уч одамнинг қотили сифатида ҳам сизни қидириб юришибди. Қўлимда шундай далиллар борки, Интерпол бунинг ҳидини олса, мендан жуда миннатдор бўлади... Бу сизга жуда ғалати туюлаётган бўлса керак-а, мистер Феннел?

Феннел лабини ялаб қўйди.

— Мен сизни тушунолмай қолдим... Мени кўрқитмоқчи бўляпсизми? Ўйловдимки, бирга ҳамкор...

— Ҳа, ҳамкорлик қилмоқчиман, лекин бу гаплар сизни оғохлантириб қўйишимни истисно қилмайди. Иккита нарса-ни доим ёдингизда тутинг. — Чалик сигаранинг учини Феннел томон тўғрилади. — Биринчидан, мисс Десмондга тегиша кўрманг. У хонага кириб келганда уни кўриб кўзингиз ўйнаб кетганини сездим. Кишининг кўнглидан кечган туйғуни кўзи сотиб қўяди. Ўзингизча Африка чангалзорларида киши кўнглига келган ишни қила олади, деб ўйласангиз керак. Мисс Десмондга нисбатан заррача ножўя хатти-ҳаракатингизни сезсам, ўша заҳоти Интерполга хабар қиламан.

Феннелнинг юзида уялгансимон бир табассум зоҳир бўлди.

— Бунга ваъда бераман... Шунгаям ваъда бераманки, ўша лаънати узук сизнинг кўлингизда бўлади. Лекин, мен корингизга ярайдиган одам эканман, қолган ҳақимни қачон оламан.

— Бу ҳақда узук кўлимда бўлганда гаплашамиз. Энди эса, сизга жавоб!

Феннел Чаликка тикилиб қаради, бу вақтда Чалик телефонга кўл чўзган эди. У хонадан чиқиб кетди. Қабулхонада Натали Норман ўтирарди. Феннел унга ҳатто нигоҳ ҳам ташламай йўлакка чиқди.

Чалик телефонда гаплашаётганига, Феннел эса кетганига ишонч ҳосил қилгач, Натали магнитофонни ўчириб, кассетани чиқариб олди.

Гарри телефон будкасига кириб Тонига кўнғироқ қилди. У шу заҳоти гўшакни кўтарди.

— Азизам, омадни ювишимиз керак. Устига-устак итдай очман. Риб Руумдаги “Хилто-Трауэрс” да бир соатдан кейин учрашамиз.

Тони хурсанд бўлганидан қичқириб юборган пайтда Гарри гўшакни илиб қўйган эди. У ясан-тусан қилиб келгунча камиди бир соат ўтишини билган эди. Ўзига оро бериб юришни жуда яхши кўрарди. Гарри Риб Руумга кайфи чоғ етиб келди. “Ройял-Трауэрс” қаҳвахонасига кириб, Кен Жонс билан тўртта мартинини бўшатди. Кейин Жонс бир қиз билан учрашувим бор, деб кетди.

— Бу сафар ҳақида фикринг қалай? — деб сўради Жонс хайрлашаркан.

— Менимча жуда қаттис. лекин пули яхшигина. Ҳайлашимча, иккаламиз бунинг уддасидан чиқсак керак. Анави Феннел... Жонс кулиб қўйди.

— Нимадан хавотир оляпсиз? Ёнингизда офатижон киз бўлади. Феннелнинг ёнида эса, мен бўламан.

— Унга жуда эҳтиёт бўлишингизни маслаҳат берган бўлардим.

— Тушундим... Хўп, душанбагача. Вақтингизни хушчақчақ ўтказинг. — Жонс шундай деб отелдан чиқиб кетди.

Гўзал Тони Гарри кутавериш тоқати тоқ бўлаётганда етиб келди.

— Очиқиб ўлар даражага келдим, — деди Гарри таъна аралаш. — Энди келишингдан умидимни узай деб турувдим.

— Биламан, азизим, нима қилай, шундай бўлиб қолди. — Қиз Гаррига назар ташлади. — Мени шунчалик яхши кўрасанми?

Гарри Гай Десмонд билан танишгандан кейин Тони кўзига жуда ёш, ноз-карашмалари хаддан зиёд ва бу унинг кўзига бачканаликдай кўринаётган эди.

— Сен — ғоятда жозибалисан!

Тўрт хисса мартинини уриб олгандан кейин унинг овози ҳам бардам жаранглаётган эди.

Улар ресторанга киришди.

— Демак, иш топибсан-да? — деди Тони столга ўтиришгандан кейин.

— Албатта-да, бўлмаса бу ерда ўтирмаган бўлардим.

— Кел, овқат буюрайлик, кейин менга ҳамма гапни айтиб берасан. Вой худойим-ей, очдан ўлай деяпман-а!

Официант келди. Гарри ўнтадан устрица, бир шиша “Шаб-ли”, шотландча қовурилган картошка билан мол гўшти ва охирида ширинлик буюрди.

— Яхшигина мўмай пулга эга бўлганга ўхшайсан, — бидирлади Тони. — Жуда сахий бўлиб кетдинг.

— Шуям пул бўлдими, яхшигина бойликка эга бўлдим. — у стол остидан Тонининг сонига қўл юборди. Тони унинг қўлини итариб юборди.

— Уятсиз бўлиб кетибсан, мистер Эдвардс!

Гарри қўлини тортиб олди.

— Ўзим ҳам ўзимга ҳайрон қоляпман, мисс Уайт.

Устрицани олиб келишди.

— Кани, гапириб бер-чи, қанақа иш экан тоғанинг... — деди Тони, устрицани очаркан. — О худойим, устрицани жонимданам яхши кўраман-да.

— Фақат, уни дарров ютиб қўя қолма, озгина оғзингда айлантириб маза қил, — маслаҳат берди Гарри устрицасининг қопқоғини очаркан. — Аслини айтганда ёш ва гўзал хонимлар шошмай овқатланишади.

— Ха-ха... фақат топган ишинг ҳақида тезроқ гапириб бер.

— Ишим — жуда зўр! Наталга кетяпман. Географиядан маълумотлар кам бўлгани учун айтиб қўяй, Наталья Жанубий Африкада. Мен у ерга сураткаш журналист аёлни вертолётда олиб бораман. Аёл у ерда ёввойи ҳайвонларни суратга олади. Ишимиз уч ҳафта давом этади. Лекин оладиган ҳақимиз жуда яхши.

Тони Гаррига рашк кўзи билан тикилди. Гарри эса унинг кўзига қарашга ботинмади.

— Демак, тушунишимча, уч ҳафта мобайнида аёлни чангалзорда олиб юрар экансан-да?

— Худди шундай, — унинг гапини маъқуллади Гарри. — Фақат, илтимос, рашк қила кўрма. Унинг ёши қирқ бешларда. Ундан ташқари, ҳомиладорга ўхшайди. У шундай аёллар тоифасиданки, кулиб гапиргани билан ҳар қимга оғзининг суви қочаверадиганлар тоифасидан эмас.

Тони унга оғзи очилиб қараб қолди.

— Даҳшат!

— Даҳшатми, даҳшатмасми, яхшигина ҳақ тўлашади меҳнатимга. Яхшиямки, унинг менга оғирлиги тушмайди, шуни сизга раҳмат дегин. Омадим чопди деб ҳисоблайвер...

Тони рози бўлгандай калласини қимирлатди. Официант бўш чиғаноқларни йиғиштириб олиб кетди ва мол гўштини олиб келди. Гарри Тонига қаради. “Афтидан, Тони ёлғон гапирётганимни сезиб қолди-ёв, энди бу вазиятдан чиқиб кетишим керак”, деб ўйлади.

— Тони, азизам, — юмшоқлик билан деди Гарри. — Нимадандир норози кўринаётганга ўхшайсан.

Тони унга ҳатто қараб ҳам қўймади. Унинг бутун диққат-эътибори худди овқатга қаратилгандек эди.

— Менимча, ҳеч қаерда мол гўштини бу ердагидай ёмон пиширмаса керак...

— Жа, унчалик эмасдир. Эсимда, Гонгконгда бўлганимда...

— Ўша бемаъни Гонконгинг мени мутлақо қизиқтирмайди. Яхшиси, тўғриси айти айта қол, ўша ҳомиладор аёлни чангалзорда олиб юрганингга қанча тўлайди.

— Мен сенга уни ҳомиладор деб аниқ айтганим йўқ-ку. Кўришини шунақага ўхшайди... Бу ҳомиладор деганим эмас-ку. Менга уч минг тўлайди, — яна ёлғон гапирди.

— Қанча?

— Уч минг доллар. Бу жуда катта пул.

— Шу пул деб уч ҳафта йўқ бўлиб кетасанми?

— Ҳа-да...

Тони таомни ея бошлади, унинг кўзларида бошқача аломат содир бўла бошладики, бу Гаррини чўчитиб қўйди.

— Наталь жуда ёқимли ўлка. У ерда ишлаш одамга ҳузур бахш этади назаримда. — деди у.

— Кел, кечки таомни хафалашмасдан ейлик... Мен ахир бу ерда биринчи бор бўляпман-ку...

— Мен ҳам оқшомни кўнгилхушлик билан ўтказсам дедим. Сен бўлсанг, жанжал кўтармоқчи бўляпсан!

Тони қовурилган картошкани санчқи билан кавларкан, узун-узун киприкларини юмиб олди.

— Ҳозирча бирга эканмиз, кел, уришмайлик.

Унинг илмоқли гапи Гаррининг кайфиятини бузди.

У тақсимчани жаҳл билан нари суриб, сигарет чекди. Тони эса, гўштни эзиб чайнаб, аста овқатланарди. Орадаги жимлик у таомни узил-кесил тугатгунча давом этди.

— Тони, оғзингга талқон солиб олганмисан, нега индамайсан? Биз бу ерга муваффақиятимизни нишонлаш учун келгандик-ку, ахир.

Қўлида ширинлик кўтариб официант келди.

— Торт — менинг жоним, — деди Тони. — Қиролича Виктория тортни таом орасида тортишни яхши кўрарди.

— Тони, сени нима жин урди, деб сўраяпман? — Гарри зарда қилиб сигаретни кулдонга босди. — Тушунмаяпман, сенга нима бўлди ўзи?

— Шунақами? — деб Тони қўлидаги санчкини тақсимчага қўйди. — Менга ҳеч нима бўлгани йўқ. Фақат ўз-ўзимга уялмай-нетмай ёлғон гапириб ўтирадиган севиклим билан бундан буюнга қандай яшай оларканман, деб савол беряпман, ҳоҳос. Бор гап шу.

Улар бир-бирига тик қарашди.

— Биласанми, азизам, ниҳоятда фаросатли ва ақлли аёллар ҳақиқатан ҳам менинг табиатимга тўғри келмас экан, — деди Гарри гижиниб.

— Ана, келишиб ҳам олдик, — деди Тони ноилож аста кўлини ёйиб. — Лекин энди барибир. Сен билан шундай ажрашолмайман... Сени шунақанги яхши кўраманки. Қўй бу тортишишларни. Уйга борайлик, бу сан-майдан кўра бағрингда бир зум ором олганим ёқимлироқ.

Гарри ҳисоб-китоб қилди, кейин ресторандан чиқишди. Тони таксида бурчакка суқилди.

— Ўша америкалик журналист аёл... Жудаям гўзалми, а? Азизим, фақат алдама.

— Ҳа, у гўзал.

Тонининг чехраси аламдан буришиб кетди.

— Лекин Гарри, ёнимга қайтиб келасан, а? Келасанми?

— Гапимга қулоқ сол, Тони...

— Ёнимга қайтиб келасанми, деб сўраяпман?

Гарри нима деб жавоб беришни билмай қолди. Кўз олдида кун бўйи хаёлини ўғирлаган аёлнинг гўзал қиёфаси намоён бўлди.

— Тўғрисини айтсам, Тони, билмайман...

— Нимаям дердим, очик гапирганинг учун раҳмат. — Тони Гарри томон сурилди. Улар бир-бирининг бағрига сингиб кетишди.

Феннел такси шофёридан Хорсей-Роуд кўчасининг охиридаги Жесси ижарада турган уйга олиб бориб қўйишини илтимос қилди. Феннел табиатан эҳтиёткор бўлганлиги сабабли, такси унинг уйи олдига борганда атрофни синчиклаб текширди. Лекин бирор шубҳали нарсани сезмади. Кўчанинг охирига бориб шофёр билан ҳисоб-китоб қилди-да, машинадан тушди. Кейин эҳтиёткорлик билан уйларнинг соясида яёв оркага қайтди.

Кўча эшикдан уйга кириб, чирок хира нур сочиб турган зинапояга қаради. Назарида бу ерда бирон хатар бордек туюлди. Бир оз ўйлаб тургандан кейин зинапоя ортида турган телефоннинг олдига бориб, Жессининг рақамини терди. Шундай кеч, бемахал, тагин хаво ёмон бўлиб турган пайтда Жессининг бирон ерга кетиши амримаҳол бўлса-да, гўшакни ҳеч ким кўтармади. Соат ўн бир ярим, Феннелнинг вужудини яна шубҳа камраб олди. Наталда унга аскотиши мумкин

бўлган нарсалари Жессининг уйида қолганди. Тўғрироғи, уйининг ичида эмас, қазноқда, ҳар хил лаш-лушларнинг ичида. Агар полиция унинг изига тушгудек бўлса, булар катта хавф туғдирарди. Жесси ўз жонини қутқариш учун ҳаммасини оғзидан гуллаб қўйиши ҳеч гапмас.

Бирдан Феннел кулиб қўйди. Унинг калласига яхши фикр келиб қолади. У гўшакни кўтариб полициянинг рақамини тера бошлади.

— Хорсей-роуд кўчасидаги 322-уйда ғалати нарсалар содир бўляпти, — деди у йўғон овоз билан жавоб берган одамга. — У ерда қотиллик содир бўлмадимикин, деб қўрқяпман.

Феннел гўшакни осиб, кабинадан чиқди. Бировларнинг эътиборини тортмаслик учун, кўчани кесиб ўтиб, кимсасиз торкўчага кириб турди.

Полиция патруль машинасини кўп кутишга тўғри келмади. Тўртта машина 322-уйнинг кўча эшиги олдига учиб келди. Феннел чироғи ўчиқ хонанинг деразасига қараб турди. Тез орада у ерда чироқ ёнди. Феннел уриб турган совуқ шамолдан дилдираб, зах деворга суяниб турди. Орадан йигирма дақиқа ўтгач, учта полициячи кўлига занжир солинган иккита барзангини олдига солганча чиқиб келишди. Уларни туртиб-силтаб машинага тикишди. Кейин машинани ҳайдаб кетишди.

Демак, тепада яна битта полициячи қолибди. Жессига нима бўлганйкин? У ерда нималар содир бўлмасин, бу ёғига Феннел бошқа кутиб ўтиролмади. У чўнтагидан рўмол чиқариб, юзининг паст қисмини ўради-да, рўмолни бошига боғлаб олди. Сўнг кўчани кесиб ўтиб, ташқаридаги эшикка кирди, зинадан шовқинсиз юқори қаватга югуриб кетди. Охириги қаватга чиқиб, атрофга қулоқ солди. Жессининг хонаси очик. У ердан қандайдир тушунарсиз овозлар эшитилмоқда... Феннел соядай бир зумда ўзини эшикнинг ортига олди ва ичкарига қаради. Қаршидаги деворга роса қон сачраган. Полициячи ерда ётган Жессининг мурдаси бошида чўккалаганча ниманидир қидирарди. Феннел қалтираб кетди. Демак, бечора Жессини барибир ўлдиришибди-да...

Феннел иккиланиб ўтирмади. У отилиб полициячининг олдига борди-да, бор кучи билан гарданига мушт туширди. Полициячи қонга беланиб ётган Жессининг устига гурсиллаб тушди. Феннел вақтни ганимат билиб мушукдай бир сакраб мўъжазгина ётоқхонага, ундаи чордоққа сакраб чиқиб кетди. У ердан бир неча дақиқада лаш-лушларини топиб, ўзини зинапояга урди. Полициячиларнинг сиренасини эшитиб, бир



печа зинани бир қадам қилиб пастга отилди. Кўчани кесиб ўтиб ўзини ҳалиги уйнинг панасига олган пайтда “тез ёрдам” машинаси полициячиларнинг иккита патруль машинаси ҳамроҳлигида Жесси яшаган уйнинг эшиги олдига келиб тўхтади. Феннел жаҳл билан пишкириб қўйди. Ўтиб кетаётган бўш таксини қўриб қўл кўтарди ва унга ўтирди-да, “Ройял Трауэрс” меҳмонхонаси олдига олиб бориб қўйишини илтимос қилди.

Кейин Чаликнинг шоҳона хонаси олдига келиб эшикни тақиллатди. Узоқ кутишга тўғри келди. Ниҳоят, эшик очилди. Чаликнинг шахсий котиби ҳам хизматкори вазифасини бажариб юрадиган қария Жорж Шерборн савол назари билан қошини чимириб Феннелга тикилди. Сўнгра меҳмонни таниб, бир оз иккиланиб тургандан кейин ичкари кириши учун ўзини орқага олди.

— Мистер Чалик зиёфатга кетган, — маълум қилди у. — Сизга қандай ёрдам бера олишим мумкин?

— Мен зудлик билан мамлакатдан чиқиб кетишим керак, — деди Феннел терлаб кетган пешонасини артиб. — Ёмон аҳволга тушиб қолдим. Мени қидириб юрган аблаҳлар, яширинишимга ёрдам берган дўстимни топиб, сўйиб ташлашибди. Ҳозир унинг уйида полициячилар изғиб юришибди. Зумда у ердан бармоқ изларимни топиб олишади, улар ҳаммаёқни босиб кетган. Исковучлар сезиб қолишса, мен ўлдим дегани!..

Шерборн ҳеч қачон ақлини йўқотиб қўймайдиган ва ўрни келса, қатъий ва эпчил ҳаракат қиладиган одамлар сирасига кирарди. У Феннелсиз “Боржиа узуги” операцияси амалга ошмаслигини яхши биладиган зийрак одам эди. Шунинг учун, “сиз шошмай тулинг”, деди-да қўшни хонага кириб кетди. Ярим соатлардан кейин қайтиб чиқди.

— Сизни машина кутиб турибди. Лидсга олиб бориб қўяди. У ердан Токуэтага элтиб қўядиган таксига ўтирасиз. Кейин бошқа машина билан Парижга борасиз. “Нормандия” меҳмонхонасида яшаб турасиз. Чиптани “Орли”да оласиз. — Шерборн Феннелга тикилиб қаради. — Шунини билиб қўйинг, харажатлар оладиган хизмат ҳақингиздан чегириб қолинади.

— Бу гап кимдан чиқди, тўнғиз?

Шерборн унга жирканиб қаради.

— Илтимос, тилингизга эрк берманг! Бу гапларни эшитса, мистер Чаликнинг қаттиқ жаҳли чиқади. Энди жўнанг бу

ердан. — У Феннелга бир варақ қоғоз узатди. — Бу ерда керакли кўрсатмалар бор. Паспортигиз ёнингиздами?

— Бор-э, гўрсўхта! — Феннел ёжинди ва варақни олиб лифтга шошилди.

Орадан бир неча сония ўтиб машина Лидс томон елиб кетди.

## УЧИНЧИ БОБ

Чалик Жонсон, Феннел ва Гаррилар билан суҳбатлашиб бўлгандан кейин Натали ўтирган қабулхонага чиқди. Бир қўлида ёмғирпўш, иккинчи қўлида мўъжазгина чамадонча, Натали ишини тўхтатиб ўрнидан турди.

Натали Чалик учун оддий буюмдай гап эди. У меҳнаткаш ва итоаткор, бунинг устига кўримсиз. Чалик уни хизматкорлари кам бўлган бир агентликнинг таклифи билан ўзига ёрдамчи қилиб ёллаган эди. Ёши ўттиз саккизда. Немис, француз тилларини чала-чулпа билади, иктисод бўйича гувоҳномаси бор. Чалик аёлни ишдан бошқа бирон қизиқадиган нарсаси бўлмагани сабабли, уни фикр қилишдан маҳрум робот ўрнида кўрарди. Суҳбатлашганда ҳам аҳён-аҳёнда у томонга қараб кўярди.

— Шанба ва якшанба кунлари, мисс Норман, мен бўлмайман, — деди Чалик ёзув столи олдида туриб. — Лекин илтимос, эртага келиб почтани кўриб қўйинг-да, кейин кетаверинг. Душанба эрталаб соат тўққизда мажлисим бор.

Шундай деб Чалик унга табассум ҳам қилмай, яхши дам олинг ҳам демай индамай чиқиб кетди.

Эртаси Натали ўз вақтида келиб, почта билан шуғуллашишга тушди. Шерборн кириб келганда у ўз ёзув столини тартибга солаётган эди. Натали уни жинидан ҳам ёмон кўрар, у ҳам бу аёлни ёқтирмасди. Унинг назарида у хўппасемиз бир ялқов ва бекорчи эди. Бир куни Натали Чаликнинг хонасини тозалаб, стол устидаги хатларни тартибга солаётганда Шерборн хонага аста кириб келиб, Наталининг кетига шاپатилаб қўйди. Аёл чўчиб орқасига ўгирилди-ю, унинг башарасига қўлидаги конверт билан тушириб қолди. Шерборннинг бурни қонаб кетди. Шундан буён улар Чаликка хизмат қилишса-да, бир-бирини кўришга кўзи йўқ эди.

— Ишни тугатдингизми? — деб сўради у ҳуштак чала туриб. — Тугатган бўлсангиз, яхши боринг, менинг озгина юмушим бор.

— Менинг ҳам бир неча дақиқалик ишим бор, — деб жавоб берди Натали унга қарамай.

Шерборн унга норози қиёфада тикилиб, калласини қимирлатиб қўйди ва Чаликнинг хонасига кириб кетди. Натали кулоқ солиб турди. Қараса, Шерборн телефон гардишини айлантириб рақам теряпти. Натали тезда ғаладондан сумка олди, иккинчи ғаладондан мўъжаз бир магнитофон билан тасмали учта кассета чиқарди. Уларни сумкасига солиб, аста Чаликнинг хонаси эшигига борди-да, кулоқ тутди.

— Алло! Азизам, менинг ихтиёримда ҳашаматли хона бор. — Ичкаридан овоз эшитилди. — Ҳа, ҳамма зиёфатда. Хузуримга кела қол. Бир маишат қилайлик.

Натали жирканиб юзини буриштириб қўйди. Кейин пальтосини кийди-да, бошига қора рўмолини ўради. Сумкасини олиб эшикка йўналди.

Йўлакда лифтни кутиб турганда олдида Шерборн пайдо бўлди.

— Кетяпсизми?

— Ҳа.

Натали унга совуққина қараб қўйди-ю, лекин Шерборннинг сумкасига диққат билан тикилиб тургани эътиборидан четда қолмади.

— Мана шу сумкада ҳамма махфий сирларни олиб чиқиб кетяпсизми?

— Топдингиз.

Худди шу он лифтнинг эшиги очилиб Натали ўзини ичкарига олди. Шерборн масхараомуз унинг орқасидан қараб қолди.

Натали Кингстонгача таксида борди. Унинг уйи Черч-стритда эди. Ўтган кеча кўзига деярли уйку келмади. Чаликни бориб сотсам арзийдими-йўкми деб каравотда кечаси билан у ёнидан-бу ёнига тўлғониб, ағанаб чиқди. Ҳатто ҳозиргача ҳам бир қарорга келолмаган эди. Уйига кириб пальтосини ечди, ўзини ҳорғин ҳис қилиб юшоқ курсида қимирламай бир неча дақиқа сукут сақлаб ўтирди. Кейин соатга қаради: ўн бирдан ўн бир дақиқа ўтибди. Қўлида бир имконият бор: Барнет банкда бўлмайди. Ҳозир шанба. У бир оз иккиланиб тургандан кейин бориб телефон рақамини тера бошлади. Ўриндикнинг ён суянчигига ўтириб телефон гўшагига кулоқ солиб турди.

— Наталь миллий банки эшитади, — деган овоз келди гўшакдан.

— Мистер Барнет билан гаплашсам бўладими?

— Ким сўраяпти?

— Мисс Норман... Мистер Барнет мени билади.

— Бир дақиқа...

Орадан бир сония вақт ўтиб гўшакда ёқимли эркак овози эшитилди.

— Мисс Норманмисиз? Ғоят хурсандман! Ишларингиз қалай?

Натали овози қалтираб жавоб берди.

— Мистер Барнет, мен сизни кўрмоқчийдим. Муҳим иш бор.

— Жуда яхши! Менинг хузуримга ўзингиз кела олмай-сизми? Бир соатдан кейин шаҳарга чиқиб кетмоқчийдим.

— Йўк! — кичқириб юборасъди у. — Ярим соатдан кейин бу ерда... менинг уйимда учрашамиз. Черч-стрит, учинчи хона, тўртинчи қават... Етиб келишингизни талаб қиламан. Сизда зарур ишим бор.

Орага қисқа жимлик тушди, кейин эркак кишининг овози эшитилди.

— Бунинг иложи йўк, деб қўрқаман, мисс Норман.

— Менинг хонамда, ярим соатдан кейин... — дея Натали кичқирди-ю, гўшакни тарақлатиб жойига қўйди. Кейин ўзини яна юмшоқ ўриндикқа отиб бошини орқага ташлаганча ҳўнграб юборди.

Бир неча дақиқа унинг танаси йиғидан титраб турди. Кейин аста ўзини қўлга олди. Ваннахонага кириб юзини тартибга келтирди. Меҳмонхонага чиқиб буфетдан виски олди. Қадаҳга тўлдириб қўйди ва уни бир кўтаришда отиб юборди. Шундан кейин ўриндикқа ўтириб меҳмонни кута бошлади.

Орадан бирмунча вақт ўтиб эшик жиринглади. Натали чўчиб тушди. Лекин ўриндикда парво қилмай ўтираверди. Қўнғироқ иккинчи бор жиринглаганда аста ўрнидан туриб, бориб эшикни очди.

Меҳмонхонага миллий банк президенти Чарли Барнет виқор билан кириб келди. У баланд бўйли, вужудидан куч ёғилиб турган, қадди-қомаги келишган, кўзлари теран боқувчи эркак эди. Фақатгина сочи тўкила бошлаган боши, оқ оралаган сочлари унинг ёшини белгилаб турарди. Эғнида ёқасига қизил жимжима тақилган кулранг костюм, кўринишидан бой-бадавлат, ўз ҳаётидан мамнун ва ҳузур-ҳаловатда яшаётган банк эгаси эканлиги сезилиб турарди.

— Азизам мисс Норман... Намунча икки оёғингизни бир этикка тиқиб олмасангиз?

У аёлга кулиб қараса-да, ичида ундан жаҳли чиқиб турарди. Барнет ичидагини сиртига чиқармайдиган, тилидан бол томгани билан ботинида захар тутадиган одамлар хилидан эди.

“Бориб турган алвасти, — ўйлади у. — Оёқлари чиройли, қоматиям ёмонмас, лекин башараси... башараси! Нақ мурданинг нуқси уриб турибди, ҳа-ха!”

— Марҳамат, ўтиринг мистер Барнет. Сизни кўп ушлаб турмайман. Гап шундаки, қўлимда мистер Каленбергга тааллуқли бўлган маълумотлар бор. Бу маълумотлар, сўзсиз сизни жуда қизиқтиради.

Барнет юмшоқ курсига қулайроқ ўтириб олди. Унинг юзида қизиқиш аломатлари зоҳир бўлди. Лекин табиатан ҳеч нимага ишонмайдиган одам бўлгани учун яна пул ҳақида гап бўлса керак-ов, деб ўйлади. Ҳаммасига пул тўлаш керак, кўнглидан ўтказди у. Наталь миллий банкига президент бўлишидан олдин Барнет Каленбергдан Чалик тўғрисидаги миш-мишлар ҳақида маълумот тўплаш учун тоншириқ олган эди. Икки ҳафта муқаддам Барнет қуйидагича махфий телеграмма олди: “Чаликнинг иш фаолияти ҳақидаги маълумотларга муҳтожман. К.”

Барнет Чалик ҳақида кўп гапларни эшитган, лекин унинг фаолияти тўғрисида ҳеч нимани билмасди. Телеграмма уни қийин аҳволга солиб қўйди. Чалик Каленбергга қарши қандай ишларни қилмоқчи бўлиб юрганини билиш бировнинг хаёлидаги гапни ўқиб олишдек қийин гап эди. Шунга қарамасдан бу иш билан шуғулланишим шарт деб қўйди. Чунки Каленберг ўзининг талаблари нақадар қийин ва оғир бўлмасин уларнинг албатта бажарилишига кўникиб кетган эди.

Барнетга омад кулиб боқди. Бир неча йил муқаддам Чалик ширин ичимликлар оқшомини ўтказди. Бунга у Барнетни ҳам таклиф қилади. Ана шу ерда у Натали Норман билан танишиб қолади.

Барнет ҳеч қачон ўзига қарам бўлган ва қўли остидагиларга уларни мақтаб ширин сўзини дариф тутмаган, бу ширин сўзлар вақти келиб ўзига қайтишини жуда яхши биладиган одам эди. Меҳмонларга хизмат қилиб юрган Наталини кўрди-ю, хотинининг олдидан нари кетиб, унинг ёнига борди. Табиатан маданиятли ва ёқимли, гаплашганда бировнинг юрагига кириб олишга уста суҳбатихонон Барнет дарров Натали Чаликнинг ишонган одами — унинг ўнг қўли эканлигини билишга эришди.

— Шу билан аёл сўққабаш ва бировнинг меҳрига муҳтож эканлигини ҳам сезиб олди. У одамга хуш ёқадиган ширин гаплар билан ҳеч қандай қийинчиликсиз унинг қалбига йўл топиб, ишончини қозонди. Бу пайтда мияси жуда яхши ишлаб кетди. Бу аёл менга жуда керак бўлиб қолиши мумкин, деб ўйлади. Кейин у билан кўп туришим ҳам мумкин эмас, деган ҳаёлга борди. Чунки Чалик улар томонга бир-икки бор шубҳали назар ташлаб қўйганига кўзи тушиб қолган эди.

— Мисс Норман, — деди у шивирлаб, — табиатим шунақаки, доим сизга ўхшаган одамларга ёрдам қўлини чўзгим келаверади. Агар мабодо сизга ёрдамим керак бўлса, тўғридан-тўғри менга, Наталь миллий банкига бемалол мурожаат қилаверинг. Айниқса, турмуш тарзингиз сизни қониқтирмаса, ҳозиргига қараганда кўпроқ пул ишлаб олишни хоҳласангиз.

Аёлнинг ҳанг-манг бўлиб қолганини кўриб, у мулойимлик билан аста таъзим қилиб қўйди. Барнет ортиқча манзират қилиб юбормаганига амин бўлди. Лекин бу аёл, шубҳасиз, унга асқотиши мумкин, ундан ташқари, эркак зотига зор бўлиб юрибди. Барнет аёллардаги бундай белгиларни жуда яхши ҳис қилади. Кўзининг ости халта бўлиб турибди, ўзи ориқ, олдида бўшашиб кетяпти. Унга фақатгина битта нарса етишмай турибди, бу ҳам бўлса тўшакда қонини жўштириб юборадиган бақувват эркак.

Барнетнинг керак бўлса ёрдамини аямайдиган танишлари жуда кўп. Улар орасида аксилразведка хизматида ишлайдиган собиқ инспектор Том Паркинс асқотиши мумкин. Барнет унинг телефон рақамини терди.

— Паркинс, позик бир иш учун ёш фирибгар зарур бўлиб қолди. У виждонсиз, лекин кўриниши яхши, ёши йигирма бешдан ошмаган бўлиши керак. Шунақасини эътиборга олиб қўйган биронтаси борми?

— Ҳар ҳолда бунақа нухани топиш қийинчилик туғдирмайди, — деб жавоб берди Паркинс. — Гап шундаки, унга қанча хизмат ҳақи тўлашади.

— Яхшигина!

— Бунга ўйлаб кўраман, сэр. Сизга нонуштадан кейин қўнғироқ қилсам бўладими?

— Албатта бўлади, — деб жавоб қилди Барнет илтимоси ерда қолдирилмаслигига ишонч ҳосил қилиб.

Паркинс унга соат учлар атрофида қўнғироқ қилди.

— Сен айтган одамни топдим. Унинг оти Флетч Жексон, ёши йигирма бешда, келишган, клублардан бирида гитара ча-

лади, ўзи жуда пулга муҳтож. Ўғирлик қилиб турмада икки йил ўтириб чиққан.

Барнет тараддудланди.

— Бунинг ёмон гомонлари ҳам бор. Мени нишонга олиб товламачилик қилмайдими?

— Ҳеч қачон бундай қилмайди!.. Сизга олт ичиб айтаманки, асло бундай қилмайди. Йигитни жуда яхши биламан, бу жиҳатдан хотирингиз жам бўлсин.

— Ундай бўлса, келишдик. Ўз ҳисобингиздан ўша йигитни соат бешда ҳузуримга жўнатинг. Паркинс, ҳисоб варагингизга эллик фунт ўтказиб қўяман.

— Марҳаматингизнинг чеки йўқ, мистер Барнет. Ишонтириб айтаманки, Жексондан ҳали хурсанд бўласиз.

Флетч Жексон келишилган жойга ўн дақиқа кечикиб келди. Уни шу заҳоти Барнетнинг хонасига олиб киришди. Котиба бу йигитнинг ташрифига ҳайрон бўлгани йўқ. Барнетнинг кўлида кўп вақтдан буён ишлайди, шу сабабли бундан ажабланмади. Ҳаттоки Флетч Жексонга ўхшаш нусха ҳам унга сирдош бўлиши мумкин!

Барнет лабларида табассум ўйнаб, мағрур қиёфада столига яқинлашиб келаётган хушрўй йигитга диққат билан тикилиб турди. Новча, қомати келишган, сочлари қоп-қора. Эғнида тор сарғиш шим, ёқаси очиқ кўк кўйлак, унинг остидан майда кўнғироқчалар қадалган тилла занжир кўриниб турарди.

“Ғалати шалтоқ, — ўйлади Барнет. — Лекин ҳар ҳолда ўзига қараб юрар экан”.

Жексон таклифни кутиб ўтирмасданоқ ўриндиққа чўкдида, оёғини чалмаштириб олиб, Барнетга қаради.

— Собиқ исковичлардан биттаси менга муносиб иш топиб беришингизни айтди, унинг гапига қараганда сиз хасис эмасмишсиз... Огоҳлантириб қўяй, яхши тўласангиз, ҳар қандай ишингиз учун эшакдай хизмат қиламан.

Барнет ҳаётида ҳар хил одамлар билан муносабатда бўлган ва зарур бўлса, кўнгилчанлик қилишга ҳам кўниккан эди. Шу тобда манави димоғидан қурт ёғилаётган муттаҳамни бир зумда ўрнига ўтказиб қўйиши мумкин эди-ю, бу нусха унга жуда аскотишини тушуниб етди.

— Бу ерда гап, мистер Жексон, доимий иш ҳақида кетаётгани йўқ. Шунини айтиб қўймоқчи эдимки, сизга мен топширадиган иш одатдаги ишлар доирасидан чиқиб кетади, сиз уни ўрнига қўйиб амалга оширишингиз керак бўлади...

Жексон кўлини кўтариб, уни тўхтатди.

— Расмиятчиликни йиғиштириб қўйинг, сэр... Мени оддийгина Флетч деб атаверинг.

— Яхши. Нега энди Флетч дейишим керак?

— Тузоғимга илинтирган аёлларим мени шундай деб аташади.

Барнет икки оғиз гап билан Флетчга кўнглидагини маълум қилиб қўя қолди.

— Хўш, шу ишни бўйнингизга оласизми?

Флетч норози қиёфада юзини тириштирди.

— Келинг, гапнинг индаллосига ўта қолайлик, — деди узун оёқларини чўзиб. — Бир аёл ҳирсини қолдирмоқчи экан. Бунинг учун уни қучоклаш, ундан бўса олиш керак, шундаймасми?

Барнет калласини қимирлатди.

— Қачон бу машғулотни бошлаймиз, аёл буни давом эттиришни хоҳлайди, шундайми?

Барнет яна калласини қимирлатди.

— У менинг қармоғимга илингандан кейин, уни анордай сиқиш керакми?

— Сиз мени тўғри тушундингиз.

— Мен уни бутун билганларини беихтиёр айтиб бериш ҳолатига келтирганимдан сўнг сиз менга юз фунт бермоқчимисиз?

Барнет яна бошини қимирлатди. Бундай ифлос нусхалар билан гаплашиб ўтирганда, Барнет ўзини қулоғигача ахлатга ботиб кетгандай ҳис қиларди. У бошини кўтариб Жексонга караган эди, у ҳайкириб юборди:

— Менга бир жинойтчига карагандай тикилманг!

Барнетнинг юзларида зоҳир бўлган жирканиш ўрнини бир зумда совуқ назар эгаллади...

— Бу ишга розимисиз?

Бирмунча вақт иккиси ҳам бир-бирига тикилиб туришди, кейин Флетч елка қисди.

— Нимаям дердим, ҳеч нарса йўқотмас эканман. Ўша мен эркалашим керак бўлган фариштанинг ўзи қанақа?

— Оддий, истараси иссиқ. Уни тез орада кўриб қоласиз.

— Уни қаердан топишим мумкин.

Барнет унга Наталининг ва у ишлайдиган фирманинг манзили машинкада ёзилган бир варақ қоғоз берди. Флетч қоғозни чўнтагига солди.



— Қилиш зарур бўлган ишлар тезда амалга оширилиши керак, — деди Барнет.

— Гапингизга қараганда у аёллик рутбасидан қониқмаган экан, тез орада бунга керагидан ортиғи билан эришади. Ишқий муносабатларни давом эттиришни истаб қолса, буни у мендан яхшилаб илтимос қилиши керак бўлади. — Кутилмаганда Жексон Барнетга хавфсираб қаради. — Исковичлар бунга бурнини суқишмайдими?

— Мутлако.

— Заррача бўлсаям полиция бунинг исини олса, шу заҳоти бу ишдан воз кечаман. Бунинг тагида нимадир...

Барнет унга совуқ назар ташлади.

— Буни бўйнингизга оласизми, йўқми?

— Йўқ дедимми сизга?

— Бундан ташқари, иложи борича унинг пулларини суғуриб олишга интилинг. Шундай қилингки, аёл қулоғигача қарзга ботиб кетсин.

— Менга бўнак бериб туrolмайсизми? — деди Флетч бепарволик билан ўрnidан кўзгаларкан. — Гап шундаки, ҳозир...

— Мен илтимос қилган нарса тўла-тўқис бажарилмагунча ҳеч қанақа бўнак берилмайди, — деди унинг илтимосини қатъий рад қилиб. У гап тамом, бўшсан, дегандай қўли билан ишора қилди.

Январь кунларининг бирида кечқурун Натали идорадан чиқиб машинасига ўтирди. Маълум бир масофа юргач, машинанинг орқа филдираги бўшаб кетди. Қараса, филдирак тешилиб қолибди.

Хаво изғирин, у фақат битта нарсани — тезроқ уйига бориб душга тушишу, исиниб олишни ўйлаб кетаётган эди.

Натали “Мини-Остик” машинасини тор кўча олдига буриб тўхтатди. У машинадан тушди, баданини тешиб ўтаётган совуқдан қалтираганча нима қиларини билмай атрофга аланглади. Шу он кутилмаганда бир уйнинг соясидан баланд бўйли, келишган, эгнига чарм куртка кийиб олган йигит чиқиб келди.

Флетч Натали машинасини қаерга қўйишини билиб олиб, бундан ярим соат муқаддам қилиши керак бўлган ишни бажарган, яъни машина филдирагини тешиб қўйган эди. Кейин яқин атрофдаги дарвоза соябони тагида туриб олди-да, совуқда қалтираб уни кута бошлади. Натали машинасининг олдига келгунча Флетч унинг юзини яхшилаб кўриб олди. Чирок

унинг чиройли ва узун оёқларини ёритганда хотиржам бўлди. У аёлнинг оёқлари арчилган холадай хунук бўлса-я, деб чўчиган эди. Энди чироқнинг нури унинг юзига тушди, буни кўриб Флетчнинг башараси буришиб кетди. Ҳа, аёлнинг қомати келишган, лекин қари қиз. Меҳр-муҳаббатга ташналикдан аъзойи бадани қуриб қолган, таъбир жоиз бўлса, жуни тўкилган мушукка ўхшайди. “Э худойим-эй! — шивирлаб қўйди у. — У билан тўшакда бирга ётганда роҳат олиш учун кучли бўлиш керак...”

— Бирон гап бўлдими, мисс? — деб сўради у машинанинг олдига келиб. — Бирон ёрдам керакмасми?

Натали Флетчнинг тўсатдан келиб қолганидан чўчинқираб унга қаради. Улар кимсасиз торкўчанинг оғзида туришарди.

— Машинамнинг балони бўшаб қолибди, — асабийлашиб деди Натали. — Аҳамияти йўқ, таксида кета қоламан... Хавотирланманг!

Флетч юзларимни кўриб олсин, деб ўзини чирокқа солди. Уларнинг кўзлари тўкнашди. Уни кўрибоқ Наталининг юраги жиз этиб кетди.

“Ёш, чиройли, қомати келишган йигит экан”, — ўйлади у қоли жўшиб кетганини сезиб. У кўчада кетаётганда биронта чиройли ва келишган ёш йигитни кўриб қолгудек бўлса, ана шундай ҳолатга тушарди. Шундай бўлса ҳам, унинг хушрўй чехраси унда ҳис-ҳаяжон уйғотмади.

— Ҳозир тўғрилаб бераман, — деди Флетч. — Сиз бўлсангиз, мисс, машинага кириб ўтира турунг, бу ерда совқотиб коласиз. Изғирин турди.

— Худо ҳаққи, ташвишланманг... Ҳеч нарса қилмайди. Мен такси олиб кетишим мумкин.

— Ўтирунг, ўтирунг... Ҳозир бирпасда тўғрилаймиз, ташвиш тортманг.

Натали нотаниш одамга миннатдорчилик билдириб, машинанинг эшигини очди-да, ичига кирди. Эшикни ёпаркан ёш йигитни кузатишдан тўхтамади. Орадан ўн дақиқа ўтгач, Флетч қўлини шимига артганча, аёлнинг олдига келди.

— Мана, ҳаммаси бўлди, энди кетишингиз мумкин.

Натали бошини кўтариб унга қаради. Флетч ҳам унга жавобан майин табассум қилиб қўйди.

“Унинг нигоҳи бепарво. — ўйлади Натали. — Балки, ҳатто...”

— Балки, сизни манзилингизга олиб бориб қўярман? — сўради у табассум билан. Натали ҳам унга жавобан табассум қилганда Флетчнинг кўзига у яна ҳам хунук кўриниб кетди.

— Йўлингиз Кейтсбриж томонга эмасми? — деб сўради аёлнинг ўша тарафда яшашини билгани учун.

— Топдингиз, мен Черч-стрит кўчасига бораман.

— Унда мени ўша томонга олиб бориб қўйсангиз сиздан миннатдор бўлардим, — Флетч машинани айланиб ўтди-да, эшикни очиб Наталининг ўрнига ўтириб олди. Унинг елкаси Наталининг елкасига тегиб кетди. Бундан ток ургандай аёлнинг эти жимирлашиб кетди. У ўзини бошқаролмай қолгандан аччиқланиб, қалтирок қўллари билан калитни ўт олдириш жойига тика бошлади.

— Совқотиб қолибсиз, эҳтимол, машинанинг рулига мен ўтирарман-а?

Натали индамай калитни узатди. Флетч яна машинадан чиқди. Натали сурилиб, унинг ўрнига ўтирди. Бу вақтда юбкаси тезлик қутиси дастасига иланиб қолди. Лекин одамни жалб қиладиган жойи ягона оёқлари эканлигини билгани учун ўзини атайлаб тартибга келтиришга уринмади.

— Ҳа, жудаям совқотиб қолдим, — деди у Флетч рулга ўтириб олгандан кейин.

— Мен ҳам совқотганман... Ҳаво ҳам ёмон.

Натали машинани жуда тез юргизса керак, деб ўйлаганди, лекин Флетч унинг ўйлаганига тескари жуда секин юра бошлади. Бу аёлни ҳайрон қолдирди.

— Сиз ҳам Кейтсбрижда турасизми? — деб сўради Натали.

— Ким? Менми? Менинг унақа жойларда яшаш учун имкониятим йўқ. Мен Парсон-гриндаги сичқоннинг инига ўхшаган каталак уйларда яшайман. Бунинг устига ҳозир ишсизман. Лекин бу кўчаларда кезишни яхши кўраман. Магазин кўرғазмаларини томоша қилиб юрган пайтларимда бир кун келиб пулим кўпайса, мен ҳам Гарроддан шунақа жойларни сотиб оламан, деган хаёл суришдан бошқа имконим йўқ.

Натали унинг ҳақиқий эр келбатли жасадига қараб қўяркан юраги яна жиз этиб кетди.

— Нега ишсиз юрибсиз? Бу кунларда иш топиш унчалик муаммо эмас-ку.

— Тобим йўқ. Бир ўпкам лат еган. Баъзан бирдан оғрик тутиб қолади. Кейин мени ишдан бўшатиб юборишади. Охириги марта якки ҳафта бурун тутиб қолди. Нима бўларди, шуям

дардми, ўтиб кетади, деб ўйлардим, лекин бўлмади, хали ҳам оғрик сезилиб турибди.

Флетч жуда ошириб юбормай деган фикрга келди-да, суҳбат мавзуини ўзгартирди.

— Кейинги ҳафта шифокорга кираман. Ҳозир ўзимни яхши сезяпман, — деди.

Натали унинг ҳамма гапларига чиппа-чин ишонди.

— Сиз билан танишганимдан хурсандман, — деди.

Флетч унга ўгирилиб шундай жозибали табассум қилдики, Натали бу ёқимли табассумнинг қули бўлди-қўйди. Флетч ҳам худди мана шуни назарда тутган эди.

— Мен ҳақимда ташвиш тортманг, мисс... ҳеч ким менга ачинган эмас, ҳатто ўзим ҳам ўзимга раҳм қилгим келмайди. — У бир оз сукут сақлади. — Уйингизга жуда кеч қайтаяпсиз.

— Баъзан ишда кўпроқ ушланиб қолишга тўғри келади.

— Черч-стритда яшайман деганмидингиз?

Шу онда улар Кейтсбриж кўчасининг ер ости йўли олтидан ўтиб кетишаётган эди.

— Ҳа.

— Бир ўзингиз турасизми?

— Афсуски, шундай... — Унинг овозидан ҳаётдан норозилик оҳанглари аниқ сезилди.

Флетч яна унинг сонига қараб қўйди.

“Шўрлик, — ўйлади у, — уни тузоққа илинтиришим жуда осон бўлди-да”.

— Ҳа, кўп одамлар шу кунларда ёлғиз яшашади, шунақа замон, — деди у. — Улар ишдан қайтишгандан кейин ўзларининг зерикарли, ғамгин хоналарига кириб олишади-да, яна эртасига ишга боришларини кутиб ётишади. Худди мана шунинг учун ҳам юрагим сиқилиб, оқшомда кўчаларни кезиб юраман. Ғамхонада ёлғиз қолишдан азоб йўқ.

— Ҳа, сизни тушунаман, — деди Натали ҳамон Черч-стрит кўчаси бўйлаб кетишар экан. Кейин: — Мен анови ўнг тарафдаги уйда тураман, — деди.

— Хув анави, катта уйдами?

— Ҳа, фақат машинани пастдаги гаражга олиб бориб қўйиш керак.

Натали бир зум тўхтаб турди-да, кейин ишонқирамай қўшиб қўйди: — Машина филдирагини алмашлаб қўлингиз кир бўлгандир, уйга кириб ювиб чиқсангиз бўларди. Ҳар ҳолда, бир кадах бирон нима ичишга муносиб иш қилдингиз, деб ўйлайман.

— Ҳа, қўлимни ювиб олсам яхши бўларди, — деди йигит машинани гаражга бурар экан.

Лифтда тўртинчи қаватга чиққунча улар бир-бирларига қарашга ботинмадилар. Кейин Натали эшикни очди, улар мўъжаз ва яхши безатилган меҳмонхонага киришди.

— Уст кийимингизни еча қолинг, — деди Натали.

Флетч унинг айтганини қилди.

— Хонангиз жудаям шинам экан...

— Ванна анави ёқда, ичкарида...

Натали ёлғиз қолгач, шарфини олиб, пальтосини ечди ва хона ўртасида туриб қолди. У хаяжондан дир-дир қалтирарди. Флетч ваннадан чиқиб, хонага киргач, аёлнинг ҳолатини кўрди ва бағрига тортса, заррача қаршилиқ қилмаслигини тушуниб етди.

— Биз ҳатто танишиб ҳам олмадик. Мен Флетч Жексонман.

— Мен эса Натали Норманман.

— Исмингиз жисмингизга мос экан.

Кўзлар тўқнашди, кейин Флетч яқин келиб уни аста бағрига босди. Флетчнинг қўллари пастга томон сийпалаб туша бошлаганда Натали чуқур хўрсинди, ғайритабиий равишда уни итариб ташламоқчи бўлган эди, қўллари гўё қотиб қолгандай ҳаракатга келмади. Флетч аввал аста кўйлагини ечди. Кейин уни қўлига олиб ётоқхонага кўтариб кетаётганда, Натали ўзини худди туш кўраётгандай ҳис қилди. Тўшакка ётқизганда юраги худди қинидан чиқиб кетар даражада гурсиллаб ура бошлади. Флетч шоша-пиша ечинди. Унинг кучоғида Натали ҳамма нарсани унутди. Флетч уни меҳр билан эркалар, унинг эркалашларига аёл тушунуксиз сўзлар билан, инграш, оҳ-воҳ тортиб жазавага тушиш билан жавоб қайтарарди. Натали ўзини узоқ уйқудан уйғонгандек сездди. Шундан кейин мурод ҳосил бўлгунча Флетчни кўп йиллар хонавайрон кўнглининг ғариб гўшасида ўзи занжирлаб азоб берган ва оч қолдирган муҳаббатнинг оловли бўронига нишон қилди...

Флетч Жексон ҳирс гўшасидан қониқиш ҳосил қилиб кўзини очди-да, шифтга қадади. Фаройиб! Ким шундай бўлади деб ўйлабди. Флетч умри бунёд бўлиб қанча аёлни қўлдан ўтказган бўлса, ҳирсга бой, тўшакда юксак санъатга эга бўлган бунақасини кўрмаган эди. У ўгирилиб Наталига қаради. У нозик кўкракларини қўллари билан яшириб чалқанча ётарди. Флетч унинг қоматига назар ташлади. Қомати келишган,

лекин чехраси қоматига муносиб эмасди. У Наталининг биқинига туртиб қўйди.

— Турайлик. Итдай очман. Қоринни алдайдиган бирон нима топиладими?

Натали ўзига келиб, ноз билан унга назар ташлади, назарида кулфлаб ташланган гўшада узоқ йиллар қолиб кетган-у, мана энди тўсатдан эшик очилиб, хонага қуёш нури, тоза ҳаво-ю, турфа гулларнинг атри киргандек туюлди. Ҳа, унга умри давомида худди мана шу нарсалар етишмаган эди. Ҳа, бу қайғули гўшада у не-не аламларга чўмиб кўп йиллар қолиб кетганди...

— Бор, албатта топилади! — Натали каравотга ўтириб кийинди. — Ёт, ётавер, азизим, ҳозир егулик бирон нима олиб келаман. Ичгинг келяптими? Менда жин<sup>1</sup> бор...

Флетч унга қаради. Аёлнинг хоҳиши унга ёқди. Ҳайрат аралаш ноз билан боқиши яна тўшакка тортди. Ҳатто Флетч-ни уйқу элита бошлади.

— Э йўк, мен фақат бирон нима тамадди қилиб олишим керак...

Натали ошхона томон йўл олди.

Флетч кийиниб бўлганда соат миллари иккидан йигирма етти дақиқа ўтганини кўрсатиб турарди. Ошхонада жиз-биз қилинаётган гўшт ҳиди димоққа урилди. Натали овқат тайёрлаётган пайда Флетчга орқа ўгириб турарди. Флетч ўрнидан ирғиб туриб, тезлик билан жавоннинг пастки қисмини бир зумда кўздан кечирди. Қутида портсигар, олтин зажигалка, кичкина қутича ва унинг ичида арзон марварид безаклар, иккита узук турарди. Флетч бир зумда уларнинг бари-ни чўнтагига тикди. Кейин меҳмонхонага ўтиб, ошхонанинг эшиги олдида тўхтади.

— Оҳ, мазали ҳид таралаяпти.

Натали табассум билан унга ўгирилди.

— Тўртта тухум етадими?

— Албатта етади!

Аёл унинг олдидан ўтиб, столни тузай бошлади.

— Ўзинг нима ейсан? — сўради у столда бир кишилик қошиқ турганини кўриб.

— Ҳеч нима егим келмаяпти... Ўтир, овқатдан ол.

Флетч овқатга ўзини урди. “Гап йўк, пазанда экан, — ўйлади иссиқ чойни ҳўпларкан. — Афсус кетчуп йўк экан, зарари

<sup>1</sup> Ичимлик.

йўк, гўшт билан қовурилган тухум шусиз ҳам ўтиб кетавради!" Флетч карамаса ҳам Натали кушеткада ўтирганча унинг овқат ейишини кузатиб турди. Флетч унинг ўзини тутишидан қармоққа жуда қаттиқ илинганини тушуниб етди. У овқатни пок-покиза тушириб бўлгач, оғзини сочик билан артди.

— Зўр бўлди! Бунақаси бўлмаган, — деди.

— Хурсанд бўлдингми? — сўради аёл.

— Жудаям... Ўзинг ҳам жуда очиққан экансан...

Натали қизариб кетганини сезиб, ўгирилиб олди.

— Илтимос, бу ҳақда бошқа гапирма. Мен умрим бино бўлиб...

— Ахир қачонлардир шунақа бўлиши керак эди-ку, — деди Флетч. — Бўпти, мен кетдим. — Кейин у бир зум жим турди-да: — Менга ҳаммаси ёқди, жудаям ёқди, — деди.

Натали Флетчнинг қўлини маҳкам қисиб олди.

— Эхтимол, қоларсан-а? — овози қалтираб сўради у. Флетч калласини сарак-сарак қилди.

— Ўз инимга қайтиб борадиган вақтим бўлди, — дея у аста-секин эшик томон одимлади.

— Мен... мен яна учрашамиз деб умид қилсам бўладими? — деб сўради умидсизликка тушиб Натали.

"Ана энди ўзимни кўрсатадиган вақт келди", деб ўйлади йигит.

— Ким билади, бу ёлғончи дунёда ҳамма нарса бўлиши мумкин, — деди у.

Натали Флетч кетганини англаб етгунча у кўздан ғойиб бўлди.

Кўча эшик тарақлаб ёпилди...

Туғилган кунда совға қилинган портсигар билан зажигалканинг ғойиб бўлганини эртаси кун билди. Такинчоклари ҳам йўқолибди. Бу нарса уни эсанкиратиб қўйди. Натали уларни ким ўғирлаб кетганини шу заҳоти тушунди. Қалласига келган биринчи фикр телефон қилиб бу ҳақда полицияга хабар қилиш бўлди. Кейин ғазабини босиб, содир бўлган вазиятни обдан таҳлил қилди. У ишсиз, бунинг устига оч... Ўзи-чи, унга портсигар билан зажигалка керакми? Бунинг устига чекмаса. Ўйлаб-ўйлаб, агар у яна ёнимга келадиган бўлса, бор бисотимни бериб юборишга ҳам тайёрман, деган хулосага келди.

Орадан қайғули беш кун ўтди. Натали кута-кута тинкаси қуриди, кутган сари соғинчи баттар ортаверди. Асаблари ўйнаб

кетди. Наҳотки, уни энди кўролмасам, деган ягона фикр миясини пармаларди. Олтинчи кун Натали хонасида умиди узилган, ҳушсиз, бугун тунни қандай ўтказаман деб турганда бирдан телефон жиринглаб қолди. Юраги ёрилиб кетай деб телефонга югурди.

— Алло...

— Флетчман. Мени ҳали унутганинг йўқми?

Унинг оёғида мадор қуриб, ўтириб қолди.

— Гапимга қулоқ сол, безакларингни қарзга олиб кетишга мажбур бўлган эдим, бундан афсусдаман... Мендан жаҳлинг чиқмадими?

— Йўқ!.. Мутлақо!

— Мен итлик қилдим. Лекин пул жудаям керак бўлиб қолган эди. Кўнгилсиз ҳолатга тушиб қолдим. Буюмларингнинг қийматини тўлайман... Ҳозир сенга уларнинг пулини олиб борсам эътироз билдирмайсанми?

— Кел, тезроқ кел!..

— Жуда яхши. — Флетч ортиқча гапирмай гўшакни осиб қўйди.

У Наталини ярим соат куттириб, ўндан беш дақиқа ўтганда етиб келди. Натали Флетч озиб қолибди деб ўйлади. Кўзига қовоғи солиқ, ҳатто озгина маъюсдай кўринди.

— Мана! — деди Флетч столга пул қўяркан. — Биламан, бундай қилишим керак эмасди. Лекин хунук бир ишга аралашиб қолгандим. Менга пул жудаям керак эди. Доллар, мана бундок. — У бармоқлари билан томоғини арралаб кўрсатди, — керак бўлиб қолганди!

Натали унга ташвиш билан тикилди.

— Эҳтимол, қоларсан-а? Кетма, қолгин. Илтимос қиламан.

Флетч ўгирилиб, унга жаҳл билан қаради.

— Мен яна пул топиш йўлини излашим керак. Шу атрофда бир таниш қиз яшайди. У билан бир кеча қолсам катта пул ваъда қилганди.

— Қиз? — Наталининг юраги зирқираб кетди. — Балки менга тушунтириб берарсан, бошингга қандай ташвиш тушди? Агар юрагингни ёзсанг, ёрдамим тегиб қолар.

— Шусиз ҳам сенга катта ташвиш келтирдим, — деди у бошини силкитиб. — Ҳар ҳолда, Лоло ваъда берганди...

— Ўтир бундок, қани, бир бошдан гапириб бер-чи.

У ўтирди ва бир дунё ёлғонни қалаштириб ташлади. У ёмон одамлар билан гаров ўйнаган от финишга келиб оксоқланиб



колибди ва биринчи бўлиб келмабди... Гаровда ютқазиб қўйиб пулини тўлай олмаётган эмиш.... энди таъқиб қилишиб...

— Улардан яхшилик кутиб бўлмайди, — гапини тугатди Флетч Наталининг қўйинини пуч ёнғоққа тўлдириб. — Агар эртагача қўлларига эллик фунтни элтиб бермасам теримни шилишади, миямда ёнғоқ чақишади.

— Миямда ёнғоқ чақишади? Бу нима дегани?

— Юзимдаги терини устара билан шилишади. Буни уларнинг тили билан “бошда ёнғоқ чақиш” дейилади. Бунақа кўргиликни душманимгаям раво кўрмайман.

Натали Флетчни бош териси шилиниб, юзлари қонга бўялган ҳолда тасаввур қилиб, хушдан кетиб қолай деди.

— Флетч, эллик фунтни мен сенга топиб бераман.

— Биламан, лекин мен сендан бу пулни ололмайман... Йўқ, ҳечам, яхшиси, Лоло билан кўришганим маъқул.

— Тентаклик қилма, ҳозирок сенга чек ёзиб бераман!

Орадан бир соат ўтиб, улар иккиси ҳам ҳирсларини қондириб, тўшакда дармонсиз ётишарди. Натали бахтли эди. “Шундай роҳатбахш бўлдики, — деб ўйлади у, — хатто биринчи учрашув ҳам бунчалик лаззат бағишламаганди!” У ўгирилиб Флетчга қаради. Унинг қовоғи солиққлигини кўриб юраги безовталанди.

— Нима бўлди, Флетч?

— Ҳеч нима, ўзим шундай ўйланиб қолдим. Нима, бу мумкин эмасми?

— Кўнглингни ололмадимми? Мен билан бўлиб ўзингни адашган ҳисобляяпсанми?

— Йўқ, гап бунда эмас... — деди у каравот ёнида турган тунчирикнинг хира ёруғида унга тикиларкан. — Бу туйғулар энди ўтди-кетди, мен эртанги кун ҳақида ўйлаяпман. Бирпас жим тургин, хўпми?

Натали жазманининг таранг тортилган юзига тикилганча индамай турди. У худди кафасга тушган ваҳший ҳайвонга ўхшаб қолганди.

— Ҳа, албатта... Энди Дублинга кетишга тўғри келади.

— Ниҳоят тилга кирди Флетч. — Денни у ерда менга иш топиб беради.

Натали кўкрагини чойшаб билан беркитиб каравотга ўтирди.

— Нима, Дублинга кетаман дедингми?

Флетч унга худди биринчи бор кўраётгандай қараб, қовоғини солиб олди.

— Ха, кетишим керак. Эллик фунт қарзни қистамаслик-лари учун уч кунга етади. Бу вақтда мен уларнинг қўли ет-майдиған узок жойларга етиб оламан.

Натали ҳушдан кетиб йиқилсам керак, деб ўйлай бошла-ди. Флетч эса, нақ мўлжалга урганга амин бўлди.

— Шу пулни берсам ҳаммаси жойида бўлади деб айтув-динг-ку...

— Нима, улар шундан кейин мени тинч қўйишади, деб ўйладингми? — аччиқланиб қаради унга Флетч. — Қарзим бир неча юз фунт қолган.

Яна зарба! Яна Наталининг мияси бу берккўчадан чиқиш йўллариини жонсараклик билан излай бошлади. Бир неча юз фунт. Бу жуда катта сумма-ку. Банкдаги ҳисоб варағида куз-ги таътилдан кейин бор-йўғи икки юз фунт қолган. Нима қилиш керак? Флетчнинг Англиядан кетишига қўнсамикин. Ҳечам-да!

У каравотдан тушиб, халатини кийди. Флетч уни кузатиб турди. Наталининг юзларида зоҳир бўлган ўзгариш унинг назаридан четда қолмади. Натали ўйлайверди, бунинг бирон иложини қилиш йўлини излайверди. Флетч эса, каравотда ётганча бўйнига ҳаддан ташқари кўп пул қўйиб юбормадим-микин, деб бош қотира бошлади. Тўғри, Барнет, имкони бо-рича унинг киссасидан сўнги центгача суғуриб олишни топ-ширган, унда бунча пул бўлмаса нима қилади?

Натали хонада асабийлашиб, у ёқдан-бу ёққа бориб кела бошлади. Кейин тўхтаб Флетчдан сўради:

— Сен бир неча юз дединг... аниғи қанча?

— Ўнга яқин...

У яна хонада юра бошлади.

— Агар бу пулни топиб берсам, Лондонда қоласанми?

— Албатта... Лекин сен бунча пулни қаердан ҳам тона олардинг. Қўй, бу ҳақда бошқа гаплашмайлик...

— Барибир уриниб кўраман. Қанча кутишинг мумкин?

— Қўйсанг-чи, энди бу ҳақда гаплашмайлик! — Флетч ўгирилиб шифтга тикилиб қолди. — Яхшиси, мен кетишим керак... Эртагаёқ кетаман.

— Қанча кутишинг мумкин? — унинг овози Флетчнинг овозидай қатъий янгради.

— Ўн кун, ундан кўп эмас...

— Агар шу пулни топиб берсам, менинг уйимга кўчиб ўтиб яшашга розимисан?

“Шунчалик ҳам лақма бўладими аёл дегани”, деб ўйлади у.

— Нима, сен кўчиб ўтишимни хоҳлайсанми? Шу ерда яшашимни-я?

— Ҳа, — деди Натали хотиржамлик билан. — Шу ерда яшашингни истайман.

— Унда жудаям зўр бўларди-я... Ўзимга яхшигина иш топиш имкониятига эга ҳам бўлардим... Биз бирга яшардик, лекин... қўй, энди бўлмагур орзуларга берилмайлик.

— Бунинг уддасидан чиқишга ҳаракат қиламан, — Натали халатини ечиб, унинг ёнига ётди.

— Азизим, мени севасан-а?

“Яна эски машмаша”, ўйлади Флетч ва беихтиёр Наталини ўзига тортди.

— Биласан-ку, сени кўрсам ақлдан озиб қоляпман.

— Унда буни исботла, жоним, — шивирлади Натали ҳаяжондан юраги қаприқиб.

Флетч Наталини бағрига босиб уйқуга кетди, Натали эса, кўзи очик, унинг бағрида пул топишнинг минг хил йўллари-ни ахтарарди. Чаликдан минг фунт сўрасаммикан — фойдаси йўқ, бермайди. Лекин, нима қилиб бўлсаям пулни топиш керак. Бирдан Наталь миллий банкининг директори Барнет эсига тушди.

Мисс Норман саноат борасида бўладиган сир олиш жосусликларидан жуда яхши хабардор эди. Агар Барнетга бу ҳақда яхши маълумотларни топиб бера олса мўмайгина пул тўлашиниям яхши биларди. Бир вақтлар бундай таклифни тушунмай рад этган эди. Мана энди, Флетчни бир умр йўқотиб қўйиш хавфи туғилиб турганда ҳеч нимани мулоҳаза қилиб ўтирмади. Уйқуга кетишидан олдин “эртага албатта Барнетнинг ҳузурига бораман”, деган қарорга келиб қўйди.

Эрталаб ҳали Флетч ухлаб ётганда тез-тез кийинди-да, хизматга жўнади. Ишда почтани нари-бери ажратди, кечиктириб бўлмайдиган ишлар ҳақида Чаликка маълумот ёзиб ўз хонасига кирди. Бу вақтда Чалик ўз ишончли одами Шерборн ёрдамида соқол олаётганини биларди, Натали бир дақиқа ҳам иккиланиб ўтирмай Миллий банкка қараб жўнади. Флетчнинг қўнғироғидан хабардор бўлган Барнетнинг хонасига Наталини зудлик билан олиб киришди. Банк эгаси уни ҳожатбарор отахон сифатида қабул қилди. Натали кира солиб дангалига, менга минг фунт керак, деди.

— Бу жуда катта пул, — деди Барнет ўзининг қизғиш тирноқларига диққат билан тикилиб туриб. — Лекин имкон-

сиз нарсанинг ўзи йўқ, — дея унга бошини кўтариб қаради. Шу қаранида ҳожатбарор отахоннинг назаридан ҳеч нима четда қолмади. — Мисс Норман, ақлли аёлсиз. Бунинг учун сиздан нима талаб қилинишини тушунтириб ўтиришнинг зарурияти бўлмаса керак. Сизга пул керак, менга эса мистер Чаликнинг жиндай бўлса-да, Каленбергга нисбатан муносабати ҳақида маълумот.

Натали ҳушёр тортди.

Яқинда Чаликнинг столида ётган расмлар ичида Макс Каленбергга тааллуқли лойиҳани кўриб қолган эди. Чалик номига келадиган хат-хабарлар Шерборннинг қўлидан ўтар, иш юзасидан учрашувлар, нонушта, тушлик ва қабул уюштириш, Чаликнинг юмушини енгиллаштирадиган бошқа майда-чуйдалар Наталининг зиммасида эди.

— Бу масалада сизга фойда берадиган ёрдам қилолмасам керак, деб қўрқяпман, — деб жавоб берди Натали. У шуғулланаётган асосий ишларга менинг алоқам йўқ. Барибир, шуни биламанки, Чалик ҳақиқатан ҳам Каленберг билан шуғулланиб юрибди.

Барнет кулиб қўйди.

— Мисс Норман, мен сизга ёрдам бера олишим мумкин. Сизнинг вазифангиз жуда осон. Ҳозир уни батафсил тушунтириб бераман.

Бир оздан кейин Натали ўз пластик пакетидан митти магнитофон, олти кассета ва яна янги русумдаги мўъжаз микрофон олиб қўйди.

— Мен тўлайдиган пул, сўзсиз, ёзиб олинган суҳбатнинг нечоғлиқ аҳамиятли эканлигига боғлиқ, — огоҳлантирди Барнет. — Шунга қарамасдан, сизга пул жудаям зарур экан, мен сизга биз учун зарур маълумотларни келтириб бергунингизча, келишилган суммадан бўнак бериб тураман.

Ёқасига қизил жимжима тақилган Барнет кулиб: — “Азимзам Натали, мунча икки оёғингизни бир этикка тикиб олмангиз?” — деган кунга ҳам саккиз кун ўтди.

... Сўнгги уч кунда Барнетнинг магнитофони ўзи учун жуда муҳим маълумотларни ёзиб олди. Бунинг устига сўнгги бир ҳафта мобайнида Флетч қарикиз Наталининг ботинидаги хирсини қондириб, у билан бирга бўлди. Аёл катта пул топиб беришга ваъда қилар, Флетч эса, қоронғида кўзим кўриб ўтирибдими, дея ўзини юпатиб, уни суюб, эркаларди...

— Менда Каленбергга нисбатан сизни сўзсиз қизиқтирадиган маълумот бор, — деб қолди Натали бир кунни Барнетга

озгина ичган виски баданини қизитгандан кейин. — Мистер Чалик Каленбергдаги “Боржиа узуги”ни ўғирламоқчи. Учта кассетада операция тафсилотлари ва иштирокчиларнинг овозлари ҳамда топшириқни қандай бажариш режалари тасмага туширилган.

— Жуда зўр! — ҳайқириб юборди Барнет. — Бу ҳақда батафсил гапириб беринг. “Боржиа узуги” деяписми? Мана, нимага у қўл чўзган экан-а! Мисс Норман, сизни табриклайман. Менга беринг, уларни эшитиб кўрай...

Натали бермайман, дегандай калласи билан ишора қилди.

— Аввал менга минг фунтни чўзинг.

Барнетнинг юзидаги табассум бир зумда йўқолди.

— Менга қаранг, мисс Норман, сиз имкони йўқ нарсани илтимос қияписиз. Бу кассеталарда нималар ёзилганини мен қаердан билай?

Натали магнитофонни зарядлаб қўйгани боис Чалик билан Эдвардснинг суҳбатини уч дақиқа қўйиб берди. Кейин Чаликнинг гапи “ҳамма қолган гапларни кечқурун келишиб оламиз. Таваккал қилишу хавф-хатарнинг олдини олишни ўзингиз келишиб оларсизлар”, деган жойга келганда тугмачани босиб магнитофонни ўчирди.

— Лекин бу ерда мистер Каленберг ҳақида ҳеч қандай гап йўқ-ку, — деди Барнет харислик билан магнитофонга қараб.

— Пулни чўзсангиз, кейин қолганини эшитасиз. Ундан олдин эмас.

Уларнинг кўзлари тўкнашди. Барнет қараса, Натали ён бергиси йўқ. У ўрнидан туриб эшик томон йўналди.

Орадан икки соат ўтгандан кейин Барнет қўлида пул билан қайтиб келди. Унинг шанба оқшомидан дили хира бўлган эди. Магнит тасмасидаги ёзувларни эшитаркан, чехрасида қониқиш аломатлари содир бўла борди. Барнет минг фунтни бекорга бермаганини тушунди.

— Жуда зўр маълумот, мисс Норман, — деб юборди у Натали тасмани қайтариб ўраётганда. — Дарҳақиқат, ҳайратланарли. Пулни ҳалол ишлаб олдингиз. Яна шунақа маълумотларни бериб турсангиз, худди шундай сахийлик билан пул олаверасиз.

— Бошқа бу ҳол такрорланмайди! — гапини шарт кесди Натали. Унинг юзидан ўз-ўзидан нафратланиб кетаётгани аниқ сезилиб турарди. Бу Барнетни чўчитиб қўйди.

Аёл унга магнитофонни узатди.

— Олинг матоҳингизни...

— Гапимга қулоқ солинг, мисс Натали.

— Олинг дедим, олинг, — Натали кичкириб юборди.

Барнет ҳозир у жазавага тушиб шовқин кўтаришидан қўриқиб эшикка отилди. Лифтда магнитофонни унутиб қолдиргани эсига тушди. Аввал орқага қайтсаммикан деб ўйлади, кейин Наталининг башараси кўз олдига келиб, қайтмасликни маъқул кўрди. “Дам олиш кунини ўтказиб оларман, унгача ҳовуридан тушиб қолар”, деб ўйлади у.

Уч соатдан кейин Флетч келди. Барнет уни каттагина мўмай пул билан сийлаган, фирибгар бундан ўзида йўқ хурсанд эди. Флетч анчайин қиммат Милли Уокер ресторанида ёш бир дўндикча билан учрашувга келишиб қўйган, у ердан чиқиб Кингс-Роуддаги унинг тўшагига кирмоқчи эди. Киссада минглаб фунт бўлгандан кейин Дублинда айш-ишрат билан ҳаёт кечирса бўлади...

У хонага кирганда Наталининг кўзларида ёш кўриб оғзи очилиб қолди.

— Нима бўлди?

— Пулни топдим, Флетч...

Флетч диванга яқин келди.

— Пулни топдим? Унда нега йиғлаб ўтирибсан? Аксинча, суюнишинг керак-ку.

— Иуда суюнган эмас... Аксинча, осилган...

Флетч Иуда ҳақида бир нималарни эшитган эди. У кимлигини аниқ билмасди. Лекин у ким бўлмасин аблах одамлардан биттаси бўлса керак-да, деб тушунарди.

— Нималар деяпсан? Ким осилган?

— Э йўқ, ҳеч ким... Бунга тушунмайсан. Сенга бифштекс сотиб олдим.

— Тупурдим бифштексингга! Пул қани?

Бу гапдан эсанкираб қолган Натали гандираклаганча жавонга яқин келди. Ундан яхшилаб ўралган пулни олиб қайтди. Флетчнинг унга қандай тикилганини кўриб, юраги ўйнаб кетди. Йўқ, бу яқингинада уни бутун вужуди билан севиб эркалаган одам эмас! Бу бир мавжудот, бориб турган аблах ва доғули.

— Хурсандмисан энди?

Флетч ўзини саволни эшитмаганга солиб шоша-пиша пуллари чўнтақларига тика бошлади.

— Нима қияпсан? — хавотирли оҳангда сўради Натали.

У пуллари ҳамёнига жойлаб бўлиб, Наталига қаради.

— Нима қилардим, кетаман бу ердан, тамом-вассалом!..

— Нима?! Энди пулни олгандан кейин кетмоқчимсан? Энди сенга керакмасманми?

— Э худойим-ей, сен кимга ҳам кераксан?! Видолашиш олдидан бир маслаҳат бермоқчиман, — деди Флетч унга бармоғини нуқиб. — Бундан кейин оёқларингни маҳкамроқ қилиб юргин. Бўлмаса, бу яхшиликка олиб келмайди!

У шундай деб чиқиб кетди.

Натали қўлларини юрагига босганча хонанинг ўртасида қотиб қолди. Шу алфозда бир соатча турди. Кейин диванга бориб, оёғини остига босиб аста ўтирди. Ҳа, Флетч бу гапларни айтишдан уялиши керакмиди? Бу саргузаштларнинг худди мана шундай тугашига ўзини руҳан тайёрлаб бориши керак эди... Натали кўзини юмди. У хунуклигини ўзи биларди. Флетч билан бўлган ишқий муносабатлар худди мўъжизадай туюлди. Бундан кейин узоқ тунлар яна ёлғизлик оғушида қолишини тушуниб етди. У шуниям тушундики, хўжайинига қилган хиёрати бир умр виждонини оғир тошдек босиб, эзиб ётади. Буларнинг ҳаммасини у Флетч фақатгина ўзи билан қолишинигина истаб қилганди... Энди бу ёғига яшашдан маъно қолдими? Йўқ, бу ёғига жонсиз соядай маъносиз яшашнинг кераги йўқ.

Натали аста ўрнидан туриб ошхонага ўтди ва кичкина ўткир пичоқни қўлига олди. Эшикнинг лўкидонини суриб, ваннахонага кирди. Краннинг сувини очиб, ғам-алам билан бир зум қотди. Бирмунча вақт ўтиб ванна илиқ сувга тўлди. У тез ҳаракат билан туфлисини улоқтириб ўзини сувга урди. Илиқ сув унинг баданини эркалаб роҳат бахш этди. У сувга ўтираётганда қатлам-қатлам юбкаси кўнғироқ янглиғ юқорига кўтарилди. Натали бир зум қотиб турди. Оғрирмикан-а, деб ўйлади у. Лекин ҳаёт билан видолашишнинг энг қулай йўли шу, дейишарди-ку, деган хаёл ўтди миясидан.

Натали пичоқнинг ўткир тиғини билагига олиб келиб бор кучи билан санчди-ю, қичқириб юборди. Пичоқ қўлидан учиб кетди. У бирмунча вақт қизил рангга бўялаётган сувни томоша қилиб турди... Кейин кўзини юмди.

У ётган жойида Флетчни, унинг чиройли юзларини, ипакдай майин сочларини, мушакдор баданини эслади. Аста-секин жони узилиб, бевафо ҳаётдан кўз юмар экан, сўнгги нафасигача уни ўйлади, унинг мажруҳ қалбига бир чимдим бўлсада, ҳаёт нашъасини олиб кирган қиёфасини кўз ўнгидан кетказолмади...

## ТҶҮРТИНЧИ БОБ

Армо Чалик ўз ёзув столига душанба куни эрталаб кириб келди. Уни Шерборн кутиб олди. Чалик келиши билан Феннелнинг Парижга кетганини маълум қилди.

— Жўнатиб тўғри иш қилдим деб ўйлайман, сэр. Қасрда-лигингизни билганимда, албатта, сиз билан маслаҳатланган бўлардим.

Чалик бир нозанин билан маишат қилган, лекин қизнинг кўнглини ололмай ноқулай аҳволга тушиб қолган (буни Шерборн билиши шарт эмас), шунинг учун қовоғи солиқ, кайфияти ёмон эди.

— Демак, у жўнаб кетибди-да? Каленбергнинг сигнал тизими ҳақида ҳеч нарса демадими?

— Йўқ, сэр. Бу ердан ўқдек учиб чиқиб кетди.

Чаликнинг миясида мана шу душанба бошимга қора кун бўлиб тушмасайди, деган шубҳа уйғонди. Агар Боржиа узугини ўғирлаш ҳақидаги режа битилган тасма Каленбергнинг қўлида эканлигини билса борми, бутун дунёни ланъатга тўлдириб юборган бўларди. Ҳа, у бундан беҳабар эди.

Чалик мажлисни 9.30 да бошлади, унинг қовоғи солиқ эди. Гарри билан Кенга Феннел Парижга учиб кетди, деб маълум қилди.

— Ҳозир ҳамма нарсани батафсил гапириб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Мистер Феннел Каленбергнинг хавфсизлик тизими ҳақида бизга бирон нимани маълум қилишни улгурмай шошилиб кетиб қолди. Ўйлайманки, “Интернационал” отелида ҳаммангиз учрашганда бу ҳақда сизларга гапириб беради. Зарур бошқа ишларим борлиги сабабли йиғилишни чўзишдан фойда йўқ. — У Гайга ўгирилди. — Мен берган материални ўрганиб чиқдингизми?

— Ҳа, шеф. Ташвишланманг, ҳаммаси кўнгилдагидек бўлади.

— Жуда яхши! Демак, ҳаммаси операцияга тайёр. Ишнинг энгил кўчишини ўйлаб, сизга қўлимдан келганини қилдим. Ҳаракатни бошланг! Эрталаб Иоганнесбургда бўлишингиз учун бугун кечқурун йўлга тушишингиз керак. — Чалик гапдан тўхтаб, сўнг яна давом этди. — Яна шуниям сизга маълум қилиб қўйишни ўз бурчим деб биламан, Феннел хавфли жиноятчи, лекин у режани муваффақиятли амалга оширишда сизга яхши ёрдам бериши мумкин. — Чалик Гарри Эдвардс-



га қаради. — Менимча, хавф туғилган дақиқаларда сиз фақат ўзингизни эмас, мисс Десмондни ҳам ҳимоялай оласиз.

— Бу менга қувонч бағишлайди, — деди хотиржам Эдвардс.

— Менга қаранг, Армо, — эътироз билдирди Гай. — Сиз, керак бўлса бировнинг ёрдамига муҳтож эмаслигимни жуда яхши биласиз. Шундай экан, бундай гапларнинг кераги йўқ.

— Эркак киши ҳамма вақт чиройли аёлларга ғамхўрлик қилишга тайёр туради, шу ҳисобдан мен ҳам, — деб жавоб берди Чалик елкасини учириб, кейин у яна Гаррига қараб маъкулми, дегандай, кўзини қисиб қўйди. — Нимаям дердим бошқа, сизларга оқ йўл ва муваффақият тилайман. Шерборн чипта билан керакли тушунтиришларни беради.

Улар чиқиб кетгандан кейин Чалик қилиши лозим бўлган зарур ишларни белгилаб қўйган варақни қидира бошлади. Лекин уни ҳеч қаердан тополмади. Натали варақни доим столининг устига қўйиб кегарди. Бугун негадир қўймапти...

Бу душаиба ташвиш келтирмасайди, деган шубҳа Чаликнинг юрагига яна ғулу сола бошлади. У хавотирланиб қабулхонага кирди. Натали ҳали келмабди. Чалик ишонқирамай соатига қаради. Соат ўн бўлибди. Хонасига кириб, Шерборнга қўнғироқ қилган эди, у шу заҳоти ёнига кириб келди.

— Мисс Норман қани?

— Билмадим, жаноб, — хотиржам жавоб берди котиб.

Чалик унга совуқ назар ташлади.

— Билмасангиз боринг, топиб келинг. Балки, у касал бўлиб қолгандир. Уйига қўнғироқ қилинг...

Шу он телефон жиринглаб қолди. Чалик сабрсиз бир қиёфада Шерборнга гўшакни кўтаришни буюрди.

— Чаликнинг идораси, — жавоб берди котиб гулдуралган овозда. Бирмунча вақт у тинглаб жим турди, кейин хавотирга тушиб безовталана бошлади.

— Нима? Нималар деяпсиз?

Чалик унга кўз қири билан хавотир аралаш қараб турди, кейин Шерборннинг ранги оқариб кетганини кўриб, тулкини сезиб қолган итдай ғимирлаб қолди.

— Гўшакни осмай туринг...

— Ким у?

— Сержант Гудиер сиз билан гаплашмоқчи.

Улар бир-бирига қараб олишди. Чаликнинг хаёлига яқинда Англиядан тўксон минг фунтлик юкни қонунга хилоф ра-

вишда олиб ўтгани келди, эҳтимол, Скотленд-Ярддан телефон қилишяптгимикан?

Бир зумда кафтидан тер чиқиб кетди.

— Айтинг, келаверсин, — деди у ўзини босиб олишга ҳаракат қилиб.

Орадан уч дақиқа ўтиб Шерборн эшикни очди. Рўпарасида лаблари дўрдоқ, жағлари худди шатакчи кеманинг куйругига ўхшаган баланд бўйли барзанги одам унга тикилиб турарди.

— Марҳамат, сэр, — деди Шерборн мазират қилиб унга йўл бераркан. — Мистер Чалик сизни ҳозироқ қабул қилади.

Сержант хонага кирди. Кейин у савол назари билан қошини кўтариб Шерборнга юзланди.

— Хэлло, Жорж, мен сени аллақачон ўлиб кетгансан деб юрардим... Одам ўлмаса юравераркан-да, а!

— Йўқ! Мен тирикман, сэр...

— Афсус! Энди оёғингни билиб босиб юрган бўлсанг керак?

— Албатта, сэр!

Сержант хонага хушламай назар ташлаб чикди.

— Яхши жойдан кўним топибсан, Жорж. Назаримда, ҳатто Петонсвилладан ҳам яхшироқ.

— Худди шундай, сэр...

Шерборн қабулхонадан ўтиб, Чаликнинг эшигини очди. Гудьер унинг кетидан кирди. Чалик полиция вакилини кўриб бошини кўтарди.

— Сержант Гудьерсиз, шундайми?

— Худди шундай, сэр.

— Ўтиринг сержант, қандай шамол сизни биз томонларга учирди.

Гудьер ўриидиққа ястаниб ўтириб олди-да, Чаликка совуқ назар ташлади. Чалик ҳар сафар полициячилар билан гаплашганда ичидан қандайдир энгил зил кетарди. Лекин зоҳирида буни билдирмасди.

— Менга маълум бўлишича, мисс Норман сизнинг хизматкорингиз бўлса керак-а?

Чалик ҳайрон бўлди.

— Ҳа, у менинг ходимам, лекин бугун нима сабабдандир ишга чиқмади. Илгари ҳеч қачон бундай қилмаган эди.

— У шапба кун кечкурун ўлган, — эътиборсиз деди Гудьер. — Ўзини ўзи ўлдирибди.

Чаликнинг пешонаси тиришди. Ҳар доим ўлим сўзини эшитса, унинг юраги зирқираб кетарди. Бир неча дақиқа бу гапга эътиборсиздай бўзрайиб қараб қолди, кейин бирдан калласи ишлаб кетди. Унинг ўрнига кимни олади энди? Ўзини ўлдириш — шунақаям бемаънилик бўладими! Яхши иш жойини топган, оч қолиб кетиш ташвишидан қутулган бўлса.

— Жуда хунук иш бўлибди, — деди у ниҳоят сигара олиб учини қирқаркан. — Нима учун бундай қилишга қўл ургани сабаби маълумми?

“Шунақаям бўладими одам”, кўнглидан ўтказди Гудиер бепарволик билан.

— Йўк, маълум эмас. Худди шуни аниқлаш учун келдим. Ҳар ҳолда бирон нимани тушунтириб берарсиз?

Чалик сигарани сўриб, атрофга тутун пуфлади. Кейин йўк дегандай калласини сарак-сарак қилди.

— Афсуски, мисс Норман ҳақида кўп нарсани билмайман... Ҳеч нимани. Уч йилдан буён қўлимда ишларди ва иши мени қониқтирарди.

Чалик ўриндиққа ястаниб олди-да, Гудиерга тикилди. — Мен жуда банд одамман, сержант, мен билан бирга ишлайдиган одамларнинг шахсий ҳаёти мени қизиқтирмайди.

Гудиер чўнтагига қўл тикиб, кичкина бир нарса олди-да, авайлаб столга қўйди.

— Мана бунга ўхшаган нарса билан танишмисиз, сэр?

Чалик олдида қоғозкисични кўриб қовоғини уйди.

— Билишимча, бу қоғозкисич бўлса керак, — деб жавоб берди у қуруққича. — Сержант, сизнинг бераётган саволларингиз мени ҳайрон қолдирыпти. Биламан, ҳар қандай саволни беришга ҳаққингиз бор. Бошқа саволларингиз йўқ бўлса, айтиб қўяй, менинг қимматбаҳо вақтимни оляпсиз. Бўлмаса жуда банд одам эканлигимни яна эслатиб қўйишга мажбур бўламан.

— Бу саволларни сизга беришим учун менда ҳамма асослар бор, — жавоб берди Гудиер Чаликнинг гапларидан заррачаям хижолат тортмай. — Сиз рақобатчиларингизни қизиқтираётган ишлар билан банд бўлганлигингиз учун ҳақиқатан ҳам заррачаям вақтингиз йўқ, десам хато қилмаган бўламан.

— Сиз бу ишларга ўзингизни дахлдор деб ўйлайсизми?

— Эҳтимол, дахлдормасдирман, сэр. Лекин мана бу ўйинчоқ қандай қилиб мисс Норманнинг хонасида пайдо бўлиб қолганини шу билан изоҳлаш мумкин.

— Сизни тушунмай турибман...

— Аслини олганда мана бу матоҳ қоғозқисқич эмас, балки жуда нозик микрофон, — жавоб берди полициячи. — Бундай микрофонлар маиший турмушда эмас, жосуслик ишларида фойдаланилади. Бошқача қилиб айтганда, сэр, бунақа ўйинчоқлар оғиздан чиққан, лекин бошқа одам эшитиши мумкин бўлмаган гапларни ёзиб олиш зарур бўлган ҳолларда ишлатилади. Қисқаси, жосусликда фойдаланилади.

Чалик қоғозқисқичга қараб қўйди-ю, эти жимирлаб кетди.

— Ҳеч нарсага тушунмаяшман. Сэр... — дея мингирлади у.

— Бу канцелярия қисқичи мисс Норманнинг лаш-лушлари ичидан топилди. Бахтимизга тафтиш қилган агент жуда тажрибали экан. Мазкур қисқич нима эканлигини дарров тушунди-ю, уни давлат хавфсизлик идорасига жўнатди. Шунинг учун сэр, мен сизнинг хузурингизга келиб турибман.

— Афсуски, бу борада сизга ҳеч қандай ёрдам беролмайман, — қўлини кўтарди Чалик қуриб кетган лабини яларкан. — Бу ҳол менинг ўзимгаям кутилмаган ҳол бўлиб чиқди...

— Бу нарсани жиллақурса бирон марта бўлсаям кўрган-мисиз?

— Кўрмаганман-ов... Лекин бирон нарсаям деёлмайман. — У шундай деб қисқич орасига олинган бир тўда ҳужжатларни асаби бузилиб кўрсатди. Улар сержант олиб келиб кўрсатган қисқичга икки томчи сувдай ўхшаш, лекин бироз чоғроқ эди.

— Эҳтимол, буларга кўзим тушгандир. Лекин бунақа майда-чуйдаларга одам эътибор бериб ўтирмайди-ку...

— Ҳа, албатта, суҳбатни ёзиб олиш учун микрофон кичкиналик қилади, — гапини давом эттирди Гудьер. — Бунинг учун махсус тузилмага эга бўлган магнитофон керак бўлади... Мисс Норманнинг столини текширишга рухсат бера-сизми?

— Бемалол, — деди Чалик ўрнидан туриб сержантни қабулхонага кузатаркан. — Мана унинг столи.

Гудьер Наталининг столида нима бўлса, барини яхшилаб текширди.

— Шубҳали бирон нарса йўқ, — деди полициячи ва Чаликка ўғирилди. — Саноат жосуслиги борасида Наталидан сиз сал бўлса-да, шубҳа қилганмидингиз?

— Мутлақо...

— Сиз унинг шахсий ҳаёти ҳақида менга ҳеч нима маълум эмас, дегандингиз. Биз бирмунча вақт бир йигит билан яшаганини аниқладик. Ўша ерда яшовчилар йигитни кўча эшикда ҳам, зинапояда ҳам кўришган экан. Ўша одам кимлиги ҳақида эшитганингиз борми?

Чалик чин кўнгилдан ажабланиб, полициячига қаради.

— Тўғриси айтсам, у аёлнинг ёш йигит билан алоқа қилганига ҳатто ишонгим келмайди... Йўқ, мен бу ҳақда ҳеч нима билмайман. Бундай бўлишини тасаввур ҳам қилолмайман.

— Ҳозир тергов кетяпти. Эҳтимол, бизга зарур бўлиб қоларсиз.

— Мени мана шу хонадан истаган вақтингизда топа оласиз...

Гудьер туриб эшикка йўналди-да, тўсатдан тўхтади.

— Хизматчингиз турмада олти йил ўтириб чиққан, ундан хабарингиз борми? Шуни билмоқчийдим.

Чалик полициячига қаттиқ тикилди.

— Ҳа, сэр, бу менга маълум. Лекин Шерборн сўнгги йилларда жуда ўзгариб кетган. Унинг хизматидан хурсандман.

Гудьер ҳам Чаликка қаттиқ тикилди.

— Бунақа одамлар яхши томонга камдан-кам ҳолатда ўзгаради, — деди у пичинг билан ва чиқиб кетди.

Чалик хонасига кириб столга ўтирди-да, терлаб кетган юзини артди.

“Демак, мана шу микрофон ёзув столимга қўйиб қўйилгани эҳтимолдан холи эмас. Агар мабодо шундай бўлса, мана-ви ранги заҳил алвасти бутун суҳбатларни тасмага тушириб олгани аниқ”.

У валюта билан алоқадор қонунга зид бўлган кўпдан-кўп ишларини кўз олдидан ўтказди. Буларни ҳисоблаб чиқади-ган бўлса, анча вақт кетади. Мабодо буларнинг бари тасмага туширилган бўлса, ўлганим шу.

“Яна Боржиа узуги ҳақидаги гаплар... Бу тасмага тушганмикан? Натали буни хўжайинини сотмоқчи бўлиб қилган, лекин бунга журъат қилолмаган бўлса-чи?! — деб ўйлади. — Ахир полиция унинг ёзув столидан магнитофонни тополмади-ку! Полиция уни қўрқитмоқчи бўлган, у бунга кўнган, ле-

кин сўнги дақиқада қилмишининг оқибатини ўйлаб ўзини ўзи ўлдирганмикан?.. Бошқа томондан у тўрттови қилган суҳбат матнини ёзиб олган бўлса, бу тасма Каленбергнинг кўлида бўлиши аниқ”. Чалик яна ўриндикка суянди. Мияси қаттиқ ишлаб кетди.

Топшириқ иштирокчиларини огоҳлантирсамикан? У топшириқни тўхтатсаммикан, йўқми деб бир тўхтамга келиш учун фикрини роса тарозига солди. Улар тўрт киши. Учасидан ажралса, ачинадиган жойи йўқ. Фақат шунча қидириб, не-не азоблар билан топгани Гай Десмондга ачинасан киши. Агар йигитлар операция барбод бўлиш арафасида турганини эшитишса, бу ишга бош қўшишадими-йўқми, худо билади. Узук учун ярим миллион доллар олиши керак. Лекин шунча пул учун тўртталасидан ҳам воз кечиш мумкин. Шунинг учун топшириқни бажариш ҳақидаги режани анови пандавоқи хоним ёзиб олган бўлса ҳам рақибига топширишдан илгари ўзини ўлдирганига ишонч ҳосил қилиш мумкин. Чалик ўйлай-ўйлай, охири бу ҳақда гуруҳ аъзоларига оғиз очмасликка қарор қилди.

Кучли иродага эга бўлган Чалик шундан кейин Гудирни ҳам, Норманнинг ўзини ўлдирганини ҳам, худди шундай, бўлажак топшириқни амалга ошириш режаларининг бутун тафсилотларидан Каленбергнинг огоҳ бўлган-бўлмаганини ҳам калласидан қувиб чиқарди.

Чарли Барнет ўз хонасида бутун вужуди билан ишга шўнғиб кетди. У яқингинада дудланган буғу ва лимонли ўрдак гўшти билан яхшилаб нонушта қилиб олгандан кейин, ўзини жуда баҳузур сезаётган эди. Котиба бир неча дақиқа аввал қабул қилган телеграмма матнини олиб кириб берди.

— Раҳмат мисс Морис, — ташаккур билдирди унга Барнет. — Бу билан ўзим шуғулланаман.

У столга ўтириб Каленбергнинг шифри сақланган ғаладонлардан бирини очди. Бир неча дақиқа ўтгач, телеграмма матнига яширинган сўзни ўқиди.

“Маълумотингиздан хурсандман. Меҳмонларни ўзига муносиб ҳурмат билан кутиб олишади. Хорвейл акциясидан йигирма мингтасини сотиб олиб, Швейцария банкидаги ҳисобварағингизга ўтказиб қўйдим. К.”

Барнет Морисни Хорвейл акциясининг баҳоси қанчалигини билиб келиши учун зудлик билан жўнатди. Кейин улар-

нинг уч банд кўтарилгани хабарини эшитиб, мамнун кулиб қўйди.

У ўзининг молиявий жиҳатдан муваффақиятларга эришадигани ҳақида ҳузур қилиб хаёлга берилиб кетганда телефон жиринглаб қолди. Бу собиқ полиция инспектори Паркинс эди.

— Менимча, Чаликнинг котибаси, — деб бошлади у гапни, — бугун эрталаб уйда ўлиб ётганини эшитиш сизга галати туюлса керак... ўзини ўзи ўлдирибди.

Барнетнинг тилига бирмунча вақт сўз келмай қолди.

— Барнет, мени эшитяпсизми? — деган Паркинснинг овози эшитилди.

Барнет ўзини қўлга олишга уринди: ҳа, унинг табиатини ўшанда билганди, асабини бошқаролмайдиган одамлар тоифасидан эди.

— Паркинс, нима сабабдан бу масала мени қизиқтиради, деб ўйлаяпсиз? — деди у хотиржам гапиришга уриниб.

— Шунинг учунки, анави муттаҳам Флетч Жексон унинг уйига тез-тез қадам ранжида килиб турганди. Шу сабабли сизни бундан огоҳлантириб қўйсам ёмон бўлмайди, деб ўйладим. Агар нотўғри гапирган бўлсам, узр.

Барнет чуқур хўрсинди.

— Демак, Жексон унинг уйига бориб турган экан-да, энди уни қидиришадими?

— Қидиришмас-ов... Айтмоқчи, у кеча кечқурун Дублинга учиб кетди. Тўғри, полиция унинг белгиларини яхши билади. Лекин Дублин унга энг қулай жой.

— Шунақами? Нимаям дердим, раҳмат сизга, Паркинс, маълумотингиз учун. Буни эшитиш мен учун ёқимли.

Барнет кўз олдида Паркинснинг кип-қизил юзларини, қора кўзлари шубҳали боқшини ҳатто кўриб тургандек бўлди.

Барнет гўшакни ушлаганча, ўтирган жойида узоқ ўйланиб қолди. Бирдан Наталининг уйда унутиб қолдирган микрофон эсига тушди-ю, юрагини ваҳм босди. Кейин “эҳтимол, уни топиб олишмас?” — деб ўзига таскин берди. Барибир Паркинс билан ораларида бўлиб ўтган суҳбатдан кайфияти бузилди.

“Интернационал” меҳмонхонасининг даҳлизини америкалик саёҳатчиларнинг шовқини босиб кетган. Улар автобуснинг тепасини юклари билан тўлдириб ташлаган ҳолда эндигина келиб туришган эди. Саёҳатчилар эгниларига шаффоф ёмғирпўш кийиб олишган, кела солиб шовқин кўтара

бошлашди. Уларнинг бири олиб, бири қўйиб бақириб-чақиришлари атрофдагиларга ёқадими-йўқми, уларни заррача қизиқтирмасди. “Ҳой Жек, жомадонимни кўрмадингизми? Лаънати ёмғирни қара!” “Қачон қуёш чиқаркан энди?” “Ойи, менга қаранг, манави нусха паспортимни сўраяпти!” Даҳлиз мана шунга ўхшаш овозлар билан ларзага келарди. Кунда бўлиб турадиган бундай шовқинларга ўрганиб қолган меҳмонхона ходимлари ғовур-ғувурни парволарига келтиришмасди. Даҳлиздан сал наридаги нонушта залида ўтирган Феннел бу шовқинни жаҳли чиқиб кузатарди. Ёмғир тинимсиз қўйиб турибди. Ёмғирпўшлари остига яшириниб олган маҳаллий бантулар каттакон деразалар ортидаги бу қизиқарли манзарани мириқиб томоша қилишаркан, кулишиб ўтиб кетишарди.

Феннел сигарета кетидан сигарета чекаркан, кейин келган америкаликларнинг бир-бирини суриб, итариб лифтга интилишларини кузатиб ўтирди. Бундан ўттиз олти соат муқаддам Иоганнесбургга етиб келган Феннел сўнгги йилларда ўзини хавф-хатардан бирипчи бор холи сезиб туриши. Ярим кун Парижда бўлди, кейин Африкага учадиган самолётга ўтирди. Энди мана Марони билан унинг орасини бир неча минг километрлик масофа ажратиб турибди.

У соатига қараб ўриндикқа бемалол ястаниб олди. Бу орада қора “кадиллак” келиб тўхтади-да, унинг ичидан тушаётган Гай Десмондни кўриб, оғир гавдасини кўтарди.

Орадан ўн дақиқа ўтиб уларнинг тўртталови саккизинчи каватдаги мўъжазгина хонада ўтиришарди, Феннел хушфёъл, мулойим кайфиятда эди.

— Билишимча, дам олишингиз учун зарурат бўлмаса керак, — деди советкичдан олинган ичимликни қуяркан. — Ажралишимиздан олдин сизларни нималар кутаётганини гапириб беришим керак. Қарши эмасмисизлар?

Фақат Гарригина кенг елкасини учириб қўйди. Самолётда ўн тўрт соат учини уни толиқтириб қўйган эди. У Гайга ўгирилди.

— Унинг гапини эшитамизми ё аввал ваннага тушиб енгил тортиб чиқамизми?

— Аввал гапини эшитамиз, — деди Гай узун юмшоқ курсига суяниб. У Феннел узатган ичимликни ичиб олди. — Мен унчалик чарчаганим йўқ.

Феннелнинг газабдан кўзи қисилиб кетди, чунки Эдвардс гўзал хонимни худди ўзиники қилиб олгандай муносабатда бўлар, Феннел эса ҳалиям ундан умидини узмаган эди...



— Ўзларингиз биласизлар, — деди овозидан пичинг оҳанги сезилиб Феннел. — Фақат тезроқ аниқ бир фикрга келинглар.

— Гапингизни гапираверинг, — деди Гай хотиржам. — Нима ҳақда гапирмоқчисиз?

— Чалик берган ҳужжат ҳақида. — Феннел ичимликдан бир култум ҳўплаб олди. — Менга энди шу нарса аниқ бўлдики, Каленбергнинг музейи ер остида экан. Бир вақтлар унга кўтарма механизм керак бўлган. Бино бир қаватли бўлгани сабабли ер остига кўтарма механизм билан туширилган. Тушунясизларми?

— Давом этинг.

— Бу ҳужжатда кўрсатилишича, у ерда еттита телекамерадан иборат махсус қурилма ўрнатилган. Шунини тасаввур қилишимиз мумкинки, музей олтига залдан иборат ва ҳар бир зал кечаси-ю кундузи марказий пультадан кузатиб турилади. Шундай қилиб, навбатчи оператор музейнинг ҳамма залларида нима бўлаётганини мониторда текшириб ўтиради. Бу тизимнинг камчилиги шундаки, қоровул пультада ўтирганда ухлаб қолиши, китобга берилиб кетиб, унга қарамай қўйиши ёки пультага ташлаб ҳожатхонага кетиб қолиши мумкин. Биз қоровул мана шундай ҳолларда пультага ташлаб қўйиши мумкинми ёки йигирма тўрт соат зал қўриқланиб туриладими, шуни аниқлаб олишимиз керак. Бу муаммони Гарри, сиз ҳал қиласиз. Музейнинг эшиги қалин темирдан ясалган. Мен Балстремда ишлаганман, унинг хомашёси билан яхши танишман. Ундан ташқари, бир эшикка вақт белгилаб қўйилган ва соат механизми ўрнатилган қулф осилган. Соатнинг механизми бир вақтни, унинг ҳисоблагич гардиши эса бошқа вақтни кўрсатиб туради. Дунёда Балстремда ишлайдиган одам ва мендан бўлак бирон зот бу эшикни очолмайди, — деди Феннел камтарона кулиб қўйиб. — Соат механизмига асосланган бу қулф менга яхши таниш. Бир вақтлар уни очиш йўлини синчиклаб ўрганиб олганман... Қилишимиз керак бўлган яна битта иш бор. — Феннел ҳамма гапни асосан Гаррига қараб гапирди. — Лифтнинг қандай ишлаётганини билиш керак бўлади. Биз асосан кечаси ишлаймиз. Тунда лифт ишлармикан ёки электр таъминоти узиб қўйилармикан. Агар узиб қўйиладиган бўлса, музейга қандай киришимизни ҳаёлимга келтиролмаялман.

— Энг ёмон ҳолатга тайёр туришимиз керак, — деди Гарри. — Яъни ток бўлмай қолса, ҳаёлан унга ўзимизни

кўниктиришимиз лозим. Унда қандай бўлмасин токни улаб юбориш йўлини излаб топишингиз зарур. Бўлмаса, ишимиз пачава.

Гарри елкасини қисди.

— Балки у ерда зинапоя бордир?

— Бўлиши мумкин, — унга қўшилди Феннел. — Лекин униям бор-йўқлигини аниқлаш керак... Уйнинг ичига кириб олганда бу иш билан ўзингиз шуғулланасиз. Яна бир гап: уйга кириш йўлини мен ўзим аниқ билиб олишим шарт. Яъни, эшикдан кираманми? Деразадан тушаманми? Буниям аниқлаб берасиз. Мен ҳаракат қилишим шарт бўлган маълумотни радио орқали маълум қиласиз.

— Имконияти бўлиши билан аниқлаб бераман.

— Шуни назарда тутишлар, агар керакли маълумотларни қўлга киритолмасак, топшириқни бажара олмаймиз. Буни тушунсангиз керак, деб умид қиламан.

Гай ўриндиқдан турди. У қоматини бежирим қилиб кўрса-тиб турган тўқ кўк кўйлақда одамнинг ҳушини олиб қўядиган даражада гўзал тортиб кетган эди. Учала эркак ундан кўз узолмай қолишди.

— Сизларни холи қолдираман. Мен ваннага тушишим керак. Самолётда мижжа қоқмадим.

У хайр дегандай калласини қимирлатиб қўйиб хонадан чикди.

Гарри керишиб, хомуза тортди.

— Мен ҳам бориб бир оз дам оламан... Сизларга ҳозирча керак бўлмасам керак.

— Йўқ, мен ҳамма гапни айтиб бўлдим. — Феннел Кенга ўгирилди. — Асбоб-анжомлар тайёр бўлса керак.

— Ҳа. Озгина дам олай. Кейин кўздан кечириб чиқаман. Бу иш билан бир одамим шуғулланган. Лондондалигидаёқ телеграмма жўнатиб зарур анжомларни тайинлаб қўйганман. Эҳтимол, бирга бориб текшириб кўрармиз-а?

— Нимаям дердим, майли. Сизни шу ерда кутаман.

Гарри билан Кен ўз хоналарига йўлак бўйлаб кетишди. Ҳаммасининг хонаси саккизинчи қаватда эди. Хоналар меҳмонхона, ётоқхона, ваннахона ва балкондан иборат бўлиб, ҳар бирига совитгич ўрнатилганди.

— Кўришгунча. — деди Гарри унга ўз хонаси олдига келганда. — Афтидан, бу иш ҳаммамизни адоий тамом қилса керак-ов.

Кен кулиб қўйди. Гарри Кеннинг умидсизликка тушганлигини яхши биларди.

— Майли, олдиндан бир нарса деб бўлмайди. Балки, омадимиз келиб, ҳаммаси хамирдан қил суғургандек осон бўлар. Бўпти, мен ҳам озгина ўзимга қараб олай. — Кен шундай деб хонасига кириб кетди.

Орадан бир соат ўтиб у Феншелнинг хонасига қайтиб келди. Бунгача бир шиша ичкилик ичиб кайфиятини кўтариб олган эди.

— Кетдикми? — деди Кен эшик кесакисига суяниб туриб.

— Ҳа, албатта...

— Танишимнинг Блэйк-стритда гаражи бор, — деди Жонс лифтдан чиққандан кейин. — Бу ердан икки қадамгина нарида. Пиёда борсак ҳам бўлади.

Улар меҳмонхонага янги келган америкалик саёҳатчилар орасидан ўтишар экан:

— Нега улар бунчалик шанғиллаб гаплашади-а? — очик-кўнгиллик билан кулиб деди Кен. — Наҳотки ён-атрофдагиларни гаранг деб ўйлашса?

— Бу саволни мен ҳам ўзимга бериб кўрдим, — деди Феннел. — Афтидан, уларга бакириб гаплашмаслик кераклигини ёшлигидан ўргатишмаган бўлишса керак.

Улар ўзларини савалаб ураётган ёмғирдан сақлаш учун меҳмонхонанинг панасига олишди.

— Агар Аждартоғдаям ёмғир шунақа уриб турса, ишимиз қийинлашади, — деди Кен куртқасининг ёқасини кўтариб қўяр экан. — Кетдик... ёмғирга ҳам ўрганиб олишимиз керак. — Улар бошларини ичга тортганча кўча бўйлаб кетишди.

Гараж эгаси Жефферсон ўрта ёшдаги қоматдор, чиройли юзларига сепкил тошган киши экан. Уларни хушмуомалалик билан қарши олди.

— Салют, Кен! Узоқ йўқ бўлиб кетдинг, саёҳатинг чўзилган шекилли?

Жонс саёҳатим жуда мароқли ўтди, деб Сэмни Феннел билан таништирди. Жефферсон Феннелнинг кўлини сиқиб кўришаркан, унинг қовоғи солиқлигини кўриб, юзидаги қувончи бир оз сўнгандек бўлди.

— Кийим-кечакларнинг ҳаммаси тайёрланди, — деди у Кенга. — Кўнглинг тўлади. Бир кўз югуртирсанг бўлди. Агар бирон камчилик бўлса, айтавер...

Кейин хайр дегандек бошини кимирлатиб кўйиб, домкратга кўтариб кўйилган “понтяк”ни синчиклаб текшираётган иккита банту томон кетди.

Кен Феннел билан “лендровер” турган четдаги хоналардан бирига борди. Машинага эгилиб турган банту тўпигини қашишдан тўхтаб, қаддини ростлади-да, Кенга кулиб кўйди.

— Ҳаммаси кўнгилдагидек, шеф, — деди у Кеннинг кўлини сиқиб.

— Бу Жо, — деб таништирди у дўстини, — Сэм иккаласи бизга асқотадиган ҳамма анжомларни тайёрлаб кўйишди.

Феннел қоралар билан муомала қилишни ёқтирмасди. У кулиб қараб турган бантуга ўқрайиб, тескари ўғирилди. Орага ноқулай жимлик чўкди, лекин Кен ўзини ҳеч нима бўлмагандай қиёфага солди.

— Бўпти, Жо, ҳаммасини бир чеккадан олиб кўрсат. — Жо “лендровер”нинг олдига бориб, копотни очди, у ердан сув ўтмайдиган брезентни олди.

— Шеф, қандай кўрсатма берган бўлсангиз, худди шундай тайёрладим.

Радиатор олдидаги пўлат таёқчага болт билан маҳкамланган ғалтак ўрнатилган. Кен унга синчиклаб тикилиб туриб, маъқул дегандай бошини кимирлатиб кўйди.

— Бунақа оҳанжаманинг нима кераги бор? — қизиқди Феннел.

— Буни чиғир ғалтак дейишади, — тушунтирди Кен. — Йўлимиз ботқоқдан иборат, жуда ёмон. Осонгина тикилиб қолишимиз мумкин. Узоқ ёққан ёмғирдан кейин Аждартоғнинг йўллари юриб бўлмас даражага келиб қолади. Шунинг учун бу мослама жонимизга оро кириши мумкин. — Кен юкхонадан кеманинг лангарини чиқарди. — Агар лойга ботиб қолгудай бўлсак, лангарни дарахтга маҳкамлаб, машинани тортиб чиқаришимиз мумкин.

— Наҳотки йўл шу қадар расво бўлса?

— Жуда ёмон! Энг расво йўлдан юришимизга тўғри келади.

Феннел аччиғланиб кўйди.

— Анови иккаласига мазза, вертолётда боришади...

— Омадимиз келишига умид қиламиз. Улар ҳам ҳалокатга учрашлари мумкин, ахир. Жунглига қўнишнинг ўзи бўлмайди. Бунақа мамлакатга бориш учун машинани маъқул кўрган бўлардим.

— Шеф... — деди Жо ҳали-ҳануз кулиб тураркан, ораларига Феннел қўшилганидан хижолат тортиб. У “лендровер”дан сал нарида столнинг устида турган брезентни кўтарди. — Қолган нарсаларниям текшириб кўрмайсизми?

Кен билан Феннел стол устига ёйиб ташланган нарсаларни бориб кўришди: у ерда сув қуйиб олиш учун тўртта, ёнилги учун бешта канистр, захираси билан иккита электр фонар, иккита металл арқон, иккита ёғоч қути ва картон қути турарди.

— Агар омадимиз келса, у ёкқа беш кунда етиб оламиз, иш битгач, тўрт кунда қайтиб келамиз, — Кен шундай деб қутилардан бирини шапатилаб қўйди. Манави ерда анча-мунча консерва захираси бор. — У қўлини картон қутига қўйди, — Манавилар спиртли ичимликлар: икки шиша шотланд вискиси, икки шиша жин, йигирма шиша пиво олганмиз. Менда йигирма тўрт калибрли “спрингфилд” бор. Биз кетаётган жойларда ов қилсак бўлади. Жирафанинг гўштини яхши кўрасизми? Паст оловда пиширилган ва гаримдорили қайлага солинган охунинг елка гўштини-чи?... — Кен хаёлан кўзини ўйнатиб қўйди. — Оғзингиздан мазаси кетмайди.

— Дори-дармонлар масаласи қандай? — қизиқди Феннел.

— Уларни “лендровер”га жойлаб қўйибман. Ҳар хил дорилардан бир қути. Бир вақтлар илон чаққандан бошлаб ҳар хил синди-чиқдиларни даволаш тиббий курсини ҳам тамомлаганман.

— Ҳа, сиз, афтидан, ҳамма нарсага аввалдан тайёргарлик кўриб қўйган экансиз, — деди Феннел осмонга сигарет тутунини пуфлаб. — Энди фақат ўзимизга зарур нарсаларнинг гамини ейиш қолибди, холос.

— Унчалик кўп нарса олишнинг ҳожати ҳам йўқ. Ич кийимларни алмаштириб олсак етарли.

— Менда асбоб-ускуналар солинган қопчиқ бор, — деди Феннел машинанинг эшигига суяниб туриб. — Улар анча-мунча оғир, мен буларсиз ҳеч нарса қилолмайман.

— Нимаям дердим, керакли юкнинг оғирлиги йўқ.

— Бутун йўл бўйи машинада юрамизми?

— Эҳтимол, йўлнинг бир қисмини пиёда босармиз. Шундай ботқоқ жойлар бўладики, тикилиб қолсак чиғирдаям тортиб чиқариб бўлмайди.

— Агар биронта негрни ёрдамга олсак-чи?

— Менга каранг, оғайни, бундан кейин бу сўзни мутлақо оғзингизга олмаслигингиз керак бўлади, — куруққина қилиб деди Кен. — Бу ерда “маҳаллий”, “европаликмас”, деган сўзларни ишлатинг, лекин “негр” дея кўрманг.

— Нахотки бу сўз сизга оғир ботаётган бўлса.

— Ҳа, жудаям... Агар мен билан яхши муносабатда бўлишни хоҳласангиз, бу сўзни минбаъд бошқа оғизга олманг.

Феннел Кенга қараб масхараомуз “сиз”лашга ўтди.

— Нияям дердим, сизнингча бўлақолсин. Агар ўзимиз билан биронта бантуни хамроҳ қилиб олсак, бунга қандай қарайсиз? Мабодо пиёда юришга тўғри келиб қолса, манави ланъати қопчиқни кўтариб юрган бўларди.

Кен унга ўпкалаб қаради.

— Бўлади. Лекин қайтишда ортикча гапни валдираб қўйиши мумкин. Менинг бир дўстим бор. Менвиллда келиб бизга қўшилади. Ўша кузатиб боради. Зўр изтопар. Усиз мўлжалдаги ерга мутлақо боролмаймиз. Ҳозирги кунда ўзи Каленбергнинг мулкида. Қандай қилиб унинг уйига кириш йўллари аниқлаб юрибди. Айтмоқчи, Каленбергнинг мулкни уч юзта зулус кўриқлаб турибди. Гаров ўйнашим мумкин, биз Менвиллга боргунимизча, дўстим унинг уйига беҳавотир кириш йўлини аниқлаб қўйган бўлади.

Феннел кўз қири билан Кенга қаради.

— У нима... қораларданми?

— У кукуйу... рангли дегани.

— Ўша дўстингизми?

— Дўстларимдан бири, — жавоб берди Кен, Феннелга тикилиб туриб. — Бу сизга ёқмасаям айтиб қўйишим керак, агар яқиндан танишиб олсангиз, бантулар садоқатли дўст ва жуда яхши одамлар эканлигини билиб оласиз. Бунинг устига ҳалол одамлар.

Феннел яна елка қисиб қўйди.

— Буёғи сизга ҳавола. Бу ерлар менинг эмас, сизнинг мамлакатингиз... Меҳмонхонага қайтсак ҳам бўлармиди? Манави ланъати ёмғир чанқатворди.

— Сиз қайтаверинг. Менинг яна озгина зарур ишларим бор. Тушликни бирга қиламиз деб умид қиламан. Меҳмонхонанинг ёнида зўр ресторан бор. Эртага йўлга тушамиз.

— Яхши... кўришгунча.

Феннел гараждан чиқиб меҳмонхонага жўнади. Кен уни ўқрайиб кузатиб қолди. Кен “пontiак”нинг уёқ-буёғини тўзатаётган Жефферсоннинг ёнига борди.

Бироздан кейин, соат тўққиз яримларда улар "Шох ва мот" ресторанида учрашишди, аёллик имтиёздан фойдаланиб, Гай охирида келди. Эгнида лимон рангли кўйлак. Эркакларнинг ўткир назари яна унга қадалди.

Гай стулга ёқимли тарзда ўтираётганини кўриб Феннелнинг бадани қалтираб кетди. У кўп аёлларни кўлдан ўтказган, лекин ҳеч бири унинг вужудини бу қадар жунбишга келтирмаган эди. Бошқалар ҳолатимни сезмасин, деб атайлаб кўлидаги сочиқни тушириб юборди.

— Хўш, нима буюрасизлар? — деди Гай.

Ҳаммаси жуда очиққан бўлишига қарамай, қовурилган балиқ билан сабзавот қўшиб тайёрланган мол гўштини танлашди.

— Ишлар қалай кетяпти? — қизиқиб сўради Гарри Кендан. У Феннелга қаради-ю, қизариб кетган юздан унинг кўнглидан кечган фикрни илғаб олди. Кейин нигоҳини бошқа томонга қаратишга уринди.

— Асбоб-анжомларни текшириб кўрдик. Ҳаммаси кўнгилдагидек. Агар эътироз билдирмасангиз эртагаёқ йўлга тушсак.

— Нега эътироз билдирар эканмиз? — деди Гарри ва Гайга қаради. У ҳам маъқул дегандек бош ирғаб кўйди.

— Қанчалик тез йўлга тушсак, шунча яхши, ёмғир ҳам бошланди. Умид қиламизки, Аждартоғгача ҳали етиб бормаган. Бўлмаса, Феннел иккимиз жуда катта қийинчилик остида қолиб кетамиз. Биз эртага эрталаб соат саккизда йўлга чиқамиз. "Лендровер"да кетамиз. Машина унчалик қулай бўлмаса ҳам юкимиз кўплигини ҳисобга олганда бизга кўл келадигани шу. Менвиллгача йўл саккиз юз миль.

Официант қовурилган балиқни келтириб, чиқиб кетгандан кейин Гарри:

— Менвилл Каленбергнинг мулкидан тўрт юз миль узоқда эмасми?

— Ҳа. Радио орқали боғланиб турамыз. Ҳар иккала аппаратиям текширдим. Иккаласиям жуда яхши ишляпти. Агар омад кулиб бокса, кечқурунгача Менвиллга етиб борамиз. У ердан Каленбергнинг мулкига вертолётда боришингиз учун бир соат вақт кетади. Бир вақтда етиб боришимиз учун биз сиздан бир ёки икки кун илгари йўлга чиқамиз. Бунга нима дейсиз?

— Мен ҳаммаси жуда яхши режалаштирилган деб ҳисоблайман, — жавоб берди Гай. — Ёқилғи етадимми?

— Ҳаммаси ҳисобга олинган. Бензин бориб яна қайтиб келишга етади. Вертолёт яхшилаб қўздап кечирилган. Буни ўзларингиз ҳам текшириб кўришларингиз мумкин. У учишга шай турибди.

— Менвилл ўзи қанака жой? — сўради Гай.

Кен кулди.

— Одатдагидай оддий жой. Биз қўнишимиз керак бўлган ер аҳоли тураржойидан саккиз километр берида.

Шундан кейин улар балиқни тановул қила бошлашди. Гарри Феннелнинг қиз томонга тез-тез қараб қўяётганини ва бир оғиз гапирмай жим ўтирганини, Кеннинг эса, аксинча, сергап бўлиб кетганини кўнглидан ўтказиб қўйди.

— Менвилл атрофида ҳар хил ёввойи ҳайвонлар тўлиб ётибди, — давом этди Кен, — ёввойи чўчқалар, кўк маймунлар дейсизми... Бир пайтлар мен у ерларга овчиларни бошлаб борганман.

— Нима учун бу ишингизни кейин ташлаб юборгансиз? — қизиқди Гай. — Менимча, жуда завқли машғулот-ку.

Кен кулди.

— Эҳтимол, завқлидир. Ҳайвонлар ҳақида бир нима деёлмайман, лекин овчилар жиғимга тегишди. Уларнинг назарларида жунглига борсанг тамом, ҳайвонлар худди ҳар бир дарахтнинг тагида мени от, деб кутиб турадигандек. Баъзан бир неча миль йўл боссанг ҳамки, биронта жонивор рўпара келмайди. Овчилар чидамсиз бўлишади, бирон ҳайвон учрамаса, жаҳллари чиқади, гўё мен айбдордек. Икки йил уларга йўлбошловчи бўлдим-у, кейин ташладим. Айниқса, бир нусха асабимни ёмон бузди. Бахтга қарши, ёмғир мавсуми эди, бунинг устига омади келмади. Бир оғайниси билан қўтоснинг суратини олиб келаман деб гаров ўйнаган экан. Аксига олиб, биронтаям қўтос учрамади. Бир неча кун қидириб натижа чиқаролмадим. Бунга мени айблади-ю, бутун аламини мендан олди. — Кен айёрона кулиб қўйди. — Шунда алам қилиб кетганидан машинани тўхтатиб, бурнини шартта тишлаб олдим. Оқибатда бир ярим йил турмада ўтириб чиққанымдан кейин энди бунақа “овчилар” билан ош-қатиқ бўлмасликка қарор қилдим.

— Хўш, бўпти, — гапти бўлди унинг узундан-узоқ саргузаштини эшитиб сабри дош беролмаган Феннел. — Йигитлар, ҳозир нима иш қилмоқчисизлар? Шахсан мен мисс Десмондга шаҳарнинг тунги дўконларини бирга айланиб келишни таклиф қиламан. — У шундай деб Гайга тикилди. — Розимсиз?



Бир дақиқа ҳамма жим бўлиб қолди. Гай Феннелнинг қип-қизил юзига бир зум назар ташлади-ю, кейин Гаррига қаради. Гарри хотиржам кулиб қўйди.

— Таклифингиз учун миннатдорман, мистер Феннел, лекин узр, эртага вақтли туришим зарур, яхшилаб ухлаб олишим керак, — деди у ўрнидан тураркан. — Яхши ётиб туринглар.

Ресторандан чиқаркан, эркаклар уни беҳаёларча нигоҳ билан кузатиб қолишди.

Феннелнинг юзи кўкариб, кўзлари ғазабдан йилтираб кетди.

— Роса тузлади-ю мени, — деб гўлдиради у. — Ўзини ким деб ўйлайди жа...

Кен ўрнидан турди.

— Ҳисоб-китоб қиламан-да, мен ҳам бориб ухлайман.

— Хафа бўлманг, — деди Гарри Феннелга. — У ростдан ҳам жуда толиққан. Агар қарши бўлмасангиз, сизга шерик бўламан.

Феннел Гаррининг гапларини эшитмаганга ўхшарди, ўриндикда қимирламай ўтирар, лекин кўзлари ўйнади. Орадан бир оз вақт ўтгандан кейин асабини босиб олиб, ресторандан чиқди. Аламидан бутун вужуди зирқирарди.

“Шошмай тур ҳали, сен фоҳишани, бир додингни бермасамми, — деб ўйлади ўзича. — Мен билан бир зум ёлғиз қолгин, ўзингни қаерда кўрар экансан”.

Феннел ўз хонасига борди-да, кийимларини ечиб, ўзини каравотга отди. Юзларидан тер қуярди. Аввалига Гай қўлига тушса, уни қандай қилиб эзгилашини ўйлади. Кейин хаёлига бошқа нарса келиб, унинг шахвоний хирсларини тарқатиб юборди. Чаликнинг мисс Десмондга яқинлаша кўрма, бўлмаса Интерполга маълум қиламан, деб огоҳлантиргани эсига тушди. Қизиқ, анови учта одамни гумдон қилганимни қандай искаб топдийкин-а? Феннел сигарета тутатди. Кейин кўча чироғи ёритиб турган хонани кўздан кечирди.

Эсига Гонконг тушди. Ўшанда Лео учта шериги билан яхши фойда кўрган бир ишни амалга оширишганди. Улар катта ҳажмдаги гиёҳванд моддани кемага ортиб беришган. Бу иш учун Феннел нақд уч минг доллар ишлаб олган, энди кечқурунги самолёт билан соат ўнда Англияга учиб кетиши керак эди. Лекин олти кун жунглида юриб аёл зотини соғиниб қолган Феннел самолёт учгунча бир айш-ишрат қилиб олмоқчи бўлади. Унинг хитой дўстлари бандаргоҳдан кўнгли-

дагидек аёлни топиши мумкинлигини маслаҳат беришади. Айтилган жойга бориб бирмунча вақт тургач, кўкраклари салмоқдор бир хитой аёли Феннел билан кўз уриштириб қолади. Улар тезда тил топишишади ва Феннелнинг хонасига келишади. Феннел тезда шахвоний хирсини қондиргандан кейин вискидан сармаст бўлиб мудрай бошлайди. Лекин ҳаёт бутун умри хавф-хатар остида юрган Феннелни ҳамма вақт ҳушёр бўлишга ўргатган эди. Кўзини очиб қараса, хитой аёли деразанинг олдида турганча шимининг чўнтаklarини титкиляпти. Ҳали ҳушёр тортмаган Феннел ярим уйқули кўзларини очиб каравотдан иргиб туради-ю, аёлнинг бошига зарб билан мушт туширади. Аёл учиб бориб деворга урилади ва ерга қулайди. У шимдан суғуриб олган пуллар чангалидан сочилиб кетади.

Феннел пулни йиғиб олиб чўнтагига солади. Кийиниб бўлгач, қараса, иш пачава. У фоҳишанинг устига энгашиб, унинг бошини кўтаради-ю, сесканиб кетади. Зарб билан урганда аёлнинг бўйнини синдириб юборган экан. Феннел соатга қарайди. Самолёт учишига ҳали анча вақт бор. У хонадан чиқиб, келиб-кетаётганларга эътиборсиз қараб ўтирган чолнинг олдига келади.

Феннел эркинликка чиқиши учун пул тўлаши кераклигини тушунади.

— Йигирма дақиқадан кейин елканли қайиқда кетаман, — ёлғон гапиради у. — Аёл ўлиб қолди. Бунинг учун канча тўлашим керак?

Чолнинг юзида ҳеч қандай ўзгариш аломати сезилмайди.

— Минг доллар, — дейди у. — Шундан кейин орадан бир соат ўтиб полицияни чақиришга мажбур бўламан.

Феннел ваҳшийларча тиржаяди.

— Қари кўшмачи, хоҳласам ҳозироқ бўйнингни суғуриб ташлайман!... Бу жудаям кўп!..

— Беш юз доллар... орадан ярим соат ўтиб полицияни чақираман, — дейди хитой елка қисиб.

Феннел минг доллар беради. У Гонгконгда яшаб бизнес нима эканлигини тушуниб олганди. Мана шу бир соат унинг учун ҳаводан ҳам зарур эди. Бу вақт ичида кўздан йўқолиши мумкин.

Феннел каравотда хонанинг қарама-қарши томонида электр нурунинг липиллаб ўйнаётганини кузатиб ётарди.

Ҳамон хитой аёли кўз олдидан кетмасди. Бунчалик каттиқ урмаганида... лекин у бунга лойиқ иш қилди-да.

Истанбулнинг ифлос кўчаларидан бирида учраган бесоқол ҳам, бахтга қарши, ўз насибасини олди. У ҳам бунга лойик эди.

Феннел кемадан тушиб Марселга жўнашдан олдин шаҳарни бир неча соат томоша қилиб чиқмоқчи бўлди. Унга уч килограмм олтинни бир одамга олиб бориб бериши учун яхшигина пул тўлаган эди. Бу бир қари турк эди. Феннел пулни олиб чўнтакни қаппайтиргандан кейин бир қиз топиб маишатга берилади. Қиз уни роса ичиради, ўлгудай маст бўлиб қолган Феннел ҳеч нарса қилолмай уйқуга кетади-ю, уч соатдан кейин уйғонади. Қараса, қиз бутун бор-йўғини шилиб ғойиб бўлибди. Ҳазабдан ўзини йўқотиб қўйган Феннел кемага қараб шошилади. Кимсасиз тор кўчалардан кетаётиб бир йигитчага дуч келади. Йигитча чиройли, қора кўз, ёкимли табассум билан унга қилиқ қила бошлайди. Феннел ўзи кимга ғазабини сочиб аламдан чиқишини билмаётган эди. Йигитчани ушлаб бор кучи билан бошини тош деворга уради. Деразадан буни кўриб турган аёл, бақириб полицияни ёрдамга чақира бошлайди. Феннел бор кучи билан қочишга тушади. Тез орада кемага етиб олади ва кема сузиб, очиқ денгизга чиққандан кейингина ўзини хатардан холи сезади. Феннел бу иккисини — аёл билан йигитни гоҳ-гоҳ эслаб турарди. Гарчи, мархумлар эслаш учун ҳақли эмаслар деган эътиқодда бўлса ҳам, бу иккиси тез-тез унинг кўз ўнгида намоён бўлаверарди.

Учинчи қилган котиллиги аввалги иккитасига қараганда кўпроқ виждонини қийнади. Бир бой мисрлик қайсидир савдогарнинг ўтда қуймас пўлат сандиғини очиш учун Феннелни ёллаган эди. Чунки мисрлик бой унга катта миқдорда пул қарз берган экан. Феннел дарров, ҳужжатлари қалбаки, уни истаган вақтда фош қилишлари мумкин бўлса керак, деган қарорга келди. Хуллас, топшириқни зудлик билан бажариш керак экан.

У пўлат сандиқ жойлашган бинога осонликча кириб олади-да, ишга киришади. Соат тунги ўн бешта кам уч, шу уйда яшовчи аҳоли маст уйқуда. Ўтда қуймас пўлат сандиқ кўхна пўлат сандиқлар намунасидан бўлгани сабабли Феннел уни очиш учун ҳазилакам урингани йўқ. Ниҳоят, пўлат сандиқни энди очганда хонанинг эшиги ғийқиллаб очилади... Феннел шу заҳоти автогенни ўчириб, горелканинг тагига қўйган пўлат таёқни қўлига олади. Остонада одам шарпаси кўзга ташланади. Кейин бирдан электр ёнади. Қаршисида ўн ёшлар чама-си бир қизча узун қора йўл-йўл ички кўйлақда турарди. Кейин

маълум бўлишича, тўққиз ёшда экан. Қизча қўрққанидан Феннелга тикилиб қолади. Кейин қичқирмоқчи бўлгандай оғзини очади. Феннел бир сакраб унинг олдида пайдо бўлади-да, қўлидаги пўлат таёкча билан бошига туширади.

Феннелга гувоҳ бўлмаслиги керак эди. Қиз яхшилаб кўриб олган, унинг қиёфасини чизиб бериши мумкин. Шунинг учун уни шундай зарб билан урган эдики, тирик қолиши даргумон.

Феннел зарур ҳужжатларни олади, асбоб-ускуналарини йиғиштириб, бинодан чикиб кетади. Фақат машинада қўлидаги қонни кўриб нима иш қилиб қўйганини тушунади. Қизнинг қўрқиб кетганидан катта-катта очилган қоп-қора кўзлари кейинчалик тез-тез унинг тушларига кириб турди.

Эртаси куни Феннел қизчанинг гунг эканлигини газеталардан ўқиб билади. У бунақанги ногирон одамлар бу дунёда яшамагани маъқул, ўлгани яхши бўлди, деб ўзига таскин бермоқчи бўларди. Лекин шунга қарамасдан тўшақда ёлғиз қолган кезлари қўрқиб кетган қизчанинг тунги қўйлақда турган қиёфаси кўз ўнгида жонланарди-да, қолган зигиртдай виждонини тинимсиз тилимларди...

Феннел хонада қоронғилик узра липиллаб турган нурни кузата-кузата аста кўзи уйқуга кетди...

## БЕШИНЧИ БОБ

Макс Каленберг ҳар куни эрталаб роппа-роса соат бешда уйғонади. Худди унинг миясига будильник жойлаб қўйилгандай. Лекин лозим бўлган етти соатли уйқуни худди ўликдай қотиб ухлайди. У туш кўрмасди. Гўёки ухлаб кўзини очганда қуёш викорли тизма тоғлар ортидан дераза орқали ўзининг заррин нурларини сочиб турган бўларди. Каттакон каравот чиғаноқ шаклида ясалган бўлиб, баланд кўтарилган эди. Қўл стадиган жойда тугмачалар ва дубдан ясалган панель турарди. Ҳар бир тугмача маълум бир вазифани бажарарди. Қизил тугмача — пардани очиб-ёпар, сариқ тугмача юмшоқ курсини тортиб, ўтириб олиш учун каравотни ер баробар пастга туширарди. Юмшоқ курси аккумулятор билан электр моторга уланган эди. Кўк тугмача босилиши билан бош тарафидаги панель очилар ва у ерда нонушта солинган патнис пайдо бўларди, қора тугмача босилганда керакли ҳароратда ванна сувга тўлдириларди. Яшил тугмача каравотнинг орқа тарафига ўрнатилган телевизион мосламани ишга солар, қотибани чақириб бериш учун хизмат қиларди.

Бугун Макс Каленберг одатдаги вақтда уйғониб қизил тугмачани босди. Парда тортилиб, у осмонга назар ташлади. Осмонда сузиб юрган булутларни кўриб, тез орада ёмғир ёғса керак, деган қарорга келди. Кейин чироқни ёқиб, кўк тугмачани босди. Бир зумда панель очилиб, патнисда кумуш қаҳва идиш, қаламдон, финжон ва тақсимча пайдо бўлди.

Унинг улкан каравотда ярим ёнбошлаганча ўтириши худди кино қаҳрамонларига ўхшаб кетарди. Сочи тақир қилиб олинган, кулранг кўк кўзлари катта-кагта очилган, оғзи катта, юқори лаби ниҳоятда юпка. Каленберг яланғоч ухларди. Худди шу вақтдагина унинг пишиқ ва қорамтир баданини кўриб олиш мумкин эди.

У қаҳва ичди. Сигарета чекди. Кейин котибаларидан бири билан боғлайдиган яшил тугмани босди. Шу заҳоти экран ёришиб, унга эрталаблари хизмат қиладиган ёш ҳинду қиз Миа кўринди. Унинг қўлида дафтарча ва қалам. Каленберг унга ҳайрат билан қаради. У гўзал аёлларни жуда яхши кўрарди. Ишга қабул қилаётганида уларга қараб роҳат қилар, завқ оларди.

— Яхши ётиб турдингизми, сэр? — деди қорамғиз ёш аёл ёқимли ишва қиларкан. Қиз шаҳло кўзлари билан уни кўраётгандай қараб турар, аслида эса кўрмасди.

— Жуда яхши, Миа, — жавоб берди Каленберг унга меҳр билан. — Почта келдимми?

— Почта ҳозиргина келди, сэр, қабул қилиб олишяпти.

— Бирор соатдан кейин сизга бир нимани айтиб туриб ёздираман, ҳозирча нонушта қилиб тура қолинг.

У монитorni ўчирди. Каленберг ваннани сув билан тўлдирадиган қора тугмачани босди. Каравотни ер баробар тушириб, ўзининг белидан пастини яшириб турган чойшабни олди. Ана шундагина унинг танасини кўриб Каленбергни келишган, чиройли дейиш уёқда турсин, майиб-мажруҳ эканлигини билиб олиш мумкин эди. У туғилган пайдан шу вақтгача оёқларини онасидан бошқа ҳеч ким кўрмаган эди. Оёқ оёқ эмас, танани кўтариб туришга нолайиқ қуришиб, буришиб қолган калта эт эди. Каленберг ўз оёқларини ёқтирмас, тинимсиз лаънатларди! Жисмоний заифлик ҳаётдан бездирган, унинг асаб тизимини тамоман ишдан чиқарган эди.

Макс Каленберг ҳеч қачон ҳеч кимни ўз ётоқхонасига киргизмаган. У яхшилаб кийиниб оёқларини ўриндикда осилтириб ўтириб олгандан кейингина ўзини бемалол ва хотиржам ҳисобларди.

У ўриндиқдан сирганиб ўтиб ваннага тушди, орадан бир соатлар ўтиб, ювиниб бардам бўлиб чиқди. У ерда тайёр тренажёрлар ёрдамида бутун бир комплекс махсус бадантарбия машқларини бажарди. Кейин мажруҳ оёқларини чойшаб билан ўради. Ёқаси очиқ кўйлагини кийиб, ўтирган ўриндиғини юргизиб йўлакка чиқди, ундан кабинетга йўналди.

Улкан гепард уни кўриб ўрнидан турди-да, орқасидан кетди. Гепарднинг оти Гинденбург бўлиб, у Каленбергнинг энг яқин ҳамроҳи эди. Каленберг ваҳший ҳайвон олдига етиб келишини кутиб, ўриндиғини тўхтатди. Унинг майин юнглирини силаган эди, гепард роҳатланганидан инграниб қўйди. Кейин гепард билан бирга ўз кабинетига кирди.

Кабинет жуда кенг эди. Хонанинг бир девори ойнабанд. У ердан ёввойи гуллардан иборат гўзал боғнинг бир қисми, тўлқинланиб турган ўтлоқли қир-адирлар, унда нарива эса, туманлар орасидан Аждартоғ тизмалари кўзга ташланарди.

Каленбергнинг ёзув столида янги келган почта уни кутиб турарди. Хатларнинг конверти устида у ё бу хатнинг аҳамиятига қараб ҳар хил этикеткалар ёпиштирилган. Кеча, Каленберг ётишдан олдин эртага қилиниши керак бўлган ишларга зарур кўрсатмалар бериб қўйган эди. У кўк тугмачани босган эди, экран ёришиб, унда гўзал Миа пайдо бўлди. У Каленбергнинг топшириғини кутиб ўтирарди. Каленберг ҳамма зарур гапларни айтиб туриб ёздирди. Чамаси бир соатлар вақт ўтди.

— Миа, шу етарли... По Лу шу ердами?

— Топшириғингизни кутиб турибди, сэр.

— Унга айтиб қўйинг, ярим соатдан кейин керак бўлади. — Каленберг шундай деб мониторни ўчирди.

Кейин келган почтага тез-тез кўз югуртириб чиқа бошлади. Хатлар ҳам элликтадан кам эмасди. Хатларни қандай тез кўрган бўлса, сармойасини ҳам кўпайтириш учун худди шундай тез қарорга келди. Сўнг яна мониторни ёқди. Бу сафар экранда хушқад вьетнамлик қиз кўринди. У ҳам Миа каби топшириқ кутиб ўтирарди.

Соат ўнда Каленберг хатлардан қутулиб, озгина дам олмақчи бўлди. У гепардни силаб туриб селектор тугмачасини босди.

— Гуилла, олдимга кириг.

Орадан бир неча сония ўтиб, эшик тақиллади. Каленбергнинг шахсий котиби Гуилла Тэк кириб, хожасининг столига яқин келди. У баланд бўйли, ориқ, сочлари қоп-қора, кўзлари

олма-кесак териб турадиган рангпар йигит эди. Унинг онаси италян, отаси чех эди. Йигит улардан ёшлигидаёқ молиявий ишларни юриштиши жуда яхши ўзлаштириб олганди. У бир вақтлар Швейцария банкида ишлаб, молия ишларининг даҳоси деб ном ҳам орттирган эди. Каленберг бир дўстига молиявий ишлардан хабари бор биронта одамни шахсий котиб қилиб олишимга ёрдам беролмайсизми, деб сўраганда, у ўйлаб ўтирмай Тэкни таклиф қилади. Каленберг, афтидан, бу йигитчанинг ҳалоллигига, садоқатлилигига эътиборини қаратган, шекилли. Илгари у устаси фаранг ўғриларни ёллаб, шахсий музейининг салмоғини оширганди. Кейин музейни қўриқлаш учун ниҳоятда ишончли қоровуллар керак, бунинг учун эса, аввало, махсус ташкилий гуруҳ тузиш лозим, деган қатъий қарорга келади. У бу ишни яхшилаб ўйлаб кўриб, ўн етти ойдан буён қўлида ишлаётган Тэка топширишни маъқул кўрди. Эндиликда йигитча музейни асраш жавобгарлигини ўз бўйнига олган ва хазинани сақлаш борасида керакли маслаҳатлар билан унинг олдига тез-тез кириб турарди.

— Яхши ётиб турдингизми, сэр? — дея Тэк саломлашди таъзим қилган ҳолда.

— Ўтиринг, — таклиф қилди Каленберг. — “Боржиа узуги” операцияси бўйича бирон янгилик борми?

— Бор, мистер. Бизга маълум бўлган авантюристлардан учтаси бундан бир неча соат муқаддам “Интернационал” отелига келиб тушди. Феннел дегани кеча Париждан самолётда келган эди. Гараж соҳиби Сэм Жефферсон уларга зарур бўладиган ҳамма ашқол-дашқолларни сотиб олиб берибди. Менда уларга асқотадиган жиҳозларнинг рўйхати бор. Истасангиз кўришингиз мумкин. Ундан ташқари, самолёт учишдан сал олдин олинган уларнинг суратлари ҳам бор. — У гапдан тўхтаб, бир зум Каленбергга қараб олди. Кейин столга қалин конверт қўйди. — Аёл жуда офатижон, эҳтимол, сизнинг дингизга тўғри келар...

Каленберг эркакларнинг суратларини бирма-бир кўриб туриб аёлга келганда тўхтаб қолди.

— Улар ҳақидаги маълумотлар ўша конвертда, мистер.

— Раҳмат. Ҳозирча менга керак эмассиз.

Тэк кетгандан кейин Каленберг Гайнинг суратини қайта чиқарди-да, унга бир неча дақиқа тикилиб қолди. Кейин стол ғаладонига яшириб қўйди. Бирмунча вақт тўртта муттаҳам фирибгар ҳақидаги маълумотларни кўздан кечирди, кейин вертолёт келиб қўнган Менвилл яқинидаги жойни ўрганиб

чиқди. Қоғозларни қайта конвертга солди-да, қандайдир ғалати қиёфада қимирламай жойида ўтириб қолди. Кейин бир қарорга келди, шекилли, ўриндиғини ҳаракатга келтирадиган тугмачани босди. Бармоғини кўтариб гепардга ишора қилди-да, дам олиш учун кенг йўлак бўйлаб боққа чиқиб кетди.

Соат ўн бирда Каленберг тушликдан олдин баъзи бир ишларини бажариб олиш учун ёзув столига қайтиб келди. Нарибери тушлик қилди. Кейин Тэкни ҳузурига чақирди.

— Бу узук менга қанчага тушган эди?

— Олтмиш минг долларга. Мерсиалдан нархини сўраганимизда, у икки юз эллик минг баҳо қўйганди. Ўртада воситачи билан савдолашиб бундан анча арзонга олган эдик. Энди бўлса, Мерсиал ўғирланган узукни қайта сотиб олиш учун Чаликка ярим миллион доллар бермоқчи. Бу узук Боржианинг энг қимматбаҳо буюмларидан бири эди.

— Хўш, гап бундай. Кўнглимда бу узукни қайтариб бериб, унга эгалик қилишига имконият яратиш хоҳиши туғилди, — деди Каленберг Тэкнинг юзига тикилиб туриб. Буни эшитиб Тэк жойида қотиб қолди. — Бу операцияни улар қандай амалга оширишларига қизиқиб қолдим. Ўша тўртталовининг бирдан-бир мақсади узукни қўлга киритиш, шундайми? Шундай экан, улар менинг мулкимга кириб олишлари учун нега имконият яратиб бермаслигимиз керак экан? Гапингизга қараганда, аёл жуда офатижон экан... Ундан ташқари, ўша Феннел дегани музейга кириб пўлат сандиқларни очишда ноёб қобилиятга эга бўлган тенги йўқ мутахассис эканлигини ўз кўзим билан кўришга қизиқиб қолдим. Хуллас, уларга ҳалақит қилмайсиз. Биз эса, бу ишни майда-чўйдасигача ўйлаб кўришимиз керак.

— Сиз уларнинг узукни ўғирлаб олиб чиқиб кетишигача йўл қўйиб қўясизми? — деди Тэк ҳайратдан донг қотиб.

— Уларнинг бу ерга кириб келишларига йўл қўйиб берамиз. Чиқиб кетишига келганда буни яхшилаб ўйлаб, пишитиб олишимиз керак. Шунда ҳам чиқиб кетиш йўлини топиб, бунинг уддасидан чиқишса, узук уларнинг ҳалоли бўлсин. — Каленберг шундай деб яна Тэка тикилди. — Тушундингизми?

— Худди шундай, сэр.

— Бу ерга осонлик билан кириб келишларига шароит яратамиз, лекин бу ердан осонликча кетишларига йўл қўймаслик чорасини излаймиз. Ўйлашимча, тимсоҳлар ҳам тайёр луқмадан ҳазар қилишмаса керак.



Тэк кўзини қисди.

— Қисқаси, чиқиб кетишолмайди, а?

— Уларни музейга кириб келишига қўйиб бериб, чиқиб кетишларига имкон яратиш — бу энди ақлсизлик бўларди. Улар бунини оғзидан гуллаб қўйишлари мумкин. Менинг Интерпол ходимлари билан учрашишга ҳушим йўқ. Юпитернинг бюстини йўқотганидан кейин Ватикан мендан қаттиқ ранжиган эди. Қандай қилиб бир муттаҳамнинг бюстни ўғирлаб кетолгани менга ҳали ҳам қоронғу. Йўқ, музейимизнинг бир қисми ер остидалиги Интерполга маълум бўлмаслиги керак.

— Демак, узукни Мерсиалга қайтариб бермоқчи эмассиз?

— Аксинча. Узукни қайтиб бераман. Лекин Чаликнинг одамлари бир умрга Африкада қолиб кетади.

Тэк Каленберг нимани назарда тутаётганини тушуниб етмади-ю, лекин индамади.

— Бизнинг зулусларимизнинг одам овига иштиёқлари баланд бўлса керак, — давом этди Каленберг. — Бир хил ов қилавериш уларнинг ҳам жонларига теккандир...

— Уларга ишонса бўлади, сэр.

— Ҳа... Улар жуда содда одамлар. Тўғри, тез орада иш уларни овлашгача етиб бормаса ҳам керак. Меҳмонларимиз Африка чангалзорларида адашиб кетишлари ҳам мумкин. Лекин нима бўлишидан қатъи назар, зулуслар бундан бохабар бўлишлари лозим. Уларга кўп пул ваъда қилинг. Бу муаммони ҳал қилишни сизга топшираман.

— Хўп бўлади, сэр.

— Тўғриси айтсам, бунақа ов менинг кўнглимни хушнуд қилади, — деди Каленберг юпқа лабларини бир-бирига қисиб. — Чаликнинг одамларини бир ёкли қилганидан кейин узукни Мерсиалга қайтараман. — Каленберг бошини кўтариб Тэка қаради. — Энг асосийси — хатога йўл қўймаслик. Агар унинг одамларидан жиллакурса биронтаси кўлимиздан чиқиб кетадиган бўлса, биз таваккал қилиб, ўта катта хатога йўл қўйган бўламиз. Қалай, уларда бундай имконият бўладими?

Тэк бир зум ўйланқираб туриб, елка қисиб қўйди.

— Ҳеч қандай имконият йўқ, сэр.

— Мен ҳам шундай деб ўйлайман, — деди Каленберг. Кейин суратларни эслаб қўшиб қўйди: — Анави аёлга одам ачинади.

Тэк бир оз кутиб туриб:

— Бор гап шуми, сэр? — деб сўради.

— Йўқ... Менга “Боржиа узуги”ни олиб келинг.

Тэк чиқиб кетгандан кейин Каленберг яна селектр тугмасини босди.

— Кемозни ҳузуримга жўнатиб.

Орадан бир неча дақиқа ўтиб, хонага оппоқ халат кийган букри қария банту кириб келди. Кемоз бир вақтлар Каленбергнинг отасига хизмат қилган, эндиликда бу ерда тартиб-интизомни бошқарар, хизматкорларни кузатиб борарди.

— Анови қари табиб ҳалиям менинг мулкимда омон-эсон юрибдими? — сўради Каленберг.

— Ҳа, хожам.

— Уни аллақачонлардан буён кўрмайман, омонатини топширган бўлса керак деб ўйлардим.

Кемоз индамади.

— Отам бир вақтлар бир табиб чол бор, у энг кучли заҳарларни тайёрлашга қобил, дерди. Шу ростми?

— Ҳа, хожам.

— Уни топиб айтиб, менга бир неча соатдан кейин ўлдирадиган оғу керак. Хўш, шундай оғу унда топилармикин?

Кемоз, топилади, дегандек калласини қимирлатди.

— Жуда яхши. Оғу менга эртага эрталабга керак. Табибни яхшилаб мукофотлаш билан ўзинг шуғуллан.

— Хўп бўлади, хожам. — Кемоз таъзим қилиб чиқиб кетди.

Каленберг қандайдир қоғозларни олиб, варақлай бошлады. Орадан бир неча дақиқа ўтиб Тэк мўъжаз шиша кутичани олиб кирди. Унинг ичидаги духоба ёстикча устида “Боржиа узуги” турарди.

— Буни шу ерда қолдиринг, — деди Каленберг бошини кўтармай.

Каленберг қоғозлар билан боғлиқ ишларни тугатиб кутичани очди-да, ичидан узукни чиқарди. Кейин стол ғаладонини тортиб у ердан гардишли лупа олди. Узукка лупа билан диққат қилиб тикиларкан, каттагина бриллиант донасининг остида заҳар солиб қўйиш учун митти чуқурча борлигини, чуқурчага эса, ниҳоят даражада кичкина тешикча очиб қўйилганлигини кўрди.

Улар “Интернационал” меҳмонхонасига соат тўққиз яримда келиб тушишди. Кейин машинада ўн бешинчи миллий шоссе билан Гарри-Шмидт томон йўл олишди.

Уларнинг ҳаммаси зарур кийим-бошларини кийиб олишган: бошларида қалпоқ, оёқларида қалин тагчармли бошмоқ, эгниларида гепард териси рангида кийим. Гай машинага ўтирганда эркаклар ундан кўз узишмади. Бундай кийим унинг коматини алоҳида ажратиб кўрсатар ва у бу билан янада гўзаллашган эди. Айниқса, Феннелнинг вужудида уни қўлга илинтириш учун ўзи ҳам енголмайдиган тийиксиз хирс пайдо бўлди...

Жонс машина рулига, Феннел билан Гарри кузовнинг ичкарасидаги ўриндиққа ўтиришди. “Лендровер”га оғир юкларни орқалаб олган тўрт саёҳатчи аранг жойлашди. Уларнинг ҳар бирида зарурат туғилганда асқотадиган нарсалар солинган сафархалта бор эди. Уни ўриндиқнинг тагига жойлаштиришди.

Осмонда қора булут айлана бошлади. Ҳаво нам ва оғир. Ҳамма тезроқ шаҳардан чиқиб кетишга ошиқарди.

— Йўл узоқ ва зерикарли, — деди Кен. — Гарри-Шмидтгача икки юз миль. Кейин Миллий шосседан Бергвил томонга буриламиз. Менвиллга эса эртага етиб борамиз. У ердан йўлбошловчимизни сафимизга қўшиб оламиз ва қўналгагача етиб оламиз. Бу ерда озгина дам олиб, кўнгил ёзишимиз мумкин. Ов қилишга жуда қулай жой...

— Вертолётни ким қўриқлаб туради? — қизиқиб сўради Гарри. — Жунглида уни қаровсиз қолдирмасангиз керак деб умид қиламан.

Кен кулиб қўйди.

— Вертолётни қўриқлаб туриш учун тўртта бантуни топганман.

Гай, Иоганнесбургдан кетганимга шукр, деб қўйди.

— Шаҳар мутлақо менга ёқмади.

— Ҳалигача бу шаҳар менга жуда ёқди, деган биронта одамни учратганим йўқ, — деди Кен. — Лекин Кап сизга ёкса керак. Дурбанни кўрсангиз маҳлиё бўлиб қоласиз.

Улар мана шунақанги маза-бемаза гаплар билан ўзларини овутиб боришаркан, машина юқори тезликда олға босиб кетаверди. Гарри Феннелнинг қандайдир ғамга ботгандай сукут сақлаб кетаётганини назардан қочирмади. Сафархалтаси оёғининг остида, ўзи бир оз олдинга эгилганча ўтирар, Гай бошини ўгирганда унинг кўзлари аёлнинг гўзал чехрасига тушиб, тешворай деб тикиларди.

Йўл давомида баъзан худди кўзиқоринни эслатадиган ҳужраларни кўриб қолишарди. Ҳужралар атрофларида бан-

тулар уймалашиб туришарди. Болалар ёввойи эчкиларни боқиб юришарди. Гай ҳали у деб, ҳали бу деб савол берар, Кен эса, унга сабр билан жавоб қайтарарди. Феннел уларнинг гапларига қулоқ солмасди. Унинг хаёлида фақат битта нарса — иложини топиб Гай билан ёлғиз қолиш фикри чарх урарди. Агар шундай фурсат насиб этадиган бўлса, албатта ниятига етади, бунга ишончи комил эди. Кеннинг бантулар ҳақидаги ҳикоялари уни мутлақо қизиқтирмади.

Менвиллнинг марказий майдонига кириб келишгунча уч соат йўл босишди. Майдонни чанг босган, лекин у гуллаб ётган дарахтлар билан ўралган эди. Унинг чап томонида почта бор. Ёнида четдан келтирилган майда-чуйда моллар магазини, ундан нарида қайсидир голландияликка қарашли универсал магазин. Бу ердан ҳамма нарсани — резина этикдан тортиб шарбат тўла шишаларгача харид қилиш мумкин эди.

Дарахт остида ўтирган бантулар навбатдаги келгиндиларга қизиқиб қарашди, улардан иккита ё учтаси Кенга бепарволик билан қўл силтаб сўрашиб қўйишди. Кен ҳам улар билан шундай қилиб сўрашди.

— Афтидан, сиз бу ўлкаларда жуда машҳур кўринасиз, — деб қўйди Гай.

— Ҳа, шундай, ахир мен бу ерга тез-тез келиб тураман-да. Бу одамлар менга ёқади, бунинг устига, мени жуда ҳурмат қилишади.

Кен майдонни айланиб ўтиб, машинани бир эски гараж олдида тўхтатди-да, унинг ичига олиб кирди. Иккита банту шу заҳоти етиб келиб Кен билан қўл бериб кўришди. У бантуларнинг тилида нималардир деб гаплашди, улар бошларини қимирлатишиб қулиб қўйишди.

— Дўстлар, — деди Кен, — машинани шу ерда қолдириб, ўзимиз отелга кириб нонушта қилиб олсак бўлади. Нақ бир қўйни паққос туширишим мумкин.

— Булар нарсаларимизни ўмариб кетишмасмикан? — деб сўради Феннел.

Кен унга жаҳл билан қараб, лабини қисди.

— Булар дўстларим... Менинг дўстларим бўлади. Улар ҳеч қачон бирон нарсани ўғирлашмайди.

Феннел машинадан тушди.

— Нимаям дердик, уларга шу қадар ишонар экансиз, кетдик меҳмонхонага.

Саёҳатчилар Африка қуёши мўл нур сочиб турган майдонга чиқишди. Меҳмонхона ундан сал нарида эди. У унча-

лик ҳашаматли эмас, лекин ҳаммабоп, ёқимли эди. Кенни паст бўйли, бақалоқ меҳмонхона хўжайини очик чеҳра билан кутиб олди.

Саёҳатчиларнинг тўртталаси ҳам маза қилиб қовурилган жўжа истеъмол қилишди, пиво ичишди.

Улар ўтиришган жойдан машиналари қўйилган гараж қафтдек кўриниб турарди. Шунинг учун Феннел дам-бадам гаражга қараб қўярди.

— Улар ҳеч нимани ўғирлашмайди, — такрорлади Кен Феннелнинг ишонмаётганидан дарғазаб бўлиб. — Овқатингизни хотиржам еяверинг, бўлди-да энди!

Феннел Жонсга кўз қирини ташлаб қўйди.

— Менинг халтамдаги ашёлар жуда қимматбаҳо, — деб минғирлади у. — Уларни тўплагунча бир неча йил вақтим кетган. Айримларини ўзим ясаганман. Энди уни қандайдир кўски илиб кетишини истамайман.

Гарри Кеннинг юзлари ғазабдан кўкариб кетганини кўрди-ю, суҳбат мавзусини ўзгартиришга қарор қилди. У Кендан меҳмонхона ва унинг хўжайини қанақа одам ўзи, деб сўрай бошлади.

— У бизнинг йўлбошловчимизми? — қизиқиб сўради Гай.

— Ҳа.

— Рўйхатга унинг дўстларидан битта қоравойни киритсак ҳам бўлаверади, — деди масхаралаб Феннел. Кеннинг жони ҳиқилдоғига келди, лекин ўзини аранг қўлга олди-ю, ҳеч нима демай нари кетди.

— Одам дегани ўзини одоб билан тутиб, қўполлик қилмасликнинг иложи борми? — деди Гарри жаҳли чиқиб. — Нима, улар сизга хода урганми?

— Мен ўзимни қандай хоҳласам, шундай тутаман, ҳеч ким мени ўзгача тутишга мажбур қилолмайди.

— Аввал ишларимизни битириб олайлик, кейин муносабатларимизни ҳал қилиб олиш учун вақтингиз кўп бўлади, — аралашди Гай. — Илтимос, сал хушмуомала бўлинг.

Феннел унга жаҳл билан қараб қўйиб, ресторандан чиқди.

Гарри билан Гай рестораннинг бақалоқ хўжайинига миннатдорчилик билдириб қўйиш учун озгина орқада қолишди. Кейин Феннелнинг ортидан гараж томон йўл олишди.

— Жуда ажойиб табиати бор экан-ку шеригимизнинг, — деди Гай овозини пасайтириб.

— Ўтакетган сурбет!.. Агар шундай қилаверса, биқинидан дарча очиб қўяман.

— Чаликнинг нима деганини унутманг. Феннел жуда хавфли нусха.

Гарри қовоғини уйди.

— Мен ҳам ундан кам хавфли эмасман. Шундай одамларни шерик қилиб олгани учун Кенга ҳавас қилиб бўлмайди!

Гарри эгнига иссиқ ўлкаларда киядиган костюм, бошидаги шляпани ўша давр фасонига кўра бир томонга салгина қийшайтириб олган, қоматдор ва келишган бантуни кўриб бир оз хотиржам бўлди. Банту Кен билан қўл сиқиб кўриша бошлади.

— Бу Темба бўлса керак. Иккаламиз Феннелнинг қуюшқондан чиқиб кетишига йўл қўймаймиз.

Улар яқинроқ келишгандан кейин Кен уларни банту билан гаништирди. Гай билан Гарри банту билан қўл бериб сўрашишди. Феннел бўлса, бўлажак йўлбошловчиси билан кўришиш ўрнига унга қиё ҳам боқмай “хазинаси” жойида турибдими-йўқми, текшириш учун машина томонга қараб кетди.

— Темба фақат ўз маҳаллий тилида гаплашади, — деди Кен. — Шундай экан, у билан гаплашаман деб хомтама бўлманглар.

— У жудаям зўр йигит экан! — деб қўйди Гай.

— Ҳа, ҳар томонлама. Биз у билан беш йил бирга ишладик. Наталда ундан зўр изтопар йўқ.

Улар яна машинага ўтиришди. Темба орқада, сал баландроқ ўриндикдан жой олди.

— Энди йўлимиз жунгли оралаб тушади, — деди Кен. — Агар Темба йўлда биронта ўлжани кўриб қолса, бизга шу заҳоти хабар беради.

Ўн дақиқалар юрилгандан кейин яхши йўлдан қум сеппилган қишлоқ йўлига бурилишди. Энди ўнқир-чўнқирликлар учрай бошлади.

— Бу ёғига йўлимиз аста ёмонлашиб бораверади, — деди огоҳлантириб Кен. — Хуллас, ёмон йўлдан юришга тайёр бўлинглар!

Дарҳақиқат, йўл борган сари ёмонлаша бошлади. Кен тезликни камайитиришга мажбур бўлди. Ҳар ким қўли теккан нарсани маҳкам ушлаб олар, Феннел эса, бунинг устига тишини ғижирлатиб сўқиниб ҳам қўярди. Икки миль чамаси юрилгандан кейин Темба Кеннинг қулоғига ниманидир шипши-

ган эди, у тезликни янаям секинлатди. Тез орада машина ниҳоят даражада секинлаб бутазорлар орасига кириб кетди. Энди у аранг юрарди.

Кутилмаганда машина олдида боласини эргаштириб олган антилопа пайдо бўлиб қолди. У ўгирилиб, зумда кўздан ғойиб бўлди.

— Вой гўзаллигини! — деб юборди Гай. — Боласини қаранг-а! Шунақаям чиройли бўладими!

— Унинг териси нега бунақа гўзал? — деб сўради Кен. — Буни сизга мен айтиб беришим мумкин. Антилопа оламини сув босганда Нух пайғамбарнинг кемасига чиқиб олибди-ю, шу заҳоти пайғамбарга: “Жаноб Нух, айтиб беролмайсизми, ҳозир қайси кийимни кийиш ҳаммага расм бўлган?” деб мурожаат қилибди. Нух пайғамбар: “Буни билгинг келса, озгина сабр қил, ҳамма кийимларни қайта бўйямиз”, дебди. Антилопа: “Буни кутишга менинг вақтим йўқ! Ҳозироқ бўяб қўя қоламан!..” деб жавоб берибди. Ана шунда терисини бўяб олибди, у ҳалигача уни эгнидан ечмас экан.

— Маза-бемаза гапларни валдирагандан кўра йўлингизга қарасангиз яхши бўларди, — тўнғиллади Феннел. Шу вақтда ҳамма бараварига қаҳ-қаҳлаб кулиб юборди.

— Ҳамманинг кўнглини баробар ололмас экансан! — деб Кен елкасини қисиб қўйди.

Гай атрофга қараб дарахтларнинг бир қисмига зиён етказилганига эътибор қилди. Кўпчилик дарахтларнинг поялари диккайиб қолган, бу — атрофга қандайдир маъжуслик таратиб турарди.

— Яшин тушиб кўп дарахтларни мўрт қилганми? — деди қизиқсиниб Гай.

— Йўқ, филлар. Афтидан, бу ердан филлар тўдаси ўтган. Ёввойи ҳайвонлар орасида вайронагарчиликни энг кўп келтирадигани фил бўлади. У ўз йўлида нима рўпара келса, ағдариб, синдириб кетаверади. Жунглида филлар ўтган ҳамма жой мана шундай харобазорга айланади.

Бир оз кейинроқ уларга бир тўда жирафа учради. Улар бешта эди. Кен улардан ўн беш ярд берида машинани тўхтатди. Жирафалар қимир этмай одамларни қизиқиб кузатишарди.

— Афсус, фотоаппаратим қопчигимда эди-да, — деди Гай. — Улар худди қўлга ўргатилганга ўхшайди.

— Улар хонакилаштирилмаган, ўзлари жуда қизиқувчан бўлишади, — тушунтирди Кен. У гапини тугатмаган ҳам эдики,

жирафалар орқаларига ўгирилиб, катта-катта қадам билан шаталоқ отиб жунглига кириб кетишди.

— Арслонлар тез югурсалар ҳам жирафаларга аранг етиб олишади, — деди Кен машинани ўрнидан жилдираркан.

— Бу ерларда арслонлар ҳам бўладими? — деди Гай хайрон бўлиб. — Қанийди жиллақурса биттасини кўрсам!

— Ҳали сиз уларни кўрасиз ҳам, наъраларини эшитасиз ҳам, — уни ишонтирди Кен.

Юқори ўриндиқда ўтирган Темба қай тарафга қараб юришини кўрсатди.

— Шу йигит бўлмаса, — тан олди Кен, — қўноғимизни ҳеч қачон тополмаган бўлардик. Унинг калласи компасга ўхшайди.

Орада ўтган ярим соат мобайнида улар тўда-тўда юрган зебраларни кўришди. Улар мотор овозини эшитиб, жонҳолатда ўзларини чангалзорга уришарди.

Нихоят ўртасида вертолёт турган ўтлоққа етиб келишди. Вертолётни тўртта банту қўриқлаб турарди. Улар “лендровер”ни кўриб ўрнларидан туришди-ю, худди буйруқ берилгандай барабар кулиб қўйишди.

— Мана, етиб ҳам келдик, — деди Кен машинадан тушаркан. — Бу одамлар билан ҳозироқ ҳисоб-китоб қилиш зарур. Энди уларнинг бизга кераги бўлмайди... Темба палаткаларни тикишимизга ёрдам беради.

Гарри машинадан тушибоқ вертолёт томонга кетди. Гай эса, машинадан зўр-базўр сирғалиб тушиб, мадорсизланиб қолганидан ўтлар устига чўзилди. Йўл қийин кечди, ёш аёл уриб ташлангандай бутун танасида оғриқ сезарди.

Феннел ҳам машинадан тушиб, ерга ўтирди ва сигарет тутатди. У юкларни машинадан тушириш учун Тембага ёрдам кўрсатишни хаёлига ҳам келтирмасди.

Кен бантулар билан ҳисоб-китоб қилиб, машинанинг олдига қайтиб келди.

— Мана шу дарахтзорнинг ортида шаршара бўлиб оқиб турган кичкина анҳор бор, — деди у Гайга. — У ерда тимсоҳ йўқ, кўркмасдан бемалол чўмилиб олса бўлади.

Кен Тембанинг олдига келди. Кейин улар иккаласи машинадан юкларни тушира бошлашди. Феннел хаяжонини зўр-базўр босиб ўрнидан турди-да, Гайнинг олдига келди.

— Кен анави ерда сув бор деяпти. Балки бориб кўриб келармиз?



У Гайнинг эътироз билдиришини кутган ва яна кайфиятим бузилади, деб ўйлаб турганди. Лекин Гай ўрнидан турди-да, унга эътиборсиз бир қиёфада кетдик, деб бош ирғади.

— Майли, борсак бора қолайлик...

Улар ўтлоқни ўраб олган баланд-баланд дарахтлар томон кетишди.

Феннел томирларидаги қон жўшиб кетаётганини ҳис қилди. Нима бу, ўзи таклиф қиляптими, ё мени майна қилмоқчими? У вертолёт томонга бир қараб олди.

Гарри вертолётнинг моторини текшириш, Кен билан Темба чодир тикиш билан овора. Феннел бу вақтда қалин бутазорлар ичида ғойиб бўлган Гайга йиртқичларча кўзлари ёниб қараб қўярди. У тор сўқмоқ билан кетаётган Гайга етиб олиб қадамини секинлатди ва унинг елкаларига очкўзлик билан назар ташлади. Тез орада улар шаршарадан тушган сув қўлмак ҳосил қилган жойга етиб келишди. У ердан сув кичик ариқ бўйлаб оқиб турарди.

Гай ўгирилди, шу он Феннел унинг ёнига яқин келди.

— Жуда гўзал-а, тўғрими?

Қуёш киздириб турибди. Чор атроф дарахтзор. Дейиш мумкинки, дунёда бу иккаласидан бошқа ҳеч ким йўқдай.

Феннел кўйлагини еча бошлади.

Гай унинг мушакдор ва жун босган кўкрагига қараб деди:

— Мистер Феннел, мен гувоҳсиз, бир ўзим чўмилмоқчиман.

— Шунақами? Мен кўп яланғоч аёлларни кўрганман! — Феннелнинг юзлари ўт бўлиб ёна бошлади, лаблари қислиб масхараомуз кулги зоҳир бўлди, — ноз қилмай қўя қолинг. Гаров ўйнайман, сиз ҳам ҳаётда анча-мунча яланғоч эркакларни кўриб қўйгансиз. Ечининг, бўлмаса ўзим ёрдам бериб юборишимга тўғри келади!

Гайнинг мутлақо хотиржам турганини кўриб Феннел хайрон бўлди.

— Сиз ўзингиз чўмилаверинг, мен вертолётга бораман. — Гай шундай деб орқасига ўгирилган эди, Феннел унинг қўлини маҳкам ушлади.

— Ҳеч қаёққа кетмайсан! — деди у паст овозда пишқириб. — Сенга эркак керак бўлгандай, менга ҳам аёл керак, жоним. Кейин хурсанд бўласан, кўнглинг тўлишига кафолат бераман.

— Қўлингизни тортинг, — деди Гай хотиржам.

— Жа нархингни ошираверма, жонон. Озгина кўнгил ёзамиз-да, кейин чўмиламиз.

Гай у томонга ўгирилиб озгина энгашган эди, Феннел бағримга кирмоқчи деб ўйлади. У ўлжасини белидан ушлаш учун табассум билан қўлини бўшатди. Шу онда Гай унинг биқинидан шундай қаттиқ чангаллаб ушладики, Феннел оғриқдан бўкириб юборди. Қиз уни ўзига тортиб ёнбошга олди. Феннел бир зум ўзини осмонга чиқиб кетаётгандай сизди, кейин учиб бориб кўлга тушди-ю, боши билан муздек сув қаърига кириб кетди. Сувдан бошини чиқариб қараса, Гай кирғоқда хотиржам қараб турарди. Феннел ғазабланганидан оғзига сув тикилиб ўлишига бир баҳя қолди. Кейин Гайнинг қўлида каттакон тошни кўриб жаҳлдан тушди.

— Сувдан чиқманг, чикишни хаёлингизга ҳам келтирманг, — огоҳлантирди уни. — Бўлмаса, каллангизни пачақлайман. Феннел биринчи олишувда енгилганини тушунди.

— Буни эсдан чиқармайман, қанжик! — вишиллади у.

— Мени кўрkitолмайсан, ҳўкиз, — жирканиб қаради унга Гай. — Агар бу камлик қилаётган бўлса, келаси сафар суякларингни мажақлаб ташлайман. Агар топшириқни бажаришда сенинг хизматинг керак бўлмаганида, буни ҳозироқ амалга ошириб қўйган бўлардим. Буни унутма!.. Энди эса, яхшилаб чўмилгин-да, ўпкангни босиб ол. Билиб қўй, сендан жирканама! — Гай тошни Феннелнинг бошидан ошириб отиб юборди, кейин ўтлар орасида ғойиб бўлди.

Эшик очилиб Кемоз кириб келганда Каленберг олдидаги қоғозларга имзо чекиб ўтирарди. У хожаси ишини тугатиб бошини кўтаришини сабр билан кутди. Кейин аста стол ёнига борди-да, унга кичкинагина кўк шишачани қўйди.

— Хожам, бу ўша сиз сўраган нарса.

— Нима?

— Ўзингиз буюртма берган оғу.

— Эсимда. Қанақа оғу экан?

Кемоз бироз гангиб хожасига қаради.

— Билмайман, хожам.

Каленберг норози қиёфада қўлини силкиди.

— Сен табибга менга қанақа оғу кераклигини муфассал тушунтирдингми?

— Ҳа, хожам.

— Одамга аста таъсир қилиб бориб, ўн икки соат ичида ўлдирадиган заҳарми?

— Ҳа, хожам.

— Унинг ҳақини тўладингми?

— Йигирмата эчки бердим.

— Агар захаринг таъсир қилмаса, бутун эчкиларингдан айрилсан, деб огоҳлантирдингми? Хужрасини ёқиб, ўзини еримдан ҳайдаб юборишимни айтдингми?

— Мен унга захаринг таъсир қилмаса, иккита жангчи келади-да, сени ботқоққа ташлаб, тимсоҳларга ем қилади, деб айтдим.

— Гапингга ишондимми?

— Ҳа, хоҷам.

— Кемоз, қутидан шприц билан бир жуфт қўлқоп олиб бер.

Кемоз чиқиб кетгандан кейин Каленберг ўриндиққа суяниб олди ва мўъжазгина кўк шишачани томоша қила бошлади. Хаёли узок ўтмишга олиб кочди... Эҳтимол, Цезарь Боржиа ўз дўстини ўлдириш учун тайёрланаётганида у ҳам шишачага шундай тикилиб тургандир. У ҳам Каленбергга ўхшаб ўз ишидан роҳат олиб, қониқиш ҳиссини туйгандир.

Каленберг стол ғаладонидан узук солинган шиша қутичани олди. Узукни чиқариб, чап бармоғига тақди. Камалак рангида товланаётган бриллиантларга қараб ўйланиб қолди. Кейин узукни бармоғида айлантирди. Энди бриллиантлар кўзга кўринмай, оддий, эътиборни тортмайдиган тилла узукка айланиб қолди. Каленберг уни бармоғидан чиқариб столга қўйди. Кейин қўлига қўлқоп кийди ва ўткир лупа билан унга қарай бошлади. Бриллиантни аста сурган эди, унинг ёнидаги ниҳоятда ингичка тешикчага кўзи тушди. Жуда ингичка игна-ли шприцга захар олиб, уни тешикчага тикди-да, шприц поршенини аста босди. Чуқурлик захарга тўлганини билгач, шприцни аста суғуриб олди ва бриллиантни суриб тешикни ёпди. Шприцни бир чеккага қўйиб, узукни рўмолча билан яхшилаб артди. Қўлқопни ечмай узукдан захар чиқиб кетма-яптимики деб уни куч билан бир неча бор қаттиқ силкитди. Ниҳоят, захар чиқмаётганига ишонч ҳосил қилганидан кейин уни яна шиша қутичага солиб қўйди. Сўнг Кемозни чақирди. Қария келгач, шприцни, захарни ва қўлқопни, уларга қўшиб рўмолчаниям йўқотишга буйруқ берди.

Қария чиқиб кетгандан кейин Каленберг узукни қўлига олиб томоша қила бошлади. Энди уни истаган одамни у дунёга жўнатадиган қуролга айланди, деб ўйласак бўлади-ми? — деб ўз-ўзидан сўради. Табиб шарти кетиб, парти қол-

ган чол. Эҳтимол, у бунақа оғуни тайёрлаш сирини унутиб ҳам қўйгандир? Чолга ишонса бўлармикан?.. Бриллиантнинг остидаги ингичка игнанинг ичига чанг кириб унинг тешигини беркитиб қўйган бўлса-чи? Агар шундай бўлса, пулиниям, вақтиниям бекорга сарфлаган бўлади. Бунга эса сира ҳам йўл қўйиб бўлмайди. У бунга мутлақо ишонч ҳосил қилган бўлиши шарт.

Бир оздан кейин бир қарорга келди: узукни ўнг қўли бармоғига тақди, унинг гардишини ташки томонга айлантириб қўйди. Кейин гепард ҳамроҳлигида бокқа йўл олди.

Кемоз кўп жиноят қилиб юрган Цвидни, яъни бантуни топиш учун кўп вақт сарфламади. Қариянинг гапига қараганда у жуда ялқов экан, бунинг устига хотинини қийнаркан. Ойнинг охирида ўзиям у билан ҳисоб-китоб қилиб бўшатмоқчи эди. Каленберг заҳарнинг кучини айни мана шу одам устида тажриба қилиб кўрсам буни ҳеч ким билмайди, деган қарорга келди. У бантуни дарахт соясида мудраб ўтирган ҳолда топди. Цвид Каленбергни кўрди-ю, ирғиб туриб, гулларнинг ариқларини тарашлаётгандай ҳаракат қила бошлади. Каленберг ўриндиғини унинг ёнига келиб тўхтатди.

— Эшителишимча, сен шу ойнинг охирида бизни ташлаб кетмоқчи экансанми? — деб сўради Каленберг.

Кўрқиб кетган банту индамай бошини қимирлатди-ю, бир оғиз ҳам гапирмади.

— Сенга омад тилайман, — деди Каленберг. — Кел, бир қўлингни сиқиб қўяй.

Цвид эсанкираб қолди. У бир томондан, бир оз хайрон қолгаң, иккинчи томондан, жуда кўрқиб кетган эди, лекин шундай бўлса ҳам беихтиёр қўлини чўзди. Каленберг унинг кир панжасини қўлига олиб қаттиқ сиқиб қўйди. Кейин бир неча ярд юриб орқасига ўгирилди. Қараса, Цвид панжасига қаттиқ тикилиб турибди. Кейин бурнига олиб борди.

Цвиднинг кафтига игна санчилган, бунга шубҳа йўқ эди. Энди орадан ўн икки соат ўтганидан кейин узукнинг нимага қодир эканини Каленберг билиб олади.

Ҳа, у буни билиб олиши керак.

Гай ўтлоққа келиб вертолётнинг мотори гуриллаётгани, Гаррининг осмонга кўтарилиш учун ҳозирлик кўраётгани устидан чиқди. У сайҳонликка отилиб борди. Гарри учувчи ўриндиғида ўтирарди.

— Ҳой! — деб қичкирди у. — Мениям олиб кетинг.

Гарри унинг овозини эшитмади. Вертолёт аста осмонга кўтарилиб бир зумда кўздан ғойиб бўлди.

Чодирни ўрнатиб бўлган Кен билан Темба ҳам вертолётга қараб қолишди. Вертолёт парраклари ҳавода бир текисда айланаётганига ишонч ҳосил қилишгач, улар ўз ишларига шўнғиб кетишди.

— Нега у мени кутиб турмади? — деди Гай хафа бўлиб. — Яхши иш қилмади.

Кен кулиб қўйди.

— Бу ҳақда яхшиси, қайтиб келгандан кейин ўзидан сўрай коласиз. Қани ҳалиги бесабр хушторингиз?

— Ҳовузда... Ҳовурини босяпти, — Гай Кен унга нимага шама қилиб гапирган бўлса, уям шунақа оҳангда деди.

— Сизга шилқимлик қилмоқчи бўлдими?

— Бу дақиқани анчадан буён кутиб юрардим. Бугун озгина эсини киритиб қўйдим.

— Сиз гаройиб қизсиз! — Кеннинг ҳайратланиб айтган гапи Гайни озгина хижолатга солди. Кейин тезда уни юпатди. — Темба иккаламиз сизни ҳимоя қиламиз. — У тўртта тўшак қопни кўрсатди. — Жойингизни Гарри билан ўрта-мизга солиб берамиз. Менинг бу ёнимда Темба, ундан кейин четда Феннел ётади.

Гай майли дегандек бош ирғаб қўйди.

— Бу бор-йўғи бир кеча, холос.

— Ҳа... — Кен булут батамом қоплаб олган осмонга қаради. — Бу ердан қанча тезроқ кетсак, шунча яхши. Агар ёмғир ёғиб қолса борми, йўл ўтиб бўлмайдиган ботқоққа айланади-қолади. Гарридан хавотир олмасангиз ҳам бўлаверади. У одобли йигит.

— Биламан.

У тўшак қопларни чодирга олиб кирди. Темба ётоққа яқин жойда гулхан ёқди. Кен қўлига милтиқни олиб Гайга мурожаат қилди. — Қарай-чи, балки ўрдак-пўрдак кўриниб қолармикин. Шерик бўлмайсизми?

— Жоним билан.

Улар чангалзор ичига кириб кетишди.

Феннел аста қадам ташлаб ўрмондан чиқиб келди. Қўли ҳали ҳам зирқираб оғрирди. Ўтлоқда гулхан атрофида ўтирган Тембадан бошқа ҳеч ким йўқ эди. У “лендровер”нинг олдига бориб, ўз қопчиғини олди-да, чодирга кириб кетди. Шалаббо ҳўл шортини алмаштириб ҳалиям тарқамаган газабдан пишиллаганча, қутилардан бирининг устига ўтирди.

“Қараб турсин ҳали, унга кўрсатиб қўяман, — ўйлади у ўч олиш иштиёқида ёниб ва сигарета тутатди. — Иш тамом бўлганидан кейин бўш вақтим кўп бўлади. Орқага қайтишда уни-ни кўрсатаман!” У вертолёт келиб сайҳонликка қўнғунга қадар калласида қасос олишнинг яна бир неча йўлини режалаб чиқди. Гарри келди. Феннел бошини кўтариб ундан сўради:

— Бошқалар қаерда?

— Билмадим, — у елка қисди. — Балки жиндай-жиндай пиво ичармиз.

— Ичсак бўлади.

Гарри картон қутини очди. Қўлида термос, муз ва стакан билан Темба келди. Гарри шипанинг оғзини очганида ўрмондан Гай билан Кен чиқиб келишди. Кеннинг белбоғидаги тасмада тўртта ўрдак осилиб турарди.

— Нега мени кутиб турмадингиз? — деб сўради Гай Гарридан.

Гарри елкасини қисди.

— Синаб кўриш учун учган эдим. Биринчи бор учишим. Иккаламиз ҳалок бўлсак жуда ачинарли бўларди.

Гай Гаррига қаради. Кейин кулиб Темба тунука идишда узатган пивони қўлига олди. У ерда ётган ўрдакларни олиб гулхан томон кетди.

— Бугун кечқурун яхшилаб овқатланиб оламиз, — деди Кен. — Кейин ишга киришамиз. Биз Темба, Феннел учаламиз эрта саҳарда йўлга тушамиз. Ўзимиз билан иккита қарабин, ухлаш учун қоқлару озиқ-овқатларни олволамиз. — У Гаррига ўғирилди. — Сиз йигирма иккинчи калибрли қарабинни ишлата оласизми?

Гарри ишонқирамай елка қисди.

— Мен ишлата оламан, — гапга қўшилди Гай. — Гарри, ҳозир сизга ёввойи ўрдак отиб беришим ҳам мумкин.

— Жуда яхши.

Феннел бошини кўтариб аввал Гаррига, кейин Гайга қаради-ю, орқасини ўгириб ётиб олди.

— Мен эса тулурдим, — деди у гўё ўз-ўзига гапиргандай. — Барибир бу ерда бир кечагина тунайсиз. Индинга учиб кетасизлар.

Кен қалам билан қум устида ярим доира ясади.

— Тембадан сўраб олдим. Сўнгги икки кун ичида Каленбергнинг мулкини айланиб чиқибди... — У шундай деб сигарета чекиб турган Феннелга кўз ташлади. — Лео, гапларимни эшитяпсизми?

— Ҳа, гапираверинг, кар эмасман.

— Мана бу ер Каленбергнинг мулки. — У ярим доира чизилган жойни кўрсатди. — Тембанинг гапига қараганда уни шарқдан ҳам, ғарб ва жануб томондан ҳам зулуслар қўриқлаб туришаркан. Шимол томондан эса йўл мутлақо ўтиб бўлмас даражада бўлгани учун ҳеч ким қўриқламас экан. Лекин Темба ўтибди. Ҳа, ҳақиқатан ҳам йўлнинг бу қисми жуда оғир кечади. Агар у ердан машинада ўтолмасак, яёв боришимизга тўғри келади. Каленбергнинг қўрғонига яккаю ягона киришимиз мумкин бўлган ер — мана шу жой.

— Агар машинада ўтолмасак, пиёда қанча юришимиз керак бўлади? — қизиқди Феннел эгилиб чизмага қараркан. Бу вақтда Кен Каленбергнинг қўрғонига кириш йўлини шимол томондан чизиб белгилаётган эди.

— Эҳтимол, йигирма миллар чамаси келар. Феннел асбоблар солинган оғир қопчиғини эслади.

— Балки, йўлнинг бир қисмини машинада босиб ўтармиз-а?

— Тембаям шунга умид боғлаяпти. Агар ёмғир ёғмаса, бунинг иложи бўлар. Бўлмаса қийин аҳволга тушиб қоламиз.

— Нимаям дердик, бу ҳолда баъзи бир дўстларимизга ҳавасимиз келаркан-да, — деди Феннел кўз қири билан Гайга қараб қўйиб, кейин Гаррига тикилди. Лекин Гарри у билан баҳслашиб ўтиришни лозим топмади. Ўрнидан туриб гулханда ўлжасини тоблаб пишираётган Тембанинг олдига кетди. Шу топда у маҳаллий халқнинг тилини билмаганига жуда афсусланди, чунки Тембани ёқтириб қолганди. Худди Темба бошини кўтариб унинг кўнглидан ўтган гапни билгандай ўрдакни оловда тоблаб айлантираркан, унга қараб кулиб қўйди.

Уларнинг ёнига Гай келди.

— Ҳиди нақадар ёқимли-я!.. Очдан ўлай деяпман!

Темба кўрсаткич бармоғини кўтариб, чап қўлидаги бармоғини арра қилиб кўрсатди.

— У яна ярим соат кутиш керак деяпти, — унинг ишорасидан шунини тушуниб деди Гарри. — Унгача юринг, вертолётга борамиз. Сизга қанақа қилиб бошқаришни ўргатаман.

Улар қўниш майдончаси томон кетишди. Феннел уларни ўқрайиб кузатиб турди. Кен эса у билан гаплашишдан ўзини олиб қочиб Тембани гапга тутди.

— Ҳавонинг авзойига қараганда, тез орада ёмғир ёғса керак-ов, — деди у бантунинг ёнига чўнкайиб ўтириб.

— Ҳа, бугун кечасиёқ ёғишни бошлаши мумкин. — Кен юзини буриштирди.

— Жуда ноилож қоладиган бўлсак, чиғиримиз бор-ку. Агар уям ёрдам беролмаса, бошқа иложимиз йўқ.

— Ҳа, албатта.

Улар муаммоларни шошилмай муҳокама қила бошлади. Ярим соатдан кейин кечки таом тайёр бўлди. Атрофни куюқ қоронғилик босди. Ҳаво рутубатли ва совуқ тус олди. Ҳамма гулхан атрофида ўтириб таомни қўл билан ея бошлади. Феннелнинг қовоғини солиб хўмрайиб ўтириши ҳамманинг таъбини тирриқ қилган эди.

Жимликни Кен бузди.

— Сизларни билмадим-у, мен бориб ухлайман. Эртага оғир сафар олдидан тўйиб ухлаб олишим керак.

— Мен ҳам бориб ухлайман, — Гай ҳам ўрнидан туриб, унинг кетидан кетди.

— Бориб тўшагингизнинг ичига кириб ётиб олишингиз учун беш дақиқа вақт бераман, — деди Кен Гайни олдидан ўтказиб юборар экан. — Кейин чодирга кириб бораман.

— Ҳа, — деди Гарри керишиб. — Ҳаммамиз ҳам ётиб ухлашимиз керак. Феннел, кетдикми?

Феннел гулханга тупуриб юборди.

— Қоралар билан бир ҳавода нафас ололмайман.

— Ўзингиз биласиз. Унда ташқарида ёта қолинг, — деди Кен заҳархандалик билан.

Феннел сапчиб туриб, муштани тугганича унга қарши кела бошлади. Лео ундан кучли эди. Гарри уларнинг ўртасига туриб олди. Феннелнинг ваҳшиёна қиёфасини кўриб:

— Феннел, сиз менинг асабим билан ўйнашяпсиз. Агар муштлашишни хоҳлаб қолган бўлсангиз, келинг, аввал мен билан муштлашиб кўринг, — деди.

Лео бирмунча вақт ҳансираб турди-да, кейин орқасига қайтди.

— Э, бор-э, ҳамманг бир гўрсан! — деди гўлдираб ва яна ўтириб олди.

Ҳамма уйқуга кетган, у бўлса ҳали-ҳамон ўчай деб қолган гулхан ёнида миқ этмай ўтирарди. Ниҳоят бошқа борадиган жойи бўлмагандан кейин чодирга кирди-ю, тўшак қопнинг ичига кириб ётди.

Кечаси соат уч яримларда ёмғирнинг чодирни дўмбира қилиши ҳаммани уйғотиб юборди. Ёмғирнинг брезентни шитирлатишидан ташқари бошқа овоз ҳам эшитила бошлади.



Қаердадир шу яқин атрофда шер наъра тортарди. Афтидан, осмондан қуйилаётган жала унга ҳам ёқмаётган бўлса керак.

Феннел кўзига тушган ўткир чироқ нуридан уйғониб кетди. Кеннинг ўрнидан туриб, қўлида чироқ билан Темба иккаласи чодирдан ташқари чиқаётганига кўзи тушди.

— Вақт бўлдими? — сўради Феннел эснаб.

— Оз қолди... Ҳозир Темба нонушта ҳозирлайди. Бу орада мен кўлга бориб бир шўнғиб келаман... Шерик бўлмай-сизми?

Феннел минғирлаб бир нима деб жавоб берди-да, туриб шортини кийди, оёғига чорифини илиб, Кеннинг ортидан кетди.

Ёмғир тинди, лекин қоп-қора булут осмонни қоплаб олган, худди ерга тегай-тегай деб турарди.

Улар кўлга бориб бир зумда кийимларини ечиб ташлашди ва ўзларини муздек сувга отишди. Сувдан чиқиб сочиқ билан артинишди ва қўналғага қайтиб келишди.

Гай билан Гарри ҳам туришди. Улар гулхан атрофида ўтириб, Тембанинг гўшт билан тухумни қандай қилиб пишираётганини томоша қилишди.

Тез орада нари-бери нонушта қилиб олишди. Бу вақтга келиб ҳаво ҳам ёришиб кетган эди.

— Қани, жўнаш фурсати келди! — Кен Гаррига ўгирилди. — Сиз чодирни йиғиб тахлай оласизми?

— Ҳа, тахлаб вертолётга солиб қўяман.

— Ҳарҳолда ташлаб кетсак, йўқолиб қолиши муқаррар. — У Тембага ўгирилди. — Ҳаммаси тайёрми?

У тайёр дегандай бош ирғади.

— Соатларимизни тўғрилаб олайлик. Биз сизларни радио орқали соат ўн бирда алоқага чақириб, қаердалигимизни маълум қиламиз. Кейин эса, ҳар икки соатда боғланиб турамиз. Келишдикми?

Улар соатларини тўғрилаб олишди. Кейин Гарри Кенга қўлини чўзди.

— Кен, омад ёр бўлсин! Манави аблахдан кўз узманг!

Бу вақтда Феннел асбоб-ускуналар солинган қопчиғини машинага юклаётганди. Кейин машинага чиқиб, охириги ўриндикка ўтириб олди.

— Ҳа-а, ўтакетган қайсар!.. — деди қулиб Кен. У Гайга ўгирилиб қўлини чўзди.

Темба уларга шодон қўл силкиди, кейин Кеннинг ёнига, олдинги ўриндикка ўтириб олди. Кен машинани ўт олдирди, мотор гуриллади. Улар жунглига кириб кўздан ғойиб бўлишди.

Кен фараларни ёқди. Машина Темба кўрсатган йўл билан аста олға силжиб борарди. Феннел бўлса, шундай зимистонда йўлни қандай топа оларкин, деб ўзига-ўзи савол берарди. Афтидан, манави ҳабаш у ўйлаганчалик аҳмоқ эмас экан-да.

Тез орада кун ёришиб қуён чиқди. Кен фарани ўчириб, тезликни оширди. Йўл расво, ахён-ахёнда машина чуқурликларга тушиб кетарди.

Тўсатдан Темба кўлини чўзган эди, Кен шу заҳоти тезликни пасайтирди.

— Каркидон!

Феннел ўтирилди. Улардан йигирма ярдлар чамаси нарида улкан бир ҳайвон турарди. У ҳам аста-секин булар томон калласини бурди. Феннел беихтиёр кўлини милтиққа чўзди. Унинг юраги дукиллаб уриб кетди.

— Улар хавфли бўлишадими? — аста сўради у.

— Бу оқ каркидон. Жуда беозор, — ишонтирди Кен. — Уларнинг қорасидан эҳтиёт бўлиш керак.

Машина яна олға юрди. Бу вақтда жунглида ҳаёт қайнарди. Машинадан унча узоқ бўлмаган жойда антилопалар тўдаси югуриб юришарди. Иккита қобон мотор овозини эшитибок чангалзор ичига тирақайлаб қочиб кетди. Дарахтларнинг учда қорабош лайлаклар уларни томоша қилиб ўтиришарди.

Темба яна кўлини кўтарди.

— Арслонлар, — аста шивирлади у.

Ҳақиқатан ҳам, машина кетаётган йўлнинг четида иккита арслон турарди. Феннел чамалаб кўрса, “лендровер” улардан беш ярдлар наридан ўтадиган.

— Уларнинг ёнгинасидан ўтмоқчимасмисиз, ишқилиб? — кўрқиб сўради у.

— Хавотир бўлманг, — деб жавоб берди Кен. — Агар сиз тегмасангиз, улар ҳам тегмайди.

Феннел бунга мутлақо ишонгани йўқ. У яна милтиққа ёпишди-да, уни маҳкам чангаллаб турди.

Мана, машина уларнинг ёнгинасидан ўта бошлади. Иккала йиртқич эринчоқлик билан бошини кўтарди-да, уларга қараб қўйишди. Машина ўтаётганида Феннел ҳатто уларнинг хидини туйгандай бўлди ва баданидан совуқ тер чиқиб кетди.

— Мана, кўрдингизми? — деди Кен. — Айтдим-ку сизга, ахир, кўркманг деб. Мабодо улардан бирини ярадор қилсангиз борми, холимизга маймунлар йиғлайди.

Феннел милтикни тушириб, терлаб кетган башарасини арди.

— Барибир, ҳайвонлар қиролининг олдидан бунчалик яқин ўтмаслик керак эди.

Улар чангалзордан чиқишди. Темба Кенга машинани ўнг томонга буриш кераклигини айтди.

— Бу йўл Каленберг қўрғонига олиб боради. Бу ёғига олтмиш миллар атрофида йўл қолди. Чегарада радио орқали Гарри билан боғланамиз.

— Олтмиш милни уч соатда босиб ўтамизми? — ҳайрон бўлди Феннел. — Тошбақа қадам қилиб юрарканмиз-да!

— Йўл ёмон... Эҳтимол, бундан ҳам кўпроқ вақт кетар.

Ҳақиқатан ҳам, йўл борган сари баттар ёмонлашиб борарди. Ёққан ёмғир ерни юшатиб юборган, “лендровер” дамбадам тикилиб қола бошлади. Навбатдаги анча тик ва узундан-узоқ баландликка кўтарилишда Кен газни босган эди, машина тортолмай қолди. Кен машинани қанча яхши бошқаргани билан барибир қулаб кетишига бир баҳя қолди.

— Қанақаси бу, эҳтиёт бўлиб ҳайданг! — қичқирди Феннел.

— Сизнинг кўрсатмангизга зор эмасман! — Кен гижинди. — Умуман, жағингизни ёпиб юринг, бўлмаса, заҳарли тилигизни тишлаб қоласиз.

“Лендровер” тошбақа қадам билан юқорига ўрмалаб чиқа бошлади. Кен рулни дам у ёнга, дам бу ёнга буриб сув тўла ўйдим-чуқур кўлмакларни айланиб ўтарди. Ниҳоят машинани тўхтатишга мажбур бўлди.

— У ёғига юролмаймиз! — деди у.

Машина аста-секин ёнбағирдан пастга сирғалиб туша бошлади. Кейин “лендровер” йўлдан оғиб, четга чикиб кетди-ю, орқа филдирак яна тикилиб қолди. Кен тезликни ўзгартирган эди, бу филдиракнинг балчикқа яна чуқурроқ кириб кетишига сабаб бўлди.

Кен узлуксиз газни босар экан, ўтирилиб Феннелга қаради.

— Келинг Феннел, келишиб олайлик! Сиз машинада фақатгина йўловчи эмассиз.

Феннел бир оз ўйлаб тургандан кейин Тембанинг кетидан ирғиб тушди. Унинг ҳўкиздай кучи фойда берди. Машина тикила-тикила оз-оздан олдинга юриб, охири қаттиқ ерга чикиб олди. Темба билан Феннел “лендровер”нинг ёнида юраркан, унинг яна тикилиб қолмаслигини кузатиб бориш-

ди. Тез орада Кен юриш мумкин бўлмаган жойни айланиб ўтиб, машинани яхши йўлга олиб чиқди.

— Йигирма дақиқа вақтимиз хайф кетди-я, — жойига чиқиб ўтираркан ковоғини уйиб минғирлади Феннел.

Қуёш ҳаммаёқни қиздира бошлади. Йўл ҳали ҳам юқорига ўрлаб борарди. Тез орада катта йўл тор, бунинг устига тошлар ташлаб қўйилган сўқмоққа айланди. Юз ярдлар чамаси ораликда Темба уч марта ерга тушиб, йўлдан тошларни олиб ташлашга мажбур бўлди. Энди “лендровер” соатига йигирма миль тезликда юра бошлади.

Феннел бу узлуксиз баландликка кўтарилишнинг ниҳояси бўлмаса керак, деб ўйлади. Дарахтларнинг пастга эгилган шохлари уларни бошларини эгиб олишларига мажбур қиларди.

Темба машинадан тушиб, йўлнинг ўртасида уларни олдинга бошлаб бора бошлади. Бу ҳол машинанинг яна ҳам секин юришига сабаб бўлди.

— Сиз яна элик миль йўл босишимиз керак демоқчи бўласизми? Мана шу лаънати йўлдан-а! — қичқирди Феннел навбатдаги дарахтнинг шохидан бошини асраш учун эгилиб.

— Ҳа, шунга яқин. Бу ёғига қанча юрсак, йўл шунча ёмонлашиб бораверади. Ҳарҳолда Темба шундай деяпти. Лекин нима бўлмасин анча йўлни босиб қўйдик-ку.

Кеннинг кўзи тегди. Машина сўқмоқдан четга чиқиб кетса бўладими! Унинг филдираклари дарахтнинг очилиб қолган илдизлари орасига тушиб қолди. Бу сафар илдизлар орасига чуқур кириб кетди. Буни ҳатто Феннел ҳам тушунди.

— Юкларни тушириш керак бўлади, — шундай қарорга келди Кен.

Феннел шалоқ сўзлар билан сўкина-сўкина ўз қопчиғини туширди, кейин бошқа ашқол-дашқолларни ҳам туширишга қарашди.

— Аввал орқа филдиракнинг ўқини чиқарамиз, — буйруқ берди Кен.

Учта эркак бирдамлик билан ишга киришди-ю, ниҳоятда катта куч сарфлаб, машинани сўқмоққа чиқариб олишди.

— Шунча меҳнатдан кейин бирон шиша ичмасак бўлмайди, — деди Феннел.

Кен Тембага имо қилган эди, у шишадаги пивонинг оғзини очди.

— Сиз йўл бу ёғига баттар бўлади дедингизми? — Феннел Тембага мурожаат қилди.

У ростдан ҳам шундай деган эди. Лекин унга гапиришнинг фойдаси йўқ. Чунки бир оғиз ҳам инглизча сўзни туншунмайди.

Феннел бир кўтаришда темир кружкадаги пивони бўшатди.

— Ҳа, бошга тушганини кўз кўрар, десак, тўғри бўларкан-да?

— Ҳа, эҳтимол... — Кен пивони ичиб, шишани чангалзорга улоқтириб юборди. Кейин яна рулга ўтирди. — Кетдик!

“Бўлган кўнгилсизликлар Феннелни сабрли қилиб қўйибди, — деб ўйлади Кен. — Тембага анча мулойимлик билан мурожаат қилишининг ўзи буни айтиб турибди!”

Улар яна бир нечта ўтиш қийин жойларни ортда қолдиришди. Йўл борган сари баландлаб борарди. Бурилишлар ортгандан ортарди. Кеннинг аъзойи бадани жикқа ҳўл бўлди.

— Мен ҳам машинани озгина ҳайдай, менга беринглар, — Кенга мурожаат қилди Феннел. — Бир вақтлар яхши ҳайдовчи бўлганман.

— Йўқ, раҳмат! Кен маҳаллий халқ тилида нимадир деб Тембага ўгирилди. У ҳам бир нима дея қисқа жавоб берди.

— Нима деди? — сўради Феннел. У шериклари нима ҳақида гаплашганини билмай ноқулай аҳволга тушиб қолди.

— Темба олдимизда жуда хавфли жой бор, — деди. — Агар тикилиб қолсак, узоқ вақт қолиб кетишимиз мумкин экан.

— Шунақа денг-а! Ҳали у бу йўлни, афтидан, зўр деб ҳисоблаётган экан-да.

Кен кулиб юборди.

— Темба айтдики, бу йўл биз ўтишимиз керак бўлган йўлнинг олдида ҳолва экан.

Каттакон қора булут келиб қуёш юзини батамом тўсиб қўйди. Зумда ҳаво совиб кетди. Кутилмаганда шаррос ёмғир қуйиб юборди. Бир неча сония ичида ҳаммаёқ шалаббо ҳўл бўлди. Кен машинани тўхтатди. Учала эркак ўзини челақлаб қуяётган ёмғирдан панага олишди. Машина кузови сувга тўлди. Феннелнинг ботинкаси сувда шалоқлай бошлади. Асбоб-анжомларнинг устига тортилган брезентга тинимсиз сув қуйиларди.

Ёмғир тўсатдан қандай бошланган бўлса, худди шундай тезда тинди. Булут тарқаб, қуёш яна чарақлаб нур соча бошлади. Кийимлардан буғ кўтарилди.

— Боғ сайри, шубҳасиз, ёқимли бўлди! — деди Феннел. — Ҳамма сигаретларим ивиб кетибди.

Кен елим халтадан бир кути сигарет чиқариб Феннелга узатди.

— Олинг...

— Бир донасини оламан. Сигаретлар ҳали керак бўлади. Бу лаънати ёмғир истаган пайтда қуйиб қолиши мумкин.

Улар чекишди. Йўлни чамалаб олиш учун кетган Темба юқорида кутиб турарди.

Улар етиб келишгандан кейин йўл бошловчи қўли билан тўхтанлар, деган ишора қилди.

Ён томон бутазорлар билан қопланган қиялик, бошқа томон тик жарлик, ундан нарида эса кенг водий ястаниб ётарди. Феннел қоматини ростлаб атрофга назар ташлади. У табиатан баландликдан кўрқарди. Тоғ остига уланган водийни ва тикка пастга қараб кетган йўлни кўриб юраги “шув” этиб кетди.

— Биз тамом бўлдик! — ҳайқириб юборди у. — Бу ердан ҳеч қачон ўтолмаймиз!..

Кен унга газабланиб қаради, лекин унинг оқариб кетган ранги ва қалтираётган қўлларини кўриб, шериги ростдан ҳам кўрқиб кетганини тушунди.

— Лео, машинадан тушинг, мен ўзим ҳайдаб ўтишга уриниб кўраман. Бу албатта, қийин иш, лекин уддалашга ҳаракат қиламан.

— Аҳмоқлик қиляпсиз! Бу ердан тушаман дёб ҳеч нимага эришолмай мажақланиб кетасиз.

— Уриниб кўраман. Уринганни ўзи қўллар, — жавоб берди Кен. — Машина ўта оладими? — Тембага қараб деди у.

Банту йўлнинг ўртасида турволиб филдирак сиғиш-сигмаслигини ўлчай бошлади.

— Филдиракка лоппа-лойиқ!

— У нима деди? — сўради Феннел.

— Машина ўтишига ишонаркан.

— Ўтармиш! Қандай қилиб? Сиз жаҳаннамга қулаб кетасиз, тамом-вассалом.

— Тушинг машинадан!

Феннел асбоб-ускуналарини олиб машина ёнбошидан сакраб тушди. Кейин орқасига қайтди.

— Бир дақиқа шошманг, — деди у. — Сиз ўзингиз истаганингизча жаҳаннам қаърига кириб кетаверишингиз мумкин, мен эса таъминот захираларини олиб кўяй. Ҳар эҳтимолга қарши, машина қулаб кетадиган бўлса, сувсиз, озик-овқатсиз қолиб кетаман.

— Яхши фикр, — деди Кен ва кулиб қўйди.

Темба Феннел нима қилаётганини тушуниб, унга қаршиб юборди. Учаласи бир бўлиб брезент устидаги сувни тўкишди, кейин юкларни машинадан туширишди.

Феннел соатга қараб қўйди. Беш дақиқа кам ўн бир.

— Бир шишадан пиво ичсак бўлармиди? Беш дақиқадан кейин Эдвардс билан боғланишимиз зарур. Энди қанча ма-софа қолди.

— Каленберг мулкнинг чегарасигача йигирма миль, унинг қўрғонигача яна ўн миль юриш керак бўлади. Темба шундай деди.

— У яна нима деди?

— У айтдики, йўлнинг охириги қисми анча яхши экан.

Улар пиво ичишди. Кейин Кен передатчикни ишга солди.

— Гай, Гарри, мени эшитяпсизларми?

Дарров жавоб келди.

— Гарри гапиради. Кен, сизни жуда яхши эшитяпман.

Кен учувчига вазиятни тушунтирди.

— Қалтис ишга қўл уряпсиз. Чиғирни ишга солсангиз бўлмайдими? Агар машина қулаб кетадиган бўлса, жилла-курса, сакраб ҳаётингизни асраб қолардингиз.

— Яхши фикр. Сизни тушундим. Икки соатдан кейин натижани маълум қиламан. Алоқа тугади.

— Гаров ўйнайман, — деди Феннел Кен передатчикни ўчиргандан кейин, — Гарри гўзал хонимимизнинг кўнглини олган...

— Етар Феннел! — унинг гапини бўлди Кен. Кейин Тембага ўгирилди. — Бошладик!

У Тембага имо қилган эди, чиғир ғалтакнинг устидан брезентни олди. Сўнг сим арқонни бўшатиб, йўлнинг энг тор жойи бўйлаб тортиб кетди.

— Тайёр бўлди! — Темба лангарни каттакон бир дарахтнинг илдизига болға билан уриб ўрнатди. Кейин “лендровер”нинг олдига қайтиб келди. — Лангар маҳкам бўлди. Сим арқон ҳам бақувват, кўтаради. Энди ҳаммаси чиғирнинг машинага маҳкам ўрнатилган ё ўрнатилмаганига боғлиқ.

— Буни ҳозир синаб кўрамыз. — Кен шундай деб Феннелга ўгирилди. — Менга ёрдам бериб юбора оласизми? Агар орқа ғилдирак сирғана бошласа, машинани ушлаб қолишга ҳаракат қилинг, жуда бўлмаганда бундан мени огоҳлантиринг. Темба олдинги ғилдиракларни назорат қилиб туради.

— Бир нарсани тан олиб қўйишим керак экан... — деди Феннел машинанинг бортини ушлаб туриб. — Сиз довюракликда мендан ўтиб тушаркансиз, тан бердим.

Улар бир-бирига қараб қолишди. Кейин Кен моторни ўт олдириб, машинани юрғизди. Машина қаричма-қарич олдинга юра бошлади.

Феннел машинанинг бортини ушлаганча орқада борди. Лекин кўзлари Тембада эди. У олдинги гилдиракларни диққат билан кузатар ва тўғри кетяпти деб қўли билан Кенга ишора қилиб борарди. Шу йўсинда юз-юз эллик ярдлар чамаси масофани босиб ўтишди. Бирдан банту кескин қўлини кўтарди-ю, Кен машинани шартта тўхтатди.

— Нима бўлди Темба?

— Яна тўрт ярдлардан кейин биз йўлнинг энг тор жойига етиб келаемиз.

Кен яна моторни юрғизди. Машина ўрnidан озгина жишлиши билан шундоқ яхши жойда ҳеч ким ўйламаган воқеа рўй берди: намхуш ер машинанинг оғирлигидан кўчиб, уни жар томонга тортиб кета бошлади. Феннел жонҳолатда машинанинг сурилишини оз бўлса ҳам секинлатай деган ўйда икки қўли билан бортга ёпишиб олди ва ўзингни ташла, деб Кенга қичқираверди.

Вазият умидсиз ҳолатга келганини сезган Кен ўзини машинадан ташқарига отди-ю, ўт-ўланлар ўсиб ётган ёнбағирдан пастга юмалаб кетди. “Лендровер” кўздан ғойиб бўлди.

Феннел кўркув аралаш Тембага қаради. У йўл ёқасида пастга қараб турарди. Феннел тиззаларидаги қалтироқни босиб, Тембанинг ёнига келди. Улардан беш ярдлар чамаси пастда “лендровер” сим арқонда осилиб турарди. Уларнинг ортидан Кеннинг овози келди:

— Бошқа иложимиз йўқ энди! Бу ёғига яёв кетишимизга тўғри келади.

“Лендровер” кўздан ғойиб бўлгач Гай енгил нафас олди.

— Ниҳоят ундан қутулдик-а! — деди Гай. — У асабимни ёмон ўйнатаётган эди.

— Мениям, — деди Гарри сигарет тутатаркан, — қахва ичасизми?

— Йўқ, раҳмат. Тонг отиши билан чўмилиб олмоқчиман. — Гай чодирни айланиб ўтиб, гулхан олдига келди.



“Шунақаям офатижон бўладими аёл зоти!” деб қўйди Гарри. У чодирга кириб устарасини олди-да, соқолини ола бошлади. Гарри учишгача бўлган вақтини қандай ўтказишни ўйлаб кетди. У тошшириқ ниҳоятда хавфли, ҳар қадамда уларни хатар кутаётганини жуда яхши биларди. Шунга қарамасдан бу хаёлларни калласидан қувиб чиқаришга ҳаракат қилди. У чодирдан чиқди. Ҳали қуёш чиқмаган. У қуёшни кутиб ўтирмай чўмилиб олмоқчи бўлди.

— Бориб биринчи бўлиб чўмилиб келаман. Ёлғиз қолишга кўрқмайсизми?

Гай кулди.

— Кимдан кўрқардим? Биродарим Лео бу ерда бўлмаса! Сув ҳали совук...

— Мен шунақасини ёқтираман.

Қиз Темба эҳтиёт юзасидан триб келган шох-шаббани гулханга ташлаб ўтираркан, Гаррига кўзи билан ғалати қараб кузатиб қолди. Кейин кечаги ҳодисани хаёлига келтирди. Феннел ўзининг сурбетларча қилган хатти-ҳаракатлари билан унинг туйғуларини қўзғатиб қўйган эди... қўзғатгандай унча-мунча эмас... “Эркак билан бўлмаганимга қанча бўлдикин?” деб савол берди ўзича у ва кейин тўшақда бўлган эркакларини эслай бошлади. Уларнинг ичидан муродини ҳосил қилган икки кишини хотирлади.

Бири Гаррига ўхшаган эди, лекин хунук ва бўйи паст эди. У таътилни Англияда ўтказаетган америкалик эди. Парижни кўриб кетмоқчи бўлиб келган экан, тасодифан Гайни учратиб қолибди. У вақтда Гай манекенчи бўлиб ишларди. Июль ойининг иссиқ оқшомларидан бирида Фукнинг шийпонида ўтирарди. Шу вақтда у келиб стилингизда ўтирсам изн берасизми, деб сўраб қолди. Уларнинг кўзлари тўқнашди. Гай шу заҳоти бу одам билан бирга бўлиши мумкинлигини тушунди... Орадан бирмунча вақт ўтиб ниятига етди.

Иккинчи эркак ҳам Штатлардан эди. У Гай дўстларини кутиб турганда тўсатдан майхонанинг қоронғи жойидан чиқиб келиб бирга бир шиша пиво ичишни таклиф қилиб қолди... Гай дўстларини кутиб ўтирмай у билан кетди. Унинг ҳам баъзи жойлари Гаррига ўхшаб кетарди. Энди шуни аниқ билдики, ўзига хулқ-атвори Гаррига ўхшаган эркакларгина хуш келаркан. Худди шунақа одамларгина томиридаги қонини гупиртираркан, шулар билан бўлгандагина, уларнинг меҳр билан эркалашларини бутун вужуди сезгандагина ўзининг аёллигини ҳис қиларкан...

Уларнинг ҳар иккиси билан ҳам муҳаббатнинг ўтли дамларидан бир тунгина сармаст бўлган. Эндиликда уларнинг номларигина ёдда қолган, холос. Лекин Гай улар уйғотган ва жўштирган туйғуларни жуда яхши эслаб қолган эди... Энди-чи, ҳали сўнмаган, аксинча, Гаррига ўхшаган кўнгилдаги йигит ёнида юриб оловланган туйғуларини анови аблах Феннел баттар жўш урдириб юборди. Муҳаббат оғушида сармаст бўлиш учун қулай вақт келиб турибди-ку. Гай шуни тушундики, бугун албатта унинг оғушига киради...

Осмонда қуёш юз кўрсатди. Унинг қайноқ нурлари баданни қиздира бошлади. Гай кийиниб сочиқ олиб чиқиб учун чодирга кирди. Чодирдан чиқиши билан эгнида битта шорт табассум қилиб келаётган Гаррига тўқнаш келди.

— Жуда зўр! — деди у яқин келиб. — Бироқ сув озгина совуқроқ... қуёш дарров илтиб қўяди.

— Ундай бўлса, менинг ҳам чўмилганим бўлсин.

Гай унинг ўзига меҳри товланиб қараётганини ҳис қилди. Гаррига мулойим қўл силкиб қўйди-да, қўлга қараб кетди.

Гай табиатан қип-яланғоч чўмилишни яхши кўрарди. Лекин бундай имконият жуда камдан-кам бўлган. Ҳозир эса, тез-тез ечинди-да, ўзини сувга отди. Қуёш сувни анча-мунча илитган, у маза қилиб чўмилди, кейин сув тўлқинида тебрана бошлади.

Иккита тумшуғи қора маймун уни дарахтда кузатиб турарди. Кейин худди иккаласи келишгандек тўсатдан Гай кийимини ечган жойга югуриб боришди. Унинг кийимларини олиб, яна дарахтга чиқиб кетишди. Улар ўйнашиб кийимларни дарахт шохларига илиб қўйишди-да, ўзлари қўшни дарахтга чиқиб ўтириб олишди.

Гай қараса, кийимлари жойида йўқ, кейин маймунлар ҳазиллашганини тушунди. Қиз юқорига қараб, сочиғи бир шохда, ундан нариги шохда кийими осилиб турибди. У бир зум эсанкираб туриб қолди. Кейин елкасини қисиб қўйиб, қўналғага қараб кетди.

Гарри вертолётнинг соясида Чалик берган харитани кўздан кечирарди. Гай дарахтлар орасидан чиқиб бутун гўзаллиги билан Гаррининг қаршисида намоён бўлганда у қўлидаги харитани тушириб юборди. Кейин кўзларига ишонмай қатъиятсизлик билан аста ўрнидан турди.

Гай совуққонлик билан унга яқин келди.

— Кийимларимни маймунлар опқочиб кетишибди. Бу жажжи жониворлар... Уларни дарахтларнинг шохларига илиб қўйишибди. Малол келмаса олиб тушиб беролмай-сизми?

У яланғоч жойларини яширишга уринаркан, ўзини ниҳоятда табиий тутди.

— Албатта! — дея минғирлади Гарри ундан кўзларини узолмай. Кейин орқасига қарашга ботинмай кўл томонга югуриб кетди.

Гай беихтиёр чодирга кирди ва сафар халтасидан қўйлак билан шорт чиқарди. Лекин уларга бир зум караб турди-ю, отиб юбориб тўшакка кириб ётди.

Унинг юраги гупиллаб урар, хаёллари чалкашиб кетган, ҳатто туришга ҳам мадори қолмаганди. Мана шу ҳолатда Гаррининг келишини кутиб ётди...

— ...Тез орада соат ўн бир бўлиб қолади... Кен бизни радио орқали алоқага чақиради...

Улар бир-бирининг бағрига сингиб кетганча ётишар, Гай эса, уни қўйворгиси келмасди.

... Ҳа, Гарри ҳақида адашмаган экан. Бир неча ойдан буён вужуди, руҳиятида эркакка бўлган чанқоқликдан асар ҳам қолмади. Ҳозир Гай катта миқдорда гиёҳванд модда истеъмол қилган-у, ҳеч нимани хаёлига келтирмай, кайфини суриб ётгандай ҳолатда эди...

Гарри чодирга етиб келар-келмай овозини кўтариб чақирган заҳоти ҳушига келди.

— Нима гап?

— Улар фалокатга учрашибди. Тез кийиниб, чодирдан чиқ. Брезент остида иссиқдан ўлиб қолиш мумкин.

Гай Гаррининг гап оҳангидан ҳозир кўнгил ёзишнинг мавриди эмаслигини тушунди.

— Йигитлар “лендровер”дан айрилишибди. Кен ҳалок бўлишига бир баҳя қолибди. Энди пиёда боришади. Бу жуда кўпга чўзилади.

— Етиб бориша оладими?

— Бунга умид қиламиз.

— Мен улар билан икки марта гаплашдим. Навбатдаги алоқа икки соатдан кейин бўлади.

— Юклар-чи?

— Юкларни қутқариб қолишибди. Машинани таваккалга ҳайдашдан олдин уларни тушириб қўйишган экан.

— Топшириқ бажарилгандан кейин улар орқага қандай қилиб қайтиб кетишади.

— Вертолёт-чи? Унда қайтамиз. Камроқ юк ортамиз. Менимча, шунда ҳавога кўтарила олсак керак.

Гай дарахтга суянди.

— Демак, унчалик кўрқинчли эмас экан-да? Пиёда етиб бориша оларкан-да?

— Бунақа иссиқда юриш ҳарҳолда роҳат бўлмайди.

— Анави маймун Феннел ҳам озгина “юк”ини ташлайди. Гарри, айт-чи, кушларнинг патини юлишни биласанми?

— Йўқ... сен-чи?

— Мен ҳам билмайман. Шундай экан, ёввойи ўрдакларни отишдан маъни йўқ... Мен кўлга қайтиб бораман. Сенам борасанми?

Гарри иккиланиб қолди.

— Мен шерикларимиздан хавотир оляпман...

— Муздай сув кайфиятни кўтаради... Ахир биз ҳозир уларга барибир ёрдам беролмаймиз-ку. Шундай экан, бориб руҳимизни тетик қилиб олайлик.

Гай сочиқ олиб чиқиш учун чодирга кирди. Кейин иккаласи қуёшнинг мўл ёғдуси остида кўлга қараб кетишди.

Бунча кўп пиво ичиш керак эмасди... Тош йўл, қуёшнинг ёндириши, Кеннинг тез юриши — ҳаммаси бир бўлиб Феннелни сулайтириб ҳолдан тойдирди. Асбоб-ускуналар солинган қопчиқ елкасини эзиб юборди, юзидан шовуллаб тер қуярди. Шу алфозда олти милча йўл босишди. Кеннинг гапига қараганда, Каленберг мулки билан булар ўртасидаги масофа ҳали ўттиз миль бормиш. Феннел ҳатто инграб юборди. У энди белгиланган жойга етиб боролмаслигига ишонч ҳосил қилди. Асбоб-ускуналар солинган қопчиқ борган сари оғирлашаверди. Бундан ташқари, яна сафархалтасини ҳам кўтариб юриши керак эди.

Йўлга тушишдан илгари улар тўшак қоп билан милтиқни ташлаб кетишга келишиб олишганди. Кен “спрингфилд” ва сафархалтани елкасига осиб олди, Тембага эса, канистр билан захира озиқ-овқатларни кўтариб юриш юкланганди.

Феннел оёқларини аранг судраб босарди. У чанқаганидан томоғи қақраб кетди, шу он эсига пиво тушиб қолди. Униям ташлаб кетишган эди. Феннел аввалига уни кўтариб олмоқчи бўлди, бунга Кен эътироз билдирмади, лекин уни

ўзингдан бошқа ҳеч ким кўтармайди, уддаласанг олавер, дегандан кейин бу ташвишдан воз кечишга тўғри келганди.

Феннел кўзларига, юзларига оқиб тушаётган терни артиб ташлаш учун тўхтади, кейин ўзидан илгарилаб кетган ва ўзаро нима ҳақдадир берилиб гаплашиб кетишаётган Кен билан Тембага ҳасад билан қараб қўйди. Феннел вужудида газаб ўти ёнаётганини жисман ҳис қилди.

Кен билан Темба орқага қараб унинг етиб олишини кутиб қадамларини секинлатишди. Улар Феннел ўзларига дардисар бўлишини аллақачон сезишган эди. Темба сув тўла канистрни ерга қўйиб бир неча оғиз гапирди. Табиийки, буни Феннел тушунмади.

— Темба, агар сиз канистрни кўтариб олсангиз, у сизнинг ашқол-дашқолларингизни кўтариб юрмоқчилигини айтди, — деб таржима қилди Кен.

Феннел асбоб-ускуналарини кўтариб юришга кучи етмаётганини тушуниб турган эди.

— У менинг юкларимни кўтариб юра олишига ишончи комил эканми? — деб сўради у елкасидаги оғир юкни ерга қўяркан.

— Билмайман. Таклиф қилаётган экан, демак, ишончи комил, — деди Кен. Шу вақтда Темба Феннелнинг қопини елкасига ташлаб олди.

— Нимаям дердик, — деди қатъиятсизлик билан Феннел. — Менинг номимдан унга ташаккур билдириб қўйинг. Мана шу асбобларга минг бор лаънатлар бўлсин!

Феннел канистрни кўтариб олди-ю, улар йўлда давом этишди. Лекин бу сафар бироз секинроқ юришди.

Йўлнинг охириги қисмини босиб ўтиш Феннелга ажалдан қийин бўлди. Иккала шериги унга караганда енгил қадам ташлаб бораётгани учун ўз-ўзидан жаҳли чиқиб кетаётган эди.

— Бир култумдан сув ичиб олсак бир бало бўладими? — таклиф қилди у ниҳоят хириллаб.

Бундай вақтларда пиво жонига оро киришига ўрганиб қолган Феннелга илиқ сув енгиллик туғдирмади. Кен соатга қаради.

— Ўн дакикадан кейин Гарри билан боғланамиз. Кейин дам оламиз.

— Ўша йигитнинг жа омади чопди-да, — тўнғиллади Феннел сафархалтасини кўтараркан, — у хатто нимадан кутулиб қолганини ҳам тасаввур қилолмайди...

Улар ропна-роса соат бирда йўлдан четга чиқиб, дарахтлар соясига бориб ўтиришди. Кен дарров Гарри билан боғлашиб, ҳолатни тасвирлаб берди.

— Биз белгиланган жойга соат олтиларда етиб боришимизни режа қилганмиз, лекин йўл расво.

Гарри уларга ҳамдардлик билдирди ва навбатдаги боғлашни соат 15.00 да бўлишини айтди. Шу билан суҳбат тугади. Ярим соат дам олишгандан кейин яна бир соат йўл юришди ва Кен тушлик қилиб олишлари кераклигини маълум қилди.

Улар яна киздираётган қуёш тигидан четга чиқиб, дарахтлар соясига яшириниб олишди. Темба гўшт ва ловия консерваларини очди.

— Яна қанча юрамиз? — пихиллади лунжи овқатга тўла Феннел.

— Биз чангалзорга бурилишимизгача олти миллар бор ҳали.

— Тембадан сўраб кўринг-чи, юкимни ўзим кўтариб юришимга рози бўлармикан?

Кен Феннелнинг гапларини таржима қилиб берди.

Темба кулиб қўйди, кейин “йўқ” дегандай калласини кимирлатди. Феннел унинг кучига ҳавас қилиб қараб қўйди.

— Тушундим... У мендан анча бақувват экан.

— Келинг, суҳбат мавзусини ўзгартирайлик, — деди Кен. — Мен озгина мизғиб оламан.

Феннел заҳархандалик билан кулиб қўйди.

— Сиз иккалангиз, эҳтимол, чангалзорда мендан илдамроқ юришингиз мумкиндир, лекин мен ҳам вақти келиб нимага қодирлигимни кўрсатиб қўяман. Ҳа, кўрасиз ҳали.

Кен бир қути сигарет чиқарди. Ҳаммаси чекишди.

— Фикрингиз қалай, анави муродига етганмикин? — кутилмаганда сўраб қолди Феннел.

— Нима ҳақда гапиряпсиз?

Феннел ўйланиб қолди. Кейин елкасини учуриб қўйди.

— Ҳеч нима, ўзим шундай.

У шармандаси чиққанини аранг унутган эди, тагин хаёлига Гай келди.

Соат учда яна Гарри билан гаплашишди, кейин йўлдан чиқиб, жунглига шўнғиб кетишди. Куннинг иссиқлиги ва ҳавонинг намлигига қарамай, қадамни тезлаштиришди, чунки сояда юриш нисбатан осонроқ эди. Тор сўқмоқ уларни кетмакет юришга мажбур қиларди. Аҳён-аҳёнда бошларининг устида маймунлар сакраб қоларди. Сўқмоқда ётган қандайдир каттакон махлуқ уларни кўрибоқ ўрнидан ирғиб туриб ўзини

чангалзорга урди. Феннелнинг юраги қинидан чиқиб кетай деди.

Учовларининг бутун диққати юриш оғир бўлган йўлга қаратилгани боис, уларни кимлардир анчадан буён кузатиб келишаётганини сезишмади. Қоплон терисини ёпинган бир зулус дарахт устида ўтирарди. Улар шу дарахт остидан узоқлашгач, у дарров передатчигини ишга солди. Берилган маълумотни Миа қабул қилиб олди-да, шу заҳоти келгиндилар сизнинг мулкингизга кириб келишди, деб Каленбергга маълум қилди.

Миа зулусларнинг ҳамма маълумотларини аниқ-тиниқ қилиб ёзиб оларди ва уни Го Луга берарди. У бўлса, машинкада кўчирар, кейин зудлик билан Каленбергга етказиб бериларди.

Буларнинг бари унга эрмакдай туюла бошлади. Бу пайтда “лендровер” билан бўлган машмашани ҳам биларди. Энди эса, учта эркак мулкингизга кириб келишди, деб хабар беришди.

Каленберг Тэка мурожаат қилди:

— Имконият бўлди дегунча бантуни бир ёқли қилишсин, деб кўрсатма беринг. У йўлбошловчи экан, унинг кўмагисиз йўлни топа олишлари ақлга сиғмайди.

Тэк передатчик орқали паст овозда бир нималар деди.

Бу вақтда Кен навбатдаги дам олишни эълон қилди. Йўловчилар дарахт соясига ўтириб олиб бир неча қултумдан сув ичишди.

Кен Тембадан нималарнидир сўради. У қўли билан аранг кўриниб турган ва чангалзор ичига кириб кетган тор сўқмоқни кўрсатди.

— Мана шу сўқмоқча Каленбергнинг мулкига тўппа-тўғри олиб боради, — тушунтирди Кен Феннелга. — Энди адашмаймиз. Темба шу ерда қолади, биз эса йўлни давом эттира-миз. Агар режамиз барбод бўладиган бўлса, Тембанинг бошига бирон кўнгилсизлик тушмаслиги керак. Агар омадимиз бароридан келса, қайтиб келиб уни шу ердан олиб кетамиз. Тушунарлими?

— Усиз йўлни топа олишимизга ишончингиз комилми?

— Мана шу йўл тўппа-тўғри Каленбергнинг қароргоҳига олиб боради.

— Нимаям дердик, сиз айтганчалик бўла қолсин, — деб жавоб берди Феннел ва соатига қаради. — У ерга етиб бо-риш учун қанча вақт керак бўлади?

— Икки соатлар, қани, йўлга тушдик.

Феннел тўнғиллаб ўрнидан турди. Кен Темба билан нима ҳақдадир бирпас гаплашиб қолди. У жавоб тариқасида та-бассум қилиб қўйди-ю, калласини қимирлатди.

— Биз ўзимиз билан озиқ-овқатнинг бир қисмини олиб кетамиз. Менда сув тўла шиша бор. — Кен Феннелга ўгирилди. — Сиз яна ўз қопингизни кўтариб олишингизга тўғри келади.

Оқшом осмонида, баландда қузғунлар тўдаси пайдо бўлди. Улар бир муддат олдин воқеалар содир бўлган жойнинг устида бир неча бор доира ҳосил қилиб учишди. Кейин бу ерда бирон хатар йўқлигига ишонишгандан кейин аста-аста пастлаб туша бошлашди.

Қузғун — сабрли қуш.

## ОЛТИНЧИ БОБ

— Анув ерда, чапда, — кутилмаганда деб қолди Гарри.

Гай пастга назар ташлади. Улар тропик ўрмон устидан учиб борардилар. Гарри вертолётни бурган эди, чангалзор бир зумда тугади. Кўм-кўк сайхонлик, бетон йўлаклар, йўллар, ҳар қандай ботаника боғларини ортда қолдирувчи гулзорлар кўзга ташланди.

Кейин улар атрофи майсазор уйни кўришди. Уй бир қаватли бўлиб, бир оз нотекис қурилган. Ундан икки юз ярдлар нарида томи похол билан ёпилган бир нечта ҳужра жойлашган эди. Шубҳасиз, бу ҳужраларда хизматкорлар яшайди.

— У жуда узун қилиб қурилган бино экан, — ҳайратланиб деди Гай. — Шакли-шамойилини қара, фаройиб! Уйнинг у бошидан-бу бошига бориш учун қанча вақт кетишини тасаввур қиляпсанми?

— Эҳтимол, улар роликда юришармикин? — тахмин қилди Гарри. — Ҳа, уй жудаям узундан-узок.

Гарри уй устида вертолётни доира қилиб айлантирар экан, кўзига ҳовузлар, турли гулзорлар ташланди.

— Энди қўнишимиз керак, ҳаяжонланяпсанми?

Гай табассум қилиб, калласини сарак-сарак қилди.

— Заррачайм... Қачон қўнаркинмиз, деб сабрим чидама-япти. Қизиқ, бизни уйга киритишармикин?

— Бу энди сенинг ноз-истиғноларингга боғлиқ.



Гарри самолёт қўнадиган майдончага назар ташлади. Вертолёт пастлаётган вақтда қўлларини юқори кўтарганча уни кузатиб турган учта зулусни кўрди.

Вертолёт зулуслардан унча узоқ бўлмаган жойга қўнди. Гарри эшикни очиб ерга тушаётган пайтда биодан бир “жип” чиқиб, улар томонга кела бошлади. Машина рулида зулус, унинг ёнида эса кулранг костюм кийган оқ танли ўтирарди.

Гай фотоаппаратини Гаррига узатиб, ўзи ерга сакраб тушди. Худди шу пайтда “жип” ҳам етиб келиб, уларнинг олдида тўхтади. Тэк машинадан тушиб, уларнинг олдига келди. Гай эса бир қадам ташлаб унинг қаршисига чиқди.

— Гай Десмондман. “Энимал Уорлд”нинг мухбири, — ўзини таништирди у қўлини чўзиб.

Тэк унга назар ташлаб, Гайнинг расмдагидан кўра ҳам чиройли эканига амин бўлди. У ним таъзим билан Гайга қўлини чўзди.

— Мулкингизга сўроқсиз бостириб келганимиз учун узр сўрайман, — деди Гай бу баланд бўйли тўнг одам кўнглига ўтиришмаганини ҳис қилиб, — Валласга учиб кетаётган эдим. Лекин манови гўзал уйни кўриб, уни бир зиёрат қилиб кетиш иштиёқидан ўзимни тутиб туролмадим. Агар одобсизлик қилган бўлсам, тўғриси айтиверинг, ҳозирок учиб кетаман.

— Ҳечам ундай деб ўйламанг, — эътироз билдиргандай бўлди Тэк. — Сиздай гўзал қизлар бизнинг маконимизга камдан-кам қадам ранжида қилишади. Келган экансиз, биз билан нонушта қилишга қаршилиқ қилмасангиз керак.

— Жуда илтифотли экансиз. Бундан бошимиз кўкка етди, мистер... — Гай савол назари билан суҳбатдошига қаради.

— Гуилла Тэкман. Сиз билан танишганимдан хурсандман.

— Унда учувчимни таништиришимга рухсат этинг: мистер Гарри Эдвардс.

Тэк яна ним таъзим қилиб қўйди.

— Мистер Тэк жуда илтифотли экан, бизни нонушта қилишга таклиф этди.

Гарри Тэк билан қўл бериб танишар экан, манави кулранг костюм кийган шахс унда ўзида кўнглисиз таассурот қолдирди.

Бу вақтда Гай бу гўзал жойлар унга ёқиб тушганини айтиб оғзи гапдан бўшамади.

— Қандай ажойиб уй-а! Тагин кимсасиз жойда. Уни осмонда туриб кўриб ўз кўзларимга ишонмадим. Мистер Тэк, сиз бу ерда кўпдан буён турасизми?

— Уй менга эмас, мисс Десмонд, мистер Каленбергга қарашли. У — бу уйнинг соҳиби.

— Сиз ҳалиги миллионер Макс Каленбергни назарда тутяпсизми?

Тэкнинг кўзларида масхараомуз ўт чакнади, лекин шундай бўлса-да, унинг гапни маъқуллади:

— Адашмадингиз мисс.

— Эшитишимга қараганда, у одамларни ёқтирмас экан... Эҳтимол, кета қолсак маъқул бўлармикин? Уни безовта қилмай қўя қолайлик.

— Йўқ, йўқ, нималар деяпсиз! Каленберг мутлақо унақа одам эмас. Ишончим комилки, сиз билан танишганидан хурсанд бўлади.

— Биноингизни суратга олсак майлими? — сўради Гай. — Мен гоҳида “Лайф” учун суратлар жўнатиб тураман. Бу жуда қизиқарли бўларди-да.

— Буни Каленбергнинг ўзидан сўраш керак. Хўш, офтоб тиғида нима қилиб турибмиз? — Тэк таклиф қилгандай “жип”га имо қилди.

Орадан бир неча дақиқа ўтиб Гарри билан Гай анвойи гуллар билан безатилган даҳлизга кириб келишди. У ердан пешайвонга эшик бор эди.

Даҳлиз кенг ва дид билан ясатилган. Ундаги гўзал безаклар Гаррини лол қилиб қўйди. Бунақа даҳлизни умри бино бўлиб кўрмаган. Гай гарчанд бой-бадавлат одамлар билан тез-тез учрашиб юрган бўлса-да, даҳлиз уни ҳам мафтун қилиб қўйди.

— Агар сизларни озгина куттиришимга ижозат берсангизлар мен келганингизни мистер Каленбергга маълум қилган бўлардим.

Даҳлизда бошдан-оёқ оқ кийинган зулус пайдо бўлди.

— Зерикиб қолмаслигингиз учун Тэк оз-оздан бирон нима ичиб туришсин деб тайинлаб кетди. — Зулус барнинг эшигини очди, кейин буйруқни кутиб қотиб турди.

Улар жин қуйишни тайинлаб, пешайвонга чиқишди.

— Манави Тэк дегани негадир менга ёқмаяпти, — деди Гарри. — Унинг кўнглида нимадир шумлик бор...

— Унинг башарасини кўриб, эгим сесканиб кетди, — деб жавоб берди Гай. — Назаримда, тўшакдан эмас, худди тобутдан чиқиб келгандай бўлди.

— Бу уйга осонгина кириб олганимиз сенга гайритабиий туюлмаётими? — деди Гарри. У ўриндикдан туриб, Гайнинг қаршисига ўтирди.

— Балки, менинг жозибам уни эсанкиратиб қўйгандир, — табассум билан деди Гай. — Арвоҳлар ҳам гўзаллик қарши-сида тиз чўкишади. Ундан кейин, бу ерда бизни қандай қабул қилиб олишлари номаълум-ку. Эҳтимол, Каленберг бизни ташқарига улоқтириб ташлашни буюрар, ундан кейин, Тэк бу ерда бор-йўғи унинг котиби, ё эшик оғаси.

Зулус иккита қадаҳда жин ва ликопчада бисквит келтириб қўйди.

— Бу ерда одам зерикиш нималигини билмайди. Сен ҳам мана шундай мулкинг бўлишини хоҳлармидинг, Гарри?

— Бундайроғи бўлса ҳам йўқ демасдим. Бунақанги даб-даба менга ёқмайди.

— Мен бундай демаган бўлардим, — эътироз билдирди Гай бир бўлак бисквитни олиб. — Шахсан мен ҳаётда яшайдан мақсад нима эканлигини ҳис қилардим.

Орадан бир оз вақт ўтгандан кейин яна Тэк пайдо бўлди.

— Мисс Десмонд, мистер Каленберг сизни қабул қилишдан боши кўкка етишини маълум қилди, — деди у. — Афсуски, ҳозир у телефонда зарур ишларини ҳал қилиш билан овора. Шунинг учун сизни кечқурун қабул қила олади. Кутиб тура оласизми?..

— Сиз, бу билан шу ерда ётиб қоласизлар демоқчи бўляпсизми?.. — қатъиятсизлик билан сўради Гай.

— Худди шундай. Мистер Каленберг бугун унинг меҳмони бўлишингизга умид билдирыпти.

— Лекин... мен зиёфатбоп кийимларимни олмаган эдим...

— Бунинг зарари йўқ. Бизнинг хизматкор ходимларимиз жуда кўп. Бу ердаги ҳар қандай аёл сизга зарур бўлган нарсани муҳайё қила олади.

— Раҳмат. Жуда мурувватли экансизлар. Айтинг-чи, мен унинг уйини суратга олишим мумкинми-йўқми, сўрамадингизми?

— Йўқ, мисс Десмонд, сўрамадим. Бунақа илтимос билан ўзингиз мурожаат қилсангиз яхшироқ бўларди.

— Яхши. Мистер Каленбергинг зиёфатида бўламиз ва шу ерда тунаймиз.

— У бундан хурсанд бўлади, — деб жавоб берди Тэк ва соатига қараб қўйди. — Нонушта ярим соатдан кейин тортилади. Унгача, эҳтимол ўзингизга қараб оларсиз?

Кейин Тэк Гаррига диққатини қаратди.

— Мистер Эдвардс, сиз ҳам ўзингизга зарур бўладиган бирон кийим олмаганмисиз?

— Бор-йўғи устимдаги кийимлар.

— Нимаям дердик, буниям ҳал қилса бўлади.

Пешайвонга Миа чиқди, Тэк унга ўгирилди.

— Таништиришга рухсат этинг — бу мисс Миа. Сизларга хизмат қилиб туради, менга узр. — Тэк таъзим қилиб чиқиб кетди.

— Илтимос, мен билан юринглар, — таклиф қилди Миа.

Миа уларни кираверишдаги кенг даҳлизга олиб чиқди. У ердаги йўлак бошланадиган жойда уларни гольф майдончасида фойдаланадиган электр аравага ўхшаш мўъжазгина машина кутиб турарди. Миа рулга ўтирди ва меҳмонларни аравачага чиқишга таклиф қилди.

— Бу йўлак шундай узунки, биз юриш учун хонаки электр аравачадан фойдаланамиз, — тушунтирди Миа қулиб туриб.

— Шундай узундан-узун уйни қандай қилиб уддалашар экан, деб ўзим ҳам ўйлаб турган эдим, — деди Гай. — Уни осмонда кўрганимда ўзимга, бинонинг у бошидан-бу бошига бориш керак бўлиб қолса, роса қўп юришса керак, дедим.

Электр аравача бир силтаниб товушсиз юриб кетди-ю, бирпасда йўлакнинг нариги чеккасига етиб борди.

— Уйнинг бу қанотида меҳмонлар учун махсус жой бор, — деди Миа. У машинани тўхтатиб, эшиклардан бирининг олдига борди-да, уни кенг очиб юборди. — Марҳамат, киринглар.

Улар кичкинагина пешайвони бор бўлган кенг ва чиройли безатилган хонага киришди. — Бу ерда ўзингизга керакли бўлган ҳамма нарсани топа оласиз, — деди у. — Нонушта бу ерга соат 13.00 да келтириб берилади. Мана бу сизнинг хонангиз, мисс Десмонд. Мен оқсочни жўнатаман, у кийиниб олишингизга ёрдам беради. Менимча, кийимларимдан бири — сари сизнинг қоматингизга, рангингизга жуда мос келади. Сиз нима дейсиз?

— Миннатдор бўлардим.

Гай тўхтаб хонани кўздан кечира бошлади. Хона ҳайратланарли даражада дид билан безатилган ва гўзал эди. Деворлари феруза ранг, каравот, жавон ва каттакон тошойна қўйилган, унинг устида эса аёллар учун зарур бўладиган турфа хил кремлар, атир-упалар ва бошқа нарсалар териб ташланган. Ваннахонасида баданни артиб қуритиб қийналиб ўтирмаслик учун қуритгич бор.

Гай ўз хонасини томоша қилиб турган вақтда Миа Гаррига у жойлашадиган хонани кўрсатди. Унинг хонаси ҳам чиройли қилиб безатилган эди.

Новча зулус аёли Мианинг сарисини олиб келди. Гай уни ўзим кия оламан деб ишонтирди.

— Мистер Каленберг жуда оддий одам, — деди Миа. — Кечки таом оқшом чоғи пешайвонда тортилади. Илтимос, ўзингизни ўз уйингиздек ҳис қилинглар. Агар чўмилгингиз келиб қолса, жавондан чўмилиш кийимларини оласиз. Агар бошқа бирон нарса зарур бўлиб қолса, телефон гўшагини кўтарсангиз, бас. — Миа хайрлашиш маъносида табассум қилиб, чиқиб кетди.

Гай билан Гарри бир-бирига қараб олишди. Гарри ҳатто аста ҳуштак ҳам чалиб юборди.

— Нимаям дердик, қани, бир миллионерчасига ҳам яшаб кўрайлик-чи!

Эшик тақиллаб бир зулус сафархалталарни кўтариб кирди. Уларни ерга қўйиб, индамай чиқиб кетди. Гарри сафархалтасининг олдига борди-да, передатчик жойида турганини кўриб кўнгли хотиржам бўлди. Кейин Гайга қаради.

— Қизиқ, улар сафархалтада нима борлигини текширганмикин, йўқмикин?

— Бунинг нима аҳамияти бор! — Гайнинг бутун диққат-эътибори атрофида содир бўлаётган ғаройиб ҳодисаларга қаратилган эди. — Ҳарҳолда бу ерлар шундай ажойибки! — хаёл суриб деди у. — Бориб ваннага тушаман.

У сафархалтасини олиб ўз хонасига кирди ва эшикни қулфлаб олди. Кейин тез-тез ечинди. Қип-яланғоч ҳолда ўз гўзаллигига маҳлиё бўлиб бир муддат кўзгуга қараб турди, кейин кранни очиб сув туширди.

Гай, афтидан, бу кўзгу икки хил вазифани бажаришини билмаган бўлса керак. Унинг бир томони кўзгу, иккинчи — орқа томони эса оддий ойна бўлиб, бу томондаги нарса қандай бўлса, шундай аниқ кўриниб турарди. Каленберг эса, қоғозларни тартибсиз равишда сочиб ташлаганча ҳамма ишларини йиғиштириб қўйган ва қип-яланғоч Гайнинг офатижон гўзаллигини томоша қилиб ҳайратланиб турарди.

Йўлнинг чангалзор қисмини ўтиб баландликка кўтарилгандан кейин Кен билан Фенел вертолётнинг ерга қўнишини кузата бошлашди. Улар уй, боғ ва қўниш майдончаси жуда

яхши кўринадиган ва чор атрофи дарахтлар билан ўралган пастак чўққида ўрнашиб олишди. Феннел ҳар қандай узоқни ҳам яқиндан кўрсатадиган дурбинни кўзига тутди. У “жип”-да Тэкнинг келганини, Гайнинг унга пешвоз чиққанини, ундан кейин учаласи машинага ўтириб бинога қараб кетишганини аниқ-тиниқ кўриб турди.

— Улар ҳовлига кириб кетишди, — деди Феннел ва дурбинни кўзидан олди. — Ишимиз бароридан келди!

— Афтидан, унчалик қийинчиликка дуч келишмаганга ўхшайди, — ўйланқираб турди Кен. — Эшитишимга қараганда, Каленберг меҳмонларни жилла хушламас экан, айниқса, бегоналарни.

— Чалик, гўзал немис аёлларини кўрганда уни қўлдан чиқармайди, деганди-ку. Чаликка ишонса бўлади...

— Булар бари тўғри, лекин барибир, унинг бунчалик кўнгли бўшлиқ қилишини кутмагандим, — деди Кен ва пердатчикка қўлини узатди. — Уни қабулга тўғрилаб қўйиш керак. Чунки Гарри истаган вақтда алоқага чиқиб қолиши мумкин.

Феннел сигарет чекиб, қояга ястанди. У итдай чарчаган, ҳозир озгина дам олмоқчи бўлди.

Кен табиатан пишиқ, ўйлаб иш кўрадиган одам эди. Феннелнинг юрагига қўл солмоқчи бўлди. Бирмунча вақтдан кейин Феннел қимирлади.

— Сиз ишлаб олган пулингизни олгандан кейин нима қилмоқчисиз? — деб сўради ундан Феннел.

— Дўстларимдан биттаси Иоганнесбургда саёҳатчилар бюросини очишни мўлжал қилиб турибди, — жавоб берди Кен. — Унга шерик бўлмоқчиман.

— Саёҳат бюросими? Нима, бундан катта фойда келадими?

— Фойдали бўлиши мумкин. Биз ов қилиш учун ажратилган ерларга саёҳатчилар гуруҳини ташкил қилишни режалаштирганмиз. Бу иш билан ўзим шуғулланаман. Катта пул ишлаб олиш мумкин. Америкаликлар кўнгилларини топишса, хасислик қилишмайди. Бирга ишлаб уларнинг дидларини, урф-одатларини, нималарни таклиф қилсанг кўнгилларига хуш келишларини билиб олганман.

Феннел бир нима деб тўнғиллади.

— Бунинг жа ташвиши кўп. Мен ишламоқчи эмасман...

— Сиз теккан улушингизни нима қилмоқчисиз?

— Маишат қиламан. Пулни сарфлаш учун чиқарган. Мен ўлиб-тирилиб топган пулларини йиғиб ётадиган одамларни

тушунмайман. Нима қиласан тагингга босиб ётиб, одам бир марта яшайди, ўлиб кетасан, барибир сендан кейин пулларинг бировларга қолиб кетади.

— Эхтимол, кимлардир пул йиғишни маъқул кўрар?..

— Худо ҳаққи, нима кераги бор бунинг? Пулни ҳамма вақт топиш мумкин! Чаликнинг топширигини бажарганимдан кейин бошқа иш топаман. Менинг нималарга қодирлигимни биладиган одамлар жуда кўп. Истаган пайтимда иш топиб оламан.

Кен Феннелга “жим” дегандай қўл силкиди. Передатчик китирлай бошлади. Кен дарров наушникни қулоғига осди ва микрофонни қўлига олди.

— Кенман... Салом Гарри, сизни яхши эшитяпман. Гапираверинг.

Кен бирмунча вақт диққат билан Гаррининг гапига қулоқ тутди, Феннел эса унга қараб турди.

— Тушундим, — деди Кен ниҳоят. — Омад ёр бўлсин — алоқа тугади.

— Хўш, уларда ишлар қалай экан?

— Бугун тунни ўша ерда ўтказишаркан. Гапига қараганда, Каленберг уларни кўриб хурсанд бўлибди. Тан олишим керакки, бу мени ҳайрон қолдирыпти. Нима бўлишидан қатъи назар, Каленберг улар билан соат 23.00 да учрашади. Хуллас, қаерда бўлмайлик бу вақтда қабулга тайёр туришимиз керак.

Феннел яна бир нима деб мингирлади-ю, соатига қараб кўйди. Кун пешиндан ўтган эди.

— Нима, ўн икки соат мана шу қояда қимирламай ўтираверамизми?

— Кераксиз таваккалга қўл уришимизнинг зарурати йўқ. Бу ерда бизга хавф-хатар йўқ. Келинг, яхшиси, тамадди қилиб олайлик, — Кен қопдан консерва банкасини чиқарди.

— Э худойим-ей, яна ловиями! Бошқа бирон нима егулик йўқми?

— Бор. Дудланган гўшт, ейсизми?

— Ловиядан кўра, шуюм дуруст, — жавоб берди Феннел ва яна кўзини юмиб олди. — Анув иккаласи, зиёфатда зўр-зўр таомларни туширишса керак.

— Ҳавас қиялпсизми? — деб сўради Кен Феннелнинг маъюс башарасига қараб.

— Э, йўқ, шундай ўзим. Банкани очинг. Бизнинг ҳам кўчамизда байрам бўлиб қолар.

— Бизга халақит қилишмасмикин, шуни жудаям билгим келяпти. — Улар пешайвонда яхшилаб нонушта қилишди. Гай чекди. Янги кийимида у янада гўзал бўлиб кетган эди. Гарри ундан кўзини узолмай қолди.

— Қайси маънода? — сўради қиз.

— Тўғри маънода. Сени тўшакка олиб кириб кетгим келяпти.

Гайнинг чехраси ёришиб кетди.

— Ундай бўлса, ҳиссиётлар жунбишга келган нозик пайтда биронтаси, дейлик, мистер Тэкми, кириб келгудек бўлса, бутун тоат-ибодат бекор кетади-да.

— Албатта. У ҳолда кел, иш билан шуғулланайлик. Фенелни бу ёққа қандай қилиб олиб кирамиз, шуни ҳал қилиб олайлик.

— Катта зал орқали, — жавоб берди Гарри иккаласининг ётоқхонаси чиқадиган зални кўрсаткич бармоғи билан кўрсатиб. — Бизга мана шу хоналарни бериб қўйишган экан, демак, бу уйга кириб келишнинг осон йўли худди мана шу ер бўлади.

— Буни уддалаш осон деб ўйлаяпсанми?

— Билмайман. Ҳар ҳолда, бошқа жойдан кўра, шу ер қулай. Ундан ташқари, у кечаси киради.

— Бинонинг атрофига қоровул қўйилганини унутма. Тўғри, ҳозир мен уларни кўрмаяпман.

— Каленберг уйнинг олдига қоровул қўйиш-қўймаслиги аниқ эмас-ку. Жунгли орқали бироқ кимсанинг ўтиб келишига ишонмайди. Боғни сайр қилиб келишни хоҳламаяпсанми?

— Ҳозир эмас. Қуёш қиздирыпти.

— Унда мен айланиб келаман. Унгача сен озгина мизғиб ол.

— Қайсар. Қуёшда куйиб кетасан-ку!

— Кўришгунча...

Гарри хайр маъносида кўлини силкиб, кўк бетон ётқизилган тор йўл орқали боққа чиқиб кетди.

Гай уни ортидан қараб кузатиб турди-да, хаёлга берилди.

...Топшириқ бажарилгандан кейин у билан бирга бутун таъгилни бирга ўтказса ёмон бўлмасди. Масалан, дейлик, Парижда. Ҳозир йигирма олти ёшда. Чалик унинг хизматидан беш-олти йил фойдаланар. Кейин яна ундан ёшроқ хизматкорни кидириб қолади. Лекин бу беш-олти йил ичида муста-



қил яшаши учун анча пул жамғариб олади: ахир мустақил яшашга умр бўйи интилиб келди-ку. Кейин Гаррига турмушга чиқсаммикин, деган хаёлга борди... Унда Гаррига интилиш бор эди, лекин уни ҳали севиб қолмаганди. Лекин Гаррининг фикри Гайнинг дабдабали ҳаёт ҳақидаги фикри билан бир чиқмади. Дабдабасиз ҳаётни Гай ҳаёт ҳисобламасди. Гарри яхши ўртоқ, яхши ўйнаш бўлиши мумкин, лекин яхши эр эмас... Шундай эрга тегиши керакки, у маданиятли, ақлли ва асосийси, бой бўлсин. Тўғри, бундай одам доимо рўпара бўлавермайди... У кўп эркакларни кўрган, улардан бирига тегиб олиши ҳам мумкин эди, лекин сўнгги паллада нимадир халақит қилиб қоларди. Ўзига ортиқча бино қўйиб юборганидан шундай бўлганмикин?..

Юмшоқ ўриндиққа ўтириб хаёл суриш жуда ёқимли эди, шунинг учун у кўзи илинганини сезмай қолди. Гарри келиб уйғотганида орадан бир соат ўтган эди.

— Бирон нима ичмайсанми? — сўради у жавон олдига бориб.

Гай, розиман, дегандай бошини қимирлатди. Керишиб ўриндиққа қулайроқ ўтириб олди.

— Бир нимани аниқладингми?

— Ҳаям, йўқ ҳам дейишим мумкин. Бинонинг қарама-қарши томонидан киришининг иложи йўқ. — У иккита қадах келтириб, бирини Гайнинг олдига қўйди. — У томонга борадиган йўлкани зулус кўриқлаб турибди. У қоплон терисини ёпинган. Худди киноларда кўрсатадиган ёввойи одамга ўхшайди. Қўлида найза ва қалқон. Ҳаммаёғига пат қистириб олган. Нариги ёққа ўтмоқчи бўлган эдим, мени итариб юборди.

— Афтидан, у ёқда Каленбергнинг хобхонаси бўлса керак.

— Эҳтимол... Яна бир нарса: боғнинг ичкарасида каттакон ҳовуз бўлиб, унда тимсоҳлар сузиб юрибди. Ҳовузни ўраб олган дарахтлар устида боқиладиган баҳайбат қузғунлар ўтирибди. Уларни кўриб, юрагим орқага тортиб кетди.

Гай кулиб юборди.

— Нега?

— Кутилмаган меҳмонлардан қутулишнинг энг зўр йўли бу.

Гай бошини кўтарди. Гарри жиддий гапираётганини тушуниб кулгини тўхтатди.

— Мурдалардан қутулишнинг Каленбергга нима ҳожати бор экан?

Гарри қадахдаги ичимликдан бир-икки хўплам ичди. Кейин уни чайқатиб, ичидаги музни шиқиллатди ва елкасини қисиб қўйди.

— Буларнинг бари одамни ёмон хаёлга олиб келади... Кейин бу ерга осонгина кириб олганимиз мени хавотирга соляпти. Тэкнинг башараси одамни хавотирга солади. Баъзан менга у бизни калака қилаётгандай туюляпти. Айниқса, бу уй кимга қарашли, деб сўраганимда сезилди. Менда сен нималарни билсанг, у ҳам бунинг барини биладигандай таасурот қолдирыпти...

— У биздан нимадандир шубҳаланяпти, деб ўйлаяпсанми?

— Шунақага ўхшайди.

— Бизнинг бу ерга нима мақсадда келганимизни биледи, демоқчимисан?

— Аниқ айтолмайман. Лекин бунга ишончим комил. Биз ўйин қилаётганимиздан аниқ хабардор.

— Ўзимизни қандай тутишимиз керак?

Шу он Гарри сўқмоқ йўл билан ўзлари томон келаётган Тэкни кўриб қолди.

— Ана, биродаримиз Тэк келяпти.

— Узр, сизларга халақит қилмадимми? — деди Тэк пешайвонга кўтарилар экан. Унинг лаблари бурчида нимтабасум ўйнади. Унинг кичкина кўзлари эса олма-кесак терарди.

— Нонушта сизларга маъқул бўлди, деб ўйлайман.

— Жуда ажойиб бўлди, — деди Гай. — Миннатдормиз. Бу жойлар ҳақиқатан ҳам гўзал экан!

— Мисс Десмонд, бундай илиқ сўзларни сиздан эшитиш жуда мароқли, — деди Тэк. — Ташрифимнинг боиси мистер Каленбергнинг музейини кўришга мойиллик билдирасизми, деб сўрамоқчи эдим.

Бундай таклифдан ниҳоятда хурсанд бўлиб кетганидан Гай ўзини йўқотиб қўяёзди. Лекин буни сездирмаслик учун мулойимлик билан ўзини қўлга олди.

— Мистер Каленбергнинг музейи борми?

— Ҳа. Хожамиз дунёда энг машҳур коллекционерлар қаторида туради.

— Бу ҳақда қулоғимга чалинганди. Лекин унинг ҳақиқий музейи борлигини билмаган эканман. Шундай, бир оддий коллекция...

— Унинг музейи бор. У музейни кўришга иштиёқингиз борми, йўқми, шуни билмоқчи.

— Албатта бор-да.

— Сиз-чи, мистер Эдвардс?

— Миннатдорман. Мистер Каленбергнинг таклифини жон деб кабул қиламан. — Гарри ҳам ўз хурсандчилигини сездирмасликка ҳаракат қилди. Худди шу он Тэкнинг кўзларида қандайдир истехзо ўйнаётганини сезиб қолди.

— Ҳозир сиз нақ музейнинг устида турибсиз, — деди Тэк.

— Сиз... Сиз уни ер остида димоқчи бўляпсизми?

— Худди шундай.

— Мистер Тэк, ўзим билан фотоаппарат олволсам бўладими?

Тэк йўқ, дегандай калласини қимирлатди.

— Жуда афсусдаман, мистер Каленберг музейни суратга олишга рухсат бермайди. Илтимос, ортимдан юринг.

Улар хонадан чиқиб, йўлак бўйлаб кетишди. Гай билан Гарри нима бўлаётганига тушунмай, бир-бирига қараб олишди. Кейин учаласи электр аравачага ўтиришгач, Тэк уларни узун йўлак бўйлаб олиб кетди.

— Бу ерда мистер Каленбергнинг ётоқхонаси бор, — деб тушунтирди Тэк кулранг эшикнинг олдидан ўтаркан. Аравача чор атрофи ёпиқ девор олдида тўхтади, Тэк каттакон дераза рахтини бармоғи билан босган эди, девор икки томонга силжиб эшик очилди.

— Мистер Каленберг — ногирон, — тушунтирди Тэк Гайга ўгирилиб, — шунинг учун ҳамма эшиклар электроника ёрдамида очилади. Манави лифт бизни музейга элтади.

Лифт бўлмасида кулранг шоҳи ёпилган турли рангдаги тўртта тугма бор эди. Тэк яшил тугмани босган эди, лифт овозсиз пастга туша бошлади. Лифт пастлаётган пайтда у навбат билан кўк ва сариқ тугмани босди.

— Бу тугмалар нимага керак бўлади? — деб сўради Гай кизиқиб ҳеч нимани билмагандай.

— Яшил тугма лифтни бошқаради. Кўк тугма — музейни ёритади. Қизили сигнал тизимини ўчиради.

Лифтнинг эшиги очилиб, улар мустаҳкам равоқли кенг хонага киришди. Кондиционерлар ишлаб турибди.

— Илтимос, бир оз кутиб тулинг, — деди Тэк. У кулранг эшик олдига келиб, бир дақиқача туриб қолди. Гарри кузатиб тураркан, Гайга хавотирли назар ташлади. Кейин кўзини бошқа томонга олди. Чунки Тэк олдиларига кела бошлаган эди. — Музейда бебаҳо хазиналар бор, — тушунтирди Тэк. — Шунинг учун уни қўриқлашнинг зарур чораларини кўриб қўйганмиз.

Бу ёққа олиб келадиган эшик махсус пўлатдан ясалган. Уни бузишнинг мутлақо иложи йўқ. Деворлар бир ярим метр қалинликда. Қулф соат механизми билан таъминланган. Уни ҳар куни кечкурун соат ўнда ишга туширишади. Хуллас, бирон кимса эртаси куни соат ўнгача музейга киролмайди. Марҳамат, кинг!

Гай билан Гарри унинг орқасидан юриб хира ёритилган гумбазсимон залга киришди. Деворларга сон-саноксиз суратлар осилган. Гай Рембрандт чизган бир суратни, Пикассонинг бир нечта суратини таниди. Ундан нарида Лувр, Флоренция ва Ватикан музейларида кўрган ва назарида Ренессанс даврига хос бўлган суратлар осилган эди.

— Лекин булар асл нусхадан кўчирилган суратлар бўлса керак, шундайми мистер Тэк? — сўради Гай.

— Булар асл нусхалар! — хафа бўлиб қошини чимирди Тэк. — Айтдим-ку, ахир, мистер Каленберг дунёда энг бой музей эгаларидан бири, деб! — Навбатдаги зал сизни янада ҳайратда қолдиради. — Улар кейинги залга ўтишди. Бу залда тўрт метрли олтиндан ясалган Будда ҳайкали ялтираб турарди.

— Бу жуда ажойиб, — деди Тэк. — У Бангкокдан келтирилган. Сўнги уруш пайтида японлар ҳайкални шаҳарда деб эшитиб, уни роса тит-пит қилишди. Лекин бонэлар айёр чиқиб қолишди. Ҳайкални цемент билан шуваб, бир кичкина ибодатхонага беркитиб қўйишади. Японлар бу ерга ҳам қидриб келишади, лекин ҳеч нарсани тополмай қайтиб кетишади.

— Демак, бу тоза тилладан ясалган экан-да, — деди Гарри кўзларини катта очганча, ястаниб ўтирган Буддага қараб.

— Худди шундай!

Тэк вақти-вақти билан у ёки бу санъат асарига тушунча бериб меҳмонларни зал бўйлаб айлантирди. Гарри ўзини санъат асарлари бўйича билармон ҳисобламаса-да, бу ердаги нарсаларни кўриб оғзи очилиб қолди.

— Мана бу эса, сўзсиз Рай Гигартининг эшик панноларидан бири, — деди Гай гўзал қилиб ишланган паннони кўрсатиб. — Жуда зўр қилиб нусха кўчирилган экан!

— Унинг нусхаси Флоренцияда, мисс Десмонд, бу асл нусха бўлади, — деди Тэк заҳархандалик билан. — Бенвенуто Челлинининг манави ҳайкали ҳам асли, нусхаси эса Флоренцияда.

Лол бўлиб қолган Гай унга ўтирилди, шу вақт кичкина шиша қутичада турган “Боржиа узуги”га кўзи тушди.

— Манави нима? — деб сўради у яқинроқ келиб узукни яхшилаб кўриб олиш учун.

— Цезарь Боржианинг узуги, — жавоб берди Тэк. — Бу номаълум заргар томонидан Боржиалар хонадонининг буюртмасига биноан ясалган. Узукда захар бор. Ривоятларга қараганда, заргар буни оғзидан гуллаб қўймаслик учун қурбон бўлган экан. Миттигина игнача устасининг қўлига санчилиб, ўз қурбонларини узук эгасидан бошлаб ўлдириб берган экан. Қизиқ-а?

— Жоҳилият даври... — Гай билинар-билинемас юзини тириштириб қўйди. — Узук ҳалиям хавфлими?

— Ундай бўлмаса керак, мисс Десмонд! Бунинг учун аввал унинг ичини захарга тўлдириш керак бўлади. Ундан кейин, игнанинг учи ҳалиям ўша-ўша ўткирлигига шубҳам бор.

Тэк ундан ташқари, Тутанхамон тобутидан топилган ажойиб идишни ҳам кўрсатди. Гай билан Гарри қимматбаҳо буюмларни яна ярим соат томоша қилишди. Кейин илтифотли гид соатига қараб уларни тушлик олдидан бирон нима ичиб олишга таклиф қилди. Тэк уларни яна лифтга олиб кириб, тугмаларни боса бошлади. Гарри эса, унинг ҳар бир ҳаракатини эслаб қолишга уринарди.

— Ярим соатдан кейин хизматкор сизларни катта пешайвонга олиб боради, — деди Тэк хайрлашиш маъносида.

Соат етти ярим. Гай билан Гарри пешайвонга чиқишди.

— Ўзимга келишим учун ўткирроқ бирон нима ичиб олишим керак, — деди Гай ўриндикқа чўқаркан.

— Мен ҳам... Иккала залдаги телекамерани кўрдингми?

— Ҳа. Феннел тўртта зал бор деганди, демак, телекамера-ям тўртта бўлиши керак. Лекин Тэк бизга иккита зални кўрсатди.

— Гай, биласанми, биз тузоққа тушганга ўхшаймиз.

Гарри коктейл тайёрлаб, иккита бокалда столга қўйди.

Гай ўйланиб унга қаради.

— Бунга ишонгим келмайди... Агар бизга ишонмаганда ҳамма нарсани очиқ кўрсатмасди.

— Худди ана шу нарса мени хавотирга соляпти. У қимматбаҳо буюмлар бу ерга қандай қилиб келиб қолганини билиб олганимизни жуда яхши тушунади. Уларни бизга нима мақсадда кўрсатяпти? Тугмаларнинг нимага хизмат қилишини, соат механизмини қўрқмай гапириб берапти. Ахир биз

бу ердан кетганимиздан кейин кўрган-билганларимизни ҳаммага ошкор қилишимиз мумкин-ку...

— Гарри қовоғини уйиб индамай қолди, кейин калласини қимирлатди.

— Нима гап? — деб сўради Гай.

— Агар биз бу ердан чиқиб кетишимизга кўзи етганда сирларини бизга ошкор қилмаган бўларди, — дея фикрини яқунлади Гарри.

Гай чўчиб тушди.

— Ахир улар бизни бир умр ушлаб туrolмайди-ку. Бунақа ёмон хаёлларга борма.

— Нимаям дердим. Вақт кўрсатади, бошига тушганини кўз кўрар... ҳозирча бутун умидимиз Кен билан Феннелдан. Улар билан гаплашиш керак.

Гарри ўз хонасига кириб кетди.

Гай ёлғиз қолди. У жуда хавотирга тушиб қолган эди. Нега Каленберг шундай музейини бизга кўрсатишга рухсат этди, деб ўз-ўзига қайта-қайта савол берарди. Эҳтимол, хавфсизлик тизими шу қадар мустаҳкамки, унга бирон зот киролмайди, деб ишониб қўйганмикин!..

Орадан ўн дақиқа ўтиб, Гарри қайтиб чиқди.

— Феннел ҳам бунда қандайдир бир шубҳали нарса бор, деб гумонсираяпти. Темба кийим-кечакларни қўриқлаб жунглида қолибди. Феннелнинг ёлғиз ўзи келади. Агар Каленберг жанг қилгиси келиб қолса, Кен ҳамма вақт бизга ёрдамга келиши мумкин экан.

— Демак, сен Каленберг хавфли деб ҳисоблаяпсанми? — деб сўради Гай.

— Мен бу саволингга уни кўрганимдан кейин жавоб берман, — деди Гарри. — Яна ичасанми?

Соат тўққизда зулус хизматкор уларни олиб кетгани келди.

Каленберг ўз юмшоқ курсисида кутиб ўтирарди. Улар келишгандан кейин Гайни ўзи билан ёнма-ён ўтиришга таклиф қилди.

— Тэк менга сизни “Энимал Уорлдс” журналининг ходими экан, деб айтди, — деди у Гай келиб ёнига ўтиргандан кейин. — Шу тўғрими? Анчадан буён у ерда ишлайсизми?

— Йўқ... Атиги олти ой бўлди.

— Бу журнални муттасил олиб тураман. Хайвонлар оламига жуда қизиқаман. Негадир суратлар остида сизнинг фамилиянгизни ҳечам кўрмаганман?

Гарри бу савол Гайни хижолатга солиб қўймаганидан енгил нафас олди. Гай кулиб қўйди, холос.

— Мен асосан ёрдамчи ишлар билан шуғулланаман, мистер Каленберг. Масъулиятли ишларни топшириш учун ҳали менга ишонишмайди. Мен ғаройиб биноингизни суратга олишим учун рухсат беришингизга умид қиламан. Бу ҳол унинг остига номимни қўйишимга ҳуқуқ беради.

Каленберг уни диққат қилиб кузатди.

— Бунга қулай фурсат келишини бир оз кутасиз, деб умид қиламан. Бу ерларни суратга олиш тақиқланган.

Гай унинг кулранг-қўкиш кўзлари билан кузатиб туришига зўр-базўр бардош берди.

— Ҳатто менгаям-а? Мен нари-бери, шундаям боғингиз билан бинонигина суратга оламан, деб ваъда бераман.

— Афсус, лекин...

Каленберг суҳбат мавзуини ўзгартириш учун ундан музей ёққан-ёқмагани билан қизиқди.

— Жуда зўр! Сизни табриклайман.

Пешайвонда учта зулус пайдо бўлиб, байрамона ясатилган стол олдида туриб қолишди. Шу аснода қорини тўқлаб олган Гинденбург пешайвонга чиқиб келди.

— Қандай чиройли! — деб юборди шодон Гай. — Уни силаб кўрсам майлими?

— Бу билан сиз томондан эҳтиётсизлик қилинган бўларди, — деди Каленберг гепарднинг қулоғи орқасини қашиб туриб. — Эркатоийимнинг табиати инжиқроқ. Айниқса, ноганиш одамлар орасида турганда. Улар жуда гўзал бўлган тақдирда ҳам, мисс Десмонд. — Каленберг аравачасида столга яқин келди. — Энди эътироз билдирмасангиз овқат тановул қиламиз.

Ҳамма стол атрофига ўтирганда Каленберг бехосдан Гарри билан қизиқиб қолди.

— Сиз-чи, мистер Эдвардс, учувчи бўлиб анчадан буён шуғулланасизми?

— Биринчи учишим, — ўйлаб ҳам ўтирмай ёлғонни қалаштирди у. — Мисс Десмонд эса, менинг илк мижозим.

— Тушунарли.

Дастурхонга музлатилган қовун тортишди.

— Десмонд, сиз улкан ҳайвонларни қидириб юрибсизми?

— Ҳа. Чангалзордан учиб ўтаётиб осмонда гаройиб уйингизни кўриб қолдик. Уни яқиндан кўриш иштиёқи юрагимга тинчлик бермади. Мени одобсиз экан демаслигингизга умид қиламан.

— Йўғ-э, нималар деяпсиз! Агар сиз билан танишишни хоҳламаганимда бу ерга кўнишингизга рухсат бермаган бўлардим, бор гап шу. Ҳа, мана шундай ёқимли меҳмонларни қабул қилиш менга ҳузур бағишлайди.

— Бу ерда ўзингизни ёлғиз ҳис этмайсизми? Ахир ҳаммадан ажралиб яшайсиз.

— Менинг ишларим шундай кўпки, ёлғизликни ҳис қилишга, зерикашга вақтим йўқ. Тан олишим керак, сизни сураткаш деб эшитиб жуда ҳайрон бўлдим. Хулқ-атворингиз, кўришингиз сураткашликка эмас, балки манекенчи бўлишга мос келади.

— Топдингиз! Бир вақтлар манекенчи бўлиб ишлаганман, лекин кейин бу касбни ташлаганман. Билсам, сураткашлик қизиқарли экан.

— Мен ҳам бунга қизиқаман, фақат ҳаваскор сураткаш бўлгим келади. Менимча, рангли плёнка билан ишласангиз керак?

Сураткашлик ҳақида ибтидоий тасаввурга эга бўлган Гай бу савол билан йўлдан чиқиб кетган ҳолатга тушиб қолди.

Гарри Гайнинг эсанкираб қолганини сезиб суҳбатга аралашди.

— Мистер Каленберг, боғингизни сайр қилиб юриб ҳарбий кийим кийган зулусларга рўпара келдим... Мен кўрган кинофильмларда... қисқаси, уларнинг кўриниши жуда ёқимли эди.

— Ҳа, менинг қўл остимда бунақа жангчилар юзлаб топилади, — жавоб берди Каленберг. — Уларнинг анъанавий кийимларда юриши менга ёқади. Улар ваҳший ҳайвонларни ва... одамларни ҳам овлашда устаси фаранг овчилар ҳисобланишади. Ҳеч ким менинг мулкимга қадам босолмайди. Улар чангалзорда кечаси-ю кундузи қўриқчилик қилишади.

— Лекин боғда эмас-да, — деди Гарри очикқўнгиллик билан.

Орага жимлик тушди. Гарри бошини кўтариб Каленбергга қараган эди, кўзлари унинг қаттиқ тикилиб турган кўзларига тўқнаш келди. Унинг истехзо билан қараб туриши Гаррини кўзларини олиб қочишга мажбур қилди.



— Йўқ, мистер Эдвардс, улар боғда кечалари қоровуллик қилишмайди. Лекин кундузи бир нечта зулус қўриқчилик қилади, шунда ҳам бу ерда бегоналар бўлган пайтларда.

— Ҳа, жуда ғаройиб экан, — деди Гарри қўлидаги санчқини столга қўяркан. — Балиқ жуда ширин чиқибди!

— Ҳа... — Каленберг бепарволик билан гепардни силади. Уям мамнун бўлиб инграб қўйди.

— Жуда ёқимли хурилларкан! — хитоб қилди Гай. — Анчадан буён сиз билан биргами?

— Уч йилдан ошди. Биз ажралмас дўстмиз, — деди Каленберг Гаррига қараб қўйиб. — Жуда ёқимли хайвон. Таъбир жоиз бўлса, менинг қоровулим. Бир неча ой мукаддам бунга ишонч ҳосил қилдим. Хизматкорларимдан бири ақлдан озиб, менга хужум қилмоқчи бўлганди. У қўлида пичоқ билан хонамга отилиб кириб келди. Менинг олдимга югуриб етиб келмасдан бурун Гинденбург уни бир лаҳзада парчалаб ташлади. Дунёда югуришда гепарднинг олдига тушадиган хайвон йўқ. Сиз буни биласизми, мистер Эдвардс?

Учувчи гепардга қараб қўйиб калласини қимирлатди.

— Билмадим, лекин ростдан ҳам бунга лаёқатли экани кўриниб турибди.

Хизматкор навбатдаги таомни — қандайдир мазали қайлада пиширилган жўжани олиб келди.

— Бу одатий таом эмас, — деди Каленберг. — Уни тайёрлаш усулини Париждаги бир машҳур ошпаздан сотиб олганман. Бу таом сизга маъкул бўлади, деб умид қиламан.

Хизматкор жўжани бўлақлар экан Каленберг гапдан тўхтамади, лекин Гай билан Гарри зохирида хурсанд кўринганлари билан ичларидан зил кетаётган эдилар.

Жўжа ҳақиқатан ҳам мазали пиширилган эди. Шунинг учун иккала меҳмон уни мақтаб-мақтаб тановул қилишди.

Мазали таомдан кейин Гай ўзини анча енгил ҳис қилди. У ҳар хил тоифадаги одамлар суҳбатида бўлган, лекин Каленберг унда ёмон таассурот қолдирди. У ўзини ниҳоят даражада илтифотли тутди, лекин орадаги муносабатни яқинлаштирмади. Гай унинг эътиборини унчалик тортмаганини тушуниб етди. Шунга қарамасдан суҳбат мавзуини хавфли томонларга бурмасдан хуш-хандон чақчақлашиб ўтирди.

Улар қаҳва ичиб ўтиришганда пешайвонда Тэк пайдо бўлди.

— Узр, сэр. Телефонда мистер Востер сизни йўқлапти.

— Э-ҳа, буткул унутибман. Айтиб қўйинг, ўн дақиқадан кейин яна қўнғироқ қилсин.

Тэк таъзим қилиб чиқиб кетди.

— Узр, мисс Десмонд, бизда иш шунақа. Бошқа кўришолмасак керак деб қўрқаман. Суратга олдирмаганимга хафа бўлманг. Таомдан кўнглингиз тўлган бўлса керак, деган умид-даман.

Меҳмондорчилик учун миннатдорчилик билдириб Гай билан Гарри ҳам ўринларидан туришди. Каленберг уларга ғалати қараш қилиб қўйди. Кейин бошини қуйи эгди ва ўриндиғига ўтирди-да, Гинденбург ҳамроҳлигида пешайвонни тарк этди.

У ўз хонасига келганда Тэк уни кутиб ўтирган эди.

— Раҳмат Тэк, манови иккаласи асабимни бузаяпти. Аёл сўзсиз жуда гўзал, лекин аҳмоқ. — Каленберг ёзув столига энгашди. — Уларни кузатяпсизларми?

— Ҳа, сэр.

— Анави учтасини-чи?

— Йўлбошловчини йўқотдик. Феннел билан Жонс қоянинг устида туриб дурбинда бинони кузатишяпти. Улар Гарри билан радио орқали боғланиб туришибди. Гапларини тугтиб оляпмиз. Бу ёққа Феннелнинг ёлғиз ўзи келади. Жонс қояда қолади. Эдвардс шубҳага тушиб қолган, эҳтиёт чораларини кўряпти.

— Ақлини ишлатибди. Ҳаммаси яхши, Тэк. Ўз ётоғингизга кетишингиз мумкин. Яна озгина ишлайман-да, одатдаги вақтда ётиб ухлайман. Бошқа ходимлар ҳам ўзларини эркин сезаверишсин.

Тэк хайрон бўлиб унга қаради.

— Сэр, шу ишингиз тўғримиқан?

— Бу ерда қоровуллар ва Гинденбург қолади. Шунинг ўзиям керагидан ортик. Яхшиси, ўзингизни ҳеч нарсани пайқамагандек тутинг, — деди Каленберг Тэка жиддий қараб. — Яхши ётиб туринг.

Каленберг шундай деб кундузги почта билан келган хатларни кўздан кечира бошлади. Бир оздан кейин кимдир эшик тақиллатди.

— Киринг, — деди Каленберг қовоғини уйиб.

Хонага Кемоз кирди.

— Нима гап, Кемоз?

— Хожам, боғбонларингиздан бири — Цвид оламдан ўтди.

— Ўлди? Нега? — хайрон бўлиб сўради Каленберг.

— Билмайман, хожам. Доимо соғлиғидан шикоят қилиб юрарди, аввалига унга ҳеч ким эътибор бермади. Кейин то-

моғим ёниб кетяпти, деди. Орадан бир неча дақиқа ўтиб "гурс" этиб йиқилди-ю, жон берди-қўйди.

— Ғалати... Расм-русумини қилиб дафн этинглар. Назаримда, хотини бундан хурсанд бўлса керак. Ундан айрилиш катта йўқотиш бўлмайди.

Кемоз хожасига тикилиб турди-да, кейин унга таъзим қилди.

— Нима лозим бўлса, шуни қиламан, хожам.

У эшикни аста ёпиб чиқиб кетди. Каленберг ўриндиққа суяниб олди. Унинг лабларида нимтабассум ўйнади.

Табиб уни алдамабди — узук яна ажал уруғини сочишдек ўз вазифасини адо этишга киришибди.

Гай билан Гарри ётоқхоналарига келишлари билан ҳамма эшиклар ва даҳлиз деворлари қулфланган, кондиционерлар ўчирилганлигини кўришди.

— Ҳаммаёқ қулфланган! Жин урсин, Феннел бу ёққа қандай қилиб киради энди?

— Мен ҳамма вақт омадга ишониб яшаганман. Наҳотки улар ҳамма эшикларни очиқ қолдириб кетишади, деб хомхаёл қилган бўлсанг? Хўш, буёғига нима қиламиз энди?

— Буни Феннелга маълум қиламиз. Эшикларни бузиб кириш унинг вазифасига киради. — Гарри ўтириб Гайга юзланди. — Каленберг ҳақида фикринг қалай?

Гай елка қисди.

— У менга ёқмади. Эҳтимол, унга маъқул келмагандирман. Мен бировга маъқул келмасам, у менинг эътиборимни қозонолмайди. — У мулойим кулиб қўйди. — Сенинг фикринг-чи?

— У хавфли одам, — хотиржам деди Гарри. — Дейиш мумкинки, ўта хавфли. Назаримда, бизга "совға" тайёрлаётганга ўхшайди. Тўла ишонч билан айтолмайман-у, лекин бизни қандайдир даҳшатли тузоққа туширишни режалаб қўйган. Бироқ, ҳар қандай вазиятда ҳам шу ергача етиб келган эканмиз, узукни қўлга тушириш учун уриниб кўрмаслик аҳмоқлик бўлар эди. Кечаси боғни ҳеч ким кўриқламайди, деб бизни лақиллатмаганмикин, ана шуни билгим келяпти. Айтмоқчи, буни Феннелга айтиб қўйиш керак.

— Нима учун сен...

Унинг кўзларини кузатиб турдим. Одамнинг кўзи ҳамма вақт кўнглидагини ошкор қилиб қўяди. Бунинг устига, агар ростдан ҳам руҳан носоғлом бўлса, ақлиям унчалик жойида эмас.

— Гарри, нималарга каллангни қотираётганингни худо билади! Ишончим комил, бекорга хавфсираяпсан. Агар биздан шубҳаланганда ҳеч қачон музейини очиб кўрсатмаган бўларди. Агар унинг рухиятида касаллик бўлса, бу мажруҳлиги оқибатида содир бўлган. Ҳамма мажруҳ одамлар ўзларининг тўлақонли соғлом бўлмаганлари учун қаттиқ ўқинишади.

— Эҳтимол, сен ҳақдирсан, — Гарри шундай деб елкасини қисиб қўйди. — Ҳамма ишлар худди хамирдан қил суғургандай осон кўчяпти.

— Лифтга чиқасанми?

— Албатта! Агар ишламаса, у ерга қандай етиб боршимизни тасаввур қилолмайман. Яна ярим соат кутаман-да, текширгани чиқаман.

Гарри эшикка бориб, уни озгина очди. Йўлак бўм-бўш, нақ музейгача кўриниб турарди.

— Яқин атрофда ҳеч зог йўқ, — маълум қилди у меҳмонхонага кираркан. — Агар у ерга борганимда, мабодо Тэкми ё бошқа бирон хизматқорми, йўлакда кўриниб қолса, ҳаммаси тамом бўлди деявер. У ердан ҳатто пашшаям яширинишга жой тополмайди.

— Кўриб қолишса уйқусираб чиқиб кетибман, уйқумда юрадиган касалим бор, дейсан.

Гарри унга ўпкалаб қараб қўйди.

— Гай, тушун, бу бари жиддий гап. Биз қўлга тушиб қолсак, ҳаммаси барбод бўлади, наҳотки буни тушунмаётган бўлсанг.

— Бирон нима ўйлаб топармиз!

— Майли, сенингнича бўла қолсин, — тўсатдан розилик билдирди Гарри. — Кел, сени бир ўпиб қўяй.

— Фақат ҳозир эмас — биз ахир ишляпмиз-ку.

Гарри бир оз иккиланиб тургандан кейин юмшоқ курсига чўкди.

— Агар бу ердан эсон-омон чиқиб кетсанг, ҳиссангдаги пулни нима қиласан?

— Электрончилар курсига кириб ўқиқоқчиман. Бир умр ўқишни орзу қилиб келгандим, бунинг имконияти бўлмаганди. Чалик берган пул билан тўла курсни битираман. Кейин ёғлироқ иш топиб оламан. Ҳозирги кунда электрончилар ҳамма жойда ҳаводек зарур...

— Бундай орзуларга боришингни ҳечам ўйламагандим. Бирор фанга тиш-тирноғинг билан ёпишингни билмагандим. Уйлангинг келмаяптими?

— Келяпти... Фақат гувоҳнома олганимдан кейин.

— Мўлжалингдаги қиз борми?

Гарри кулиб қўйди.

— Бор десаям бўлади.

— Ким экан у?

— Уни танимайсан. Бир қиз-да энди. Муносабатларимиз чакки эмас.

Гарри кулиб юборди.

— Барибир сен менга тегмаган бўлардинг.

— Нега бундай деб ўйлаяпсан?

— Гапим рост-ку, тўғрими?

— Ҳа. Сен ҳақсан... Электрончи муҳандисга турмушга чиқишни орзу қилмаганман. Бирон-бир бойни топаман-да, еганим олдинда, емаганим ортимда бўлиб яшайман.

— Шуни билганим учун Тонини маъқул кўрдим.

— Ўша қизнинг исми шундайми?

Гарри калласини қимирлатди.

— Нимаям дердим, бахтли бўлинглар. У билан бахтли бўласан, деб умид қиламан.

— Раҳмат. Сенам ўз бахтингни топиб олишингга ишонаман. Фақат пулга кўпам майл қўяверма.

Гай ўйланиб қолди.

— Пулсиз ҳаётнинг маъноси йўқдай кўринади менга.

Гарри сигаретини ўчириб, шифтга қаради.

— Бу пул дегани, албатта зарур нарса, лекин... — У қўли билан чиройли хонани кўрсатди. — Мана буларсиз ҳам яшаса бўлади.

— Бу борада менинг фикрим бошқача.

— Худди шу ерда биз бир-биримиздан фарқ қиламиз... — Гарри соатига қаради. — Лифт қалай экан, бориб кўриш керак.

Гай ўрnidан турди.

— Мен ҳам сен билан бораман. — У бир оз сукут сақлади. — Агар биронтасини учратиб қолсак, сайр қилиб юрвдик деймиз.

— Баҳонамиз бир оз содда, албатта, лекин бундан бошқа иложимиз ҳам йўқ.

Улар йўлакка чиқиб тўхташди ва атрофга кулоқ солишди. Кейин тезлик билан ниқобланган лифт томонга кетишди. Гарри деворга яқин келиб қўли билан тугмачаларни пайпаслаб бир зумда топди. Девор икки томонга ажралди. Улар иккиси бир-бирига қараб олишди. Гарри Гайга шу ерда қол деб имо-ишора қилди, ўзи эса лифт эшигига борди, лифт овоз-

сиз очилди. Гарри лифтга кирди-да, Тэк айтгандек қилиб кизил тугмачани босган эди, сигнализация ўчди. Кейин кўк тугмачани босди. Лифтнинг эшиги ёпилиб пастга тушиб кетди. Лифт бинонинг остига тушгандан кейин Гарри яна кўк тугмани босди ва лифт яна юқорига кўтарилди бошлади. Шундан кейин у девор рахтидаги тугмани босган эди, девор ёпилиб, лифт ичкарида қолди.

Гай Гаррининг қўлидан тутди-ю, индамай ётоқхонагача борди.

— Демак, лифт кўнгилдагидек, — деди Гарри эшикни ёпиб. — Энди Феннел бинога киришнинг уддасидан чиқиб, музейнинг эшигини очишини кутиб ўтиришимиз қолди.

Яна ўн беш дақиқа кутиб Гарри передатчикни ишга солди.

Феннел шу заҳоти алоқага кирди.

Гарри вазиятни қисқа тушунтириб берди.

— Бинонинг чап тарафидаги чироқ ҳозир ўчирилди. — Феннел маълумот берди. — Фақат сизларнинг деразаларингиз ёритилган.

— Каленберг кечаси боғ ёритилмайди, деб айтди. Лекин унинг гапига ишонмайман. Ниҳоятда ҳушёр бўлиб ҳаракат қил. Ҳамма эҳтиёт чораларини кўр. Яқин атрофда кўрикчи зулуслар юрган бўлиши мумкин.

— Эҳтиёт бўламан. Олдингизга етиб боришим учун бор-йўғи ярим соат кифоя қилади. Зудлик билан йўлга тушаман. Биз белги бермагунимизча Кен шу ерда туради.

— Ҳамма гапингизни тушундим, — деб Гарри передатчикни ўчирди. — Феннел йўлга тушди, — деди Гарри Гайга. — Бинодаги ҳамма ёруғ жойлар ўчирилган. — У каравот бошидаги тунги чироқни ёқиқлигича қолдириб, шифтдаги чироқни ўчирди. Шу он ой ҳам булутлар ортига беркинди. Унинг кўзи қоронғиликка ўргангунча бир неча дақиқа ўтди.

— Яхшиси, биз бу ердан тўппа-тўғри Менвиллга учганимиз маъқул, — деди Гай. — Бориб кийиниб олай.

У ётоқхонасига кириб эгнига кўйлак билан шорт кийиб олди. Қайтиб чиқса, Гарри ҳам кийиниб олишга улгурибди. Улар узун юмшоқ курсига ўтириб Феннелнинг келишини кута бошлашди.

Бирдан Гарри Гайнинг қўлини ушлаб олди.

— Ана Феннел!

У ирғиб туриб деразага борди. Феннел қоронғилик қаъридан худди арвоҳдай бир кўриниб, тескари тарафдаги деразага яқинлашди. У Гаррига имо қилиб асбобларни ерга қўйди-да, пешайвоннинг эшиги олдига келди. Электр чироғини ёқиб қулфга тикилди. Кейин Гаррига қараб бош бармоғини кўтарди ва қопчиқдан қулфочқич асбобини чиқарди.

Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай пешайвоннинг эшиги очилди-ю, Феннел хонада пайдо бўлди. У Гайга қараб ҳам қўймади, уни Гарри қизиқтирарди.

— Бу ерда кунингизни ёмон ўтказмабсизлар, тўғрими? — деди у хонани кўздан кечириб. — Мана бу лаънати йўл Кен иккаламизнинг она сутимизни оғзимизга келтирди.

— Тезда ҳаммаси унут бўлади, — жавоб берди Гай кулимсираб.

Феннел қовоғини солиб тескари қаради.

Гай Феннелнинг кайфияти бузилганини кўриб, уларнинг суҳбатларига аралашмасликни маъқул кўрди.

— Лифт қаерда? — қизиқди Лео. — Иш икки-уч соатга чўзилиши мумкин.

— Ундай бўлса, сен шу ерда қолганинг маъқул, — деди Гарри қизга қараб.

Гай хўп дегандай бош силкиб қўйди.

— Телевизион камера масаласи қандай? — сўради Феннел.

— Уни музейнинг иккита залида кўрдим, лекин бошқалари қаерда, улар ишлайдими-йўқми, бу ёғини билолмадим.

Феннелнинг юзида ғазаб учқунлари пайдо бўла бошлади.

— Бу сизнинг вазифангиз доирасига қиради!

Гарри эшикнинг олдига келди, кейин уни ярим очди-да, Феннелни имлади.

— Мана, қаранг. Мана шу йўлакда ўттиздан ортиқ эшик бор. Уларнинг ҳар бирида кузатиш жойи бўлиши мумкин. Лекин уларнинг ҳар бирини навбат билан очиб текшириб чиқолмайман-ку. Бокқа кирганингизда бирон-бир зулуста кўзингиз тушмадими?

— Йўқ. Энди уларнинг нима аҳамияти бор. — Агар боғни кўриқлашмаса, бундан чиқди, телемарказ тунда ишламаслиги аниқ бўлади.

— Лекин у ерда навбатчи қоровул бор. Биз бўлсак, жиноят устида қўлга олинишимиз мумкин.

— Телемарказнинг бор-йўқлигини қандай аниқлаш мумкин, билмайсизми?

Феннел ўйланиб туриб, елкасини қисиб қўйди.

— У истаган жойда, ҳатто бутун ҳудуд бўйлаб қуриб ташланган кулбалардан бирида бўлиши ҳам мумкин.

— Хўш, нима қилдик? Унда таваккал қиламиз-у, узукни қўлга туширамиз, ё узуксиз қайтиб кетамиз?

— Розимисиз?

— Розиман.

— Унда бошладик!..

Улар Гайни қолдиришиб, йўлак бўйлаб кетишди. Орадан ярим соат ўтмай лифтда пастга тушишди. Подвалда Гарри унга лифтда жойлашган телекамерани кўрсатди.

— Кўряписизми?

Феннел объективнинг олдига ўтиб қаради-да, енгил нафас олди.

— Ўчирилган.

— Аниқми?

— Ҳа.

Гарри терлаб кетган кафтини шортига артди.

— Манави музейнинг эшиги. Сизга ёрдам бера оламанми?

Феннел эшикка яқин келди.

— Буни ўзимга қўйиб беринг. Бир оз вақт кетади, лекин эшикни очиш қўлимдан келади.

У қопчиғини очиб асбобларни ерга териб қўйди. Гарри эса, чарм ўриндикқа ўтириб чекди ва ўзини босиб олишга уринди. Феннел тез, лекин эҳтиётлик билан ишларкан, тишлари орасидан аста ҳуштак чалиб қўярди. Бирмунча вақт ўтгандан кейин Гарри тоқати тоқ бўлиб ўрнидан турганча бино бўйлаб бориб кела бошлади. У сигарета устига сигарета чекарди. Орадан бир соатлар чамаси вақт ўтгандан кейин сабри чидамай.

— Хўш, қалай? — деб сўради.

— Вақт кўрсаткични бартараф қилдим, — деди Феннел пешонасидаги терни артиб ташларкан. — Энг қийин иш ортада қолди. Энди қулф билан шуғулланишим керак.

Гарри яна ўриндикқа чўкиб, чидам билан кутишга мажбур бўлди. Орадан бир соат ўтди. Ниҳоят, Феннел ишидан қониқиш ҳосил қилиб овоз чиқариб қўйди.

— Мана, бўлди.

Гарри унинг олдига югуриб борди.

— Сиз бу ишни мен ўйлагандан ҳам кўра вақтли бажардингиз.

— Омад юришиб қолди, холос. Бир вақтлар бунақа қулфни очиш учун беш соат вақтим кетганди. — Феннел қаддини



ростлаб эшикни ўзига тортди. — Узук қаерда турганлигини биласизми?

— Ҳа, сизни у ерга олиб бораман.

Феннел асбобларни тез-тез йиғиштириб олди. Улар ичкари киришди-ю, суратхонада бўлиб қолишди. Гарри олдинда борди. У биринчи залдан ўтиб иккинчи залга кирди ва шиша қутичалар томон йўналди. Кейин бирдан тарвузи қўлтигидан тушиб, тўхтаб қолди.

Шиша қутичада узук йўқ эди.

— Нима гап? — хавотирга тушди Феннел.

— Узук... Узук йўқ... — ҳайкириб юборди Гарри қуриб қолган лабларини ялаб. — Шу ердайд, ғойиб бўлиб қолибди!..

Гарри Феннелнинг юзларида зохир бўлган ўзгаришни кўриб жимиб қолди. У беихтиёр Феннел қараб қотиб қолган та-рафга кўз ташлади. Не кўз билан кўрсинки, улар кириб келишган томонда устларига қоплон терисини ёпинган тўртта баҳайбат зулус қўлларида найза ушлаганча турарди.

— Сизлар биз билан юришингизга тўғри келади, — деди улардан бири инглиз тилида ярим-ёрти қилиб.

— Гап оҳангини қара, ҳақиқий полициячиларга ўхшайди-я! — деди Гарри қоровулларнинг олдига яқинлашаркан.

Феннел бир зум ўйлаб тургандан кейин манави қўрқинчли одамлардан қутулишнинг заррача имкони йўқлигини тушунди. Кейин тушунарсиз сўзлар билан сўқиниб, ердан қопчигини олди ва Гаррининг ортидан эргашди.

Гай кутавериб вақт ўтган сари унинг хавотирлиги орта борди. Дақиқалар йилдай туюларди. У ташвишланиб хонада у ёқдан-бу ёққа тинимсиз бориб келаркан нуқул ўзига битта — Феннел бўйнига юкланган вазифани уддалай олармикан, деган саволни берарди.

Орадан бир соатдан ошиқ вақт ўтди. У иш оғир, узоқ вақт-ни талаб қилади, деб ўзини юпатарди. Энди бўлса, негаям эркаклар билан бирга кета қолмадим-а, дея афсуслана бошлади. Узоқ кутиш тоқатини тоқ қилди.

Кутилмаганда эшикнинг енгил чертилгани эшитилди. Гай буни Гарри деб ўйлаб югуриб борди.

Лекин эшикни очиши билан рўпарасида гавдали зулусга кўзи тушди. Чироқ нури унинг қоп-қора юзига тушиб, қўлидаги найзасининг учини ялтиратиб юборди.

Гай қўрққанидан қичқириб, ўзини бир қадам орқага ташлади-ю, оғзини беркитиб олди. Зулус:

— Сиз мен билан бирга боришингиз керак, — дея бир қадам орқага чекинди.

— Сизга нима керак? — овози қалтираб сўради Гай.

— Хожам сизни кутяпти! Юринг!

Гай бир зум тараддудланди. Демак, Гарри ҳақ бўлиб чиқди: улар тузоққа тушишибди. Энди зулуснинг амрига бўйсунибдан бошқа илож қолмади.

Гай мағрур қадам ташлаб йўлакка чиқди. Зулус найзасининг учи билан йўлакнинг охиридаги икки табақали эшикни кўрсатди. Гай қочиб қолиш бирон натижа бермаслигини тушунди ва итоаткорона кўрсатилган томонга қараб кетди.

Эшик табақалари улар яқинлашганда ўз-ўзидан очилиб кетди. Гай зулусга назар ташламай хонага кирди. Юраги дуқиллаб урар, томоғи қуриб, қақраб кетган эди.

Каленберг кўлида сигарета, каттакон стол ортида бемалол ўтирарди. Унинг ёнида Гинденбург ҳайкалдай қотиб қараб турарди.

— О, мисс Десмонд келибдилар-да, — қарши олди уни Каленберг. — Илтимос, яқинроқ келинг. Жуда ғалати томошани кузатиб тургандим.

Гай яқин келиб унинг олдида экрани чоғроқ монитorni кўрди. Каленберг Гайни кириб келгандан буён ундан кўзини узмай қараб турган Гинденбург тарафдаги ўриндиққа ўтиришга таклиф қилди.

— Ўтиринг ва томоша қилинг.

Гай кўлини кўкрагига чалмаштириб ўтириб монитор экранига қаради. Унинг юраги сиқила бошлади. У экранда музейнинг эшиги олдида чўнқайиб турган Феннелни кўрди.

— Ҳозир у шу топда менинг тенги йўқ кулфимни очмоқчи бўляпти! — тантанавор деди Каленберг. — Лекин кулфни тайёрлаб берган фирма, бу кулфни одам боласи очолмайди, деган эди.

Шу он Феннел ўрнидан турди.

— Мана, бўлди! — деди у. Унинг бир оз бўғиқ овози динамикдан аниқ эшитилди.

— Дўстингиз жуда уddaбурон экан, — деди Каленберг. Унинг кўзлари ўтдай ёнарди. — Буни очолмайди деб ўйлагандим. Мана, кўриб турганингиздек, у буни уddалади.

Гай индамади.

— Одатда, биз лифтни ўчириб қўямиз! — деди Каленберг ўриндиққа суяниб экрандан кўзини узмай. — Лекин унинг қандай мохирлик билан музейга кириши мени қизиқтириб қолганди. Энди кулфни тайёрлаб берган фирма билан жиддий гаплашиб қўйишимга тўғри келади. Унинг кулфи икки пулга қиммат экан.

Улар Феннел билан Гаррининг қандай қилиб музейга киришганини томоша қилиб ўтиришди. Кейин Каленберг телекамеранинг бошқа томонга оладиган тугмасини босди.

— Дўстларингизни олдиндан чўчитиб қўймаслик учун қоровулхонани ўчириб қўйгандим. Энди уларни кўнгилсиз совға кутиб турибди.

Каленберг олдинга эгилиб монитorni ёқди.

Экранда иккала эркакнинг тасвири пайдо бўлди. Шу он Феннел “Нима бўлди?” деб сўради.

— Мисс Десмонд, бир неча дақиқадан сўнг улар шу ерда бўлишади.

У Гайга олтин портсигарни тутди.

— Чекасизми?

Гай беихтиёр сигарета олиб зажигалкадан ёндирди.

— Айтмоқчи, мистер Чаликнинг аҳволи қалай?

У кизни эсанкиратиб қўймоқчи эди, лекин бунинг уддасидан чиқмади. Гай зоҳирида ҳеч қандай ифода акс этмаган ҳолда шундай деди:

— Мен уни охириги марта кўрганимда кайфияти чоғ эди.

— Шундай бўлса-да, ўзининг ифлос ишлари билан шуғулланаверадимми?

— Бунисини билмайман. У доим баъзи нарсалар билан шуғулланиб юрди, лекин бу мени унчалик қизиқтирмади.

— Унинг ифлос ишларига чек қўйиш вақти келди. — Каленбергнинг кўзларида пайдо бўлган ғалати ифодани кўриб, Гаррининг унинг акли ноқис деган гапи эсига тушди. — Чалик қуюшқондан чиқиб кетди.

— Шундай деб ўйлайсизми? Шахсан мен унинг бошқалардан кам жойи йўқ деб ҳисоблайман, — совуққина эътироз билдирди Гай. — Сиз ўзингиз ҳам, мистер Каленберг, ўшанақа одамлар тоифасига кирасиз-ку.

Унинг бир оз кўзлари қисилди.

— Мисс Десмонд, шундай деб ўйлашингиз сизга бирон наф келтирадимми?

— Тэк, музейдаги нарсаларнинг бари асл нусха деб ҳисоблайди. Флорида муниципалитети Бенвенутонинг скульптура-

сини сотиб юборишига ишонмайман. Шуниям яхши биламанки, Боржиа узугини сиз ўғирлаб олгансиз. Кейин, Чалик дингизга қанчалик ёқмаса, сиз ўзингиз ҳам музей учун шундай ёқимсиз деймизми ё ўринсиз шахс деймизми, шундай шахссиз.

Каленберг кулиб қўйди.

— Ҳа, музейимдаги ҳамма нарсалар ўғирлаб келтирилган, буни тан оламан. Мен чиройли нарсаларни яхши кўраман, гўзаллик шайдосиман. Гўзалликка бой Европани бориб кўриш учун ишим кўп, банд эканман, шунинг учун бу гўзалликни ўз ёнимда сақлашни маъқул кўраман. Чалик эса, гўзалликдан баҳра олиш учун эмас, уни пуллаш учун ишлайди. Шунинг учун унинг фаолиятига барҳам бергим келади.

— Шубҳасиз, у пулга муҳтож. Сизда эса пул дегани керагидан ортиқ. Эҳтимол, сиз ҳам пулга муҳтож бўлганингизда унинг изидан юрган бўлардингиз.

Каленберг кўлидаги сигаретани кулдонга эзиб ўчирди. Гай унинг хотиржам тутиш учун ўзини зўр-базўр тутиб турганини сизди.

— Сиз жуда жўшқин аёл экансиз, мисс Десмонд, — гапни давом эттирди Каленберг. — Агар Чалик сиз уни ҳимоя қилаётганингизни билганда эриб кетарди, бунга имоним комил.

— Мен уни ҳимоя қилмайман. Фикримни айтдим, холос. Сизларнинг бир-бирингиздан фарқингиз йўқ.

Шу он эшик очилиб, Феннел билан Гаррини олиб киришди. Тўртгала зулус ҳиссиз кўзларини Каленбергга тикканча остонада қолишди. Каленберг уларга кетаверинглар дегандай имо қилди. Жангчилар унинг буйруғига бўйсунишди.

— Жаноблар, яқинроқ келиб ўтиринглар. Кўриб турганингиздек, мисс Десмонд менинг ёнимда ўтирибди.

Гарри ўриндиққа яқин келиб, унга оғир чўкди. Феннел эса, кўзларини Каленбергга ғазабнок тикканча жойида туриб қолди.

— Илтмос, мистер Феннел, ўтиринг, — таклифини такрорлади Каленберг. — Сизларни табриклашга рухсат этинг. Мен музейнинг эшигини ҳеч ким очолмайди, деб ҳисоблардим, шундай бўлса-да, сиз бунинг уддасидан чиқдингиз. Мақтовга сазовор иш қилдингиз!

— Мақтовга зор эмасман, — ғазабланди Феннел. — Биз узукни олгани келгандик, лекин бу қўлимиздан келмади. Энди куруқ қайтиб кетамиз, бунга тўсқинлик қилишга ҳақингиз йўқ.

— Сизлар, шубҳасиз, қайтиб кетасизлар. Лекин кетишингиздан олдин бир масалага ойдинлик киритиб олишим керак.

— Сиз билан ҳеч қандай масалани муҳокама қилмайман! — гижинди Феннел ғазабдан кўкариб кетиб. — Кетдик! — деди у Гарри билан Гайга. — Улар бизни ушлаб туришга ҳақлари йўқ!

Феннел келиб эшикни очмоқчи бўлди, лекин очолмади. Ўгирилиб Каленбергга ғазаб билан тикилди. — Эшикни очинг, бўлмаса, бўйнингизни синдираман!

Каленберг қошини чимирди.

— Бу сизга жуда қимматга тушади, мистер Феннел. — У шундай деб тилини тапиллатиб қўйган эди, Гинденбург даҳшатли хириллаб Феннелга аста яқинлаша бошлади.

Феннел орқага тисланди.

— Сизларни ишонтириб айтаманки, менинг ардоқли ҳимоячим агар рухсат берсам бир зумда танангизни бурдалаб ташлайди. Ўтирсангиз-чи!

Феннел Гаррининг ёнига бориб жимгина ўтиришдан бошқа илож тополмади.

— Ташаккур. Мен шунча уринишларингиз беҳуда кетишини истамаган бўлардим. Мисс Десмонд узукни ўғирлаб олгансиз, деб таъна қилишга ҳам улгурди. Шунча узоқдан-узоқ йўлни не-не машаққатлар билан босиб келган экансизлар, узукни сизга бериб юбораман. Лекин бунинг маълум шартлари бор.

Каленберг стол ғаладонини тортиб, ундан шиша қутичани олди. Унинг ичидаги узукни ҳаммага яхши кўринадиган қилиб столга қўйди.

Гарри Феннелга бу ўша узук деб боши билан ишора қилгандан кейин Феннел Каленбергга қаради.

— Сиз қандайдир шартлар ҳақида гапиргандек бўлдингизми? — деди.

— Мисс Десмонд, менинг атрофимни ўраб турган бойлик кўнглимга таскин бериб яхши ҳаёт кечиришимни кафолатлай олмайди. Кўриб турганингиздек, мен ўриндиққа михланган мажруҳ одамман, ёшлигимда ов қилишга жуда қизиқардим. Бироқ қувватсизлигим сабабли бу мен учун етиб бўлмайдиган орзу, армон бўлиб қолган. Ҳамма қатори тўлақонли бир инсон бўлмаганимни эслаб эзиламан. Мендай одамнинг қўлида шунча бойликнинг тўпланиб қолиши баттар эзади.

— Бу гапларнинг нима кераги бор, — сабрсизлик билан деди Феннел. — Яхшиси, ҳалиги шартингиз ҳақида гаплашайлик.

Каленберг ҳатто унга қараб ҳам қўймади.

— Мана, Боржиа узуги, — деб у қўлига шиша қутичани олди-да, уни Гайга узатди. — Агар узук Чаликнинг қўлига етиб борса ҳар бирингиз тўққиз минг доллардан олишингиз кераклиги менга маълум. — Каленберг алам билан кулиб қўйди. — Кўриб турганингиздек, менинг жуда забардаст жосусларим бор. Тўққиз минг. Бу жуда катта пул. Сиз ҳаммангиз узук Чаликнинг қўлига тушишидан манфаатдорсиз...

— Сиз... узукни бизга бериб юборасизми? — чидолмади охири Феннел.

— Узук мисс Десмонднинг қўлида турибди. Энди эса сиз уни Чаликка олиб бориб топширинглар. Бунинг учун сиз менинг мулкимдан эсон-омон чиқиб кетишингизга тўғри келади.

— Ие, шунақа денг-а! — чўзиб деди Феннел. — Бу билан ҳалиги ёввойиларингиз бунга тўсқинлик қилади, демоқчимисиз?

— Тўппа-тўғри. Агар бунинг уддасидан чиқишолса. Мен, дейишим мумкинки, учалангизга, яна қояда сизни кутиб турган Жонсга, ов ташкил қиламан. Ҳа, ов. Сизлар ўлжа — зулусларим овчилар бўлишади. Сизлар бунга менга ўхшаб, яъни қизиқарли ва мароқли ўйинга қарагандай қарашингиз керак. Сизларга эса, овчилардан қутулиб кетишингиз учун уч соат вақт бераман. Сиз бу ердан соат тўртда, тонг ёришган вақтда чиқиб йўлга тушасизлар, қутулиб кетишларингизнинг йўли оёқларингизнинг югуриклигига боғлиқ. Роппа-роса соат еттида сизларни зулуслар таъқиб қилишга тушишади. Уларнинг чангалидан чиқиб кетолсангиз — узук сизники — ҳалолингиз бўлсин.

— Буни жиддий гапиряпсизми? — сўради Гарри.

— Мутлақо жиддий ва бунга омадингиз ёр бўлиб, зулусларнинг қўлидан чиқиб кетолсангиз, ишонч ҳосил қиласиз.

— Тасаввур қилайлик, агар тутиб олишса... бизни қандай жазо кутяпти?

— Бунда жуда қизиқ томоша бўлади, мистер Эдвардс. Агар зулуслар тутиб олишса, сизларни дўзах азобида қийнаб ўлдиришади. Улар жуда содда одамлар. Чак уларга бошлиқ бўлганидан буён асирга олинган одамларни анъана бўйича қозикқа ўтқазишади.

Гарри ковоғини солиб олди.

— Тутиб олишса, бизни шу қисмат кутиб турибдими?

— Тўппа-тўғри.

Орага узоқ сукунат чўкди. Яна жимликни Гаррининг ўзи бузди.

— Демак, сиз бу овни вужудингиздаги одам зотини азоб-лаб ўлдириб, ҳузур қилишга бўлган майлингизни қондириш учун уюштираркансиз-да.

Каленберг қип-қизариб кетди, у сермулозамат одамдан бир зумда савдойи одамга айланиб қолди.

— Мен сизларга бировнинг хонадонига бостириб киришнинг оқибати қандай бўлишини кўрсатиб қўймоқчиман. Бу ерга кириб келиб, мендай одамга чўпчак айтиб лақиллатишга журъат этдингиз! — унинг юзи ғазабнок тусга кирди. — Энди бунинг жазосини оласиз.

Каленберг вужудини эгаллаган ғазаб ўтиб кетгунча ўриндикда қимирламай ўтирди.

— Сиз менинг музейимни кўриб қўйдингиз, энди сизлардан қутулишим лозим. Шунга ишонаманки, биронтангиз ҳам овчиларнинг қўлидан омон чиқиб кетолмайсиз. Сир сақлашда ўликлар энг ишончли гувоҳ ҳисобланади!

— Унда нега бизга узукни бердингиз? — деб сўради Гарри Гайга тузоққа тушиб қолдик деганида ва Каленберг ақли ноқис одам дея огоҳлантирганида нақадар ҳақ эканлигига ишонч ҳосил қилиб. — Одамларингизни чақириб бизни шу ердаёқ ўлдириб қўя қолсангиз бўлмайдими?

— Мен овдан лаззат олишим керак. Агар овдан омон-эсон чиқиб кетолсангиз узукка эгалик қилишга ҳақли бўласизлар. Лекин аввалдан огоҳлантириб қўяй, қутулиб кета олишингиз учун имкон жуда кам.

— Агар биз сизга ҳеч кимга айтмаймиз, деб онг ичсак ва узукни қайтарсак, вертолётда қайтиб кетишимизга имконият берасизми? — сўради Гарри.

— Йўк! Вертолёт ҳақида ҳеч қандай хомхаёлга борманг. Уни жуда яхши кўриқлаб туришибди. Эртага ишончли учувчиларимдан бири уни сиз вақтинча олган компанияга олиб бориб беришади.

Каленберг махфий механизмларнинг тугмасини босган эди, деворда панеллардан бири сурилиб кўз олдида мулкининг харитаси намоён бўлди.

— Бу мулкининг харитаси. Сизга яна битта энг муҳим маълумотни бермоқчиман. Агар ов бир неча соатда ниҳояси-

га етса, хафа бўлардим. Мен овнинг бир неча кун давом этишини истардим. Хуллас, харитага диққат қилиб қараб олинг ҳамда уни яхшилаб эслаб қолинг. Шарқий томондан йўл тизма тоғлар билан ўралганлигига эътибор қилинг. Агар энг зўр альпинистларга ўхшаб тайёргарлик кўрган тақдирингизда ҳам сизларга бу томондан кетишни маслаҳат бермаган бўлардим. Бунинг устига, зулуслар энг тикка жарликларда ҳам кийикдай сакраб юра олишади ва сизни бир зумда топишади. Худди шундай, жануб томонга кетишингизни ҳам маъқул кўрмайман. Яхшилаб қаранг, у томонда харитада дарё кўриниб турибди. Унинг қирғоқлари ботқоқ ва тимсоҳлар гиж-гиж, бунинг устига Наталдаги энг захарли илонларнинг кони. Шимол томоннинг йўли нисбатан яхшироқ. Лекин бу томондан мулкимга келадиган йўлни икки юзта зулус қўриқлаб туради. Мистер Феннел, сиз уларни сезмадингиз, лекин улар сиз билан мистер Жонсни жуда яхши кўриб туришди. Сизларнинг қай томондан ҳаракатланиб келаётганингиздан мен ҳам хабардор эдим. Шунинг учун бу йўналиш бўйича ҳам юришингизни маслаҳат бермайман. Агар улар сизлар кириб келишингизга йўл қўйиб қўйган экан, бу чиқиб кетишингиз учун ҳам йўлни очиб қўяди, деган маънони билдирмайди. Энди битта ғарб томон йўли қолди. У ерда сув йўқ, лекин шундай бўлса ҳам, сизни жунгли оралаб Менвилл томон борадиган катта йўлга олиб чиқувчи сўкмоқ бор. Бу масофа тахминан бир юз йигирма миль. Зулуслар чопқир отлардан кам югуришмайди. Лекин унутманг — ихтиёрингизда уч соат бор. — Каленберг соатига қаради. — Энди ётоқхонангизга қайтинглар. — Сизни эрта саҳар — соат тўртта қўйиб юборишади. Яна маслаҳатим шуки, оёғингизни қўлга олиб югуринглар.

Каленберг тугмани босди. Эшик очилиб, баҳайбат тўртта зулус кириб келди.

— Илтимос, манови одамларни кузатиб қўйинг, — буюрди Каленберг. — Агар “Кузгун — сабрли қуш” деган африкаликларнинг қадимий мақолини ёдда тутсангизлар зиён қилмайди. Лекин шахсан ўзим зулусни ҳар қандай кузгундан устун қўяман. Яхши ётиб турунглар.

— Унинг хулқи ғайритабиий, — деди Гарри белгиланган ётоқхоналарига етиб келишгандан кейин, — мен Каленбергни кўришим биланоқ шу фикрга келгандим. Қалай, у зулуслар билан бизни қўрқитмоқчи бўлмадимми?



— Бундай деб ўйламайман, — деди Гай ва беихтиёр қалтираб кетди. — У одамларни қийнаб баҳра олади. Юзидаги ниқобни олиб ташлаганда башарасини кўрдингизми? Гарри, вақтлироқ жўнаб қолайлик. У пешайвоннинг деразаси ёпиқ деб биледи. Агар ҳозироқ йўлга тушсак, етти соат ютамиз.

Гарри пешайвоннинг эшигини очиб кўрди. Кейин бир зум қараб туриб, яна ёпиб қўйди.

— Кўриқлаб туришипти...

Гай унинг ёнига келиб деразадан қаради. Улар ётоқхоналарининг деразаси қаршисида ярим доира қилиб ўтириб олишганди. Ой нурида найзаларнинг учи ялтирар, бошларидаги патларнинг парлари энгил шабададан ҳилпирарди.

Гай кўрққанидан кичқириб юбориб, деразадан нари кетди.

— Қояларга чиқиб юра оласанми? — деб сўради Гарри унинг ёнига ўтираркан.

— Чиқолмасам керак — ҳеч қачон қоядан-қояга ўтиб юришимга тўғри келмаган.

— Тоғдан-тоққа ўтиб юриш ҳақида гап бўлиши мумкин эмас, — гапга аралашди Фенел пешонасидаги терни артиб. — Ҳатто менинг ҳам бошим айланиб кетади...

— Кен билан учрашиб, маслаҳатлашиш керак. Биз Темба билан учрашиш учун шимолга қараб юришимиз керак. Усиз кўлимиздан ҳеч нима келмайди.

— Бу сафар сиз ҳақсиз, — қўшилди Фенел. — Кен доим унинг мияси ўрнига компас жойлаштирилган, дерди. Мана энди у бизни қутқаради.

— Оз-оздан ичайлик, — Гарри ўрнидан туриб шкафнинг олдига борди. — Сен нима ичасан, Гай.

— Ҳеч нима.

— Сен-чи, Лео.

— Шотланд вискиси.

— “Спрингфилд” кимда? — қизиқди Гарри ичимлик қуяркан.

— Уни Тембада қолдирганмиз.

— Қурол асқотиб қолиши мумкин.

— Ҳм. Биз Кен билан учрашибок, Тембанинг олдига жўнаймиз. Унда қарабин, ҳамма захира сув ва озиқ-овқатимиз қолган. Агар пиёда юришга тўғри келиб қолса, бу икки-уч кунга етади.

Гарри қараса, Гай шиша қутидаги узукни томоша қилиб турибди.

— Уни бармоғингга тақиб ол, — маслаҳат берди у. — Шиша қутини кўтариб юрамизми юк қилиб.

— Уни биронтамиз тақиб оладиган бўлсак, мен тақаман, — деди Феннел бўш стаканни қўйиб.

— Узукни Гай тақиб олади, — хотиржам жавоб берди Гарри. — Уни сенга эмас, унга ишонаман.

Феннел унга жаҳл билан қараб қўйди-ю, лекин ўзини тутиб индамади. “Сен аблаҳ билан ҳисоб-китоб қиладиган вақтим келади ҳали, — деб ўйлади у. — Ҳа, сен фоҳиша билан ҳам!”

Гай узукни қутидан чиқарди.

— Бриллиантлари узукнинг ўзига қараганда чиройлироқ экан, тўғрими? — У шундай деб узукни ўрта бармоғига киргизди, лекин у катта келди. — Ҳа, ахир бу эркакларники-ку. — Гай уни бош бармоғига тақди. — Бу ҳолда унчалик ярашмаса ҳам, лекин ишончли.

Гарри соатига қаради. Тунги икки.

— Гай, бориб жойингга ёт. Мен ҳам хонамга кириб ётаман. Дам олиш керак. Кучимизни эҳтиёт қилишимиз керак. Энди қачон дам олишимиз номаълум.

Гарри Гай хонасига кириб кетишини кутиб турди. Кейин хонасига кирди. Феннел кушеткага чўзилди. Унинг ниятига етолмай, гурури лат еган, шунинг учун кўзига уйқу инмаслигини яхши биларди.

“Барибир бир кун қўйнимга кирасан, — деб ўйлади ўзича у. — Агар зулусларнинг чангалига тушиб қолмасак, бирга қочишимизга тўғри келади!” Феннел беихтиёр чўчиб тушди. Зулусларни ўйлаши билан томоғи қақраб кетди.

Барабанларнинг овози Гайни уйғотиб юборганда ҳали соат тўрт ҳам бўлмаган эди. У каравотига ўтириб, кулоқ сола бошлади. Бир оҳангдаги барабанларнинг овози жуда яқиндан келарди. Гай соатига қаради. Бир неча дақиқа кам тўрт. У сафархалтасини кўтариб меҳмонхонага чиқди.

Феннел билан Гарри пешайвонга чиқадиган эшик олдида тайёр бўлиб туришарди. Ўша томондан бир баҳайбат зулус кўзга кўринди-да, мулойимлик билан имо-ишора қила бошлади. Бу ўша — елкасига қоплон терисини ёпинган ва бошига туяқуш патларини тақиб олган одам қиёфасидаги баҳайбат кимса эди.

— Биз йўлга тушсак бўладими? — деб сўради Гарри пешайвон эшигини очиб.

Барабан ҳайбат солиб даранглай бошлади. Ўттиз чоғли қатор туриб олган зулуслар яркироқ девордай таассурот қолдирарди. Улар ўнг қўлларида найза, чап қўлларида теридан

ясалган қалқон ушлаб олишганди. Зулуслар яланғоч оёқлари билан ер тепиниб гоҳ эгилишар, гоҳ қаддиларини кўтаришарди. Манзара даҳшатли эди. Ниҳоят, улардан бири олдинга чиқди-да, найзаси билан жунгли томонга ишора қилди.

Гай, Гарри ва Феннеллар сафархалталарини кўтариб пешайвондан тушишди. Гай ўртада юрди. Зулуслар уларни кўриб шундай қичкирик кўтаришдики, қўрққанидан Гайнинг юраги ёрилаёзди.

Улар атрофга назар ташламай сайҳонликдан ўтишди ва бир неча дақиқадаёқ овчилар кўздан ғойиб бўлиб узоқда қолишди. Феннел қўлини чўзди:

— Ҳов анави қояни кўряпсизларми? Кен бизни ўша ерда кутяпти. — У қўлини оғзига карнай қилиб қичкирди: — Кен! Пастга туш, тезроқ!

У қўлига чироқчасини олиб ёқди-да, юқори кўтариб боши узра айлантира бошлади. Қояда бунга жавобан олов кўринди. Улар Кеннинг овозини эшитишди.

— Тушяпман! Чироқчангизни ёқиб туринг. — Орадан беш дақиқа ўтиб, Кен келиб уларга қўшилди.

— Узукни олдингизми?.. Мен сизларни учиш майдончасига қараб кетяпсиз деб ўйловдим.

— Узук-ку бизда-я, — деди Феннел. — Лекин биз иложи борица тезроқ Тембага бориб қўшилишимиз шарт. Вертолётдан фойдалана олмаймиз. Кетдик, қолган гапни йўлда гапириб бераман.

Кен унга синовчан назар ташлади.

— Бирон кўнгилсизлик юз бердимиз?

Кен Феннел билан ёнма-ён кетди. Улар йўл бўйи гаплашиб боришди. Гарри билан Гай орқароқда кетишди. Вазият-ни тушуниб Кен қадамини тезлатди.

— Бизни таъқиб қилишларига ишончингиз комилми?

— Юз фоиз. Агар қўлимизда милтиқ бўлгандаям ўзимни сал хотиржамроқ тутган бўлардим. Улар бизга ҳужум қилган тақдирда, жиллақурса, химояланардик. Куролсиз холимиз хароб.

Ўз навбатида, Гарри ҳам қайси йўл билан кетсак улардан қутуламиз, деб роса бошини қотирарди. Улар Каленбергнинг гапига қараганда энг қулай йўл деб аталмиш ғарбга қараб йўл олишса, тўртта оқ танли билан зулуслар ўртасида югуриш пойгаси бошланади. Зулуслар эса энг учкур отлар билан бир қаторда югуришар экан. Улардан ўзиб кетиш ақлга

сигмайди. Шарқ томонга кетишдан ҳам маъно йўқ. Чунки булардан биронтаси ҳам тоғма-тоғ ошиб юролмайдди. Бунинг устига, Каленбергнинг гапига қараганда зулуслар тоғларда кийикдай сакраб юришаркан. Шимол томон билан кетиш жуда хатарли. Гарри Каленбергнинг бу йўлда икки юзта зулус кўриқчилик қилади, деганда алдамаганлигини яхши биларди. Энди ботқоқликлар, тимсоҳлар ва бошқа ҳайвонлар билан тўла йўл қолди. Лекин ҳатто зулуслар ҳам уларнинг бундай энг хатарли йўл билан кетишганига ишонмасликлари мумкин.

Орадан қирқ дақиқа ўтгандан кейин Тембани қолдириб кетишган жойга етиб келишди. Улар бу йўлни Феннел билан Кен қояга келгунча кетган вақтга нисбатан йигирма дақиқа камроқ вақтда босиб ўтишди. Уларнинг тўртталови ҳам баробар асабийлашар, жиққа терга ботиб кетишганди.

— Хув анови дарахт эди, мен уни яхши эслаб қолганман, — деди Кен йўғон дарахт танасини кўрсатиб.

— Аниқ шуми? — сўради Феннел хавфсираб атрофга алангларкан. — Ундай бўлса, Темба қаерда?

— Темба! — деб чақирди Кен.

Жавоб бўлмади. Тўртталовининг бадани жимирлаб кетди. Кен дарахтнинг олдига югуриб борди. Бошқалар унга эргашишди. Кен Тембани шу ерда қолдирганига ишончи комил эди. Мана, гулхан ёқиши учун тайёрлаб қўйилган ўтинлар. Лекин озиқ-овқат солинган қоп, милтиқ, сув солинган канистр ғойиб бўлган.

— Аблах! Юкларимизни олиб қочиб кетибди! — деди Феннел аччиқланиб.

— Бунақа бўлиши мумкин эмас! — деди Кен қатъий. — Унга бир нима бўлган.

— Манави нима? — деди Гарри янги қазилган тупроқни кўрсатиб.

Тепаликда Тембанинг шляпасини кўриб қолиб қувғиндиларни ваҳима босди. — Уни ўлдиришибди! Юкларни эса олиб кетишибди, — алам билан деди Кен.

Уларнинг тўртталаси қабрга тикилиб қолишди.

— Нимаям қила олардик, — деди Гарри. — Энди харҳолда бизни қандай хатар кутиб тургани аниқ бўлди. Зудлик билан кетиш керак. Менга қаранглар. Кен, Каленберг бизга тўрт томон йўналишини аниқ кўрсатиб берган. Зулуслар бизни ғарб томонга қараб йўл олишади, деб тахмин қилишади. Жануб томонда эса бизни тимсоҳ тўла ботқоқлик ку-

тиб турибди. Бундан бошқа иложимиз йўқ. Бунга нима дейсизлар?

— Бу ернинг қандай ҳолатда эканига боғлиқ. Ботқоқлик баъзан дўзахдан ҳам баттар бўлиши мумкин. Тимсоҳларни эса, гапирмаса ҳам бўлади.

— Шунга қарамасдан, биз учун яккаю ягона имконият мана шу йўналиш. Компасимиз борми?

Кен чўнтагидан мўъжазгина компас чиқарди.

— Бир вақтлар кемачилик билан шуғулланганман, — деди Гарри. — Мен азимутларни белгилашим мумкин. Лекин... яхшиси... Кен, бу иш билан ўзингиз шуғуллана қоларсиз?

— Йўқ. Мен ҳамма вақт Тембага ишонардим.

— Демак, жануб томонга йўл оламиз. Гарри компасни тўғрилади. — Кетдик!

Гарри билан Гай жануб томонга кетган сўқмоқ билан йўлга тушишди. Бир зум иккиланиб туришгандан кейин Кен билан Феннел ҳам уларга эргашишди. Ҳамма жим кетишди. Тембанинг ўлими уларни эсанкиратиб қўйган эди. Энди улар Каленберг ҳар қандай қабиҳликдан қайтмаслигига ишонч ҳосил қилишганди.

Йўлни шитоб билан босишарди. Икки соатдан кейин жирканчли кимсалар тўдаси орқасидан қувишади. Орадан ўн дақика ўтди, Гарри тўхтаб компасга қаради.

— Бу сўқмоқ фарб томонга озгина бурилиб кетяпти, — деди у. — Йўлдан чиқиб жунгли оралаб кетишимизга тўғри келади.

Қувғиндилар узун-узун ўт-ўланларга, тиканли буталар ва дарахтларга умидсизлик билан кўз ташлашарди.

— Бу юриш суръатимизга ёмон таъсир қилади, — деди афсусланиб Феннел.

— Барибир, бошқа иложимиз йўқ. Фақат мана шу йўналиш билан кетишимиз керак.

— Сизларни чўчитмоқчи эмасман, лекин бу йўлда илонлар гиж-гиж, — огоҳлантирди Кен.

Гай Гаррининг қўлига осилиб олди.

— Қўрқма, — деди у ва табассум қилмоқчи бўлди. — Ҳаммаси кўнгилдагидек бўлади. Кетдик.

Улар ўсиб кетган ўт-ўланларни босиб, маймунлар шохларида сакраб юрган улкан-улкан дарахтлар танасини айланиб ўтишаркан, борган сари чангалзор ичига кириб кетишарди. Гарри компас ёрдамида йўлни тўғрилаб борди. Кеча Каленбергнинг хонасидаги харитани кўрганда ҳаммасини ёдида сақлаб қолишга интилган эди. Унда дарёга эътибор қилган эди.

Нима қилиб бўлса ҳам дарёга етиб олишлари керак. Бўлмаса улар сувсизликдан ўлиб кетишади. Бошқа томондан, дарёга қараб кетишадиган бўлса, юриш суръати пасаяди, бу эса зулусларга қўл келади, Гарри буни яхши билади.

Уч миллар йўл босишгандан кейин улар жануб томонга олиб борадиган кичик сўқмоққа дуч келишди.

— Хўш, кайфиятинг қандай, — деб сўради Гарри Гайнинг қўлини ушлаб.

— Яхши. Яна қанча юрамиз, шуни билгим келяпти?

— Менимча, унчалик кўпмас. Каленберг ерининг чегарасигача йигирма миль. Харитасини яхшилаб билиб олгандим. Бу чегарагача энг қисқа йўл.

Феннел орқада зўр-базўр қадам ташлаб келяпти, асбоблари солинган қопчиқ елкасини эзиб юборганди.

— Менга беринг, озгина кўтариб юрай, — деб таклиф қилди Кен.

Феннел тўхтаб қопчигига жаҳл аралаш қараб қўйди.

— Етар! Мана шу темирларни кўтариб юрадиган бўлсак, бу ердан ҳеч қачон чиқиб кетолмаймиз. Булар менга жуда қимматга тушган. Бу ердан омон-эсон чиқиб кетадиган бўлсак, янгиларини сотиб оламан. Агар ўлиб кетадиган бўлсам, буларнинг менга нима кераги бор? — У қопчигини кўтариб чангалзор ичига отиб юборди.

— Мен уларни бирмунча вақт олиб юра олардим-ку... — деди афсусланиб Кен.

— Биламан... Раҳмат. Худога шукр-а, шулардан қутулдим. — У қадамини тезлатиб, бирпасда Гарри билан Гайга етиб олди.

Кутилмаганда сўқмоқ тугади. Олдинда каттакон қўл чиқиб қолди.

— Энди ботқоқлик бошланади, — деди Кен. — Ёмғирдан кейин ёмон ҳолга келган.

Ер оёқ остида кимирлай бошлади, шунга қарамасдан улар юришда давом этишди. Қадам-бақадам юриш қийин бўла бошлади, куюш ҳам чиқди. Нам ва дим хавода худди чўмилгандай жикқа терга ботишди. Гарри дам-бадам компасга қараб йўлни тўғрилай бошлади. Улар тез-тез ботқоқликни айланиб ўтишар ва кейин яна тўғри йўлга тушиб олишарди. Ботқоқлик сассиқ бўй тарата бошлади. Нотекис ботқоқлик уларнинг юришини секинлаштирди. Шунга қарамасдан эҳтиёткорлик билан қадам босиб, жон-жаҳдлари билан олдинга интилишарди.

— Улар йўлга тушишди! — деди кутилмаганда Кен. Гарри соатига қаради. Роппа-роса етти. Беихтиёр ҳар бири юриш суръатини оширишди. Уларнинг бутун вужудлари қўрқувдан ларзага тушган эди.

— Тоза сувнинг ҳидини сезяпман, — деди Кен. — Яқин атрофда дарё бўлиши керак.

Ҳақиқатан ҳам, улар ўн дақиқа юришгандан кейин лойқа бўлиб оқаётган ва эни ўн метрлар чамаси кичик дарёга дуч келишди.

— Дарёни кесиб ўтиш керак, — деди Гарри. — Чуқурмикин?

— Эҳтимол, чуқур ҳамдир, лекин ундан ўтиш қийин эмас, — деди Кен. — Фақат ифлос сувда шалаббо ҳўл бўлишимиз мумкин. Мен текшириб кўрай-чи...

У туфли ва кўйлагини ечди, яқиндаги дарахтнинг шохини ушлаб туриб сувга тушди. Кейин дарёнинг чуқурлигини ўлчаш учун оёқларини сувнинг тагига чўзди.

— Чуқур... сузиб ўтиш керак...

У шохни қўйиб юбориб, тезлик билан олдинга сузиб кета бошлади...

Ҳаммаси бир зумда рўй берди. Қирғоқда қолганлар нима бўлганини сезмай ҳам қолишди.

Қирғоқнинг нариги тарафида узун-узун қамишлар ҳил-пиллаб турарди. Шу он пўпанак босган йўғон дарахт поясига ўхшаш эгри-бугри махлуқ сувга шўнғиб бир зумда Кеннинг олдида пайдо бўлди. Унинг каттакон жағи очилди. Кен бир бақирди-ю, ҳеч нарса қилолмай, қўлини силкитишга улгурди, холос.

Тимсоҳ билан Кен сув остида ғойиб бўлишди. Уларнинг устида сув чайқалиб гирдоб бўлди-ю, бирпасда сувнинг юзи қип-қизил қонга бўялди...

## ЕТТИНЧИ БОБ

Тунга яқин қуёш юзини қора булут қоплади. Кейин жала куйди. Ҳаво чидаб бўлмас даражада дим. Осмонни тамоман қора булут қоплади. Сув ерда дарёдай оқа бошлади, бир неча дақиқа ичида кувғиндилар шалаббо ҳўл бўлишди. Жала шундай куйдики, унинг қамчилаб ураётган томчиларидан кўзлар очилмай қолди.

Гарри Гайни қўлидан ушлаб жунглига олиб кириб кетди. Феннел ҳам уларга эргашди. Улар улкан баобаб дарахти-

нинг остидан паноҳ топишди. Ҳамма дарахт танасига суянганча челақлаб қуяётган ёмғирга қараб қолишди.

Асабий таранглик, Кеннинг даҳшатли ўлим топиши билан вужудларига тушган қўрқув уларни сукутга солиб қўйган эди. Гарчи, Кен билан яқинда танишишган бўлса-да, у ҳаммада ўзига нисбатан хайрихоҳлик, ҳурмат туйғусини уйғотган эди.

Кеннинг ўлим дақиқалари Гайни эсанкиратиб қўйган эди. Назарида, Кеннинг юзларидаги қўрқув ва унинг юракларни поралаб ташлайдиган даражадаги қичкириғи бир умр кўз ўнгидан кетмайдигандай эди.

Гарри ҳам эсанкираб қолди, лекин Гай билан Феннелга нисбатан ўзини тута биларди. У тимсоҳ Кенни сувда кўтариб ташлаб бурдалашини ва гўштини бўлақлаб, ҳалқумига ташлашини кўриб турган ва сув юзини қонга бўяб пастга тортиб кетганда бечорага ёрдам бера олмаслигини тушунган эди. Энди қолганларнинг ҳаётини сақлаб қолиш учун бўйнида турган масъулият йўлни давом эттиришга ундарди. Ахир, энди бир дақиқа ҳам вақтни бекорга кетказиш керак эмасди-да. У Каленберг ваъда қилган ўлим Кеннинг ўлимидан ҳам даҳшатлироқ ва азоблироқ эканлигини жуда яхши тушунарди. Шунинг учун ҳам Гайнинг вужуди қақшаб йиғлаётганига қарамай, уни қўлидан тортиб жунглига олиб кириб кетган эди.

У Гайни йиғидан тўхтатиб, бир оз бўлса-да ўзига келгунча судраб борди. Ана шундан кейин Гай ҳамма нарсага эътиборсиз, унинг ёнида бирга кетди.

Кеннинг ўлими Феннелни ҳам қаттиқ хафа қилди. У руҳи ҳеч қачон чўкмайдиган бу овчига анча ўрганиб қолган, айниқса, “лендровер” воқеаси билан бўлган ходиса унинг хотирасида миҳланиб қолган эди. У ўзи бўлганда ҳеч қачон Кендек жасурлик билан ҳаракат қилолмаган бўларди. Кеннинг тадбиркорлиги унинг қалбини бутунлай ром этган эди. Энди эса, у қайғуга ботган, “Сувга биринчи бўлиб манави алдоқчи Эдвардс тушса бўлмасмиди?” деб эзиларди.

Гарри Гайни оз бўлса-да хотиржам қилишга уринди.

— Бу ёмғир бизнинг фойдамизга бўлди, ҳамма изларимизни ювиб кетади. Ҳатто Каленбергнинг ажойиб изтопар зулуслари ҳам энди бизни топиша олмайди, — деди.

Гай ҳали-ҳамон унинг қўлига осилиб олганча келар, у шу қадар ларзага тушганидан гапиришга сўз тополмасди.

— Нима дейсиз, сол ясай оламизми? — Гарри Феннелга мурожаат қилди.



— Мен ўша лаънати асбобларимни отиб юборгандим... Жин урсин, асбобларсиз солни қандай ясай оламиз? — қўрслик билан деди Феннел.

Гарри дарё қирғоғига келди. Нариги қирғоқ қамиш-қиёқлар ва паст ўт-ўланлар билан қопланган. Тимсоҳлар кўринмайди — лекин бу ҳеч қандай маънони англатмайди. Улар сувнинг ичида ҳам бўлиши мумкин. Кеннинг бошига тушган кўргиликдан кейин дарёга тушиш ўлим билан баробар эди. Гарри қирғоқ бўйлаб бориб, тимсоҳлар беркинолмайдиган очик жойни изламоқчи бўлди. Лекин бунақа жойни аввал топиш зарур.

— Йўлга тушишимиздан олдин тамадди қилиб куч йиғиб олишимиз керак, — деди Гарри ва Кеннинг сафархалтасини очиб мол гўшти банкасини олди. — Буни учга бўламиз.

— Менинг иштаҳам йўқ, қорним очмади, — очиккўнгиллик билан деди Гай.

— Тамадди қилиб олиш шарт...

— Йўқ!.. Мени ўз ҳолимга қўйинглар.

Гарри Гайга диққат қилиб тикилди. Унинг соғлиғидан ташвишга тушиб қолди.

— Мазанг йўқми?

— Бошим оғрияпти, сувга тушишимизни ўйласам, кўрқиб кетяпман. Шунинг учун мени ўз ҳолимга қўйинг.

Гарри банкани очиб, гўштни иккига тақсимлади.

У вақти-вақти билан дарахтга суянганча кўзини юмиб олган Гайга қараб-қараб қўярди. “Унга нима бўлдикин? — деб ўйлади у, — асабий толиқишдан шундай бўлиб қолдимми ё ростдан ҳам касалмикин?”

Шу хаёл калласига келди-ю, кўрқиб кетди. Агар ҳозир оғриб қолса, бу унинг ўлими билан тугайди.

Гарри овқатланиб бўлиб, Гайнинг ёнига келди-да, елкасини ушлади. У кўзини очди. Гарри унинг кўзини сўник ҳолда кўриб яна баттар ташвишга тушди.

— Оғриб қолмаган бўлсанг керак-а, Гай?

— Шундай бўлса керак...

— Қани, кетдик! — кичқирди Феннел. — Агар шу ерда қолишни ўйлаётган бўлсангизлар, унда ёлғиз ўзим кетдим.

Гарри Гай билан ёнма-ён кетди. Қараса, Гай зўр-базўр қадам ташляпти. Шундан кейин уни қўлтиқлаб олди.

— Менга эътибор қилма, — Гай шундай деб қўлини бўшатди. — Аҳволим яхши, фақат бошим ёмон оғрияпти.

Шунга қарамасдан Гарри уни қўлтиқлаб олди. Энди илгаридай тез юришолмаса-да, ёнма-ён кетишди.

— Имилламасаларинг-чи! Нима жин уриб тошбақа қадам бўлиб қолдинглар? — қичқирди Феннел.

Гай бор кучини тўплаб илдамроқ юриб кетди. Шу ҳолда икки милча юришди, кейин Гай яна қадамини секинлатди.

Гарри жиддий хавотирга тушиб қолди.

— Ўзингни ёмон сезяпсанми? — ҳамдардлик билан деди у.

— Назаримда, бошим шишиб кетаётганга ўхшайди... Бу, албатта қуёшдан.

— Озгина дамингни ол.

— Йўқ, юришимиз керак. Ваҳима қилма...

Яна уч миллар юришгандан кейин Гарри ўзи истаган жойни топди. Дарёнинг ҳар икки қирғоғи жунглидан ажралган, икки томон ҳам яланғоч ва лой эди.

— Мана шу ердан ўтсак бўлади, — деди Гарри сувга диққат билан тикилиб туриб. — Сузишни биласанми?

— Сен ёнимда бўлсанг, биламан.

Феннел тезоб сувга хавфсираб қаради.

— Сиз биринчи бўлиб сузиб ўтасизми? — деб сўради у Гарридан.

— Қўркманг, Лео. Бу ер хавфли эмас. Дарё бу ерда унча кенг эмас, — деди у қуруққина қилиб. Кейин Гайни сояга олиб борди. — Шу ерда ўтириб тур, мен нарсаларни олиб ўтиш учун шох топиб келаман.

Гай ўзини ўт устига ташлади. Гарри эса, жунглига кириб кетди.

Феннел Гайга тикилиб туриб, унинг қадимги жозибасидан асар ҳам қолмабди, деб ўйлади.

— Сизга нима бўлди? — деб сўради Гайнинг ёнига келиб.

— Мени холи қўйинг.

— Касалмисиз?

— Бошим ёрилиб кетар даражада оғрияпти. — Қуёш нури узукка тушиб, ундаги бриллиант доналари камалакнинг ҳамма рангида товлана бошлади. Феннел бриллиантнинг товланишидан эс-ҳушини йўқотгандай унга қараб қотиб қолди.

— Агар ишонсангиз, узукни менга бериб қўйсангиз яхши бўларди. Унинг йўқолиб қолишини ҳечам истамайман.

— Йўқ!

Жунглидан бир қучоқ баргли шох кўтариб Гарри чиқиб келди. Феннел тушунарсиз бир нималарни минғирлаганча нари кетди.

Гарри бир зумда қопчиқ ва оёқ кийимларни боғлади.

— Кетдик, — деди у Гайга. — Шохни маҳкам ушлаб ол. Мен сени олдинга итарганча атрофни кўздан кечириб сузиб бораман.

Феннел уларнинг сувга тушиб, сузиб кетишганини кўриб турди. Кейин тимсоҳ борми, йўкми деб нариги қирғоққа қаради, лекин шубҳали ҳеч нимани сезмади. Гай билан Гарри бир неча дақиқа ичида дарёни сузиб ўтишди. Қиз яна ўзини ерга ташлади. Шундан кейин қўрқанидан жони ҳалқумига келиб Феннел ҳам сувга тушди. У иложи борича патир-путур қилиб тез-тез сузиб кетди.

Гарри Гайни ўнгариб ёнбошлатиб ётқизиб қўйди. Кейин унинг ёнига тиз чўкди. Бир зум у ҳушдан кетганмикин деган хаёлга ҳам борди.

— Сенга нима бўлди? — деб сўради сув тутиб.

— Касал бўлиб қолдим.

Гарри қизни қўлида кўтариб дарахт тагига олиб борди, қуруқ хазонлардан тўплаб унинг устига ётқизди.

— Қопчиқ билан оёқ кийимларни бу ерга олиб келинг, — деди Гарри Феннелга.

Феннел бир оғиз ҳам гапирмай нари кетди, оёқ кийимини кийиб олиб, қолган нарсаларни олиб қайтиб келди.

Гарри Гайга раҳми келиб тикилди.

— Унга бирон-бир захарли тиконми, чўғирми кириб кетган, — эътиборсизлик билан деди Феннел. — Кетдик, Эдвардс. Анув ёввойилар истаган дақиқада бизни қувиб етиб олишлари мумкин.

— Шу яқин атрофдан иккита хода топиб келинг. Кўйлақларимизни боғлаб замбил қиламиз.

— Нималар деяпсиз, Эдвардс, эсингиз жойидами? Наҳотки сиз шундай иссиқда мени мана шу шаллақини кўтариб юради деб ўйласангиз? Бунинг устига ҳаётимиз қил устида турган бўлса!

Гарри бошини кўтариб унга қаради, ғазаби жунбишга келганидан унинг кўзлари қисилиб кетганди.

— Нима, сиз уни шу ерда ташлаб кетамиз, демоқчимисиз.

— Нега ташлаб кетмас эканмиз? Уни ўзимизга ортиқча юк қилиб нима қиламиз? Қимматли вақтимизни бекорга кетказаяпмиз. Қўйинг уни, кетдик.

Гарри ўрнидан турди.

— Ўзингиз кетаверишингиз мумкин. Мен у билан қоламан. Йўқолинг!

Феннел қуриб қолган лабларини ялаб кўйди. Кейин Гаррига яқинлашди.

— Менга компас билан узук керак.

— Унисиниям, бунисиниям ололмайсиз.

Гаррининг қадди-қоматиға, чаққонлигиға Феннелдек одам ҳавас қилиб юрарди. Феннелнинг мушти яшин тезлигида олдинга ташланди, лекин Гарри худди шуни кутиб турарди. У зарбадан ўзини олиб қочди-ю, бор кучи билан аблахнинг жағиға туширди.

Феннел гандираклаб кетиб мувозанатини йўқотди ва чалқанча ерга қулади.

— Йўқолинг бу ердан! — такрорлади Гарри.

Феннел икки қўлини ёзганча ётарди. Кейинги лаҳзада унинг бармоқларига ўт ичида ётган тош илинди. Тошни олди-ю, Гаррига отди. Тош Гаррининг нақ бошиға тегди, унинг кўз олди қоронғилашди, кейин ҳушидан кетиб йиқилди.

Феннел зўр-базўр ўрнидан турди. Жағи зиркираб оғрирди. У эҳтиёткорлик билан аста-секин Гаррига яқинлашиб, устиға эгилди. Унинг ҳушсиз ётганиға ишонч ҳосил қилгандан кейин чўнтагини кавлаб компасни олди, Гайнинг тепасиға бориб, унинг ўнг қўл бармоғидан узукни чиқарди. Шу пайт Гай кўзини очиб Феннелни кўрди-ю, башарасиға бир тарсаки туширди. Зарба шу даражада кучсиз эдики, Феннел унинг зарбини аранг хис қилди.

— Алвидо, санам! — деди у Гайнинг бошиға энгашиб. — Узоқ вақт қийналиб ётишиниға тўғри келмайди деб ишонаман. Ростини айтсам, бу ердан чиқиб кетолмайсизлар. Ҳеч қачон! — Феннел қаддини ростлади. — Агар зулуслар тополмаган тақдирда ҳам сизни қузғунлар саранжом қилишади. Алвидо!

Гай яна кўзини юмди. Феннел унинг сўнгги сўзларини Гай эшитмаганиға ишончи комил эмасди. У охирги озиқ-овқат солинган қопчиқни ва бир шиша сувни олди, компасға қараб юриши керак бўлган йўналишни аниқлади. Кейин собиқ йўлдошларига ҳатто назар ҳам ташламай рутубатли ва мудҳиш чангалзорға кириб кетди.

Гарри бир қимирлаб кўзини очди. Кўз олдидан битта ва яна битта қора шарпа липиллаб ўтди. У осмонға боқди, шарқ томонда қоп-қора булутлар ҳаракат қиларди. Дарахтда икки-та қузғун ўтирибди. Гарри уларнинг кал ва жирканч бошлари, қайрилган тумшуқлари, думалоқ елкаларини кўриб кўрққанидан қалтираб кетди.

Унинг боши айланди. Пайпаслаб чаккасига қўл юборган эди, қотиб қолган шилимшиқ қон қўлига илинди. Оғриқ зўрайди, лекин аста ҳуши ўзига кела бошлади. Чўнтагига қўл тикиб компас йўқлигини сизди. Зўр-базўр ўрнидан туриб, Гайнинг ёнига келди. Қизнинг юзларида реза-реза тер тошган, у ёнарди. Афтидан, у ухлаган, хушдан кетган бўлса ҳам эҳтимол. Унинг бармоғидаги узукнинг ғойиб бўлганлигини сезиб, заррачаям ажабланмади. Қизнинг ёнига ўтириб вазиятни таҳлил қила бошлади. Каленбергнинг мулкидан чиқиб кетиш учун яна ўн беш мил юриш керак. Гарри қопчиққа қараб ундаги захира озиқ-овқат ҳам ғойиб бўлганини билди. Овқатсиз, сувсиз узоқ вақт дош беролмайди. У соатга қаради. Тўрт. Зулуслар уларни кидиришаётганига ҳам тўққиз соат бўлган. Ёмғир уларнинг изларини ювиб кетгани ростмикан? Агар юлмаган бўлса, яқин орада бу ерга етиб келишлари аниқ. Агар ёлғиз ўзи бўлганда-ку, йўлга тушиб Феннелга етиб олиши аниқ эди-я. Лекин Гарри Гайни ташлаб кетолмасди.

У қизга кўз ташлади. Феннел бирон-бир заҳарли тикан санчилган деганда, эҳтимол, ҳақ бўлса керак. Гайнинг кўриниши жуда ёмон эди. Қиз Гарри ўзига қараб турганини сезгандай кўзини очди. Гай вазиятни тушуниб етгунча бирмунча вақт ўтди.

— Яраландингми?

— Зарари йўқ! — Гарри иссиқ кафти билан эркалаб унинг юзини силаб қўйди. — Хавотир бўлма.

— У компас билан узукни олиб кетди.

— Биламан, бундан ташвишланма.

Тўсатдан тепада бир нима қирсиллаб кетди. Иккаласи чўчиб, юқорига қарашди. Бир кузғун юқори шохдан пастга сакраб тушган ва булардан кўз узмай тикиларди.

Гарри ердан тош олиб унга отди. Кузғун оғир кўтарилиб, қанотларини лопиллатганча учиб кетди. Дарахтдан барглар тўкилиб тушди.

— Улар менинг ўлишимни сезишяпти! — сўлгин овозда деди Гай. — Мен бундай ўлгим келмаяпти!

— Қўйсанг-чи! Тузалиб кетасан, ўлмайсан. Балки бирон заҳарли дарахтнинг чўкиртаги бирон ерингга кирган бўлса керак. Бир-икки кундан кейин отдай бўлиб кетасан.

Гай Гаррига ёлворгансимон назар ташлади, унинг ҳаётдан умидсиз ва қайғули кўзларини кўриб Гаррининг юрагига наштар санчилгандай бўлди.

— Сен менга ҳеч қандай ёрдам беролмайсан! Мени ташлаб кетавер! Энди ўзинг ҳақингда ўйлашинг, ўзингни бу жаҳаннамдан қутқаришинг керак! Менга нима бўлганини ўзим ҳам билмайман. Назаримда, ажал ичимга кириб олган-у, мени аста-секин емириб бораётганга ўхшайди.

Гарри унинг оёқларини ушлади. У музлаб қолган эди.

— Бемаъни гапларни гапирма! Барибир сени ташлаб кетмайман. Сув ичгинг келяптими?

— Йўқ, — деди Гай. — У шундай деб кўзини юмди. — Гарри, сен кетишинг керак. Агар сени тутиб олишса...

Гарри жуда оғир вазиятга тушиб қолганини тушунарди. Уни олиб чангалзорни кесиб ўтиш Гаррини чўчитмасди, лекин кўтариб юриш учун кучи етишига ишончи комил эмасди.

— Сен худога ишонасанми? — тўсатдан сўраб қолди Гай.

— Баъзан, — қатъиятсизлик билан жавоб берди у.

— Сен ростдан ҳам мен билан бирга қолгинг келяптими?

— Ҳа, азизам, сени ташлаб кетолмайман.

— Раҳмат, Гарри, сен жуда олийжанобсан, мард йигитсан. Мени кўп кутиб қолмайсан. — Гай бошини кўтариб кузгунларга қаради. Улар ҳам ўз навбатида ўткир кўзларини Гайга тикишди. — Битта нарсага ваъда бер...

— Нима десанг бажараман!

— Мени ерга кўмолмайсан... Қўлингга ер қазийдиган ҳеч нарса йўқ. Шундай экан, яхшиси, дарёга ташла... Кузгунлардан кўра тимсоҳларга ширин луқма бўлганим ёқимлироқ...

— Бу ҳақда гап бўлиши мумкин эмас. Яхшилаб дам олишинг керак. Эртага тузалиб қоласан...

Гай унинг сўзини бўлди.

— Пулга ўч бўлиш яхшиликка олиб бормайди, деганингда ҳақ гапни айтган экансан. Агар пул деган бемаъни нарса ҳаётим мазмунини белгиламаганида, бу кунларга тушиб ўтирмасдим. Ёнингда бир парча қоғоз билан ручка борми? Сенга васиятнома ёзиб бермоқчиман.

— Менга қара Гай. Бунақа бемаъни фикрларни хаёлингдан қувиб чиқар.

Қиз ҳўнграб юборди.

— Илтимос, Гарри, менга нақадар оғир бўлаётганини билмаяпсан. Зўр-базўр гапиряпман. Илтимос, васиятнома ёзиб қолдиришим учун қоғоз бер!

Гарри сафархалтасидан ручка, қоғоз олиб келди.

— Ўз қўлим билан ёзилган бўлиши керак, — деди Гай. Банк директори дастхатимни билади. Гарри, мени ушлаб тур.

Гарри уни ўтириш учун қўлтиқлаб турғазганда Гай нафасини бир оз ушлаб турди, кейин кўкрагидан чуқур ингрок отилиб чиқди. У ўйлаган гапларини ёзиб тугатгунича анча вақт ўтди, барибир васиятномани бекаму кўст ёзди.

— Азизим, менинг нимама бўлса, ҳаммаси сеники энди. Берн банкидаги ҳисоб варағимда юз минг доллардан ошиқ пулим бор. Банк директори Кирстга учраш. Нима воқеа бўлган бўлса, барини батафсил гапириб бер. Ҳаммасини... айниқса Каленбергнинг музейини. У нима қилишни ўзи жуда яхши билади ва сени ҳар қандай кўнгилсизликлардан асраб қолади. Унга васиятномани тутқаз, қолганини ўзи тўғрилайди.

— Яхши... Лекин сен, Гай, тузалиб кетасан. — Гарри уни ўпиб қўйди. — Энди дамнинг ол.

Қуёш дарахтлар узра уфққа бош қўйгандан кейин уч соат ўтиб Гай оламдан ўтди.

Ўша куни Гай узукни қўлга тақаётганида бармоғи жиз этганини сезганди, сезганди-ю, лекин бунга эътибор қилмаганди...

Орадан асрлар ўтиб Боржиянинг узуги яна ўз хизмат вазифасини астойдил ўташга киришган эди.

Феннел икки соат шитоб билан юрди. Кўп жойлар лойли бўлгани учун оёғига ёпишиб, анча вақтини олиб тинкасини қуритди. Бир сафар тиззасигача балчиққа ботиб қолди. Ботқоқлик қимирлар, ваҳимага тушмаслик учун бутун кучини ишга солиб олдинга интиларди. Иссиқ, рутубатли ҳаво ва сукунат — булар бари унинг юрагига баттар ваҳима соларди. Лекин чегарагача озгина қолди, ундан кейин бу азобларнинг бари ортда қолади, деб ўзига-ўзи таскин берарди. У Чаликнинг ҳузурига қандай дабдаба билан кириб бориб узукни топширишини кўп марталаб кўз олдига келтирди. Чалик узук учун арзимас тўққиз минг тўлайман деса чучварани хом санабди. Тўртгалови учун олинадиган ўттиз олти мингни нақд тўлаб қўяди! Агар омади юришиб қолса, икки кундан кейин Лондонда бўлади. Пулни олиб Ниццага жуфтакни ростлайди. Мана шундай қийинчиликлардан кейин яхшилаб дам олиши керак. Ницца жонига теккандан сўнг биронта жононни ёнига олади. Яхта ёллаб ҳар бир портда тўхтаб-тўхтаб бутун Ўрта ер денгизини кезиб чиқади. Бунақа роҳатбахш саҳатга Маронининг ўзиям ҳали чикмаган.

У Гарри билан Гайни хотирасидан ўчириб ташлади. Чунки бундан кейин улар билан тўқнаш келмаслигига мутлақо ишонч ҳосил қилди. Ўша жодугар ўзи билан бирга бўлишни хоҳламаган эди, энди жазосини тортсин. Ҳали шу вақтгача мен, яъни Феннел оғиз солган биронта аёл менинг сўзимни икки қилмаган. Тўғри, қани энди шу топда ёнида Кен бўлса. Унда ўзини жуда хотиржам тутган бўларди-я. Кеннинг тимсоҳга қандай ем бўлганини эслаб бадани қалтираб кетди.

Қуёш ботди. Жунглига қоронғи чўкди. Феннел бироз тарадудланиб турди-да, бошқа юрмасликни, шу атрофда тунашни маъқул кўрди. У қадамни тезлатиб, бирон сайхонликни қидирди. Бунинг учун сўқмоқдан четга чиқишга тўғри келди. Тезда қидирган жойини топди ҳам. Ўртасида битта дарахт бўлган ўт-ўлансиз кичик яланглик экан. Ёмғир ёғиб қолгудек бўлса, дарахт бошпана бўлиши мумкин.

У қолчиқни ерга қўйиб, гулхан ёқсам нима бўларкин деб ўйланиб қолди. Бундоқ қараса, таваккал қилса, унчалик қўрқмаса ҳам бўлаверади. Кейин атрофдан қуруқ шохларни йиғиб келиб гулхан ёқди. Овқатланиб, оловга бир нечта шох ташлади-да, ҳузур қилиб ёнбошлади. Жунгли ичидан шохларнинг шитирлаши, одамнинг юрагига ваҳима солувчи ҳар хил номаълум овозлар эшитиларди. Узоқда қандайдир ваҳший ҳайвоннинг ўкиргани қулоққа чалинди. Тунги қушлар қанотларини бир-бирига уриб тарақлатишарди.

У кўзини юмди. Чангалзордан келаётган овозлар баттар даҳшатли туюлиб кетди. Феннел туриб ўтирди-да, қоронғиликка тикилди.

— Зулуслар оловни кўриб, бу ёққа келишаётган бўлса-чи? — Унинг баданини совуқ тер босди. Кечаси олов ёқиб кип-қизил аҳмоқлик қилибман-ку. Ёввойиларнинг кўзлари ўткир...

Феннел ёғочни қўлига олиб ёнаётган шохларни сочиб ташлади, кейин қолган чўғларни оёғи билан топтаб ўчирди.

Энди ундан баттар бўлди. Чор атроф зимистон бўлиб қолди. У пайпаслаб дарахт танасини топиб, унга ёпишиб олди. Шундай ҳолатда ҳар бир шовқиндан юраги қинидан чиқар даражада қўрқиб бир соатча ўтирди. Ниҳоят, чарчоқ ўз ишини қилди: аста-секин боши эгилиб ухлаб қолди.

У қанча вақт ухлаганини билмади. Бу сафар ҳам одатдэгидек хатардан огоҳ қилувчи ички бир шуур уни тарк этмади. Феннел пайпаслаб ердан узун бир ёғочни топди. Кейин диққат қилиб атрофга қулоқ тутди. Шитир-шитир бу сафар



яқиндан эшитилди. Феннел кўрққанидан қалтираб, жон-ҳолатда чўнтагидан фонарни олди ва унинг нуруни шитир овози келган томонга қаратди. Нур тиржайиб турган жирканчли махлуқни ёритиб юборди. Сиртлон! Феннел ваҳимада ўрнидан сапчиб туриб кетди. У Каленбергнинг мулкига келаётганда йўлда Кен айтиб берган суҳбатни эслади.

“Мен чангалзорда сиртлондан бошқа ҳамма ваҳший ҳайвонлар билан тил топишиб яшаган эдим, — деганди у ўшанда. — Сиртлон энг жирканчли ваҳший. Унинг жағлари нақадар бақувватлигини кўпчилик билмаса ҳам керак. У сиртлоннинг бўғзини сиз ёнғоқни осон чаққанингиздек бир зумда ёриб ташлайди. Тўғри, улар кўрқоқ, лекин жуда хавфли бўлишади”.

Феннел кўркиб кетганидан чиरोқ нуруни чор атроф бўйлаб юбора бошлади. Кўзига бир зум ўтдай ёниб турган бир жуфт кўз кўринди. Кейин қоронғиликда ғойиб бўлди. Энди уйқу ҳақида гап бўлиши мумкин эмас. У соатга қаради. Уч ярим. Тонг отгунча ҳали бир соат бор. Чўнтак фонарининг қуввати кетиб қолмасин деб уни ўчирди-да, атрофга қулоқ солди. Туйқусдан қоронғилик қаъридан қандайдир беўхшов қаҳқаҳа эшитилгандай бўлди. Лео довдираб қолди, кейин ирғиб ўрнидан турди...

Тонг ёриша бошлаганда бутун бадани зирқираб оғриётганини ҳис қилди. Оёғи дир-дир қалтирар, билақларидаги одабий куч уни тарк этган эди. У зўр-базўр қопчиқни кўтарди-да, сайхонликдан сўқмоқ сари одимлади.

Кучини тўплаб қанча ҳаракат қилмасин, кечаги кундагидек тез одимлай олмади. Дунёда энг билгиси келган битта нарса, бу ҳам бўлса Каленберг мулкининг чегарасигача қанча масофа қолганини билиш эди.

У икки соатлар юриб, тамадди қилиш ва бироз дам олиш учун тўхтади. Ловияли банкани очиб, аста-секин сув ичди. Чекди. Кейин ўрнидан турди ва оёғини зўрға кўтариб босганча жануб сари юриб кетди. Беш миль юриб тўхтади ва компасга қаради: у жанубга эмас, жануби-ғарбга қараб кетаётган экан. У тўғри йўлни белгилаб олиб қараса, энди яна қалин чангалзорни оралаб ўтиши керак бўларкан. Тез орада умуман жунглидан чиқа оламанми, йўқми деган ваҳимага тушиб қолди. Уйқусиз тун уни ҳолдан тойдирганди. У Кеннинг сиртлон кечаси — тунда ов қилишади, деган гапини эслади. Бирон хатарсиз жойни топиб дам олишим керак, деб

ўйлади. Тезда ўзи бехатар деб ўйлаган бир жойни топди-ю, дарахтнинг тагида бошига сафархалтасини қўйиб шу захоти тошдай қотиб ухлаб қолди.

...Жунглидан сиртлон чиқиб келди. У икки кундан буён оч юарди, лекин шунга қарамасдан дарров ҳужумга ўтмади. Бахтга қарши Феннел кундузги юришдан итдай чарчаган ва шу сабабли қаттиқ ухлаб ётарди. Сиртлон ярим соатлар кутиб тургандан кейин тўсатдан ҳужум қилса, ови бароридан келишига ишонди.

Феннел оёғида турган даҳшатли оғриқдан уйғониб кетди-ю, бор овози билан бўкириб юборди. Оёғига қараб жон-пони чиқиб кетди. Болдиридан бир парча гўшт юлиб олинган эди.

Вой-войлаб додлар экан, аланглаб беш ярдлар наридаги сиртлонга кўзи тушди.

Оёғидан шариллаб қон оқарди. Феннел бир иложини қилиб уни тўхтатмаса бир неча дақиқадан кейин қони тугаб қолишини тушунди. У танасидан дармон кетаётганини сеза бошлади. Кейин бутун кучини йиғиб даҳшатли овоз билан бакириб юборди:

— Ёрдам беринглаар!!

Унинг овози жунглида акс садо бериб янграб кетди. Бундан кўрқиб кетган сиртлон қийқириб қочиб кетди. Феннел яна қичқирмоқчи бўлган эди, томоғидан паст овозда ингрок чиқди. Қон оққандан оқарди, атрофни пашша тутиб кетди.

Қолдан кетаётган Феннел фақат бир нарсани — оёқдаги даҳшатли оғриқ бир лаҳза бўлсаям камайишини хоҳларди. Бирдан осмонда бир неча қузғун айланиб қолганига кўзи тушди. Улар бирин-кетин пастлаб, тепасидаги дарахтга қўнаверишди. У бу даҳшатли қушлардан кўз узмай уларга қараб тураркан, аста-секин қорнига яқинлаб келган сиртлонни сезмай қолди. У қулай фурсатни кутиб туриб, ташланди, Феннел ҳатто бир зум унинг жағи шақиллашини ҳам эшитди. Ваҳший ҳайвоннинг ўткир тишлари қорнини ёриб, ичак-чавоғини ағдариб ташлаганда чидаб бўлмас даражадаги оғриқ бутун танасини қоплаб олди...

Барваста қомат, бақувват зулус Нгоман бир вақтлар Каленбергнинг қўлида ишлаган. У аёлларга алаҳсиб қолгандан кейин ҳайдалган эди. Қувилишдан олдин Нгоман жунглида қоровуллик қиладиган ва Каленбергнинг ерларини ҳар хил келгинди ва браконьерлардан қўриқлайдиган овчилар қаторида юарди. У жунглини беш қўлдай билар, шунинг учун

ишдан кетгандан кейин унчалик хафа бўлиб ҳам ўтирмади. Каленбергнинг мулкида ов қилиб тирикчилигини ўтказиб юраверди. Бу ерларда тимсоҳлар кўп бўларди. Нгоман эски қадрдонлари билан келишиб, бир-иккита ваҳший ҳайвон, тимсоҳларни ўлдирарди-да, уларнинг терисини Менвиллдаги оқ танлиларга пуллаб юрарди.

Шу куни Нгоман Каленбергнинг мулкига жануб томондан ўгринча кириб келиб, сўқмоқ билан бораверди. У бирдан даҳшатли бақириқ билан ёрдам сўраб ёлвораётган одам овозини эшитиб қолди. Зулус қўлидаги милтиқни маҳкам ушлаб тўхтади ва атрофга кулоқ солди. Кейин қандайдир қизиқиш билан жунглининг ичига кириб кетди. Орадан бир неча дақиқа ўтгач, Феннелдан қолган баъзи нарсаларнинг устидан чиқиб қолди.

Гарри иложи борича ўзини сояга олишга ҳаракат қилиб қирғоқ бўйлаб аста кетаверди. У тўсатдан биронта заҳарли илонними ё бўлмасам тимсоҳними сезмай қолмай деган ўйда дам-бадам ерга караб қўярди. У компасиз жунглининг ичидан юриш ўлим билан баробар эканлигини яхши биларди. Агар Каленбергнинг харитасига ишонадиган бўлса, бу дарё унинг мулкини кесиб ўтар ва чегарага чиқарди. Ундан ташқари, дарё бўйлаб кетаверса, йўлдан адашмайди. Агар омади чопиб қолса, уни комига тортиб кетиши мумкин бўлган ботқоқликдан ҳам қутулади. Тўғри, бунда ҳам хатар йўқ эмас, йўлда унга тимсоҳлар ташланиб қолиши ёки зулуслар кўриб қолишлари мумкин.

Хуллас, Гарри қирғоқ бўйлаб юришда давом этди. Гайнинг охирги илтимосини бажариб, унинг жасадини дарёга ташлади ва мурда оқим бўйлаб аста оқиб кетганини бир зум кузатиб турди.

У тўрт соатдан кўп юрди. Тез эмас, ўз кучини сарфлаб қўймаслик учун аста, лекин бир маромда кетди. Қорни очиб, чанқов тинкасини қуритди. Вақти-вақти билан ифлос дарё суви билан лабларини хўллаб, оғзини чайиб ташлади, лекин бирини-бирига улаб тинимсиз чекарди. Уни ҳозир битта нарса, Феннелнинг қаерда эканлиги қийнарди. Агар Гарри Менвиллга эсон-омон етиб борса, Феннел Иоганнесбургнинг йўлида бўлиши шубҳасиз эди. Бунда Феннел шу заҳоти Лондонга учади, Чаликка узукни топширади-да, ўз улушини олиб зум ўтмай ғойиб бўлади, бунга Гаррининг ишончи комил эди. Қизиқ, у Лондонга етиб борса, ўз улушини Чалик берарми-

кин? Тўғрироғи, бермайди. Лекин унинг бериш-бермаслигининг аҳамияти энди қолмаган эди. Гайнинг саховати билан юз минг долларга эга бўлди. Чўнтагинда шунча пул бўлгандан кейин олий маълумотга эга бўлиш ҳам, биронтасига қўшилиб ишлаб, яхшигина улуш ҳам олиш мумкин...

Лекин ҳозир асосийси — эсон-омон Англияга етиб олиш.

Кун пешин бўлганда Гарри ўтириб ярим соат дам олди, кейин яна йўлга тушди. Кечга борганда ўн саккиз миль атрофида юриб қўйди.

Очлик ва ташналик жунглида юргандан кам азоб бергани йўқ. Лекин жунглида адашиб кетиш ҳеч гап эмасди. Гарри энди нариси билан йигирма ё йигирма беш миль қолди, шундан ўтиб кетолсам, қутулган бўламан, деб умид қиларди.

Оқшом чўкиб атрофни қоронғилик қоплаганда у чангалзорнинг ичига кириб бориб, ўша ерда тунни ўтказмоқчи бўлди. У соат бешларда, тонг ёришиб кетганда уйғонди. Дарёга келиб юзларини ювди. Ҳар қанча хоҳламасин, ундан бир қултум ҳам ичмади.

У дарёнинг бурилган жойлари бўйлаб секин, лекин бир маромда қадам ташлаб юраркан, навбатдаги бурилиш жойда мени яна қандай хатар кутиб турганикин, деган хавотирда ўз-ўзига савол бериб борарди. Феннелга ўхшаб у ҳам энди уйга умуман қайтиб боролмасам керак, деган ваҳимага туша бошлади...

Гарри яна бир соатлар юргандан кейин жунгли ортда қолди, дарё ҳам энди ёйилиб оқа бошлади. У тўхтаб, атрофга диққат билан назар ташлади. Бирдан кўзи дарёда чайқалиб келаётган бир нарсага тушди. Нима экан бу? Қайиқмасмикин? Ё дарахтми? Ўша тарафга қараб юрди. Тезда унинг қайиқ эканлигини билди. У чанқоғини ҳам унутиб, чарчоқдан гандираклаб кетаётган бўлса-да, унга қараб югурди, қайиқнинг олдига борди-ю, қотиб қолди.

Қайиқнинг ичида барзанги бир зулуснинг мурдаси чўзилиб ётарди. Унинг ёнида иккита қопчиқ. Гарри қопчиқларни дарров таниди, булар Кен билан Феннелнинг қопчиқлари эди. Шу ерда шишадаги сувни кўриб қолди-ю, қўллари ўз-ўзидан унга чўзилди.

Ундан ташқари, яна бир ҳайратланарли нарсага кўзи тушди: зулуснинг кўрсаткич бармоғида Боржианинг узуги товланиб турарди.

Гарри Лондон божхонасидаги расмиятчиликларни тугатиши билан телефон будкасига югуриб борди-да, Тонининг

телефон рақамини тера бошлади. Ҳали жуда барвақт, у Тонининг ухлаб ётганини яхши биларди. Тахминини тўғри чиқди, телефон гўшаги ўн бештача чақиргандан кейин Тонининг уйқусираган овози эшитилди.

— Мисс Уайт уйда йўк...

— Тони! — кичқириб юборди Гарри Тони гўшакни қўймоқчи бўлаётганини сезиб. — Бу мен, Гарриман!

Бир зум гўшакдан ҳеч қандай овоз келмади. Кейин бирдан Тони кичқириб юборди:

— Нима?! Бу ўзингмисан? Гарри, азизим!

— Ҳа, мен-да, ким бўларди бошқа. Иоганнесбургдан ҳозиргина учиб келдим.

— Келишинг биланоқ менга қўнғироқ қилдингми? О, Гарри, азизим! Демак, у, бошқача, унчалик гўзал эмас экан-да, тўғрими?

— Қўй, у ҳақида гаплашмайлик, Тони, — Гаррининг бирдан қовоғи солинди. — Нима ишлар қиляпсан? Эртага эрта-лаб Бернга учмоқчиман, мен билан бирга боришингни хоҳлардим.

— Бернга? У қаерда?

— Швейцарияда. Мактабда географиядан ўтмаганмисизлар?

— Асосийси, мен ўқишни... Умуман, Бернинг қаердалигини билиш шунчалик зарурми? Мени ўзинг билан бирга олиб кетмоқчи бўляпсанми? Ундай бўлса, албатта сен билан кетаман. Агар хоҳласанг сен билан Фирвальтштатерзлега ҳам бирга кетишга тайёрман.

— Жуда яхши... У қаерда?

Тони пиқиллаб кулиб юборди.

— Уям Швейцарияда... У ерда қанча вақт бўламиз.

— Бир-икки кун. Кейин яхшилаб дам олиш учун Каприга жўнаймиз. Капрининг қаердалигини биласанми?

— Албатта. Лекин у ёққа боролмайман. Ишлашим керак. Икки-уч кунча ишдан жавоб олишим мумкин, кўпга рухсат бермайди.

— Эри бор аёллар ишлаши шарт эмас, Тони.

Тони жимиб қолди. Гарри унинг нафас олишини эшитиб турди. У Тонини калта ички кийимда турганини, хайрон қолганидан кўзлари катта-катта очилиб кетганини тасаввур қилиб кулиб қўйди.

— Нима? Нима дединг? Эри бор аёллар ишламасликлари керак, дедингми? — деди у овози озгина хириллаб.

— Ҳа...

— Лекин мен ҳали эрга текканим йўқ, Гарри.

— Тез орада тегасан... Икки соатлардан кейин келиб олиб кетаман... — У шундай деб гўшакни осиб қўйди.

Гарри таксига ўтириб “Ройял Трауэрс” отелига элтиб қўйишини сўради. Бориб сафархалтасини юкхонага топширди, кейин эшик оғасига Чаликнинг хонаси билан боғлашни илтимос қилди. Кўп кутишга тўғри келмади. Бир оз ўтиб унинг хонасига кўтарилди. Қабулхонада машинкада ниманидир зўр бериб тақиллатиб ёзаётган малласоч қиз ўтирарди.

Қоп-қора кийинган, жиддий. Кўрибоқ Гарри уни ёмон кўриб қолди. У бунақа хилдаги аёлларни табиатан ёқтирмасди. Улар ишчан, фаросатли, хотиржам ва қаттиққўл бўлишади.

У Гаррига диққат қилиб тикилди.

— Мистер Эдвардсми сиз?

— Худди ўзи.

— Мистер Чалик сизни ҳозироқ қабул қилади.

Малласоч Чаликнинг хонасига элтувчи эшикни очиб, Гаррини ичкарига таклиф қилди. Гарри ўзини мулоим кўрсатиш учун эмас, балки одати бўйича қизга майин табассум қилиб қўйди. Лекин қиз унга қиё ҳам боққани йўқ.

Чалик ёзув столида қўлини сахтиёнга қўйганча ўтирарди.

— Салом, мистер Гарри, — деди у Гарри столга яқин келмасданоқ. — Узукни қўлга туширдингларми?

Гарри келиб стол ёнида турган ўриндиққа чўқди, кейин оёғини чалмаштириб олди-да, стол ортида ўтирган одамга қаради.

— Қўтловимни қабул қилинг. Қолган учта шеригингиз ҳам қисқа фурсатда сизга келиб қўшилишади, деб умид қиламан.

Гарри калласини сарак-сарак қилди.

— Улар келишолмайди.

Чалик ковоғини уйди.

— Лекин келиб ўз ҳиссаларини олишар?

— Энди бу пуллар уларга керак бўлмайди...

Чалик сигарасининг учига қараб ўриндиқда асабий қимирлаб қўйди. Кейин яна Гаррига назар ташлади.

— Сўрашга ижозат беринг, мистер Эдвардс, нима учун?

— Чунки улар энди тириклар орасида йўқ.

— Бу билан сиз мисс Десмонд ҳам ўлган демоқчимисиз?

— Ҳа. Нариги иккиси ҳам.

Чалик анави иккаласи мени қизиқтирмайди, дегандай уларни писанд қилмай қўлини силтаб қўйди.

— Унга нима бўлди?

— Қандайдир заҳарли чўғир оёғига кириб кетди, шекилли. Жунглида бунақалар жуда кўп.

Чалик ўрнидан туриб дераза ёнига келди. Бу янгилик уни эсанкиратиб қўйди. У ўз туйғуларини бегона одам олдида сездирмасликка кўникиб қолган эди.

— Гапингиз тўғри эканлигини қаердан биламан? — деб сўради у яна Гаррига ўгирилиб. — Бошқалар қандай ҳалок бўлишди.

— Кенни тимсоҳ бурдалаб ютди, Феннелнинг қандай ўлганини билолмадим. Афтидан, уни зулус ўлдирган. Бир қайиқда зулуснинг мурдасини кўриб қолдим — қарасам, ёнида Феннелнинг сафархалтаси турган экан. Бармоғига эса, узукни тақиб олибди. Феннел биздан узук билан компасни олиб кочиб кетган эди... Бу дўзахдан мен эсон-омон чиқдим, Гай эса чиқолмади.

— Унинг ўлганига ишончингиз комилми?

— Мутлақо.

Чалик ўтириб, терлаб кетган кафтини дастрўмолчаси билан артди. У бу ишга кўп пул сарфлаган, буёғига энди Гай билан бирга ишламоқчи эди. Энди нима қилиш керак? Кўнгилсиз вазиятга тушиб қолди. У яна бошқа аёлни кидирини лозим бўлади, ҳозирча мана буниси яраб турар, деган фикрга келди.

— Унда узук қани?

Гарри чўнтагидан гугурт қутисини чиқариб стол устига қўйди. Чалик қутини очди, ичидан узукни олиб стол устига қўйди, кейин уни кўздан кечира бошлади. Ҳа, шубҳасиз, бу ўша. У ўз ишидан қоникди. Ҳа, у мана бу одамларни ўзига ишлаш йўлларини яхши ташкил қилди, энди эса ярим миллионга эга бўлиб турибди. У узукни диққат билан кўздан кечириб, бошини силкиб қўйди.

— Тушунаман, мистер Эдвардс, топшириқ жуда мураккаб эди. Агар адолат юзасидан иш кўрадиган бўлсам, сизнинг ҳиссангизни икки баробар ошираман, розимисиз?

Гарри калласини сарак-сарак қилди.

— Ўша ваъдалашган тўққиз миң ҳам етарли, ҳалок бўлганларнинг улушини ололмайман. Шунда виждон азобидан қийналиб юрмайман.

Чаликнинг кўзи йилтираб кетди, лекин ўзини қўлга олиб, елкасини қисиб қўйди. Ёзув столининг ғаладонини тортиб кон-верт олди-да, стол устига қўйди.

— Мана бунда Тревелер банкидан олиш мумкин бўлган тўққиз минг доллар бор.

Гарри конвертда нима борлигини очиб ҳам кўрмай уни чўнтагига солди. Кейин ўрнидан туриб, эшик томон йўналди.

— Мистер Эдвардс.

— Нима дейсиз?

— Топшириқни бажариш жараёнида нималар содир бўлгани ҳақида ҳисобот ёзиб берсангиз жуда миннатдор бўлардим. Батафсил. Котибам ихтиёрингизга магнитофон бериб қўяди.

— Ҳисоботни нима қиласиз? Полицияга бермоқчимисиз? Узук қўлингизда турибди, шундай экан, мендан ҳисобот талаб қилишга ҳаққингиз йўқ.

Гарри малласоч котибага қиё ҳам боқмай ёнидан ўтиб лифтга қараб қўйди. У Тонини тезроқ кўришга ошиқаётган эди.

Чалик бирпас ёпилаётган эшикка қараб турди-да, кейин елкасини қисиб қўя қолди.

Эҳтимол, уларнинг бошларига нималар тушганини билишнинг ҳожати ҳам йўқдир... Лекин Гайга одамнинг раҳми келади. Чалик Гайнинг оиласи йўқлигини яхши биларди, шунинг учун биров келиб уни суриштириб ўтирмайди. Гай унинг ҳаётига осонгина кириб келди, унча-мунча фойдали ишлар ҳам қилиб берди, энди эса, у йўқ, тамом-вассалом. Албатта, афсусланарли, лекин, қидирса топиб бўлмас одам йўқ, деб айтишади-ку, деб ўзини хотиржам қилди.

У яна узукни қўлга олиб томоша қила бошлади. Кейин уни қўлида ушлаб туриб телефон рақамини теришга тушди.

“Қандай гўзал бриллиантлар-а”, деб ўйлади у ва узукни аста силаб қўйди. Шу он нимадир бармоғига билинар-билинамас санчилгандай бўлди. У узукни столга қўйди. Кейин бармоғидан бир томчи қон чиққан жойни оғзига олиб келди. “Боржиа узуги тушмагур ҳалиям санчиларкан-а, — деб қўйди мамнун бўлиб. — Ундаги заҳар аллақачон чиқиб кетган бўлса керак, ахир унга тўрт юз йил бўлган-ку. Шундай бўлса-да, у ҳалиям санчилишини қўймабди”, деб ўйлади яна қулиб.

Чалик телефон гўшагига қулоқ тутди. Унинг кайфияти чоғ, ахир узук қайтиб келганини эшитиб мижози ўзида йўқ суюнади-да, ахир.

Бунни ҳис қилиб Чаликнинг кайфияти янада кўтарилиб кетди.



# ТОНКОНГДАН КЕЛГАН ШОБУТ



## БИРИНЧИ БОБ

Эндигина корхонанинг эшигини ёпмоқчи бўлиб турган эдим, столимдаги телефон жиринглаб қолди. Соат олтидан ўн дақиқа ўтган. Менга бир цент ҳам даромад келтирмаган узун, зерикарли кун ниҳоясига етган. Кун бўйи биронта ҳам миждоз келмади. Пochтадан келган ҳамма хатларни очмаёқ саватга ташлаб юбордим. Ниҳоят, мана, телефон ҳам жиринглаб қолди. Гўшакни кўтариб шахдам жавоб бердим:

— Нельсон Райан эшитади.

Орага жимлик чўкди. Гўшакдан фазога кўтарилаётган самолётнинг товуши эшитилди. Бу товуш бир зум қулоғимни битирди-да, кейин аста-секин узоқлашиб кетди.

— Мистер Райанмисиз? — паст ва бўлиниб чиққан овоз эшитилди.

— Худди шундай.

— Сиз хусусий изқувармисиз?

— Тўппа-тўғри.

Яна орага жимлик чўкди. Мен ҳансираб олинаётган товушга кулоқ тутиб турдим, у ҳам, эҳтимол, нафас олишимга кулоқ тутган бўлса керак. Ниҳоят нотаниш кимса тилга кирди.

— Менинг ихтиёримда бир неча дақиқа вақт бор. Аэропортдан қўнғироқ қиляпман. Бир топширигимни бажаришингиз керак бўлади.

Ён дафтаримни очдим.

— Фамилиянгиз ва манзилингизни айтинг.

— Жон Хардвик. Кеннот-бульвар кўчаси, 33-уй.

Манзилни ёзиб, сўрадим:

— Менга қандай топшириқ бермоқчисиз?

— Менинг хотинимни қузатишингизни илтимос қиламан.

— Яна бир самолёт учиб орага жимлик чўкди. Реактив моторларнинг гумбурлаган овози мижознинг кейинги жумласини эшиттирмади.

— Мистер Хардвик, гапингизни англолмай қолдим.

У чидамсизлик билан жавоб берди.

— Мен Героннинг пластмасса ишлаб чиқарувчи корпорациясида ишлайман.

Героннинг корпорацияси Тинч океани қирғоқларидаги энг йирик корпорацияларидан бири. Пасадена-ситининг тўртдан бир даромади унинг ҳиссасига тўғри келади.

— Бу нарса кундалик чиқимдан ташқари кунига эллик доллардан тўғри келади, — дедим одатдаги хизмат ҳақимни баланд кўтариб.

— Розиман! Ҳозир сизга уч юз доллар юбораман. Мен хотиним қаерга борса, орқасидан қолмай кузатиб юришингизни сўрайман. Агар уйдан чиқмаса, олдига бирон кимса қирган-қирмаганини аниқлайсиз. Бу иш кўлингиздан келадими?

Мен бунга жон-жон деб рози бўлардим. Шунинг учун ўйлаб ўтирмай дарров жавоб бера қолдим:

— Хизматингизга тайёрман, мистер Хардвик. Бироқ мен билан кўришмоқчи эмасмисиз? Мен мижозларим билан шахсан танишишни хоҳлайман.

— Фикрингизни тушундим. Гап шундаки, бу қарорга ҳозиргина, шу ерда келдим. Мен ҳозироқ Нью-Йоркка учиб кетишим керак. Сиз билан жума куни кўришамиз. Бу даврда хотиним қаттиқ кузатув остида бўлишига ишонишим керак.

— Бундан кўнглингиз тўқ бўлсин, — дедим бир оз жимликдан кейин яна бир самолёт овозини ўтказиб. — Мистер Хардвик, илтимос, хотинингизнинг ташқи қиёфасини тасвирлаб берсангиз.

— Сиз уни Кеннот-бульвар кўчасидаги 33-уйга бориб топишингиз мумкин, — деди у. — Кечирасиз, мени чақирिश-япти. Жума куни кўришамиз.

Телефондан эшитилган қисқа гудок суҳбат тугаганини маълум қиларди.

Мен сигарет тутатиб ҳавога пуфладим. Хусусий изқувар бўлиб ишлаётганимга ҳам, мана, беш йил бўлди. Бу даврда ҳар хил тоифадаги одамларни кўрдим. Жон Хардвик ҳам

шунақа телба одамлардан биридир, деб ўйладим, лекин қандайдир ички бир сезги билан қалбим унақага ўхшамайди, деб турарди. Чунки у ҳаётда ҳақиқатан ҳам оғир вазиятга тушиб қолган одамга ўхшаб гапирди-да. Эҳтимол, хотини хиёнат кўчасига кирганига анчадан буён шубҳаланиб юрган-у, энди узоққа кетиш олдидан синаб кўрмоқчи бўлаётгандир. Бундай вазиятларда эркак киши оний жазавага тушиб, ҳар қандай хунук ишга қўл уриб қўйиши мумкин. Лекин нима бўлмасин, бу менга ёқмади. Бировларни ўғри мушукдай кузатиб юриш мижозимга тўғри келмасди. Мен табиатан одамлар билан юзма-юз гаплашишни ёқтираман.

Мижозимдан олинган маълумотларни ўйлаб ўтиргандим, йўлакда қадам товушлари эшитилди. Эшик тақиллаб, хонага чопар кириб келди. У столга қалин конверт қўйиб, дафтарга имзо чекишимни сўради. У юзлари сепкилдор, ўз ҳаётидан мамнун кўринган хушчақчақ бир йигит эди. Мен имзо чекаётган пайтда менинг бетартиб хонамга, чирк босган шифт, турқи совуқ эски столимга, чанг босган китоб жавониму яланғоч қизлар расмлари туширилган осма тақвимга беписанд назар ташлаб чиқди. У кетгандан кейин конвертни очдим. Конвертдан ўттизта ўн долларлик ва “Жон Хардвикдан, Пасаденасити, Кеннот-бульвар, 33” деб ёзилган ташриф қоғози чиқди.

Пулни у шу қадар тезлик билан менга етказиб берганига тушунолмай қолдим. Кейин Хардвик, афтидан, “Хизмат — беминнат” корхонаси хизматидан фойдаланган бўлса керак, деган қарорга келдим. Чунки бу корхона кўшни уйга жойлашган эди. Мен телефон дафтарчасини очиб, Хардвик деган фамилияни қидира бошладим. Лекин у ерда Хардвикни тополмадим. Кейин манзиллар бўлимига қўнғироқ қилдим. У ердан Кеннот-бульвар кўчаси, 33-уйда Жон Хардвик эмас, Жон Майерс яшайди, деб маълум қилишди. Вазиятни ойдинлаштириш талаб қилинарди. Кеннот-бульвар кўчаси шаҳар марказидан тахминан уч миль нарида, Палма-Маунтен тоғига олиб борадиган катта йўл ёқасида эди. Бу ерда одатда биз томонларга дам олиш учун келган одамлар ижарада туришарди. Жон Хардвик ҳам шундай одамлардан бири бўлса керак-да, деб ўйладим. Эҳтимол, ўзи уй қуриб олгунча Жон Майерснинг уйини ижарага олиб турганмикан? Мен Кеннот-бульвар кўчасида атиги бир марта бўлганман, бунга ҳам анча

бўлган. Бу ердаги уйлар уруш тугагандан кейин қурила бошланган. Уйларнинг кўпи ҳар хил қурилган, ярми ғиштли, ярми ёғоч-синчли. Буни бунгало дейишади. Кеннот-бульварнинг бошқа жойларга қараганда устунлик жиҳати ҳам бор эди. Тоғ бағрининг гўзал манзараси ва денгизнинг кафтдек кўришиб туриши, мабодо бирон кимса қайноқ ҳаётдан узоқда ёлғиз дам оламан деса, бундай хилват гўшани топиши амримаҳол. Бу уйларни қанча ўйласам, улар мени шунча ўзига тортаверади. Мен кузатишим керак бўлган аёлнинг қиёфасини тасвирлаш ҳам унча қизиқтирмай қўйди. Пул қўлимга киргандан кейин уни ҳалоллаб олиш мажбуриятини ҳис қила бошладим. Мен идорамни беркитдим у лифтга қараб кетдим. Қўшним Жек Уэйд ҳали-ҳамон терга ботиб ишлаб ўтирарди. Унинг ўз котибасига ниманидир айтиб ёздирётгани эшик ортидан туриб ҳам бемалол эшитилиб турарди.

.Ташқари чиқиб, кўчани кесиб ўтдим, одатдагидей овқатланадиган қаҳвахонага кирдим. Бармен Сперроуга дудланган гўшт билан товук гўшти тайёрлаб олиб келишни буюрдим. Мана бу ҳурпайган сочларига оқ оралаган орик, новча йигит менинг ишларимга жуда қизиқиб қарарди. Ўзи ёмон йигит эмас, вақти-вақти билан у билан гурунглашиб, ҳар хил олдиқочди гапларни қалаштириб кўнглини хушлаб турардим.

— Бугун хизматдамисиз, мистер Райан? — сўради у қизиқсиниб.

— Нима, сезилиб турибдими? — дедим саволига савол билан. — Бугун оқшомни мижозимнинг хотини билан ўтказаман, бирон фалокатга йўлиқмасин, деб қўриқлайман.

— Шунақами? Ким экан у, мистер Райан.

— Лиз Тейлорни танийсанми?

У нафасини ютиб, калласини сарак-сарак қилди.

— Мерлин Монрони-чи?

У сўлагини ютганида кекирдаги бориб келди.

— Ҳа, биламан.

Мен маъюс кулиб қўйдим.

— Мен қўриқлайдиган аёл ҳам ўшаларнинг хилидан.

У ҳеч нимага тушунмай им қоқиб қўйди, кейин уни мазах қилаётганимни тушунди-ю, хижолат тортиб, жилмайди.

— Мудом ўзимга алоқаси йўқ ишларга бошимни тикиб юраман-а.

— Тезлаштир, Сперроу, — дедим жавоб бериш ўрнига. — Ишга киришадиган вақтим бўлди.

У таомни қоғоз пакетга ўраб олдимга қўйди.

— Мистер Райан, сизга ҳақ тўлаган ишнигина қилинг, — деб маслаҳат берди у пакетни кўлимга тутқазаркан.

Мен машинага ўтириб Кеннот-бульвар кўчаси қайдасан деб йўлга тушганимда соат йигирма дақиқаси кам етти эди. Йўл сентябрь офтоби мўл нур тўкиб турган тоғ томон ўрлаб борарди. Кеннот-бульвардаги бу оддий уйлар тўсиқлар ва гуллаб ётган буталар орасида қолиб кетган эди. Мен 33-уйнинг ёнидан ўтиб кетдим. Бу уй томон иккита кенг йўлак олиб борар ва ҳар икки йўлак ҳам икки табақали дарвозага бориб тақаларди. Уйдан сал нарида денгизнинг гўзал таровати кафтдек кўриниб турадиган машина қўйиш жойи ҳам бор эди. Мен машинамни ўша ерга қўйиб, ўзим орқа ўриндикка ўтириб олдим. Шу ердан 33-уйнинг дарвозаси жуда яхши кўриниб турарди. Энди фақат кутишгина колган эди. Мен бу ишни боплайман. Шунини удалай олмайдиган бўлсам хусусий изқувар бўлиб юришимнинг нима ҳожати бор.

Бир соат давомида йўлдан анча-мунча машина ўтиб кетди. Машинани асосан ишдан қайтаётган эркаклар бошқарарди. Улар ёнимдан ўтар экан менга ва машинамга эътиборсиз назар ташлаб қўйишарди. Мен одамларнинг кўзига мижозимнинг аёлини кузатувчи хусусий изқувар эмас, балки ўз севгилисини кутаётган ошиғу беқарорга ўхшаб кўринишга интилардим. Ёнимдан тор шим ва эгнига свитер кийган қиз ўтиб кетди. Ёнида жингалак жунли пудель ҳар бир дарахтга маза қилиб бутини кўтариб борарди. Қиз қизиқувчанлик билан менга назар ташлаб қўйди. Мен эса устаси фаранг ошиқлардек унинг гўзал қоматига кўз югуртирарканман, “афсуски, ҳозир қиз тезда қоронғилик қаърида ғойиб бўлади-да”, деб ўйладим.

Соат тўққизда атрофни тамом қоронғилик босди. Мен таомни олиб паққос туширдим-да, устидан бир шиша сувни ичиб юбордим. Узоқ ва зерикарли кутиш онлари бошланди. Мен пойлаётган дарвозадан ҳеч ким чиқмади ҳам, у ерга бирон кимса кирмади ҳам. Энди атроф зимистон, ҳаракатни бошласам ҳам бўлади, дедим ўзимча ва машинадан тушиб, йўлни кесиб ўтдим. Дарвозани очиб саришта ҳовлига кўз

югуртирдим. Девор, гултуваклар ва уйга кирадиган йўлакка кўзим тушди. Деразалар ёритилмаган. Демак, ичкарида ҳеч ким йўқ, деган хулосага келдим. Ҳар аҳтимолга қарши уйни айланиб орқа томонига ўтдим. У ерда ҳам биронта деразада чироқ нури кўринмади.

Мен машинага бир оз саросимага тушиб қайтиб келдим. Менимча, эри аэродромга жўнаши билан хотини ҳам уйдан чиқиб кетган бўлса керак, деб ўйладим. Энди кутишдан бошқа чорам йўқ. Уч юз доллар киссамда экан уни оқлаб олишим керак, энди нима бўлса ҳам охиригача кутаман, деган қарорга келдим.

Соат тунги учларга бориб кўзим илинибди. Мени қуёшнинг шамоллатгич ойнасидан кўзимга тушган илк нурлари уйғотиб юборди. Бўйним қийшайиб қолибди, белим зирқираб оғрияпти. Уч соат ухлаб нотўғри иш қилганимни тушундим. Йўлдан юқори томонга қараб сут таркатувчи юк машинаси борарди. Сут сотувчи ҳар бир уйнинг пиллапояси олдида тўхтаб, у ерга шишада сут қўйиб кетарди. У 33-уйни ўтказиб 35-уй олдида тўхтади. Бу уйга сут қўйиб бўлганидан кейин унинг ёнига бордим. У юзларини ажин босган қария эди. Сават тўла сутли шишани қўлида тутиб тураркан, менга савол назари билан қаради.

— Сиз 33-уйни ўтказиб юбордингиз, — дедим.

Чол ажабланган кўйи қошини кўтариб:

— Хонадон соҳиблари кетишган, — деди. — Бу билан сизнинг нима ишингиз бор?

Мен бунақа нусхалар билан очикчасига гаплашиш кераклигини билардим. Бўлмаса полицияни чақириши ҳеч гапмас. Шунинг учун ортикча пачакилашиб ўтирмасдан гувоҳномани узатдим. У гувоҳномамни диққат билан ўқиб чиқди, кейин ҳуштак чалиб қўйиб менга қайтарди.

— Сиз 33-уйга хизмат қилмайсизми? — дедим.

— Хизмат қиламан, лекин улар бир ойда кетишган.

— “Улар” деганингиз кимлар?

Бирмунча вақт чол ўйлаб турди.

— Майерслар оиласи.

— Менга ҳозир бу ерда Хардвиклар оиласи яшайдигандек туюлганди.

Сут сотувчи саватини ерга қўйиб, шляпасини бўйнига сурди.

— Ҳозир бу ерда ҳеч ким яшамайди, — жавоб берди у пешонасини қашиб. — Бирон кимса яшаса, буни билган бўлардим. Одамларга сут керак-ку, уни бу ерга фақат мен олиб келаман.

— Тушунарли, — дедим гарчанд ҳеч нимани тушунмаган бўлсам ҳам. — Хонадон соҳиблари биронтасини ижарага қўйиб кетмаганмикин, билмайсизми?

— Мен, мана саккиз йилдирки, мистер Майерсни сут билан таъминлаб келаман. Бу даврда уйини бирон кимсага ижарага бермаган. У доим йилнинг мана шу фаслида таътилга чиқади.

Сут сотувчи саватини кўтарди, билдимки, мен билан суҳбати ниҳоясига етди.

— Бу атрофларда Жон Хардвик деган одам туришини билмайсизми? — сўрадим умидимни узиб.

— Бунақа одам йўқ бу ерда. Бўлса билган бўлардим.

У менга имо қилиб, юк машинасига ўтирди-ю, 37-уйга қараб кетди.

Ҳаёлимга келган илк нарса манзилни чалкаштирмаганмиканман, буни текширишим керак, деган гап бўлди. Лекин бундай бўлиши мумкин эмаслигини жуда яхши билардим. Хардвик манзилни аниқ қилиб айтди, ҳатто қоғозга ёзиб ҳам олдим. Бундан чиқди, кимсасиз бўш уйни кечаси билан қўриқлаш учун уч юз доллар тўлаган экан-да? Эҳтимол сут сотувчи алдаётгандир, уйда барибир биронтаси яшаётганмикан? Мен 33-уйга қайтиб келиб яна эшикни очдим. У ерда бирон кимса бор-йўқлигига ишонч ҳосил қилиш учун уйнинг ичига киришга ҳам ҳожат қолмади. Уй одам яшайдиган аҳволда эмасди. Кўнглимга ёмон гаплар кела бошлади. Манави сирли Хардвик деган кимсага халакит қилаётган бўлсам шу кечаси мени йўлидан олиб ташламоқчи бўлганмикан? Ақли бор одам шу ўн икки соат ичида уч юз доллар сарфлаб мени йўқ қилмоқчи бўлганига ишониш қийин. Мен ахир бирон-бир катта нуфузга эга одам бўлмасам, бу ҳол менга тинчлик бермасди.

Тўсатдан калламга иложи борича тезроқ идорамга бориш фикри келиб қолди. Бу нарса ҳар қандай душга тушишу соқол олишдан ҳам зарур эди.

Машинани шаҳарга елдириб кетдим. Кўча ҳали серкатнов эмас, ишхонамга бир неча дақиқада етиб келдим.



Эшик оғаси ўзича минғирлаб полни тозалаяпти. У менга маъносиз бир қараб қўйди-да, ўгирилиб олди. Бу одам ҳам-мани, ҳатто ўзиниям ёмон кўрарди. Мен шошиб тўртинчи қаватга кўтарилдим, кейин йўлак бўйлаб катта-катта қадам ташлаб эшигига бўртиқ қора ҳарфлар билан “Нельсон Райан, хусусий изқувар”, деб ёзиб қўйилган хона олдига келдим. Чўнтагимдан калитни олдим, лекин уни эшикка суқмай қул-фини пастга тортдим.

Кеча кечқурун эшикни қулфлаганимни аниқ биламан, лекин ҳозир эшик очиқ эди. Эшикни эҳтиёткорлик билан очиб даҳлизга қарадим. У ерда стол ва унинг устида титилиб кетган журналлар ва тўртта қийшиқ-қинғир стул турарди.

Менинг хонамга кирадиган эшик ярим очиқ турибди!

Кетишимдан аввал қулфлаганман...

Кўнгилсиз туйғу вужудимни қамраб олди. Эшикка яқин бориб шартта очиб юбордим. Миждозларни қабул қиладиган ўриндиқда эғнида иккала биқини очиқ кумушранг “чунгазан” — миллий хитой кийимида чиройли оёқларини яланғочлаганча гўзал бир хитой қиз менга рўпара бўлди. Қиз шу ўтиришда хотиржам, беташвиш қиёфада ухлаб қолганга ўхшарди. Чап кўкрагидаги кичкина доғ уни жудаям тез ва ниҳоятда усталик билан отишганидан далолат бериб турарди. Шу қадар тез отишганки, ҳатто қиз кўрқишга ҳам улгурмаган бўлса керак. Уни ким ўлдирган бўлмасин ўз ишини моҳирлик билан амалга оширган эди. Мен эҳтиётлик билан юзини ушлаб кўрдим. Афтидан, у бундан атиги бир неча соат муқаддам ўлдирилган эди.

Мен чуқур хўрсиниб телефон гўшагини кўтардим-да, полиция рақамини тера бошладим.

Полициячилар келгунча “меҳмон”имни кўриб олишга улгурдим. Қиз ёш, 23–24 ёшларда, эғнида қимматбаҳо кўйлак, оёғида нейлон пайпоқ, янги фасондаги туфли. Оёқлари жуда бежирим. Кимлигини билолмадим, чунки қўлида бирон-бир хужжати йўқ эди. Афтидан, уни қотил олиб кетган бўлса керак. Шундай қизнинг кўчага сумкачасиз чиқиши ақлга тўғри келмайди.

Орадан ўн дақиқа ўтиб, полициячилар асаларидай ёпирилиб келишди. Охирида изқувар — лейтенант Том Ретник кириб келди. Иш бошлаганимга тўрт йил бўлган бўлса, у

билан бу давр мобайнида танишиб олганман. У паст бўйли, тулки юз, олифта бир нусха эди. Омади келиб шаҳар мерининг синглисига уйланиб олганлиги сабабли, ўз хизмат лавозимида муқим турарди. Полиция офицери сифатида жамиятга тарикчаям фойдаси тегмаган. Бахтига Пасадена-ситидаги лавозимига ўтгандан буён бирон-бир жиддий жиноят ҳам содир бўлмаган. Сержант котибликдан лейтенант бўлгунча ўтган давр мобайнида биринчи бор қотиллик рўй бериши. Ретник менинг хонамга ўзининг қуролли қўриқчиси сержант Палски ҳамроҳлигида шахд билан отилиб кирди. Унинг мияси ишламаслигини, ҳатто болаларга мўлжалланган кроссвордни ечишга ҳам фаҳми етмаслигини ҳамма беш қўлдай биларди.

Сержант Палски барваста, юзлари қип-қизил, гўштли, мушглари йўғон. Унинг калласи хожаси Ретникникидан ҳам кам ишлайди. Бу камчилигини забардаст мушглари билан тўлдириб юради. Уларнинг иккаласи ҳам менга қиё боқишмади. Хонамга кириб мурдага узоқ қараб туришди. Кейин Палски қотиллик содир бўлган жойни текшира бошлади. Ретник эса, олдимга келди. У қотил мен эканимга мутлақо ишонган бир қиёфада эди.

— Хўш, изкувар, бу қандай содир бўлганини бир бошдан гапириб бер-чи, — деди у столга ўтирганча ялтироқ туфли кийган оёғини саланглатиб. — Бу сенинг мижозингми?

— У ким ўзи, бу ерда нима қилган, тасаввуримга сиғмаяпти, — дедим. — Эрталаб хонамга келсам, шу аҳвол.

Ретник менга тикилиб қараб сигарасини чайнай бошлади. У, полициячилар гумонсираган одам билан гаплашганда шундай қилиш керак, деб ҳисобларди.

— Сен идорангни ҳамма вақт ҳам шунақа эрта очасанми? Мен бор гапни яширмай айтиб бердим.

Палски хонамда ишни тугатиб чиқиб келди. У ўзининг кенг елкаси билан эшикни ёпган ҳолда гапимга қулоқ солди.

— ... бунгалода ҳеч ким йўқлигини билганимдан кейин бу ёққа югурдим, келсам аҳвол шу, — деб гапимни тугатдим. — Бу ерда қандайдир макр, ҳийла бор деб тасаввур қиляпман. Лекин нима бўлгандаям, тўғриси, бунақа бўлишини сираям кутмагандим.

— Унинг сумкаси қаерда? — сўради Ретник.

— Билмайман. Қотил олиб кетган бўлса керак.

Ретник оғзидан сигарани олиб энгагини қашиди, мурдага қараб туриб сигарасини яна оғзига тикди.

— Сумкасида нима бор экан? Бўйнингга ол, уни сен ўлдирдингми? — сўради у.

Ретникдан ўзимам бундан бошқа нарсани кутмагандим. Полицияни чақирганимда биринчи гумондор барибир мен бўлишимга ишончим комил бўлган эди.

— Агар мабодо хитой қизнинг сумкасида “Кўҳинур” бриллианти бўлган тақдирда ҳам мен уни бу ерда ўлдирмаган бўлардим, — ўзимни босиб дедим. — Мен уни яхшилаб қузатган, ўзи қаерда яшашини билган ва кейин ўша ерда ўлдирган бўлардим.

— У бу ерда нима қилган, қандай қилиб хонангга келиб қолган?

— Менимча, қизнинг менда иши бўлган. Ўзини Жон Хардвик деб таништирган йигит бизнинг кўришмаслигимизни маъқул кўрган. Нега учрашишни истамаган — буни фақат тасаввур қилиш мумкин, холос. Менимча, Хардвик менга яхшигина ҳақ тўлаб кимсасиз уйни кўриқлашга жўнатиб юборган, бу билан менинг бу ерда бўлмаслигимни хоҳлаган. Кетганимдан кейин ўзи қизни шу ерда кутган. Идоранинг қулфлари оддий. Уни очиш қотилга ҳеч қандай қийинчилик туғдирмаган. Афтидан, қиз кириб келганда қотил менинг столимда ўтирган бўлган. Қизнинг хотиржам ўтирган қиёфасидан билиш мумкинки, унинг асли кимлигини билмаган ва уни мен деб ўйлаган. Қиз ҳамма гапни айтиб бергандан кейин уни бир зумда отиб ташлаган. У ҳатто қўрқишга ҳам улгурмаган.

Ретник Палскига қаради.

— Манави изкувардан кўз-қулоқ бўлиб турмасак, биздан ҳамма ишни тортволиши мумкин. — Палски жимиб қолди, кейин гиламга қараб тупурди. Суҳбатнинг унга даҳли йўқ эди. Унинг касби бор-йўғи итоаткорлик, буйрукни қулоқ қоқмай бажариш, холос.

— Тўғриси айтсам, ҳов корчалон, далилларинг бир-бирига қовушмаяпти. Ўша йигит икки километр нарида аэропортда туриб телефонда гаплашибди. Агар алдамаётган бўлсанг, соат олтидан кейин бу ердан кетган экансан. Унда олти яримдан олдин бу ерга ҳеч ким кира олиши мумкин эмасди.

Катта кўчада машина қатнови тинимсиз. Ҳар қандай одам, ҳатто у сариқ танли бўлган тақдирда ҳам шуни яхши билардики, ҳозир иш вақти эмас. Шунинг учун қиз таваккал қилиб аввал қўнғироқлашган бўларди.

— У телефон қилмаганини қаердан биласиз? Эҳтимол Хардвик менинг ўрнимга жавоб бериб, шу ерга келишини буюргандир.

Ретникнинг юз ифодаларидан менинг далилларим устида бош қотираётганини тушуниш мумкин эди. Эшикда замбил кўтарганча врач ва санитарлар кўринди. Эшик кесакисига суяниб турган Палски беихтиёр ўршидан кўзғалиб, уларни хонага бошлади. Ретник асабийлашган ҳолда галстугидаги марварид тўғнағичини тўғрилади.

— Уни текшириш қийинчилик туғдирмайди, — деди у гўё ўзи билан ўзи гаплашгандай. — Бунақа гўзаллар доим ҳамманинг назарида бўлиб келган.

— Ўша Хардвик дегани сен билан қачон учрашишга ваъда берган?

— Эртадан кейин, жума куни.

— Келади деб ўйлайсанми?

— Келмаслиги ҳам мумкин.

Ретник ҳомуза тортиб соатига қаради.

— Рангингни қара, бир ҳолатда. Балки, бир пиёла қаҳва ичарсан? Узоққа кетиб қолма. Бу гапларни оғзингдан гуллаб қўйма ҳеч кимга. Сен билан ярим соатдан кейин гаплашаман.

Унинг бунақа ғамхўрлигидан шуни билдимки, бирмунча муддат мендан холи бўлмоқчи эди.

— Қаҳваниям ичармиз, — унинг фикрига қўшилдим. — Лекин ҳозир уйга бориб кийиниб келсаммикан?

— Ундай қилса ҳам бўлади. Яқин ўртада бирон жойда қаҳва ичиб ол.

Мен лифтда пастга тушдим. Ҳали вақт эрта, соат йигирмата кам етти бўлганига қарамай подъездда полиция ва тез ёрдам машиналарини кўриб томошатаблар тўпланиб қолишибди. Йўл бўйи ортимда оғир қадам товушларини эшитиб бордим. Қаҳвани полициячилар даврасида ичишим керак бўлганлиги сабабли оркамга ўгирилиб қарамадим. Қаҳвахонага кириб курсига ўтирдим. Деразадан машиналарга қараб турган Сперроу ойнадан зўр-базўр узилди-ю, нима буюрасиз дегандай менга тикилди.

— Нима тайёрлаб берай, мистер Райан?

— Иссиқ ва аччиқ қаҳва ҳамда сур гўшти тухум қуймоқ.

Оркамдан кузатиб келган полициячи ичкари кирмай эшикда қолди. Сперроу чидамсизлигидан ҳаяжонланганча ликиллаб келиб олдимга қаҳва қўйди, кейин қуймоқ тайёрлашга тушди.

— Биронтаси вафот этибдими, мистер Райан, — деди у тухумни товага чақиб соларкан.

— Кеча кечқурун қаҳвахонани соат нечада беркитган эдинг? — саволига савол билан жавоб бердим эшикка қараб.

— Роппа-роса соат ўнда, — жавоб берди у. — Анови ерданима бўляпти?

— Бир хитой қизни ўлдириб кетишибди, — дедим озгина қаҳва хўплаб. — Ярим соат муқаддам хонамдан унинг мурдасини топдим.

Сперроунинг кекирдаги чидамсизликдан ўйнай бошлади.

— Ростданми?

— Ҳа, рост, — дедим им қоқиб қаҳвани хўпларканман.

— Хитой қиз дейсизми?..

— Ҳа, менга бошқа савол берма. Бу ҳақда сен қанчалик билсанг, мен ҳам шунчалик биламан. Мен кетганимдан кейин бу ерда хитой қизни кўрмаганмидинг?

У калласини сарак-сарак қилиб менга яна қаҳва қўйди.

— Йўқ. Агар у соат ўнгача келганда кўрган бўлардим. Кеча ишим ҳам унчалик кўп бўлгани йўқ.

Аъзойи баданимни совуқ тер босди. Ўзимни оқлаш учун соат саккиз бўлмасдан кучук етаклаб ўтган қизни гувоҳ сифатида кўрсатишим мумкин эди. Хитой қиз корхонамга худди шу вақтда кирган деб тахмин қилдим. Кечаси кирган бўлса, унда полицияни, бутун тун бўйи Кеннот-бульварда машинада ўтирдим, деган гапимга ишонтиришим керак бўлади.

— Мен кетганимдан кейин биронта бегона одамни кўрмадингми?

— Кўрмадим. Эшик оғаси одатдагидай эшикни кечқурун соат ўнда қулфлади. — У олдимга тухум қуймоқни қўйди. — Уни ким ўлдирибди?

— Билмайман.

Иштаҳам бузилди. Иш чаппасига кетган эди. Ретникни жуда яхши биламан, бу йигит пашшадан фил ясайдиганлар тоифасидан. Агар мендан заррача бўлсаям айб топса борми, дунёни остин-устун қилиб юборади, мени ҳеч қачон тинч қўймайди.

— Уни кўролмайд қолибсан-да, а?

— Мен ҳамма вақт деразадан қараб ўтиравермайман-ку.

Иккита эркак кириб нонуштага буюртма беришди. Улар қизиқсиниб Сперроудан, нима бўляпти, деб сўрашди. Сперроу менга имо қилиб қўйди, кейин ҳеч нимани билмайман, деди. Эркаклардан куртка кийган бақалоғи Марлон Брадо шундай деди:

— Биронтасининг адабини беришибдими, “Тез ёрдам” етиб келибди?

Мен олдимдаги тақсимчани суриб қўйдим. Овқат томоғимдан ўтмади. Қаҳвани ичиб ўрнимдан турдим, Сперроу қовоғи солиниб менга қаради.

— Ёкмадими, мистер Райан?

— Йўқ, қорним тўқлигини ҳисобга олмабман. Менинг ҳисобимга ёзиб қўй, — шундай деб кўчага чиқдим. Шу он олдимга бир барзанги полициячи келди.

— Қаёққа бормоқчи бўляпсиз? — деди у.

— Ўз корхонамга. Нимайди?

— Керак бўлиб қолсангиз сизни чақиришади, ҳозирча менинг машинамда ўтиратуринг.

Индамай машинага ўтирдим. Атрофда тўдаланиб турган томошатаблар эса ўзларини мен томонга уришди? Мен сигарет тутатарканман уларга эътибор қилмасликка ҳаракат қилардим. Ўзим тушган вазиятни қанчалик кўп ўйласам, шунчалик дилим хира тортарди. Фақат битта нарса аниқ — мен тузоққа тушган эдим.

Орадан бир соат ўтиб, замбил кўтарган иккита санитар чиқиб келди. Чойшаб тагида хитойлик қиз жудаям кичкина бўлиб кўринарди. Одамлар шовқин солиб юборишди. Санитарлар замбилни машинага жойлагач, у юриб кетди. Унинг ортидан ўз машинасида врач ҳам жўнади. Яна узоқ кутиш онлари бошланди. Ниҳоят бўлимдан қотилликни текшириш бўйича шуғулланадиган йигитлар чиқишди. Улар кўриқчим-

га имо қилишди-да, жўнаб кетишди. Қўриқчи машина эшигини очиб бармоғи билан мени туртди.

— Тез бўл, — деди, — лейтенант сени кўрмоқчи.

Эшикда қўшним — идораси идорам билан ёнма-ён кимёгар Жек Уэйд билан тўқнашиб кетдим. Уэйд мендан уч ёш кичкина. Хушбичим, қоратўр, сочи калта қирқилган, боқишлари тийрак, коллеждан энди чиққан болаларга ўхшаш. Биз ишга келаётиб лифтда кўп марта учрашиб қолардик. У жуда мулойим йигит, менда яхши таассурот қолдирган. Сперроуга ўхшаб ишларим билан қизиксиниб юради. Лифтда кўтарилган қисқа муддатда ишларим юришаётган-юришмаётганини сўраб-суриштиради, мен эса Сперроуни лақиллатганимдай, унинг қўйинини пуч ёнғоққа тўлдириб, ҳар хил гапларни гапириб бераман.

— Нима бўлди? — деб сўради у лифтга кирганимизда.

— Эрталаб идорага келсам, хонамда бир хитой қизнинг мурдаси ётибди, — дедим. — Шунинг учун тўполон.

У кўзларини катта-катта очиб менга тикилди.

— Мурда дейсизми?

— Кимдир отиб ташлабди.

У лол бўлиб қолди.

— Уни ўлдириб кетибди, демоқчимисиз?

— Ҳа, худди шундай деса ҳам бўлади.

— Ё парвардигор, ё тавба!

— Уни кўриб мен ҳам шундай деб юбордим.

— Ким ўлдирибди уни?

— Гап шунда-да, ҳеч ким билмайди, кеча идорадан қачон кетгандингиз?

— Тўққизларга яқин, эшик оғаси эшикларни ёпаётганда.

— Ўқ овозини эшитмадингизми?

— Ё худо... йўқ.

— Кетаётганингизда хонамда чироқ ёниқ-ёниқмаслигига эътибор қилмадингизми?

— Билмайман. Олтидан кейин кетганингизни эшитган эдим.

— Тўппа-тўғри, — негадир кўнглим таскин топди. Демак, аёлни соат ўндан кейин ўлдиришган. Ўз-ўзидан ўзимни оқлашга бўлган сабаблар заррача бўлса-да, юзага чиққандай бўлди.

Лифт тўртинчи қаватда тўхтади, биз ташқарига чиқдик. Шу он сержант Палски идорам эшиги олдида эшик оғаси билан турганига кўзим тушди. Эшик оғаси менга худди икки бошли аждарга қарагандай ўқрайиб назар ташлаб қўйди, ҳар ҳолда менга шундай туюлди. Улар лифтга киришди.

— Энди, назаримда, бу иш билан узоқ вақт банд бўлсангиз керак? — деди Уайд эшигим олдида турган қўриқчига қараб, кейин: — Сизга ёрдамим тегиши мумкинми? — деди менга.

— Раҳмат, — дедим, — зарур бўлсангиз ўзим маълум қиламан.

Мен қўриқчининг олдидан ўтиб, қабулхонага кирдим. Кулдон қолиб ҳаммаёққа чекиб ташланган сигарет қолдиқлари-ю, гугурт чўпларидан бўлак хонамда ҳеч нима йўқ, шипшийдон эди. Хонамда лейтенант Ретник юмшоқ курсида ялпайиб ўтирарди. Киришим билан менга “полицияча қараш” қилди-да, мижозларим учун мўлжалланган, лекин ҳозир ёнбошида қон доғлари бўлган ўриндикни кўрсатиб, ўтиришга таклиф қилди. Унга ўтиргим келмади, тирсагимни суяб нарибери ўтирдим.

— Ўзинг билан курол олиб юришга рухсатноманг борми?

— Ҳа.

— Тўппончанг қанақа калибрли?

— Ўттиз саккизинчи калибрли, полициячилар учун бериладигани.

У кафтини очиб қўлини узатди.

— Менга бер.

— У юқорида, ўнг тарафдаги ғаладонда.

Ретник қўлини чўзганча менга узоқ қараб турди, кейин қўлини тортиб олди.

— Револьвер у ерда йўқ.

Кутилмаганда чўчиб тушдим.

— Ўша ерда бўлиши керак.

Ретник мендан кўз узмай сигара олиб чекди.

— Аёлни ўттиз саккизинчи калибрли револьвер билан отиб ўлдиришган. Врач аёл кечаси соат учларда отиб ўлдирилганлигини аниқлади. Менга қара, Райан, мана шу сарик танли аёлнинг сумкачасида нималар бўлганлигини очик-ойдин айтиб бериб қўяқолсанг нима бўлади?



Ўзимни қўлга олишга ҳаракат қилиб, шундай дедим:

— Эҳтимол, назарингизда тажрибасиз изқувар бўлиб туяларман, лекин шуни билиб қўйингки, миждозини ўз идорасида, унинг устига ўз шахсий тўппончаси билан отиб ўлдирадиган даражада аҳмоқ эмасман. Гарчанд унинг лаънати сумкасида дунёнинг ҳамма олтинлари бўлган тақдирда ҳам.

Ретник яна сигара олиб тутатди, кейин мен томонга қараб сассиқ тутунни пуфлади.

— Билмайман, балки шундай ҳамдир. Эҳтимол, ўзингни оқлайдиган бир сабаб топиб ҳаммани алдамоқчидирсан, — деди у гапларига ўзи ҳам унчалик ишонмай.

— Агар мен уни ўлдирган бўлганимда, ўзимни оқлайдиган далилни аниқ белгилаб қўйган бўлардим. Яъни соат саккиз ярим эмас, кечаси уч деб ахборот берардим.

— Соат учда аёл киши идорангда нима қилиб юрибди?

— Ўз тахминимни айтиб беришимни хоҳлайсизми?

— Менга қара, Райан, сўнгги беш йил ичида шахримизда биронтаям катта жиноят содир бўлгани йўқ. Мен матбуотга бирон-бир маълумот беришим керак. Калланга келган ғояларни эшитмоқчиман. Сен бизга ёрдам берсанг, мен ҳам сенга ёрдам бераман, хоҳласам сени ҳозироқ камоққа олиб, панжара ортига тиқиб қўйишим мумкин. Қўлимдаги далиллар бунга асос бўла олади. Сенга менинг хато қилаётганимни исботлаш учун имконият бераман. Шундай экан, кўнглингга келган ҳар қандай гапни бемалол айтавер.

— Дейлик, у бизнинг шаҳарда яшамайди-ю, лекин бирон-бир масала юзасидан тезда мен билан гаплашиши керак бўлган. Нимани гаплашиши мумкинлиги ҳақида мендан сўрамай туринг. Фрискодаги мендан бошқа ҳар қандай хусусий изқувар билан гаплашиши мумкин-ку. Шундай деб тасаввур қилайлик. У самолёт билан келишга қарор қилган. Бу қарор калласига соат еттиларда келган. Аёл учиб келгунча мен идорада бўлмаслигимни билган. Шунинг учун буёққа телефон қилган. Хардвик деган кимса эса мени жўнатгандан кейин идорамга кириб олган-у, унинг қўнғироғини кутиб ўтирган. Қиз унга кечаси соат учларда етиб келишини маълум қилган. У эса, кутиб ўтиришини ваъда берган. Қиз аэропортдан тўғри шу ерга таксида келган. Эрақк ундан керакли маълумотларни олади-ю, кейин ўлдиради.

— Бунинг учун сенинг тўппончангдан фойдаланган деб ўйлайсанми?

— Шундай бўлса керак.

— Бинога кириш эшиги соат тўққизда кулфланган. Кулф бузилмаган. Бу ҳолда улар бу ерга қандай киришган?

— Хардвик мен кетишим биланоқ бу ерга келган бўлиши керак. У эшик оғаси эшикни беркитишидан олдинроқ кириб олган. Мен бу ерда бўлмаслигимни яхши билгани учун ўриндиққа бемалол ўтириб олганча унинг кўнғироғини кутган. Қиз келгандан кейин пастга тушган ва уни бу ерга бошлаб келган. Эшикка инглиз кулфлари ўрнатилган, бу кулфларни ичкаридан туриб очиш мумкин.

— Сен кино учун сценарий ёзсанг бўлар экан, — деди Ретник асабийлашиб. — Чўпчагингни журналистларга гапириб бермоқчи бўляпсанми?

— Бу тахминларимни текшириш жуда осон. Ўша қизни кимдир аэропортда кўрган бўлиши аниқ. Такси ҳайдовчи ҳам эслаши мумкин.

— Ҳаммаси сен айтганчалик бўлган ҳам дейлик, лекин ўша номаълум Хардвик ўзинг эмаслигингни ва қизни идорангга ўзинг бошлаб келмаганингни қандай исбот қиласан.

— Бу Хардвик деганлари умуман номаълум одам. Агар сиз “Хизмат — беминнат” агентлигидан сўраб-суриштирсангиз у ердан менга уч юз доллар жўнатишганини билиб оласиз, ундан ташқари, мен Кеннот-бульвар кўчасида соат 19.30 дан 22.00 гача бўлганимни ҳам аниқлайсиз, кечаси соат иккиларда ёнимдан бир машина ўтиб кетди, ҳайдовчи мени танидим, йўқми, билмайман. Эрталаб соат олтигача ҳали-ҳамон ўша ерда ўтирганимни сўт сотувчи тасдиқлайди.

— Мени сенинг соат ўн икки билан беш ўртасида қаерда бўлганинг қизиқтиради.

— Мен Кеннот-бульвар кўчасидаги 33-уй олдида бўлганман.

Ретник елкасини қисди.

— Расмиятчилик юзасидан чўнтагингда нима бўлса, борини чиқариб қўй.

Мен чўнтақларимни ағдариб, бор лаш-лушни столга олиб қўйдим.

— Агар қип-қизил овсар бўлган тақдиримдаям менга қарши гувоҳлик берадиган ашени чўнтагимда олиб юрмаган бўлардим! — дедим аччиғим чиқиб.

У ўрнидан турди.

— Шаҳардан ҳеч қаёққа чиқиб кетма. Ноўрин қўйган бир кадаминг сени панжара ортига тикади. — Ретник шундай деб эшикни ланг очик қолдирганча чиқиб кетди.

Мен лаш-лушларимни олиб чўнтагимга жойладим. Кейин эшикни ёпиб, сигарет тутатдим. Ҳозирча полициянинг қўлида мени қўлга олиш мумкин бўлган арзимас сабаб бўлгани билан айбни тамоман бўйнимга қўядиган жиноят асослари йўқ эди. Ҳаммаси яқин соатларда бирон нимада илинтиришларига боғлиқ эди. Қотил жиноятни бўйнимга осишга қатъий қарор қилгани аниқ, шунинг учун Ретникка қўшимча маълумотларни тезликда етказиши керак. Тўппончанинг йўқолиши буни исботлаб турарди. Қотил қизни менинг тўппончам билан ўлдирган ва у буни полиция осон топиб олиши учун қулай жойга ташлаб қўйган бўлиши керак. Ўрнимдан турдим, ўйлаб ўтирмасдан темирни қизигида босиш керак эди. Эшикни ёпиб, лифтга келдим. Жек Уэйднинг идорасидаги шаффоф ойнадан Ретникнинг акси аниқ кўриниб турарди. У менга қарши маълумот тўплаётган эди.

Вестибюлга тушиб иккита қўриқчининг ёнидан ўтдим ва машинамининг олдига бордим, ўтириб эшикни ёпиб олдим. Асабларим шу қадар таранглашган эдики, ҳозироқ икки қултум виски ютишни жудаям хоҳлаб қолдим. Одатда, соат олтидан олдин ҳеч қачон ичкилик ичмасдим. Лекин бу сафар одатимга қарши бордим.

Қўлқоплар турадиган бўлгани очдим, одатда, бу ерда бир шиша виски турарди. Очдим, қотиб қолдим. Ҳайратдан томоғим қуриб, оғзим очилиб қолди.

У ерда тўппончам билан тимсоҳ терисидан ясалган сумкача турарди. Сумкача марҳум хитойлик қизга тегишли эканлиги аниқ эди.

Полиция идорасининг орқасида баланд тўсиқ билан ўралган кенг саҳн бор эди. Бу ерда патруль машиналарни қўядиган жой қилинган. Деворда “Фақат полиция машиналари қўйилади”, деган эълон ҳам осиб қўйилган эди. Мен машинаминни очик эшик томон буриб, хизмат машиналари ёнига

келтириб қўйдим. Моторни ўчириб улгурмасимданок қоровул етиб келди. Унинг ирландча башараси ғазабдан кўкариб кетган эди.

— Ҳов! Нима гап! — бақирди у. Унинг йўғон овозини бир чақиримдан ҳам эшитиш мумкин эди. — Нима қияпсиз, ўқишни билмайсизми?

— Ҳеч нима, — машина калитини ўтолдиргичдан суғурарканман, ўзимни босиб жавоб бердим. — Ўқишни биламан, ҳатто узун қилиб ёзилган бўлса ҳам.

Мен қоровул ғазабдан ёрилиб кетса керак деб ўйладим. У бирмунча вақт муносиб ибора топишга ҳаракат қилиб оғзини очиб-ёпиб турди.

Мен кутиб ўтирмай унга кулимсираб қараб қўйдим.

— Бу ерга машина қўйишимга шаҳар мэрининг куёви Ретник рухсат берди. Агар эътирозингиз бўлса, унга мурожаат қилинг. Агар орқангиздан тепки есангиз мендан хафа бўлиб юрманг.

Қоровулнинг башараси ари чаққандай бужмайиб кетди. Менга ўқрайиб қараб қўйди-ю, нари кетди. Ретникнинг машинаси ҳовлига кириб келгунча йигирма дақиқалар кутишимга тўғри келди. Лейтенант менга парво ҳам қилмай полиция идораси эшигига қараб кета бошлади.

— Лейтенант...

Мен паст овоз билан чақирдим, у овозимни эшитиб, елкаси оша менга қаради.

— Бу ерда нима қияпсан? — хайрон бўлди у.

— Сизни кутиб турибман.

— Хўш, мен келдим. Нима гап?

Мен машинадан тушдим.

— Сиз идорани тинтув қилдингиз-у, машинамни текширмадингиз, лейтенант.

У тор бурун катаклари орқали ҳарсиллаб оғир нафас оларди.

— Нима сабабдан у ерни тинтув қилишим керак экан?

— Ахир сиз сариқ танли қизнинг сумкачаси ва мен уни отиб ўлдирган тўппонча қаердалигини билгингиз келгандику. Шунинг учун машинамни бу ерга олиб келдим...

Ретникнинг башараси ғазабдан кўкариб кетди.

— Менга қара, итвачча! — ўзини тутиб туrolмади лейтенант. — Сен билан пачаклашиб ўтиришга менинг вақтим йўқ. Палскига топшираман. У сенинг миянгни тозалаб қўяди, бўлмаса жуда ақлли бўлиб кетяпсан.

— Яхшиси, машинанинг қўлқоп қўядиган бўлмасига ўзингиз бир назар ташлаб қўйсангиз девдим, лейтенант.

Машинанинг бўлмасини очиқ қолдириб ўзим нари кетдим. Унинг башарасидан ғазоби қандай сўнаётганини кузатиб турдим. Ундаги ғазаб учқунлари эсанкираш аломатлари билан алмаша бошлади. У сумкача, тўппончага қўлиниям теккизмади. Бирмунча вақт уларга тикилиб турди-да, кейин менга ўгирилди.

— Бу сенинг тўппончангми?

— Ҳа.

— Сумкача хитойлик қизга тегишлими?

— Менга эмасдир, ахир!

— Демак, уни сен ўлдирган экансан-да?

— Мен сизга бошимга тушган мусибатни сизга яширмай баён қиляпман. Бошқача қилиш қўлимдан келмайди. Қандай қарорга келасиз — бу сизнинг ишингиз.

Ретник эшик олдида турган соқчини чақириб, Палскини топиб келишни буюрди. Кейин қўлини тегизмай тўппонча билан сумкачага назар ташладим.

— Энди қўлга тушдинг, бизни алдаб қўлимиздан чиқиб кетолмайсан, — деди у.

— Агар бу нарсаларни мен сизга кўрсатмаганимда уларни ҳеч қачон тополмаган бўлардингиз. Энди қутулиб кетиш учун жилла курса битта имкониятим бор.

— Сен ҳамма вақт машинангни ёпиб юрасанми? — У шундай деб сўради-ю, мияси бир зумда ишлай бошлади.

— Ҳа, лекин тўппонча ётган столимнинг ғаладониде машинанинг захира калитини сақлардим. Мен у ерни қарамадим, лекин бас бойлашиб айтаманки, ҳозир у ерда калит йўқ.

Ретник қаншарини қашиди.

— Тўғри, стол ғаладонини қараганимда калит йўқ эди.

Олдимизга Палски келди.

— Манави машина билан шуғуллан, — буйруқ берди Ретник.

— Ҳаммаёғини ағдар-тўнтар қилиб текшир. Тўппончани эҳтиёт қил. Уни Лейсига кўрсатсак зиён қилмайди.

Ретник юр дегандек, менга имо қилди. Биз иккаламиз полиция участкаси биносига кириб кетдик. Узун йўлакда бундай бинолар учун хос бўлган одатдаги хид анқиб турарди. Ретникнинг хонаси товуқ катагидек кичкина ва тор бўлиб, унда стол, иккита стул ва картотекалар турадиган жавон бор эди. Хона етимхона қабулхонасидай мўъжаз ва бежирим эди.

— Бу сизнинг хонангизми? — деб сўрадим кизиқиб. — Менимча, шаҳар мэрининг куёви учун бундан яхшироқ ва ишлаш учун қулай жойни топса бўларди.

— Менинг хонам ҳақида эмас, ўзингнинг омадсизлигинг ҳақида бош қотир, — гапимни бўлди Ретник. — Агар қиз шу тўппонча билан ўлдирилган ва сумка ҳақиқатан ҳам уники бўлса, билиб қўй, кунинг битгани шу.

— Шундай деб ўйлайсизми? — дедим қаттиқ стулга бемалолроқ ўтириб оларканман. — Биласизми, бундан ўн дақиқа олдин сумкача билан тўппончани денгизга ташлаб юбораман, деб ўйлаган эдим. Агар шундай қилганимда на сиз, на сизнинг ақлли ёрдамчиларингиз ҳеч қачон ҳеч нарсани тополмасдингиз. Лекин сизга тасодифий муваффақиятга эришишларингиз учун имконият яратиб бердим.

— Бу билан нима демоқчи бўляпсан?

— Мен буларни шунинг учун ҳам денгизга ташлаб юбормадимки, улар менинг машинамга атайлаб ташлаб қўйилган. Бу қилинаётган ҳамма найрангларга нуқта қўяди.

Ретник бошини кийшайтирди.

— Демак, сумкача билан тўппончани қўлга киритган эканман, нега энди сен калаванинг учини топаман, деб ўйляяпсан.

— Чунки сиз энди бутун диққат-эътиборингизни фақат менга қаратмайсиз. Энди ҳақиқий қотилни қидиришга тушасиз. Қотил эса, худди мана шундан кўрқади.

Бир оз вақт ўтгандан кейин Ретник портсигар чиқариб мулойимлик билан чекишни таклиф қилди. Бу — Ретникнинг танишгапимиздан бери биринчи бор мен томон дўстона қадам ташлаши эди. Гарчанд жинимдан ҳам ёмон кўрсам-да, унинг қўлини қайтармаслик учун сигарасини олдим. Биз чекишдик.

— Яхши, Райан, — деди у. — Сенга ишонаман. Қизни сен ўлдирганингни исботлаб бериш мен учун анча осон.

Лекин бундай қилгим келмаяпти. Сен арзон изқуварсан, лекин унчалик ақлсиз ҳам эмассан. Хўп, яхши, мени ишонтирдим, деб ўйлайвер. Сенга қўйилган шубҳани олиб ташлайман.

— Шунисиям яхши ҳозирча, — дедим.

— Лекин жудаям қувонаверма, — давом этди у. — Сен ҳали прокурорниям ишонтиришинг керак. У жуда ёқимсиз нусха. Шубҳа сенга тушганини билгандан сўнг, сенга қарши иш очиши мумкин. Ҳаммаси аниқ бўлгач, у ҳеч нимани кутиб ўтирмайди.

Э худойим-ей, бунга эътироз билдириб бўлмасди.

Ретник деразадан кўп қаватли бино кўришиб турган уйга қаради. У ерда чойшаблар осилган, болалар коляскаси турарди.

— Мен сўнгги хулосага келишимдан олдин бу ишни синчиклаб билиб олишим керак, сени гувоҳ сифатида қайд қилайми, ё ихтиёрий ёрдамчи сифатидами? — деди у ниҳоят.

— Ихтиёрий ёрдамчи сифатида.

У телефон гўшагини кўтариб, полицияни чақирди. Олдин кийим кийган, афтидан, виждонли одамлар тоифасидан бўлган бир йигитча кириб келди. Полицияда хизмат қилиш ҳали унинг жонига тегмаган кўринади. У Ретникка садоқатли итдай қараб турди. Ретник камбағал қариндошига муомала қилгандай мени бармоғи билан кўрсатди.

— Бу изқувар Райан бўлади. Менга керак бўлгунча кўнглини кўтариб тур. — У менга қаради. — Бу Паттерс. Полицияда яқиндан буён ишлаяпти, йигитчани ёмон йўлга бошлама.

Паттерс мени дезинфекция, тер хиди анқиб ётган кўрқинчли хонага бошлаб кирди. Мен дераза рахтига, у стол четига омонат ўтирдик.

— Бемалол ўтиравер — дедим. — Биз, афтидан, ўзаро танишиш билан кифояланишимизга тўғри келади. Хўжайининг хитой қизнинг қотили менлигимни исботламоқчи бўляпти, лекин бунинг урдасидан чиқиши амримаҳол.

У менга кўзини қадади, унга Ретник берган сигара қолдигини таклиф қилиб, синаб кўрмоқчи бўлдим.

— Уйда коллекциянг борми? Буни музей экспонатларингга қўшиб қўйишни истамайсанми? Бу сигарани менга сенинг лейтенантинг берди.

Паттерс қотиб қолди. У шу туришда одатдаги қоровулнинг ўзи бўлган қўйган эди.

— Менга қаранг, биз бунақа гапларни...

— Биламан, биламан, — унинг гапини бўлдим — бу гапни Ретникнинг оғзидан кўп марта эшитишга тўғри келган. Сизларга халақит қиламан ва йўлларингга тўғаноқ бўламан. Нима қилай? Ахир мен ҳам нон топиб ейишим керак эмасми? Озгина сизларни мазах қилишга ҳаққим йўқми? Нима учун қоровуллар бунчалик жиззаки бўлишади? — деб кулиб қўйдим. Бир оз ўйланқираб тургандан кейин йигит жавоб тариқасида менга қараб кулиб қўйди. Шундай қилиб, биз тил топишиб олдик.

Орадан анча вақт ўтгандан кейин бир югурдак бизга ловия қайлали гўшт олиб келди. Паттерс овқатни иштаҳа билан туширди, мен эса, тақсимчани бир оз кавлаштириб ўтирдим-да, нари суриб қўйдим. Кейин Паттерс чўнтагидан карта чиқарди. Биз гугурт чўпи тикиб карта ўйнай бошладик. Ўйинда бир қути гугурт донасини ютиб олдим-да, унга қандай қилиб ҳийла қилганимни кўрсатдим. Кейин унга буни ўргатмоқчи бўлдим. Йигит тиришқоқ шогирд чиқиб қолди. Соат саккизларга яқин югурдак бизга яна ловия қайлали гўшт олиб келди. Биз вақтни ўтказиш учунгина овқатни тановул қилдик. Кейин яна карта ўйинига шўнғиб кетдик. У фирромликни шундай қойилмақом қилиб ўзлаштириб олибдики, тезда мендаги бир қути гугуртни ютиб олди. Соат ўн иккиларга яқин телефон жиринглади. Югурдак гўшакни кўтарди. У топширикни эшитиб бўлгач, “хўп бўлади, сэр” деди-да, гўшакни жойига қўйди.

— Лейтенант Ретник сизни кўрмоқчи, — деди у ўрнидан кўзгаларкан. Биз иккаламиз ҳам сўнгги гудок чалингандан кейин кузатувчилар билан гаплашиш ортиқча бўлган поезд йўловчиларига ўхшаб қолдик. Орадан бир неча дақиқа ўтиб Ретникнинг хонасига кирдим. Кўриниши унчалик яхши эмасди. Менга ўтиришга стул кўрсатиб, бизни холи қолдир, дегандек Паттерсга имо қилди. У хўп бўлади, деб чиқиб кетгандан кейин ўтирдим, орага узоқ сукунат чўқди.

— Сенга омад кулиб боқди, — деди у ниҳоят. — Гарчанд мен қизни Райан ўлдирмаган деб туриб олсам ҳам прокурор роса айлантирди... Охири сен бундай ишларни қила олмаслигинг исботланди. Ўзингни бахтиёр сезавер.



Мен полиция бўлимида роппа-роса ўн беш соат ўтирдим. Бу давр мобайнида ҳар хил шубҳалар вужудимни кемирди, билмай қилиб қўйган ишимнинг натижаси нима бўларкин, деб юрагимни ҳовучлаб ўтирдим. Энди буни эшитиб, енгил нафас олдим.

— Ҳа, менга омад кулиб боқди, — дедим.

Ретник сигарага қўл чўзди. Лекин лабидаги ўчиб қолган сигарани сезиб кулиб қўйди-ю, уни ахлат қутисига ташлаб юборди.

— Сўнги ўн икки соат мобайнида бутун шаҳар полицияси сенинг ишинг билан банд бўлди. Биз сени Кеннот-бульвардаги 33-уй олдида соат икки яримда сени кўрган гувоҳни топдик. У ўзи адвокат бўлиб, прокурорни жудаям ёмон кўраркан. Уни бошлаб тузлаганидан роса хурсанд бўлди. Умуман олганда, ҳаммаси жойида бўлди.

— Қотил ким эканлигини тахмин қилмадингизларми?

Ретник менга яна сигара тутди, лекин бу сафар чекишни рад этдим. Портсигарини чўнтагига солар экан, шундай деб жавоб берди:

— Ҳали бирон кимсадан гумонсирашга вақт эрта. Қотиллик жуда усталик билан амалга оширилган, ҳеч қандай из топилмади.

— Хитой қизнинг шахси аниқланмадими?

— Аниқланди. Бу қийинчилик туғдирмади. Сумкасида хужжати йўқ экан, лекин аэропортда уни эслаб қолишибди. Унинг исми шарифи Жоян Жефферсон экан. Ишонасанми-йўқми, у миллионер қария Жон Уилбур Жефферсоннинг келини бўлиб чиқди. Бундан бир йил муқаддам унинг ўғли Герман Жефферсонга турмушга чиққан экан. Яқинда қариянинг ўғли машина ҳалокатига учраб ҳалок бўлган ва аёл унинг мурдасини олиб келган экан.

— Нима учун?

— Қария Жефферсон ўғли ўзларининг хилхонасига дафн этилишини хоҳлабди. У мурдани олиб келиш харажатини тўлабди.

— Энди мурда нима бўлади?

— Эрталаб соат еттида мурда қабристон қабр бюросига жўнатилди. Мурда дафн этилгунча шу ерда туради.

— Буни ўзингиз текширдингизми?

Ретник ясама тишларини кўрсатиб ҳомуза тортди.

— Менга қара, изқувар, ҳаётда қандай яшаш кераклигини менга ўқитма. Тобутни ўз кўзим билан кўрдим, ҳамма қоғозларни шахсан текширдим, хуллас, бари кўнгилдагидек. Қиз Гонконгдан кечаси соат бир яримда учиб келибди. Аэропортда такси ёллаб, тўғри сенинг идорангга келибди. Фақат битта нарсани тушунмай турибман, у нима учун бу ёққа келган, унинг келишини қотил қандай қилиб билган?

— Гап шунда-да! Мени у қаердан билган?

— Қандай бўлмасин кеч соат еттида кўнғироқ қилиши мумкин эмасди. Бу вақтда у ҳавода учиб келаётган бўлган. Эҳтимол сенга хат жўнатгандир, унда сен бу ҳақда билишинг керак эди.

Бирмунча вақт хаёлга толдим.

— Хардвик уни аэропортда қарши олган деб тахмин қилайлик.

— Лекин у сенга соат олтида кўнғироқ қилган-ку.

— Дейлик, Хардвик уни кутиб, менинг номимни айтган. Қиз тобутни топширгунча Хардвик идорангга келиб эшикни очган, уни шу ерда кутиб ўтирган.

Бу тахмин Ретникни, ундан кейин мени ҳам унчалик қониктирмади.

— Лекин бу ерда сендан унга нима зурур бўлиб қолган экан?

— Агар бунини билганимда биз бу ерда гаплашиб ўтирмаган бўлардик... Юки бор эканми? Уни топширибдими?

— Ҳа. Қиз аэропортдан чиқишда уни юкхонага топшириб кетган экан. Юк бор-йўғи кичкина чамадонча бўлган. Унинг ичида кийим-кечакдан ташқари тамакидон ва Будданинг мўъжаз ҳайкалчаси бор экан, холос.

— Тушунарли, сафарга енгил-елпи чиққан экан-да. Жефферсон билан гаплашдингизми?

Ретникнинг тиши оғриётгандай юзлари бужмайиб кетди.

— Ҳа, гаплашдим, у ўзини бемаъниларча тутди. Ҳар ҳолда, обрўли хонадондан уйланишнинг хосияти бўлмас экан. Менинг қайноғам билан Жефферсон бир-бири билан ит-мушук.

— Шу билан бирга бунақа жойга куёв бўлишнинг ҳам ўзига хос афзаллик томонлари бўлади.

У галстугига қадаб қўйилган марваридли тўғноғични ушлаб қўйди.

— Сен у қари тулкини билмайсанми? Менга марҳумнинг хотинини ўлдирган қотилни иложи борича тезроқ топиб беришинг керак, бўлмаса кунингни кўрсатаман, деб дағдаға қилди.

— Ретник шундай деб қаншарини қашиб қўйди. — У айтганини қилмай қўймайди, чунки шаҳар рахбарларининг олдида нуфузи баланд.

— У сизга бу ишда ёрдам беришга хоҳиш билдирмадими?

— Йўқ-да.

— “Хизмат — беминнат” агентлигининг ходими ҳақида нима дейсиз. У қотилни кўрган бўлиши керак-ку.

— Ўзим у билан гаплашдим. Бирон нима деёлмади. Шуниси ғалатики, пул солинган конверт уларга эрталаб соат тўртда берилган экан. Уларнинг идораси сенинг идорангнинг қарама-қарши томонида жойлашган. Ходимлардан биронтаси ҳам миждозни эслолмади. Уларга конверт олтидан ўн беш дақиқа ўтганда элтиб берилсин, деб кўрсатма берилган экан.

— Сиз Герон корпорациясидан маълумотнома олдингизми?

— Ҳа. У ерда бунақа одам йўқ экан. — Ретник ҳомуза тортиб керишди-ю, кейин ўрнидан турди. — Уйқум келяпти, ётаман. Балки, эрталаб калламга дурустроқ фикр келар. Бугунча шу етар.

Мен ҳам ўрнимдан турдим.

— Қиз менинг тўппончамдан отиб ўлдирилган эканми?

— Ҳа. Лекин унда ҳеч қанақа бармоқ излари топилмади, машинадан ҳам. Жуда эҳтиёткор нусха экан. Барибир у ха-тога йўл қўяди. Жиноятчиларнинг ҳаммаси ҳам шундай.

— Шунга ишониб қоламиз...

У уйқу босаётган кўзлари билан сузилиб менга қаради.

— Райан, мен сенга ёрдам бердим, энди сенинг галинг, сен ҳам менга ёрдам бер. Калланга яхши фикр келиб қолса, дарров маълум қил.

— Мен бу яхшилигингизни унутмайман, дедим-да, машинага ўтириб, тиқиқиб ухлаб олиш учун уйга жўнадим.

Эртаси кун эрталабданоқ эшигим олдида мени репортёрлар кутиб туришарди. Улар кеча мен кунни қаерда ўтказганим билан қизиқишди. Уларни хонамга таклиф қилдим, кейин кун бўйи полицияда бўлганимни аста тушунтириб бе-

ришга ҳаракат қилдим. Кейин қотиллик ҳақида улар қанча маълумотга эга бўлишса, мен ҳам шунча, ҳатто ундан ҳам камроқ маълумотга эга эканлигимни айтдим. Хитой қиз менинг хонамга бунчалик кеч кириб келганини тасаввуримга ҳам сиғиролмайман, дедим. Ярим соат мобайнида мени саволларга кўмиб ташлашди, лекин қизиқроқ бирон нимани тилимдан илинтиролмагач, хафа бўлиб чиқиб кетишди.

Кейин келган почта қоғозларимни олдим-да, ярмини ахлат қутисига ташлаб юбордим. Палма-Маунтенда истиқомат қиладиган бир хотиндан хат келибди. У хатида итига ким заҳар берганини аниқлаб беришимни сўрабди. Мен унга ўзим ҳайвонларни севмайман, шу сабабли бундай ишлар билан шуғуллана олмайман, деган мазмунда яхшилаб хат ёзиб юбордим.

Эшик тақиллаб қолди.

— Кираверинг! — дедим овозимни кўтариб.

Бу қўшним Жек Уэйд эди. Унинг хижолат тортаётганлиги сезилиб турарди.

— Ишингиздан чалғитмадимми? — деб сўради у. — Қизнинг қотили топилгани ростми? Бу менинг ишим эмас, албатта, лекин барибир одам қизиқади-да.

Унинг қизиқиши мени ажаблантирмади. У бировларнинг ишига бурнини суқиб юрадиган ва калласи ишлайдиган йигитлар тоифасига киради.

— Йўқ, топишолмади ҳали, — унинг қизиқишини сўндирдим.

— Мен ҳозир айтадиган гап сизга ёрдам берадими-йўқми билмайман, соат етиларга яқин телефонингиз жиринглагани эсимга тушди. Бу сиз кетганингиздан кейин бўлганди.

— Телефонимга одамлар муттасил қўнғироқ қилиб туришади, — дедим. — Барибир сизга раҳмат. Бу ҳақда албатта лейтенантга маълум қиламан.

Уэйд сочи олдирилган бошини силаб қўйди.

— Тергов мобайнида ҳар бир майда кўринган нарса ҳам калаванинг учини топишга ёрдам беради, деган гап хаёлимга келиб қолди. Қизиқ, қиз қандай қилиб идорангизга кириб олган экан-а? Бу нарса сизга маълум бир қийинчиликларни туғдиради, деб ўйлаётган бўлишса керак.

— Қизни менинг хонамга қотил олиб кирган. Бу менга ҳеч қандай мураккаблик ҳам, қийинчилик ҳам туғдиргани йўқ.

— Ундай бўлса, табриклайман. Полиция қизнинг исмини аниқлабдими?

— Исми Жоян Жефферсон экан. Гонконглик.

— Жефферсон? — у хушёр тортди. — Менинг Герман Жефферсон деган дўстим бўларди. У Гонконгга кетиб қолган. Мен оёғимни столга қўйиб олиш учун стулга суяниб олдим.

— Ўтиринг, менга ўша дўстингиз ҳақида гапириб беринг, — дедим. — Ўлдирилган хитой қиз унинг хотини экан.

Бу янгилик, афтидан, уни ҳайрон қолдирди. У ўйланиб менга тикилди.

— Германиянинг ... хотини дейсизми? У хитой қизга уйланган эканми?

— Шундай бўлса керак.

— Ана томоша!

Мен унинг нима дейишини кутиб турдим. У бир дақиқа ўйланиб турди-да, шундай деди:

— Бу мени лол қолдирди, деган хаёлга борманг. Мен хитой қизлари ниҳоятда жозибали бўлади, деб эшитганим бор. Лекин отаси бунга қаттиқ қаршилиқ қилганига имоним комил. — У қовоғини солиб калласини саланглатди. — Қиз бу ерда нима қилиб юрган экан?

— Эрининг мурдасини шу ерда дафн қилиш учун олиб келибди.

Йигит довдираб қолди.

— Бу билан Герман ўлган демоқчимисиз? — Афтидан, Уайд мутлақо довдираб қолганга ўхшади. Бу воқеага сираям ишонмагандай кўзини катта-катта очиб менга тикилди.

— Нахотки Герман вафот этган бўлса? Бу нарса бечора қарияни тамом қилади-ку!

— Мен ҳам шундай деб ўйлайман. Уни яхши билармингиз?

— Биз мактабда бирга ўқиганмиз. У ниҳоятда беғам, ўйинқароқ бола эди. Қизлар билан муттасил ўйин-кулги қилиб юришдан бўшамасди. Тагидан машина аримас, текканга тегиб, тегмаганга кесак отиб юрарди. Лекин мен унга ҳавас қилардим. Ёшларда шундай ҳолат бўлади-ку, ахир. Менда у худди қахрамонлардек таассурот қолдирарди. Коллеждан кейин унга бўлган муносабатимни ўзгартирдим, чунки ўша-

ўша ўйинқароқлигича қолиб кетди. Ичкилик ичар, тўполон қилар, умуман, уруш чиқариб ўзини кўрсатишни ёқтирарди. У билан учрашмай қўйдим. Охири отаси ҳам унинг қилиқларидан безор бўлиб, Шарққа жўнатиб юборди. Отасининг у томонларда қандайдир ишлари бор экан. Бунга беш йил бўлди. — Йигит оёғини чалмаштириб олди. — Демак, у хитой қизга уйланган экан-да? Бу ҳечам кутилмаган ҳолат.

— Бундай ҳоллар тез-тез учраб туради.

— Уни автомобиль ҳалокатига учраб ҳалок бўлган демокчимисиз? Ҳа, у тез-тез машиналарини уриб, дабдала қилиб юрарди. Демак, охир-оқибат мана шу қилиқлари бошига етибди-да. — У менга қаради. — Биласизми, бу мени жудаям қизиқтириб қолди... Унда нега хотинини ўлдириб кетишибди?

— Полиция ҳам худди мана шунинг тагига етмокчи бўлиб юрибди-да.

— Ҳ-ҳа, кийин муаммо туғилибди... Мен нима сабабдан қиз сизнинг олдингизга қадам ранжида қилганини назарда тутяпман. Бу ростдан ҳам чигал масала, тўғрими?

Унинг ҳадеб сўрайвериши жонимга тега бошлади.

— Ҳа, чигал муаммо, — дедим.

Девор ортидан унинг идорасига узлуксиз кўнғироқ қилишаётгани эшитилди. Уэйд ўрнидан турди.

— Узр, ўз вазифамни унутиб қўйиб вақтингизни олдим, — деди у. — Мабодо Герман ҳақида бирон-бир фойдали гап хотирамга келса, сизга маълум қиламан.

— Мен бундан хурсанд бўлардим, — дедим. Ниҳоят, у эшикни ёпиб ташқари чиқди. Ўриндикқа ястаниб ўтириб, ҳозир эшитган гапларимни бир чеккадан таҳлил қила бошладим. Йигирма дақиқалар ўтгандан кейин телефон жириглаб, фикрим бўлинди.

— Сиз билан мистер Уилбур Жефферсоннинг котибаси гаплашяпти, — деди ёкимли овозда аёл киши. — Сиз мистер Райанмисиз?

Мен, хато қилмадингиз, деб жавоб бердим.

— Мистер Жефферсон сиз билан учрашишни хоҳляпти. Бугун соат учларда келолмайсизми?

Мен стол устидаги ёзув дафтаримга қарадим. Соат учга ҳеч ким билан учрашув белгиламаган эканман. Тўғриси айтсам, ҳафтанинг бошқа кунларида ҳам бу вақтда учрашувим йўқ эди.

— Яхши, бораман.

— Уйимиз Бич-драйвнинг охирида, олди денгизга қаранган, — зарур тушунтиришларни маълум қилди аёл.

— Соат учда етиб бораман.

Гўшакни қўймай туриб унинг овозини эслаб қолишга ҳаракат қилдим. Қизиқ, кўриниши қандай экан? Ёш қизларнинг овозига ўхшайди, лекин шуниси ҳам борки, овозга ишониб бўлмайди, бунга ишонмай кўпинча одам алданиб қолади. Афсусланиб гўшакни қўйдим.

Эрталабки вақтим ҳеч қандай кутилмаган ҳодисаларсиз ўтди. Мен ич-ичимдан Жек Уэйдга ҳавас қилардим. Унинг телефони тез-тез жирингларди. Кўришиб турибдики, омади юришиб, иши меникидан кўра бароридан келипти. Лекин энди анави сирли мистер Хардвик сабабли икки ҳафта молиявий қийинчиликка дучор бўлмайман.

Олдимга бирортаям мижоз келмади. Соат иккида туриб, тановул қилиб олиш учун қаҳвахонага тушдим. Сперроу банд эди. Саволга тутавериши ҳам жонимга тегмади, мендан бирон гап олишга шу қадар иштиёқмандлигидан ўзини кўярга жой тополмас ва мен буни сезиб турардим. Қаҳвахонадан чиқарканман, у билан очилиб гаплашмаганимдан Сперроунинг қовоғи осилиб қолганини сездим. Лекин мен Бич-драйвга — Пасадена-ситининг энг салобатли муҳташам бинолар жойлашган сўлим томонига шошилишим керак. Бу ерда, ёз ойларида шаҳар одамлар билан тўла бўлган бир пайтда қариллик гаштини суриб юрган бойлар ўз вақтларини мириқиб ўтказишар эди. Жефферсоннинг данғиллама уйига соат учга бир неча дақиқа қолганда етиб келдим. Менинг келишимни кутишгандай кўча дарвоза ланг очиқ эди. Мен кўм-кўк майсалар билан чиройли безалган йўлак орқали уйга яқин келдим. Бино маҳобатли эди. Кенг зинапоя дубдан қилинган кўча эшикка элтарди. Мен эшикдаги занжирни тортган эдим, эшик очилди. Эшик олдида пайдо бўлган эшик оғаси қошни кўтарганча менга савол назари билан тикилди.

— Мен Нельсон Райан бўламан, — дея ўзимни таништирдим. — Мени кутишяпти.

У бир оғиз ҳам гапирмай оғир-оғир қора мебеллар қўйилган кенг даҳлизга олиб чиқди. У ердан столга журналлар ташлаб қўйилган чоғроқ хонага кирдик. Хона нимаси билан-

дир шифокорларнинг қабулхонасини эслатарди. Эшик оғаси мени ўриндиқлардан бирига ўтириб туришимни таклиф қилиб, чиқиб кетди. Орадан ўн дақиқалар чамаси ўтиб хонага йи-гирма саккиз — ўттиз ёшлардаги бир аёл кириб келди. Уни жуда гўзал деб бўлмасди-ю, лекин истараси иссиқ, ёқимли эди. Эғнидаги қора-кўкиш кўйлак ўзига ярашган, қоматини бежирим кўрсатиб турарди.

— Куттириб кўйганим учун узр, мистер Райан, — деди у. — Мистер Жефферсон сизни қабул қилишга тайёр.

— Сиз унинг котибасимисиз? — дедим телефондаги ўша тиниқ ёқимли овозни таниб.

— Ҳа. Мен Жейн Уэстман. Сизни кузатиб қўяман. — Биз жавонларида кўпдан-кўп китоблар тахланган кенгроқ хонага ўтдик. Икки қаватли эшик орқали турфа гуллар барқ уриб очилиб ётган боққа чиқдик. У ердаги ғилдиракли ўриндиқда дарахтлар соясида Уилбур Жефферсон ўтирарди. Ташқи кўриниши киборларга хос, ўзи ориқ ва новча чол эди. Танаси оқ сариқ, сочлари оппоқ, ориқ қўлларида кўк томирлари бўртиб чиққан. Оёқ товушимизни эшитиб, биз томонга ўгирилди.

— Бу киши мистер Райан, — таништирди котиба. Кейин менга, олдига боринг, дегандай ишора қилиб, ўзи қайтиб кетди.

Жефферсон ёнидаги тўқима ўриндиқни кўрсатиб:

— Ўтиринг, — деди. — Илтимос, каттиқроқ гапирсангиз, қулоғим бир оз оғирроқ бўлиб қолган. Чеккингиз келса, чекаверишингиз мумкин. Ўзим мана олти йил бўлдики, чекишни ташлаганман.

Кўрсатилган жойга ўтирдим, лекин чекмадим. Балки, қария сигарет тутунини ёқтирмас. Вақтида ўзи сигара чеккан бўлса ҳам.

— Мистер Райан, мен сиз ҳақингиздаги ҳамма маълумотларни олдим, — деди у қизғиш қора кўзлари билан менга диққат билан тикилиб тураркан. Шу қарашида менда шундай таассурот қолдики, гўё бутун чўнтақларимни қараб чиққандай, елкамдаги туғма холимни ҳам кўргандай ва киссамда қанча пул борлигини ҳам санаб билгандай бўлди. — Менга сизни ҳалол, ишончли ва бунинг устига, мулоҳазакор йигит деб айтишди.



Қизиқ, ким мен ҳақимда унга шундай маълумот берганикин. Ҳар эҳтимолга қарши ўзим ҳам юзимга худди шундай тус бериб ўтирдим, лекин ҳеч нарса демадим.

— Мен сизни бу ерга шунинг учун ҳам чақирдимки, — давом этди у, — сизга қўнғироқ қилган одам ва сизнинг идора-раиғизга кириб олган хитойлик қиз ҳақида шахсан ўзингиздан сўраб билмоқчи бўлган эдим.

Мен уни келиним деб атамаганига эътибор қаратдим. “Хитойлик қиз” деганда жирканганидан лаблари тиришиб кетганини ҳам сездим. Улуғ ёшдаги ва мавқедаги одам ўғлининг шундай аёлга уйланиши катта ҳақорат деб тушунаётганлигини чуқур ҳис қилдим.

Мен бўлган воқеани қарияга хотиржамлик билан батафсил гапириб бердим. Гапим тугагандан кейин у шундай деди:

— Ташаккур сизга, мистер Райан. Сизни қиз нима учун кўргиси келганини англаб етмадингизми?

— Тасаввур ҳам қилолмайман буни.

— Уни ким ўлдирбди?

— Билмайман, — дедим. — Эҳтимол, ўзини Жон Ҳардвик деб таништирган одам ўлдиргандир. Ҳар ҳолда, у бу ишга алоқадор бўлиши керак.

— Мен Ретникка унчалик ҳам ишонмайман, — деди Жефферсон. — Бу қовоқ калла нусха бунақа расмий лавозимда ишлашга ҳаққи йўқ. Мен ўғлимнинг хотинини ўлдирган қотил ушланишини хоҳлайман. — У қовоғини уйиб, кўлидаги бўртиб чиққан кўк томирларга қаради. — Афсуски, мен сўнгги пайтларда Герман билан тил топишолмай қолгандим. Шундай бўлади-ку, бунда икковимизнинг ҳам айбимиз бор. Эндиликда, у оламдан ўтди, мен унга кўпроқ айб қўявермаслигимни тушунаман. Назаримда, у кечиримли эканлигимни билмай ўзини баттар ёмон тутаверган... Эндиликда унинг хотини ўлдирилган. Ўғлимнинг ўжар табиатини яхши билганим учун шуни айтаманки, мен хотинининг қотилини топмагунимча у қабрида тинч ётмайди. Қотил эса, йўқ. Қотилни топсам, мен унга озгина бўлса-да, яхшилиқ қилган бўламан. Ана шундагина ўғлимнинг олдида ўз гуноҳимни ювган ҳисоблайман. — Шундай деб Жефферсон узоқ-узоқларга тикилди. Енгил шабада унинг оппоқ сочларини силаб ўтди. — Кўриб турганингиздек, мистер Райан, мен қариб қолганман,

қотилни излаб топишга қуч-қувватим етмайди. Шунинг учун сизни одам юбориб чақиртирган эдим. Сиз ҳам буни топишга бир томондан манфаатдорсиз. Чунки қиз сизнинг хонангизда ўлдирилган. Нима сабабдан бу қотиллик учун бутун жавобгарликни сизнинг бўйнингизга юкламоқчи бўлган экан. Сиз уни қидириб топишни бўйнингизга оласизми?

Мен “ҳа” деб пулни чўнтакка уриб, Ретник қотилни топгунча хотиржам юришим мумкин эди. Лекин бу нарса менинг миждозимга тўғри келмайди. Шу билан қотилни бир ўзим тутишим мумкин эмаслигини ҳам жуда яхши билардим.

— Тугуннинг учи полициянинг қўлида, — дедим эҳтиёткорлик билан, — қотилни топиш фақат уларнинг қўлидан келади. Хусусий изқувар, ўзингиз яхши биласиз, жиноят иши очишга ҳам, гувоҳларни сўроқ қилишга ҳам ҳаққи йўқ. Акс холда, бу гап лейтенантнинг қулоғига етади, унда бу иш бошимга анча кўнгилсизликлар келтиради. Сиздан пул ишлаб олиш менга қанча ёқимли бўлмасин, мистер Жефферсон, бу иш қўлимдан келмайди...

Лекин Жефферсонни бунга ишонтириш жуда қийин кечди.

— Булар бари тушунарли, — менинг тушунтиришимни назар-эйтиборга олмай деди у. — Лекин Ретник қип-қизил аҳмоқ. У ишни қандай ва нимадан бошлашни тасаввур ҳам қилолмайди. Ҳали у ўлдирилган қизнинг шахсини аниқлаш учун Британия ҳокимликларига маълум қилган бўлса ҳам керак. Менга бусиз ҳам шуниси аниқки, қиз қизил хитойдан қочиб келган ва менинг ўғлимга тегиб олган. Бундан бир йил муқаддам уйланмоқчи эканлиги ҳақида менга хат ёзган эди. Бу никоҳи менга маъқул бўлмаган, бор гап шу...

— Британия ҳукуматига қиз ҳақида бирон нарса маълум деб ўйлайсизми?

У калласини силкитди.

— Бундай бўлиши эҳтимолдан йироқ, ҳар йили Гонконгга юз мингдан кўп қочоқлар келишади. У ерда менинг баъзи бир ишларим бор... Билишимча, аҳвол мана бундай бўлган: Хитойдан келаётган қочоқларни елканли кемада Макаога ўтказиб қўйишади. Бу ер ҳозирги вақтда, ўзингиз ҳам биласиз, Португалиянинг ҳудуди ҳисобланади. Макао ҳукмдор-

лари ёпирилиб келаётган мана бу қочоқларни уддалай олишмайди. Бошқа елканли кемаларда уларни Гонконгга жўнатишади. Британия полицияси эса, шаҳарга киришни қўриқлашади, холос. Гап шундаки, порт атрофида юзлаб елканли кемаларда одамлар балиқчилик билан шуғулланишади. Одатда, қочоқлар тушган кемалар балиқ тутаётган қайиқчилар ичига яшириниб олишади. Улар бир-бирига ўхшаганликлари учун полициячилар уларни ажратишолмайди. Бунинг устига, менинг тушунишимча, Британия полициячилари уларга раҳм ҳам қилишади, уларни таъқиб қилиш ишлари қочоқлар тушган кемалар Гонконг ҳудудига киргандан кейин тўхтатилади. Полиция, мана бу бахти қаро инсонлар биздан нари бўлдимиз, уларни ҳайдаб чиқариш етарли, деб ўйлашади. Бу одамлар келганда, ёнларида ҳеч қандай ҳужжатлари бўлмайди. Британия полицияси уларга янгидан ҳужжат беради. Бу ҳужжатдаги номлар ҳақиқийми, сохтами, уни ҳеч ким билмайди.

Ўғлимнинг хотини ҳам мана шу одамларнинг биттаси бўлиши аниқ. Агар биз унинг аввалги ҳаётини муфассал билиб олмасдан туриб, уни ким ва нега ўлдирганини аниқлашимиз амримаҳол. Шунинг учун мен сиз Гонконгга бориб аёл ҳақидаги бор ҳақиқатни ипидан-игнасиғача аниқлаб келишингизни истайман. Бу иш Ретникнинг қўлидан келмайди, ундан ташқари, Британия полицияси унга ёрдам бериши ҳам даргумон. Бу иш сизнинг қўлингиздан келишига аминман. Шу сабабли у ерга бориб-келиш харажатиңизни таъминлайман. Бунга нима дейсиз?

Бу гоё мени сал бўлсаям қизиқтириб қўйди. Лекин бу иш муваффақиятсизлик билан тугаши ҳам мумкин эди.

— Бўпти, бораман — дедим. — Лекин бу ишнинг муваффақиятли яқунланишига тўла кафолат беролмайман.

— Котиба билан бориб гаплашинг, у сизга ўғлимнинг хатларини беради. Хат кўп эмас, лекин шу ҳам сизга фойда беради деб ўйлайман. Мистер Райан, қўлингиздан келган ҳамма ишни қилинг.

Қария боришингиз мумкин дегандек ишора қилди.

— Мисс Уэстни йўлак бўйлаб юрсангиз, учинчи хонадан топасиз.

— Яхши. Лекин мен ҳозироқ Гонконгга учиб кетолмаслигимни билсангиз керак, — дедим ўрнимдан турарканман. — Терговда иштирок этишим керак.

— Ретник сизга халақит қилмаслигини таъминлайман, иложига борича тезроқ йўлга тушинг.

Жефферсон яна тўғрисига тикилганча қимир этмай ўтириб олди.

У виждон азобида қийналаётган эди.

Мисс Уэстни кенггина иш кабинетидан топдим. У ёзув столида ўтирар, столда чек дафтарчаси ва бир тўда ҳисобкитоб варақалари қалашиб ётарди. У чек дафтарчасини аста бир четга суриб қўйиб, ўтиришга жой кўрсатди-да, этиборсиз табассум қилиб қўйди.

— Гонконгга кетмоқчи бўлдингизми, мистер Райан?

— Ҳа, факат бугун эмас. Яхшиси, ҳафта сўнггида жўнайман.

— Сиз чечакка қарши эмлатишингиз зарур, вабога қарши эмлатсангиз ҳам зиён қилмайди. Лекин буниси шарт эмас.

— Эмлашнинг менга зарурияти йўқ, — шундай деб ёнимдан сигарет чиқариб, унга ҳам тутдим. У чекишни хоҳламади. Ўзим сигарет тутатиб, қутини чўнтагимга солдим.

— Мистер Жефферсон менга ўғлининг хатларини кўрса-тишингизни айтди. Мени ҳар қандай маълумот қизиқтиради.

— Уни сиз учун тайёрлаб қўйганман. — У шундай деб бир қутини очди-да, ичидан бир тўп хат чиқарди. — Герман йилда бир марта хат ёзарди. Хатларидан манзилдан бошқа бирон-бир фойдали нарса тополсангиз керак, деб ўйлайман.

Мен хатларга нари-бери кўз югуртириб чиқдим. Улар жуда қисқа ва ҳар бир хат отасидан пул сўрашдан иборат эди. Герман соғ-саломат юрганлигини, ишлари юришмаётганини маълум қиларди, холос. Биринчи хати бундан олти йиллар муқаддам ёзилган, ундан кейингилари олти ой ора-латиб жўнатилган. Лекин сўнгги хати мени қизиқтириб қолди. У бир йил муқаддам жўнатилган эди.

“Само салтанати” меҳмонхонаси, Ванхой.

Отажон!

Мен бир хитойлик қиз билан танишиб қолдим ва унга уйланмоқчиман. Исми Жоян. Ҳаёти оғир бўлгани учун Хитойдан қочиб келган. У жуда ақлли, гўзал, умуман, менинг дидимга тўғри келади. Биламан, бу янгилик сизга маъқул келмайди, лекин сиз доим, ҳар ким ўз ҳаётини ўзи қуриб олиши керак, деб уқтирардингиз-ку. Шунинг учун мен ўзим танла-

ганимга уйланаман. Жоян менга садоқатли хотин бўлишига ишонаман. Мен яшаш учун уй қидиряпман, лекин уни топиш осон бўлмапти, ўзингиз биласиз-ку, нарх-наво кундан-кунга ошиб бормоқда. Эҳтимол, меҳмонхонада яшаб турармиз. Ўз шахсий уйим бўлишини хоҳласам ҳам бир қатор сабабларга кўра меҳмонхона маъқул кўринаяпти. Бизга оқ фотиҳа беришингизга умид билдириб қоламан. Мабодо, уй олиш учун чек жўнатсангиз жуда соз бўларди.

*Ўғлингиз Герман”.*

Мен хатни столга ташладим.

– Бу охирги хати, – деди хотиржамлик билан Жейн. Мистер Жефферсон хатни олиб жуда ғазабланиб кетди, кейин уларнинг никоҳдан ўтишини тақиқлаб, телеграмма жўнатди. Ўғли ҳақида бошқа ҳеч қандай гап эшитмади. Орадан ўн кун ўтиб манави хат келди...

*“Само салтанати” меҳмонхонаси, Ванхой.*

*Мистер Жефферсон.*

*Кеча Герман оламдан ўтди. У машина ҳалокатига учради. Доим мен ўлсам ўз юртимга дафн этинглар дерди. Қўлимда пулим йўқ. Агар озгина пул жўнатсангиз, унинг васиятига биноан жасадни дафн этиш учун олиб борардим.*

*Жоян Жефферсон”.*

Бу хат менга каттиқ таъсир қилди. Кутилмаганда пулсиз, эрсиз, келажакка бўлган умидларидан айрилиб, ёлғиз қолган хитойлик қизни бир зумда кўз олдимга келтирдим.

– Кейин нима бўлди?

– Мистер Жефферсон хатда ёзилганларга ишонмади, ўғлим соғ-омон ва тирик, у мендан пул ундирмоқчи, деб ўйлади. Унинг топшириғи билан Гонконгдаги Америка консуллигига телефон қилдим ва Германиянинг ҳақиқатан ҳам машина ҳалокатига учрагани ва ҳалок бўлганини аниқладим. Шундан кейин Жефферсон мурдани жўнатсину, хотини келмасин деб хат ёзишимни илтимос қилди.

У қиз Гонконгда қолишини истаган ва унинг номига бироз пул ўтказиб қўймоқчи ҳам бўлган эди. Мана, кўриб турганингиздек, қиз тобут билан бирга келган экан. Афсуски, унинг уйига кириш қизга насиб этмади.

– Мурда-чи?

Кутилмаганда Жейн Уэст ўзини зўр-базўр тутиб тургани, асаблари ниҳоят даражада тараנגлашгани ва буни билдирмасликка уринаётганини сездим.

– Дафн маросими эртага ўтказилади.

– Ахир, мистер Жефферсон ҳар ҳолда Гонконгда оз бўлсаям пул ишлаганди-ку?

– Буни аниқ билмаймиз. У дастлаб жўнаганда отаси кичикроқ экспорт фирмасига ишга жойлаб қўйган эди. Бироқ орадан ярим йил ўтиб у ердан кетган. Шундан буён Герман нима иш билан шуғуллангани ҳақида бизга ҳеч нима демаган. Хатларини фақат пул сўраб ёзарди, холос.

– Мистер Жефферсон пул жўнатиб турармиди?

– О, ҳа. Ҳар хатига жавобан пул юборарди.

– Хатлардан маълум бўлишича, Герман ҳар ярим йилда пул сўраган экан. Нима, кўп пул жўнатармиди?

– Беш юз доллардан ортиқ жўнатмаган.

– Бу пул билан ярим йил яшаб бўлмайди. Демак, у қаердадир ишлаган.

– Эҳтимол.

Мен энгагимни қашиб қўйдим. Каллам қаттиқ ишлаб кетди. Ниҳоят тилимнинг учида турган ва қизни сирли ҳаяжонга солаётган асосий саволни беришга қарор қилдим.

– Сиз ўзингиз Герман Жефферсонни шахсан танирмидингиз?

У қотиб қолди. Унинг нигоҳи ўзгарди, орадан сал ўтиб асл ҳолига келди.

– Ҳа, албатта. Мен мистер Жефферсоннинг қўлида саккиз йилдан буён ишлайман. Ҳа, мен уни жуда яхши билардим. У Шарққа кетишдан олдин шу ерда яшаган. Ўзи қандай одам эди, демоқчимисиз? Отаси уни безори дерди. Лекин ҳозир ўғлимга яхшироқ эътибор қаратганимда бошқача одам бўларди деб ўйлайди. Ўғлининг ўлими мистер Жефферсонни довдиратиб қўйди. Шунинг учун унинг ўлимида ўзини айбляпти. Аслида Герман ахлоқсиз, одобсиз ва тошбағир йигит эди. Ҳатто у бир йўлини қилиб менинг пулларимни ҳам ўғирлаб юрарди. Ҳатто шундай олийжаноб одамнинг ўғли бўлганига ишонгинг ҳам келмайди. Унинг отаси умрида бирон-бир ёмон иш қилмаган сахий одам.

Қизнинг бу қадар эҳтирос билан гапириши мени ўйлан-тириб қўйди.

— Нимаям дердим, раҳмат, — миннатдорчилик билдирдим. — Мистер Жефферсон учун бор кучимни ишга солишга ҳаракат қиламан.

У бир уюм ҳисоб-китоб варақлари ичидан биттасини олиб менга берди.

— Мистер Жефферсон менга хизмат ҳақингизни тўлашни топширган эди. Қачон учиб кетишга тайёр бўлганингизда маълум қилинг, мен самолётга билет буюртма бераман. Агар пулга муҳтож бўлиб қолсангиз менга мурожаат қилаверинг.

Мен ҳисоб варақасига қарадим. Унга минг доллар ёзилган эди.

— Хизмат ҳақим бунча бўлмайди, — деб эътироз билдирдим. Уч юз доллар ҳам етарли.

— Мистер Жефферсон шунча пул беришимни буюрди, — деди у гап худди беш доллар устида кетаётгандек оҳангда.

— Нимаям дердим, пулдан воз кечиб бўлмайди. Сиз мистер Жефферсоннинг иш бошқарувчисисиз?

— Котибасиман, — деди худди гап тамом деган оҳангда.

Туриб хайрлаша бошладим.

— Қўлим бўшаши билан қўнғироқ қиламан.

Эшикка борганимда кутилмаганда:

— У жуда гўзалмиди? — деган овоз эшитилди.

Аввалига гап ким ҳақида кетаётганини дафъатан тушунолмадим. Жейн ўриндиқда қимирламай ўтирар, кўзларида ғалати ифода акс этиб турарди.

— Германнинг хотиними? Ҳа, Хитой қизлари жуда жозибали бўлишади. Ҳалок бўлгандан кейин ҳам унинг чехрасидан жозибаси аримабди.

— Тушунаман. — Жейн қўлига ручка олиб, чек дафтари ни олдига тортди. Бу гап тамом деган ишорани билдирарди.

Эшик оғаси мени кузатиб, енгилгина таъзим қилиб қўйди. У камгап, ичимдагини топ дейдиган одамлар тоифасидан экан. Аста-секин юриб машинанинг олдига бордим. Фикрим тиниклашиб, баъзи нарсалар равшанлашгандек бўлди. Бир вақтлар Герман билан Жейн ошиқ-маъшук бўлишганига ишонч ҳосил қилдим. Шундай экан, Германнинг уйланиши-ю, ҳалок бўлишига қариядан кам ташвиш чекмаган. Шундан кейин

мен энди Жейн хусусида кўпроқ нарсани билиб олишга қарор қилдим.

Машинага ўтириб полицияга жўнадим. Ярим соатлар кутганимдан кейин Ретникнинг ҳузурига киришимга рухсат беришди. У столда қовоғи солиқ ўтирар, ҳадеб ўчиб қолган сигарасини чайнади.

– Изқувар, сен билан пачакилашиб вақтимни кетказишим тўғрими, йўқми, билмайман, – эшиқдан киришим билан менга ташланди у. – Сенга нима керак ўзи, айт-чи?

– Мен энди Жефферсонга ишлайман, бу борада сизни огоҳлантиргани келдим, – дедим.

Менинг тортинмасдан айтган гапларимдан унинг нафаси тиқилиб қолди.

– Агар тергов ишларига бурнингни тикадиган бўлсанг, Райан, сени лицензиядан маҳрум қилиш қўлимдан келади. – Бўғриқиб тепа сочи тикка бўлиб кетди. – Қанча тўлашди сенга.

Мен қаттиқ стулга чўкдим.

– Етарлича. Энди сизларга ҳалақит қилмайман, Гонконгга учиб кетяпман.

– Сенам анойи эмассан, – гижинди у. – Гонконгга? Мениям у томонларга йўлим тушса керак. Сен нима қиласан у ерда?

– Қария ўша қиз ҳақида кўпроқ маълумотларни билмоқчи. Қизнинг ўтмишини яхшилаб билмасдан туриб терговда бирон натижага эриша олмаймиз, деяпти. Эҳтимол, унинг гапи тўғридир.

– Бунинг учун бекорга вақтни ўтказишнинг ҳожати йўқ, – дея гапимни бўлди Ретник. – Сенга пул тўлаган экан, бундан ташвишланмай қўяқол.

– Тўғри, – дедим дадил. – У бу билан қандай қилиб бўлса ҳам ўз аламини босмоқчи, менда эса унга ёрдам бериш учун вақт етарли. Балки, омад кулиб боқар.

– Гонконг полициясига телеграмма жўнатса кифоя қиларди. Бунинг учун у ёққа бориб ўтиришнинг ҳожати йўқ.

– Хўш, улар сизга нима деб жавоб беришди?

– Унинг исми Жоян Чунг экан. Бемаза исм, тўғрими? Уч йил муқаддам қизни Макаодан елканли кемада Гонконгга олиб келишган экан. Ярим йил турмада ўтирибди. Кейин унга ҳужжат тўғрилаб беришибди. “Пагода клуби”да ўйинчи бўлиб ишлабди, афтидан фоҳишалик қилган бўлса керак.



Ўтган йилнинг йигирма биринчи сентябрида Гонконгдаги Америка консулхонаси АҚШ фуқароси Герман Жефферсон билан унинг никоҳини қайд қилибди. Улар “Само салтанати” меҳмонхонасида яшашибди. Бу ерда фақат хитой фуқаролари яшаркан. Афтидан, Германнинг пули йўқ бўлса керак, доим хотини топган пул ва отаси жўнатиб турган маблағ ҳисобига яшаган. Олтинчи сентябрда Герман автомобиль ҳалокатида вафот этган. Шундан кейин хотини унинг мурдасини ўз юртига жўнатишга рухсат беришлари учун Америка консулхонасига мурожаат қилибди. Бор гап шу. Шундай экан, Гонконгга бориб ўтиришнинг ҳожати борми?

– Менга у ерга бориб аниқлаб келишим учун ҳақ тўлаш-япти. У ерда сизларнинг йўлингизга тўғоноқ бўлмайман.

Ретник заҳархандалик билан кулиб қўйди.

– Бу ҳақда ташвиш қилмай қўяқол. Керак бўлса, истаган пайтда сени йўлдан олиб ташлайман.

Мен эътироз билдириб ўтирмадим. Майли, ўзини каттакон одам ҳисоблаб кўнгли кўтарилса қолсин.

– Хўш, ишлар қандай кетяпти? Бирон нима аниқладингизми?

– Йўқ, – деди у қовоғини солиб, кейин сиёҳ билан бўяб ташлаган ёндафтарига қаради. – Мени ҳаммадан ҳам кўра кўпроқ қизиқтираётган нарса, нима учун кечаси соат учда сенинг хонангга келгани.

– Эҳтимол, бу саволга Гонконгда жавоб топарман, – деб сигарет чекдим. Тушунишимча, қариянинг пули кўп, унинг меросхўри ўғли бўлган. Агар қария васиятномасини ўзгартирмаган бўлса, энди Жоян унинг меросхўрига айланган. Кимгадир уни йўлдан олиб ташлаш керак бўлган. Агар эндиликда Жефферсоннинг пуллари кимгадир қоладиган бўлса, котил ҳам ўшанинг ўзи.

Ретник ўйлаб туриб:

– Бу яхши фикр, – деди.

– Сиз қариянинг котибаси Жейн Уэстни билармидингиз? Бойликнинг бир қисми ўғли ўлгандан кейин унга қолади. Билишимча, у бир вақтлар Германнинг ўйнаши бўлган. Кечаси соат учда – Жоян ўлдирилган вақтда котибанинг қаерда бўлганини аниқлаш керак.

– Буни қандай қилиб аниқлайман? – зарда қилди Ретник. – Бунинг учун камида у билан гаплашиб кўришим керак. Бу қарияга мутлақо ёқмайди. Агар унинг шахсий ҳаётига тумшуғимни тикадиган бўлсам, шўрим қуриди деявер. Жефферсонни бу ерда худо ўрнида кўришади. – Ретник менга умидвор назар ташлади. – Нима сабабдан қизни Германнинг ўйнаши бўлган, деб ҳисоблаяпсан.

– Мен у билан гаплашдим. Ўзини зўр-базўр тутиб турди. Лекин барибир билдириб қўйди. Албатта, қизни узил-кесил у ўлдирган деб ҳисобламайман, лекин унга биз ўйлагандан ҳам кўра кўпроқ нарса маълумга ўхшайди, қайдам, балки у кўнглида кири йўқ ҳақиқий дўсти бўлгандир.

– Мен уни сўраб-суриштириб ўтирмайман. Фақат манави сариқ танли сенинг идорангда бунақа вақтда нима қилиб юрганини билсам бўлди, ана шунда калаванинг учи топилади.

Ўрнимдан турдим.

– Балки, сизлар ҳақдирсиз. Тергов қачонга белгиланган? Буни иложи борича тезроқ билгим келяпти.

– Текшириш ишлари эртага соат ўнда бошланади. Буни сен учун унчалик аҳамияти бўлмаса ҳам, унда иштирок этишингни хоҳлардим. Агар бирон нарсани аниқласанг, менга кўнғироқ қилиб қўйишни унутма. – У шарикли ручкаси билан ёндафтарчасини титкилай бошлади.

– Нима учун ўзингиз ҳам бунга уриниб кўрмоқчимассиз? Ретникнинг башараси буришди.

– Мен ўзимга эҳтиёт бўлишим керак. Жефферсоннинг бу ерда мавқеи шу қадар баландки...

– Биладан. Буни эшитганман.

Мен унинг ёндафтарини илма-тешик қилиб ўтиришини бузгим келмади. Агар Жояннинг қотили бу томошани кўргандами, роса ҳузур қилган бўларди. Бундан унинг қалби ором олар ва ҳеч ким уни қўлга тушира олмаслигига амин бўларди.

Мен идорамга қайтиб келдим. Бу ерда калламга яна бир фикр келиб қолди. Қўшнимнинг эшигини тақиллатиб ичкари кирдим. Жек Уэйднинг идораси кенг ва яхши безатилган. Ёзув столида магнитофон, телефон ва ёзув машинкаси турарди. Уэйд столда чекиб ўтирарди, олди тўла қоғоз. Унинг идораси меникига қараганда ҳашаматли, ўзининг эса келажак

ги порлоқ эди. Хуллас, оддий изкуварга қараганда кимёгарнинг даромади жуда катта эди.

– Хелло! – дедим ташрифимдан Уэйднинг чехраси ёришиб кетганини кўриб. У ўрнидан туриб хурсанд бўлганча ўтиришим учун қаршисидан юмшоқ курсини кўрсатди.

– Марҳамат, мана бу ерга ўтиринг.

Мен бориб ўтирдим.

– Кутилмаган ташрифингиздан бошим кўкка етди, – деди у, “Омега” русумли тилла соатига қараб, – ичасизми? Соат ҳам олти бўлиб қолибди. – Мени хушнуд қилиш учун мехмоннавозлик қила бошлади.

У жавончадан бир шиша ичимлик олди. Кейин муз қолманини хижолат бўлиб маълум қилди-да, қадаҳларга виски қуя бошлади. “Менга музсиз ҳам бўлаверади”, дедим. Биз бир-биримизга яна бир марта табассум қилиб, вискини ичдик.

– Герман Жефферсон ҳақидаги гапларингиз мени жуда қизиқтириб қўйди, – дедим. – У ҳақда яна бирон гап айтиб берсангиз девдим. Уни яқиндан билишимга ёрдам бера оласизми-йўқми, билмадим.

– Нега айтиб беролмас эканман? Гаплар кўп, айтиб берман. – У менга тикилди. Унинг бу қараши эгаси ёрдам сўраб чақирганда югуриб келган итнинг тикилиб туришига ўхшаб кетарди. – Сизни аниқ нима қизиқтиряпти.

Мен иш юзасидан Жек Уэйдга ўхшаган одамлар билан гаплашганда бўладиган жиддий қиёфага кирдим.

– Билмайман, – дедим. – Менга шундай далиллар керакки, вақти келиб бирон маъно касб этсин. Масалан, Германия яхши билар экансиз, унинг табиати ҳақида баъзи гапларни айтиб бердингиз. Унинг аёлларга муносабати қандай эди?

Жекнинг олийжаноб чехрасида гапимни тушунмагандек қиёфа акс этди. Аёллар борасида унинг ўзи қандай бўлганлиги аниқ-равшан бўлди. Гольф клуби унинг аёлларга бўлган қизиқишини тамоман сўндирган эди.

– У қизларга нисбатан жуда беқарор бўлган. Ёшликда иккаламиз қизларнинг кетидан қолмаганмиз. Мен ҳам бу ҳақда бегуноҳ эмасман. Лекин Герман қизларга нисбатан жуда беҳурмат бўлган. Агар отасининг таъсири бўлмаганда қизлар билан жанжалдан боши чиқмаган бўларди.

– Аниқроқ қилиб айтинг-чи, унинг қизлари кимлар бўлган эди? – қизиқсиниб гапни бурдим.

Бирмунча иккиланиб тургандан кейин, у шундай деди:

– Номини айтгим келмаётувди-ю, айтавераман, битта Жейн Уэст деган кизи бор эди. Ҳозир у мистер Жефферсоннинг қўлида ишлайди. У... – Жек гапдан тўхтаб кўзини олиб қочди. – Кечирасиз, бу мавзуда гапирмоқчи эмасдим. Майли, айтсам айта қолай. Бу воқеа бундан ўн йил муқаддам бўлган. Бу саргузашти Германиянинг ўзидан эшитганман, лекин буни гапириб беришим ноқулай.

Кўриб турибман, Жек уни батафсил гапириб бериш ва бу билан ўзини қотилни топиш учун иштирок этиш иштиёқида ёнаётгандай кўрсатди. У ўзи берган маълумотнинг катта аҳамиятга эга эканидан ғурурланаётганди. Шунинг учун жиддий қилиб дедим:

– Ҳар қандай маълумот қотилни аниқлашимга ёрдам бериши мумкин. Шунинг учун билганларингизни гапириб беришга тўла ҳаққингиз бор.

Муаммонинг мана шундай қўйилиши унга таъсир қилди. Унинг кўзлари ўйнаб кетди.

– Агар масалани мана шундай кўндаланг қўйсангиз, гапириб берганим бўлсин. – У калта олинган сочларини бир силлаб қўйди-ю, юзлари жиддий тус олди. – Бундан тўққиз йил муқаддам Герман билан Жейннинг севги ришталари қаттиқ боғланди. Орада фарзанд туғилди, лекин Герман унга уйланишдан ўзини олиб қоча бошлади. Шундан кейин Жейн бу ҳақда отасига маълум қилди. Буни эшитиб, қариянинг тепа сочи тикка бўлди ва Германия қизга уйланишга мажбур қила бошлади. Кейин чақалоқ ўлиб қолди... Менимча, кейин қария Жейнга боғланиб қолди, шунинг учун уни уйига олиб келиб котибалик қилишни топширди. Бу гапларни мен шахсан Германиянинг ўзидан эшитганман. Назаримда, қария Герман ўз фикрини ўзгартириб унга уйланади, деб ўйлаган бўлса керак. Охир-оқибат ўғли унга ҳеч қачон уйланмаслигига кўзи етгандан кейин Германия Шарққа жўнатиб юборди. Жейн эса, шу-шу қариянинг уйида қолиб кетди.

– Чиройли қиз экан, – дедим. – Қизиқ, нега у шу пайтгача турмушга чиқмаган экан.

– Мен бунга ажабланмайман. Қария бунга қаршилик қилган ҳам бўларди. Бунинг устига, Германнинг ўлимидан кейин, айниқса, рухсат бермайди. Шундай бўлгач, ўзининг миллионларини кимга ташлаб кетади?

– Наҳотки? – дедим қизиқиб қолганимни сездирмасликка интилиб. – Унинг бундан бошқа ўз қариндошлари ҳам бўлса керак.

– Йўқ. Мен бу оилани яхши биламан. Герман отамнинг ҳеч кими йўқ, унинг бор мол-мулки менга қолади, деб мақтаниб юрарди. Шундай экан, қария оламдан ўтгандан кейин унинг ёғли луқмаси Жейнга қолади-да.

– Германнинг хотини даъво қилолмаслиги унга қўл келибди.

Уэйд хайрон бўлди.

– Буёғини ўйламабман, лекин қария хитой қизга бир пақир ҳам бермаслигига ишончим комил эди.

– Меросхўрнинг хотини сифатида даъво қилар, кейин ҳаммаси суднинг қарорига боғлиқ бўлиб қоларди. Суд эса, маълум бир суммани ажратиб бериши ҳам мумкин эди...

Ўнг томонда эшик очилиб, котиба қиз бир кучоқ қоғозга имзо чекиш учун олиб кирди. Қиз кўзларида кўзойнак, қўрқапаса турарди. Мен ҳам Уэйднинг котибасини худди мана шундай деб тасаввур қилган эдим. У қоғозларни столга қўйди, мен ҳам ўрнимдан қўзғолдим.

– Терговда бирон нима аниқландими? – деб сўради у қиз чиқиб кетиши билан. – Полиция қотилнинг изига тушмадими?

– Йўқ. Эртага судда иш кўрилади. Суд номаълум шахс томонидан қотиллик содир этилганлиги ҳақида қарор чиқаради.

– Агар сизга... – деди Уэйд қоғозларни олдига яқинроқ тортаркан, – ёрдамим керак бўлиб қолса, марҳамат...

Идорамга қайтиб кириб, Ретникка қўнғироқ қилдим. Жейн ҳақида нимани эшитган бўлсам барини маълум қилдим.

– Таъбингиз, ўзингиз биласиз, – дедим. – Сивнинг ўрнингизда мен бўлганимда, Жейн Уэст кечаси соат учда қаерда бўлганлигини билишга қизикқан бўлардим.

Гўшақда унинг пишиллашини аниқ-типиқ эшитдим.

– Унда мен ишимдан ажраб қолишимни бўйнимга олиб кўйишим керак, – деди у ниҳоят. – Эртага терговда кўришамиз. Тоза кўйлак кийиб олишни унутма. Коронер<sup>1</sup> жирттаки итвачча. – Шундай деб у гўшакни осиб кўйди.

Тергов ўйлаганимдай тортишувларсиз, жанжалсиз ўтди. Жефферсоннинг бақалоқ, хушфеъл адвокати суд ишни кўраётганда аралашмади. Уларга тикилганча индамай орқада ўтирди. Иш кийимида келган Жейн менга нима деган бўлса, коронерга ҳам шуни айтиб берди. Ишни яна тергов қилиш учун қолдиришди. Менда бечора хитойлик қизнинг қисмати ҳеч кимни қизиқтирмаётгандек таассурот қолдирди. Коронер суд биносидан чиққандан кейин мен тишларини гугурт чўпи билан тозалаётган Ретникнинг олдига келдим-да:

– Энди мен Гонконгга жўнайверсам ҳам бўлади? – деб сўрадим.

– Ха, албатта, – деди у эътиборсизлик билан. – Ҳеч ким бу ерда сени ушлаб турмайди.

Ретник бу вақтда Жефферсоннинг адвокати билан гаплашиб турган Жейнга айёрона қараб кўйди.

– Хитойлик қиз ўлдирилган пайтда унинг қаерда бўлганлигини сўрадингми?

– Бу масалани аниқлашни сизга қолдирдим, – деб жавоб бердим. – Ҳозир у адвокат билан турибди. Бориб сўрашнинг айнаи вақти, бориб сўрай қолинг.

– Мен ҳали ақлдан озганим йўқ, – деди у. – Вақтингни яхши ўтказиб кел. Билишимча, хитойлик қизларга тўшакда ҳеч ким тенг келолмас экан. Улардан эҳтиёт бўл.

Мен Жейн билан адвокатни айланиб ўтишга ҳаракат қилиб нари кетдим. Адвокат кетгандан кейин кўча эшикда Жейнга етиб олдим.

– Эртага сафарга жўнасам ҳам бўлаверади, – дедим. У менга эътиборсиз назар ташлади. – Чипта буюриб кўясизми?

– Яхши, мистер Райан. Чиптани кечқурун олиб келиб беришади. Яна бирон нарса сўрамоқчимисиз?

– Герман Жефферсоннинг биронта суратини олволсам чакки бўлмасди. Уни топиб бера оласизми?

– Суратми? – ажабланиб сўради у.

---

<sup>1</sup> Коронер – қотиллик қасддан қилинганми-йўқми, шуни аниқлайдиган терговчи.

– Менга асқотиб қолиши мумкин. Бундан ташқари, хотинининг расмини ҳам олсам девдим.

– Расмни топиб бераман.

– Агар хўп десангиз бугун кечқурун бирон жойда учрашмайми? Расм учун уйингизга бориб ўтирмай девдим. Ишларим жуда кўп, уларни тугатиб қўймасам бўлмайди. Дейлик, соат саккизда “Астор” майхонасига кела оласизми?

Бир оз иккилангандан кейин Жейн маъқул дегандай бошини силкиди.

– Ташаккур.

У яна бир марта бошини кимиралиб, совуқ табассум қилганча икки кишилик “Ягуар” машинасига ўтириб жўнаб кетди.

Мен қанча ўзимни сипо кўрсатиб хушомад қилмай, у менга парво қилмаслигини билардим. Ахир у шундай катта бойликка эга бўлиш арафасида-ку.

Мен идорамга қайтиб, куннинг қолган қисмини ишларимни тартибга келтиришга сарфладим. Бахтимга, икки ҳафта мобайнида бажариб беришим шарт бўлган зарур ишларим йўқ эди. Гонконгда шунча кун қолиб кетмаслигимга ишонардим. Кетиш олдидан сендвич тамадди қилиб олсаммикин деб тургандим, эшик тақиллаб Жек Уэйд кириб келди.

– Сизни ушлаб қолмайманми? – деб сўради у. – Мен Германнинг дафн маросими қачон эканлигини билмоқчи эдим. Қачон бўларкан, билмайсизми? Мен ҳам иштирок этсам девдим.

– Эртага бўлади, лекин қай вақтдалигини аниқ билмайман.

У хижолат тортди.

– Эҳтимол, мисс Уэст хонимга телефон қилиб билсаммикин? Менинг иштирок этишим ноқулайлик туғдирармикин, деб ўйлашман.

– Бугун кечқурун Жейн билан учрашаман. Дафн маросинининг вақтини сўраб билиб оларман.

– Илтимос, марҳаматингизни дариғ тутманг. – У жонланди. – Вақтингизни олганим учун узр. Эҳтимол... – у жумлани тугатмасдан гапири бўлдим.

– Зарари йўқ.

– Тергов қандай ўтди?

– Шундай бўлиши кутилган эди, иш қолдирилди. – Мен сигарета тутатдим. – Эртага Гонконгга жўнаб кетяшман.

– Сиз-а? – у бир оз хайрон қолди. – Мана бунн саёхат деса арзийди. Шу иш муносабати биланми?

– Ҳа-да. Қария Жефферсон хитойлик қизнинг ўтмишини аниқлаб келишни буюрди.

– Биласизми, Гонконг шунақа жойки. Мен у ерда бўлишни орзу қиламан.

– Жуда кўнглимдаги иш бўлди-да!

– Ҳа, жуда ёқимли ишнинг кетидан тушибсиз. – У оғирлигини у оёғидан бу оёғига олди. – Бирон-бир натижа чиқишига ишончингиз комилми?

– Бунн тасаввуримга сиғдиролмаяпман. Ҳар ҳолда бир уриниб кўраман.

– Мистер Жефферсон билан кўришдингизми? Кўриниши қалай?

– Яхшимас, менимча, узоққа бормаса керак.

– Эссиз, яхши одам эди. Германнинг ўлими йиқитгани аниқ. – Уэйд эшикка қараб йўналди. – Хўп, бир дақиқага сизни кўргани кирувдим. Эсон-омон бориб келинг, омадингизни берсин. Йўғингизда бирон-бир топшириқ бериб кетасизми?

– Раҳмат. Эшикни ёпиб кетаман.

– Унда хайр. Қизик, Гонконг сизда қандай таассурот қолдираркин. Дафн маросими қачон бўлишини унутманг. Айтмоқчи, гул жўнатишим мумкин-мумкин эмаслигини ҳам сўраб кўринг.

– Ҳаммасини сизга эртага маълум қиламан.

Мен полицияга бориб Ретник ваъда қилган Жояннинг суратини олдим, сураткаш ҳам қизни худди тирикдай қилиб суратга туширган экан. У шубҳасиз, жуда гўзал эди. Мен мурдахона хизматчисидан дафн маросими қачонга белгиланганини сўраб билдим. У дафн Жефферсон ҳисобидан эртага “Вудсайд-самирти” қабристоннда ўтказилишини айтди. Бу Пасадена-сити аҳолисининг обрў-эътиборли одамлари дафн этиладиган қабристон.

Роппа-роса соат олтида идорани қулфлаб, лаш-лушларимни чамадонга жойлаш учун уйга жўнадим. Келиб соқолимни олдим, душга тушиб, янги кўйлагимни кийдим-да, “Астор” майхонасига жўнадим.

Белгиланган жойга беш дақиқа кам саккизда етиб келдим.



Жейн Уэст соат мили саккиздан беш дақиқа ўтганда кириб келди. У чиройли кийинган, ўзининг гўзаллигига ишонч ҳосил қилгандай мағрур қиёфада эди. Мен ўтирган столга келгунча уни ҳамма хўрандалар кўзлари билан кузатиб туришди. Биз бир-биримизга одатдаги мулозамат билан бир неча оғиз гаплашдигу, мен унга мартини буюртма бердим. Ўзим вино ичдим. У менга самолёт чиптаси билан чарм кармон узатди.

– Мана сизга Гонконг доллари, – деди у. – Сизни ортикча ташвишлардан қутқаради. Айтмоқчи, мен телефон орқали меҳмонхонага хона буюртма беришим мумкин. Гонконгда “Мирамар” билан “Пемисулар” энг яхши меҳмонхоналардан.

– Раҳмат, мен “Само салтанати” меҳмонхонасида турмоқчиман.

У менга бир лаҳза назар ташлаб турди-да, деди:

– Ҳа, ўзингиз биласиз.

– Суратни унутмадингизми?

Официант патнисдан таомни олдимизга қўйгунча, у сумкачасидан конверт олиб узатди.

Каттагина силлиқ ялтироқ қоғозга туширилган расм зўр сураткаш томонидан олингани билиниб турарди. Суратдаги йигитнинг башараси ёқимсиз эди: юзлари қорамтир, қошлари қоп-қора, қалин, беўхшов жағи туртиб чиққан, оғзи тор. Бунақа башара полициячиларнинг ҳужжатларида учрайди. Бу мен учун жуда қутилмаган ҳол бўлди. Негадир Герман Жефферсон менда кўнгилчан ва беғам одам қиёфасида таассурот қолдирган эди. Шу онда Жейн Уэстнинг: “У қўрқинчли одам, унинг бирон-бир яхши фазилати йўқ”, деган гапи эсимга тушди. Ҳа, мен уни тушунишим мумкин. Кейин Жейнга ўғирилдим. У мени синчиклаб кузатиб турарди.

– Нимани назарда тутганингизни билиб турибман, – дедим. – У отасига мутлақо ўхшамас экан, тўғрими?

У жавоб бермади. Мен суратни чўнтагимга солдим. Шу пайт унга Жоянинг суратини кўрсатгим келиб қолди.

– Мендан, хотини чиройлими деб сўраганингиз. Мана, кўринг.

Бирмунча вақт у ўйланиб турди. Кўзимга ранги оқариб кетгандай туюлди. Кейин суратни қўлига олди, унинг қўли

хийла дадил эди. Энди расмга қандай қараётганини синчиклаб кузатиш навбати менга келган эди. Унинг чехрасида ҳеч қандай ўзгариш сезилмади. Бирмунча вақт суратга қараб турди-да, кейин уни менга узатди.

– Ҳа, чиройли экан, – деди совуққина қилиб. – Мен ҳам, у ҳам қадаҳ қўтардик.

– Дафн маросими эртага бўлади, деганмидингиз? – деб сўрадим.

– Ҳа.

– Германнинг бир дўсти дафн маросимига борсам бўладими, деганди. Идорамиз ёнма-ён. Жек Уэйд деган. Герман билан мактабда бирга ўқишган экан.

Жейн ҳушёр тортди.

– Дафн маросимида фақат мистер Жефферсон иккаламиз бўламиз. Дўстлардан ҳеч кимни таклиф қилмадик.

– Буни унга маълум қиламан. Гул жўнатса майлими?

– Гул керакмас. – Қиз соатига қараб ўрнидан турди. – Кетишим керак. Мистер Жефферсон кутяпти. Сиз учун яна бирон нарса қилишим мумкинми?

Биз ичкиликка сал-пал лаб теккизиб қўйдик. Вужудимни қандайдир номаълум ғашлик чулғаб олди. У билан яқинроқ танишиб олмоқчи бўлган эдим, бўлмади.

– Йўк, сиздан миннатдорман. Самолёт қачон учар экан?

– Соат ўн бирда. Сиз аэропортга самолёт учишидан ярим соат илгари етиб боришингиз керак.

– Сизни анча уринтириб қўйдим, раҳмат.

Қиз ўрнидан туриб, аста-секин эшик томон йўналди. Официантнинг қўлига икки доллар тутқазиб кетидан мен ҳам чиқдим. Унинг “ягуар”и майхонанинг нақ эшиги олдида турарди. Мен эса, машинамни қўйишга жой топгунча уни уч марта айланиб чиққан эдим. Шу нарсанинг ўзиёқ қария Жефферсоннинг мавкеи шаҳарда қанчалик баланд эканлигини кўрсатиб турарди. Жейн бориб машинасининг олдида тўхтади.

– Саёҳатингиз муваффақиятли бўлишига умид билдираман, – деди ҳали-ҳамон бегонасираб. – Агар бирон ёрдамим керак бўлиб қолса, қўнғироқ қилишингиз мумкин.

– Наҳотки табассум сизга бегона бўлса? – дедим. – Ҳамма вақт ҳам шунақа жиддиймисиз?

Унинг чехрасида бир зум ажабланиш зоҳир бўлди-ю, шу он йўқолди. Эшикни очиб, машинанинг ичига аста сирғалиб

кирди, лекин барибир тиззалари ёпиғлиқ қолди. Мен эшикни ушлашимдан олдин шарт этиб ўзи ёпиб олди.

– Яхши тушлар кўринг, жаноб Райан, – деди у ва машинани ўт олдириб, жўнаб кетди.

Мен орқасидан кузатиб қоларканман, соатга қарадим. Вақт роппа-роса 20 дан 25 дақиқа ўтибди. Бу учрашувдан кўп нарсаларни умид қилган эдим, умидларим пучга чиқди. Олдимда узун ва зерикарли оқшом турибди. Мен билан улфатчилик қилиб ўтириши мумкин бўлган уч-тўртта қизни кўз олдимдан ўтказиб, йўлакда қаққайиб туриб қолдим. Уларнинг биронтасиниям Жейн Уэст билан таққослаб бўлмасди. Ҳозир уйга жўнайману, телевизорга миҳланиб ўтираман, деган қарорга келдим. Қизиқ, Уэст кечкурунги кўнгилочар дастурларда нимани маъқул кўраркин. Унинг ҳам дастурлардан ҳафсаласи пир бўлиши эҳтимол. У ҳозир мени қайсидир фоҳишахонада малласоч аёл билан айш-ишрат қилиб ўтирибди ёки бўлмаса уруш чиқариб, учта барзанги билан муштлашади, деб тасаввур қилаётган бўлса керак. Мен майхонага кирдим. Баланд овозда мусиқа чалиниб турибди, эгнига тор жинси ва танасини сиқиб турган жемпер кийган иккита қиз устун олдида стулда ўтиришибди. Кичкинагина олмадай сийналар одамни ўзига чорлаб бўртиб турибди, сочлари Брижит Бардо русумида турмакланган, тирноқлари ёрқин лак билан бўялган. Киришим билан ёшимни чамалаб назар ташлашди-да, мўлжалларига тўғри келмадим шекилли, ўгирилиб олишди. Афтидан, мен уларга ҳаддан ташқари қари ва кўнгилларини ололмайдиган кўринган бўлсам керак. Мен руҳим чўкиб юмшоқ ва қоқ гўштли сендвични тановул қилдим. Кейин Герман билан Жояннинг суратларини олиб, уларни таҳлил қила бошладим.

Жейн Уэстга ўхшаган қизларнинг Германни севиши ва ундан бола орттиришгача боришини мутлақо тасаввур қилиб бўлмади. Мен баттар бўлмайдими дедим-да, суратларни жойига солдим. Ҳисоб-китоб қилиб, ташқари чиқдим. Қизларнинг эса орқамдан қараб қолишганини ҳис қилдим. Улардан бири чийиллаб кулиб юборди. Балки, унинг кўзига кулгили кўрингандирман? Бу ҳолатимда мен уни айбламаган бўлардим. Баъзан соқол олаётганимда ўзимнинг калламга ҳам шундай фикр келиб қолади.

Шундай хаёллар билан уйга келдим. Квартирам катта би-  
нонинг энг юқори қаватида бўлиб, кенг меҳмонхона, ошхона  
ва мўъжазгина ётоқхонадан иборат эди. Бу ерда Пасадена-  
ситига кўчиб келгандан буён истиқомат қиламан. Нархи ар-  
зон, қулай ва шаҳар марказига яқин. Лифтнинг йўқлиги мени  
ташвишга солмасди. Биринчидан, ҳар куни бешинчи қаватга  
чиқиб-тушиш қоматни бир текисда ушлаб турса, иккинчидан,  
ҳар ким кириб келаверишининг олдини оларди, юқорига кўта-  
рилганимда бир оз ҳарсиллардим, холос. Ҳар сафар ҳарсилла-  
ган пайтимда ўзимга энди чекишни ташлайман, деб сўз берар-  
дим, лекин ўзимни ўзим алдаётганимни билиб турардим.  
Эшикни очиб меҳмонхонага кирдим. Хона яримқоронғи, шу-  
нинг учун у ерда кутилмаган меҳмон ўтирганини бирданига  
сезганим йўқ. Шифтга қарши томондаги бинонинг томига ўрна-  
тилган рекламанинг ўткир нурлари шуъласи тушиб турарди.  
Агар мана шу шуъла бўлмаганда, мен уни кўрмаган бўлардим.  
Меҳмон мен яхши кўрадиган юмшоқ курсини дераза ёнига  
суриб ўтириб олган эди. У юмшоқ курсига бемалол ястаниб  
олган, бир оёғи иккинчи оёғининг устида, қўлини тиззасига  
қўйган, тиззасининг устига эса газета ташлаб олган. Кутилма-  
ган бу ҳолатдан юрагим уриб кетди. Чироқни ёқдим.

Кутилмаган меҳмон ўн саккиз ёшлардаги ёш йигит эди.  
Келишган, елкалари кенг. Эгнига қора куртка ва духоба шим  
кийган, бошида қизил гардишли қора фуражка. Бўйнининг  
атрофи қора рўмолча билан ўраб олинган. Бунақа ёшлар оқ-  
шомлари майхоналар атрофида тўда-тўда бўлиб изғиб юри-  
шади. Булар кўча тарбиясининг меваларидир. Улар қутурган  
итлардай дарғазаб ва жамоатга катта хавф туғдиришади.

Башарасида гиёҳвандлик ва қотилликнинг нуқси якқол  
акс этиб турарди. Унинг бир қулоғи йўқ, бўйнида узун оқ  
чандиқ кўриниб турибди.

У совуқ тиржайиб қўйганда баданим музлаб кетди.

– Ҳов оғайни, сен энди ҳечам келмасанг керак деб ўйлаб  
турувдим, – деди у бўғиқ овозда.

Шу онда полиция хонасининг қаеридадир қолиб кетган  
тўппончам хаёлимга келди. Илк кўрқувни босиб олдим. Агар  
ҳозир тўппончам ёнимда бўлганда-ку, ҳаммаси осон ҳал бўлар-  
ди-я.

– Бу ерда нима қилиб юрибсан? – деб сўрадим.

– Ўпкангни босиб ол, оғайни, ўтир бундоғ. Сенда жиндай ишим бор. – Менга стул кўрсатди. Қўлида кийиб олган қора қўлқопга кўзим тушди-ю, баданимдан совуқ тер чиқиб кетди. Афтидан, иш жуда жиддийга ўхшайди. Бунинг устига, меҳмоним ҳам ўзига ишонган кўринади. Унга диққат билан қараб, наша деб аталмиш оғудан тўйиб олганига ишонч ҳосил қилдим.

– Сенга икки сония вақт бераман, бу ердан туёғингни шиқиллатиб қол, – дедим мен ҳам ўзимни ўзимга ишонган киёфада кўрсатиш учун.

У кулиб юборди ва бармоғининг учи билан бурнининг четини ишқаб қўйди. Шу заҳоти бир ҳаракат билан тиззасини ёпиб олган газетани ерга учириб юборди. Ўттиз беш калибрили тўппонча столда ётарди.

– Ўтир, оғайни, – буюрди у. – Биламан, тўппончанг йўқ. – У тўппонча банди билан столни тақиллатди. – У овозсиз отади. Уни ўзим ясаганман. Уч марта ўқ отишга дош беради. Бу етарли.

Биз бир-биримизга тикилиб қолдик, кейин мен эшик ёнида турган стулга аста чўкдим. Орамиз чамаси беш метрлар, агар унга ташланиб қолгудек бўлсам, биқинимдан дарча очиб қўйиши турган гап.

– Сенга ўзи нима керак? – деб сўрадим.

– Яшаш ҳалиям жонингга тегмадими, оғайни? – деди юмшоқ курсига бемалол ястаниб олиб. – Агар жонингга теккан бўлса, яхшиси, бу ҳаёт билан видолашиб қўя колганинг маъқул.

Гиёҳванднинг маънисиз кўзларига қараб туриб этим жириллашиб кетди.

– Мен ҳаётни севаман, – дедим жиллакурса бир нима дейишим учун.

– Бу яхшимас. – У тўппончани олдига тортди. Унинг ўқ чиқадиган тешиги менинг башарамга тўғриланиб қолди. – Қизинг борми?

– Бор. Бир эмас жуда кўп, нимаиди?

– Шундай, ўзим, қизиқдим-да. Сенинг у дунёга равона бўлганингни эшитса, роса ачинади-да.

– Балки, бир ёки иккитаси ачинар. Менга қара, бунақа бемаъни томошанинг нима кераги бор? Менда нима қасдинг бор? Мен сенга нима ёмонлик қилганман?

– Ҳеч қандай қасдим йўқ, оғайни, – шундай деб унинг қонсиз қалин лаблари тиржайди. – Афтидан, ёмон одамга ўхшамайсан, уйинг ҳам бинойидай. Қандай келганингни кўриб турдим. Машинанг ҳам менга ёқади.

Мен чуқур хўрсиндим.

– Тўппончангни қўйсангу, иккаламиз очикчасига гаплашиб олсак, қалай бўларкин? – дедим бирон нима чиқаришга умид қилмай. – Эҳтимол, жиндай-жиндай отармиз?

– Мен ичмайман.

– Яхши қиласан. Баъзан менга ҳам мутлақо тортмай қолади. Ичимликни шу ернинг ўзида мухайё қилса ҳам бўлади. Нима дейсан?

У калласини сарак-сарак қилди.

– Бу ер биз ичкилик ичиб, улфатчилик қиладиган жой эмас.

Орада бўлиб ўтган бу гаплар мобайнида миям жонсарак бўлиб ишлади. Йигит бақувват ва кучли, лекин кўлида тўппонча бўлмаганда мен ҳам унга бўш келмаган бўлардим. Кучим старди, бунинг устига, жанг санъатидан бир-икки усулни ҳам яхши биламан. Орамиз беш метрлар чамаси. Агар тўппончаси бўлмаса, бир-икки сакрагандаёқ орадаги устунлик йўқоларди.

– Бундай учрашувдан мақсад нима ўзи? – дедим оёғимни эҳтиёткорлик билан стулнинг оёғига тираб. Агар ташланиб қоладиган бўлсам, бу ҳолат иш бериши мумкин эди.

– Учрашувдан мақсад отишма, – деди у пихиллаб.

– Кимни отамиз?

– Сени-да, оғайни, сени.

Юрагим гупиллаб уриб кетди. Гарчанд иш юзасидан ҳар хил ҳолатларга тез-тез тушиб юрган бўлсам ҳам, бунақасига биринчи бор рўпара келишим эди.

– Лекин нега ва нима учун мени отмоқчисан?

У тўппончасини кўтариб, овоз ютгич пайчаси билан ёноғидаги чандикни қашиб қўйди.

– Билмайман. Бу нарса мени қизиқтирмайди ҳам. Мен пул ишлайман.

Мен қуриб қолган лабларимни ялаб қўйдим.

– Мени ўлдириш учун сенга пул тўлашдимми?

– Ҳа-да, оғайни. Бўлмаса, сени ўлдиришимнинг менга нима кераги бор?

– Бу хақда гапириб бер, – дедим руҳим чўкиб. – Ҳали вақтимиз кўп, улгурасан. Ким пул тўлади?

– Билмайман, оғайни. Бильярд ўйнаб тургандим. Бир нусха келиб беш юз чақа ишлашни хоҳламайсанми, деб қолди. Биз бурчакка ўтдик. У менга юз берди-да, сени ўқ билан меҳмон қилишни буюрди. Қолганини кейин бермоқчи бўлди.

– Ўша нусха ким эди?

– Сенинг нима ишинг бор? Битта нотаниш нусха-да. Ўқни қаерингга жойлашимни хоҳлайсан, оғайни. Манави ўйинчок билан муомала қилишни ўрнига қўяман. Ўқни каллага жойлаш жуда зўр. Лекин сен бошқа жойингни танлашинг ҳам мумкин.

– Беш юз – бу унчалик кўп эмас. Мен сенга бундан ортинини беришим ҳам мумкин.

У кулди.

– Мен доим шартга риоя қиламан, – деди у кўнмай.

Шу он бахтимга телефон жиринглаб қолди. Қўнғироқдан йигит ҳушёр тортиди ва беихтиёр телефон аппарати томон ўгирилди. Қисматнинг бу совғасидан унумли фойдаланиб қолдим. Бир зумда бошига бир зарба бериб, қўлидан тўппончани учириб юбориш мақсадида унга ташландим. Тўппончани учириб юборолмадим. Йигит тепкини босган эди, ўқ ёнимдан визиллаб ўтиб кетди. Рақибим, ўйлаганимдек, бақувват экан, ҳар ҳолда қўли омбурдек қаттиқ эди, қўлини маҳкам ушлаб олганим сабабли у мени отиб ташлай олмади.

Энди бўш келмаслигим керак эди. Бир сакраб бармоқларимнинг қирраси билан бўйнига зарб билан урдим. Бу зарбдан у қулаб тушди. Кейин ўзига келиб ўрнидан турди ва икки кўзим орасига мушт туширди. Худди миямга болға билан солгандай бўлди, бирмунча вақт кўзларимдан чиқаётган учқунларни кўриб турдим. Мен аста ерга ўтира бошладим, бу вақтда у ўрнидан турди. Унинг дабдала бўлиб кетган оғзи-ю, бурнидан қон оқарди. Келиб энгагимга тепди, лекин тепкининг зарби кам эди. Уни биринчи зарбадаёқ ҳолдан тойдирган эдим, бунақа нусхалар қаттиқ зарбадан кейин дарров ўзига келолмайди. Унинг тепкисидан ўзимни тўсиб четга олдим ва чаққонлик билан ўрнимдан туриб олишга улгурдим. Биз энди юзма-юз туриб қолдик, тўппонча эса, ўртамизда – ерда ётарди. У бўкириб юборди, лекин энгашса тўппончага етмасданок

боягидай зарбага дучор бўлишидан қўрқди. Бунинг ўрнига тизгинсиз буқадай менга ташланди. Мен уни пешанасига зарб билан уриб қарши олдим, у ҳам менга зарба берди. Иккаламиз бориб деворга урилдик ва Рим шакли туширилган иккита акварелни ерга ағдариб юбордик. Мен яна ўзим севган калла қўйиш усулимни ишлатдим, шу билан бир вақтда қорнига уст-ма-уст олти марта мушт туширдим. Лекин еган тепкилардан менинг ҳам бошим айланиб кетди. Барибир қорнига туширган муштларим ўз ишини қилган эди – у орқага чекинди.

Мен озгина нафасимни ростлаб олдим.

Бирдан унинг қўлида пичоқ ялтириб кетди.

Бутун башарасини қон қоплаб олган, лекин қайсарлик қилар, орқага қайтай демасди. Мен орқага тисарилдим, у эса, аста-секин менга яқинлашиб кела бошлади. Мен деворга суяниб туриб устимдаги костюмни зумда ечиб чап қўлимга ўраддим. У менга ташланган эди, пичоқнинг тигини костюм билан ҳимояланган чап қўлимга тўғриладим. Ўнг қўлим бўш қолган эди. Ўзим севган усулда жағига қараб бор кучим билан зарба бердим. Ниҳоят даражада ғазабланган эдим. Мана бундай мишиқилар қўлида зангламас пўлатни бурнимнинг тагида ялтиратиб туришини ҳечам ёқтирмайман. Зарбадан йигит гандираклаб кетди, кўзлари юмилди. Пичоқ қўлидан учиб тушди, уни оёғим билан нари тепиб юбордим. Бу вақтда йигит аста олдинга қулай бошлади. Қулаш асносида бармоқларимни муштлаб туриб курагига яна туширдим. У гумбурлаб ерга йиқилди ва бурни билан ерга тиралди.

Мен бир оз тин олиш учун деворга суяндим. Кайфиятим қаттиқ бузилган эди. Ўзи бундоқ жисмоний машқ қилмаганимга ҳам анча вақтлар бўлган эди.

Эшик зарб билан очилди. Хонага қўлида тўппонча билан иккита полициячи отилиб кирди. Афтидан, биз муштлашиб бутун бинони оёққа турғизиб юборганимиз аниқ эди. Шу пайтда рақибим ўзига келиб ёнбошига ағдарилди ва ерда ётган тўппончани кўриб, уни қўлига олди. У ҳалиям келишилган пулини ҳалоллаб олмоқчи эди. У тепкини босди. Ўқ қулоғим ёнидан ўтиб, деворга санчилди. Полициячилардан бири тўппончасини чиқарди. Мен уни тўхтатиб қолмоқчи бўлган эдим, улгуролмай қолдим... Менинг омадсиз рақибим учинчи бор тепкини босолмай, у дунёга равона бўлди. Тан олиш керакки, у бай пулини ҳалоллаб олган эди.



## ИККИНЧИ БОБ

Самолёт ичида “чекилмасин” деган ёзув пайдо бўлганда ёнимда ўтирган тепакал бақалоқ иллюминатордан ташқарига қаради.

– Мана, Гонконгга ҳам етиб келдик, – деди у елкам оша. – Гўзал шаҳар. Айтишларича, бунақа жой ер юзида бошқа йўқ эмиш. Бўлиши мумкин.

Қўшнимнинг хумдай калласи самолёт ойнасини берки-тиб тургани боис, камарни боғлаш билан банд бўлдим. Барибир ерга кўнгуниimizча ям-яшил қир-адирларни, жимирлаб ялтираб турган денгиздаги сонсиз елканларни кўриб қолишга улгурдим.

Олд томонда ўтирган семиз аёл шоша-пиша камарини ечди-да, жавонда осилиб турган фотоаппаратига ёпишди. Қўшним иллюминатордан бошини олиб менга ўгирилди.

– Сиз яриморолда қоласизми? – деб сўради.

– Йўқ, бўғознинг нариги томонига ўтаман.

Унинг тер босиб кетган юзида у ёкқа ўтишимни маъқулламаслик аломатлари зоҳир бўлди.

– Яриморол яхши, бу ерда энг бой магазинлар, меҳмонхоналар кўп. Балки, муҳим иш билан келгандирсиз.

– Тўппа-тўғри, шундай.

Тушунтиришим уни қониқтирди. Самолёт йўловчилари юklarини йиғиштириб, аста-секин чиқиш эшигига юра бошлашди, одатий туртиниб кетишлар, узр сўрашлар билан ниҳоят очиқ ҳавога чиқдик. Эсон-омон етиб келдик. Ўн дақиқадан сўнг божхонадан ўтиб, турли тилларда сўзлашувчи оломон орасига шўнғиб кетдим. Мен қўшнимнинг мўъжаз автобуснинг ўриндиғига ўтириб олганини кўриб қолдим. Бир-биримизга қўл силкиб қолдик. Бир зумда олдимга рикшали<sup>1</sup> олтига одам бақириб-чақириб келди. Уларнинг қаримсиқ сариқ юзларида ялиниб-ёлвориш аломатлари сезилиб турарди. Мен нима қилишни билмай турганимда европача кийиниб олган, чорпахилдан келган бир хитой олдимга келди. У таъзим қилиб туриб шундай деди:

– Узр. Мен сизга бирон ёрдам бера оламанми? Такси керакмасми?

<sup>1</sup> Шарқ мамлакатларида одам ташийдиган аравача.

– Мен Ванхойдаги “Само салтанати” меҳмонхонасига етиб олишим керак.

– Унда сиз оролга боришингиз лозим, сэр, – хитойликнинг юзларида ҳам мулозамат, ҳам ажабланиш аломатлари зоҳир бўлди. – Яхшиси, паромгача такси ёллашингиз керак. Кейин паром билан бўғозни кесиб ўтасиз. Меҳмонхона ўша томонда.

– Миннатдорман, – дедим мен. – Ҳайдовчилар инглиз тилида гаплашишадими?

– Кўпчилиги тушунади. – Шундай деб у такси ҳайдовчига ишора қилди. – Рухсат этинг, мен... У олдинга ўтиб чамадонимни кўтарди. Унинг ортидан юрдим. Йўлбошловчим такси ҳайдовчиси билан хитой тилида гаплашди. У ҳам жавобан бир нималар деб, ўгирилиб олди.

– У сизни паромгача олиб боради, сэр, – деди барзанги хитой. – Кира ҳақи бир доллар туради. Америка доллари эмас, Гонконг доллари, билиб қўйганингиз яхши. Бизнинг бир долларимиз ўн беш центга яқин туради. – У тилла тишларини кўрсатиб кулиб қўйди. – Меҳмонхонани осонгина топиб olasиз. Паромдан тушганингизда шундоққина рўпарада. – Кейин бир оз иккиланиб туриб қўшиб қўйди: – Сизни оғохлантириб қўйишим керак. Бу меҳмонхона америкалик жентльменларга унчалик мос эмас. Хиралик қилаётганим учун кечиринг, улар “Само салтанати”дан кўра нуфузли меҳмонхоналарни хуш кўришади. Бу меҳмонхонага кўпроқ осиеликлар қўнишади.

– Хабарим бор. Лекин мен худди шу ерга қўнмоқчиман. Раҳмат сизга.

– Раҳмат дейишга арзимаиди, – деди у. Кейин қалин кармонидан ташриф қоғозини чиқариб менга узатди. – Агар гидга эҳтиёж сезиб қолсангиз бемалол мурожаат қилаверинг. Америкаликларнинг Гонконгга келганларига хизмат кўрсатиш менинг вазифамга киради. Қўнғироқ қилсангиз, бас.

– Раҳмат, эсдан чиқармайман.

Мен ташриф қоғозини қўл соатимнинг тасмасига қистириб қўйдим. Хитойлик ўзини бир қадам орқага олиб, таъзим қилиб қўйди. Таксига ўтирдим. Самолётда келаётганимда Кай Так аэропорти Гонконг бўғози орқали ажралиб турган Коолум яриморотида жойлашганлигини билиб олган эдим. У ерга паром билан бориш керак. Бор-йўғи беш дақиқалик йўл экан.

Жефферсон яшаган Ванхой Гонконг оролининг қирғоғида жойлашган эди. Бу ер нақ чумолининг инига ўхшарди. Чор атроф бамбук таёғидан обкаш қилиб, оғир юкни елкасида кўтарган ҳаммоллар, бесўнақай юк машиналари, икки ғилдиракли аравачалар, хитойлик бизнесменлар ўтирган чиройли енгил машиналар билан тўла. Дўконлар ва магазинларнинг олд томонлари инглиз тилида ёзилган сўзлар билан безатилган. Ариқ ва зовурлар бўйларида кир-чир болалар ўйнаб юришар, дўконлар олдида тўда-тўда бўлиб ёш хитойликлар чўққайиб ўтирганча қўлида чўп билан гуруч ейишарди.

Пристанда шофёр билан ҳисоб-китоб қилдим, кейин йўловчиларни бўғоздан ўтказиб қўядиган паромга чипта олдим. Паром хитойлик бизнесменлар, америкалик саёхатчилар ва икки биқини очик ва чиройли оёқлари кўриниб турадиган миллий кийим — чунгазан кийиб олган хушрўй хитой қизлари билан тўлиб бўлган эди. Мен паром аста-секин бўғоздан қўзғолганда панжара олдига туриб олдим-да, янги шароитга мослашиш тадоригини кўра бошладим. Назаримда, энди Пасадена-ситини тарк этганимга кўп вақтлар бўлгандек туюла бошлади.

“Қутилмаган меҳмон” сабаб икки кун ушланиб қолдим. Бу воқеани Ретникка батафсил гапириб берганим йўқ, фақат бир палид уйимга кириб қолган экан, роса олишдик, деб қўяқолдим. Уни алдадим, хонамдаги бор нарсани шилмоқчи бўлган экан, дедим. Табиийки, бу Ретникка ҳечам ёкмади. Айниқса, тўппончасидаги товушни ютадиган мосламаси борлиги уни ҳайрон қолдирди. Гапларимда қаттиқ туриб олдим, шу билан бу иш босди-босди бўлди (ўзимнинг эса, буни Хардвик юборганига шубҳам йўқ эди). Яна битта тўппонча сотиб олишимга тўғри келди: ўттиз саккиз калибрли полициячилар олиб юрадиганидан, энди минбаъд қуролсиз юрмасликка қасам ичдим, лекин, афсуски, бундай қасамлар тезда унутилиб кетади...

Паром пристанга етиб келди, ҳамма қирғоққа тушди. Ванхой асосан хитойликлар билан тўла эди.

Агар сақич чайнаганча атрофга назар ташлаб юрган иккита америкалик денгизчини ҳисобга олмаганда бутун денгиз соҳили хитойликлар тасарруфида эди. Бу ерда ҳам Коолумдагидек ҳаммоллар югуриб юришарди. Бу ерда ҳам ўз арава-

чалари билан рикшалар, йўлакда кўкат сотувчи савдогарлар ўтиришарди. Зовур, арик бўйларида эса, кир-чир болалар ўйнаб юришарди. Ёш-ёш қизлар ўзларига жалб қилиш умидида менга чарос кўзларини сузиб қарашарди.

“Само салтанати” меҳмонхонаси икки томонидан соат ва ўйинчоқлар магазинлари билан сиқиб кўйилган эди. Кўлимда чамадон билан тор айланма йўлак билан вестибюлга кўтарилдим. Устун ёнида эгнида қора кийим, бошида қора шапкача билан қари хитой чол ўтирарди. Энгагида яккам-дуккам оқ соқол, бодом қовоқлари остидаги қисқ кўзларидан ҳеч қандай маънони англаб бўлмасди.

– Менга хона керак, – дедим чамадонимни ерга қўярканман. У менга бошдан-оёқ қараб чиқди. Эгнимда ўнгиб қолган костюм, эски кўйлак. Бирон ўғрига ўхшамаган бўлсам ҳам, ҳар ҳолда кўзига ундан сал дурустроқ бўлиб кўридим.

Чол бир оғиз ҳам гапирмай, олдимга саҳифалари букиб ташланган эски дафтар билан ручкани кўйди. Дафтар асосан, хитой иероглифлари билан тўлдирилган, мен кўрсатилган жойга ўз исмим, миллатимни атайлаб инглиз тилида ёздим.

– Ўн доллар, – деди у. – 37-хона.

Мен унга ўн доллар бердим. Кейин чамадонимни кўтарганча йўлак бўйлаб кетдим. Кутилмаганда эшиклардан бири очилиб, шапкачасини қулоқ томонига қийшиқ кўндирганча америкалик денгизчи чикиб келди. Унинг ортидан қизғиш чунгазанда юзлари ҳорғин хитой қизи чиқди. Кўзимга у ювиндига тўйган Пекин итига ўхшаб кўриниб кетди. Денгизчи эса менга имо қилиб, ғоз юриш билан ёнимдан ўтиб кетди.

Эшикни очиб икки кишилик каравот, жавон ва стул кўйилган мўъжазгина хонага кирдим, оқ сирли столда ювиниш учун тоғора кўйилган. Дераза ҳовлига очиларди. Қуришиш учун дорга осиб кўйилган чойшаб, сочиқ ва кийим-кечаклардан билиш мумкин эдики, у ерда кирхона бор. Чамадонимни ерга қўйиб, стулга ўтирдим. Хоҳласам, қулай ва шинам, муздай пиво ва души бор меҳмонхоналарга қўнишим ҳам мумкин эди. Лекин иш бўлгандан кейин ишлаш керак-да. Мен бу ерга кўнгил ёзиш учун келганим йўқ-да, ахир. Бу ерда Герман Жефферсон хотини билан яшаган, агар шу меҳмонхона уларга маъқул бўлган экан, менга ҳам ёқади.

Орадан бир неча дақиқа ўтиб тоғорага сув қуйиб ювиндим. Кейин нарсаларимни олиб жавонга илдим. Меҳмонхона осуда. Фақат узоқ-узоқлардан кўча ҳаракатининг товушлари элас-элас келиб турибди. Соат миллари йигирмата кам олтини кўрсатмоқда. Қўл соатимнинг тасмасига тиқиб қўйган ташриф қоғозига кўзим тушиб қолди. Олиб ўқисам: “Вонг Хопхо – инглиз тилида гапирадиган гид”, деб ёзиб қўйилибди. Телефон рақами ҳам бор эди. Ташриф қоғозини чўнтагимга солиб, йўлакка чиқдим.

Хонамга қарама-қарши эшикда кесакига суянганча паст бўйли, лекин хушбичим бир хитойлик қиз турарди. Қопқора, ялтироқ сочлари чиройли қилиб орқасига турмаклаб қўйилган. Эгнида қисқа юбка ва оқ-кўкиш блузка. Ҳайратда қоладиган даражада гўзал эмасди-ю, лекин жуда истараси иссиқ эди. Қиз мени кутиб тургандек юзимга тикилиб қаради.

– Хэлло, мистер, – деди чехраси очилиб табассум билан. – Менинг исмим Лайло, сизники-чи?

Унинг табассуми, дурдек оппоқ тишлари менга жуда ёқди.

– Нельсон Райан, – дедим эшикни ёпарканман. – Қисқа қилиб Нельсон десаям бўлаверади. Шу ерда яшайсанми?

– Ҳа, – деди у менга дўстона назар ташлаб. – Шу ерга кўндингизми?

– Худди шундай. Бу ерда кўпдан бери яшайсанми?

– Бир ярим йил бўлди. – Унинг қийин талаффуздан сўзларини зўрға илғаб олардим. У маъноли қилиб менга тикилди. – Агар кўнгил ёзгингиз келиб қолса, бемалол мени таклиф қилаверинг.

Мен эсанкираб қолдим, лекин табассум қилишга интилдим.

– Гапингни унутмайман, бироқ менга кўпам ишонаверма.

Яна бир эшик очилиб, хонадан паст бўйли, бақалоқ бир киши чиқиб келди. У атрофга қарамай шошиб ёнимдан ўтиб кетди. Унинг ортидан ўн беш ёшлардаги хитойлик қиз эргашиб чиқди. Қиз ёнимга келганда менга қаттиқ тикилиб ўтиб кетди. Энди мен бу ернинг қандай меҳмонхона эканлигига адашмай баҳо бера олардим.

– Балки, ҳозироқ хонага кирармиз-а? – деди Лайло мулойимлик билан.

– Йўқ, ҳозир бандман. Кейин бир вақт топиб...

– Америкалик жентльменлар доим банд бўлишади, – хўрсинди у. – Эҳтимол, кечқурун учрашармиз?

– Айтдим-ку, кейинроқ деб.

Қизнинг юзларида норозилик аломати сезилди. Даҳлизда ҳайкалдек эҳтироссиз қотиб ўтирган қари хитойлик чолнинг олдига, кейин зинадан тушиб шовқин-суронли кўчага чиқдим. Бир зумда олдимга рикша етиб келди.

– Полиция бошқармасига, – дедим аравачага ўтирибоқ. У аравачасини физиллатиб кетди. Унда икки юз ярдлар<sup>1</sup> чамаси юрганимиздан кейин, у қадар ҳам яхши транспорт воситасини танламаганимга ишонч ҳосил қилдим. Чиройли, ялтироқ энгил ва юк ташувчи катта машиналар рикшаларни назар-писанд қилишмас эди. Керак бўлса, хоҳлаган пайтда улар бизни босиб-янчиб кетишлари ҳам мумкин эди. Биз Гонконг полиция бошқармасига эсон-омон етиб келганимизга шукр қилиб, энгил нафас олдим.

Мен келганимнинг асл сабабини навбатчи сержантга батафсил маълум қилдим. Шундан кейин мени мўъжаз, лекин жуда шинам хонага бошлаб боришди. Сочига оқ оралаган, калта мўйловли бош инспектор менга маъносиз тикилиб турди-да, ўтиришга таклиф этди. Мен ўзимни, у ҳам ўзини таништирди, оти Маккарти экан, кучли шотланд талаффузида гапираркан.

– Жефферсонми? – қайтарди у юмшоқ курсига ястаниб оларкан. Кейин қўлига кўп марта чекилган “Денхилл” трубкасини олди. Унга махорка босиб, гапини давом эттирди: – Безовта бўлаётганингизнинг асл сабаби нима? Пасадена-ситидаги тергов муносабати билан жўнатилган сўров хатига бу ҳақда жавоб қайтарганман. Марҳумнинг сизга қандай алоқаси бор?

Мен Ж. Уилбур Жефферсоннинг илтимоси билан бу ерга келганимни қўлимдан келганча тушунтириб бердим.

– Мен унинг ўғли ва хитойлик келини ҳақида имкони борича кўпроқ маълумот олмоқчиман. Сиз айтишни лозим топган ҳар қандай маълумот тергов жараёнида катта аҳамият касб этиши мумкин.

– Бу борада сизга кўпроқ маълумотни фақат Америка консулхонаси бериши мумкин, – деди у трубкани ўт олдириб,

<sup>1</sup> Ярд – 0,91 метрга тенг узунлик ўлчами.

ўрам-ўрам тутун чиқараркан. – Менга бу одам ҳақида кўп нарса маълум эмас. Автомобиль ҳалокатига учраб, ҳалок бўлган, тамом-вассалом. Бу ҳақда сизларга маълумот юборган эдик.

– Бу қандай содир бўлган?

Бош инспектор елка қисди.

– Нам ерда катта тезликда келаётган экан. Уни топганимизда абжағи чикиб бўлганди. Кўкраги машина рулига урилиб, тухумдай пачоқланиб кетган.

– Ёнида ҳеч ким йўқ эканми?

– Ҳеч ким.

– Қаёққа кетаётган экан?

Маккарти мазах қилгандай менга қаради.

– Билмайман. Коолумдан беш миль нарида бахтсиз ҳодиса рўй бергани аниқ.

– Уни ким топибди?

– Хотини.

– Унинг ҳаёти ҳақида бирон нима гапириб беролмайсизми? Қаерда ишлаган экан?

– Сизга бирон-бир ёрдамим теголмаса керак. – Маккарти оғзидан трубкани олиб, ўйланқираб шифтга тикилди. – Бахтимга, бу менга дахлдор эмас. Унга эътирозимиз бўлмаган. Агар бирон асосли сабаб бўлмаса, биз бировларнинг шахсий ишларига аралашмаймиз. Жефферсон қонундан ташқари чиққанмас. Тўғри, баъзан у ҳақда кўнгилсиз маълумотлар олиб турардик. У биз истамаган фуқаро эди. Шуниси шубҳасиз эдики, йигит хотинининг ахлоқсизлик, қинғир ишлар билан топган пулига ҳаёт кечирарди. Яна такрор айтаман, бирон асосли сабаб бўлмаса, биз Америка фуқароларининг ишларига аралашмасликка ҳаракат қиламиз.

– Унинг хотини ҳақида ҳеч қандай маълумот беролмайсизми?

Маккарти зериккан киёфада тутун пуфлади.

– Хотини, шубҳасиз, фоҳиша бўлган. Бу масала билан биз кураш олиб борамиз, лекин, ўзингизга маълум, бу жилла осон иш эмас. Келгиндиларнинг ишга ўрнашиб олиши жуда қийин, фоҳишалик пул топишнинг энг осон йўли. Маълум даражада шаҳарни булардан тозаладик, лекин ҳали бу ишнинг чеки кўринмай ётибди.

– Мен қизнинг нега ўлдирилганини билмоқчи эдим.

Маккарти елка қисди.

– Бу борада сизга ёрдам беролмайман. – Бош инспектор стол устида қалашиб ётган қоғозларга эриниб қаради. – Бу икки ошиқ-маъшуқ ҳақида бор билганларимни лейтенант Ретникка маълум қилганман. Сизга бошқа ҳеч нарса қўшимча қилолмайман.

Мен унинг нимага ишора қилаётганини сезиб ўрнимдан турдим.

– Нима ҳам дердик, раҳмат. Бу ерда яна озгина ишлайман. Эҳтимол, бирон нимани қўлга киритарман.

– Бунга шубҳам бор. – Маккарти қоғозларни олдига тортиди. – Сизга муваффақият тилайман!

Биз бир-биримизнинг қўлимизни сиқиб хайрлашгач, мен ғала-ғовур Куинго-Роуд кўчасига чиқдим. Соат олти ярим бўлибди. Америка консулхонаси беркилган бўлиши керак. Тўғри, мен у ердан ҳам ўзимга керакли маълумотларни олишга умид қилмасдим. Мен кўпроқ ўзимга ва зехн-идрокимга умид боғлашим керак. Бунинг учун, аввало, ишни нимадан бошлашни пухта режалаб олишим зарур.

Бир соатлар атрофида ўзим қизиққан ва ёқтирган нарсаларни томоша қилиб шаҳар магазинларини айландим. Ниҳоят жиндай кўнгил ёзиш учун Ванхойнинг кирғоқбўйи қисмига йўл олдим. Паромдан тушганимдаёқ майхоналар олдида ўткинчиларни ичкарига таклиф қилиб ўтирган одамларни кўрган эдим. Мен биринчи учраган майхонага кириб, автомат мусикадан нарироққа ўтирдим. Бу ерда олти америкалик денгизчи ва иккита хитойлик бизнесмен пиво ичиб ўтиришарди. Улар нима ҳақидадир жиддий гаплашишарди. Бир нечта қиз хонанинг бир бурчида ўтиришибди. Улар кушларга ўхшаб хуш-хандон чуғурлашарди. Олдимга официант келди. Виски билан кока-кола келтиришини буюрдим. Официант буюртмамни бажаргунча худда ердан чиққандай семиз хитойлик аёл пайдо бўлди-ю, рўпарамга ўтириб олди.

– Хайрли оқшом, – деди у худди менда иши бор одамдай тикилиб. – Гонконгга биринчи келишингизми?

– Ҳа.

– Сизга шерик бўлсам эътироз билдирмайсизми?

– Йўқ, албатта. Бирон нима буюрайми?

У тилла тишларини ялтиратиб кулиб қўйди.

– Бир стакан сут бўлса етарли.



Официант суҳбатдошимнинг дидини яхши билади, шекилли, менинг буюртмамга қўшиб унга сут кўтариб келди.

– Бу ернинг таоми яхши, – деди аёл давом этиб. – Ҳар ҳолда яхши таом истеъмол қилгингиз келса...

– Ҳали вақт эрта. Сиз сутдан бошқа бирон кучлироқ нарса ичгингиз келмаётибдими?

– Йўқ. Мен ишдаман. “Глостерчере”га қўндингизми? У шаҳарда энг яхши меҳмонхона.

– Уни эшитганман.

– Гўзал қизлар билан вақтичоғлик қилишни хоҳламайсизми? Қўнғироқ қилсангиз бас – улар югуриб келишади. Сизга қанақаси ёқади, шуни айтсангиз бўлди.

– Раҳмат, ҳозир эмас. Қизларни топиш сизга қийинчилик туғдирмайдими?

Аёл елка қисди.

– Уларни топмаслик қийин. Гонконг жиндай пул ишлаб олиш иштиёқида юрган гўзал қизларга бисёр.

“Само салтанати” меҳмонхонаси бу ердан унчалик узоқ эмас эди. Агар бу аёл маҳаллий фоҳишаларни бошқарадиган бўлса, Жоянни ҳам билиши аниқ.

– Сизга бир сирни очиб қўяй, дўстим ўтган йили бу ерга келганда бир қиз билан танишган ва у жуда ёқиб қолган экан, – дедим. – Унинг оти Жоян. Ўша қизни кўргим келяпти. Уни танимайсизми?

Бир зум аёлнинг кўзларида ажабланиш аломатлари зоҳир бўлди. Агар гапимнинг унга таъсир қилиш-қилмаслигини кузатмаганимда бир зумлик бу ҳолатни ўтказиб юборган бўлардим. Кейин унинг чехрасида табассум кўринди ва нозик бармоқлари билан столни черта бошлади.

– Ҳа-да, уни биламан, – деб жавоб берди у. – Жуда гўзал қиз, сизга жудаям ёқиб қолишига ишонаман. Агар истасангиз, унга ҳозироқ қўнғироқ қилишим мумкин.

Энди ажабланиш навбати менга келган эди. Лекин буни сездирмадим.

Нега энди у билан танишмаслик керак экан!

– Дидингиз зўр экан, – давом этди қўшмачи. – У меҳмонхонангизга келса, эътироз билдирмайсизми? Ота-онаси билан яшайди, шу сабабли жентльменларни уйига таклиф қилолмайди. Демак, ўттиз доллар унга, ўн доллар хона учун.

У яна тилла тишларини кўрсатиб илжайиб қўйди.

– Уч доллар бизга.

Кизик, бу пулларни хисоботга қўшиб Жефферсонга кўрсатсам, нима деркин?

– Бўпти, розиман, – розилик билдирдим. – Лекин келган киз Жоян эканлигини қаердан биламан? Ҳар қандай одам ўзини Жоян деб аташи мумкин-ку.

– Ҳазиллашяпсизми? – хитойлик аёл менга тикилиб қаради. – Бошқа ким бўлиши мумкин.

– Майли. Ҳазиллашдим.

У ўрнидан турди.

– Бориб кўнғироқ қилай. – Қўшмачи зални кесиб ўтиб телефон турган столчага борди. У кўнғироқ қилаётганда денгизчилардан биттаси бориб елкасидан кучди. Афтидан, аёл менга халақит қилма, дегандай бўлди. Денгизчи менга қараб кўзини кисиб қўйди. Мен ҳам унга шундай жавоб қайтардим. Майхонада эркинлик, дўстона вазият ҳукмрон эди. Шуни билдимки, келишувимизнинг ҳеч қандай сирли жойи қолмади. Аёл гўшакни қўйганда официанткадан тортиб ҳамма мен бир қизга буюртма берганимни, у эса ҳозир майхонага кириб келишини тушунишган эди. Афтидан, ҳатто ҳамма суюнгандек кўринарди. Қўшмачи денгизчи билан қисқа гаплашиб, яна гўшакни кўтарди. Унинг жуда бозори қизиган эди.

Мен вискини ичиб, сигарет чекдим-да, официантга “ҳисоб-китоб қил” дегандек ишора қилдим. Майхонага эғнида хол-хол қўйлак кийган икки америкалик кириб, четдаги стол атрофига ўтиришди. Аёл гапини тугатиб, олдимга келди.

– Жоян ўн дақиқадан сўнг шу ерда бўлади. Келганда сизни огоҳлантираман. — У менга далда бергандай им қоқиб қўйиб америкаликларнинг столига борди. Беш дақиқа чамаси улар билан гаплашиб, яна телефон томонга йўналди.

Тахминан чорак соатлардан кейин майхонага баланд бўйли, келишган, ёш хитойлик қиз кириб келди. Эғнида ўзига ярашиб тушган оқ-қора кўйлак, кўлида худди шу рангда сумкача, чўчиб туриши, сезгирлик билан атрофга назар ташлаши ҳуснига заррача соя солмасди. У қўшмачи аёлга савол назари билан қараган эди, у мен томонга имо қилиб кулиб қўйди. Қиз латофатли юриш қилиб майхонани кесиб ўтди. Денгизчилар унга қараб ҳуштак чалиб юборишди, кейин менга ўти-

рилиб, дўстона кулиб қўйишди. Қиз ҳам табассум билан келиб ёнимга ўтирди.

– Хелло, – деди у. – Исминг нима?

– Нельсон. Сеники-чи?

– Жоян.

– Жоян, кейин-чи?

У олдимдаги столда турган қутидан сигарета чиқарди.

– Жояннинг ўзи.

– Жоян Чунгми?

У менга тез қараб олди-да кулиб қўйди. Қизнинг дурдай оппоқ тишлари жуда ёқимли эди.

– Ҳа, мени шундай деб аташади. Буни қаердан билдинг?

– Бир дўстим ўтган йили шу ерларда бўлган эди. – Ёлғон гапирдим у ҳам мени алдаётганини тушунганимдан кейин. – У сени ҳали-ҳамон эслаб юради.

– Мени жуда қувонтирдинг, – у сигаретани тутатиб менга қаради. – Мен сенга ёқаманми?

– Ёққанда қандоқ.

– Унда кетдик.

– Бўпти.

– Хонимга уч доллар берасанми?

Унга уч доллар узатдим. Аёл дарров ёнимизда ҳозир у нозир бўлди.

– Сизга қиз маъкул бўлдимиз? – деди у пулни олиб. – Агар керак бўлиб қолсам келаверинг. Мен доим шу ерда бўламан.

Ўзини Жоян деб танитган қиз ўрнидан туриб, эшик томон юрди. Мен денгизчилар билан им қоқиб хайрлашдим.

– Мен бир арзон меҳмонхонани биламан, – деди қиз.

– Мен ҳам, – деб жавоб бердим. – Мен “Само салтанати” меҳмонхонасига жойлашдим. Ҳозир ўша ерга борамиз.

– Яхшиси, мен айтган меҳмонхонага борайлик, – деди қиз кўз қири билан менга қараб.

– Меникига борамиз, – қизни қўлтиқлаб одамлар тўдасини ёриб ўтдим.

У менинг ёнимда юзларида ҳеч қандай маъно акс этмаган холда ўйланқираб борди. Биз меҳмонхонагача бир оғиз ҳам гаплашмай етиб келдик, тик зинапоядан кўтариларканмиз қиз

белидан пастини моҳирона ликиллатарди. Ҳақиқатан ҳам, унинг оёқлари зўр эди. Мен унга маҳлиё бўлиб тикиларканман, қизнинг жозибаси мен ўйлагандан ҳам ортиқроқ эканлигига тан бердим.

Эшик оғаси ўз курсисида ҳамон мудраб ўтирарди. У бир кўзини очиб, аввал менга, кейин қизга ва яна менга бир қарадида, кўзини юмди. Қизни ўз хонамга олиб келдим. Рўпарамдаги эшик олдида Лайло тирноқларини бўяб турарди. У мен олиб келган меҳмонга масхараомуз қараб кулиб қўйди. Мен ҳам унга жавоб тариқасида табассум қилиб қўйиб, қизни чанг босган хонамга олиб кирдим. Кейин эшикни кулфладим.

Қиз жуда жасур чиқиб қолди.

– Сиз менга ўттиз доллардан ортиқ бера оласизми? Элик доллар берсангиз демоқчийдим. – У бир ҳаракат билан ёпинчигининг тугмаларини ечиб ташлади. Мен тўхтатишга улгуролмай қолдим.

– Бир дақиқа шошманг, – дедим кармонимни очарканман. – Бунга сал шошмасак ҳам бўлаверади.

У менга ҳайрон бўлиб тикилди. Мен Жояннинг ўликхонада олинган суратини кўрсатдим. У суратни кўриб менга қаради.

– Бу ким?

– Жоян Чунг, – дедим каравотга ўтирарканман.

Қиз аста ёпинчигининг тугмаларини солди, кейин чарчагандай ёнимга ўтирди.

– Сизда унинг расми борлигини мен қаёқдан билай, – деди у. – Хоним бу ҳақда менга гапирмаган эди.

– Уни танийсанми?

Қиз каравотга суянди.

– Бу жуда зарурми? Мен ундан ҳам гўзалроқман. Мен билан бўлгингиз келмаяптими?

– Мен сендан уни билармидинг, деб сўраяпман.

– Йўқ, билмайман. – У аччиқланиб ўгирилиб олди. – Менга аталган пулни оламанми?

Мен бешта ўн долларликни чиқариб, столнинг кўринарли жойига қўйдим.

– Жоян Жефферсон деган америкалик йигитга эрга теккан эди. Уни билармидинг?

Унинг башараси буришди.

– Мен у билан учрашганман. – У шундай деб яна суратга қаради. – Нега у суратга бундай тушган? Худди... ўликка ўхшайди.

– У ростдан ҳам ўлган.

Қиз худди қўли куйиб қолгандай суратни отиб юборди.

– Ўликни кўриш – бу ёмонлик аломати, – деди у. – Берадиганингизни беринг, мен кетаман. Мен ёнимдан Герман Жефферсоннинг суратини чиқариб кўрсатдим.

– Унинг эри.

Қиз расмга нари-бери назар ташлади.

– Йўқ. Мен хато айтибман. Унинг эри билан учрашмаганман. Илтимос, менинг ҳақимни беринг.

– Ҳозиргина у билан учрашганман дегандинг-ку.

– Адашибман.

Биз бир-биримизга тикилиб қолдик. Унинг юзларида зохир бўлган маънога қараб туриб, бекорга вақт сарфлаётганимни тушундим. Ҳа, у менга бошқа ҳеч нарса демайди. Унга пулни бердим.

– Агар Герман Жефферсон ҳақида гапириб берсанг бундан ҳам кўп пул оласан, – дедим бирон-бир нимадан умидвор бўлишимга кўзим етмай.

Қиз туриб эшик томон юрди.

– У ҳақда менга ҳеч нарса маълум эмас, пул учун раҳмат.

У эшикни очиб, куймичини одамни ўзига мафтун қилар даражада яна ликиллатганча кўздан ғойиб бўлди. Мен чув тушганимни тушундим. Лекин бундан ташвишланмадим. Ахир, барча харажатларим Жефферсон ҳисобидан-ку.

Каравотда ётавериб зерикканимдан кейин бирон жойга бориб овқатланиб келишга қарор қилдим. Йўлакка чиқишим билан яна Лайлога дуч келдим. Эгнига тилла безак тақилган қирмизи чунгазан кийиб олган, сочига бинафша қистирилган.

– Ҳалиги қиз тез кетиб қолди. Уни нега олиб келгандингиз?

– Иш юзасидан учрашдим, – дедим эшикни ёпарканман ўзимни оқлаш учун. – У билан гаплашиб олишим керак эди.

– Нима ҳақда? – Лайло менга шубҳаланиб қаради.

– У ёқ-бу ёқдан гаплашдик, – дедим Лайлони алдашга тушиб. Қиз жуда ёқимли эди.

– Балки, бирга овқатланармиз-а? – дедим.

Унинг чехраси ёришди.

– Бу ажойиб ғоя, — шундай деб ўзини хонасига урди-ю, бир зумда сумкачасини олиб чиқиб, менга кўшилди. — Жуда қорним очди, зўр ресторанга олиб бораман. У ерда ниҳоятда мазали овқат тайёрлашади, ҳам арзон.

Биз дуо ўқиб мунчоқ санаб ўтирган эшик оғасининг олдидан ўтдик. Унинг қоқ суяк бўлиб қолган сарғиш бармоқлари мунчоқларни ҳайратли даражада тезлик билан санарди. Ҳатто биз тарафга қараб ҳам қўйгани йўқ. Кўчага чиқиб такси тўхтайдиган жойга бурилдик.

– Паромга борамиз, — тушунтирди у. — Ресторан нариги томонда.

Биз етиб боргунимизча Лайло бундан ўн икки кун олдин кўрган киноси ҳақида гапириб берди. Унинг гапидан шуни уқдимки, хитойлик қизлар кинога тушишни жуда яхши кўришар экан. Ҳар бир кинотеатрнинг олдида навбатда турган одамларни кўриб бунга ишонч ҳосил қилиш осон эди. Лайло, одамлар яхши жойдан билет олиш учун тонг саҳардан навбатда туришади, деди. Биз бўғоздан ўтганимиздан кейин у иштаҳани очиш учун Натан-Роуд кўчаси бўйлаб пиёда кетишни таклиф қилди. Кўчада ёнма-ён юриб гаплашиб кетиш умуман мумкин эмасди. Чунки бу вақтда Коолум кўчалари одамлар билан лик тўла, сайр қилиш учун бунинг ўзига яраша ҳадисини олиш керак бўларди. Йўлимизни кўзни қамаштирадиган даражада нур сочиб турган неон чироқлари ёритиб турарди. Мен хитойликлар иероглифларда рекламанинг ғалати йўлларини ўйлаб топишган экан, деган қарорга келдим. Ёзувлар сийқалиқдан йироқ, шунинг учун улар ўткир ёруғда бир қатор терилган санъат асарларига ўхшаб кўзга ташланади. Ниҳоят, биз ресторанга етиб келдик. У кўча биқинида, ёш болалар чуғурлашиб ўйнаб юрган жойда экан.

– Мана шу ерда яхшилаб овқатланиб олишимиз мумкин, — деди Лайло.

Ресторанда мижозлар гарчи кўринмаса ҳам ундаги шовқин қулоқни қоматга келтирарди. Ҳар бир стол парда билан ўралган. Таом таёқчалари тақиллаши, идиш-товоқларнинг шақир-шуқури, хитойлик эркакларнинг бор овозда бақириб гаплашишлари баралла эшитилиб турарди. Ресторан эгаси парда билан ўралган столга кузатиб келиб, Лайлога кулиб

қўйди-да, нари кетди. Лайло сумкачасини столга қўйиб, стулга яхшилаб ўтириб олди, кейин менга табассум қилиб:

– Буюртмани мен бераман, – деди. – Аввалига ковурилган майда қисқичбақа – креветка тановул қиламиз, кейин акула қанотидан пиширилган шўрва, ундан кейин эса кўрда пишган жўжа – бу энг зўр таом ҳисобланади. Хўш, яна нима буюрсак экан, буни кейин ўйлаб кўрамиз. Ҳозирча креветкаларни олиб келаверсин-чи.

Лайло официант билан кантон лаҳжасида тез-тез нималардир деб гаплашди. У буюртмани олиб кетгач, қиз менга қаради-да, қўлимга уриб қўйди.

– Мен америкалик жентльменларни яхши кўраман. Улар жуда ҳаракатчан, бунинг устига хафа қилиб қўймайди... Қиссалари ҳам пулга тўла бўлади.

– Бу томонга кўп умид боғлайверма, – дедим. – Ҳафсанг пир бўлиб қолиши мумкин. Гонконгда кўпдан буён турсанми?

– Уч йил бўлди. Ўгай акамнинг кемаси бор эди. Ўшанга ўтириб юртимдан қочиб келдим. У мени Макаога ўтказиб қўйди. Кейин бу ерга келдим.

Официант хитой виносидан олиб келиб, кичкина пиёлачаларга қуйиб кетди. Вино ўткир экан. У чиқиб кетгандан кейин:

– Балки, Жоян Чунг деган қизни танирсан? Уям қочиб келган, – дедим.

Лайло ҳайрон бўлди.

– Ҳа, уни яхши биламан. Сиз уни қаердан танийсиз?

– Биз таниш эмасмиз. – Официант тақсимчаларда ҳамирга қориб пиширилган креветкаларни олиб келганда, бир оз жим қолдим.

– Унинг исмини қаердан биласиз? – деб сўради Лайло креветкани таёқча билан илиб олиб, чаққонлик билан сояли қайлага буларкан.

– У бир вақтлар мен билан бир шаҳарда яшаган дўстимга турмушга чиққан, – деб туриб қўлимга олган креветкани столга тушириб юбордим. Кейин дарров олдим, оғзимга солдим. Креветка оддий таомгина эмас, балки жуда мазали таом экан. – Балки, сен у билан учрашган ҳамдирсан. Исми Герман Жефферсон.

– О, албатта, – Лайло таомни ҳайрон қоларли даражада тез ерди. Бирпасда краветкаларнинг ярмини тугатди. Мен эса зўр-базўр унинг учдан бирини еб бўлдим. – Биз Жоян иккаламиз Кантонданмиз. Унинг омади келди. Америкаликка турмушга чиқди.

Официант гўшт, краветка ва тухум қўшиб гуручда пиширилган таом келтирди. Лайло таомдан тақсимчасига солдида, яна чўпларини ишга туширди. У яна ҳайрон қоларли даражада тезлик билан таомни оғзига оларди. Мен эса чўп билан тановул қилишда нўноқ бўлганим учун ундан орқада қолиб кетдим.

– Улар меҳмонхонада яшашганмиди? – деб сўрадим унга етиб олиш мақсадида ҳаракат қилиб чўпда олган гуручларни дастурхонга тўка-тўка.

У чўпларни ғоят маҳорат билан ишлатиб таомни оғзига соларкан, ҳа, дегандай бошини қимирлатиб қўйди.

– Уч ой қўшни бўлиб яшадик. Кейин эри ғойиб бўлиб қолди.

Бизга катта косада ақула қанотидан тайёрланган шўрва олиб келишди. Лайло ўз пиёласига шўрвадан қуйиб олди.

– Ғойиб бўлди, деганинг нимаси?

У елкасини қисди.

Шўрвани қошиқда ичиш мумкин бўлгани учун бу сафар ундан қолишмадим.

– Хотинига бошқа керак бўлмадимми?

– Нега керак бўлмас экан?

Лайло шўрвани эътиборсиз ҳолда ҳўплаб туриб менга назар ташлади.

– У Жоянга хотини уни боқиб туриши учунгина уйланган эди. Ўзи мустақил пул топа бошлагандан кейин хотини керак бўлмай қолди.

– Хотини нима ҳисобига уни боқди, – деб сўрадим нима деб жавоб беришини билиб турсам ҳам.

– Уям менга ўхшаб жентльменларнинг қўнглини оларди, – деди Лайло ва менга эътиборсиз назар ташлаб қўйди. – Бизнинг бошқа даромад манбаимиз йўқ.

Яна официант кирди. У кичкина тугунча олиб келиб ерга қўйди-да, уни тантана билан оча бошлади. Лайло ҳаяжондан типирчилаб қолди.

– Бунда жўжа пиширишади.



Кейин бир хитойлик бола саватда туякуш тухумига ўхшаган думалоқ бир нарсани олиб келиб, дастурхон устига юмлатиб юборди.

– Жўжага аввал ҳар хил доривор нарсаларни обдан суришади, кейин уни нилуфар баргларига ўрашади, – тушунтирди Лайло. – Кейин эса, унга лой суркашади-да, беш соат манқалда кўрга кўмиб қўйишади. Кўриб турганингиздек, лой қотиб кетган.

Хитойлик бола тухумга ўхшаган думалоқ нарсани болга билан бир урган эди, у ёрилиб атрофга иштаҳани қитиқлайдиган ёқимли ҳид таралиб кетди. Официант билан бола бир-бирига қарама-қарши чўққайиб ўтириб олишди. Бола баргларни бирин-кетин ажратди, официант эса, жўжани тақсимчаларга сола бошлади. Жўжа шундай пазандалик билан тайёрланган эдики, гўштлар суяклардан ажралиб кетган эди.

Официант нозик ҳаракатлар билан жўжаларни тақсимчаларга бўлиб солди. Лайло яна чўпларини ишга сола кетди. Мен ҳам ундан қолишмасликка ҳаракат қила бошладим. Қараб турсам қўлимдан келмайдиган, кейин чўпларни ташлаб қўлимни ишга солдим. Таом шу қадар санъаткорона тайёрланган эдики, уни сўз билан таърифлаб бўлмайди.

– Қалай, ёқдими?

Мен кулиб қўйдим.

– Ёққанда қандоқ.

Мен қизни ҳозир саволга тутишнинг мавриди эмас деб ўйлаб, таомни жимгина туширдим, кейин Лайло қўзиқорин ва бамбук новдаси билан тузланган занжабил, охирида мағизли пирог буюрди. Бу сафар мен енгилдим. Ўтириб сигарет чекарканман, нозиккина қиз шунча овқатни қорнига қандай сиғдирганига ҳайрон қолдим.

Орадан йигирма дақиқа ўтгандан кейин Лайло қўлидаги чўпларини қўйиб ҳузур қилиб хўрсинди.

– Маза қилдингизми?

– Унга ҳайратланиб қарадим. Шунча овқатни тушириб, яна ўз қоматини яхши асраб қолиш ҳақиқатан ҳам ҳайратланарли эди.

– Жуда маза қилдим, – деб жавоб бердим.

У табассум қилиб қўйди.

– Бир дона сигаретангиздан олсам майлими?

Мен сигарета тутиб, зажигалкани ёқдим.

– Балки меҳмонхонага қайтсак ҳам бўлар? Эҳтиросларимизни қондириш пайти бўлди. Шундай таомдан кейин айна муддао бўлар эди.

– Ҳали вақт бор... бутун тун олдимизда, – дедим. – Менга Герман Жефферсон ҳақида билганларингни гапириб бер. Уйланганига уч ой бўлгандан кейин пулдор бўлиб қолди, дегандинг. Пулни қаердан олган?

Лайло қовоғини солди. Суҳбат мавзуси Жефферсон бўлиб қолганлиги уни зериктираётган эди.

– Билмайман. Жоян менга бу ҳақда ҳеч нима демаган. Фақат “энди унга керак бўлмай қолдим, ўзи пул ишлай бошлагандан кейин мени ташлаб кетди”, деганди.

– Эри қандай қилиб пул ишлаганини айтганмиди?

– Бировнинг ишига бурнимни суқиш одатим йўқ.

– Бошқа қайтиб келмадими?

– О, вақти-вақти билан келиб-кетиб турган. – Лайло бурнини жийирди. – Эркакларга турли аёллар керак. Лекин у келгандаям бир кеча ётиб кетиш учун келарди.

– Герман ташлаб кетгач, Жоян нима қилган?

– Нима қилган дейсизми? – Лайло менга ажабланиб қаради. – Нима қиларди? Илгари қандай қилиб пул ишлаган бўлса, шундай қилди.

– Жентльменларнинг кўнглини олдимми?

– Бўлмаса ниманинг ҳисобига яшарди?

– Лекин Жоян унинг хотини бўлса, Жефферсон яхши пул топгандан кейин хотинини таъминлаб қўйиши керак эди-ку.

– У ҳеч нарса бермаган.

– Хотинидан кетиб, кейин қаерда турганини биласанми?

– Жоян менга, эри Рипали-бейдаги қартавоз хитойнинг мухташам вилласини ижарага олган, деган эди. Мен у ерни кўрганман. – Лайло ҳавас қилиб хўрсинди. – Жуда чиройли жой. Мармардан ясалган зинапоялари денгиз қирғоғига чўзилиб кетган, кичкина бўғозга эса моторли қайиқ билан бориш мумкин.

– Жоян у ерларда бўлганми?

Лайло калласини сарак-сарак қилди.

– Уни таклиф қилишмаган.

Официант келди. У таъзим қилганча лабларидан табас-  
сум аримай ҳисоб-китоб қилишимизни илтимос қилди. Шунча  
таом кулгили даражада арзон эди. Пулни тўладим. Лайло  
эса, бу менга қандай таъсир қилишини кузатиб турди.

– Жуда зўр тушлик бўлди.

– Ундай бўлса, меҳмонхонага бориб, туйғуларимизга эрк  
берармиз?

Мен одам боласи ўз ҳис-туйғулари, эҳтиёжлари майлига қул  
бўлиш учун келадиган Гонконгдан. Агар унинг илтимосини  
рад этадиган бўлсам шахсиятига теккан бўламан.

Ундан ташқари, ҳеч қачон хитой қизлари билан тўшакда  
ётмаганман, қизнинг таклифини рад этмаслигим керак, деб  
ўйладим.

– Яхши, – дедим ўрнимдан кўзғалиб. – Меҳмонхонага  
қайтамыз.

Ўўпларнинг тақир-туқури жўр бўлаётган ресторани тарк  
этиб, шовқин тўла қоп-қоронғи Натан-роуд кўчаси бўйлаб  
пиёда кетдик.

– Менга эсдалик учун бирон нарса совға қилмайсиз-  
ми? – деди Лайло мени қўлтиқлаб олиб.

– Нима хоҳлайсан?

– Ҳозир кўрсатаман.

Биз бир оз олдинга юрдик. У мени кичикроқ бир мага-  
зиннинг пештахтасига етаклаб борди.

– Менга ҳамма вақт сизни эслатиб турадиган узук олиб  
беришингизни илтимос қиламан. Арзонроқ бўлса ҳам май-  
ли.

Магазинга кирдик, у ясама нефритдан ясалган узукни  
кўрсатди. Шуям совға бўлдими, лекин қиз бундан ниҳоятда  
хурсанд бўлиб кетди. Сотувчи қирқ гонконг доллари сўра-  
ди. Лайло талашиб-тортишиб йигирма беш долларга тушир-  
ди.

– Мен буни ҳамма вақт тақиб юраман, – деди у совғамга  
табассум билан қараб. – Доим сизни эслатиб туради. Энди  
меҳмонхонага шошилайлик!

Биз паромдан тушганимизда мен уни йўқотиб қўйдим.  
Ҳатто ҳозир ҳам нега бундай ҳол рўй берганини аниқ бил-  
майман. Олдимизга такси юриб келаётган эди. Худди шу он  
учта барзанги хитойлик мени туртиб юборди. Улардан бири  
соф инглиз тилида кечирим сўради. Иккитаси қимирламай

олдимни тўсиб тураверди. Кейин учаласи кутиб турган машина келди-да, улар ўтириб кетишди.

Ўзимга келиб қарасам, худди ер ёрилиб ерга кириб кетгандай, ёнимдаги Лайло ғойиб бўлибди.

Лайлони кидириб кенг причалда ўн беш дақиқалар изғиб тополмадим. Вужудимни хавотирлик чулғаб олди. Унинг бу ерда йўқлигига қаноат ҳосил қилганимдан кейин меҳмонхонага қайтдим.

Эшик оғаси ҳалигача ўз ўриндиғида мудраб ўтирарди.

– Лайло қайтиб келдими? – деб сўрадим ундан бирон хабар эшитишдан умидвор бўлиб.

У қовоқларини оғир кўтариб эътиборсизлик билан:

– Мен инглизчани тушунмайман, – деди.

Зинадан югуриб чиқиб Лайлонинг хонасига бордим. Эшик ярим очик эди. Пайпасланиб чироқни ёқдим. Кейин келганини кўрмай қолмай деган ўйда унинг эшигини очик қолдириб, ўз хонамга кирдим. Каравотга ўтирдим. Сигарет чекиб унинг қайтишини кута бошладим. Орадан бир соат ўтди. Чарчаб, каравотга чўзилдим. Яхшилаб овқатланганман, баданимдан кўтарилган ҳарорат аллалади-ю, ухлаб қолибман. Қуёш нурлари пардалар орасидан кўзимга тушганда уйғондим. Бошимни кўтариб қарасам, соат миллари 7.40 ни кўрсатиб турибди. Ҳайрон қолдим. Дарров Лайлонинг хонасига қарадим. Ҳалигача бўш турибди. Вужудимни қандайдир ёмонликдан дарак берувчи ваҳима босди. Унинг кўп нарсани билгани кимларгадир ёкмагану, ўғирлаб кетишганмикин?

Нимадир қилиш керак. Мен тез-тез соқол олиб, тешик тоғорада ювиндим ва тоза кўйлагимни кийдим. Кейин эшикни ёпиб, зинадан пастга тушдим. Тўсин олдида чолнинг набираси бўлса керак, бир бола ўтирарди.

– Лайло ҳали қайтиб келмадими? – деб сўрадим ундан. У хижолатомуз кулиб қўйди-да, таъзим қилди. Афтидан, у гапимни тушунмади.

Такси олиб полиция бошқармасига бордим, омадим юришди. Эшик олдида бош инспектор Маккартини учратиб қолдим. Биз биринчи қаватдаги буфетга тушиб, аччиқ қаҳва ичдик. Мен Маккартига бўлган воқеани батафсил гапириб бердим. Унинг бу ҳолатга бўлган муносабати аччиғимни чиқарди.

Британия полициячилари тепса-тебранмас, яъни дунёни сув босса тўпифига чиқмайдиганлар хилидан экан.

– Мен қизга бир бало бўлган, деяпман! – қичқириб юбордим. – Бунга мутлақо ишончим комил! У ёнгинамда турганди. Тўсатдан ғойиб бўлиб қолди. Меҳмонхонага ҳалигача қайтиб келгани йўқ.

Маккарти трубкасини чиқариб, шошилмай махорка жойлай бошлади.

– Ҳаяжонланманг, бунга арзимади. Бунақа қизларни ўн беш йиллик тажрибамдан яхши биламан. Улар бугун бу ерда, эртага бошқа ерда бўлишади. Афтидан, уни сиздан кўра бошқаси кўпроқ қизиқтириб қолган бўлса керак. Бу уларнинг одатий тузоғи. Улар киссангизда нима бўлса ҳаммасини усталик билан қоқлаб олишади-ю, кейин... ғойиб бўлиб қолишади.

Мен ўзимни аранг тугиб туриб дедим:

– Бу ерда умуман бошқа гап бор. Биз меҳмонхонага келаётгандик... Э, жин урсин!.. Кимдир кўп нарсани валдираб қўяди, деган қарорга келди-ю, уни ўғирлаб кетди.

– Нимани валдираб қўйиши керак бўлади?

– Мен содир бўлган қотилликни тафтиш қилиб юрибман. Қиз эса, Жефферсон билан унинг хотинини жуда яхши биларди.

Маккарти оғзидан тутун чиқариб, табассум билан оталарча ғамхўрлик қилди. Мени яна битта аҳмоқ америкалик ўрнида кўраётганини сезиб турибман.

– Америкада содир қилинган қотиллик ҳақида у бу ерда туриб қанақа маълумот бериши мумкин?

– У менга Герман Жефферсон Рипали-бейда ижарага уй олганини гапириб берувди. Қаердандир жуда катта пул топибди-ю, хотинини ташлаб кетибди.

У яна ўша эътиборсиз қиёфада кулиб қўйди.

– Азизим, фоҳишаларнинг ҳамма гапларига ишонаверманг... Бу яхшимас.

– Демак, сиз мен аҳмоқману, у мени кафтида ўйнатган деб ўйлаясиз. Мен кечаси билан мижжа қоқмай чиқишимни хоҳлаб меҳмонхонага келмаган экан-да?

Маккарти кулиб қўйди.

– Кечаси билан бошқа бировнинг бағрида қолиш – унинг касби.

– Сиз биронта америкалик Рипали-бейда яшаётганидан беҳабар экансиз-да?

– Яшаса керак.

– Жефферсон ўша ерда яшаган бўлса, сиз бунни билишингиз керакмиди?

– Албатта. Лекин у ерда Жефферсон яшамаган.

– Бундан чиқди, қиз мени алдаган экан-да?

– Шундай бўлиши мумкин.

Мен вақтимни бекорга ўтказаятганимни сезиб ўрнимдан турдим.

– Меҳмондорчилик учун ташаккур. Яна сиз билан учрашаман деган умиддаман.

– Сизга ёрдам беролсам хурсанд бўламан.

Меҳмонхонага қайтиб келдим. Қари эшик оғаси келиб, ўз одатий ўрнига ўтирибди. У менга таъзим қилиб қўйди. Ундан баъзи нарсаларни сўраб билиб олсам бўларди-ю, лекин орамизда тил масаласи ўтиб бўлмас тўсиқ бўлиб турарди. У билан фақат таржимон орқали гаплашиш мумкин. Шу он эсимга аэропортда ташриф қоғозини берган ва “инглиз тилида гаплаша олади”ган гид тушиб қолди. Эҳтимол, у хожатимни чиқарар... Хонамга қайтиб келиб қарасам, Лайлонинг хонаси ёпилиб қолибди. Тақиллатдим. Жавоб бўлмади. Эшик зулфинини бураган эдим, буралмади. Яна тақиллатиб қулоқ солдим. Ҳеч қандай овоз эшитилмади.

Бирон нима қилиш учун ҳали жуда вақт эрта. Мен курткам, галстугим ва туфлимни ечиб каравотга чўзилдим. Қилиниши керак бўлган ишларни бироз сарҳисоб қилиб ётиб кўзим илинибди. Биров эшикни аста тақиллатганда кўзимни очсам, соат ўн бўлибди. Каравотдан тушиб эшикни очдим. Эшик олдида бир хитойлик бола турибди, у тинимсиз таъзим қилиб ҳадеб менга зинапояни имлаб кўрсатарди. Нарибери кийиниб, унинг ортидан тушдим. Қари эшик оғаси менга телефон гўшагини тутқазди. Бош инспектор Маккарти кўнғироқ қилаётган экан.

– Сиз яқинда хавотир олиб келган қиз ҳақида кўнғироқ қилаётган эдим. Сиз унга нефритли узук олиб берганингиз ҳақида гапиргандек бўлувдингиз.

Мен тахта бўлиб қолдим.

– Ҳа... ясама нефритли эди.

– Читан-роуддаги полиция маҳкамасига бир келиб кетолмайсизми? У Коолумда. У ерда сиз айтган қизга ўхшаган қиз бормиш. Қўлида нефритли узук бор экан.

– У ўлибдими? – хириллаб сўрадим.

– О, шундай. – Мен ҳатто унинг оғзидан чиқаётган тамакининг ҳидини ҳам сезгандек бўлдим. – Агар танисангиз сизга ёрдами тегиши мумкин. Келиб сержант Хэмишни сўранг.

– Яна бир шотландми?

– Худди шундай: полицияда шотландлар беҳисоб.

– Шотландия омон бўлсин, ишқилиб, – дедим аччиғим чиқиб ва гўшакни осиб қўйдим.

Орадан қирқ дақиқа ўтиб, Читан-роуддаги полиция маҳкамасига олиб чиқадиган зинапоядан кўтарила бошладим. Дахлиздаги улкан стенда мурдахонада олинган суратлар жойлаштирилган. Булар бўғоздан, кўчалардан топилган эркак ва аёлларнинг суратлари. Остига инглиз ва хитой тилларида уларни аниқлаш ҳақидаги сўзлар ёзилган эди. Навбатчи мени бир хонага олиб кирди. У ерда малла, жингалак сочли бир йигит қовоғини солиб ўтирарди. Ўзимни таништираганимда, бошини қимирлатиб қўйиб сержант Хэмиш эканлигини маълум қилди.

– Сизларда мен танишим мумкин бўлган мурда бор экан, – дедим ғамгин оҳангда.

У чўнтагидан наъматак илдизидан қилинган трубка чиқарди. Афтидан, Гонконгдаги ҳамма полициячилар трубкада чекишса керак. Трубкага махорка тўлдирар экан, менга эътиборсиз қаради.

– Тўппа-тўғри. Инспекторлар бошлиғи сиз бизга ёрдам бера олишингизни маълум қилди. Огоҳлантириб қўйишим керак, мурданинг кўриниши даҳшатли. Афтидан, паромнинг остида қолиб кетган.

Пешонамдан совуқ тер чиқиб кетди.

– Мана бу тентак хитойликлар ўз жонларига қасд қилиб юришгани юришган. Ҳар куни олтигагача мурда топамиз. Улар ҳаётни ўйинчоқ деб билишади чоғи.

У ўрнидан турди, биз йўлак бўйлаб мурдахона томон кетдик. У ерда мурдалар беҳисоб эди. Афтидан, ўтган кеча полициячилар учун жуда нотинч бўлганга ўхшайди. Сержант мени клёнка ёпилган стол олдига олиб борди-да, унинг бир чеккасини кўтариб, аёлнинг қўлини кўрсатди. Бармоқда хира тортиб қолган сунъий нефрит узук турарди.

– Нонуштага тухум қўймоқ тановул қилганман — деди у. — Шундай экан, қизни узугидан таниб, кўнглим айниса, қайд қилиб юборишдан мени халос этарсиз.

Мен узукка ва у тақилган нозик бармоқка назар ташладим. Бу ўша — мен Лайлога олиб берган узук эди.

– Ҳа, бу мен унга совға қилган ўша узук, — дедим зўр-базўр.

– Яхши, мен бу ҳақда бош инспекторга шундай деб айтаман.

Ўзимни қўлга олиб Лайлодан қолган бир кўйлак гўштга аранг назар ташладим. Мен у билан видолашишим керак эди.

Мен унинг креветка билан қовурилган жўжани тановул қилганини, тилла магазинга кирганда қанчалик қувонганларини кўз ўнгимга келтирдим...

У билан кўп вақт бирга бўлганим йўқ, шундай бўлса-да, қиз юрагимда чуқур из қолдирган эди.

Паромдан тушганимда мени бир изқувар кутиб турган экан. Бу юзлари товоқдай қизил танли эркак бўлиб, оти Макферсон эди. Менимча, энди бу шотландлардан кутулмасам керак.

У мени полиция машинасида меҳмонхонага олиб борди. Изқувар эшик оғаси билан бир-икки оғиз кантон лаҳжасида гаплашиб, Лайло ётиб юрган хонанинг калитини олди. Йўлак бўйлаб кетарканмиз, шундай деди:

– Айёр чол муғамбирлик қияпти. Биз бу бузуқхонани аллақачон ёпишимиз керак эди. У қизнинг бузуқлигини тан олгиси келмаяпти.

Унинг бу гаплари жаҳлимни чиқарди. Менимча, Лайло шотланд югурдагининг “бузуқ” дейишига эмас, бошқа яхшироқ ном билан аташига лойиқ қиз эди.

Макферсон эшикни очиб ичкари кирди. Мен йўлкада қолдим. У устаси фаранг полициячи қиёфасига кириб, тинтув қилишга тушди. Шкафда учта кўйлак ва ички кийимлар бор эди. Лайлонинг кийимлари жуда тор ва кичик эди. Шкафнинг остига қараб тўнғиллади.

– Ўзим ҳам шундай деб ўйлаган эдим... — деди у ва энгашиб туриб кумушранг қалай сурилган қоғозни олди.

– Бунинг нималигини биласизми? — деди у қоғозга қараб туриб. Қоғознинг ўртасида қора доғ бор эди.

– Билмайман.



У бир қутичага қараб туриб ярми ёнган эски шам чиқарди. Бундай шамларни байрам пирогларига тиқиб қўйиб ёқшарди. Макферсон:

– Сизнинг маъшуқангиз гиёҳванд бўлган ва у героин истеъмол қилган, – деди. – Ҳар ҳафтада Гонконгда ўндан ортиқ гиёҳванд ўз жонига қасд қилади.

– Нимага асосланиб, Лайло гиёҳванд бўлган деб ўйлаяпсиз? – қизиқиб сўрадим.

– Мана бунақа мослама кимда бўлса – у гиёҳванд ҳисобланади. – Бундан қандай фойдаланишни биласизми? Героинни манави қоғоз устига сепиб тагидан шам ёқишади, кейин пайдо бўлган буғни ҳидлашади. Бунинг учун бир неча сония кифоя, холос. Ҳозир мен айтадиган гапимни биласизми? Давлат афюн – қорадори истеъмол қиладиганларни таъқиб қилиб жуда аҳмоқона иш қилди. Биз бу нарса балоофатни илдизи билан қуритиб ташлайди, деб ўйлагандик. Бизга ишратхоналарни, трубкада наша чекадиганларни йўқотиш унча қийинчилик туғдиргани йўқ. Бу жуда кенг камровли ва катта харажатни талаб қиладиган иш. Бора-бора гиёҳвандлар биздан томма-том қочиб юришу, чекиш учун янги жиҳозлар сотиб олишдан безор бўлишди. – Изқувар шляпасини елкасига сурди. – Шундан кейин гиёҳвандлар морфийдан героин тайёрлашни ўзлаштириб олишди. Бунда кайф қилиш учун фақат қалай билан шам асқотади, холос. Улар бу оғуни истаган жойда – кинотеатрдами, жамоат жойларидами, кўчада ёки таксидами ҳидлаб олишлари мумкин. Қузатсангиз шамлар доғини ҳеч ўйламаган жойда ҳам учратишингиз мумкин. Афюн истеъмол қилиш, маълумки, инсонни охир-оқибат ўлимга олиб келади. Лекин у дарров ўлдира қолмайди. Героин эса, афюнга нисбатан тезроқ ўлдиради. Агар биз қорадори чекувчиларга қарши бунчалик шиддат билан кураш олиб бормаганимизда, ҳозирги кунга келиб героин бўлмаган бўларди.

– Мен энгагимни қашиб қўйдим.

– Маърузангиз учун ташаккур. Лекин мен Лайло гиёҳванд бўлмаган деб биламан. Бундан ташқари, у ўзини ўзи ўлдирганига мутлақо ишонмайман. Менимча, уни ўлдиришган ва манави қутичани хонасига ташлаб кетишган.

– Шундай деб ўйлайсизми? – деди истеҳзо аралаш Макферсон. – Бошлиқнинг гапига қараганда сиз хусусий изқу-

вар экансиз. Мен Чандлер ва Чейзларнинг асарларини се-  
виб ўқийман. Лекин улар ўйлаб топилган нарсаларни ёзи-  
шади. Биз эса, ҳаётда бўлган ва бўлаётган воқеалар билан  
иш олиб борамиз.

– Тўппа тўғри... – Менинг жаҳлим чиқди. – Сизлар рост-  
дан ҳам бўлган воқеалар устида иш олиб борасизлар, шунинг  
учун ҳам кўзингизни парда тўсиб қўйган.

– Нима учун сиз уни ўлдиришган деб ўйлаяпсиз? – деб  
сўради югурдак беписанд.

– Бу ҳодиса ҳақида бирон нима деб сизни ишонтирол-  
майман. Қўлимда далилим йўқ. Унинг нарсаларини нима  
қилмоқчисиз?

– Полицияга топшираман. Эҳтимол, меросхўрлари чиқиб  
қолар. Эшик оғаси қариндош-уруғлари бор-йўқлигини бил-  
мас экан. У ҳеч қачон бирон нимани билганмас. – Макфер-  
сон ўрнидан туриб Лайлонинг арзон лаш-лушларини жавон-  
дан топилган латта халтага сола бошлади. – Агар бундай ҳо-  
дисаларга кунда рўпара бўлиб турганингизда сиз ҳам бунга  
эътиборсиз қараган бўлардингиз.

– Тўппа-тўғри.

У менга диққат қилиб тикилди.

– Нима тўғри?

– Лайлони ўлдириб, унинг ўзини ўзи ўлдирганига сиз  
ишонч ҳосил қилишингиз учун бу ерга кўлингиздаги нарсаларни  
ташлаб қўйган ўғрининг тўғрилиги, ҳақиқатлиги тўғри.

У кутилмаганда кулиб қўйди.

– Қўйсангиз-чи энди! Бизда бундай ҳодисалар юзлаб со-  
дир бўлган. Сизнинг ўрнингизда бўлганимда бу қизга ачи-  
ниб ўтирмаган бўлардим.

Унинг бу гапларни шу қадар эътиборсиз гапиришидан  
кўнглим айниб кетди.

– Агар мен сизга керак бўлиб қолсам, эътиборда тутинг,  
бу ерда яна бир неча кун бўламан.

У ўзини катта тутишдан бир парда пастга тушиб, менга  
диққат қилиб тикилди.

– Сиз менга нима учун керак бўлиб қолишингиз мумкин  
экан?

– Ҳа энди, иккаламиз ўтириб бирон-бир детектив асарни  
бирга ўқиб қолишимиз мумкин, – дедим-да, эшикни башара-  
сига шарақлатиб ёпиб чиқиб кетдим.

Мен қария Жефферсон берган пулнинг бир қисмини энди сарфласам ҳам бўлади, деган қарорга келдим. Агар озгина пул қистирсам эшик оғасининг ўзиёқ Макферсондан кўпроқ маълумот беришига шубҳам йўқ. Макферсон кетганига ишонч ҳосил қилганимдан кейин аста қариянинг олдига — биринчи қаватга тушдим. У менга шубҳали назар ташлади. Телефон қилмоқчи бўлганимни билиб хоҳламайгина розилик билдирди. Мен Вонг Хопхонинг рақамини тердим, у худди мен телефон қилишимни билиб аппарат олдида ўтиргандай шу заҳоти гўшакни кўтарди.

— Мистер Вонг Хопхоми? — дедим гўшакка. — Сиз аэропортда менга ташриф қоғозингизни берган эдингиз. Менга тилмоч керак бўлиб қолди.

— Сизга хизмат қилишга тайёрман, сэр.

— Ярим соатдан кейин банк олдида мен билан кўриша оласизми?

— Ҳа, албатта. Ярим соатда етиб бораман.

— Менга машина керак.

Гид, ҳаммасини ҳозир қиламан, машина сизнинг ихтиёрингизда бўлади, деб ишонтирди. Афтидан, Вонг Хопхонинг иши унчалик юришмаётган бўлса керак. Унга миннатдорчилик билдириб гўшакни қўйдим. Кейин эшик оғасига таъзим қилиб меҳмонхонадан чиқдим ва у ердан машина олиб банка жўнадим. У ерда қўлимдаги чекни нақд пулга алмаштирдим. Чўнтагим бирпасда Гонконг долларига тўлиб, қаппайиб қолди. У ялтироқ “паккарде” миниб, ўз вақтида етиб келди. Биз қўл сиқишиб кўришдик, исмларимизни айтиб танишдик. У “оддийгина Вонг деб атайверинг, ҳамма америкалик саҳатчилар мени шундай деб аташади”, деди. Мен унинг машинасига ўтирдим.

— Ҳозир меҳмонхонага борамиз, — дедим. — Мен инглизчани билмайдиган эшик оғасидан баъзи бир маълумотларни олишим керак.

Вонг бир оз ажабланган эди, тушунтириш беришга мажбур бўлдим.

— Мен хусусий изқуварман, бир ишни текширяпман.

У менга самимий ишонч билан қаради.

— Мен жуда кўп детектив асарларни ўқиганман, сэр. Сизга ўхшаган ҳақиқий изқувар билан танишганимдан хурсандман.

Мен эллик доллар чиқариб унга узатдим.

– Бу бир кунлик хизматингиз учун. Вакти-вакти билан менга керак бўлиб турасиз.

У машина учун унга берган хизмат ҳақидан ортиқроқ беришимни огоҳлантирди. Мен савдолашим ҳам мумкин эди, лекин уни ўзимга оғдириб олишга интилдим, шунинг учун рози бўлаколдим. Биз меҳмонхонага етиб келдик. Машинани денгиз бўйида қолдирдик-да, йўлни кесиб зинадан кўтарила бошладик.

– Бу ёмон меҳмонхона, – деди Вонг. – Сизнинг бу ерда қолишингизни маслаҳат бермаган бўлардим. Агар истасангиз, жуда яхши меҳмонхона топиб бераман.

– Бу ҳақда кейинроқ гаплашармиз, – унинг гапини бўлдим. – Ҳозир бошқа иш билан машғул бўлайлик.

Биз эшик оғасининг олдига келдик. Қария одатдагидек менга таъзим қилди-ю, Вонгга эътиборсиз қараб қўйди.

– Унга айтинг, бир нечта савол бермоқчиман. Агар у менга ёрдам берса, хафа қилмайман. Яхши ҳақ тўлайман.

Вонг қандайдир бир лаҳжада кўп марта таъзим қилиб узоқ гапирди. Бу вақтда чўнтагимдан бир ўрам пул олиб, ўнта ўн долларликни ажратиб буқладим, кейин қолганини ёнимга солиб қўйдим. Қария Вонгнинг гапидан кўра кўпроқ кўлимдаги пулга эътибор қаратди. Ниҳоят тилмоч эшик оғаси менинг ҳамма саволларимга бажонидил жавоб беришга рози бўлганлигини маълум қилди. Мен Жояннинг расмини чиқардим.

– Сўранг-чи, у манави қизни танирмикин?

Қария қиз бу ерда узоқ муддат яшаганлигини ва ҳисобкитоб қилмай кетиб қолганлигини айтди. Жаноб унинг учун ҳақ тўламоқчими, деб сўрабди.

Мен рад жавобини бердим.

Кўп сўраб-суриштиришлардан кейин эшик оғаси қиз бу ерда ижарада турган бир жентльменга турмушга чиққанини айтиб берди. Айтишича, бу йигит Герман Жефферсон экан. У машина ҳалокатида ҳалок бўлибди. Унинг ўлиmidан кейин қиз ҳисоб-китоб қилмай кетиб қолибди.

Мен Жейн Уэст берган Германнинг суратини кўрсатдим.

– Сўранг-чи, у мана бу йигитни танирмикин?

Эшик оғаси суратни олиб кейин менга қайтиб берди.

– Бу ерда яшаган шу йигит эди.

- Качонгача яшади?
- Вафот этганига қадар.

Биз тилмоч орқали гаплашаётган бўлсак-да, унинг гаплари ёлғон эканлигини тушундим. Лайло у ўлимидан ўн ой муқаддам кетиб қолган, деганди. Қария эса, бундан уч ҳафта бурун ҳам шу ерда яшаган деяпти.

– Сиз ёлғон гапиряпсиз, Жефферсон бу ерда бор-йўғи уч ойча яшаган, – дедим. – Кейин у хотинини ташлаб бошқа ёққа кетиб қолган.

Вонг қария билан жиддий оҳангда гаплашди, кейин саросимага тушиб деди:

– У америкалик йигит ўлган кунигача шу ерда яшаган, деб ишонтиряпти.

– Унга Жефферсон ҳақида ҳамма гапни Лайло айтиб берганини айтинг. Огоҳлантинг, бор гапни рўй-рост айтсин.

Вонг чол билан узоқ вақт гаплашди. Кейин юзи ёришиб менга ўтирилди.

– У алдаяпти, сэр. Ўша қиз адашганмиш. Жефферсон эрта саҳарда кетиб, кеч келаркан. Қиз у билан тўқнаш келмаган, шунинг учун кетиб қолган деган фикрга борган.

– Ундай бўлса, нима учун Жоян унга эрим ташлаб кетди, деган экан?

Эшик оғаси бу саволга ҳеч нарса демади. У тошбақага ўхшаб бошини елкаси орасига тортди-ю, индамай тураверди. У берган пулига яраша саволларига жавоб бердим, деб ҳисоблар ва яна пул талаб қилмоқчи эди.

– У охирги савалингизга нима деб жавоб беришини билмаяпти, сэр, – деди Вонг.

– Жефферсон ниманинг ҳисобига яшаган экан? – деб сўрадим суҳбат мавзусини ўзгартириб.

Эшик оғаси бунга ҳам нима дейишни билмади.

– Унинг олдига европаликлар келишармиди?

– Йўқ.

– Жоянни бирон-бир дугонаси кўргани келиб турармиди?

Яна, йўқ, деган жавоб бўлди.

Мен бирон-бир янги маълумот ололмаганимни тушундим. Балки, Лайло мени алдаганмикин? Мен боши берк кўчага кириб қолгандим.

– У кетгандан кейин бирон нимаси қолиб кетмаганми-ди? – бепарволик билан савол бердим. Бу билан юрагига қўл солмоқчи бўлгандим. Қария уни қармоққа илиштирган-нимни сезиб қолди.

– Йўқ, – деди Вонгга қараб. – Хеч нимаси қолмаган.

Шу он унга ташланиб қолдим.

– Шунча юкларини кўзингиз олдида олиб чиқиб кетса-ю, тагин ҳисоб-китоб қилолмаган бўлса, буни қандай тушунса бўлади?

Вонг чолга қаттиқ-қаттиқ бир нималар деди, у бўлса ҳисоб-китоб ўрнига чамадонини қолдириб кетди, деб таи олишга маж-бур бўлди. Узоқ гаплашгандан кейин у бизни Лайло ётган хонанинг ёнидаги бошқа хонага бошлаб борди. У эшикни очиб, каравот остидаги арзонгина бир чамадонни олиб кўрсатди.

Мен диққат қилиб чамадонни текширдим. У қулфланган эди.

– Ҳаммангиз бу ердан чиқиб туринг.

Улар ташқари чиқишгандан кейин эшикни занжирлаб ол-дим. Чамадонни очиш қийинчилик туғдирмади. Жояннинг нарсалари Лайлоникидан қиммат, лекин улар озгина эди. Чамадонни ағдар-тўнтар қилиб ташлаган эдим, остидан бир конверт топдим. Ундан Жейн Уэст берган Германнинг ялти-роқ расми чиқди. Орқасига “Менинг рафиқам Жоянга”, де-ган дастхат ёзилган эди.

Каравотга ўтириб сигарет чекдим. Қизик, қандай қилиб Жейн билан Жояндаги расмлар бир хил бўлиши мумкин. Менимча, бу суратларни ҳар иккисига ҳам Жефферсоннинг ўзи берган, деб ўйладим. Мен хаёлан Лайлонинг гапларини эсладим. Унинг гаплари қариянинг гапларига тўғри келмаяпти. Афтидан, улар-дан бири ёлғон гапиряпти. Наҳотки Лайло ёлғон гапирган бўлса? Бирпас ўйлаб туриб бу ғарибона меҳмонхонада бошқа қола олмаслигимга амин бўлдим. Энди калаванинг учини то-пиш керак эди. Лекин бу ерда ўтириб эмас.

Йўлакка чиқдим. Вонг деворга суяниб турганича, сигарет чекарди. Мени кўргач, ўзини ўнглаб, таъзим қилиб қўйди. Эшик оғаси йўқ. Афтидан, ўз жойига кетган.

– Ҳамма иш кўнгилдагидек бўляпти деб ўйлайман, сэр.

– Кўрамир, – дедим. – Рипали-бейда дурустроқ меҳмон-хона борми?

У бир оз ҳайрон бўлди.

– Албатта бор, сэр. У ерда жуда мухташам меҳмонхона бор. Сизни жойлаштириб қўяман.

– Бўлса, у ерга ҳозироқ кетмоқчиман.

– Биласизми, сэр. Меҳмонхона шаҳар марказидан сал узокроқ. Сизга бир оз ноқулайлик туғдирармикан, дейман.

– Бунинг аҳамияти йўқ. Қария билан ҳисоб-китоб қилинг. Бу ердан кетмоқчилигимниям айтинг.

– Мендан бошқа ҳеч нарса сўрамайсизми? – Вонгнинг юзларидан ҳафсаласи пир бўлганлигини уқиб олиш мумкин эди.

– Йўқ. Кетдик бу ердан.

Орадан ярим соат ўтмай биз “паккарде”да шаҳар кўчаларидан аста юриб борардик.

Рипали-бей жуда гўзал жой, меҳмонхона ҳам унга мос экан. Соя-салқин дарахтлари, пастқам-пастқам жойлари, хилват кўрфазлари-ю, кўм-кўк денгизнинг гўзал соҳиллари билан бу чекка жой кўзимга худди жаннатдек кўришиб кетди. Мен кўп ерларда бўлганман, лекин мана бундай кўнгилни аллаловчи жозибали гўзал масканни кўрмаганман.

Вонг менга деразаси кўрфазга қараган хонани гаплашиб берди. У “паккарде”ни қолдириб, таъзим қилди-ю, тамоман менинг ихтиёримда эканига ишонтириб чиқиб кетди.

У кетиши биланоқ ишга киришдим. Жефферсон ҳақида бирон маълумот билиш учун телефон дафтарчасига кўз югуртирдим. Кейин эшик оғаси билан гаплашдим. Телефон дафтарчасида унинг номи йўқ эди, шунинг учун эшик оғаси у ҳақда ҳеч нарса билмайман, деб жавоб берди. Ундан денгизга ва кейин кўрфазга чиқадиган зинапояли вилла кимга қарашли эканлигини сўрадим. У бир оз ўйлаб шундай деди:

– Эҳтимол, сиз мистер Лин Фаннинг вилласини назарда тутаётган бўлсангиз керак. Ҳозир у ерда мистер Эпрайт ўз синглиси билан истиқомат қилади.

Мен калта шорт кийиб, денгизга қараб жўнадим ва ижарага сузувчи велосипед олиб, кўрфаз бўйлаб сузиб кетдим. Оёғим тойгунча ҳаракат қилиб, охири кўрфаз бор бўйи билан кўзга ташланадиган жойга чикдим. Дарров Лин Фаннинг вилласини топдим. Вилла кўрфаз бурнининг сояли дарахтлар билан ўралган соя-салқин жойида алоҳида виқор билан кўришиб турарди.

Пиллапоя зиналари гаваннинг учар моторли қайиқлари макон қилган жойигача ўрмалаб тушган.

Агар Герман Жефферсон шу ерда яшаган бўлса, бу унга жуда қимматга тушганлиги турган гап. Лекин виллани ижарага олганлиги аниқмикан? Ёки Жоян Лайлога ўз баҳосини ошириш учун ёлғондан мақтанганмикан? Бу аёлларга хос хусусият ҳар ҳолда...

Бирдан иккинчи қаватнинг денгизга қараган деразасида қандайдир қора шарпани кўриб қолдим. Кимдир менга дурбин билан қараб турарди. Бунга эътибор қилмай, қирғоқ тарафга яқинлаб боравердим. Виллага яқин келиб, деразага аста ўгринча назар ташладим. Ҳа, дурбин тўппа-тўғри каминага қаратилган эди. Ҳа, нимаям қилардим. Ҳеч нарса билан иши йўқ оддий саёҳатчи қиёфасига керамиз-да, энди. Лекин, бу ниманинг аломати экан?

Кун ботгач, меҳмонхонага қайтиб келдим. Энди кейинги қилишим лозим бўлган ишларимнинг режасини ўйлашга тушдим. Лекин эртанги кун тонггача ҳеч қандай режа туза олмадим. Соат ўндан ошганда Жефферсон, Жейн Уэйт ва бечора Лайлолар ҳақидаги фикрларимни миямдан чиқариб ташладим-да, пляжга бориб иссиқ қумга беташвиш чўзилдим. Сўнги кунларда вужудимни биринчи бор Гонконг шарофати билан эркинлик туйғуси камраб олди-ю, беихтиёр унинг амрига бўйсундим. Бир соатлар чамаси куёш нуридан бутун танам яйради, ярим уйқу аралаш тепамда энгил оёқ товушларини эшитиб, эриниб кўзимни очдим.

Баланд бўйли бир сарвқомат аёл иссиқ қумни босиб денгиз томон борар, малла сочлари патила-патила бўлиб елкаси узра ёйилиб турарди. Аёл жозибали, юпқа қирмизи кийими эса куёшда сал қорайиб тирсиллаб турган баданини деярли яширмасди.

У шляпасини қирғоққа ташлаб, эрингансимон қиёфада сувга тушди, кейин наридаги тўғонгача сузиб бориб, унинг устига чиқиб ўтирди-да, оёқларини сувга солиб олди. Кўзимга ҳеч кими йўқ, якка-ёлғиздек кўринди. Кейин хаёлимга “бориб танишмайманми”, деган фикр келди. Бир оз ўйлаб туриб ўзимни денгизга урдим, Брасс усулида тез-тез сузиб бориб, аёлдан сал нарига, тўғон устига чиқиб ўтирдим.



– Ёлғиз хаёл суриб ўтирмоқчи бўлсангиз, хаёлингизни чалғитган бўлсам, кечирасиз. Агар, бир оғиз сўзингиз, кет десагиз ҳозироқ бу ерни тарк этаман, – дедим ўзимни жуда одобли кўрсатиб. Аёл мени индамай бирпас кузатиб турди. У кўринишдан кўпни кўрган аёлга ўхшарди.

– Сиз билан танишиб олиш истагим йўқ эмас, – деди у ниҳоят. – Яқинда келдингизми?

– Менинг исмим Нельсон Райан. – Ўзимни таништирдим. – Менга машҳур инглиз адмирали шарафига шундай ном қўйишган экан. Отам Англия тарихига жуда қизиққан одам бўлган. Нельсон деганда жониниям беришга тайёр эди.

– Мен эса Стелла Энрайтман, – ўзини таништирди аёл. – Бу ерда анчадан буён яшайман. Янги таниш орттирганимдан хурсандман. Кўпга келдингизми?

Қаранг, одамнинг шунақаям омади чопадими? Бу ахир Лин Фаннинг вилласини ижарага олган Энрайтнинг синглиси-ку. Эҳтимол, омадим унчалик ҳам чопмагандир. Бу танишув пухта ўйлаб қилинган режамасмикин ишқилиб.

– Жиндай дам олмоқчиман, – дедим шортимнинг сув ўтмас чўнтагидан сигарет қутиси билан зажигалка чиқарарканман. – Жуда гўзал жойга ўрнашибсиз.

Унга сигарет тутдим. Чекишдик.

– Ҳа, жуда гўзал жой. Тўғри, ёз жуда иссиқ келади. – У дим ҳавога ҳалқа-ҳалқа тутун чиқарди. – Акам Гонконг ҳақида китоб ёзаяпти. Мен эса хўжалик ишларини юритаяман. – У менга қараб қўйди. – Сиз меҳмонхонага қўндингизми?

– Ҳа. Бу ерда уйингиз борми? Назаримда, қиморбоз хитойнинг вилласида ижарада турган бўлсангизлар керак?

Стелла ҳайрон бўлди.

– Тўғри. Буни қаердан билдингиз?

– Эшитганман. – Бир оз иккиланиб турганимдан кейин таваккал қилишга қарор қилдим. – Илгари бу виллани Герман Жефферсон ижарага олган экан.

Аёл ҳайрон бўлиб қошини керди.

– Герман Жефферсон? Уни танирмидингиз?

– Биз бир шаҳарданмиз?

– У ҳалок бўлди... автомобиль ҳалокатида.

– Эшитдим. Сиз ҳам уни танирмидингиз?

– Акам Гарри у билан таниш бўлган. Ўзим Германни бир ёки икки марта кўрганман. Демак, уни таниркансиз-да? Гарри буни эшитса хурсанд бўлади. Халок бўлгани жуда ёмон бўлди-да... Хотини қалай!..

– Қалай? Сиз унинг хотининиям танийсизми?

– Нимадир бўлиб бир куни кўриб қолгандим. Жуда гўзал аёл. Германни тушунаман, бундай аёлни севмаслик мумкин эмас.

У Жоян ҳақида гапирганда башарасида зоҳир бўлган кесатик деймизми, кўролмаслик деймизми, бир заҳарли ифода менинг назаримдан четда қолмади. Ўзи шундай бўлади, гўзал аёл ўзидан гўзал ва жозибали аёлни кўрганда ўзини камситилгандек ҳис қилади.

– У эрининг жасадини Америкага олиб кетган, энди ўзиям ўша ерда қолса керак. Умуман, Германнинг отаси миллионер келинига ғамхўрлик қилса керак.

Мен Жояннинг ўлдирилганлигини айтиб юборай дердим, ўзимни зўр-базўр тутиб турардим.

– Кимдир менга Германнинг бой-бадавлат бўлиб кетганини ва шундан кейин ўлиmidан олдин хотинини ташлаб кетганини айтган эди. Кейин Фаннинг вилласиниям ижарага олган дейишади.

Аёл қовоғини солиб олди.

– Бунақа бемаъни гап қаёқдан чиқди? Шундай деган одам ким экан.

– О, буниси эсимда йўқ, – лоқайдлик билан дедим. – Нима, нотўғрими?

– Албатта нотўғри-да, – у бирдан хотиржам тортиб қулиб қўйди. – Герман... – У жимиб қолиб, яланғоч елкасини қисиб қўйди. – Тўғрисини айтсам, Герман ярамас одам эди. Мен уни ёқтирмасдим. Лекин Гаррига хушомад қиларди. У хотини ишлаб топган пул ҳисобига яшайди, деган миш-миш гаплар юрарди. Шундай бўлгандан кейин қайси бойлигига Фаннинг вилласини ижарага оларди. Бу жуда кулгили.

Иккаламиз гуриллаган мотор товущини эшитиб ўгирилиб қарадик. Биз томон атрофга оқ кўпик тарқатганча тўлқинни ёриб тезюар қайиқ келмоқда эди.

– Ана, Гарри ҳам келяпти, – деди Стелла.

У акасига қўлини силкиб, тебранаётган солнинг қимирлашига ўзини мослаб ўрнидан турди. Қайиқ секинлади, кейин

мотор ўчди-ю, аста солга етиб келди. Эгнида йўл-йўл кўйлак ва шорт кийган, офтобда қорайган баланд бўйли йигит мулойим кулимсираб бизга қараб қўйди. Унинг ёқимли юзлари ҳаддан ташқари гўштли. Маза қилиб ҳаёт кечираётган одамнинг юзига мос эмас эди. Ёноғидаги ва бурнининг устидаги тарам-тарам қизил чизиқлар қаршимда ичкиликка ружу қўйган одам турганлигини кўрсатиб турарди.

– Тушлик тайёр бўлиб қолди, сени олиб кетгани келдим, – мурожаат қилди у синглисига, кейин менга савол назари билан қаради. – Бу киши янги танишингми?

– Ҳа, у Нельсон Райан бўлади. Герман Жефферсонни таниркан, – деди Стелла ва менга қаради.

– Менинг акам Гарри.

Биз бош ирғаб сўрашдик.

– Сиз Германни танирмидингиз? – деб сўради Гарри. – Бу ерлар билан яхши танишиб олдингизми? Яна қанча бўласиз?

– Афсуски, бир ҳафтадан ортиқ турулмаيمان, – деб жавоб бердим.

– Агар бугунги оқшом бошқа ёқимлироқ жойга таклиф қилинмаган бўлсангиз, сизни кечки таомга таклиф қилмоқчиман. Сизни олиб кетиш учун ўзим қайиқда бораман... Виллага бошқа йўл билан келиб бўлмайди. Розимисиз?

– Ташаккур. Сизларга қандайдир ноқулайлик туғдириб қўйишдан хижолатдаман.

– Бу ҳақда ташвишланманг. Пляжга соат саккизда келинг. Сизни келиб олиб кетаман. Кечки таомдан кейин қаршилиқ қилмасангиз денгизга чиқамиз. – У Стеллага қаради. – Қани, уйга кетдикми?

– Аввал мени пляжга олиб бор. У ерга шляпамни ташлаб келгандим.

Стелла қайиққа сакраб тушди. Мен эса, унинг қорайиб, яна-да гўзал елкасига мафтун бўлиб, кўзимни узолмай қолдим. Бирдан ҳаёлимдан кечган гапларни уққандек, у шарт орқасига ўгирилди-да, табассум ҳадя қилиб қўйди.

– Кечқурун кўришамиз, – деди қўлини силкиб, кейин акасининг ёнига ўтирди. Қайиқ пляжга бориб тўхтади. Мен сигарет чекиб, солнинг устида яна ярим соатлар ўтирдим. Ҳа, ўйласа ўйлагули нарсалар бўлаётган эди. Қорним очганини сезиб сувга шўнғидим-да, кирғоқ томон сузиб кетдим.

Соат саккизда яна пляжга келдим. Тез орада қоронғилик қаъридан моторли қайиқ сузиб чиқди. Қайиқ рулида кенг елкали хитой ўтирарди. У қўлимдан тортиб, қайиққа чиқарди-да, ўриндикқа ўтказди. Унинг қўллари қандайдир темирдай қаттиқ эканини сездим. Хитой, “мистер Энрайт ўзи келолмади, бунинг учун узр сўраб мени юборди”, деди. Қайиқ жуда тез сузиб кетди. Биз бир неча дақиқадан кейин Фаннинг вилласи олдида ҳозир бўлдик. Мен зинапоялар орқали айвонга чиқдим. Стелла ўйма ёқали кенг кўйлақда коктейль ушлаганча юмшоқ курсида ёнбошлаб ўтирарди. Энрайт кўринмади.

– Ниҳоят келдингизми? – деди Стелла кўзларини сузиб. – Нима ичасиз?

– Содали виски.

– Гарри тезда келиб қолади. Яқинроқ ўтиринг, сизни яхшилаб кўриб олай.

Мен унинг қаршисидаги каттакон юмшоқ курсига чўқдим.

Кенг очилган ойнаванд эшикдан хитойча усулдаги кенг меҳмонхона кўриниб турарди. Меҳмонхонага қизил шоҳи қоғоз ёпиштирилган, уни ялтироқ қора садаф қадалган стол безаб турарди.

– Сизга маза экан бу ерда, – дедим.

– Ҳа, омадимиз бор экан, зўр виллага учрадик. Бу ерда яшаётганимизга бир неча ҳафта бўлди... бунгача Коолумда яшаган эдик. Лекин бу вилла у ердан анча яхши.

– Сизгача бу ерда ким яшаган экан?

– Менимча, ҳеч ким яшамаган. Вилла соҳиби виллани биринчи бор ижарага бериши экан. Ўзи Макаода яшайди.

Шу пайт Гарри Энрайт кириб келди. Биз қўл сиқишиб кўришгач, юмшоқ курсига ўтирдик. Хитой хизматкор бизга “хайбол” олиб келди. Ҳол-аҳвол сўрашиб олганимиздан кейин Энрайт:

– Бу ерга иш билан келганмидингиз? – деб сўради.

– Таътилдаман, – дедим. – Бу ерларга бўлган ҳавасим хол-жонимга қўймади.

– Сизни тушунаман, – деди Энрайт дўстона киёфада. – Ўзим ҳам Гонконгни жонимдан яхши кўраман. Стелла сизнинг Пасадена-ситидан келганингизни ва Герман Жефферсон билан таниш эканлигингизни айтиб берди.

– Ҳа, ундан кўра отасини яхши биламан. Қария бу ёққа келаётганимни эшитиб, ўғли ҳақида баъзи маълумотларни билиб келишимни илтимос қилди.

Энрайт менга қизиқиб қаради.

– Қанақа маълумот?

– Герман бу ерда беш йилдан буён яшарди. Уйига камдан-кам хат ёзган. Бу ерда нима иш қилганлиги борасида отасининг заррачаюм тасаввури бўлмаган. Унинг осиелик қизга уйлангани қарияни ғазаблантирган.

Энрайт бошини қимирлатиб, Стеллага қараб қўйди.

– Ғазабланмасин ҳамми?

– Менимча, отаси ўғли тирик бўлган пайтда ёрдам беролмаганига ўкинаётган бўлса керак. Герман қанақа йўл билан пул топиб яшагани сизга маълум бўлса керак.

– Ҳалол йўл билан бирон-бир фойдали иш қилганига кўзим етмайди, – деди Гарри ўйланқираб. – У қандайдир сирли, ичимдагини топ қабилда юарди. Шахсан менга ёқарди, лекин... – у шундай дея Стеллага қараб кулиб қўйди. – Стелланинг эса, кўргани кўзи йўқ эди.

Стелла бу гапдан хафа бўлиб қовоғини солди.

– Оширворма. Менга унинг ҳеч қандай қизиғи бўлмаган. Ҳар қандай хотин мени ёқтириши, севиши керак деб ўзига бино кўядиган эркакларни жиним суймайди.

Энрайт хахолаб кулиб юборди.

– Бўпти, сен унга эътиборсиз бўлгансан деб ҳисоблаймиз, – деди у заҳархандалик билан. – Ишқомдаги узумга бўйи етмаган тулкидек. Менга эса у ёқарди.

– Демак, сен ҳам ахлоқсиз экансан-да, – деди синглиси. – Кўнглингни кўтарадиган одамлар сенга ёқар экан-да.

Хитой хизматкор таом тайёр бўлганлигини маълум қилди.

Биз ошхонага ўтдик. Менга унутилмас ҳузур бахш этган хитой таомларини истеъмол қиларканман, уй эгаларини кузатишни унутганим йўқ. Энрайт хурсанд бўлганидан гапдан оғзи бўшамасди. Стелла эса, ўйчан бўлиб қолди. Фақат онда сонда гапга қўшилиб қўярди. Кечки таом тугаганда тўсатдан шундай деб қолди:

– Мистер Райан, Герман бу виллани ижарага олган, деб сизга ким айтди.

– Герман бу ҳашаматли виллани ижарага олиб яшаган эканми? – сўради Гарри. – Бориб турган сафсата! – У мазах аралаш менга қаради.

– Бир таниш хитойлик аёл. Биз “Само салтанати” меҳмонхонасида ёнма-ён яшаган эдик.

– Қизиқ, ёлгон гапириш унга нима учун зарур бўлиб қолибди? – Стелла қовоғини уйди.

– Ким билади? – Бирдан мени кузатишаётганини сезиб қолдим, кейин эҳтиёткорлик билан рўпарамда турган кўзгуга қарадим. Унда орқамда турган пакана одамга кўзим тушди. Европача кийинган бир хитой даҳлизда турар ва диққат билан мени кузатарди. Бизнинг кўзларимиз тўқнашди-ю, у бир зумда ғойиб бўлди. Юрагим шув этиб кетди. Унинг бундай қараб туриши қандайдир ёмонликдан дарак берарди. Мен ўзимни ҳеч нима сезмагандай тутдим.

– Хитойлар ғалати халқ, сиз нимани эшитишни хоҳлаётган бўлсангиз нақ худди шу ҳақда гапириб беришади, – деди Энрайт менга ўзимни тутишимга қараб. – Хитой аёллари-чи, бориб турган ёлгончи бўлишади.

– Наҳотки, – дедим ҳайрон бўлиб. Кейин яна кўзгуга назар ташладим-да ундан зўр-базўр кўзимни узиб Гаррига ўгирилдим. – Х-ҳа... ҳаммаси бўлиши мумкин.

– Юринг, айвонга чиқамиз, – таклиф қилди Стелла ўрнидан кўзгалар экан.

Брендини ичгим келмай қолди. Биз айвонга чиқдик. Ой чиқиб денгиз сатҳида узун ялтироқ из қолдирди.

– Мен бировга кўнғироқ қилмоқчийдим, – деди Энрайт. – Мени кечирасиз деб умид қиламан. Кейин ваъда берганимдек, қайиқда сайр қиламиз. Қарши эмасмисиз?

Мен савол назари билан Стеллага юзландим.

– О, мен ҳечам қарши эмасман, – деди у бажонидил. – Гарри ўзининг қайиғидан бошқа ҳеч нимани ўйламайди.

Стелла қўлимдан тутиб кунгирадор панжара олдиға етаклаб келди. Биз денгизни завқланиб индамай томоша қилиб турдик.

– У эридан ажради, – дедим, Жояннинг ўлганини айтайми, йўқми дея иккиланиб туриб.

Стелла буни маъқуллагандай қўлини силкиб қўйди.

— Ундан қутулгани яхши бўлибди. Энди ўзига хон, кўлан-каси майдон. Америкага бориб бойиб кетади, — кейин хўрсиниб кўйди. — Нью-Йоркни соғиндим, жудаям кетгим келяпти!..

— Сиз ўша ёқданмисиз?

— Бормаганимгаям, мана, ҳадемай бир йил бўлади. Соғинганимдан сиқилиб кетяпман.

— Нега энди қайтиб кетмаяпсиз? Сизни бу ерда нима ушлаб турибди.

— Узоқ жимликдан кейин Стелла шундай деди:

— Акам иккимиз бирга яшашга ўрганиб қолганмиз. — У узоқдаги тоғларни кўли билан кўрсатди. — Ахир, бундан ҳам гўзал нарса борми?

У атайлаб суҳбат мавзуини ўзгартирганини тушундим. Гарри қайтиб келганда, биз ҳамон гўзал манзарани томоша қилиб турардик.

— Кетдик, — деди Гарри шодон. — Биз сизга қизиқарли Абдерин деган балиқчилар қишлоғини кўрсатамиз.

— Жоним билан, — деб розилик билдирганимдан кейин қайиқ томон кетдик. Энрайт рулда, Стелла иккалаамиз қайиқнинг қуйруғига ўтирдик. Моторнинг қаттиқ шовқини гаплашишимизга имкон бермади. Стелла ой ёруғида денгизга ғамгин боқиб ўтирди. Мен Энрайтдан билиб олган янги маълумотлар ҳақида бош қотирардим. Бунинг замирида нима яшириниб ётибди, қандай сир бор? Ё улар айтган гаплар ёлғонми? Ё эшик оғасига ўхшаб мени алдаяптимикин? Ундай бўлса, нега алдашади?

Абдерин ҳақиқатан ҳам эртақлардагидай гўзал жой экан. Соҳил катта-кичик қайиқлар ва елканли қайиқлар билан лиқ тўла эди. Қирғоққа яқин боришнинг иложи бўлмади. Шунинг учун лангарни ташладик-да, ўн уч ёшлардаги қизча бошқараётган кичкина қайиқчага ўтириб қирғоққа чиқдик. Бир соатлар чамаси қишлоқни кезиб юрдик. Кейин Стелла чарчадим деган эди, биз келган йўлимиз билан орқага қайтдик.

Йўлда Стелла:

— Оролда бўлганмисиз? Роса томоша жой, — деб қолди.

— Йўқ, бўлмаганман.

— У ёққа кемада борилади. Эртага Силвермайбейга бормоқчиман. У ерда баъзи бировларни бориб кўришим керак, агар хоҳишингиз бўлса, бирга ола кетаман. Мен ишларимни

битириб олгунимча шаршарани томоша қиласиз. Кейин бирга қайтамиз.

– Фаройиб фикр, – деб розилик билдирдим.

– Синглимнинг жуда кўнгли очик, – деди Энрайт. – Биз бу ёққа келганимизда оқсоч аёлимиз бор эди. Кейин уни қариб қолгани сабабли бўшатиб юбордик. Ҳозир у Силвермайбеда яшайди.

Энрайт моторни юргизди. Биз яна жим ўтиришга мажбур бўлдик. Ўн дақиқада виллага етиб келдик.

– Яхши тушлар кўринг, – деди Стелла хайрлашаркан. – Таклифимизни ерда қолдирмаганингиз учун раҳмат, яна учрашсак керак, деб ўйлайман.

Қум устидан меҳмонхона томон одимлаб борарканман, ҳалиги кўзгуда кўрганим хунук башарали хитойни эсладим. Қалбим нохуш нарсани сезиб юрагим орқага тортиб кетди.

Эртасига эрталаб Гонконгдаги АҚШ элчихонасининг учинчи котибига бордим. У ерга учрашиш учун кириш жуда қийин эди. Лекин Жефферсоннинг номи менга ҳамма эшикни осон очиб берди. Котиб миқтидан келган йигит экан. Дипломатларнинг дахлсизлиги унинг димоғини кўтариб юборган эди. Ташриф қоғозимни унда худди бир юкумли касаллик бору, юкиб қоладигандай жирканиш билан қўл учиди олди.

– Нельсон Райан, – деди у ўқиб туриб, кейин юмшоқ курсига суяниб бошини мағрур кўтарди. – Сизга қандай ёрдам беришим мумкин?

– Мен Уилбур Жефферсоннинг топшириғи билан келдим. Бундан ўн етти кун муқаддам ҳалок бўлган ўғлининг ўлими ҳақидаги баъзи бир маълумотларни аниқламоқчиман.

– Хўш, нималарни? – деди у ва оғзига сигарет тутди.

– Сўнгги олти йил бадалида у Гонконгда яшаган. Демак, у сизда қайд қилинган бўлиши керак.

– Албатта.

– Унинг сўнгги яшаш манзилини менга бера оласизми?

У бош бармоғини тили билан ҳўллаб чап қошини силаб қўйди.

– Тасаввур қилайлик, мен буни сизга аниқлаб бердим ҳам дейлик, бу жуда зарурми? Бунинг устига, иш ёпилган бўлса.

– Бу суҳбатимизни Уилбур Жефферсонга маълум қилишимни истаяпсизми? Агар элчихонанинг учинчи котиби сизга ёрдам бериш учун қўлини совуқ сувга ҳам уришни хоҳлама-



ди, деган гапни эшитса, унинг қанчалик газабланиб кетишини тасаввур қиляпман.

Котиб бўлажак кўнгилсизликни ўйлаб телефон гўшагини кўтариб шундай деди:

– Мисс Давенпорт, марҳамат қилиб менга Герман Жефферсоннинг делосини олиб келинг... Ҳа, ташаккур. – Унинг семиз юзида табассумга мойил қандайдир ифода зоҳир бўлди. – Уни қаранг-а, оббо, мистер Уилбур Жефферсон-а! Унинг аҳволи қалай?

– Зарур бўлиб қолса ҳали ҳам истаган одамнинг орқасига тепишга кучи етади, – дедим сурбетлик билан. – Оёғи ниҳоятда узун, бунинг устига ботинкаси ҳам залворли.

– Қизик, бу бойлар ўлмаса юривераркан-да. Афтидан, ҳали сиз билан мендан ҳам кўп яшашади булар.

Биз сўзсиз бир-биримизга қарадик. Кейин мисс Давенпорт кириб, столнинг устига юпқа папка ташлади-да, менга бошдан-оёқ қараб чиқди. У одатдаги котибалар каби ортини ўйнатиб эшикка йўналди. Биз котиб иккаламиз эшик ёпил-гунча унинг ортидан томоша қилиб турдик. Элчихона котиби делони очиб, узр сўрагандек деди:

– Биз деярли ҳамма ҳужжатларни мурда билан жўнатган эдик, лекин яна баъзи бирлари қолган экан. – У папка ичида турган бир варақ қоғозга қараб ташвишли қиёфада калласини сарак-сарак қилиб қўйди. – Бу ерда кўп маълумот бўлмаса керак, деб ўйлайман. Унинг охириги манзили “Само салтанати” меҳмонхонаси бўлган. У Гонконгга 1954 йил 3 сентябрда келган ва умрининг сўнгги кунигача шу ерда яшаган. Ўтган йили хитойлик бир қизга уйланган.

– У ниманинг ҳисобига кун кечирган?

Котиб яна қўлидаги вараққа қаради.

– Бу ерда Герман Жефферсон экспортчи сифатида қайд қилинган. Билишимча, ҳеч қаерда ишламаган. У бир маромда келиб турган фойда ҳисобига яшамаган, шунинг учун ночор кун кечирган.

– У Рипали-бейда виллани ижарага олган экан, десам ишонасизми?

Котиб ҳайрон қолиб минғирлади:

– Унда яшаш жойи ўзгарганини бизга маълум қилиши керак эди. Бу аниқми? Қанақа вилла экан у?

– Лин Фаннинг вилласи.

– О, йўқ, мистер Райан. Бунақа бўлиши мумкин эмас. Бу вилла ойига камида тўрт юз фунт стерлинг туради.

– Ҳозир у виллани Гарри Энрайт синглиси билан ижарага олиб яшаб турибди.

У калласини қимирлатиб қўйди, юзларига жон кирди.

– Тўғри. У буни қандайдир инглиздан кейин ижарага олган. Фамилиясини эсан чиқариб турибман, ёмон йигит эмас, Энрайтни назарда тутяпман. Синглиси эса... – У томоғини тақиллатиб қўйди. – Гонконгда энг гўзал қиз шу бўлса керак.

– Билишимча, вилла Энрайт ижарага олгунга қадар бўш бўлган.

– Йўқ, мен буни аниқ биламан, у ерда бир инглиз турган, лекин у билан учрашмаганман.

– Жефферсон билан Жоян ростдан ҳам эр-хотин бўлишганми?

– Албатта. Улар ҳужжатларини бизда расмийлаштиришган. Ишонмасангиз уларнинг гувоҳномаларини кўрсатишим мумкин. Албатта, нусхасини.

У яна қўнғироқ қилди. Ҳужжатни келтиришгунча индамай ўтирдик, кейин шундай деди:

– Унинг хотинини яхши эслаб қолганман. Жуда мулозим қиз эди. Ўзим ҳужжатларни тартибга келтириб чиқдим, кейин тобут билан бирга жўнатиб юбордик. Жуда қайғули, албатта. – У ўзини кайфияти бузилган киёфага солди. – Қизга одамнинг раҳми келади.

Мисс Давенпорт яна хонага кирди, гувоҳномани столга қўйиб, индамай чиқиб кетди. Мен Герман Жефферсон билан Жояннинг никоҳи қонунийлигини тасдиқловчи ҳужжатни қараб чиқдим. Никоҳ маросимида Фрэнк Беллинг ва Шухай Тон деган одамлар гувоҳ тариқасида иштирок этишибди.

– Фрэнк Беллинг дегани ким бўлди? – деб сўрадим гувоҳномани кўрсатиб.

Котиб елка қисди.

– Умуман танимайман. Афтидан, Жефферсоннинг қандайдир дўстларидан биридир-да. Тўғрироғи, инглиз бўлса керак. Бизда унинг ҳужжатлари йўқ.

– Қиз-чи?

– Униям билмайман. Келиннинг дугонаси бўлса керак.

У шарикли ручкасининг учи билан садаф тишларини тақиллатиб, кўз қири билан менга қаради. Бундан тушундимки, ундан бошқа бирон янги маълумот ололмайман.

– Нимаям дердик, – дедим. – Бошқа сизнинг вақтингизни ўғирламайман.

Котиб менинг келганим унга хурсандчилик бағишлаганини айтиб, роса ишонтирмоқчи бўлди, лекин келганим эмас, тезроқ кетганим унга хурсандчилик бағишлаётганини сезиб турардим.

– Сиз Герман Жефферсон билан бирон мартаям учрашмаганмисиз? – деб сўрадим эшик олдига келганимда.

– Буни қарангки, ҳеч қачон учрашмаган эканман-а. У менинг дўстларим билан алоқада бўлмаган.

Элчихонадан чиқдим-да, машинага ўтириб, олган маълумотларимни таҳлил қила бошладим.

Кўп ҳам маълумотга эга бўлганим йўқ, лекин шу билан ҳам калаванинг учини топгандек бўлган эдим. Энди иложи борица тезроқ ҳалиги иккала гувоҳ — Шухай Тон ва Фрэнк Беллинглар билан учрашишим керак эди. Бунинг учун дастлаб полиция маҳкамасига, бош инспектор Маккартининг хузурига жўнадим. Бир оз кутганимдан кейин мени унинг хонасига бошлаб боришди. Инспекторлар бошлиғи ҳафсала билан трубкасини тозалаётган экан. У менга ўтириш учун жой кўрсатди, кейин трубкани бир пуфлади-да, ичига босиб-босиб тамаки жойлай бошлади.

– Нима ёрдам сўраб келдингиз? – деб сўради у.

– Фрэнк Беллинг деган одамни қидиряпман. Унинг манзилини менга айтолмайсизми?

Маккарти трубкага ўт ёқиб, мен тарафга тутун пуфлади. У бундай ҳолатларда мушук-сичқон ўйнашга тажрибасиз экан, чамамда. Юзларида хотиржамлигини кўрсатмоқчи бўлаётган бўлса-да, кўзлари, ҳа, унинг кўзлари сотиб қўяётган эди.

– Фрэнк Беллинг деяпсизми? – у шундай деб оғзидан трубкасини олди. – Нима учун бу одамга қизиқиб қолдингиз?

– Ҳозирча у ҳақда ҳеч нима билмайман. У Жефферсоннинг никоҳ маросимида гувоҳ бўлган экан. Уни танийсизми?

Маккарти истамайгина бошини қимирлатди.

– Ҳа, танийман. Демак, у Жефферсонга гувоҳ бўлган экан-да? Ҳа... Қизиқ. Унинг ҳозирда қаердалигини билмайсизми?

– Бу ерга унинг қаердалигини сиздан сўраш учун келдим, бош инспектор.

– Биз ҳам у билан учрашишни истаб турувдик, – деди у. – У гиёҳванд моддаларни ташиш бўйича нуфузли маҳаллий ташиклот аъзоси. Биз уни ҳибсга олмоқчи бўлувдик, афсуски, ғойиб бўлибди. Шундан буён қидириб юрибмиз, лекин тополмаяпмиз. Ишончим комилки, у ё Макаога, ё бўлмаса Кантонга ўтиб кетган.

– У ерда қидиришдимиз?

– Биз Макаога у ҳақда маълумот жўнатдик. Лекин Кантонда хабар берувчи вакилимиз йўқ.

Мен қаттиқ стулга қулайроқ ўтириб олдим.

– У инглизми ўзи?

– Ҳа, инглиз. Шунини яхши биламизки, у бизга кўп ташвишлар келтираётган маҳаллий мафиялар гуруҳи аъзоси. Улар бу ерга Кантондан героин олиб келишади. Беллинг яқингачаям бу соҳада бойлик кетидан қувиб фаол ҳаракат қилган. Биз уни катта партия гиёҳванд модда билан қўлга тушираемиз деб ҳаракат бошлаб юборгандик. – Маккарти трубкасини ёндириб, гапини давом эттирди. – Бир хабарчимиздан шу ойнинг биринчи санасида товар келтирилишини билиб олдик. Лекин Беллинг бирдан ғойиб бўлди. Менимча, кимдир уни бундан хабардор қилган. У яширинишга улгурган.

– Биринчи сана? Ахир бу Жефферсоннинг ўлиmidан икки кун олдин-ку.

– Ҳа. Бунинг нима аҳамияти бор?

– Шундоқ, ўзим. Далилларни аниқлашга ҳаракат қиляпман. Никоҳ маросимида келин томондан гувоҳликка хитойлик қиз Шухай Тон ўтган экан. Бу сизда бирон-бир шубҳа туғдирмаяптими?

– Йўқ.

– Сиз Жефферсонни шу гуруҳга жалб қилишлари мумкин, деб ўйламаяпсизми?

– Бўлиши мумкин, – деб жавоб берди Маккарти. – Лекин бизда бунақа маълумот йўқ. Тўғри, агар Беллинг унинг яқин таниши бўлган бўлса, унда бу нарса эҳтимолдан йироқ эмас.

– Шухай Тонни қидириб топишимда менга ёрдам бера оласизми?

– Архивни титкилаб кўришим керак. Бирон нимани топсам, сизга албатта маълум қиламан, – у соатига қаради. – Сиз Рипали-бейдаги меҳмонхонага кўчиб ўтдингизми?

– Худди шундай.

– Сиз изқуварларнинг ҳаётингиз жуда мароқли-да. Би-лишимча, сизга яхши ҳақ тўлашса керак.

Кулиб қўйдим-да:

– Гапингиз тўғри, – деб ўрнимдан турдим. – Бўпти, рах-мат. Ҳали яна кўришамиз.

Мен Кингс-Роуднинг одамлар гавжум кўчасига чиқдим. Соат ўн бир ярим бўлибди. Машинага ўтириб, бундан икки кун муқаддам кўшмачи аёл билан танишган Ванхой соҳили бўйига жўнадим. Майхона бўм-бўш. Иккита хитой офици-анти тўсин ортида туриб бекорчиликдан ғийбат қилиш би-лан овора эди. Улар мени кўришди. Бири майин табассум билан олдимга келди.

– Хуш келибсиз, сэр. Сизни яна шу ерда кўрганимдан бе-ҳад хурсандман. Бирон нима ичасизми? Ё ленч олиб келай-ми?

– Ром билан кока-кола келтиринг, – дедим. – Хоним шу ердами?

– У ҳозир келади.

Бу “ҳозир” ярим соатга чўзилди. Билдимки, хитойлик-лар учун вақт деган нарсанинг унчалик аҳамияти йўқ экан. Хоним келгач, қўлимни силкиб чақирган эдим, шу заҳоти ол-димга югургилаб келди.

– Сизни яна кўришдан хурсандман. Мен таништирган қиз сизни хушнуд қилган деб ўйлайман.

Мен кулдим.

– Сиз мени алдадингиз. Бу Жоян бошқа қиз экан. Сиз буни жуда яхши билгансиз.

– Лекин мен топган қиз Жояндан ҳам яхшироқ эди. Сиз-ни хурсанд бўласиз деб ўйлагандим.

– Энди менга бошқа қиз керак. Шухай Тон деган. Уни биласизми?

У “ҳа” дегандек бошини силкиди. Лекин юзларида бе-парволик зуҳур этиб турарди. Қўшмачи ўтган сафаргидай бийрон бўлиб деди:

– Бу менинг энг яхши қизларимдан бири, ўйлайманки, у сизга жуда ёқади.

– Бу сафар мен буюртма берган қиз келишига амин бўлишим шарт. Биз бир иш юзасидан гаплашиб олишимиз керак. Хоним бир зум ўйланиб қолди.

– Номининг ўзиёқ ўша қизнинг ўзи эканлигига далил бўлиб турибди. У билан қандай ишни гаплашиб олмоқчисиз?

– Бунинг сизга дахли йўқ. Қачон қиз билан учраша олишим мумкин?

– У сизга ҳозир зарурми?

– Йўқ. Яхшиси кечқурун. Соат саккизда шу ерга келаман. Шундай қилинги, худди шу вақтда уям келсин.

Кўшмачи бошини силкиди, кейин тилла тишларини кўрсатиб илжайиб қўйди.

– Агар бу ўша мен айтган қиз бўлса, эллик доллар қўлимда деяверинг.

– Ваъда бераман. – Унинг кўзлари пўлатдай йилтираб кетди. Бу илжайганда ёқимли ялтираган тилла тишига мос тушмасди.

Мен қадахни бўшатдим.

– Демак, соат саккизда, – дедим ўрнимдан турарканман. – Бу сафар алдамайсиз, деб умид қилиб қоламан. Шунини айтиб қўяйки, мен алдамаётганингизни дарров аниқлаб оладиган қобилятга эга одамлар тоифасига кираман.

У сариқ тишларини кўрсатиб яна тиржайди.

Мен бугунги кун бекор ўтмаганини ҳис қилиб мехмонхонага қайтдим.

## УЧИНЧИ БОБ

Мен кема палубасида туриб нигоҳим билан Стеллани қидирардим. Ҳалигача келгани йўқ. Биламан, у энг сўнгги дақиқада пайдо бўлади. Бунақа аёллар ваъдалашган жойга келиш учун ҳамма нарсани ҳисоб-китоб қилиб олишади. Жуда вақтли ҳам, жуда кеч ҳам келишмайди.

Шу пайт биринчи синф палубасига қора иш костюми кийган, қўлтиғига семиз портфель қистириб олган, чорпахилдан келган бир хитой киши чиқиб келди. Уни кўрдиму, Энрайтнинг вилласидаги кўзгудан қараб турган хитойлик хаёлимга

келди. Ҳа, бу худди ўша одам эди. Ёши кирқлар атрофида, баданидан куч ёғилиб турибди, худди гимнастларга ўхшаб энгил ҳаракат қиларди. У менга назар ҳам ташламай ёнимдан ўтиб, ўриндиққа ўтирди-да, юзини газета билан ёпиб олди. Кундузги ёруғда қиёфасидаги сирли ҳолат ўша кечки таом вақтидагига нисбатан унчалик билинмасди.

Жўнашимизга бир дақиқа қолганда пристанга Стелла чиқиб келди. Унинг эғнида яшил кўйлак, қўлида саватча ушлаб олган. Мен палубага чиқиб олиши учун қўлидан ушлаб ёрдамлашиб юбордим. У ёнимдаги ўриндиққа ўтириб олгандан кейин бармен Сперроу билан Жек Уэйдга валдираганимдек ҳар хил бўлар-бўлмас гапларни сайраб кетдим. Лекин гап орасида бўлсаям Жефферсоннинг номини тилга олмадим. Орадан бирмунча вақт ўтгач, Стелла эътиборсизлик билан бугун эрталабдан буён нима иш қилганимни сўраб қолди. Мен Гонконгнинг пастқам кўчаларини кезиб юрдим, дедим.

– Мана, етиб ҳам келдик, – деди кема Силвермайбей пристанига келиб тўхтагандан кейин. – Мен аввал у-бу нарсаларни харид қиламан, кейин кампир билан бироз гаплашиб ўтираман. Бир ярим соатлар атрофида бўшайман. Унгача сиз бир оз шаршарани айланиб келинг.

– Майли, кейин шу ерда кўришамиз.

– Ҳа. Кейинги кема соат олтида жўнайди.

Стелла саватини такси тўхтайдиган жойгача олиб бориб беришимга рухсат берди. Кейин менга йўлни кўрсатиб юборди.

– Сўқмоқ билан Паттерфляй-хилнинг ёнидан ўтиб борасиз, – деди тушунтириб. – Кейин кўприкдан ўтасиз. Сўнг яна бир кўприкча келади. Ана шунда рўпарангизда шаршара бор бўйи билан намоён бўлади.

– Топиб оламан, – дедим.

Стелла хайрлашиш маъносида қўлини силкиб кетгандан кейин нигоҳим билан ҳалиги хитойликни ахтара бошладим, лекин у ҳеч қаерда йўқ эди. Кемадан тушганини кўрган эдим, лекин қаёққа ғойиб бўлганини сезмай қолибман. Соат олтигача ҳеч қандай қиладиган ишим йўқ. Атрофни томоша қилишга қарор қилдим. Мен Стелла кўрсатган сўқмоқ билан кетдим, аммо бирмунча йўл босгандан кейин мутлақо қуруқ сайхонликка чиқиб қолдим. Чап томонимда улкан тепа. Йўлда ҳеч кимга дуч келмай шаршарага етиб келдим. Сувнинг жо-

зибали тушишини томоша қилиб бўлганимдан кейин орқага қайтмоқчи бўлдим.

Ҳаммаси мана шундан кейин бошланди. Юзимнинг олдидан қовоқ арига ўхшаш бир нима гувиллаб ўтиб кетди. Унинг ортидан узоқдан отилган ўқ овози эшитилди. Аскарлик вақтимдан менга ёд бўлиб қолган удумга амал қилиб йўлдан четга чиқдим, ўзимни ўт-ўланлар орасига отдим. Шу пайт бешотардан отилган ўқ мендан икки ярдлар чамаси наридаги тупроқни чангитиб юборди. Аъзойи баданимни тер босди, юрагим гурсиллаб урар, шу алфозда қалин ўт-ўланларни оралаб ва тошларга калтакесакдай тирмашиб олдинга силжий бошладим. Атроф сокин. Фақат чирилдоқларнинг чириллаши қулоққа чалинади, холос, кейин аста-секин ўзимга келдим. Мени отиб ўлдиришмоқчи, қўлида бешотар бўлган мерган бор-йўғи мендан бир миль масофада, холос.

Тўппончамни олмаганим учун ўзимни роса сўқдим. Лекин устимда энги калта кўйлак, шим. Тўппончани яшириб оладиган жойим ҳам йўқ эди. Мерганга бу нарса маълум бўлган, албатта. У тошлар орасидан бошимни кўтариб қарашимни кутарди. Қаёққа қараб юришни мўлжал қилиб олишим учун ниҳоятда эҳтиёткорлик билан сал бошимни кўтардим. Янгидан яна ўқ овози янгради. Бу сафар ўқ бошимнинг ёнгинасидан ўтиб кетди. Мен ерга қапишиб олдим. Мерганлар бир эмас, иккита эди. Уларнинг биттаси узоқда, иккинчиси ёнгинамда эди. У олдимга келиши ва қўрқмасдан тикка отиб ташлаши ҳам мумкин эди. Бунга ҳеч нарса халақит қилмасди. Энди омадга суянишим керак, холос. Соатга қарадим — 17.25. Стелла мени қарши олгани чиқармикин? Дейлик, у манави икки мерганга тўқнаш келиши мумкин. Булар уни отиб ташлашармикин? Мен ҳарбийдаги машқларимни ёдимга тушириб ўрмалаб кетдим. Орадан беш дақиқа ўтмаёқ аввалги жойимдан юз фут нарига ўрмалаб бордим, таваккал қилиб сал бошимни кўтардим. Бошимнинг ёнгинасидан яна визиллаб ўқ учиб ўтди-ю, гумбирлаган овоз эшитилди. Мен башарам билан ўзимни ерга отдим. Ё мен анқов аскар бўлганман, ё анови иккаласи мен ўйлагандан ҳам ақлироқ. Зудлик билан жойимни ўзгартирдим. Бунини жуда вақтида қилган эканман. Яна бир ўқ сукунатни бузиб нақ мен ётган ҳалиги жойга урилди.



Хозирча омад менга ёр бўлаётган эди.

Лекин ўнг томонимда ўтлар тугаган, энди у томонга қараб ўрмалашнинг ҳожати йўқ. Мен кулоқ солиб жим ётдим. Ҳеч қандай овоз эшитмадим. Энди қаёққа юришни аниқлаб олиш учун бошимни кўтаришим лозим эди. Лекин бу ҳозирги ҳолатда ўлим дегани. Энди армияда бўлганимда амалга оширилган тажрибани қўллаш вақти келган эди. Шунинг учун бошимни ерга қўйиб кулоқ солдим. Мени кузатаётган одам ёнгинамда, аста мен томон ўтлар оралаб келаётган эди. Тез орада у ёнимга келади. Энди унинг қаерда эканлигини аниқ билишим керак эди. Мен туриб ўққа чап бериш учун ўнгга ва чапга ўзимни урдим. Узоқдаги рақибим ўқ узди. Ўқ оёғим остидаги ерни чангитиб юборди. Лекин таваккал қилган ҳаракатларим зое кетмади. Олти ярдлар нарида ўт қимираб қолди. Яқиндаги рақибим шу эканлигига шубҳам қолмади.

Ўтлар орасидан кўк куртка, сатин иштон ва эски шапка кийган одам ўрнидан турди. Куёш нурида унинг қўлидаги пичоқнинг тиғи ялтирарди. У менинг қаерда яшириниб ётганимни сезиб олган бўлса-да, биринчи бўлиб ҳужум қилиш учун унга имкон бермадим. Ўрнимдан ирғиб туриб кўкрагига мушт туширдим. Биз ўт устига барабар қулаб тушдик. Мен зумда бир қўлим билан пичоқ тутган қўлини маҳкам ушлаб, иккинчи қўлим билан томоғини хиппа бўғдим. У бармоқларини кўзимга тикиб олишга урина бошлади, лекин бор кучим билан башарасига калла қўйдим. У хириллай бошлади. Яккама-якка жангда хитой менга дош келолмади. У менинг ярим оғирлигимча келар, бунинг устига кучсиз эди. Қўлидан пичоқни суғуриб олдим-да, бор кучим билан бўғавердим. У бирмунча вақт қаршилиқ кўрсатиб турди, кейин шилқ этиб бошини ташлади. Мен оғир ҳарсиллаб унинг устидан тушдим, кейин иккинчи ўқдан ўзимни эҳтиёт қилиб ўт устига узала тушиб ётиб олдим. Бир неча дақиқадан кейин, рақибим ўзига келиб, инграй бошлади. Ўрмалаб бориб уни қалқон қилиб аста кўтардим. Ўзаро муштлашувда бошидаги шапкаси учиб кетган, узоқдаги шериги уни мен деб ўйлаши табиий эди. Афтидан, мерган шериги ҳам худди шундай деб ўйлади ёки у ким бўлсаям барибир деди. Ўқ овози янгради-ю, хитойнинг башараси қоп-қора қонга бўялди. Бу сафар узоқдаги мерган мўлжалга урган эди. Мурдани аста ерга ётқизди-

му, ўзим бошқа томонга ўрмалаб кетдим. Мен вақти-вақти билан қулоғимни ерга босиб анча кутардим. Кутиш дақиқалари узоққа чўзилди. Соат миллари олти яримни кўрсатиб турарди. Ниҳоят мерган сабри чидамай қилган ҳаракатларининг натижасини билмоқчи бўлди.

У ё мени ўлган, ё мен унга хавф туғдиrolмайдигандек ишонч билан қадам ташлаб кела бошлади. Ўтлар орасидан тепалик ва яқинлаб келаётган паст бўйли одам аниқ кўринди. Қотил милтигини қўлтиғига кистириб олган. Бу кора иш костюминини кийиб олган... ва мен Энрайтнинг уйида, паромда кўрган ўша хитойлик эди. Бирдан миям тиниқлашди. Мени оролга алдаб олиб келган кимса — бу Стелла экан-да. Демак, виллага мени хитойлик яхшилаб таниб олиши учун чақиришган экан-да. Мен улар қўйган тузоққа илишибман...

Менинг мўлжалимча рақиб бу ерга, чамаси, етти дақиқалардан кейин етиб келиши мумкин эди. Ҳар эҳтимолга қарши менга фойдаси тегишига кўнглим чопмаса ҳам ерда ётган ўткир пичоқни қўлимга олдим. Милтиққа қарши пичоқ иш бера олармиди? Сал нарида япалоқ тош ётибди. Уни ҳам чиқмаган жондан умид дегандек, бир қўлимга олдим. Хитойлик энди йўлга тушиб олган, эҳтиёткорлик билан қадам ташлаб келяпти. Мен яна йигирма ярдлар ўрмалаб бордим. Қотил аввал ўз шеригининг мурдасига, кейин менга тўқнаш келиши лозим эди. Энди у жуда яқин келиб қолган, уни яхшилаб кузатса бўларди. Мен бир қўлимда пичоқ, бир қўлимда тош, ерга қапишиб ётиб олгандим. У дўстининг ўлиб ётганини кўриб, инграб юборганини эшитдим. Шу онда кўзларимиз тўқнаш келди. У милтиққа ёпишди, тепкини босишга улгурмасданок, мен тош билан елкасига туширдим, барибир қотил тепкини босиб қолди, ўқ елкамни ялаб ўтди, лекин милтик унинг қўлидан учиб кетди. У милтиқни қўлга олиш учун энгашиганда унга ташландим. Бу ҳаракатим одам ўзини бориб деворга ургандай гап бўлди. У мени ўзидан осонгина ажратиб олди. Кейин қўлимдан ушлади-ю, елкасидан ошириб ерга урди. Нафасим текилиб қолди, оғриқдан пичоқ қўлимдан учиб кетди. Ёнбағирга урилиб, пастга юмалай бошладим. Рақибим ортимдан қувишга тушди. Ўн-ўн беш ярдлар ёнбағирдан пастга тушганимда тўхтаб, ҳарсиллаб нафас ола бошладим. Қара-

сам, унинг сариқ башараси тиржайган, мен томон газаб билан яқинлашмоқда. Қўлида эса милтиғи йўқ эди. У тез келганидан мени ушлайман деб ўзини тўхтатолмай ёнимдан ўтиб кетди. Шу пайт ўзимни ўнглаб кетига бошлаб тепдим. У мувозанатни йўқотиб ерга қулади-ю, ёнбағирдан аста сирпаниб кета бошлади. Битта катта тошни тошиб қотилнинг кетидан отдим. Тош унинг нақ бошига тегди, бу зарбдан у беихтиёр қияликдан пастга юмалаб кетди. Мен унинг миясини мажақлаган эдим. Лекин бу мени хотиржам қила олмасди. Шу нарса аниқ эдики, энди мен бирмунча вақт бежавотир бўлишим мумкин эди...

Мен йўлга чиқиб пристан томонга кетдим.

Роппа-роса соат саккизда Ванхой майхонасига кириб бордим. Бунгача душга тушдим, ўқ ялаб ўтган жойга дори суртиб кийиндим. Гарчанд, зирқираб оғриётган бўлса ҳам енгил яраланганимдан суюниб қўйдим. Майхонада одам лик тўла эди. Америкалик денгизчилар хитойлик қизлар билан рақс тушишарди. Алоҳида бўлмаларда бизнесменлар ўтириб олишган. Улар виски хўплаганча ўз қора ишлари ҳақида гаплашиб ўтиришарди. Мусиқа автомати қулоқни қоматга келтирарди. Мен эшик олдида туриб олдим-да, ғала-ғовур ичидан аланглаб қўшмачи аёлни ахтардим. Тилла тишли аёл табасум билан аждар расми туширилган парда остидан чиқиб келиб, мени кимсасиз хонага бошлаб кетди.

– Нима ичасиз? – деди у кўзимга қарамай.

– Шотланд вискиси.

– Ҳозир олиб келаман.

У рақс тушаётганлар ортида кўздан ғойиб бўлди. Орадан ўн дақиқа ўтиб, официант кириб келди-да, столимга содали виски қўйди. Беш дақиқадан кейин қўшмачи кўринди. Бу сафар келиб ёнимга ўтирди. Қиёфаси қандайдир бесаранжом кўринарди.

– Шухай Тон сиз билан учрашишга розилик билдирди, – деди у. – Лекин бу ерда эмас, ўз хонасида кўришмоқчи.

Яна битта тузоқмикин? Бусиз ҳам жононлар бугун етарли бўлган эди. Тўғри, бу сафар эҳтиёткорликни ёддан чиқармай костюм кийиб олдим. Қўлтиғимга эса полициячиларга хос ўттиз саккизинчи калибрли тўппонча тақиб олдим.

– У қаерда туради?

– Бу ердан узоқ эмас. Сизга такси чақириб беришим мумкин.

– Яхши... Лекин унинг ўша қиз эканлигини қандай қилиб биламан?

– У сизга ўз ҳужжатларини кўрсатади.

Мен вискини ичиб, ўрнимдан турдим.

– Агар ҳаммаси кўнгилдагидек бўлса, сизга эллик доллар тўлайман.

Хоним ясама табассум қилди.

– Яхши. Сизга такси ушлаб бераман.

У бир неча дақиқадан кейин қайтиб келди.

– Сизни қаерга олиб боришни шофёр билади. Унинг хонаси юқори қаватда.

Аёлга кечроқ учрашамиз деб ваъда бериб, кечки дим кўчага чиқдим. Биз тор кўчалар бўйлаб узоқ юрмадик. Шофёр заргарнинг дўкони олди-да тўхтаб, ён томондаги эшикни кўрсатди. Мен ҳатто озгина чойчақаям кўшиб бериб у билан ҳисоб-китоб қилдим. Кейин у кўздан ғойиб бўлишини кутиб бирпас турдим-да, ичкарига кириб, даҳлиздаги лифтда юқори қаватга кўтарилдим. Тўппонча ғилофдан чиқадими, деб тортиб кўздан кечириб ҳам қўйдим. Кейин қизил бўёққа бўялган эшик тугмасини босдим. Бир неча сония ўтиб эшик очилди. Эгнига қуббали ялтироқ чунгазан ва оёғига қирмизи шиппак кийиб олган ёшгина хитойлик қиз рўпарамда пайдо бўлди. Сочлари нилуфар рангида товланиб турарди.

– Менинг исмим Райан, – деб ўзимни таништирдим. – Мени кутаётган бўлсангиз керак.

У дурдек опшоқ тишларини кўрсатиб кулиб қўйди.

– Ҳа, кириг.

Мен гуллар қўйилган замонавий рангсиз эмандан ясалган мебеллар билан безатилган кенг хонага кирдим. Унинг катта-катта деразалари денгиз томонга қаратилган.

– Сиз Шухай Тонмисиз? – деб сўрадим.

– Ҳа, мени шундай деб аташади.

У қўлларини тиззасига қўйиб юмшоқ курсига ўтирди. Қайрилма қошлари ним кўтарилган, лаблари табассумга мойил.

- Исмингиз Шухай Тон эканлигини қандай исботлайсиз? Бу савол унинг чеҳрасини бир оз очди. У столни кўрсатди.
- Ана менинг ҳужжатларим.

Мен шахсни тасдиқловчи гувоҳномани кўлимга олдим. Ёши йигирма учда, раққоса. Гонконгга беш йил муқаддам келган экан.

Бир оз хотиржам бўлиб, унинг қаршисидаги юмшоқ курсига ўтирдим.

- Сиз Герман Жефферсонни танирмидингиз?
- Ҳа, уни танирдим. У икки ҳафта бурун ҳалок бўлган.
- Унинг хотини-чи?
- Танирдим. Мен уларнинг никоҳ маросимида гувоҳ сифатида иштирок этганман.
- Герман нима иш қилиб кун кўрган, айтиб беролмайсизми?

– Сўнгги саволингизга жавоб беришдан олдин, сиз кимсиз ўзи, бу ерга нима учун келгансиз, шуни билмоқчийдим.

– Мен Герман Жефферсоннинг отаси учун баъзи бир маълумотларни йиғиб юрибман, – дедим. – У ўғли Германнинг ҳаёти ҳақида иложи борича кўпроқ нарсани билмоқчи.

- Нима учун?
- Билмайман. Бу маълумотларни тўплаб борганим учун у менга ҳақ тўлайди. Шу сабабли уларни тўплаб юрибман. Агар менга қизиқарлироқ маълумот берсангиз, бунинг учун сизни қуруқ қолдирмайман.

- Қанча тўламоқчисиз?
- Бу сизнинг қандай қимматли маълумот берганингизга боғлиқ.

– Сизни у нима иш қилиб даромад топгани қизиқтирадими? У ҳеч қаерда ишламаган. У хотини ишлаб топган пул ҳисобига яшаган.

– Лайло менга сўнгги вақтларда Рипали-бейдаги муҳташам виллани ижарага олган, деган эди.

У бошини орқага ташлаб хандон отиб кулиб юборди.

– У ҳатто ўзи яшаётган меҳмонхонага пул тўлашга ҳам қодир эмасди, кип-қизил ялқов эди.

– Менга у гиёҳванд моддалар билан савдо қилувчиларга қўшилиб қолган эди, дейишди, – эҳтиёткорликни унутиб қўйиб шундай деб юбордим.

Бу гап уни хушёр торгтирди. Бирданига индамай қолиб жиддий қиёфага кирди.

– Гиёхванд моддалар савдоси дейсизми? Бунисидан хабарим йўқ... Бу ҳақда ҳеч нима билмайман.

– Мен гиёхванд моддалар савдо-сотдиси ҳақида гапирмоқчимасман. Мени Гонконгга героин ташиш қизиқтиради. Бу билан Фрэнк Беллинг шуғулланади.

– Бу ҳақда менга ҳеч нима маълум эмас.

Қиз салгина пешонасини тириштириб туриб менга тикилди.

– Сиз, ахир, Беллингни яхши биласиз-ку, тўғримами? – дедим.

– Мен у билан атиги бир марта учрашганман, холос... никоҳ маросимида.

– У Жефферсоннинг дўстимиди?

– Эҳтимол. Уларнинг дўст-дўст эмаслиги ҳақида менга ҳеч нарса маълум эмас.

– Мен никоҳ маросимидан кейин Герман ҳеч қанча вақт ўтмай хотинини ташлаб Рипали-бейга кўчиб ўтган, деб эшитдим...

Ундаги нотинчлик кучайди.

– Герман умрининг сўнгги кунигача “Само салтанати” меҳмонхонасида яшаган. У ҳеч қачон виллани ижарага олмаган!

Мен унга сигарет тутдим, у буни рад этди. Мен чекиб туриб, хаёлан ўз-ўзимдан Германнинг сўнгги яшаш жойи мен учун шунчалик муҳимми деб сўраб қўйдим. Лайлодан бошқа ҳамма битта гапни айтиб туриб оляпти. Лекин шундай бўлса ҳам, Лайлодан бошқа ҳаммасининг гапи ёлғонлигини юрагим сезиб, ҳис қилиб турибман.

– Келинг. Жоян ҳақида гаплаша қолайлик, – дедим суҳбат мавзусини ўзгартириб. – У билан дугонаминдигиз?

Қиз бошини силкиди.

– Ҳа, Жоян менинг энг сирдош дугонам эди. Мени ташлаб Америкага кетиб қолганига жуда хафа бўлдим. Агар ишларим ўнгидан келса, сени чақириб оламан, деб ваъда берган.

Бирмунча вақт иккиланиб турдим-да, кейин таваккал қилиб бор гапни очиқ айтишга қарор қилдим.

– Демак, сизга у ҳақда ҳеч нарса маълум эмасми? – деб сўрадим.

– Нима маълум бўлиши керак экан?

– У ўлган.

Киз биров тўқмоқ билан ургандай калқиб кетди. Кўзларини катта-катта очиб кўкрагини чангаллади. Мен унинг хати-ҳаракатини диққат билан кузатиб турдим.

– Ўлган дейсизми? Бўлиши мумкин эмас! – бўғилиб деди у.

– Уни самолёт Пасадена-ситига қўнгандан кейин бир неча соат ўтиб ўлдиришган.

Кизнинг қиёфаси кўз ўнгимда ўзгарарди. Унинг башараси буришди, гўзаллигидан асар ҳам қолмади.

– Сиз ёлғон гапиряпсиз! Гапингизга ишонмайман! – қичқириб юборди қандайдир бўғилиб.

– Афсуски, бу ҳақиқат. Полиция унинг қотилини топишга ҳаракат қиляпти.

У юзларини кафти орасига олиб йиғлаб юборди.

– Кетинг, – дея ҳиқиллади у. – Илтимос, кетинг!

– Сизга озор берганимдан афсусдаман. Мен қотилни топмоқчиман, сиз менга ёрдам беришингиз керак. Гапимга қулоқ солинг...

У ўрнидан ирғиб туриб, югуриб бошқа хонага кирди-да, эшикни ёпиб олди. Чиқиб кетишдан бошқа иложим қолмади. Бир қават пастга тушиб кутиб турдим. Орадан бирмунча вақт ўтгандан кейин киз эшикни кенг очиб уёқ-бу ёққа аланглаб қаради. Атрофда ҳеч ким йўқлигига ишонч ҳосил қилгач, яна эшикни ёпди. Мен аста юқорига кўтарилиб, қизил эшикка қулоқ сола бошладим. Орадан бир неча дақиқа ўтгандан кейин қиз телефон рақамларини териб ким биландир паст овозда гаплаша бошлади. Овози аранг эшитилгани учун нима деганини эшита олмадим. У гўшакни жойига қўйгандан кейин аста пастга тушиб, кўчага чиқдим.

Бинонинг қарама-қарши томонида магазин бор эди. Унинг ичига кирдим, пештахтани томоша қилгандай бўлиб деразадан бино эшигини кузата бошладим. Орадан икки дақиқалар ўтиб, у эшикдан чиқиб келди. Эгнидаги кийимларини бутунлай ўзгартириб олибди. Энди эгнида эски кофта ва арзон матодан тикилган шим, бундай шимларни, одатда, кунбай ишлайдиган деҳқонлар кийиб юришади. У чор атрофга аланглаб қарай-қарай, соҳил йўли билан кетди. Бирмунча вақтдан кейин такси тўхтайдиган жойга келди. У ерда ҳайдовчи би-

лан гаплашиб машинага ўтирди. Такси одам билан лиқ тўла йўл бўйлаб аста юриб кетди. Мен ҳам машинага ўтирдим, шофёр инглиз тилини унча-мунча биларкан. Унга йигирма долларликни кўрсатиб, олдинда кетган машинанинг ортидан боришни илтимос қилдим. У пулни кўриб бошини қимирлатди. Қиз ўтирган машинанинг кетидан хайдади. Шуҳай Тон паромга борганда машинадан тушди. Мен шофёр билан ҳисоб-китоб қилиб унинг кетидан кетдим. Қиз паромнинг учинчи синф палубасига жойлашди, мен эса биринчи синф палубада жўнадим. Паром бизни Коолум пристанига олиб борди. Қиз паромдан тушиб, рикшага ўтирди, мен ўз оёқларимнинг югуриклигига ишондим, уни йўқотиб қўйишимга бир баҳя қолди. Кейин билсам, биз асосан Гонконгнинг Хитойга қарашли бўлган томонига кетиб қолган эканмиз. Бир вақтлар Британия ҳукумати бу ерга киришга умуман ҳақли бўлмаган, шу сабабли бу ерларда гиёҳвандлик ва қотилликлар чуқур илдиз отган эди. Полиция назорат остига олгандан кейин бунга хитойликлар қаршилик қилишмаган эди. Қандай бўлишидан қатъи назар, бу ердаги шароит европалликлар учун мутлақо мос келмайдиган жой эди. Тор кўчалар бисёр, бу ерда яширинадиган жой топиш амримаҳол. Агар қиз орқасига қараб қолса борми, мени шу заҳоти кўриши мумкин эди. Бирмунча вақт тор илон изи кўчаларда адашиб юрдик. Ундан кўзимни узмай кетма-кет боравердим. Кейин қиз эшиклардан бирига яқин борди-да, ичкари кириб кетди. Мен кўшни уйларнинг олдида ўтирган хитойликларнинг назаридан ўзимни ноқулай сезиб бирмунча вақт туриб қолдим. Ранглари сариқ, кўзлари кичкина. Улар мени кўришдими-йўқми билмайман, лекин ҳеч нарса билмагандай туришларидан баданим жимирлашиб кетди. Мен эшикни очиб, ичкари кирдим. Қаердандир юқори тарафдан аёл кишининг овози эшитилди. Мен олиш осон бўлиши учун тўппонча филофининг тугмасини ечиб қўйдим-да, тик айланма зина орқали юқorigа кўтарилди бошладим. Юқоридаги майдончада иккита эшик бор эди. Шу ерда тўхтадим. Бирдан қўпол сўкинган эркак овозини эшитдим.

— Менга қара, сариқ қанжиқ, агар мени алдаган бўлсанг, сени ўлдираман!



Шубҳасиз, бу америкалик, буни унинг кучли талаффузидан ажратиб олиш осон эди.

– У худди шундай деб айтди! – деб кичқирди Шухай Тон. – Уни самолёт Пасадена-ситига етиб келгандан кейин орадан бир неча соат ўтиб ўлдиришибди!

Бу нарса мени қизиқтириб қолди. Яқинимда турган эшикка энгашиб энди қулоқ тутаётганимда орқамдан хотиржам туриб аста айтилган овоз эшитилди.

– Қимирламанг, мистер Райан. Қўлингизни юқори кўтаринг!

Хитойча талаффуз билан айтилган таниш овоз. Орқамга қарамай қаддимни ростладим. Кейин бу таниш овозни қаерда эшитганимни эслашга уриндим.

– Илтимос, эшикни очиб ичкари кириңг. Огоҳлантираман, қўлимда тўппонча бор.

Мен бир қадам қўйдиму остонадан ўтиб, ғариб бир кулбага кирдим. У ерда тор ёғоч каравот турарди. Ағдариб қўйилган эшик устида қурум босган човгум ва иккита кир эски пиёла бор эди. Деворга қоқилган қоziқда кир сочиқ, унинг остида эса тоғора билан сув солинган кўза турарди. Шу он тиззалаб ўтирган Шухай Тон, хитойча костюм ва қопга ўхшаган кенг шапка кийган тор елкали бир киши менга ўгирилди. Аввалига мен эркакни хитой бўлса керак деб ўйлагандим, кейин билсам рўпарамда европалик одам турган экан.

Қиз қўрққанидан қичқириб юборган эди, эркак уни бир уриб ерга қулатди.

– Лаънати хотин! – бўқирди у. – Сен уни тўппа-тўғри шу ерга бошлаб келибсан-да! Йўқол кўзимдан!

– Марҳамат, ичкари кириңг, – деган овоз эшитилди ортимдан. Кимдир елкамдан туртди.

Қиз ҳиқиллаганча йиғлаб ўрнидан турди-да, бир зумда ёнимдан ўтиб югурганча хонадан чиқиб кетди. Вазиятдан фойдаланиб орқамга ўгирилиб қарашга журъат қилдим. Қирқ бешинчи калибрли тўппончани чап курагимга тираганча инглиз тилида гапира оладиган гид Вонг Хопхо менга кулиб қараб турарди. Вонг эшикни ёпиб унга сўяниб олди. Мен тўғримда ўтирган эркакни кузата бошладим. Унинг башарасидан оғир касалга чалинганлиги сезилиб турар, бунинг устига анчадан бери соқоли олинмаган ва ювинмаган ҳам эди.

– Қараб кўр, қуроли йўқмикан, – буйруқ берди менга нотаниш одам.

Вонг чап қўли билан ёнларимни ковлаб, тўппончамни олиб қўйди. Мен қаршимда нақ Фрэнк Беллингнинг шахсан ўзи турибди, деган қарорга келдим. Йўқса, бунақа тўполонлар бўлмаган бўларди.

– Сиз Беллингмисиз? – деб сўрадим. – Мен сизни анчадан бери қидириб юрувдим.

– О, кей, мана, топдингиз ниҳоят. Лекин бу сиз учун яхшилик билан тугамайди.

Мен Вонгга қарадим. У кулиб турарди. Унинг бу табасум қилишидан менда Гонконгда ҳамма фоҳишалар ҳам, қўшмачилар ҳам, қотиллар ҳам, гиёҳванд модда билан савдо қилувчилар ҳам – ҳамма-ҳамма мана шундай кулиб тураверса керак, деган шубҳа уйғонди.

– Демак, бу тузоқ экан-да, – дедим астойдил. – Сиз мени аэропортда махсус кутиб турган экансиз-да... Менинг бу ерга келишим ҳақида ким сизга маълумот берган эди.

Вонг хихилаб кулди.

– Бизнинг маълумот оладиган ўз манбамиз бор, мистер Райан. Ҳамма нарсага қизиқувчан бўлиш яхшимас. Сиз бу ерга бекор келгансиз.

– Шунга қарамасдан, мана келдим. Ўзим шунақа қизиқувчан бўлсам нимаям қила олардим. Менга қандай айб қўйманг, бу менинг касбим.

– Сизга нима керак ўзи? – деб сўради Беллинг.

– Мен Жоян Жефферсоннинг қотилини топмоқчиман, уни қидиришни худди мана шу ердан бошладим.

Унинг кўзлари ғазабдан йилтираб кетди.

– Жоян ўлгани ростми?

– Ҳа.

У бошидан шапкасини олиб отиб юборди. Унинг тароқ кўрмаган малла кир сочи олинмаганига анча бўлган. Беллинг патак бўлиб кетган сочларини кир бармоқлари билан таради-да, лабини тишлаб қолди.

– Унга нима бўлди? Қандай ўлдирилганини айтиб беринг.

Мен унга Жон Хардвик деган нотаниш кимсанинг хонамдан чиқариш учун қўнғироқ қилиб, алдаб узоққа юборганини, келиб қарасам, Жояннинг ўлиб ётганини кўрганимни батафсил гапириб бердим. Кейин қари Жефферсон қотилни бу

ердан қидириб топиш учун мени юборганини рўй-рост гапириб бердим.

– Полиция нима иш қияпти? Нима, уларнинг ўзлари бунни топишга қодир эмасми?

– Улар калаванинг учини топишолмади, мен ҳам. Мана шунинг учун сизни излаб келгандим.

Унинг захил башарасидан тер чиқди. У менга ғазаб ва кўрқув аралаш қаради.

– Сиз менга Жефферсон ҳақида билганларингизни гапириб бера оласизми? У гиёҳванд моддаларни ташувчи ташкилотга аъзосиди? — дедим.

– Мен Жефферсон ҳақида ҳеч нимани билмайман. Бировларнинг ишига тумшуғингизни тикманг. Энди эса, жўнаб қолинг! Жефферсон ўлган, уни тинч қўйинг. Йўқолинг бу ердан! Имилламанг!

Мен хушёр бўлишим керак эди, лекин кўрган-эшитганларимга шу қадар берилиб кетган эдимки, энди бунинг жазосини тортаётган эдим. Беллинг ёнбошим оралаб Вонга қараганини сезиб қолдим. Мен орқамга ўгирилишим билан Вонг қорнимга тўппончанинг учини зарб билан тикиб олди. Мен оғриқдан эгилиб қолган эдим, устига-устак тўппончанинг дастаси билан миямга яхшилаб туширди.

Ўзимга келиб тепамда кимнингдир овозини элас-элас эшитдим.

– Фрэнк Беллинг инглиз-а, тўғрими?

Бошқа овоз жавоб берди.

– Ҳа, инглиз.

“Миямдан зарба еганим учун бу галлюцинация — кўзимга кўринаётгандир, эҳтимол... Лекин содир бўлаётган ҳодиса кўзга кўринаётганга ўхшашаяпти. Ўзини Беллинг деб таништираган ифлос нусха кучли америка талаффузида гапирди. Балки инглизнинг галаффузи шунақамикан ўзи... Бўлиши мумкин эмас...” Тўсатдан бошимда турган қаттиқ оғриқ фикримни чалғитди-ю, интраган ўз овозимни эшитдим. Овозим худди узоқ-узоқдан келаётганга ўхшарди.

“Кўрқма, бўпти, — деб қўйдим ўзимга-ўзим. — Сенга ҳеч нарса қилишмади. Сенинг ишингда бундай ҳолатларни ҳамма вақт кутиш мумкин. Тирик қолибсанми, омадинг бор экан”. Кўзимни очиб ҳеч нимани кўрмадим, қоп-қоронғи. Таниш

бўлган ҳиддан билдимки, Вонг тўппончасининг учини қорнимга тиқиб олган хонада ётибман. Оғриқдан башарам буришиб туриб ўтирдиму бошимда пайдо бўлган ёнғоқдек ғуррани силаб қўйдим. Бир неча дақиқа ўтириб, фикримни жамлаб куч тўпладим, кейин ўрнимдан турдим. Эшик шундоққина ёнгинамда экан. Пайпаслаб эшикни очдим. Майдончадаги хира нур қоронғиликдан кейин кўзимни қамаштирган эди, юмиб олдим. Эшик олдида туриб, атрофга кулоқ тутдим, ёруғликка кўзимни ўргатиб бирмунча вақт туриб қолдим. Пастдан ғўнғир-ғўнғир эркакларнинг овози эшитиларди. Соатга қарасам, ўн иккидан беш дақиқа ўтибди. Демак, мен ҳушдан кетиб ярим соатлар атрофида ётибман-да... Бу муддатда Вонг билан Беллинг манави ёвузлик ўчоғидан аллақачон қочиб яшириниб олишга улгуришган. Зинадан тушарканман, кимларнингдир тақир-туқур оёқ товушларини эшитдим. Беихтиёр қўлимни костюмнинг ичига тикдим, лекин қўлимга ҳеч нарса илинмади. Ўткир нур кўзимни қамаштирди.

– Бу ерда нима қиялпсиз? – деган таниш шотландча талаффузда гапирган овозни эшитдим. Зинадан сержант Хэмиш ва унинг кетидан хитой полициячиси кўтарилиб келарди. – Пастқам жойларни ўрганиб чиқяпман, – дедим хотиржам бўлиб. – Сизлар-чи?

– Одамлар сизнинг бу ерга кириб кетганингизни кўришган экан, – деди Хэмиш. – Бу ерларда нималар қилиб юганингиз билан қизиқдим.

– Озгина кечикдингиз. Фрэнк Беллинг билан озгина жанжаллашиб олдим.

– Ким билан?! – У хайратдан тонг қотиб менга тикилди. – У қаерда?

– Билишимча, қочиб кетди. – Мен ғуррамни силаб қўйдим. – Хитой дўсти Фрэнк билан ишонч ёрликларини алмашгунимизча тушириб қолди.

Сержант чироқчаси билан гарданимни ёритди-ю, ҳуштак чалиб юборди.

– Нимаям дердим, бунга ўзингизга ўзингиз тилаб олибсиз.

– Чироқингизни бошқа томонга олинг, унинг нуридан бошим айланиб кетяпти.

У ёнимдан ўтиб хонамга кирди, кейин чироқчасининг нури билан хонанинг ҳаммаёғини қараб чиқди. Табиий, хонада ҳеч нима йўқ эди.

– Кетдик. Бош инспекторнинг сиз билан гаплашиши ма-  
роқли бўлади.

– У Шухай Тон деган қиз билан ҳам гурунг қилса, роса  
маза қилади, – деб кулиб қўйдим. – Ҳозироқ унга одам жўнат-  
са соз бўларди. Назаримда, у ҳам биз учун совға тайёрлаб  
қўйган бўлса керак.

– Унинг Беллингга нима алоқаси бор?

– Мени бу ерга у бошлаб келди. Шошилинг, биродар,  
бўлмаса кеч қолишингиз мумкин.

Хэмиш полициячига нимадир деган эди, у югуриб пастга  
тушиб кетди.

Ярим соатдан кейин оролга қайтиб келиб полициячилар-  
нинг бошлиғи билан гаплашиш бахтига муяссар бўлдим.  
Афтидан, уни тўшакдан турғизиб олиб келишган бўлса керак,  
чунки Маккартининг ковоғидан қор ёғиб турарди.

Бошим ҳалиям зирқираб оғрирди. Бир пиёла иссиқ чой  
ичганимдан кейин ўзимни анча тетик ҳис қила бошладим.  
Хэмиш деворга суяниб олганча чўп билан тишларини тоза-  
лар, бўшлиққа маъносиз тикилиб олганди. Маккарти оғзи-  
дан қўймайдиган трубкасини тинимсиз тортарди.

Мен унга Шухай Тон билан орамизда бўлиб ўтган суҳ-  
батни ва у Жояннинг ўлганини эшитиб қандай талвасага  
тушганини батафсил гапириб бердим.

– Назаримда, у бу янгиликни ўз дўстлари билан ўртоқ-  
лашмоқчи бўлди, – давом этдим. – Уни кўчада кутиб туриб  
орқасидан изма-из келдим.

Шундан кейин бу оқшом содир бўлган омадсизликни ипи-  
дан-игнасиғача муфассал гапириб бердим.

Узоқ сукутдан кейин Маккарти:

– Сиз тўғри бизнинг олдимизга келишингиз керак эди, –  
деди.

Унинг бу танбеҳига жавоб бермадим. У эса, мендан олган  
маълумотни узоқ вақт ўйлаб жим бўлиб қолди. Кейин теле-  
фон жиринглаб қолди. У гўшакни кўтариб эшитиб турди-да:

– Кузатувни давом эттиринг. Қиз менга керак, – деди.

– Қиз ҳали уйига келмабди, – деди у. – Бироқ бизнинг  
одам уйини кузатувга олган, уни албатта излаб топамиз.

– У уйда ўтириб полициянинг қидириб келишини кутиб  
ўтиришига ишонмайман. Агар мурдасини Лайлога ўхшаб то-

пишса, бу мени ажаблантирмайди. Сизда Беллингнинг сурати борми? – деб сўрадим ундан. – Назаримда, мен у билан гаплашгандекман. Бу йигит америкаликларга ўхшаб гапирди.

Маккарти стол ғаладонидан семизгина папкани олди. Папкани кўриб, “Маккарти Беллинг ҳақида анча вақтдан буён маълумот тўплаб юрган ва уни тинимсиз кузатган экан-да. Менга эса билганларининг бир четини айтиб берибди”, деган фикрга бордим. Бош инспектор папканинг ичидан бир суратни чиқариб олдимга ташлади. Суратга қараб эгим жимирашиб кетди. Бу менга Жейн Уэйт берган ва Жояннинг чамадони ичидан чиққан суратнинг ўзгинаси эди. Бу ўша — Жейн шафқатсиз, тошбағир деб айтган Герман Жефферсоннинг ўзи эди.

– Сиз унинг Беллингига ишонасизми? – деб сўрадим.

Маккарти гапимни тушунмагандай, менга қаради.

– Полиция маҳкамасида олинган сурат. Уни қидирув эълон қилганимизда ҳамма газеталарга жўнатганмиз. Шундай экан, шубҳасиз, бу Фрэнк Беллинг.

– Мен гарчанд у ўзини Беллинг деб таништирган бўлса ҳам... бу одам билан гаплашганим йўқ.

Маккарти чойини ичиб бўлиб, трубкасига яна махорка тика бошлади. Қўли тез-тез ҳаракат қилишидан билдимки, унинг мендан жаҳли чиққан.

– Унда ким билан гаплашган бўласиз?

– Сиз ўзингиз бирон пайт Жефферсон билан учрашганмисиз?

– Ҳа... нимайди?

– Сизда унинг сурати борми?

– Йўқ... У ахир Америка фуқароси-ку.

– Унинг қиёфасини тасвирлаб бера оласизми?

– Ориқ, юзлари ўхшовсиз, сочи сийрак, малла.

– Тўппа-тўғри. Бир соат муқаддам мен суҳбатлашган нуса худди ўшанинг ўзи эди! Жин урсин! Мен аслида Герман билан гаплашган эканман-ку!

Орага узоқ сукунат чўкди. Кейин Маккарти:

– Жефферсон ўлган, жасадини самолётга солиб, Америкага жўнатганмиз, – деди.

– Жефферсон тирик! Ҳар ҳолда бир соат бурун ҳам тирик эди.

– Мурда машинада шу даражада куйиб кетгандики, уни таниб олишнинг иложи бўлмади. Лекин хотини қўлидаги узуги ва портсигаридан таниди. Шундан кейин унинг Жефферсон эмаслигини асослаб ўтиришга ҳожат қолмади, – деди Маккарти худди бу гапга ўзиниям ишонтирмоқчи бўлаётгандай қиёфада.

– Агар бу Жефферсон бўлмаса, унда ким бўлиши мумкин? – деб сўрадим.

– Нима учун буни мендан сўраяпсиз? – ажабланди Маккарти. – Ҳали бизда Жефферсон тирик дейишимизга ҳеч қандай далил йўқ.

– Баланд бўйли, кўккўз, сочлари сийрак, лаблари юпқа эркак, – дедим мен бир оз ўйланқираб. Кейин қўшиб қўйдим. – Ўнг қўлининг жимжилоғи қийшиқ. Бир вақтлар бармоғини синдириб қўйган-у, кейин у қийшайиб тузалган бўлса керак.

– Бу ўша Жефферсоннинг ўзи, – деб юборди шу вақтгача миқ этмай ўтирган Хэмиш. – Ўзим кўрганман, унинг битта бармоғи қийшиқ эди.

– Унда Америкага кимни жўнатиб юборган бўламиз?

– Менимча, Фрэнк Беллингнинг мурдасини, – деб жавоб бердим. – Унда нима учун Жефферсон ўзини менга Беллинг деб ишонтиришга уринди? Унга бу нима учун зарур бўлиб қолибди? – Бошимдаги ғуррани ушлаб кўриб юзим буришиб кетди. – Агар қарши бўлмасангиз мен уйга қайтаман. Бўлмаса худди устимдан машина юриб ўтиб кетгандек ҳис қиляпман.

– Кўринишингиздан бундан фарқ қилмайсиз, – менга ҳамдардлик билдирди Маккарти. – Вонгнинг қиёфасини тасвирлаб беринг.

– Пакана, семиз, оғзи тўла тилла тиш. Кўриниши бошқа хитойликлардан мутлақо фарқ қилмайди.

– Тўғри, – дея фикримга қўшилди Маккарти ҳомузасини босиб. – Бизларни улар ҳам бир-биримиздан ажратиб ололмагандек, бизлар ҳам уларни ажрата олмаймиз. – У Хэмишга ўгирилди. – Одамларни олиб бутун ён атрофни титкиланг. Кўрамиз, Жефферсонни топа олармикимиз. Қўлга туширишимизга кўзим етмайди-ю, лекин ётиб қолгунча отиб қол, деганлар. – Кейин у менга ўгирилди. – О кей, Райан. Уйга қайтаверишингиз ҳам мумкин энди. Бу ёғига ўзимиз шуғулланамиз.

— Мен Хэмиш билан бирга хонадан чикдим.

— Жефферсонни кидириш дарёдан игна кидиргандек гап, — Хэмишнинг аччиғи чикди. — Хеч ким хеч нимани билмайди, ҳамма бир-бирини яширгани яширган.

— Кўнглингиз чўкмасин, — дедим кескин қилиб. — Жилла курса, банд бўладиган юмушингиз бор-ку, ахир.

Машинага ўтириб меҳмонхонага жўнадим. Ўзимни бир зумда қариб қолгандек, калтаклаб ташлангандек сеза бошладим. Навбатчи менга калитни тутқазди. Эшикни очиб ичкари кирдим, чироқни ёқиб курткамни ечдим. Кондиционер шарофати билан хона салқин эди. Ёлғиз истагим тезроқ душга тушиб каравотга чўзилиш. Лекин истагим амалга ошмади. Пардани суриб ётоқхонага кирсам каравотимда бир аёл ётибди. Бу Стелла Энрайт эди. Эғнида тилла суви юритилган қора кўйлак. Туфлиси каравот ёнида турибди, келиб унга тикилиб қолдим. Бир зум ўлиб қолмаганимкин деган хаёлга ҳам бордим, кейин қарасам, ухлаб ётган экан. Бошим оғриқдан ёрилиб кетай дерди, қандай қилиб менинг хонамга кириб олганини ўйлаб ўйимга етолмадим. Худди менинг келганимни ҳис қилгандек, Стелла кўзини очди, кейин оёқларини қисиб ўтириб олди.

— Уэр, — деди у табассум қилиб. — Сизни кута-кута ухлаб қолганимни сезмабман.

— Наҳотки узоқ кутган бўлсангиз? — деб сўрадим бирон нима демоқчи бўлиб.

Ўзимни юмшоқ курсига ташлаб, туфлисини кийиб олишини чидам билан кутдим. У сочларини тузатди, кейин меҳмонхонага кирди, ортидан мен ҳам кирдим.

— Соат ўндан буён шу ерда ўтирибман, — тушунтирди у. — Нега пристанга келмаганингиз учун сиздан хавотир олдим. Бунинг сабабини билиш учун келишга қарор қилдим. Нима бўлди? Сиз деб кемадан қолиб кетишимга бир баҳя қолди.

— Ушланиб қолдим, — деб жавоб бердим пичоқ ушлаган хитой, милтиқли киши унинг шериги эканлигини ўйлаб туриб. — Энди мен сиздан баъзи бир нарсаларни сўраб олмоқчиман. Мени шаршарали оролга таклиф қилиш фикри сиздан чиққанмиди?

Стелла юмшоқ курсининг четига ўтириб, менга қараб олди.

— Нимани назарда тутяпсиз?



– Ҳеч нимани... шундай, қизиқсиниб сўраяпман, бу ўзингиздан чиққан фикрми, ё сизга биров маслаҳат бердими?

У қовоғини солиб менга қаради.

– Эсимда йўқ... бунинг аҳамияти борми? Умуман, акам икковингиз ҳам ёлғизсизлар, бир айланиб келинглар, деган эди.

– У ростдан ҳам акангизми?

Стелла саросималаниб кўзини олиб қочди.

– Жуда қизиқ саволларни беряпсиз-да.

– Сизлар бир-бирингизга ўхшамайсизлар, – деб тушунтирдим. – Ундан ташқари, шундай гўзал қиз акаси билан бирга яшаши менга ғалати туюляпти.

Мен унинг бирон нима дейиш учун иккиланиб турганини сездим. Кейин бошини силкиди.

– У менинг акам эмас. Танишганимизга атиги икки ой бўлди.

Мен ётмоқчи бўлган фикримдан қайтдим. Сигарет қутисини чиқариб унга тутдим. Биз чекишдик, Стелла юмшоқ курсининг ён тирсагида ўтириб чарчади, ўрнидан туриб ўриндикқа ўтди-да, чуқур нафас олиб кўзини юмди.

– Биз Сингапурда учрашгандик. Мен тунги клубда рақсга тушардим. Кейин мени Нью-Йоркка таклиф қилишди, мен аҳмоқ бўлиб бунга кўниб ўтирибман. Тез орада тунги клубни ёпишди. Шундай қилиб, мен ўз ҳақимни ололмай қолдим. Шунда Гарри билан танишиб қолдим. У менинг чиқишларимни бир неча бор кўрган эди. Кейин ўзининг уйига кўчиб ўтишимни таклиф қила бошлади. Бой, ўзи ёқимли... таклифига рози бўлдим. Бу оғир даврлар эди. Кейин ҳар хил ғийбат гаплар тарқалиб кетди... – У кўзини очиб, тугаб бораётган сигаретнинг учига қаради. – Уйга кетгим келди, лекин кетишим учун пулим йўқ эди. Гарри мени қўйворгиси келмади, шу йўсинда бу ерга келиб қолдим. У менга сохта паспорт тўғрилаб берди. Келиб Фаннинг вилласида ака-сингил сифатида қўним топдик. – У менга қаради. – Сиз менга пул қарз бериб туролмайсизми? Бир неча ойдан кейин қайтараман.

– Сохта паспортни қандай қилиб олди?

У калласини силкиди.

– Билмайман... қизиқиб кўрмадим. Қарзга пул бериб турунг ёки истасангиз, иккаламиз саёҳат қилишимиз мумкин. У ясама

табассум қилди, билиб турибманки, нимадандир чўчияпти. – Нимани назарда тутаётганимни сезяпсизми? Пулнинг ўрнига...

– Стелла бирдан ҳушёр тортди.

– Бу ерга ҳеч кимни киргизманг, – деди у. Унинг овози қалтирарди. – Мени сизнинг хонангизда кўриб қолишларини истамайман.

– Йўлак навбатчиси барибир билади – ахир сизни бу ерга ўша киргизган-ку.

– Йўқ, уямас. Хонангизнинг рақамини билардим. Калитни доскадан ўзим олганман. У ерда иккита калит осиглиқ турарди.

Бошим баттар оғриб кетди.

– Нимадан кўрқяпсиз?

У сал бўлса-да бўшашди, лекин кўзларимиз тўқнаш келишидан кўзини олиб қочарди.

– Мен кўрқяпман. Кетгим келяпти. Уйга кетаман.

– Нега энди тез кетадиган бўлиб қолдингиз?

– Ҳадеб савол бераверасизми? Пул берасизми? Агар пул беришга ваъда берсангиз бағрингизга кираман. Хоҳласангиз ҳозироқ.

– Агар Гарри Энрайт ҳақида бор ҳақиқатни айтиб берсангиз, албатта пул бераман.

Аёл иккиланиб қолди.

– Тўғриси айтсам, у ҳақда кўп нарсани билмайман. У, нима десам экан, ҳаётдан тўйган эркин қуш.

Менинг жаҳлим чиқди.

– Наҳотки? Нимаям дердик, айтадиган гапингиз шу бўлса, пулимиз чўнтагимизда қолаверади, – ўрнимдан туриб телефонга бордим. – Виски буюраман, ётиб ухлайман... Бир ўзим. Сиз эса, официант аёл келгунча бу ердан чиқиб кетишингиз керак.

– Йўқ... шошмай туринг!

Мен хона хизматкорини чақириб, виски буюрдим. Гўшакни қўйганимда Стелла:

– Агар сиз ростдан ҳам пул берсангиз, сизга бор ҳақиқатни айтиб бераман, – деди.

– Мен доим сўзимнинг устидан чиққанман.

– Менимча, у гиёҳванд моддалар контрабандаси билан шуғулланади, – деди Стелла асабий равишда қўлларини ковуштириб.

– Нега бундай деб ўйлаяпсиз?

– Кечалари унинг олдига аллақандай одамлар келишади. Сингапурда кемалар устахонасида денгизчилар билан учрашиб юрди. Бир куни нимаям бўлиб полиция бизнинг бунгалони тафтиш қилди, лекин ҳеч нима тополмади. Ўйлашимча, у молни уйда сақламайди. Уни олиши билан мотор қайиқда бир ёққа жўнатиб юборади.

Эшик аста тақиллади.

– Бу официант, – дедим. – Ётоқхонага кириб жимгина ўтиринг.

Стелла ётоқхонага кириб эшикни беркитиб олди. Бориб официантни ичкари киргизмоқчи бўлдим. Эшикни очиб қарасам, не кўз билан кўрайки, унинг ўрнида Гарри Энрайт турар, қўлида ўтгиз саккизинчи калибрли тўппонча совуқ ялтирарди.

– Оғайни, шовқин солма, – огоҳлантирди у. – Нарн тур, тентаклик қилма.

Ўзимни орқага олишимга тўғри келди.

– Умидвор бўлиб эшикка кўз тикма, – деди Энрайт. – Официантни ичкилик ичкиси келмай қолибди, бор, кетавер, деб қайтариб юбордим.

– Ўтирсам бўладими? – деб сўрадим.

– Албатта.

Юмшоқ курсига ўтирганимдан кейин, унга росмана қардим. Лабларида қандайдир тиржайиш қотган, совуқ кўзлари эҳтиёткорлик билан алангларди. Қўлида тўппончани маҳкам ушлаганча, уни бошимга тўғрилади.

– Айёр экансан. Ҳатто, шайтонга дарс берадиган даражада айёрлигингни ўзинг ҳам тасаввур қилолмайсан. Мен уч ҳафта ўлиб-тирилиб ишлаб қилолмаган ишимни бир кунда дўндириб бажардинг.

– Нимани бажарибман асли?

– Жефферсонни топдинг. Мен уни ҳолдан тойгунча излаб тополмагандим... Қара-я, сени менинг буйруғим билан у дунёга жўнатишларига бир баҳя қолганди. Сен эса,

уни нақ худди биз буюргандек чангалимизга тушириб бердинг.

– Мен сизларнинг орқангиздан кузатганим йўқ, – дедим. Пешонамга тўппончангизни тираманг. Бусиз ҳам бугунги куним жуда қийин ўтди.

Энрайт тўппончасига пешонамни нишон қилганча нари кетди ва Стелла ўтирган юмшоқ курсига чўкди.

– Агар ўзингни яхши тутсанг, тўппончадан фойдаланишга ҳожат қолмайди. Қани, сен анави полиция исковичларига нима дединг? Вилла билан қизиқиб қолган дақиқангдан бошлаб одамларимиз кетингга тушган. Сув велосипедида сузиб юрганингдаёқ буни сезгандим. Ўша дақиқадан бошлаб сендан кўз узмаганмиз.

– Биз деганингиз кимлар? Гиёҳванд моддаларни контрабанда йўли билан ташувчи ташкилотми?

– Худди шундай. Бу – жуда катта иш. Сен учун бу жуда катта иш. Сени ўлдириш учун анови иккитасини юборганимни эсласам, баданимдан совуқ тер чиқиб кетади. Бу менинг хатоим бўлган экан. Сени ўз ҳолингга қўйиб қўйишим керак эди. Сен Жефферсонни қидириб келганингни қаердан билай, туш кўрибманми.

– Мен уни кидирганим йўқ... У ўлган, деб ўйлагандим.

– Бизлар ҳам шундай деб ўйлаган эдик. У ҳаммамизни доғда қолдирди. Биз Беллингни тутмоқчи эдик. Кейин сен пайдо бўлдинг ва бизга Жефферсонни олиб келдинг.

– Демак, уни топибсизлар-да? – деб сўрадим, бу вақтда Стелла нима билан машғул бўлаётганини ўйлаб.

– Ҳа, биз уни топдик, – у жаҳл билан тиржайди. – Вонг-нияям топдик. Илгари у бизнинг гуруҳга аъзо эди. Кейин Жефферсонга ўтиб кетди. Иккаласиям насибасини олади. Уларни денгиз ўз қаърига тортиб кетади.

– Шунчалик даҳшатли ўлим топишга лойиқ нима жиноят қилишганди улар?

– Сотқинларнинг жазоси шундай бўлади. Полицияга нималар дединг?

– Айтарли ҳеч нима. Улар илгари билмаган нарсаларни айтдим, холос.

У менга узоқ қараб турди, кейин ўрнидан қўлғолди.

– Ҳозир иккаламиз бир оз денгизда сайр қиламиз, суҳбатни ўша ерда давом эттирамиз. Фақат аҳмоқлик қилма – ташқарида тўртта одамим бор. Қўлларида ханжар, керак бўлса қирқ футдан туриб мўлжалга ура олишади.

– Суҳбатлашганимиздан кейин нима бўлади?

У кулиб қўйди.

– Кейин биласан. Йўлакдагидан умидвор бўлма. Агар тирик қолишни хоҳласанг ҳеч нарса билмагандай хотиржам юр.

Энрайт тўппончасини чўнтагига солди, лекин сопини қўлдан қўйвормади.

– Пастга туш, – буюрди у. – Мен орқангдан юраман.

Мен даҳлизга тушдим. Даҳлизда фақат икки киши ўриндикда ўтирарди. Улардан бири – сержант Хэмиш, иккинчиси мен полиция бошқармасида кўрган унинг ёрдамчиси. Улар бизни кўриши билан ўқ овози янгради-ю, ўзимни ерга отдим. Ерда ётарканман, тепамда бир фурсат ўқ овозлари янгради. Бир пайт Хэмишнинг:

– Туришинг мумкин, – деган овози эшитилди.

Мен ёнимга ўнгарилиб унга қарадим-да, ўрнимдан турдим. Энрайт чалқанча ётар, юзидан қон оқар, курткасининг чўнтагидан тутун чиқиб турарди. У ўлдирилганди.

– Уни тириклайин қўлга олиш керак эди, – дедим.

– Агар мен ўлдирмаганимда, у сизни ўлдирган бўларди, – деди Хэмиш эътиборсизлик билан. – Балки, сизга қўшиб мени ҳам у дунёга жўнатарди. Ахир бу ерда ёлғиз ўзи эмасди-ку.

– Ҳа, улар тўрт киши эди. Йўлакда турган ҳам унинг одами эди.

Хэмиш хотиржам қўлини силкиб қўйди.

– Уларнинг ҳаммасини қўлга олдик. Бизга телефон қилган аёл ким?

Мен ҳеч нарсани тушунмай унга қарадим.

– Аёл телефон қилдими?

– Агар биров телефон қилмаган бўлса, бу ёққа қандай қилиб келган бўлардим? – асабийлашиб сўради у. – Бизга бир аёл қўнғирок қилди. Ким у?

– Билмайман, – деб жавоб бердим. – Эҳтимол, менга хушомад қилиб юрган аёллардан бири бўлса керак.

Олтита хитой полициячиси даҳлизга отилиб кириб келишди. Хэмиш улар билан қисқа суҳбат қилиб, кейин менга ўгирилди:

– Кетдик, – деди у. – Сиз бошлиғимиз билан гаплашишингиз керак.

Полициячилар Энрайтнинг жасадини олиб чиққунча, меҳмонхонадан чиқиб бизни кутиб турган жипга ўтирдик.

Мен Маккартининг қабул қилишини кутиб уч соатдан ортик ўтирдим, ҳатто стулда чўзилиб озгина мизғиб ҳам олдим. Соат тўртларга яқин ҳориб-чарчаган Хэмиш мени туртиб уйғотди.

– Юр, – деди у.

Мен туриб ўтирдим.

– Бу сафар у менга қандай совға тайёрлаб қўйганикин?

– Бош инспектор сиз билан гаплашмоқчи. Нима, сиз бу ерда бир ўзингиз ухламоқчи бўлмоқчимидингиз?

Маккарти трубкасидан тутун бурқситиб ўтирар, олдида ичилмаган бир пиёла чой. Навбатчи офицер менга ҳам чой келтириб қўйди. Хэмиш ҳомузасини босиб деворга суялди.

– Денгиз полицияси Энрайтнинг моторли қайиғида қочишга уринган бир одамни қўлга олибди, – деди Маккарти. – Анча овора қилибди. Кейин қайик бўлиниб кетибди.

– Америкалик эканми?

– Кантондан келган хитойлик экан... Бу одамнинг сизга фойдаси тегиб қолиши мумкин деб ўйладим. Сиз, ахир Жефферсон иши билан банд бўлиб юрибсиз-ку.

– Раҳмат. Жефферсонни топдингизларми?

– Бир ярим соат олдин уни кўрфаздан топдик, – деди Маккарти. Кейин пешонасини тириштирди. – Гаров ўйнайман, у қийнамай бир зумда ўлдириб қўя қолишларини хоҳлаган. Ўлдиришларидан олдин жиддий гаплашишган. Бу ишлар энди ойдинлашяпти. Мен уни шундай тасаввур қиялман: Жефферсон Гонконгга келгандан кейин Жояннинг даромади ҳисобига яшаган. Фрэнк Беллинг билан танишгач, контрабанда билан шуғулланган. Беллинг Рипали-бей вилласида яшаган. Бу вилла контрабанда билан шуғулланиш учун жуда қулай. У ҳамма томондан сув билан ажралган, ўз тезюрар моторли қайиғига ва кўрфазига эга. Лекин вазият ўзгарган... Биз Беллингнинг изига тушдик, ҳатто уни ҳибсга олиш учун ордер ҳам олдик. Уни ҳеч қаёққа кетмаслиги учун огоҳлантирдим. У кўздан ғойиб бўлиб, излар босилгунча Кантонда яшаб туришга қарор қилади. Жефферсон эса, унинг ўрнини эгаллайди ва виллага кўчиб ўтади. Орадан бир оз

вақт ўтиб гиёҳванд моддаларнинг катта партиясини Гонконгга жўнатиш керак бўлиб қолади. Беллинг эса, Жефферсонни бундан огоҳлантириш учун яширинча виллага келади. Бунча героин жуда катта бойлик эди. Жефферсоннинг бунча бойликни эшитиб нияти бузилади – бойиб кетишни хаёл қилади-да, уни ўғирламоқчи бўлади. Тўғри, Жефферсон гиёҳванд моддалар бозорини яхши билмас, бунинг устига Беллингнинг ўч олишидан хавфсирарди. Шундан кейин омад унга кулиб боқади. Героин келиб тушади, уни виллага яширишади. Жефферсон билан Беллинг Лекупасдаги жўнатиш пунктига йўл олишади. Йўлда катта тезликда кетаётган машина ағдарилиб кетади-ю, Беллинг ҳалок бўлади. Жефферсон бу қулай имкониятдан фойдаланиб қолмоқчи бўлади. Беллингнинг бармоғига ўзининг узугини тақади, чўнтагига портсигарини солиб қўяди. Кейин машинани ёқиб юборади. Ҳалокат катта йўлнинг саҳро қисмида эрталаб соат тўртда содир бўлган ва Жефферсонни ҳеч ким кўрмаган. Жефферсон ўғирланган велосипедда виллага қайтиб келади, сўнгра героинни “Само салтанати” меҳмонхонасига олиб кетади. Ўзи хотинини эрининг жасадини танишга кўндиради, кейин эса Коолумдан хитойлар яшайдиган даҳага яшириниб олади.

– Нима сабабдан бундай қилади?

– Шошганидан, калласига иложи борича ғойиб бўлиш фикри келади. Лекин тез орада бу қилиғидан панд еб қолишини тушуниб қолади. Уларнинг ташкилоти жуда шафқатсиз, ўч олмасдан қўймасди. Бахтсиз ҳодиса ҳақидаги мишмиш ташкилотнинг қулоғига етади-ю, героин ғойиб бўлади. Табиий, бу ишларда Беллингнинг қўли бор деган қарорга келишади ва уни зўр бериб қидира бошлашади. Шундан кейин Жефферсон озгина хотиржам бўлади. Беллингни қидиришаётган паллада у ҳар қандай шубҳадан холи бўлади. Лекин у Гонконгдан қочиб кетиши керак эди, аммо бунинг учун ҳеч қандай имконият тополмайди. Уни ҳалок бўлган деб ҳисоблашарди, қалбаки паспортни эса уудалай олмайди.

– Героин нима бўлди? – дея сўрадим.

Маккарти ковоғини солди.

– Уни ҳечам тополмасак керак. Тўғрироғи, роса кийноққа солиб уни қаерга яширганини айтиб беришга мажбур қилишган.

– Германнинг сохта жасадини Жоян қандай қилиб Америкага олиб кетгани менга ғалати туюляпти.

– Шундай қилмаса, Гонконгдан қандай қилиб қочиб кета оларди? – тушунтирди Маккарти. – Унинг пули йўқ эди, бор пулиниям қариядан олиб турарди.

– Бу ишларга Вонгнинг нима алоқаси бор?

– Гап шундаки, у аввало Беллингнинг тўдасида бўлган, кейин Жефферсонга қўшилган.

– У мени аэропортда кутиб олган эди. Менинг бу ерга келишимни у қаердан билган? Бу ҳақда унга ким хабар берган? Мен ундан тилмоч сифатида фойдаланганимда ўзини жуда ишончли тутган эди. Афтидан, унинг мақсади мени иложи борича Жефферсондан узоқ тутиш бўлган экан-да. У бунинг уддасидан чиқди. Агар Энрайт хато қилмаганда, мен ҳеч қачон бу жиноятнинг тагига етолмаган бўларканман.

– Жефферсоннинг ҳақиқий жасадини энди нима қиламиз?

– Уни Америкага жўнатиш керак деб ўйлайман. Консулхонага кираман-да зарур бўладиган ишончнома ҳужжатларни тўғрилайман. Вонгнинг ҳам жасади топилдими?

– Қидиряпмиз. Айтмоқчи. Силвермайбеяда отиб ташланган хитойнинг шахси ҳақида сизга ҳеч нима аниқмасми? У Ли Элфилд тизимидаги милтиқ билан отиб ташланган. Ахир сиз у ерда бўлганмидингиз?

– Наҳотки шундай бўлса? Уруш вақтларидан буён Ли Энфилд милтиғига ишим тушмаган.

– Мен уни сиз отгансиз деган хаёлдан йироқман. Лекин сиз ўша ерда бўлгандингиз-ку.

– У ердаги шаршарани томоша қилиб юрувдим.

– Худди ўша ердан биз жасадни топганмиз.

– Жуда ғалати.

– Ўқ овозини эшитмадингизми? – Маккарти менга тикилиб қараб турди, кейин елкасини қисиб қўйди. – Умуман олганда, агар сиз ўқ овозини эшитганингизда, албатта, бизга хабар берган бўлардингиз.

– Ҳа, албатта..

Орага жимлик чўкди.

– Энрайтнинг синглиси бор. Чиройли аёл, – деди Маккарти. – Билмайсизми, у ҳозир қаерда экан?



– Эҳтимол, виллададир. Мен ҳам ётишни орзу қиладиган тўшақда ётган бўлса керак.

– Биз текширдик, у ерда аёл йўқ? Сўнгги бор уни қачон кўргандингиз?

– Силвермайбейга келаётганимда кемада кўргандим. Ўзининг собиқ қария оқсочига озиқ-овқат олиб келаётган эди.

– Шундан буён ҳам кўрганингиз йўқми?

– Бу... сизга нима десам экан-а...

– Менимча, худди шу аёл Энрайт сизни отмоқчи бўлганда бизга маълум қилган.

Маккарти бирдан кулиб қўйди.

– Қўйинг, Райан, биз ҳаммасини биламиз. Унинг исми Стелла Мэй Тэйсон. У Сингапурдаги тунги клубда раққосалик қилган. Энрайт билан танишиб қолиб, бу ерга келган. Унинг паспорти қалбаки.

– Хўш, хўш? – унга савол назари билан қарадим.

– Аёл қаердан қўнғироқ қилгани бизга маълум. У сизнинг хонангиздан туриб қўнғироқ қилган. Соат ўнларда у сизнинг хонангизга кирганини кўрган гувоҳлар бор. Назаримда, ҳозир ҳам ўша ерда.

– Эҳтимол... ҳар ҳолда, мен шундай бўлишига умид қиламан, – дедим эсанкираб. – У менинг ҳаётимни сақлаб қолди. Шундай бўлгандан кейин мен яхшиликка ёмонлик қилишим керакми?

– Полицияни ҳеч қачон алдамаслик керак, – деди Маккарти насиҳатомуз. – У бизга хавфли контрабандистлар гуруҳини тутиб беришга ёрдам берган экан, биз уни ўз ҳолига қўямиз. Айтиб қўйинг, унга бу ердан чиқиб кетиши учун йигирма тўрт соат вақт берамиз. Бу вақтда чиқиб кетолмаса, унга қарши баъзи чораларни қўллашимизга тўғри келади.

– Раҳмат. Гапларингизни унга етказаман. Ўзим ҳам йўлга ҳозирлик кўришим керак. Мен ҳали Жефферсоннинг хотинини ўлдирган қотилни топишим лозим. Менимча, қотил Пасадена-ситининг ўзида. Бу ерда аниқлаган ва қўлга киритган далиллар билан уни топишга, ўйлайманки, кучим етади. Энди кетаверсам бўладими?

- Ҳа, бўлади, – розилик билдирди Маккарти.
- Меҳмонхонага қайтаман-да, озгина ухлаб оламан.
- Ҳали-ҳануз аёл хонангизда бўлса, сизнинг ухлаб олишингизга кўзим етмайди. – Маккарти Ҳэмишга ўгирилди. – Уни меҳмонхонага олиб бориб қўйинг. Шошиб турибди.

Мен меҳмонхонага қуёш ботиш арафасида, тоғ чўққиларига алвон нурларини сочиб турганда етиб келдим, хонада чирок ёниқ эди. Стелла юмшоқ курсида мудраб ўтирарди. Мен кириб келганимда кўрққанидан сапчиб туриб кетди.

– Кўрқманг, – деб эшикни қулфладим. Энди бизга ҳеч ким халақит қилмайди.

– Мен ўқ овозини эшитиб, сизни ўлдириб қўйишди, деб роса кўрқиб кетдим.

Мен юмшоқ курсига ўзимни ташладим.

– Сиз менга жуда катта ёрдам бердингиз. Раҳмат.

– Сизга ёрдам бермоқчи бўлгандим, лекин у эшитиб қолади, деб роса кўрқдим.

– Сиз йигирма тўрт соат ичида Гонконгни тарк этишингиз керак. Йўл ҳақини мен тўлайман. Полиция сизга қаршилиқ қилмайди. Энг яхшиси, ўзингизнинг ҳақиқий паспортингиздан фойдаланинг. У ҳозир ёнингиздами?

– Ҳа. Гарри қани?

– Унинг омади чопмади. Полициячилар жуда мерган бўлишади. Бунинг учун унга энг мақбул йўл шу эди. У турма ҳаётига чидай олмас эди.

Стелла чўчиб тушди.

– Уни ўлдиришдими?

– Ҳа. Бир ўқ билан... Уйқум келяпти. Итдай чарчаганман. Ҳозир душга тушиб ён хонага кираман. Сиз каравотга ётинг. Менга диван ҳам бўлаверади.

Яхшилаб душга тушиб, бутун чарчоқларимдан холи бўлдим. Пижамани кийиб ваннадан чиқдим. Стелла ечинган ҳолда каравотда ётарди.

Биз бир-биримизга қараб қолдик. У менга қўлини чўзди...

Кўзимни очганимда у мени ҳали-ҳамон бағрига босиб ётарди.

## ТЎРТИНЧИ БЎЛИМ

Чор атрофимдаги ҳамма нарса... кулранг бўёкка бўялган йўлак, оёқ кийимларнинг тапир-тупури, каминаи камтаринга югурдакларнинг менсимай ўқдек совуқ тикилишлари, сассиқ тер ҳидлари, ваҳима аралаш юракни ларзага солувчи қўрқув — Гонконгда ўтказган кунларимдан мана шулар менга шу қадар таниш ва яқин хотира бўлиб қолди.

Лейтенант Ретникнинг эшиги олдига келиб аста тақиллатдим. Жавоб ўрнига бакириқ овозини эшитдим.

Мен эшик дастасини бураб ичкари кирдим. Ретник одатдагидай столда ялпайиб ўтириб олган, сержант Палски эса, деворга суянганча гугурт чўпини ғажирди. Улар иккаласи худди нариги дунёдан келиб қолгандай менга бақрайиб қолишди. Кейин Ретник шляпасини гарданига суриб, столга бир мушт туширди.

— Ким ташриф буюрганига бир қаранглар! — дея хайкириб юборди у хонада иккаласидан бошқа ҳеч ким бўлмаса ҳам. — Буни сюрприз деса бўлади. Келишингни олдинроқ билганимда фахрий қоровул саф торттирган бўлардим. Хитойлик фоҳишалар сенга маъқул келдими?

— Уларга вақтим бўлмади, — дедим ўтира туриб. — Иш билан банд бўлдим. Анави қотиллик ҳақида калаванинг учини топдингизми?

Ретник чўнтагидан портсигар чиқарди, ундан сигара олиб учини тишлаб ташлади-да, чекди. Сигарадан менга ҳам таклиф қилди.

— Хали тагига етмадик. Ўзинг бирон нима аниқладингми?

— Шундайроқ... ўзингиз-чи, ҳеч нима аниқладингизми?

У қовоғини уйди.

— Биз ҳалигача ўша Хардвикни кидириб юрибмиз. Ўзингизда қандай янгликлар бор?

— Жоян бу ерга Жефферсоннинг мурдасини олиб келмаган экан.

Бу янгилик Ретникни гарангсйтиб қўйди. Тутун томоғига уриб йўтал тутди, оғзидан сигарани ташлаб кир рўмолчасига бурнини қоқди, кейин юмшоқ ўриндикка суяниб шиллик кўзларини менга тикди.

— Менга қара, агар ёлғон гапираётган бўлсанг...

– Герман Жефферсонни бундан икки ҳафта бурун ўлдиришди, – дедим. – Унинг мурдасини Гонконг полицияси кўрфаздан топди. Жасад бу ерга ҳафтанинг охирида келади.

– Ё худойим-эй! Унда тобутдаги одам ким экан?

– Қандайдир Фрэнк Беллинг деган кимса. Британия фуқароси, гиёҳванд моддалар контрабандаси билан шуғулланувчилар билан алоқадор одам.

– Бу ҳақда Жефферсонга маълум қилдингми?

– Йўқ ҳали... Аввал бу ерга кириб ўтмоқчи бўлдим, кейин қариянинг олдига кираман.

Ретник беш панжаси билан гарданини қашиётган Палскига қаради. Кейин яна менга ўгирилди.

– Бор гапни айтиб бер, – деди. – Э, э... шошма, аввал баённома тузиб қўяйлик. – У гўшакни кўтариб стенографисткани чақирди. Хонага ёшгина югурдак йигитча кирди. У ёндафтарчасини очиб бир томонда турди-да, гапиришимни кутиб менга қаради.

– Бошла, – буюрди Ретник. – Тўла-тўқис ҳисобот бер. Ҳар бир сўзингни текшираман. Агар мени алдайдиган бўлсанг, ҳаромидан бўлгансан деб юртга эълон қиламан-да, онадан туғилганингга пушаймон қилдираман.

– Мен билан бунақа оҳангда гаплашманг, – дедим жаҳлим чиқиб. – Жефферсон сизни янчиб ташлаш учун анчадан буён қулай фурсатни кутиб юрибди. Агар битта қўнғироқ қилсам, оёғингиз осмондан бўлиб кетиши ҳеч гапмас.

Палски суяниб турган девордан қалқиб тикка туриб олди, ёш югурдак бола бақа бўлиб қолди. Палски менга қўл ташлаб уришга улгурмади. Ретник ўрнидан сапчиб туриб, уни четга итариб юборди.

– Бас қил! – деб бўқирди у Палскига. Кейин менга қараб: – Ўзингни бос. Бўпти. Айтган гапларимни қайтиб олдим. Ҳамма гапни ўзингга олаверма, – деди.

Қизик, илгари лейтенантнинг бундай хушмуомала бўлиб қолганини ҳали бирон зот кўрмаган.

Сигарет чекиб туриб нима бўлган бўлса, ҳаммасини батафсил гапириб бердим. Ҳар ҳолда, Нью-Йоркка Стелла билан бирга қайтиб келганимни айтганим йўқ. Шу ерда у билан ажрашдик. Стелла одатий ҳаёт тарзига тушиб олгандан кейин учрашиб юришимиздан маъни йўқ эди. Шакарнинг

ози ширин дейишади. У менга яхшилик қилди, мен ҳам яхшилик билан жавоб қайтардим. Хаётини изга тушириб олиши учун Жефферсоннинг пулидан эмас, пешона терим билан топган ўз пулимдан беш юз доллар бердим. У қайғу аралаш табассум билан миннатдорчилик билдирди, шу билан биз хушчақчақлик билан хайр-хўшлашдик. Бўлиб ўтган воқеаларни гапириб бергунимча Ретник иккита сигарани чекиб тугатди. Кейин югурдакни ҳисоботни кўчириш учун жўнатди-да, Палскини чиқариб юборди.

– Тобутни очишга тўғри келади, – деди Ретник учинчи сигарани тутатаркан. – Қарияга бу иш унчалик ҳам ёқмас керак.

– Нега ёқмайди? Ахир, унинг ўғли эмас-ку?

– Тўғри, – деди у ўйлаиб. – Бу ишни шов-шув қилмасдан тезроқ ими-жимиди қилишимиз керак. Яхшиси, сен бу ҳақда қариянинг розилигини ол. Ахир, унинг оилавий даҳмасини очишимиз керак бўлади-ку.

– Розилигини оламан.

– Газетачилар бу ҳодисага пашшадек ёпишиб олишади, – руҳи чўкиб деди Ретник. – Улар катта жанжал чиқариб юборишлари ҳам мумкин.

– Бўлиши мумкин.

У бу масала юзасидан бир неча сония ўйга ботиб ўтирди. Кейин портсигарини чиқариб, менга тутди.

– Йўқ, чекмайман, – дедим қўлини қайтариб. – Кўп чекиш ўпка ракини келтириб чиқаради.

– Ҳа... унутибман. – Ретник портсигарни чўнтагига солди. – Ортиқча шовқинни хоҳламаган бўлардим. Бу борада умидим сендан.

Орага узоқ жимлик тушди. Мен турдим.

– Бориб жаноб Жефферсон билан гаплашай.

Кўнғироғингни кутаман. Рухсат олган заҳоти бориб қабрни очамиз.

– Хўп бўлади.

– Райан, ёдингда бўлсин, полициядан дўст орттириш-орттирмаслигинг фақат ўзингга боғлиқ.

– Агар сиз мени унутмасангиз, мен ҳам ҳеч қачон сизни унутмайман.

Мен пастга тушиб машинамга ўтирдим-да, бирмунча фурсат ўйга чўмдим. Биринчи навбатда, идорамга боришим, нима

гап, нима сўз, билишим керак. У ердан Жейн Уэстга қўнғироқ қилиб, мени қабул қилишларига ижозат олишим лозим.

Мен идорам жойлашган бинога бориб қаватимга кўтарилдим. Эшикни очиб, Жек Уэйднинг ўз котибасига ниманидир айтиб ёздираётган овозини эшитдим. Эшик олдида ерда бир тўда хатлар сочилиб ётарди. Уларни олиб ёзув столимга ташладим. Хона дим, деразани очиб юбордим. Қўшни хонадан Уэйднинг йўғон овози эшитилди. Стол олдига келиб хатларни нари-бери қараб чиқдим. Уларнинг ичидан учта хат эътиборимни тортди. Қолганини саватга ташлаб юбордим, кейин Жефферсоннинг қароргоҳига қўнғироқ қилдим. Гўшакни эшик оғаси кўтарди. У ким қўнғироқ қилаётганини сўради. Ўзимни таништирдим. Шу заҳоти Жейн Уэстнинг овози янгради.

— Мистер Жефферсоннинг котибаси гапиряпти. Бу сизмисиз, жаноб Райан?

Мен “ҳа” деб жавоб бердим. Кейин жаноб Жефферсонга Гонконгга бориб келганим ҳақида ахборот бермоқчиман, борсам бўладими-йўқми, шуни билмоқчи эдим, дедим.

— Албатта, бўлади, кундузи соат уч сизга маъқулми?

— Ҳа.

— Бирон нимани аниқлай олдингизми?

Унинг овозидан хавотирга тушган-тушмаганини сезиб олишнинг иложи бўлмади.

— Бораман, — дедим такрорлаб, кейин гўшакни қўйдим.

Кейин уйга келдим-да, соқолимни олиб, ювиниб-тарандим.

Ҳалиям ўша-ўша хўмрайган, камгап эшик оғаси эшикни очиб, мени Жейн Уэст ўтирадиган хонага кузатиб қўйди. Унинг ранги синикқан, қовоғининг ости бир оз қорайган, худди мен Гонконгга бориб келгунимча тунларни бедор ўтказганга ўхшарди. Унинг хонасига кирганимда табассум қилиб ўрнидан турди, лекин кўзлари совуқ эди.

— Яхши бориб келдингизми, жаноб Райан? Ўтиринг.

Мен ўтирдим. Жейн ҳам ориқ қўлларини тиззасига қўйиб, синовчан назар билан менга тикилди.

— Мистер Жефферсон сизни ўн дақиқадан кейин қабул қилади. Саёҳатингиз муваффақиятли ўтдими?

– Ҳа, саёҳат кўнгилдагидек бўлди.

Чўнтагимдан Беллингнинг суратини олиб унга узатдим.

– Эсингиздами? Сиз менга мана шу суратни бериб, уни Герман Жефферсон, дегандингиз.

У қўлидаги расмга қараб туриб аста сўради:

– У ўлибдими?

– Германми? Ҳа, энди ўлди.

У чўчиб тушди. Бир фурсат каловланиб қолди. Кейин бошини кўтарди.

– Бу қандай юз берди?

– Сиз у гиёҳванд моддаларни ташувчи контрабанда билан алоқадорлигини билармидингиз?

– Ҳ-ҳа... билардим.

– Гап бундай, бу ташкилот унинг умрига зомин бўлди. У иккиёқлама ўйин қилмоқчи бўлган. Лекин уддалай олмаган. Буни қаердан билардингиз?

Қиз бирмунча вақт сукут сақлади.

– Бу ҳақда менга хат ёзган эди, – деди у ниҳоят ҳорғин ҳолатда. – Қаранг, уни севиб қолиб нақадар аҳмоқлик қилган эканман-а, у бундан фойдаланибди. Баъзан аёллар пасткаш эркакларни севиб қолади-ю, уларнинг домига тушади, эркаклар эса, уларни истаган кўйга солишади.

– Унда нега сиз, бу Герман деб, манави суратни бергандингиз?

– Мен мистер Жефферсонни бўлажак кўнгилсизликлардан ҳимоя қилмоқчи бўлган эдим. Бу инсон мен билган одамлар ичида энг покиза ва олийжаноб инсон, ўғли нималар билан шуғулланиб юрганини билмаслиги керак...

– Бу суратни қаердан олган эдингиз?

– Буни менга Герман жўнатганди. У отасига ярим йилда бир марта, менга эса тез-тез хат ёзиб турарди, – бир оз иккиланиб тургандан кейин у шундай деди: – Сизга тушунтириб беришга ҳаракат қиламан. Бир неча йил муқаддам биз Герман билан ошиқ-маъшуқ бўлдик. Бу орада болали бўлдим. Германнинг пасткаш одамлигини билсам-да, барибир уни севардим. У менинг туйғуларимни ерга урарди. Гонконгга кетгандан кейин ҳар хил учрашган одамларнинг суратларини юборарди. Шу ҳисобдан хитойлик қизнинг ҳам расмини юбор-

ган. Буни атайлаб менинг асабимни бузиш, кўнглимни совутиш учун қиларди. Кейин бир куни ўртада умумий бир иш қиялпмиз, шу одам билан деб, Беллингнинг суратини юборди. Афтидан, бу расмни юбориб, ҳақиқатни ёзаётганини исботламоқчи бўлган бўлса керак. У бир сафар минг доллар юбор, ҳаётимни бошқатдан бошламоқчиман, деди, лекин мен кўнмадим. Кейин оғир мусибатга йўлиққани ҳақида бошқа бир хат келди. Ана шу хатидан унинг гиёҳванд моддалар билан савдо қилувчи контрабанда ташкилотига алоқадорлигини тушуниб олдим. У хатда Фрэнк Беллинг автомашина ҳалокатида ҳалок бўлганлигини, лекин ташкилот у эмас, Герман ўлган деб билишини маълум қиларди. Буни ниқоблаш учун Жоян Беллингнинг жасадини Герман деб АҚШга олиб келган эди. Бу Герман ўлган деб ташкилотни ишонтириш учун ягона имконият эди. — Жейн алам билан кўлини ёзди. — Буни билиб, унинг нақадар пасткашлигидан даҳшатга тушдим. Буни мистер Жефферсон билмаслигини жуда-жуда истаган эдим. Бундай қилмаслигим керак эди. Лекин нима қилай, шундай қилдим.

Гапирмай ўтирганимдан фойдаланиб Жейн яна гапга тушди.

— Герман менга хитойлик бир кишининг манзилини берган. Унинг исми Вонг Хопхо. Бирон-бир кўнгилсизлик бўлгудек бўлса, Вонгга хат ёзгин, деганди. Мистер Жефферсон сизни Гонконгга жўнатишга қарор қилганда, мен уни бундан огоҳлантирган эдим. Бор ҳақиқатни мистер Жефферсон билишини истамагандим.

— Энди буни у барибир билади, — дедим руҳим тушиб. — Буни яширишга ҳаққим йўқ.

— Нега энди? — алам билан деди у. — Умрининг сўнгги кунларида, ўғлим ҳалол одам бўлган эди, деб бемалол оёгини узатиб, у дунёга кетса бўлмайdimи?

— Чунки, иш жуда чигаллашиб кетган. Тобутни очиб кўриш керак, полиция ҳаммасидан хабардор. Шундай экан, бу жиноятни сир тутиб бўлмайди. — Мен унга қарадим. — Бу ишларга сизни аралаштирмасликка ҳаракат қиламан. Сизга қилишим мумкин бўлган ягона ёрдамим мана шу бўлади.



Эшик тақиллаб эшик оғаси кирди.

— Мистер Жефферсон сизни қабул қилмоқчи, — деди у. — Мен билан юринг.

Мистер Уилбер Жефферсон ўша катта юмшоқ ўриндикда мен Гонконгга кетганимда қандай ёнбошлаб ўтирган бўлса, келганимда ҳам ўрнидан турмагандай худди шундай ўтирарди. У ёнидаги стулни кўрсатиб ўтиришга таклиф этди.

— Шундай қилиб, йигитча, қайтиб келибсиз-да. Хойнахой, мен учун маълумотлар тўплаб келган бўлсангиз керак.

— Ҳа. Лекин сиз билишни хоҳлаган нарсалардан бошқа нарсаларни ҳам билиб келдим. Сиз ўғлингиз қандай шароитда яшаганини аниқлаб кел, дегандингиз. Мен буниям аниқладим.

У менга қараб елкасини қисиб қўйди.

— Нимани аниқлаган бўлсангиз ҳаммасини батафсил гапириб беринг.

Мен Гонконгга Германиянинг бошига тушган мусибатни лўнда қилиб гапириб бердим. Фақат унинг қандай қилиб ўлдирилганини айтмадим. Кўрфаздан мурдасини топиб олишибди, деб қўя қолдим. Жефферсон гапларимни бўшлиққа тикилганча қимирламай эшитди. Гапим тугамагунча, сўзимни бир марта ҳам бўлмади.

— Хўш, ундан кейин-чи? — деди менга диққат билан қараб.

— Полиция тобутни очиш учун сизнинг розилигингизни сўраяпти.

— Розиман. Калитни мисс Уэстдан олишингиз мумкин.

— Ўғлингизнинг жасади яқин кунда келиб қолади, — деб гапимни давом эттирдим. — Шу ҳафтанинг охирларига қадар...

— Ташаккур, — деди у эътиборсиз. — Герман шу қадар паст кетади деб ҳеч қачон ўйламаган эдим. Гиёҳванд моддалар билан савдо қилиш — бу дунёда энг жирканчли иш.

Бунга бирон нима деб жавоб бермадим.

— Қайтанга, унинг ўлиб кетганиям яхши бўлибди, — давом этди у. — Энди унинг хотини ҳақида. Қотилни аниқладингизми?

— Йўқ ҳали. Мен терговни давом эттиришимни хоҳлаясизми?

— Нега хоҳламас эканман? — Мен ҳалиям ўғлининг тақдири ҳақида ўйлаётганини сездим. — Агар сизга бирон нима зарур бўлиб қолса, масалан, пул дегандек, бемалол мисс Уэстга мурожаат қилаверинг. Бу ифлос ишни охирига етказиш керак. Қотилни топинг.

— Яна бир ўринсиз савол бермоқчиман, мистер Жефферсон. Сизнинг меросхўрингиз ким бўлади?

Савол уни ҳайрон қолдирди. Кейин тушунмаган қиёфада менга тикилди.

— Бунинг энди нима аҳамияти бор?

— Аҳамияти йўқ, албатта, кечирасиз, агар сир бўлмаса айтсангиз.

У қовоғини уйди.

— Йўқ, сир эмас. Лекин нега бу ҳақда сўраб қолдингиз?

— Агар Германнинг хотини тирик бўлганда васиятномада унинг номи кўрсатилармиди?

— Албатта. У бойлигимнинг ўғлимга ажратилган қисмига эга бўларди.

— Бу жуда кўпми?

— Бойлигимнинг ярми.

— Демак, жуда кўп экан. Иккинчи ярми кимга қолади?

— Мисс Уэстга.

— Демак, у ҳаммасини оларкан-да?

Чол менга диққат қилиб тикилди.

— Худди шундай. Лекин нега сиз бу нарсага катта қизиқиш билан қараяпсиз?

— Қизиқувчанлик — менинг касбим, — шундай деб хайрлашиб ташқарига чиқдим.

Мисс Уэстни илгариги жойидан топдим.

— Кираверинг, мистер Райан, — совуққина деди у хотиржамлик билан.

— Менга даҳманинг калити керак. Полиция тобутни очиб кўрмоқчи. Лейтенант Ретникка калитни олиб келаман деб ваъда бергандим. Мистер Жефферсон рози, бунга қаршилик қилмайди.

У қутини очиб калитни олиб берди.

— Мен бор гапни мистер Жефферсонга гапириб бердим. У буларнинг ҳаммасини хотиржам туриб қабул қилди. Хафа бўлгани йўқ.

Киз бу гапни эшитиб тақдирга тан бергандай елкасини қисиб қўйди.

— Қария барибир Жояннинг қотилини топасан, деб туриб олди.

— Буни топа оламан деб ўйлаяпсизми?

— Ҳар қандай қотиллик унга олиб келган сабабдан бошланади. Назаримда, мен бу қотилликнинг сабабини топгандай бўляпман. Вақтингизни олмайман. Иш тугаши билан калитни келтириб бераман.

Эшик оғаси мени қўча эшикка кузатиб қўйди. Машинанинг олдига бориб ўгирилдим. Жейн пардани суриб, деразадан мени кузатиб турганига кўзим тушди.

Лейтенант Ретник билан сержант Палски полиция машинасидан тушиб, қабристон дарвозаси олдида менга қўшилишди.

— Бунақа жойларга келишни жинимдан ёмон кўраман, — деди Ретник лабига сигара қистирганча.

— Эртами-кечми ҳаммамиз ҳам шу ерга келамиз, — дедим файласуфларга ўхшаб.

— Ўзим ҳам биламан, буни менга эслатмай қўя қол, — жеркиб берди Ретник. — Қабристонларга бориб юришни ёқтирмайман, демоқчиман, холос.

Катта дарвозадан ўтиб, дўмпайиб турган сағаналар оралаб йўлак бўйлаб кетдик.

— Уларнинг даҳмаси анави ерда, — деди Палски, — чапдан тўртинчи.

— Ана у, — Ретник шундай деб мендан калитни олди.

Биз чўян панжара билан ўралган, бир текис тош ётқизиб қурилган даҳма олдида тўхтадик.

Ретник калитни Палскига узатиб менга қаради.

— Қария Жефферсон бу ҳақда нима деди? — деб сўради мендан. — Гаров ўйнайман, боплаган бўлса керак!..

— О-о, — дея ҳайқириб юборди Палски. — Биздан олдин бу ерда кимдир бўлишга улгурибди

Биз яқин келдик. Палски даҳманинг эшигини ланг очиб юборди, ҳатто калитнинг зарурияти ҳам бўлмай қолди, чунки қулф бузилган эди.

— Қўлингни теккизма! — огоҳлантирди уни Ретник. Биз зиналар орқали пастга тушдик. У қўл чироғи билан даҳма-

нинг ичини ёритди. Қаршимизда тўртта тобут турарди. Улардан бирининг усти очиқ, қопқоғи йўқ. Унинг остида узун қўрғошин парчаси ётибди.

— Жин урсин, афтидан, мурдани ўғирлаб кетишганга ўхшайди! — хайрон бўлди Ретник.

— Эҳтимол, тобутда умуман мурда бўлмагандир? — деб тахмин қилдим.

Лейтенант ғазабдан кўкариб кетиб, шартта менга ўғирилди.

— Буни қандай тушуниш мумкин? Мендан бирон нимани яширдингми?

— Мен билганларимнинг барини сизга рўй-рост гапириб берганман, — дея хотиржам туриб жавоб бердим. — Энди бу ёғига калламни ишлатишимга ҳеч нима халал бермайди.

Ретник жаҳл билан Палскига ўғирилди.

— Тобутни бошқармага олиб бор. Мутахассисларга топшир, бирон-бир бармоқ изларини топишар. Биз эса, сал нарида турамыз.

У мени кўлимдан маҳкам ушлаб даҳмадан нарига олиб кетди. Бу вақтда Палски машинанинг олдига бориб ким биландир телефонда гаплаша бошлади. Ретник бир қабрнинг устига ўтирди-да, оғзига сигара тикди.

— Оббо изкувар-эй, каллангда яна нималар бор, барини тўкиб соласанми?

— Ҳозирча ҳеч нима йўқ. Худди шу дақиқада сизни кимнингдир хотинининг ёки кимнингдир онасининг қабри устида ўтирганингиз ташвишга солмаяптими?

— Тупурдим кимнинг қабрининг устида ўтирганимга, — бўкириб юборди Ретник. — Бугун эрталаб менинг қайноғам — шаҳарнинг обрўли мэри телефон қилиб, манави чигални қачон ечишимни сўради. — Лейтенант жаҳл билан сигарани чайнай бошлади. — Бундай савол сенга ёқадими? Ҳатто ўз қайноғам менга босим ўтказяпти!

— Сизга кийин, — дедим.

— Нимага асосланиб сен тобутда мурда йўқ бўлган деб ҳисоблаяпсан?

— Калламга шундай фикр келиб қолди-да. Даҳманинг эшигини бузиб, ундан Беллингнинг жасадини олиб ташлаш ва унинг ўрнига Жефферсоннинг мурдасини солиб қўйиш кимгаям керак бўларди. Энди шунга ишонч ҳосил қилдимки,

тобутда умуман мурда бўлмаган. Гонконгдан тобутнинг ичига қўрғошин бўлагини солиб жўнатишган.

Ретник ўйланиб қолди.

— Унда тобутни очиш бировларга нима учун зарур бўлган.

— Ҳамма гап ана шунда-да! — бирдан ким нима учун очгани ярқ этиб калламга келди. — Шунақаям анқов бўламанми-а! — пешонамга шарт этиб урдим. — Буни тушуниш жуда оддий-ку. Нега илгари калламга келмаганини қаранг-а!

— Нимани назарда тутяпсан? — Ретник ўзини тутиб тура олмади.

— Тобутда героин бўлган! — хайқириб юбордим. — Икки минг унций героин! Яширин иш кўришнинг энг қулай усули! Гонконгдан жўнатишда оқилона ўйлаб топилган тадбир.

Ретник менга тентак одамга қарагандай тикилди. Кейин ирғиб ўрнидан туриб кетди.

— Ҳа... бу гапда жон бор. Менимча, биз энди чигални ечганга ўхшаймиз.

— Жефферсон героинни ўмарганидан кейин тез орада қўлга тушганини сезиб қолади. Шунча миқдордаги героин — бу жуда катта пул-да. Кейин бир ўқ билан икки қуённи уриш йўлини ўйлаб топади. У Жоянга отасига хат ёздириб, мурдани ўз ватанига олиб кетишини топширади. Эсингизда бордир, унинг ҳеч қанақа пули бўлмаган. Шундай бўлса гиёҳванд моддани қандай олиб кета оларди? Шунинг учун жасад ўрнига гиёҳванд моддани жойлашни режалаштирган. Бунинг барча харажатини Жефферсоннинг отаси қоплаган. Беллингнинг мурдасини тобутга жойлаб Америка элчихонасидан рухсатнома олган. Уни жўнатиш олдидан жасадни олиб ташлаб қўрғошин қопланган героинни алмаштириб қўйган. Герман Гонконгда яшириниб юрган чоғида героинни олиб кетаётган Жоян бежавотир жойда эканлигидан кўнгли тўқ бўлган.

— Унда героинни ким олиб қўйган? — Ретник умидвор бўлиб менга қаради.

— Маккарти Германни денгизга ташлашдан олдин ит азобида қийнашганини айтиб берган эди. Ташкилот аъзолари ундан героин қаерда эканлигини билиб олмоқчи бўлишган. Эҳтимол, улар ҳақиқатнинг тагига етишгану, кейин балки ортидан ўз одамини юборишгандир, тагин билмадим.

Ретникнинг юзига қон югурди.

— Худди шундай бўлгани аниқ. Ҳар ҳолда бу ишлар энди менинг ваколатимга кирмайди. Бунга гиёҳванд моддаларга қарши курашадиган бўлимдагилар бош қотиришсин. — У ҳомийларча елкамни қоқиб қўйди. — Сенинг эса, биродар, пичоғинг мой устида.

— Ҳали ҳаммасига аниқлик киритилгани йўқ. Нима сабабдан хитойлик қиз менинг олдимга келгани муаммо.

Ретникнинг юзидаги табассум ғойиб бўлди-ю, у қовоғини солиб олди.

— Ҳа, ростданам, нима учун келган?

— Менда қизнинг ўлдирилишида героиннинг аҳамияти йўқ, деган фикр туғилипти, — дедим. — Жоян қариянинг ярим мулкани қўлга киритиши керак бўлган. Бу ҳақда бугун эрталаб Жефферсоннинг ўзи айтиб берди. Энди бутун мулк котибанинг қўлига ўтади.

Ретник менга қаради.

— Сен хитойлик қизни котиба ўлдирган деб тахмин қиляпсанми?

— Йўқ. Барибир уни ўлдириш учун қўлида асос бор эди-да. Мен сизга илгариям унинг дўсти бор бўлиши мумкин, деб айтгандим. Лекин бу нарса қиз келиб-келиб менинг хонамда ўлдирилганини исботлаб беролмайди.

Ретник гарданини қашиди.

— Ҳа, Жейннинг ёрдам берадиган ҳамфикр дўсти бор-йўқлигини аниқлаш керак, — истамайгина деди Ретник. Лекин шу он уни Палски чақириб қолди.

— Биз билан боғланиб тур, бирон нимани аниқлашга уришиб кўраман. — Шундай деб у қўлида телефон гўшагини кўтариб турган Палскининг олдига шошилди.

Мен соатга қарадим, беш ярим бўлибди. Билмайман, негандир шу пайтда идорамга боргим келиб қолди. Хонага кирдим, деразага келиб сигарет тутатдим, фикримни йиғиштириб олишга Уэйднинг:

— Мен кетяпман, эртага учрашамиз, — деган овози халақит қилди.

Эшик тарақлаб ёпилди. Шу пайт Жек хонамга кириб келишини жуда-жуда истадим. Лекин у тез-тез юриб, эшигим ёнидан ўтиб кетди. Бир зум ўтмай пастга тушиб кетаётган лифтнинг овози эшитилди. Мен хаёл суришда давом этдим.

Тезлик билан бир тўхтамга келишим керак, лекин калламга ҳеч нима келмасди.

Жоян Жефферсонни ким ўлдирган бўлиши мумкин?

Шу он бирдан узоқ-узоқлардан самолётнинг овози кулоғимга чалинди. Кейин овоз тинди. Сал ўтмай самолёт моторининг товуши яна такрорланди. Мен самолётнинг бундай гуриллаган овозини Хардвик билан гаплашган ўша машъум кунда эшитган эдим. Ўшанда у Кеннот-бульвардаги кимсасиз бунгалони тун бўйи кузатишимни илтимос қилганди. Аста қулоқ солсам самолёт овози қўшни хонадан эшитилляпти. Йўлакка чиқиб, Жекнинг қабулхонаси эшигини очдим.

Уэйднинг хуркак котибаси магнитофон устига энгашиб олган, динамитдан ҳавога кўтарилаётган самолёт овози тараларди.

— Мен ёнгинамизда аэропорт қурилибдими деб ўйлабман, — дедим ҳазиллашиб. Қиз чўчиб тушди-ю, шоша-пиша магнитофонни ўчириб, менга ўгирилди. Унинг феруза кўзлари қўрққанидан катта-катта очилиб кетди. Кулимсираб унинг олдига келдим.

— Сизни қўрқитиб юборганимдан жуда афсусдаман. Бу ғалати шовқинни эшитиб нима гап экан, деб киргандим.

Қиз бир оз хотиржам бўлди.

— Бундай қилмаслигим керак эди. Манави тасмага ёзилган нарсалар қизиқ экан... мистер Уэйд уйига кетганди...

— Тасмани бошидан қўйинг-чи... Яхши магнитофон экан.

Қиз нима қиларини билмай қолди.

— Балки, қўйишга арзимас. Мистер Уэйд буни хохламаган бўларди.

— У хафа бўлмайди. — Мен столга яқинлашдим, қиз менга жой бўшатиб нари турди. — Ёмон нарса эмас экан.

Мен тасмани орқасига айлантириб клавишни босдим. Хонани аэропортда бўладиган шовқин босиб кетди. Мен бирикки дақиқа магнитофонни эшитиб, уни ўчирдим-да, қизга қараб кулиб қўйдим. Мана, ниҳоят мен Хардвикни топган эдим. Менга ҳаёт хуркак қизнинг қизиқувчанлиги билан ўз тухфасини тақдим этган эди.

— Мистер Уэйд бугун қайтиб келмайдими?

— Йўқ.

— Хўп бўлмаса, уни эртага кўрарман. Хайр.

Идорамга қайтиб кириб қўлларим қалтираганча сигарет тутатдим. Бир оз ўтиб соат ҳам олти бўлди, котиба қиз идорасини кулфлаб кетди. Кейин йўлак бўйлаб бошқа идораларнинг хизматкорлари тапир-тупур у ёқ-бу ёққа юра бошлашди. Мен ҳаммаёқ тинч бўлиб, оёқ товушлари тинишини кутиб турдим, кейин эшикни очиб, йўлакка кирдим. Шиша эшиклар қоп-қора бўлиб қолди. Бутун қават бўйлаб мендан бўлак бирон жонзот қолмади. Келиб очқич билан эшикнинг дастагини суғурдим. Уэйднинг эшигини очишга икки дақиқа вақтим кетди. Хонага кириб у ёқ-бу ёққа қарасам, девор ёнида пўлат сандиқ турибди. Афсуски, калитларимнинг биронтаси ҳам унга тушмади. Уни портлатиб очиш мумкин эди, холос. Лекин бундай таваккалга боргим келмади. Бошқа хонани кўздан кечирдим. У ерда стол устида ёзув машинкаси билан магнитофон, ёнида картотека солинган қути турарди. Демак, мен кидирган нарса фақат пўлат сандиққа солиб қўйилган бўлиши керак. Мен магнитофондан аэропортнинг шовқини ёзилган тасмани олдим-да, ўрнига қутидан бошқасини солиб қўйдим. Кейин чироқни ўчирдим, эшикни очик қолдирилган ҳолда ўз хонамга ўтиб, манзиллар дафтаридан Уэйднинг телефон рақамини кидирдим. У Лауренс-авенью кўчасида турарди, бу ердан ўн дақиқача йўл. Мен телефон рақамини тердим, аммо ҳеч ким жавоб бермади. Ҳар ярим соатда Уэйднинг телефон рақамини сабр қилиб терардим. Ниҳоят, кеч соат ўнларга яқин у гўшакни кўтарди.

— Нельсон Райан гапиряпти, — дедим.

— О, салом, — ҳайрон бўлгандай Уэйднинг овози янгради. — Эсон-омон бориб келдингизми? Сизга бирон ёрдамим керак эмасми?

— Ҳа, саёҳат жуда яхши ўтди. Мен идорадан гапиряпман. Эшигингиз ёнидан ўтиб кетаётиб қарасам эшик ланг очилиб ётибди. Афтидан, котибангиз кулфлашни унутган кўринади. Хоҳласангиз қоровулни чақириб захира калит билан кулфлатиб қўяман.

Уэйднинг нафаси чиқмай қолди.

— Жуда бемаза иш бўлибди-ку, — деди у бир оз сукунатдан кейин. — Ҳозир бораман.

— Ўғрилар очганга ўхшамаяпти.



— У ерда магнитофон билан ёзув машинкасидан бўлак ўғирлайдиган ҳеч вақо йўқ. Лекин шундай бўлса ҳам, барибир ҳозир етиб бораман.

— Ўзингиз биласиз. Қоровулни чақириб эшикни ёптириб қўйиш менга қийинчилик туғдирмайди.

— Йўқ-йўқ, ташвишланманг. Ўзим бораман. Котиба қандай қилиб эшикни очиқ қолдирганига тушунмай турибман. Ҳеч қачон бундай қилмаган эди.

— Балки, биронтасини севиб қолгандир, — дея кулиб юбордим. — Унда майли, мен кетдим.

Мен гўшакни осиб, чироқни ўчирдим. Кейин Уэйднинг идорасига ўтиб, котибанинг курсисига ўтирдим. Ёнимдаги столга тепкисини тушириб тўппончамни қўйиб қўйдим.

Орадан йигирма дақиқалар ўтгандан кейин қулоғимга лифтнинг ғижирлаган овози эшитилди. Тўппончани қўлимда тутиб эшикнинг орқасида яшириниб турдим. Тез-тез ташланган қадам товушлари эшитилиб, бир зумдан сўнг хонанинг чироғи ёнди. Уэйд кира солиб атрофга аланглай бошлаганини эшикнинг тирқишидан кўриб турдим. Кейин котибанинг эшигини очганда мен деворга сиқилиб қолдим. У у ёқ-бу ёққа аланглаб идорасига кирди. Калитнинг шиқирлагани ва қулфнинг очилгани эшитилди.

Мен эшик ортидан чиқдим. У ичидаги жавонларида шишалар ва колбалар териб қўйилган эшиги очиқ пўлат сандиққа чўккалаганча қараб турарди.

— Героин ҳалиям шу ерда турибдими? — деб сўрадим аста.

Уэйд калтак егандай чўчиб тушди-да, мен томонга ўғирилди. Мен тўппончамни унга тўғриладим. У ранги докадай оқариб, ўрнидан турди.

— Сиз бу ерда нима қияпсиз? — овози бўғилиб деди у.

— Пўлат сандиқни очмоқчи бўлган эдим, очолмадим. Шундан кейин калламга уни ўзингизга очтириш фикри келиб қолди. Нарн туринг, ноўрин ҳаракат қилманг.

— Мана, — деди Жек. Унинг асаби дош беролмади. Кейин юмшоқ курсига ўзини ташлади-ю, юзларини кафти билан ёпиб олди.

Мен қутига назар ташладим. Унинг ичида эликдан ортик полиэтилен халта турарди.

— Бу Жефферсон ўғирлаган героинми?

Уэйд орқага суянган ҳолда оқариб, тер босиб кетган юзларини артди.

— Ҳа. Буни менда эканлигини қаердан билдингиз?

— Сиз магнитофондан тасмани олиб қўйишни унутиб қолдирибсиз, котибангиз ўта қизиқувчан экан. У магнитофонни эшитиб ўтирганида ўзимга таниш бўлган шовқинни эшитиб шу хонага кирдим. Бу саргузаштнинг охириги ҳалқасини ана шундай қўлга туширдим.

— Ҳа, менинг хотирам доим панд бериб келган... Ҳатто юздан бир ҳолатда хато қилиш учун бир имконият бўлса ҳам, у менинг ҳиссамга тушади. Сиз менга Гонконгга кетишингизни маълум қилганингизда овозингизнинг оҳангидан тушунган эдим. — У умидсиз бир ҳолатда менга қаради. — Мен ўшандаёқ бу тугунни албатта ечишингизни ва ипнинг охириги учи менга келиб тақалишини билгандим. Шундай ваҳимага тушган эдимки, бир жиноятчини топиб, уни ҳатто сизни ўлдиришга ҳам ёллаган эдим. Қай даражада тубанлик ботқоғига ботиб кетдим-а! Сизни йўқотиш қўлимдан келмаганидан кейин жиноятларим фош бўлишини вақт кўрсатади, деган қарорга келдим. Афсуски, мен бу жиноятга шу қадар шўнғиб кетган эдимки, охири нима билан тугашини кутиб юришдан бошқа иложим қолмаганди.

— Агар бу нарса сизга таскин берадиган бўлса, шуни айтиб қўйишим керакки, сиз ортингиздаги изларни деярли йўқотиб келдингиз. Менинг шубҳам Жефферсоннинг котибасига тушганди.

— Ўзим ҳам ундан шубҳаланишингизни режа қилгандим. Шунинг учун унинг Герман билан ошиқ-маъшуқ бўлганини сизга гапириб бергандим. Лекин мен Гонконгда Германияни қидириб топишингиз ва у ҳамма гапни сизга айтиб бериши тасаввуримга сиғмаганди.

— Жояннинг келишини қаердан билгандингиз?

— Аввалдан режа тузиб қўйгандим. Мен сизга бор гапни айтиб бердим, лекин ҳаммасини эмас. Германияни ёмон кўраман, деб алдагандим. Аслида биз қалин дўст эдик ва муттасил алоқа қилиб турганмиз. Сўнгги икки йил мобайнида ишим ортга қараб кетди ва ишимнинг зарур бўлган ҳадисини ололмадим. Эҳтимол, Жефферсон билан хат ёзишиб турга-

нимизнинг боиси ҳам шундадир. Ҳа, ишим борган сари орқага кетаверди, оқибатда пулга муҳтож бўлиб қолдим. Шу вақтларда Герман менга хатида гиёҳванд моддаларнинг катта партияси қўлимга тушиб қолди, деб маълум қилди. У ҳам уларни нима қилишини билолмай турган экан. Мен ундан героинни ўзим пуллай олмайманми, деб сўрадим. Гиёҳванд моддаларни сотиш менга қийинчилик туғдирмасди, лекин у йўқ эди. Герман яна хат жўнатди. Хатда ёзишига қараганда, Жоян пул топиб юбормагунича Гонконгдан чиқиб, Америкага келолмас экан. Алданган шериклари тинимсиз уни қидираётгани, агар топиб олишса, ўлдиришлари аниқ экан. Ниҳоят, мен бойиб кетиш йўлини топгандай бўлдим. Героинни жуда катта фойдасига сотишим мумкин эди. Шу заҳоти унга ҳаммасини сотиб олишимни маълум қилдим.

Биз Жоян аэропортдан тўғри шу ерга келишига ва пулни олишига келишдик. Герман Жоян қайси рейс билан келишини маълум қилмаган эди. Мен эса, из қолдирмаслик учун аэропортга маълумотнома тайёрлашдан чўчидим. Қизни ўлдиришим кераклигини билардим. — У қалтироқ тутган қўлларига қараб қўйди. — Аввалига ҳеч қандай виждон азобига тушмадим, фақат мурдани қаерга яширишни билолмадим. Кейин уни сизнинг хонангизга олиб чиқиб қўйишга қарор қилдим. Сиз хусусий изкуварсиз, ҳар ким ҳам уни сизнинг мижозингиз деб ўйлаши мумкин. Кейин тергов жараёнида ҳаммаси қоришиб кетади-ю, ҳеч ким мен ҳақда ўйламай қўяди, деган фикрга келдим...

Хитойлик қиз келган вақтда сизни қандайдир йўл билан алдаб бошқа ёққа жўнатишим керак эди. Мен магнитофон сотиб олганимда самолётларнинг учиш-қўниш пайти тасмага тушириб қўйилган кассета бор эди. Уни ҳар эҳтимолга қарши асраб юардим. Аэропортда кўрингим келмади ва тасмадаги эски ёзувдан фойдаланишга қарор қилдим. Сизни бирон ёққа жўнатиб, мен — яъни мистер Хардвик сизнинг кўзингизга кўринишдан қочдим...

Менга Германнинг хотини ҳечам келмайдигандек кўринган эди. Ниҳоят, у кириб келди. Менга тамоман ишонч билдириб, героин аэропортда — тобутда турибди, деди. Уни ўлдириш фикридан қайтишимга бир баҳя қолди. — Жек кўзини

юмиб олди. — У жудаям мулойим, ёқимли қиз эди. У пул ҳақида гап бошлаганда ўзимга келдим. Уни сизнинг тўппончангиз билан отдим. — Уэйд титраб кетиб тер босган юзларини артиб қўйди. — Мурдани сизнинг хонангизга олиб чиқдим. Бор гап шу. Менга энди барибир. Бу нарсалар бари мени жуда қийнаб юборди. Сизнинг қайтишингизни зориқиб кутдим. Келганингизни эшитиб сиз билан тўқнашиш учун оёғимда заррача мадор қолмади. — У ёлворувчан қиёфада менга юзланди. — Мени нима қилмоқчисиз?

Вужудимда унга нисбатан шафқат туйғуси заррача бўлсаям уйғонмади. Қотилликни менга тўнкамоқчи бўлди. Қотил ёллаб мени ўлдиришига бир баҳя қолди. Германнинг хотинини шафқатсизларча ўлдирди. Бунинг устига, у деб шўрлик Лайло ўлиб кетди. Ўзи билмаган ҳолда унинг ўлимига сабабчи бўлди.

— Ўзингиз нима деб ўйлайсиз? — деб сўрадим. — Ҳозир полицияга телефон қиламан, — шундай дея гўшакни кўтариб, телефон рақамини тера бошладим. Шу заҳоти у ўрнидан сакраб туриб, ўзини эшикка урди. Оёғига отиб бўлсаям, тўхтатишим мумкин эди. Лекин узоққа қочиб бора олмаслигини билардим.

Мен Ретник келишини кутиб шу ерда қолишим зарур эди. Полициячилар уни орадан ярим соат ўтиб, кўча охиридан, ўз машинасидан топишибди. У заҳар ичиб ўлибди.

Ҳаётдан кўз юмишнинг осон усули...

— Кўриб турганингиздек, мен ҳақиқатнинг тагига етишдан анча узоқ эканман, — дедим Ретникка. — Бу ишга Жефферсоннинг котибаси аралашган, деб гаров ўйнашга ҳам тайёр эдим. Уэйд билан бир тасодиф орқали тўқнашиб қолдик. Агар унинг котибаси қизиқувчан бўлмаганда, ҳеч қачон Жекнинг изига тушолмаган бўлардик... Ҳа, баъзан ҳақиқатнинг рўёбга чиқишида оддий бир бахтли тасодиф ёрдам берди.

Ретник менга сигара тутди.

— Менга қара, Райан, — деди у. — Мен ишни ёпишим керак. Ўз обрўйимни сақлаш учун сендан кўра кўпроқ қайгуришим зарур. Агар ёрдамимга таянмоқчи бўлсанг, бундан буён мендан узоқроқ юр.

— Мени эсдан чиқариб қўйманг, мен ҳам сизни унутмайман, — деб кулдим. — Лекин лейтенант, эҳтиёт бўлинг, қария Жефферсон қаттиқ шов-шувни ёмон кўради. Унинг ёлғиз ўғли гиёҳванд моддалар сотувчи гуруҳга қўшилиб қолганини ҳамма биладиган бўлса, охири бахайр бўлмайди. Уэйднинг ўлгани эса, Сизнинг бахтингиз. А, лаббай?

Ретник бу гапдан саросимага тушиб қолди. Уни шу ҳолда қолдириб чиқиб кетдим. Бу саргузаштларда мен ростакамига ачинган аёл бу хитойлик қиз Лайло эди. Унга чин юракдан раҳмим келганини ачиниб ўйларканман, беихтиёр кўчани кесиб ўтиб, Сперроунинг майхонасига йўл олдим.

---

## МУНДАРИЖА

Кузғун — сабри қуш  
3

Гонконгдан келган тобут  
177

*Адабий-бадиий нашр*

**«Жаҳон адабиёти» кутубхонаси**

**ЖЕЙМС ХЕДЛИ ЧЕЙЗ**

**ҚУЗҒУН — САБРИ ҚУШ**

*Роман*

---

**ГОНКОНГДАН КЕЛГАН ТОБУТ**

*Роман*

Мухаррир *А. Зиядов*

Бадиий муҳаррир *К. Зокирова*

Рассом *Ш. Адилев*

Техник муҳаррир *Д. Габдрахманова*

Мусахҳиҳ *Г. Азизова*

Компьютерда тайёрловчи *Ф. Чанишева*

Нашриёт лицензияси АИ №158, 14.08.09.  
Босишга рухсат этилди 01.03.2012.  
Офсет қоғози. Бичими 60×90<sup>1</sup>/<sub>16</sub>.  
“Peterburg Uzbek” гарнитурасида офсет усулида босилди.  
Шартли босма табоғи 20,5. Нашр табоғи 20,26. Адади 5000.  
Буюртма №12-70

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг  
“O'zbekiston” нашриёт-матбаа ижодий уйи.  
100129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30

Телефон: (371) 244-87-55, 244-87-20  
Факс: (371) 244-37-81, 244-38-10.  
e-mail: [uzbekistan@iptd-uzbekistan.uz](mailto:uzbekistan@iptd-uzbekistan.uz)  
[www.iptd-uzbekistan.uz](http://www.iptd-uzbekistan.uz)







8700c



③

Жеймс Хедли ЧЕҲЗ

# КУЗҒУН - САБРЛИ ҚУШ

«O'ZBEKISTON»

ISBN 978-9943-01-797-9



9 789943 017979